

ЖЎРА ҚОРИ БЎТАКЎЗ

БЎТАКЎЗНОМА

БАДИА

**Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент – 2013**

УЎК: 821.512.133

КБК 84(5Ў)7

Б99

- 938-сраб.

Бўтакўз, Жўра Қори

Бўтакўзнама: бадиа/ Ж.Қ. Бўтакўз. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2013. – 376 б.

Масъул мухаррир:


Тохир Малик

41808
2

Мазкур асарда болалик чоғида Ватанни тарк этишга мажбур бўлган Жўравойнинг бошига тушган кечинмалар ҳикоя қилинади. Бу воқеалар фақат бир кишининг кечинмалари эмас, балки большевиклар зулми туфайли Ватанни тарк этган минг-минглаб ватандошларимизнинг кечмишидир, десак, муболаға бўлмас.

УЎК: 821.512.133

КБК 84(5Ў)7



ISBN 978-9943-06-491-1

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2013 й.

ДАРДОҒ ОТА

Ўзбекистон жумҳуриятининг Андижон вилоятига қарашли ихчамгина қишлоқ. Қишлоққа Жалақудуқ, Қорасув, Ойим бўйлаб уч томондан ҳам борилса бўлади. Қишлоқнинг чети эса, Олойга, қирғиз яйловига уланиб кетади, шунинг учун ўзбек чорвачиларининг ўн минглаб, юз минглаб қўй-қўзилари Олой яйловида бокилар эди. Қишлоқ аҳолиси ўн мингта бўлса, керак, юмушлари оқ олтин етиштириш. Тўрт-беш минг тонна пахта етиштиришар эмиш, мева-чеваси ўзига етарли, азалдан девзира гуручнинг қонидир. Бу ерда Ҳамробой исмли бой бор. Ўз замонасида пахта тозалаш заводи бор экан. Босқинчилар даврида фабриканинг машина-ускуналарини сўкиб Қўрғонтепага олиб кетилган. Бугун эса, пахта маркази бўлиб ишлатилмоқда. Ойимқишлоқдан келаверишда бувам Ҳамробой ўтказган чинор дарахтлари оралаб келинади. Қорасув томондан келаверишда бувам Эгамберди офицернинг жияни Раҳмон Ҳожининг шинам, серманзара ҳовлиси бор, ҳовлининг ташки-ички орқа боғлариб бўлиб, уч бўлақдан иборат эди. Қишлоқда юқоригузар, қуйигузар аҳли иккита бозор ери бор. Мулла Эргашбойнинг қумош дўкони, ошхона, чойхоналари билан обод бўлса, бўлгудек. Дўконлар таги Ҳамробойники, бозор ерда минорали Жоме масжиди бор. Мадрасанинг икки томонида хужралар, атрофдан келган талабалар ўқиб-истикомат қилмоқда. Ҳаражатлари Ҳамробой томонидан таъминланар эди. Бу маълумотларни Ўзгандан келиб, ушбу мадрасада таҳсил олган Ҳожи Парпи ота қирғиз менга Истанбулда ҳикоя қилиб берган эди. Масжид рўпарасидаги эшикда 1926 йилда Турғуннисо билан Ҳусайнбойвачча оиласида дунёга келдим. Дадам Ҳамробой билан Нишонбуви оиласида бирданига дунёга қадам қўйган уч боланинг биридур. Бувим Турғуннисо, Меҳринисо отин билан Эгамберди

саркарда оиласининг кизи эдилар. Мендан кейин дунёга келган синглим ҳозир Мадинада истиқомат қилмоқда. Кўча эшикдан кираверишда меҳмонхона бўлиб, саҳнида бир неча туп мевали дарахт ҳовлига ҳусн бериб турар эди. Ўрта эшикдан ичкари кирилганда рўпарадаги ҳовлига сўрида қафасдаги тутининг «қори, мактабга бор, мактабга бор» деган овози эшитиларди. Унг томонда қатор ишқомли узум дарахтлари, бир туп ўрик, тўрт туп гилос, икки туп анжир, тўғрироқда бир туп олма, бир туп беҳи бор эди. Ҳовлининг ўртасидан кичик сув оқиб ўтар эди. Бир-икки жойда чархпалак орқали айланиб оқиб турган сув гулларни, дарахтларни суғорғач, кўчага ўтиб, масжид томон оқар эди. Ҳовлининг ўртасида сўри бўлиб, нонушта шу ерда қилинар, айниқса, ёз пайтида сўридаги ҳаётнинг гашти ўзгача. Тутининг талқини, кушчаларнинг чуғурлашиб узум чўқиши, кўпгина узум шингиллари оқ халтачаларда очикда қолганлари — кушчаларнинг насибаси. Сўл томонда айвонли йўлаккли хоналар бўлиб, зерхоналарда кишга сақланадиган ҳўл-қурук мевалар учун токча жойлар бор эди. Қиш кунлари ўчоқ, сандал, уй ичида бўлиб, ёзда ўчоқ, тандир ҳовлининг этагида эди. Қиш кунлари бувимнинг зерхонида сирли кўзалардаги пишириб қўйилган гўштдан олиб чикиб тездагина овқат килиб қўйганини эслайман. Дадам Хусайнбой қулок бўлиб, боскинчилардан қочиб, аллақаякка кетган бўлса-да, тинч ўтирар эдик. Эгамберди ора кунда бувим Ҳанифахон мени, синглимни етаклуб Куйи гузардаги Меҳринисо отин бувисини кўргани бориб турар эдик. Катта бувимларнинг ҳам ички-ташқи бўлимга бўлган уйлари олдида кўприклар бўлиб, окин сув кўпригидан ҳовлиларга ўтиларди. Меҳмонхона вазифасини ўтаган кўча томонга қараган болохона, шунингдек, отхона, қўйхона, молхона, сингари бўлимлари бўлган ҳовли эди. Икки айвонли бўлаккли хоналар, оқ халтада сузма учун осиб қўйилган оқ халталардан тарс-турс зардоб томчиларнинг жомга тушган овозини ҳали-ҳали эслайман. Эгамберди офицер авваллари кўзғолончи бекларни қурол-яроғ, озиқ-овқат билан таъминлаб турарди. Кейин кўрдикки, бекларда илм йўқ, хунар йўқ, сиёсат йўқ, таш-

килотчилик йўқ, устига- устак, ўлдирилаётган одамларнинг кўпи ўз улусимиз. Яна бошқа номақбулчиликларни, хурриятталаб босқинчиларга қарши айтарлик бирор иш қила олмаслигини кўргач, улардан юз ўгириб, офицерлигича қолаверишган. Мустабидлар у кишига уч минг куруллик аскар бериб Далдо ота, Ойимқишлоқ, Хонобод, Қорасув, Сузоқ, Жалақудук томонларнинг тинчлигини сақлаш вазифасини берган. Ўшандан кейингина бу қишлоқларда кўзғолончи беклар зўравонлигидан, кизил аскарларнинг талон-тарожидан кутулиб бир қадар нафасларини ростлаб олишган. Бу натижагача айтиб ўтилган қишлоқларда қиёмат барпо бўлиб, бир ҳафта беклар ҳукм юргизса, қочғач, босқинчилар келиб қишлоқларни талаб тураркан. Яна бир ҳафта ўтгач кўрбошилар келиб кизил русларни қувиб, қишлоқларни бу сафар улар талай бошлаган. Ҳар икки талончи ҳам ўтакетган тарбиясиз, беадаб одамлар бўлган. Мана шу аҳволга қарши кўрашиб, элу юртнинг бир қисмини тинчитиб қўриқлаб турган Мулла Эгамберди офицер эди. Эгамберди офицерга орден ҳам берилган. Бу оиланинг офицерлик даромадидан ташқари, ўзига қарашли ерида гуруч етиштириш рўзгорини белгилаб турган. Ҳар жиҳатдан ўзига тинч оила деб ҳисобланар эдилар. Катта бувим—а отин буви чеварлиги, хайри эҳсонлилиги билан Чевар отин ҳам дейиларди. Ўша алмисоқ даврида катта бувимнинг попоп машинаси бўлгани учун қишлоққа танилган.

ТОШБУВИ

Катта бувимларнинг уйидан нарироқда Тошбуви исмли хоним яшар эди. Чевар, чакқон, ўттиз ёшларда бўлса, керак. Унинг кўриниши ўта камбағал, мажнунсифат, оми эди. Паришонхотир, кўрган ҳамон кишининг ачиниш туйғуси кўзғаларди. Ҳар кунги маротаба Отинбувига чиқиб ҳол-аҳвол сўрашиб, биргаликда емак еб, ўз уйига чиқиб кетар эди. Отинбуви унинг соғлигини сўраб бирор камчилиги бўлиб-бўлмаганлигини сўраб-суриштирар, айрим замонларда кўйлак, камзул тикиб кийдириб қўй-

ганини кўрар эди. Отинбуви уни сенлаб бирор нарса керак бўлса, тортинмай айт, ўтин керак бўлса, ана санжир, ўтин олиб чикиб кетавер, дер эдилар. Тошбуви бир кун чиқмай қолса ҳамон одам юбориб хабар олдиар, агар ховли очик қолган бўлса, отинбувининг ўзи дарҳол чиқиб хабар олиб, аччиккина суюкош пишириб, олиб чиқиб ичириб кўяр, дори-дармон қилар эди. Ҳафтада бир чиқиб уйларини супириб, тозалаб, ҳар тарафини тартибга келтириб кўярди. Тошбуви чаккон бўлсада мосуво бўлгани учун бундай ишларнинг кераклигини пайқамас эди. Тошбуви кунлардан бир куни ҳар галгидек ўтин олиб чиқиб кетаётганида тоғам Саиджон кўлидан ўтинларни тортиб олиб «Нимага ўтин оляпсан?», деб дўк қилади. Бечора Тошбуви йиғлаб чиқиб кетади. Катта бувим у куни уйда йўқ экан, меҳмондорчиликдан уйга қайтиб келса ўғли Саиджон иситмалаб ётган эмиш. Нима бўлди деб суриштирса туппа-тузук юрган бола Тошбувини уришиб, йиғлатиб, чиқариб юборганлигини кўшни хотин айтади. Ҳамон Тошбуви одам юбориб чақиртиради. Отинбуви аразлаб хафа бўлиб қолган Тошбуви чақирилганига карамай чиқмайди. Кейин эса, бувининг ўзи чиқиб: «Вой Тошбуви, сенга нима бўлди, кичик боладан ҳам киши хафа бўладими? Сен эсли қизимсан-ку, кўй хафа бўлма, худа-бехуда нарсаларга уйнинг эгаси менман, сен эса, қизимсан, қўлингдан ўтинни олиб кўйса, нари тур болакай, ойимнинг ўзлари рухсат берган. Қанча керак бўлса, олиб кетавер деган, демайсанми. Кап-катта қиз бўла туриб, болакайдан хафа бўласанми?» деб ялиниб-ёлвориб, олиб чиқиб келадилар. Аввало азиз меҳмонни яхши севги билан, самимий меҳр билан меҳмон қиладилар. Хафа бўлиб қолгани учун овқат емаган экан, кўзидан бир-икки томчи ёш окқан ҳолда аста-секин овқат ейди. Катта бувим овқатдан кейин ҳазил-хузул гаплар билан Тошбувининг кўнглини ром қилиб, «болани кечириб, куф-суф қилиб қўй, иситмалаб қолибди, тузалиб қолсин», дейди. Тошбуви ҳам куф-суф қилиб, «тур ўрнингдан, тузалиб қол», дейди.

Эртасига Саиджон тоғам соғайиб қолади. Юқорида Тошбувига табиблик қилиб, тоби қочиб қолганда дори-

дармон килиб кўйишида Отинбибининг табибликдан хабари борлигини пайқаган эдик. Бир куни кўчадан лўлилар қабиласи ўтиб кетаётганида Саиджон тоғам уларнинг кучугини ўғирлаб уйга олиб келади. Катта бувим: «Нимага бундай қилдинг? Эгасига қайтариб бер кучугини» деса ҳам қайтариб беролмайди. Чунки кўчманчи лўлилар кетиб қолишган эди. Аста-секин кучук сал катта бўлиб қолгач, бўйнига қамиш тақиб, қозиққа боғлаб кўйишади. Мен эмаклаб итнинг олдига борганимни ҳеч кимса билмай қолади. Кучук хап этиб қулоғим ва бетимни тишлаб олади. Ҳай-ҳайлаб югуришиб, кучукдан мени қутқазиб олишади. Каттабувим ярамга малҳам суркаб юриб қулоғимни тузатиб олади.

ЗУЛМДАН ТЎЙИБДИ

Амаким Мўмин бойвачча Афғонистонга қочиб ўтмоқчи бўлиб, Амударё бўйидаги ўрмонларда бир неча вақт қолиб кетиб, йўл топиб кета олмай, қўл панжаларини совуққа олдириб қишлоққа қайтиб келади. Панжалар ириб, тушиб кетади. Отинбуви дори-дармон килиб тузатиб олади. Панжалари тўкилиб, чўнта бўлиб қолганда ҳаётини чўлта қўллари саклаб юради. Шу ҳолига қарамай, қулоқсан деб аллақасерга руслар олиб кетган. Шу бўйи йўқ бўлиб кетган. Дардоғ ўзига тўқ бўлгани учун истараси иссиқ, алғовдалғовлардан қочиб паноҳ истаб келган кўчманчиларни ҳам бағрига олиб сингдира оларди. Бунинг билан қултур алмашиб, чиройига чирой қўшилиб, ҳар жиҳатдан бойиб турар эди. Мана Махсум домла, Кўкондаги машҳур Ошиқ Махсумнинг укаси, маҳалланинг кўрки эдилар. У кишига Ҳамробой уй берди, ўзига набира куёв килиб олди. Ошиқ Махсум авлоди серфайз маҳалламизнинг кўрки эдилар. Икки улуғ диний одам мударрис домла эдилар. Бу икки дин олимининг кўча кўйда юрганида одамларгина эмас, дов-дарахтлар ҳам ҳурмат килиб эгилар эди. Бугунларда ҳам ошиқ Махдум авлодининг ва мударрис домланинг фарзандлари қишлоқда яшамоқдалар. У улуғлар, айниқса, тўю ҳашамларда, расм-русумларда, зиёфатларда бўлсалар

хар тараф файзга тўлиб-тошар эди. Ҳар бир йиғиннинг тўрига шулар шараф бериб турар эди. Кишлоғимизнинг улуғи Ҳамробой мулла Эгамберди офицер ҳам булардан кайғуда ўтирар эди. Бугун кишлоғимизда мударрис доманинг ҳам авлоди бор. Тўй-томошаларга узоқдан азиз меҳмонлар, ашулачилар, чолғучилар келиб тўйларнинг, ўтиришларнинг доврўғини оламга ёйиб, овозасини Олойдан эшитиб турар эдилар. Ўзбек улусида азал-азалдан фольклор тусига кириб қолган бир расм бор. Ҳар бир оилада фарзанд дунёга келса исм қўйиш маросими бўлади. Мен, мендан кейин синглим дунёга келганимизда ҳам исм қўйиш маросими бўлди. Шу муносабат билан катта бувимнинг онаси Ҳожи она урушдан кейин менга ва болаларига жўра бўлиб юрсин деб Жўравой деб исм қўйганлар. Шокиржон тоғам авлиётабиат одам эдилар. Бир куни қўшни хотин гузарга бориб сатилдек бир идишда тухум берибди, баққолга бориб неча пулдан оласиз? — деса, баққол бир сўмга ўнта олармен дебди. Тоғам «йўк, бўлмайди, бир сўмга йигирматадан сотаман» дебди. Баққол «ундай бўлса, майли, бир сўмга ўн иккита олай деса, «йўк, ўн саккизта бераман», дебди. Ҳеч бўлмаса, ўн олтита оламан», дебди. Баққол «йўк ўн тўрттадан оламан» дебди. Кейин майли деб, ўн тўрттадан сотибди. Демок ис-тайманки, кишлоғимизда инсонлар ана шундай содда, пок бўлишган.

РУС ИСТИЛОСИ

XVIII аср охирида руслар Бухоро вилоятига қарашли Сибирни босиб олган. Яна анча ён-берида қўшниси бўлган бошқа халқларни ҳам ўзига қарам қилиб олишга улгурган эди. XVI асрнинг иккинчи ярмида ҳеч қандай қонуний сабаб бўлмагани ҳолда, жуғрофияси туташ бўлмаган ҳолда, ҳар жиҳатдан қаралса ҳам бошқа миллат бўлишига қарамай ҳе йўк, бе йўк рус босмачилари Ўрта Осиёга бостириб келиб, гўзал Ўрта Осиёни ҳам ўз ерларига айлан-тириб олдилар. Идора қилишда сопини ўзидан чиқаришга уста руслар Туркистон ўлкасини бўлиб-бўлиб ҳукмронлик

қила бошладилар. Адолат ишлари хонлар давридагидек муллалар қўлида қолдирилди. Ижорий ишлар эса,, минг-боши отлик чаласаводларга, айрим жойларда саводсизларга топширилди. Бутун миллат гафлатга ўралгандан кейин миллат танасига руслар зулукдек ёпишиб, қонларини сўра бошладилар. Халқ саросимага тушади. Истиқлол талаб қилиб Муҳаммадали халифа раҳбарлигида Андижонда, Намозполвон раҳбарлигида Жиззахда, шунингдек, бошқа вилоятларда ҳам озодлик талаб қилган ўн мингларча, юз мингларча қўзғолончилар ўлдирилиб, бостирилади. Ўрта Осиё халқига сўрилишдан бошқа чора қолмайди. Руслар эса,, яна ҳам кўпроқ иштаҳаси очилаверади, яна кўпроқ талон-тарож мақсадида режим ўзгартирмоқчи бўлади. Бунинг учун рус миллатчилари Ленинни тиклайдилар. Йўл-йўриқлар кўрсата бошлайдилар. Энди бу шумлар конуний ҳаракатлардек эл оламига ўргатиш учун Маркснинг «Капитал»ини, яна бошқа асарларини топадилар. Маркс дунёга танилган файласуф, дунёда қулдорликни йиқитиб, тинчлик қурилишини истаган донишманд, Ленин эса,, маҳаллий қулдорликни йиқитиб рус қулдорлигини ривожлантиради. Бу сафар русларнинг ўзи қулдор бўлиб қолади. Бу хулосага коммунизм деб ном қўйилади. Назарияга марксизм-ленинизм деб ном қўядилар. Маркс, Ленин бир-биридан бошқа-бошқа одам бўлганидек, идеологиялари ҳам бошқа, мақсадлари ҳам бошқа эди. Юқорида айтганимдек, бири камбағал ишчилар ҳуқуқини ҳимоя қилган бўлса, бири қулликни барпо этади. Назарияларнинг ўхшаш томони йўқ. Лекин руслар бузиб, назария ўғирлиги билан назарияни бир-бирига алмаштириб Маркснинг фалсафасидан безбетларча фойдаланадилар. Сиёсий-иқтисодга бағишланган капитални сиёсий мақсад ўрнида қўлланма қилиб оладилар. Шу билан киёфа ўзгартрилиб, иш услубини ҳам ўзгартиради. Эски тузумларда рус миллатлар танасига зулукдек ёпишиб, сўраётган бўлса, янги тузумда руслар оч бўридек талон-тарожликни бошлайди. Биринчидан, дон-дун ўрнига пахта экилади. Натижада, сунъий қаҳатчилик барпо этиб, улуснинг тинкасини қуритмоқ учун ҳаракатлар бошланади. Бойларнинг мол-мулкани

забт этиб, улуснинг ташаббускор синфидан махрум этилади. Бойларни кулоқ қилиб, Сибирга жўнатиб йўқ қилади. Мақсад сўз соҳибларини ўртадан кўтариш эди. Диний олимларни, руҳонийларни бирин-кетин териб олиш билан ижтимоий жиҳатдан халқнинг турмуш савиясини туширадилар. Қалам соҳибларини халқ душмани деб эълон қилиб, улусни миллий туйғудан ажратиб қўйиш мақсадида қўли калам тутган ҳаммани ўлдириб, улусни қоронғуда қолдирадилар. Мардтабиат одамларни муштумзўрлар деб эълон қилиб, уларни отиб ташлаш йўли билан улусни ичидан ғайратини суғуриб ташлашади. Ушбу зулмлар отилувчилар зулмидан неча баробар ортиб, пичок суякка етди деганларидек, вилоятларда, кишлоқларда ҳар томондан халқ кўлида бор қуроли, кетмон, ўроқ, болта кабилар билан майдонларга тўпланади. Чунки уларда бошқа қурол йўқ эди. Борини ҳам оқ руслар давридаёқ йиғиштириб, олиб бўлинган. Руслар эса, замонавий қурол билан мунтазам тартибли аскар ташлайди. Мудҳиш тўкнашувда ўн минглаб эмас, юз минглаб одам қони тўкилади. Қўзғолон бостирилгач, бу сафар қўзғолончи қони билан минглаб бечора халқ ушланиб, сургун қилинади.

ЭГАМБЕРДИ ОФИЦЕР ЎЛДИРИЛДИ

Офицерни Қўқондаги танишлари меҳмондорчиликка чақиришади. Шу хабардан бошқа гап йўқ. Эгамберди офицер йўқ бўлиб кетади. Хукуматни хабардор қилиб, ариза берилади. Лекин ҳеч қанақа натижа йўқ. Бу орада Меҳринисо отин буви Ўшга бориб дадаси Охунжон ҳожига тўр ташлатади. Охунжон хожи «эринг арик бўйида, бир дарахтнинг тагида ётибди, афтидан тирик эмас», дейди. Бу гал отин буви тўртта лўли хотин топиб, буларни Қўқоннинг тўрт томонига жосус қилиб ташлаш ниятида тарок, сакич, ангишвона, ип, ироқи совун, майда-майда ойнакчалар олиб, хуржунларга солиб, эшикма- эшик кириб, шу нарсаларни сотмоқчи бўлиб гап ўғирлашни буюради. Қунлардан бир куни яна бир хотинга «анави воқеадан қўрқ», дермиш. «Шундай қўрқдим, ҳали ҳам баданимда титроқ

бор. Ўзлари чакириб келган меҳмонни ўзлари ўлдириб, ўлигини хув анави ариққа кўмиб кетишди-я. Овсин, қанақа замон бўлди, қандай воқеаларга шохид бўлмоқдамиз. Ҳар куни ажойиб-ғаройиб воқеалар бўлмоқда. Айниқса, кўрқинч воқеаларни эшитибгина қолмай, айримларни кўзимиз билан кўрмоқдамиз, овсин. Онда-сонда эшитиладиган кўрқинч хикояларни кунда-шунда эшитадиган бўлиб қолдик. Нима бало, киёмат қойим бошланганмикин?» деди. Бу натижага бир йил қидирувдан кейин эришилади. Ҳамон ҳукуматга хабар бериб, ҳаёт ҳолида ўша ерга бориб, аввало ариқни тасвид этилади. Қараса, ариқдан айрим замонларда сув оқиб, айрим замонларда бош тарафдан сув бошқа ариққа буриб юборилганда ариқ бўш қолар экан. Сўнгра тўр бўйича дарахтни топиб, тўхтама келинган, маълум дарахт тагидаги ариқ қавланади. Ниҳоят, жасад чиқади. Фожиани текшириш учун Дардоғ отага Йўлдош Охунбобоев бошчилигида Тошкентдан хайъат келади. Кичик тоғам Ғофиржон шикоятнома ўқийди. Бир неча киши Дардоғ отада, бир нечаси Қўқонда қўлга олинади. Аммо у қотиллар олти ой деганда қўйиб юборилади. Воқеа шуни кўрсатадики, қотиллик ҳукумат иштирокида экан. Демак, фаолият туси ахлокий эмас, сиёсий экан.

КЎЧИРМА

Босқинчиларнинг шум қадамлари Дардоғ отамизга ҳам етиб келади. Қишлоқда кўзга кўринган одамлар қулоқ деб эълон қилинади. Уйларидаги бор-йўқ бисотлари тортиб олиниб, бозорда кимошди қилиб сотила бошлайди. Жумладан, Эгамберди офицер оиласининг ҳам рўзғори кимошди бўлиб сотилади. Жумладан, бизники ҳам. Дадам номаълум тарафга қочиб кетган эди. Бир куни эрта билан ҳар галгидек, бувим Турғуннисо бир қўлида мени, бир қўлида синглим Ҳанифахонни етаклаб, катта бувимларникига бордик. Нима кўрдик, кўзимизга ишонмадик. Кўча дарвозаси, ичкари ҳовли дарвозалари ланг очик. Оғилда от йўқ, сигир йўқ, уйларда ҳар нарса ҳар тарафга сочилган, ҳар томон паришон, уйда одам зоти йўқ.

Кадаме номубораке Маҳмуд,
Ҳар куҷо расад барорад дуд.
(Номуборак қадами Маҳмуднинг
Қайга етар, ўша жойдан чиқар дуд.)

деганлари шу бўлса, керак. Бечора бувим аҳволни кўриб ўзини тута олмай йиғлади. Қўшнилар чиқди, маълум бўлдики, ярим кечада шапкаликлар оила аъзоларини уй ускуналарини ҳам олишга ижозат бермай, фақатгина уст-бошларини кийдириб, олиб кетибдур. Қаёққа олиб кетибдурлар, буни ҳеч ким билмайдилар. Бир неча кундан кейин аравада Қорасувга олиб бориб, у ердан ҳамма ёғи берк юк вагонларда қаёққадир олиб кетибдурлар, деган гап тарқалди. Бундан ортиқ маълумот йўқ.

Тўсатдан шундай ачинарли ҳолат рўй бергач, сарсон бўлиб қолдик. Бир куни эрта билан бир-иккита шапкалик одам деса, кишининг ҳаққи кетадиган, одам кўринишидаги ҳайвонлар уйимизга кириб келди. «Юринг, манави уйда сизлар ўлтиринг, майда-чуйдаларингизни шу ёққа кўчириб ўтинглар, манави иккита уйга ўқитувчи қизлар келади. Бири ётоқхона, бири емакхона бўлсин. Манави учта уй бўш турсин, келадиган меҳмонлар бор. Бири ҳалимхонаю, бири зикрхона бўлади, дейишди. Кейин маълум бўлишича, комиссия келар эмиш. Биз таклиф қилинган уйга кўчиб ўтдик. Кечқурунлари мен йиғласам, «йиғлама, даданг эртага Андижондан сенга суҳари олиб келаркан, мазза қилиб ейсан» дейишар, ўйин-кулги қилишар, рақсга тушишар, қизикчиликлар қилишарди. У кунларда суҳарининг номи бор-у, ўзи анқонинг уруғи экан-да. Шунинг учун суҳарининг отини айтиб мени юпатишарди. Гузардаги мулла Эргашвой баззоз бир парча хатни рўмолчага тугиб палончихонга бер деб, қизларнинг бирига юборар эди. Эртасига қиз ҳам бир парча хатни рўмолчага тугиб, мулла Эргаш баззозга юборар эди. Неча йиллардан кейин, катта бўлганимдан кейин ўйлаб кўрсам, кичкиналимимда ўша аҳволимда бир-бирига хат ташиб бориб, ишқномаларнинг почтачиси бўлиб қолган эканмен.

Воқеалар таъсирида ҳар кун йиғлайдиган бўлиб қолдик. Баъзи кунлари мени, синглимни етаклаб, Қуйигузарга бо-

рар, ҳеч кимни топмас, ҳеч қандай хабар ололмай, йиғлар-йиғлай қайтиб уйга келар эдик. Қимматчилик, қаҳатчилик. Бир куни аммамникига бордик. Меҳмон килди, дастурхонга овқат, ҳўл мева-туршак қўйди. Анча меҳрибончилик килди. Ҳар куни эрта билан нонуштадан кейин боғимиз этагида-ги ҳарсангтошнинг олдига бориб, учқовимиз ўтириб олар эдик. Ҳарсангтошни Ёрилтош деб хитоб қилиб, зор-зор йиғлаб мадад истардик. «Ёрилтош, онамлар қаёқда, укаларим қаёқда? Хабар бер. Мен уларни соғиндим, менга йўл кўрсат, мен уларга қовушай, бизни уларга қовуштир деб баъзи кимлар уввос тортиб йиғларди. Мен бувимнинг бу ачинарли аҳволини кўз олдимга келтириб ҳайрон бўларман. Бувим саводхон эди, кейинчалик Сўфи Оллоёрдан ўқиганларини эслармен, демак, бувим эс-хушининг бир қисмини йўқотган бечора-девонавор бўлганлар.

ҚИРҒИЗИСТОН

1933 йилда дадамдан «Ўшдамен, келинлар» деган хабар олдик. Қадрдон қишлоғимиз билан видолашиб, йўлга чиқдик. Қорасувга бордик. Бозор ўртасидан дарё ўтар экан, дарёнинг ҳар икки лабида ошхона, чойхоналар бор экан. Дарёнинг тўрт ерида чархпалак айланиб, сув чиқариб турибди. Сўлим бир жой чойхонанинг бирида нон-чой ичиб қорин тўйғазгандек бўлдик, Ўшга қараб пиёда юра бошладик. Беришган манзилни топиб бориб, дадамга қовушдик. Бир куни амаким билан Фозил бойваччанинг уйига бориб меҳмон бўлиб келдик. Ўшда ҳам қаҳатчилик, кўча-кўйда егулик бирор нарса топилмайди. Ҳайриятки, кўшни ҳовлининг ертўласида бордонларда ҳар хил дон-дун турарди. Эгаси ҳар куни бировларга дон сотадими, дон оладими, билолмасдим. Тарозуда дон тортгани-тортган. “Бир баракат, икки баракат, уч-тўрт баракат”, шунингдек, овоз эшитилади. У одам бизга қариндош экан. Ундан гуруч, ун олиб турдик.

ОЛИБ КЕТИШДИ

Бир кун кечаси келиб дадамини олиб кетмоқчи бўлишди. Мен дадамнинг оёғига ёпишиб олиб “кетмайсиз” деб

йиғлайвердим. Начора дов-дарахтларнинг раҳми келди. Шапкаликларнинг раҳми келмади. Дадамни олиб кетишди. Қаёққа олиб кетишди, билолмадим. Яна жудолик, яна айрилиқ. Пасту баландни билмаган шаҳарда яна ўзимиз қолавердик. Ўзбекистонда қонунлар бошқа, Қирғизистон қонунлари бошқа. Панох истаб бориб кечирим сўраш мумкин, деган гапларнинг асоси йўқ, шунчаки гап экан. Ўзбекистон, Қирғизистон деган гапларда айтарли ўзгачалик йўқ. Баъзи рус ҳукумати, элу улуснинг молу мулки, ер-суви халқники деб эълон қилган билан халқники бўлиб қолмай, йўқсил русларники бўлганидек, жумҳуриятлар айри-айри бўлгани билан барибир русларники, ҳукм русларники эканлигини яна бир бор билиб қўйдик.

Ўш

Ўш шаҳридан катта бувимнинг бувиси Ҳожиона билан отаси Охунжон ҳожи борлигини билар эдик. Суриштириб кўрдик, уларнинг уйи у юзида экан. Ўш шаҳрининг ўртасидан дарё ўтади. Шунинг учун бу ердагилар дарёнинг у юзидагиларни “у юзидагилар” деса, бу юзидагилар бу юзида ўтирганлар ҳам худди шундай, “у юзи” дер эканлар. Хайтовур у юзда темирйўл кўчасидаги уйлари топиб бордик. Масжиднинг рўпарасидаги уй Ҳожиотага тегишли экан. Ўртача, аммо қалин тахтадан ясалган дарвоза. Тақиллатиб, дарвоза орқасидаги шарақ-шуруқ овоз билан тақиллатувдик, дарвоза орқасидаги шарақ-шуруқ овоз билан эшик очилди. Ичкари кириб қараганимизда билақдек лўкидонни кўрдим. Кейин коридор бор. Ўнгда яна алоҳида эшик. Чамаси тўрт сотих келадиган ҳовли. Уч туп гилос, оғилхонасида от боғланиб турибди. Бу ҳовлида Охунжон ҳожи кенжа хотини билан ўтирар экан. Сўридаги катта ҳовлида катта бувимнинг опаси ўтирар экан. Кўча дарвозани очган ҳалиги хоним келин экан. Кўришиб, аҳволлашиб олдик, кейин ҳожи ота ҳузурига кирдик, илиқ кутиб олди. Дастурхон ёздик, нонушта қилдик. Кейин ҳожи ота билан кўчага чиқиб юқори томон юрдик. Бир ҳовлидан кейинги, қанотлари қалин дарвозадан ичкари кирдик. Олти сотихча

келадиган чоғроқ ҳовли, ўнг томонда икки кўз уйда Ҳожи онанинг катта ўғли Қосим қори ўтираркан. Чап томонида беш-олти туп эшак олма дарахти бор. Ичкари ҳовли томон юрдик, олти сотих ўралган саҳнда уч-тўрт туп дарахт бор. Каттакон бир туп беҳи, ҳовлининг ўртасидан кичик ариқ ўтади. Ўнг қўлда айвонлик хона. Чап томонида даҳлиздаги бир хонада ҳожи она ўтираркан. Зиёрат қилдик. Миқтигина, чаккон кампир катта бувимнинг онаси экан, дастурхон ёздик, чой-пой ичдик. Ўнгдаги айвонли бир хонани бизга беришди. Полос, кўрпа-тўшак, чой идиш, қозон-товоқ—ҳамма нарсаси бор. Керосинда ёнадиган чирок. Шу ерда ечина бошладик. Ёнидаги уйда ҳожи онанинг катта ўғли мулла Собир ўтирарди. Сайиджон исмли касалманд ўғли бор. Гох-гоҳ «шу данакларни чақиб бер», дерди, чақиб берар эдим. Мулла Собирнинг ўзи ката бир китобни мутолаа қилгани-қилган. Бухорода ўқиб, саводини чиқариб келган эмиш. Қўлидаги китоб «Мушкоти Шариф» эмиш. Қосим корининг уйида ҳам, мулла Тохирнинг уйида ҳам йўқчилик. Очарчилик, ҳунук башарасини кўрсатмоқда. Лекин ҳожи онанинг уйида каттакон бир сандик ичида кулча нон, майиз, ёнғоқ, туршак, чой, шакар, ҳамма нарса бор. Чамаси ўғиллар ўз рўзғори билан ўз холича-ю, ҳожи онанинг рўзғорини ҳожи ота таъминлаб турар экан. Ҳожи отанинг ўз уйида ҳам шунақа дастурхон бўларкан. Мен уларга гох-гоҳ чиқиб турардим.

Ҳожи ота мени ҳам отига мингаштириб олди-да, бир кишлоққа бордик. Шу ердан хуржунини ёнғоқ, туршак билан тўлдириб келди. Сирини билолмадим. Ҳолбуки, кўчаларда одамлар очликдан оғзидан кўпик чиқиб, кўча-кўйда йиқилиб қолаётган бир пайт. Нон йўқ, одамлар кунжарани зўрға топиб еб, шишиб ўлиб қолмоқда. Бундай ҳол кундалик кўриниш, одамларнинг кўзи ҳам ўрганиб қолган. Чандон кизиқишмайди.

ЁҚҚОВОҚ ОНА

Анча узоқда, шаҳарнинг бир четида Ёққовоқ номли маҳалла бор экан. Шу ерда ҳожи онанинг бувиси, кат-

та бувимнинг катта бувиси онахон яшар эканлар. Бу хонимни маҳалла-кўй маҳалла ахли билан Ёққовоқ она дейишаркан. Йўлда кетатуриб, улуг Бобир курдирган тоғ ёнбағридаги Оксаройни кўриб ўтдик. Бизни бу онамиз илик кутиб олди. Уйда ўзи, келини ўтиришган экан. Узун бўйли, барваста хотин. Соғлиғи жойида, тетик, ғоз юрибди. Келини нон ёлибди. Дастурхон ёзиб шўрва келтирди. Дастурхонга иккита нон қўйди. Кампир келинига:

– Нонни савати билан олиб келиб қўйинг. Қишлоқдан келишибди, қишлоқда нон кўп ейилади, – деб қулиб, ҳазил қилди. Сатилларнинг бирмунча ерида дастурхон ёзди, дедим. Чунки дастурхон ёзиш эл орасидан кўтарилиб кетган, йўқсил руслар ҳаммаёғини ўзларидек – йўқчиликдек қилиб қўйган бир пайт эди. Кампир сўз бошлади:

– Йўқчилик, очарчилик ҳаммаёғни вайрон қилди, очликдан, кўтирликдан ўлик чикмаган ховли қолмади. Ўғирлик шунчаки гап бўлиб қолди, бирор қизиқмайди ҳам. Ўғирлик қилиш учун одам ўлдиришлар ҳам кўпайиб бормоқда. Ўғлим экин-тикинни пойлаб даладан жилмайди. Уйга ҳам ҳафтада бир зўрға хабар олгани келади. Кечкурун ховлида тўрт калавотча жой қилиб, одам ётгандай қилиб, ёнига сўйил таёк тиклаб қўйиб ётамиз. Анови куни ярим кечадан ошганда оёқ шарпасини эшитиб, боғ томон қараб кузатиб турдим. Бир кишининг секин боғ томондаги девордан боши кўринди. Қараб туриб, ховлига осилиб тушди. У ёқ-бу ёққа аланглади. Ховлидаги отни кўрди, секин бориб, боғ эшигини очиб қўйди. Отни козикдан ечиб, боғ эшиги томон етаклаб қолди. Ўрнимдан даст туриб, қўлимга таёк олиб, «Тешавой, Тешавой, туринглар! Уйга ўғри кирибди», деб шахдам қадам билан ўғри томон таёкни ушлаб, «Теша, Теша, туринглар», деб ҳайқириб, югуриб қолдим. Ўғри отни ташлаб, боғ томон қочди.

МАСЖИД

Бир замонлар обод бўлган Имом хатиби бўлган маҳалла масжиди ҳувиллаб қолибдур. На намозхон бор, на имом бор. Очарчиликдан бойкуш ҳам йўқ. Ҳолбуки масжид имо-

ми Пешкадам домла хонакода савлат тўкиб ўлтирганида атрофида беш-ўнта намозхон, албатта, бўлар экан.

Домла Охунжон ҳожиникидан овқат чикқунича овқат емай тураман, Ҳожининг уйидан келган овқат жуда лаззатли бўлади-да, ҳар бир дона гуручига бир бисмилло кўшгандек бўламан деркан. Қани у файзли суҳбатлар, қани у биллур муҳаббатлар, ҳар ёнда рус маданияти, йўқсуллар маданияти. Гузарон кийин, одамлар баҳорга чиқиб олиш қайғусида. Ердан кўкат унса жон сақлаб қолар эдик, деган умидлари бор. Янги шаҳарда олтин магазини бор эмиш. Олтин ускуна бўлса, олиб, ўрнига ун, гуруч, ёғ берар эмиш деб эшитдик. Бувим билан бордик, бир узук сотдик, ўрнига майда-чуйда, озиқ-овқат олдик. Бу билан бир неча кун жон топдик. Кейин ўрганиб олиб, егулигимиз тугаса, яна ўша магазинга бориб, билагузук, болдоқ, узук каби олтин нарсаларни олиб бориб, ўрнига озиқ-овқат олиб турдик.

ЗАВОД

Бувим мева заводига ишчи бўлиб кирди. Мени ҳам у ерга бир неча маротаба олиб борди. У ерда хотинлар куруқ мевани тахта кути- яшикчаларга тартиб билан териб қўяр экан. Бир дона, икки дона еса бўлар экан. Бувим менга бироз майиз, бироз ёнғоқ берди. Чўнтагингга ташлаб қўйма, дарвозада қараб топиб олса уришади, деди. Айрим хотинлар бир оз туршак ёки ёнғоқни олиб, хожатга бориб липпасига яшириб олса ҳам, текшириб топиб олишар экан.

БАҲОР

Ниҳоят, баҳор келди. Ерга отқулоқ чиқди. Беда ўсди. Одамлар ҳам, биз ҳам отқулоқ, беда териб олиб келдик. Бувим у гиёҳларни ҳамирга қўшиб сомсасимон нон ясаб, қозонда пишириб берарди. Шу ҳолимиз бошқаларга кўра яна тузук бўлди. Бувим бўлса, эртаю кеч йиғлагани йиғлаган. Онасини эслаб йиғлайди. Келгиндиларни қароқчиларни қарғайди холос. Айрим вақтларда хожона:

– Болам, йиглайверма, ўзингни олдириб қўясан. Касал-пасал бўлиб колсанг нима бўлади? Сенга ким қарайди? Болаларингга ким қарайди? Ўзинг кўриб турибсан, қиёмат қойим, эртага ким бор, ким йўқ. Очликдан ўлим чикмаган эшик қолмади, - деди.

Бувим эса, бу кийинчиликларга:

– Оч арвоҳлар, қаердан келдинглар? Эй худойим, бу одамсимон махлуқларни нима учун яратдинг? - деб яна уввос тортиб йиғлар эдилар.

– Эҳтиёт бўл, болам, ўзингга эҳтиёт бўл, бувингга қовушиб ҳам қоларсан. Шунча одам қаерга кетади, бир ердан хабари чиқар. Тўзимни қўлдан берма, болам, - деб насиҳат қилар эди хожи она.

Бувим юм-юм йиғлар, овоз чиқариб ҳам йиғлар эди. Улар анча тузук одамлар экан. Бошқа одам бўлса, қўясанми-йўқми бизни, безовта қиялпсан дерди.

МАКТАБ

Бувим мени мактабга ёздириб қўйди. Мактабдан қайтишда айрим вақтларда йўл-йўлакай бувимнинг холасиникига учраб ўтардик. Бувим уларнинг томорқа боғчасидан отқулоқ, жағ-жағ териб оларди. Мен болалар билан ўйнардим. Мева пишиғида мева, айниқса, ўрик еб келардик, қариндош-уруғ қизиктириб, бизга яхши кўз билан қарашарди.

ҚАМОҚХОНА

Ўша кўчада қамоқхона бор эди. Айтишларига кўра, жуда катта турма эмиш. Уни худди кечагидек кўз олдимда кўриб тураман. Ҳар ярим соатда ундан икки отлик бир эшикка чиқиб ўтарди. Тўрт гилдиракли арава. Саржин ўтиндек юкланган ўликлар. Усти ёпилган бўлса-да, араванинг у ёғидан-бу ёғидан гоҳ ўликлар боши, гоҳ оёғи кўриниб турарди. Ўликларнинг кўплиги отларнинг зўрға тортишидан, араванинг ғарч-ғурчидан билиниб турарди. Ўликларнинг араваси ярим соатга бормаи бўшаб қайтиб келарди. Ҳар ярим соатда яна ҳарбий манзара такрор-

ланарди. Одамларнинг айтишларича, уларнинг уйидан қабристонга йигирма дақиқалик йўл экан. Қабристонни биз ҳам кўрардик. Оқ саройнинг йўлида, тоғ этагида. У ерда казиб қўйилган зовурлар бор экан. У ердаги ишчилар ўликларни бош-оёқ зовурга ташлаб, устидан оҳак сепишар экан. Арава эса,, изига қайтиб келаверар экан. Яна ҳалиги кўрқинчли кўриниш. Бу даҳшатли манзарани одамлар ҳар куни шу аҳвол деди. Қамокдаги одамлар мамлакатнинг ҳар ёнидан ҳар хил бўхтон билан ушлаб келинган, уларнинг қариндош-уруғларига хабар берилмайди. Суд қилиш йўқ ҳисобида, учта ўрисдан иборат комиссия ўзларини қизиқтирган бир нечта гапни сўрайди-да, отувга ҳукм қилади, дедилар. Одамлар у ерда очликдан, касалликдан ҳам ўлмоқда экан. Ҳар куни 500-600 ўлик. Мамлакат ҳудудларида шундай даҳшат ҳукмрон эди.

ТОШКЕНТ САФАРИ

Кичик холамизнинг турмуш ўртоғи, ёшроқ бир одам билан дадамни кўргани поездга тушиб, Тошкентга жўнадик. Бир тўхтамдан кейин кондуктор билетимизни текшириб, русча бир балолар деб бизни поезддан тушириб юборди. Нима бўлди, билолмадим. Бувим русча билмайди, раҳбаримиз — отахоннинг ҳам русча саводи йўқ. Поезд бекатида анча овора бўлиб қолдик. Чиптахонадан суриштирдик.

— Бу бекатдан Тошкентга кетолмайсизлар, янги поезд келади. Чиқариб қўярман, Ўшга қайтасизлар, - деди.

Ўшга қайтиб бордик, Тошкентга кетадиган бошқа поездга чиқиб, тинчиб олдик. Поезд Тошкент томон ҳаракат қилди. Бир бекатдан кейин кондуктор яна русчалаб бир нималар деди-да, чипталаримизни қайтариб берди. Поезд ҳаракатда, ҳайтовур, чипталарда чаток жойи йўқ экан. Енгил нафас олдик. Аввалги поездда одам тикилинч эди, зўрға жой топиб олувдик. Бу поезд ҳам йўловчилар билан тўла. Мени йўлакдаги юк турадиган жойга ётқизишиб қўйишди. Яна бир-икки бекат келдик. Чарчаб ухлаб қолибман, поезд ҳар бекатда туриб, қайтиб ҳаракат

қилганида бир силкитиб олар экан. Ана ўша силкинишда ўзимни тутолмай йўлакка тап этиб тушдим. Нарирокда кетаётган кондуктор чўчиб орқасига қаради. Яхшиям, ҳеч еримга шикаст етмади. Бу кондуктор каттик-курук бир нималар деди. Шунда бувим:

— Чиптамызда чатоклик борга ўхшайди. Чипталарни ўз идорасидан олувдик-ку. Тавба... - деб паришонхол ўйланиб қолди.

Поезд ҳаракатда. Бир вақт ярим яланғоч одам қўлида пичоқ тутганча «бор пулингни чиқар», деб одамларнинг пулини бирин-кетин йиғиштириб ола бошлади. Бувим:

— Вой, айланай акахон, бизда чиптамыздан бошқа пул йўқ, - деб турганди, шу заҳоти орқадан уч-тўртта милиция келиб халиги қароқчи-киссавурни чамбарчас тутиб, қўлини орқасига боғлаб кетишди. Яна бир бекатда поезд тўхтади. Халиги кондуктор олдимизга келиб, «юринглар, поезддан тушасизлар» деди. Поезддан тушдик. Кондуктор бир идорага келиб, идорадаги ўрисвой билан нималарнидир гаплашди. Бизни унга топшириб ўзи чикиб кетди. Идрадаги киши ҳам русчалаб нимадир деб ўтир ишорасини қилди. Бу ерда узок ўтириб қолдик. Донишманд раҳбаримиз отахон билағонлик қилиб:

— Тошкентга эрингни кўргани бораётганингни бирор киши билиб қолганга ўхшайди-ку. Турмадагилардан хабар олиш чаток эди-ку. Энди бизларни жавобгарликка тортяпти. Бу планингни кимга айтувдинг? Ҳайтовур, қутулиб олсак бўларди, - деб юзига маъюслик аломати чўқди.

Бирор соатдан кейин халиги идорадаги одам яна бир одам билан келиб, бизни кўрсатиб имо қилди. Кўркиб кетдик. У одам биз билан ўзбекча гапириб:

— Сиз тушган поезд «Махсимка», чипталарингиз эса, скорий, «Махсимка» тикилинч, ёмон поезд бўлади. “Скорий” яхши поезд, ўзларингга хос, шунда кетасизлар. Шунақа яхши билетларингиз бўлатуриб, «Махсимка»да нима қилиб юрибсизлар Яна бир соатдан кейин Андижондан скорий келади. Шу ерда ўтиринглар, мана шу одамнинг ўзи вагоннинг хона рақамини топиб, чиқариб қўяман деяпти, деди.

Бувим миннатдорчилик билдирди.

— Бой бўлсин-е, билет сотган кишига майда бола бор, ёши катта ота бор, яхши жойдан чипта беринг деган эдим. Хайрини топгур, у одам яхши билет берган экан, ўзимиз билолмабмиз-ку, - деб қўйди. Тошкентга ҳам етиб келдик, меҳмонхона суриштирдик. Шайхонтохурда топилади дейишди. Шайхонтохурга бориб, меҳмонхона суриштирдик. Бир одам “Анави кампирдан сўранглар, бўш уй бор. Мусофирларга бериб юради” деди. Излаб бордик, онахон жой берди.

Эртаси кўчанинг бир неча ерида ўлик кўрдик. Очликдан кўча-кўйда одамлар ўлиб ётибди. Шаҳар идорасидагилар териб-териб олиб кетгунча кўриниш шу эмиш. Яна поезд билан Янгийўлга бориб, дадамни топдик, ҳолаҳволини сўрадик, олиб келган майда-чуйда, мева-чева, бир неча кулча нонларни бердик. Биргалашиб чой ичдик.

— Қамоқдан бўшатар эмиш деган миш-миш гаплар бор. Ҳамма ҳам катта умид билан ёруғ жаҳонни кўмсаб ўтирибди, - деди дадам.

Шу билан Ўшга қайтдик. Бир-икки ойдан кейин яна Тошкентга бориб, дадамни кўролмай келдик. Идорадан суриштирувдик, «билолмадик, қаёққадир олиб кетишибди», деган қисқа жавобни олдик.

СОБИРЖОН ТОҒАМ

Мен мактабга бориб-келиб юриб алифбони танидим. «Бодринг-диринг-диринг, хандалак-далак-далак» жумлаларининг ўқилишини, ёзилишини ўргандим. Мана, бугун ҳам ўша «далак-далак» жумлаларини ёзиб турувдим. Бувим мени мактабдан олгани ҳар кунгидан эрта келиб қолди. Ўқитувчидан бир нима деб ижозат сўради-да, қўлимдан тутиб мактабдан чикди.

— Тоғанг келди, уйда бизни кутиб турибди, тезроқ оёқ ташла, - дедилар.

Уйга келдик, ҳар тараф жимжит. Тоғам онаси, укалари мажбурий кўчирма бўлишидан олдин бир томонга қочиб рўйхуш бўлган экан. Катта тоғам Собиржон синглим би-

лан ўтиришган экан. Афтидан тоғамнинг келгани сир тутилган. Ёлғиз ҳожи онанинг хабари бўлса, керак. Бувим иккита тугунни тайёрлаб қўйган экан. Тугунчаларни кўтариб тоғам билан секин уйдан чиқдик. Ҳожи она қараб турган эди. Уйдан секин чиқиб келди-да, паст овозда:

— Эсон-омон оналарингга ковушиб олинглар, - деб хайр-хўш қилиб дуо қилдилар.

МИЛПОН

Шу бўйи поездда, сўнгра пиёда юриб Милпон исмли жойга етиб бордик. Катта бувимлар шу ерда экан. Қаерга бордик, Милпон деган жой қаерда, бувимгача билолмадим. Катта бувим Меҳринисо отин, Сайиджон, Шокиржон, Ғофуржон тоғамларимга ковушдик. Айниқса, бувимнинг қувончи чексиз, онаси Отин буви ҳам ўзида йўқ қувонч ичида. Уйда катта байрам бўлиб кетди. Отинбуви у ерда бригадир бўлиб, пахтазорда ишлар экан. Сайиджон, Шокиржон тоғаларим ҳам пахтазорда ишлашади. Ғофиржон тоғам мактабда. Отинбуви шундай ҳикоя қилди:

- Қорасувдан поездда олиб келиб, қаерлигини билмайман, ҳаммани катта бир майдон саройга ташлаб қўйишди. Атрофда кўриқчи аскарлар бор. Шу қадар ваҳимали, қиёматки бировга биров қизиқмайди. Бир-бирини танимайди, ҳар ким ўзи билан овора. Қиёмат дегани шу бўлса, керак дейман. Қилич таккан бир офицер «сизлар Мулла Эгамберди офицернинг авлодими? Сизларда сарпараст эркак киши йўқ экан. Шунинг учун ариза беринглар, аризани менинг номимга ёзсаларингиз бўлаверади. Сизларни Дардоғ отага қайтариб юборамиз. Сизларда шундай ҳуқуқ бор, - деди. Лекин катта бувимга бу гап маъқул тушмабди. Эл билан Милпонга келишади, каттакон пахта экилган майдон, ўртада учта бир кават гишт иморат бор. Иморатнинг ҳар бирида сув-электр бор. Ҳар бир иморатда олтмиш уйлик бор. Мирзажонбой исмли кўчманчиларга каттакон бўлган лапка қўтарган бир киши келиб бизга мана шу уйни кўрсатди. Ташиниб кириб олдик. Орқамизда яна бир киши кириб, ташиниб олди. Бу

уй бизга берилди десак, бу ерда хўжайинлик кетмайди деди. Сайиджонга «юкларни кўтар, ташқари чиқайлик» дедим-да, Мирзажонбойга одам юбордим. Расмий офицер бўлиб юрган бой келиб, ҳалиги одамни чиқариб, бошқа уйга ўтказиб кетди. Бирпасдан кейин ғовур-ғувур овоз билан қирғизлар тўпалон қилиб келишиб қолди. «Сен сар-тмисан, қирғизлар орасида не ишинг-юмушинг бор? Чик уйдан», деб пўписа, чакирув, бакирув бошланди. Ўзимиз келмадик, уйни бизга Мирзажонбой берди, уларга айтин-глар дедик. Ҳамон одам юборишиб, Мирзажонбойни олиб келишди. Мирзажонбой уларга:

— Оилада катта эркак киши йўқ. Ҳаммаси ёш болалар билан аёл киши. Бу аёл мулла Эгамберди офицернинг аёли, бу уйни буларга атайлаб бердим, рупарадаги уйни нон магазинига, ёнидаги уйни дўхтирга бераман. Бу ҳаракатимдан мақсад бу оила нондан, дўхтир ишларидан кийналмасин, - деди.

Қирғизларнинг беги пешонасига уриб, «булар эканлигини биз билмадик» деб дарвозага яқин келиб, «синглим, мени кечиринг, адашибман», дебди. Чунки бу оила бир-бирлари билан таниш-билиш бўлиб, дўстона муносабатлари бор экан. Ҳатто бу воқеадан бир йил олдин шу ўзбек оиласи қирғиз элига бориб, ҳар икки оила ўғиллари бир-бирларига абадий ўртоқ бўлиб қолсин, деб тўю томошалар қилишиб, қирғизлар Собиржон тоғамга от совға қилишган экан. Ҳалиги қирғиз беки:

— Биз оила бўлиб ҳаммамиз келдик. Дугонангиз, жиянларингиз, келинларингиз — ҳаммамиз шу ерда, қамчилик тортмайсиз. Бирор етишмовчилик бўлса, бирор нарса керак бўлса, ҳеч тортинманг. Қўлимиздан келган ёрдамни аямаймиз. Кўриб турибсиз мукаддаротимиз — бир, - деди.

Шу воқеадан кейин ёнимизда сургун дўхтур оиласи билан кўчиб келди. Рўпарамиз нон магазини бўлиб, тартибли равишда нон бериб турди. Яна айрим замонларда майдачуйда келиб қолса бериб туради. Бу ишларга мутасадди Воҳиджон деган йигит, Мирзажонбойнинг ўзи ҳам тез-тез келиб, «каму кўстларингиз йўкми?» деб аҳвол сўраб кетади. Қирғизлар ҳам хабар олиб туришади. Ҳайтовур, анча

тинчмиз. Биздан олдин бу уйларда аристонлар бор экан. Пахтани улар эккан, пахта ердан энди-энди унаётганда уларни қаёққадир олиб кетишибди. Ўрнига оилалик, сургун келтирилибди. Мен бригадир сифатида ишляпман, пахталар унди, ўсди, ягана қилдик. Чопик бўлди, гўзалар шона чиқарди, кўсак тугди. Яна бошқа деҳқончилик маданияти нима талаб килса, шундай меҳнат қилиб келяпмиз. Манна, пахталар гулламоқда. Насиб бўлса, пахтасини ҳам териб оламиз, деди.

ЭШАҚДА

Атрофдан бодринг, ўрик, ҳамак олиб келган қишлоқликлар пул бўлмагани учун қолган-қутган нон куйигига алмаштириб кетишади. Яна тоғам келди. Куз пайти. Пахта териб бўлинган, ерлар шудгор қилинмоқда эди. Бирдан Собиржон тоғам келиб қолди. Севиниб кетдик, кечаси ҳамма ухлаган пайтида ҳаммамиз станцияга қараб пиёда йўлга тушдик. Қоровул донг котиб ухлаб ётган экан. Поезд билан Термизга келдик. Бир-икки кун шу ерда қолдик, тоғам бир ҳовлини гаплашиб, тайёрлаб қўйган экан. Бу ердан кемага тушиб олдик. Кема ҳаракат қилди. Катта бувим кўзига ёш олиб:

— Эй она юртим! Биз сени ўзимизча ташлаб кетмаяпмиз, коммунистлар, оч арвоҳ руслар зулмидан қочиб, ўзимиз билмаган томонларга кетяпмиз. Сени яратганинг ўзига топширдик, насиб бўлса, яна қайтиб келамиз, йўлимиз очик бўлсин деди. Кеманинг бош тарафида бир ўрис Амударёнинг чуқурлигини ўлчаб «тридцать половина, тридцать четыре», деб юқоридаги кема ҳайдовчини сувнинг саёзлигию чуқурлигидан огоҳлантириб борарди. Азим дарёнинг бир қирғоғи Ўзбекистон, ўтаки қирғоғи — Хуросон. Кема гоҳо Ўзбекистон қирғоғига яқин юрса, гоҳо Хуросон қирғоғига яқин юради. Хуросон қирғоғидаги ўрмон-камишзорлардан одам кўриниб қолади. Одамларнинг миллати маълум бўлмаса ҳам, Хуросон аҳли эканлиги маълум. Жуда қизиқарли саёҳат. Кемадан тушиб бир ҳовлида йиғилишдик. Бу ерда ҳам икки кун қолдик. Тоғам икки кишини эшаги билан топиб келди. Майда-чуйдалар-

ни эшакка ортиб, Қоратоғ орқали жўнадик. Йўлда тоғнинг чўккисида дам олатуриб, гала-гала кушларга кўзимиз тушди. Эшакчилар:

— Бу какликлар шунака кўпки, тўп-тўп бўлиб юришади. Аслида, бу тоғда бошқа-бошқа, турли кушлар ҳам бор. Каклик эса, сероб, - деди.

ФАРҲОР

Тожикистон Фарҳод шаҳри — тоғ этагида, бир томони ўрмонзор, бир томони эса, адир, орқада кишлоклар ҳам бор. Ўртада Фарҳор шаҳри. Бир ҳовлига кўндик. Саройга ўхшайди, бир тарафида бир нечта кичик хоналар, бир тарафида кичик печкаси бор, устида овқат пиширадиган замонавий уй. Уч-тўртта оғил, кўча томонда катта дарвоза. Орқа томонида ариқ ўтадиган кўчада кичик дарвозаси бор. Афтидан, қайси бир аристократнинг уйига ўхшайди. Эгаси сургун қилинган-у, уй қолаверган. Шу уйни комендантдан сўраб олдик. Иккита сигир олдик. Сут, қатиғини ўрисларга сотиб, рўзгор қила бошладик. Бу ерда ҳам узок совук эллардан келган очарчилик, йўқсиллик, совук башарасини кўрсатиб турибди. Нон магазини, газлама магазини бор. Ҳаммаси навбат билан. Газлама магазини кўпинча бўш бўлади. Нон магазини ҳар куни ишлайди, одамлар кечаси ўн иккидан кундуз куни соат нечагача маълум эмас, кутиб туриб нон олишади. Магазинларнинг бошлиғи катта бувим билан танишиб, дўстлашиб, дугона бўлиб қолди. Катта бувим унга сут юбориб туради, ўзи ҳам бизга тез-тез келиб турадиган бўлди. Бир куни дедик:

— Магазинга сотувчи керак, саводхон экансан, бизга ишга кириб ол. Магазиннинг ишчиси бўлиб олсанг, нон олиш ҳам қулайлашади. Жон бошига қанча кишига нон керак бўлса, навбатсиз олаверасан. Мен бу ишга муносиб одам тополмай юрибман. Магазинга газлама, чой яна бошқалар ҳам келиб туради. Керагини олиб турасан. Магазиннинг ишчисига навбат йўқ, - деди.

Магазиннинг ишчилиги анча қўл келди. Яна бир томондан комендантга сут-қатиқ сотамиз. Айрим замон-

ларда комендантликнинг боқувдаги отларидан бирортаси машқ ҳолида йиқилиб, оёк-поёғи синиб қолса, аскарый идора сотади. Ҳамон биз сотиб оламиз. Семиз отнинг гўшти жуда тотли бўларкан. Овчилар кийик олиб келиб сотишиб туради. Лекин семиз отнинг гўштидай мазали бўлмас экан.

БОҒЧА

Фарҳорда битта боғча бор экан. Синглим Ханифа-хон билан боғчага беришди. Эрта билан нонуштадан кейин бир ўрис хотин «раз, два, три, четыре», деб машқ қилдиарди. Ўйинчоқлар ўйнаймиз. Сўнгра пешин овқати берилади. Ҳалиги ўйинчоқлар қиска, узун, калин тахтадан ясалган. Иккитасини бир-бирини устига қўйилса стул бўлади. Иккитасини устма-уст қўйиб стол қилиб, овқатлангани ўтирсам, иккита ўрис бола ёғоч гиштларни мендан тортиб олди. Мен хафа бўлиб, икковини ҳам уриб, деворга тақаб туриб олдим. «Мама, мама», деб бақирди. Битта ўрис хотин келди. Бизни ажратиб қўйди, ҳеч уришмади. Ўйинчоғимни олиб берди. Қарасам, халиги раз, два қилдирадиган ўрис хотиннинг болалари экан. Овқат пиширадиган, овқат сузадиган ҳам ўрис хотин эди. Узун бўйли, уришмайдиган, яхши гапириб, яхшилик қиладиган хотин эди. Овқатни иссиқ бермасди, оз-моз илиқ бўларди. Тўймадим десак, тарелкамизни олиб кетиб, серсабзи шавла олиб келиб, олдимизга қўярди. Бошқа турли овқат ҳам қилар эди-ю, шавласи эсимда қолибдур. Ўша ўрис хотиннинг ётган жойи жаннатда бўлсин, овқатдан кейин бирор соат ўйнатиб, кейин ухлагани ётқизиб қўярди. Мени бир ўрис қиз билан ётқизиб қўярди. Бир куни ўрнимдан турсам, кўзим кўрмаяпти. Кўр бўлиб қолибман, ҳамон ўрис хотинлардан бири бўлса, керак, довдиратиб етаклаб касалхонага олиб борди. Доктор кўзимга дори томизиб, боғлаб қўйди. Уч-тўрт кун касалхонада ётдим. Бувим билан синглим келиб туришди. Касалхонадаги ўрис хотинлар, боғчамиздаги тарбиячи ўрис хонимлар сиёсий коммунист эмас, гуманист эдилар. Улар ўйлашимча, би-

роз динга эътиқоди ҳам бор бўлса, керак. Диний маросимларида бизга яқинлик кўрсатиб ширинлик беришар, қабр бошига ҳам олиб боришарди.

БОЛАКАЙ

Катта бувим икки метрлик газмолни «чилсўм» дегин, деб қўлимга тутқизарди. Бозорга олиб чиқардим, харидорлар кўпинча тожик бўларди. «Чилсўм» десам, хой болакай, мана пул, деб униси, мана пул деб буниси айтарди. Қайсисидан пул олишга мен ҳайрон. Биттаси мени даст кўтариб, орадан ташқари олиб чиқиб, пулни чўнтагимга солиб, «қоч энди», деб мени харидорлардан қутқазиб юборарди. Айрим замонларда «пинёсин», деб сатин кўтариб чиқардим. Мана шу «сисўм», «чилсўм», «пинжосўм»дан бошқа бир калима билмасдим. Айрим замонларда беш юз граммлик кўк чой кўтариб чойхоналарга борардим. Бу гал харидорим уйғурлар. Йигирма сўм, ҳалиги менга бер, менга бер, билан сотиб келардим. Эрта туриб эса,, сигирларни, бузоқларни ҳайдаб чўпонхонага топшириб келардим. Асрдан кейин бориб сигирларни, бузоқларни подадан олиб келардим. Молларнинг бўкириши, бузоқларнинг маъраши, чанг-тўзон, тўполон, ажиб бир кўриниш. Айрим вақтларда катта бузоққа миниб олардим. Бир куни бузоғимга миниб сигирларни ҳайдаб кела турувдим, уйга яқин қолувдик. Рўпарадан маст туялар оғзидан кўпигини чиқариб келиб қолишди. Бузоқ хуркиб кетди. Мен йиқилиб тушдим. Тоғам Сайиджон от минишни ўргатувди, бузоқ минишни ҳам ўрганиб олувдим. Бу гал туялардан кўркиб кетган бузоқ қаттиқ силкитди, ўзимни тутолмай қаттиқ йиқилдим. Одамлар бошимга келиб «ёмон тушмадингми, болакай» деб турғизишиб, усти-бошимни қоқиб қўйишди. Уйга келдим. Катта бувим «нима бўлди, рангинг оқариб кетибди?» деди. «Ҳеч нарса бўлгани йўқ, бузоқлан йиқилиб тушдим» дедим. Катта бувим ҳамон костюмимни ечиб қаради. Ўнг қўлим эгрибугри бўлиб қолибди. Энди понсад бўлолмас эканман, деб йиғлай бошладим. Катта бувим мени «понсад, пон-

садим» деб севар эди. Катта бувим кўлимни силаб-силаб тўғрилади, оғриқдан йиғловдим:

– Йиғлама, понсад ҳам йиғлайдими? - деб юпка тахта-лар билан маҳкам боғлаб бўйнимга тақиб қўйди. Бир неча вақтдан кейин кўлим тузалди.

БОКСЁРЛИК

Сайиджон тоғам кўзи кора, кузуртабиат одам. Устига Милпонда мактабда бироз ўқиб, бўксёрлик тўғарагига қатнашар эди. Бир куни Фархор бозор лабидаги меҳмонхоналарда уриш чиқиб кетди. Қарасам, тоғам ўришяпти. Жуда хаяжонли муштлашув бўлди. Бир тарафда бир неча уйғурлар, бир тарафда ёлғиз тоғам. Улар ҳам яхши мушталашаркан, тепишни ҳам яхши билишаркан. Ўрни келганда одамни бўйнига тепишни билишаркан. Шундай бўлса-да, тоғамга бас келишолмасди. Негаки тоғам ўткир боксчидек тепишни яхши биларкан. Тоғам ўзига мушт теккизмай, югуриб юриб муштлашди.

Ўқовлимиздан ҳалиги кичик уйлардан бирини Абдусаттор ва хотини Сорубонуларга берган эдик. Абдусатторнинг нима иши бор, билолмаган эдик. Тез-тез ўн-ўн беш кун йўқ бўлиб, яна пайдо бўлиб қоларди. Катта бувим ёш хоним ёлғиз ётмасин деб кундуз кунлари аксар бизникига чақирар, мени унга чиқарар эди. Мен у билан бирга ётардим. Бир куни орқа дарвозада тузуккина кийинган йигит мушук сичқонни пойлагандек бир нарсани пойлаб турибди. Шу пайт тоғам кириб қолди. Унга «нима қилиб турибсан?» деди. Ундан жавоб қутмай чунон урди, у йигит ўзини кўрсата олмади, зўрға қочишга улгурди холос. Яна бир куни кўшнимиз Умархўжа хотини Салтанатхон, ўғли Орифхўжа билан ўтиришарди. Шу ерда бир киши бир нарсани пойлаб турган экан. Тоғам келиб қолди. Ҳалиги одамни тоғам шунақанги урдик, юзию бети ёрилиб кетди, аранг қочиб қутулди.

МАДИНА ОРЗУСИ

Катта бувим диндор эмасми, Мадинага кетишни ҳавас қилиб қолди. Бу истагини аввало бизга айтиб, айниқса,

Сайиджон ўглини кўндирди. Сўнгра катта ўгли Собиржонга айтди. У ҳафта сайин бувисини, бизларни кўриб, ҳол-аҳвол сўрагани келарди. Ўзи «Шафтолибоғ» деган юқори кишлоқда оиласи билан яшарди. У киши узокни кўрган, босиқ табиатли, андишалик йигит эди. У кишидан шундай жавоб бўлди:

– Оби-ҳавосини билмаймиз, тилини билмаймиз, Не иш қиларимизни билмаймиз-ку.

Катта бувим дедики:

– Иш ҳам топармиз, тилини ҳам билиб олармиз.

Собир тоғам жавоб берди:

– Бировнинг юртида бўйни кисиқ мусофир бўлиб юриш ақлнинг иши эмас, адашяпсизлар.

Катта бувим:

– Улар мусулмон, биз мусулмон, айникса,, дин Мадинадан тарқалган. Улар бизни ўзларига қариндош деб билишади, уй ҳам беришади, иш ҳам топишади. Коммунизм балоларидан узокларга қочиб кутулмоқ керак. Ҳализамон бу жойлар ҳам нотинч бўлиб қолади, шабадаси келиб турибди. Мана, очарчилик, намуна керак бўлса. Собиржон тоғам эса,, «ҳарҳолда ҳам биров юртида султон бўлгунча, ўз юртингда ўлтон (гадо) деган гап бор-ку» деб тортишди. Тортишмада ҳеч бири кизишиб кетмади. Ҳар галда икки тараф ҳам янги-янги далиллар билан ўз фикрларини қувватлаб, ўз сўзида қолишди. Бу тортишув камида олти ой сурилди, чамамда. Ниҳоят, катта ўғил Собиржон ватанда қоладиган бўлди, бошқалар катта бувим раҳбарлигида Мадина ниятида Хуросонга ўтиб кетмоқчи бўлишди.

СУВЧИЛАР

Хуросонга ўтиб кетиш осон иш эмасди. Қонуний рухсат йўқ, паспорт йўқ. Ўртада Амудек катта дарё бор. Дарёдан қандай ўтилади? Бунинг учун раҳбар топиш керак. Ўргандикки, бундай ишларни биладиган кишини Фарҳодда сувчи дейишаркан. Сирли йўллар билан сувчи ҳам топилди. Кечаси соат иккида сувчи келди. Хизмат ҳақини олди. Фотиҳа қилиб ўрнимиздан туриб отлар-

га миндик, катта ариқдан ўтиб дарахтзорга кириб боришимиз билан қизил солдатлар келиб олдимизни тўсди. Сувчимиз тасир-тусур қилиб шафтолибоғ томон қочди. Орқасидан ўрислар ҳам от чоптириб кува кетди. Ўқлар бирин-кетин узилди Чамамда, сувчи қочиб улгурди. Солдатлар ҳаммамизни ўртага олиб, комендантликка олиб бориб қамаб қўйди. «Кафил берсаларинг, катта ўғлингиз Сайиджондан бошқаларингизни қўйиб юбориб, Саиджон билан бирга ишларингизни судга топширамиз» деди. Катта бувим «Ижозат беринглар, кафил топиб келайин» деди. Катта бувим бориб дугонаси, магазиннинг бошлиғи дюш хотинни топиб келди. Дюш хотин:

— Булар ҳеч жойга кетмайди, Шафтолибоққа кўчиб кетишаётган экан. Қочиб кетган у одам Шафтолибоғдаги уйини, боғини кўрсатиб буларга сотган, булардан бир миқдор пул ҳам олган. Ўзим кўчириб бораман, кундуз куни кўч ташиш тўғри эмас, деб буларни кўндирган. Кеч қолиб келиб, буларни алдаган, - деди.

Кейинча дюш бир адвокатни топиб берди. Шундоқ қилиб, бу фалокатдан қутулдик. Яна бир йили сувчи ҳақини олиб, ваъда соатида келмай йўқ бўлиб кетди.

БОШҚА ЙЎЛ

Энди бошқа йўл қидириш лозим. Биринчидан, дарёдан сувчисиз ўзимиз ўтмоғимиз керак. Иккинчидан, дарёдан ўтадиган ерни белгилаш керак. Учинчидан, вақт-соатини обдон ўйлаб тайин қилиш керак. Тўртинчидан, сувдан ўтиш учун восита нима бўлади? Бешинчидан, йўлга нима билан чиқилади? Дарёдан ўтадиган ерни, вақт-соатни белгилаш учун қандай шароит бор? Шароит яратиш керак? Маҳаллий ҳукуматга ҳам аниқли оила бўлиб, эътибор қозониш лозим. Ҳар ҳолда, ўрмонга кетишдан олдин ўртадаги бўш ер топилди.

Сайиджон тоғам бош-қош бўлиб, ўзига ўхшаган йигитни топиб, колхоз тузиб пахта етиштирмоқчи бўлди. Колхозга «Комсомол» деб исм қўйилди. Ер гўзал ҳайдалса бўлди, трактор йўқ, иккита трактор билан тракторчи ҳам

топилди. Хизмат ҳақи — уч маҳал овқат. Очарчилик эмасми, тракторчилар шунга хурсандчилик билан кўнди. Ҳатто ўзлари шундай орзулади. Ош ёғлик бўлсин дейишди. Юкорида эслатилганидек, бизда от гўшти бор, ёғ ҳам таъминланди. Шунинг билан деҳқончилик бошлаб юборилди. Ана шу ошкора, қонуний йўл билан пинҳоний ҳаракат пишта борилди. Ўрмон кузатилди. Дарёга яқин, бир тарафи поёни йўқ ўрмон, бир тарафи баланд адир, ўртада бир арик, Амударёдан келиб Шафтолибокка ўтиб кетади. Мана шу жой танлаб, мўлжаллаб қўйилди. Якка хўжалик бўлиб пахта экамиз деб, маҳаллий идорадан изн олинди. Аввало ер тозаланди, кейин шудгор қилинди, илони кўп экан. Вишиллаб илон чиқиб қоларди. Сайиджон тоғам тезлик билан илоннинг думидан ушлаб олиб, айлангириб-айлангириб калласини ерга урарди. Калласини кетмон билан янчиб қўярди. Арик бўйига қапа тикдик. Кундузи тагида ўтирамыз, кечалар устига чиқиб кетамиз. Капанинг бир тарафи дарахтга боғлаб қўйилди. Қапага чиқиш учун ҳалиги дарахт бир томондан капани маҳкамлаган бўлса, бир томондан шоти вазифасини ўтайди. Қапа яқинидаги ерни қазиб молхона қилдик. Қўранинг атрофи тиканлик шохлар билан ўралди. Энди кўрада иккита сизир, бир от бор. Адир поёнсиз, у ерга дон сепиб, буғдой етиштирилган бўлинди. Оҳиста-оҳиста ерга жияк тортиб қовун-тарвуз, патинжон, бақлажон, қалампис, пиёз экилди. Катта бўлимига пахта экилди. Бу нарсалар униб, бирин-кетин етилиб пишта бошлади. Пахтазор ҳам жуда авж олиб, кишининг ҳаваси келадиган дала бўлди. Сув бўйидаги қапа рўпарасида анвойи қовунлар, хандалаклар, босволди, тўпқар, ок ўрик, кизил ўрик, бўрикалла, қандиновот, тўрт ўрик, бешўрик, хилма-хил, бир-биридан тотли қовунлар, ўхшаши йўқ сўлим жой бўлди. Эрта билан сут-сарёғ билан нонушта қилинди, пешинда шўрва, айниқса, шакароб патинжон, пиёз, озгина қалампис устига қатик қуйилгани жуда мазали бўларди. Кечқурун қовок сомса, саллақовок, чилимқовокни сутда пишириб ичиш тотига тўйиб бўлмайди. Айрим замонларда ок жўхорини келида янчиб гўжа оши қилинарди. Ўша гўжа ошнинг тотини хали-хали эслайман.

ГАЗАНДАЛАР

Шундай гўзал бўстон бўлсада газандаси кўп. Бошда хар хил турдаги илон, чаён, эчкиэмар, энг кичкинаси ари. Сув бўйида томоша қилиб ўтирсангиз, бирдан шув этиб сув илони ўтиб қолади. Полизда ўтирсангиз қуруқликда ўтирган илон ўзини кўз-кўз қилгандек ўтиб кетади. Тоғам кўпинча шаҳарда, бувим дехқончилик пайкалида бўлади. У бўлса, илонни думидан ушлаб палахмондай айлантириб ерга уриб янчийди. Шокиржон тоғам эса, кичкиналарини ушлаб дарров гугурт қутига солиб олади. Кейин уни мушукка тухфа қилади. Сигирларни эса, эчкиэмарлардан эҳтиёт қиламиз. Хабардор бўлиб турмасак, сигир сутини эчкиэмар эмиб қўяди. Кечқурун ўринда чаён бўлмасин деб ўринларни қокиб-қокиб ташлаймиз. Катта бувим эса, «Оятал курси»ни ўқиб пашшахона атрофини қўлида чизиб қўяди. Шунинг учунми, ҳайтовур чаён чаккани йўқ. Онда-сонда ғафлатда қолсак, ари чакиб қўяди.

ҲАЙВОНОТ

Юқорида айтилганидек, поезднинг у ёғи ўрмон. Эрта билан қападан сал нари борсак, шарпамизга чўчиб дув этиб ҳаволанган дала товук шу қадар қалин учадики, тангадек офтоб ерга тушмай қолади. Ерни худди булут босгандек туюлади. Пешин замонларида турналар аввалига бир қатор, кейин икки қатор бўлишиб юзларчаси тартиб билан ўтади. Тоғам эса, турналарни кўрган ҳамон:

– Эй озод қушлар, бизни ҳам ўша томонларга олиб кетинглар!

Сабо еткур саломимни,

Еткургил кўйи дилдора –

деб бошланадиган ашуласини айтиб, ўрмонни яйратади. Кечқурун қоронғу тушиши билан шоқоллар оҳиста, секин мусикасимон овозлари билан яқинлашади. Катта бувим таёғини дарахт шохига уриб, «Кўктой, қувла, қўйма» деб ўзи ҳам беш-ўн қадам юриб пойгул қилгач, Кўктой итимиз чунон қувиб кетади. Шоқол жуда кўрқок жонивор бўларкан. Изига қочганича, ўрмонга кириб ке-

тади. Ҳар тараф тинчийди. Турли-туман ҳайвонларнинг юргани, шатир-шутур қилиб юрган саси эшитилади. Эрта билан туриб полизда турли-туман ҳайвон туёғининг излари, ликчининг ликларидан битта-яримта тушиб қолади. Типратикон жуда кўп, тез-тез ушлаб оламиз. Товуқларга тулкилар кун бермайди. Бир кечаси Кўктой шоқолларни қувиб кетди. Бирпасдан кейин винг-винглаб ғингшиб қолди. Кечаси ўрмон ичи ваҳимали, шундай бўлса-да, Кўктойимизнинг оёғини бўри ғажийётган экан. Катта бувимнинг пўписа билан бораётганини кўриб қочиб кетибди. Катта бувимнинг ортидан чопиб борган тоғам етиб бориб, Кўктойни кўтариб келишди. Катта бувим Кўктойнинг оёғини сийдик суви билан ювиб, дори-дармон қўйиб пахта билан боғлаб қўйди. Сал кундан кейин оқсаб-оқсаб юриб тузалиб қолди. Кечаси шоқолдан ташқари қушларнинг, турли-туман жонзотларнинг шарпаси, турли туман овозлари эшитиларди. Бу овозлардан кўркса ҳам бўлади, ажабланиб табиатнинг гаштини сурса ҳам бўлади. Шундай вақтларда ертўладаги аҳлий ҳайвонлар ҳам кўрқувдан бўшашиб қолишади. Шундай онларда кечаси соат ўн бирларда узоқ-узоқлардан Қорақулоқнинг мусиқага ўхшаган овози эшитилади. Шу аснода бирданига ҳаммаёқ жимжит сув сепгандек сукунат оғушига киради. Паррандаю даррандаларнинг ваҳший ҳайвонларнинг, ҳатто аҳлий ҳайвонларнинг ҳам ҳаракати, саси йўқ бўлиб кетади. Кечаси шу овоз бизга тобора яқинлашгандек туюлади. Диққатимизни жамлаб тинглаймиз, ҳақиқатдан овоз бизга яқинлашиб келаверади. Овоз сўлдан ўнг томонга оға бошлайди. Қўрадаги сигирлар кўрқувда, от жуда безовта бўла бошлади. Ўнтай ўзини у ёққа-бу ёққа уриб ипини узиб қочмоқчи бўлади. Кўзлари бежо, олайгансимон кўринади. Ҳайрон бўлдик, бизни ҳам ваҳима босди. Бир тарафдан Кўктой ингиллаб юмалок бўлиб ётиб, йиғлагансимон ингиллаши ортиқча. Шу аснода полиз бошида арслон кўринади. Ювош-ювош, ўнтаб-ўнтаб, оҳиста-оҳиста қадам ташлаб, худди ўнгга-сўлга соллана-солана келаётгандек. Полизнинг ўртасида, тахта калавотда Шокиржон тоғам ётибди. Арслон шу томон қараб келяпти. Катта бу-

вим ҳаммамизнинг ғамимизда, айниқса ўғлидан умидини узганнамо. Кўзи нам, пичирлаб бир нарсаларни маънос ўқимокда. Тоғам ётган икки жияк нарисиди она жияк бор эди. Арслон шу жиякдан савлат тўкиб юриб ўтиб кетди. Хайтовур, ҳеч нарсага тегмади. Биз хурсанд бўлиб қапдан пастга тушдик. Кўктой ҳам хурсанд, думини ликиллатиб ўзида йўқ, у ёқ-бу ёққа югуриб ўйнамокда, сигирлардан хабар олдик, бечора отлар ҳам тагини ифлос қилиб қўйибди. Тоғамдан ҳол сўрадик, олдидан арслон ўтиб кетганини каттиқ уйқуда сезмабди ҳам.

ЗИЁРАТГОҲ

Катта бувим воқеани таҳлил қилди. Арслон ҳайвонот оламининг подшоси. Юрти ўрмон. Қорақулоқ вазири, у овозида эй ўрмон аҳли, адаб сакланглар, подшо ҳазратлари йўлга чиқмоқдалар демокда. Қиссани бир-икки узоқ-яқин қишлоқдаги танишларга айтдик. Улар шундай деди: Шафтолибоғ йўлида адирнинг ёнбағрида қадамжой бор. Арслон шу ерга зиёратга ўтади дейишди. Ўша даврда юқоридаги ҳар икки таъбирга ҳам ишонган эдим. Энди ўша воқеани ҳикоя қила туриб ўйлаб воқеаларни қуйидагича тушундим. Биринчи таъбир. Қорақулоқ арслондан кўрқиб писиб кетгунча арслоннинг олдида тушиб, бакириб, кўркқанини билдириб ҳайвонларга арслон хатарини ошкор қилар экан. Катта бувимнинг таъбири билан меники моҳият эътибори бирла бир-бирига ўхшаш, шундай тушунса бўлади. Арслон ов истаб, ўлжа истаб гоҳ у ёққа, гоҳида бу ёққа юринади шекилли. Биз қадамжой чамаси бир соат пиёда юриб ҳалиги одам айтган ғорни топдик. Ичкари кирдик, ним қоронғи жой. Зиёратга ёқамиз деб шам олувдик, шамни ёқиб обдон қарадик. Эски бир бўранинг устига эски кигиз ташлаган увадаси чиқиб кетган тўшакда чопонини устига ёпиб бир йигит ётибди. Шарпамизга чўчиб ўрнидан туриб ўтирди. Салом бериб ҳол-аҳволини сўрадик.

– Отим Эргашвой, Фарғонаданман. Касал бўлиб қолиб, борар жойим йўқ, шу ерда ётибман, – деди.

– Сизни уйга олиб кетамиз. Дори-дармон киламан, тузалиб кетасиз, - деди катта бувим. - Бугун нима едингиз?

– Бир бурда каттиқ нон бор эди едим, - деди у.

– Биз ҳам мусофирмиз, шу якин атрофда ўтирамыз, юринг биз билан. Юра оласизми? Сиздака менинг бешта ўғлим бор, йўлда чарчаб қолсангиз, Шокиржон кўтариб олади, – деди ката бувим.

У йигит «тузукман, юроламан» деди. Шаҳардаги уйга олиб келинди. Шокиржон тоғам ҳамон далага қайтди. Катта бувим даров нон-пон қўйиб, қўшнидан қатик олиб чикиб ичирди. Биз далада бўлсак-да, Сайиджон тоғам шаҳарда ўтирар эди. Эртаси Эргашвойни Сайиджон тоғам далага олиб чиқди. Аччиқ шакароб билан қатиклик суюқ ош ичдик. Одам анча тетикланиб қолгач, хикоя қилди.

– Мендан нарироқда, поёнсиз адирда ўн минглаб қозоқ яшайди, юз минглаб чорваси бор эди. Мен ўшаларга бориб, отим Эргаш, ғордаги зиёратгоҳда яшайман дедим. Нима иш билан шуғулланасан дейишди. Ишим йўқ дедим. Манави жерга қайдан келдинг? – дейишди. Фарғонадан, дедим. Сартмисен? – дейишди. Ҳа, дедим. Ўзимиздан турасенгўй? – дейишди. Улар ҳам қозоқ элидан кочиб келган экан, чорвани кўпайтириб олишибди. Сут ичишади, гўшт ейишади. Шулар орасида кечиниб юрувдим. Ҳукуматдан одам чикиб, уларнинг ҳаммасини қулоқ деб эълон қилди. Шапкаликлар келиб ҳар бир оилага иккита қўй, бир эчки бериб, қолган қўйларини, эчкиларини, отларини ҳайдаб олиб кетишди. Сабабини шундай деди: Сизлар қулоқ бўлдингиз, энди молу мулкингиз, отларингиз, чорваларингиз халқники бўлади дейишди. Халқники дейишди-да, ўрислар олиб кетди, деди. Ўзи очарчилик эди, қозоқлар икки қўй, бир эчки билан кечина олмай, аҳволлари танг бўлиб қолди. Устига -усти бу ерларда эчкизмар кўп бўлар экан, эчкиларни эмиб қўйяпти, қозоқлар очликдан ўла бошлади. Булар олди-сотдини билмас экан, дехқончиликни билмас экан. Чорва-туёғини кўпайтириб, гўшт еб кетадиган халқ экан. Тутдай тўкилди, ўн мингларча қозоқ ўлиб тугади. Жуда оз қолди. Қолгани ҳам ўлиб туришибди. Шунинг учун мен улардан айрилиб, шу атроф-

кишлоқларда дарвеш бўлиб юриб кун кечирмоқдаман, деди. Маконим ўзларингиз кўрган гор бўлиб қолди.

– Сиз менга бешинчи ўғил бўлдингиз, биз қандай яшасак, сиз ҳам шундай кун кўрасиз. Биз қаерда бўлсак, сиз ҳам шу ерда бўласиз, сиз ўғилларимнинг каттаси, отингиз Эргаш халфа бўлсин, - деди катта бувим.

Эргашвой халфани Сайиджон тоғам шаҳарга олиб кетди. «Комсомол» колхозига аъзо қилиб олди. Бу ўлка тожикларники бўлса-да, дарё бўйини ўрислар кўриқлайди. Ўрикларни тўртта отлиқ ўрис солдатлар кўрийди. Кундузи ҳар икки соатда, кечаси икки соатда бир ўтишади. Асли марғилонлик Мусохон қори исмлиқ басавлат одам, хотини Отинбуви, Музаффархон исмли ўғиллари бор. Мусохон қори домлалар билан танишиб қолдик. Биздан анча йироқда улар ҳам ўрмонда яшайди, дўстлашиб, иноклашиб қолдик. Яхши оила экан, биз уларга, улар ҳам бизникига келишиб туради.

Бир куни ката бувим билан ўшаларникига кетяпмиз. Отлиқ кетяпмиз. Мен жировда, катта бувим мингашиб олган. Кичкинаман, от минишларимда ҳали унча ўрганиш йўқ. Секин-секин кетатурувдим, катта бувим тезроқ юр, деди. Мен отни тезлатдим. Катта бувим ўзини маҳкам тутмоқ учун оёғини отнинг қорнига қисибди шекилли, отнинг китиғи бор экан. От бир силкинди, яна бир силкинганди, икковимиз ҳам отдан йиқилиб тушдик. Отнинг ўзи кетди. Ўрнимиздан туриб зўрға, секин-аста Тўра даданикига бордик. Отни таниш одамлар тутиб, Тўра дадамларникига олиб келиб беришди. У ерда нарироқдаги бир уйга ўт кетди. Бечора аёл ёғни кўпроқ доғ қилиб юборибди. Ҳамма топган-тутгани, Хуросонга ўзи билан олиб кетадиган нарсалари ёниб қол бўлди. Нарироқда яна бир уйда хир-хир овоз келди. Отин буви холага айтдим.

– Биз билан Хуросонга кетамиз деб турган оила, бир боласи бор, нима касали бор, билолмадик. Уч кундан бери хириллаб-хириллаб ётибди. Ўлади шекилли, бу атрофда дўхтир йўқ, дейишди, - деди Отин буви.

Сайиджон тоғам бир куни отга миниб, мени мингаштириб олди-да: -- Маҳкам тут-да, отни тез ҳайда, - деди. -

Оёгингни қисиб, ўзингни маҳкам тут. От дикирлаган сари оёгингни маҳкам бос.

Бир-икки бор шундай қилувдим отнинг қитиғи қолмади. У қишлоқдан-бу қишлоқдан от қидириб юриб, учта ёш отни бирин-кетин танлаб олдик. Уларнинг бири тўриқ, бири саман, бири қашқар эди. Учови ҳам йўрға, яна бир тўрт ёш чиройли кўк от 1800 сўмга Наманган колхозидаги бир оиладан сотиб олинди. Шунинг билан отга бўлган эҳтиёж қолмади. Тўртта от тайёр.

ПАХТАЛАР ЕТИЛДИ

Биринчи терим бошланди, пахта териб чарчаганимизда гўзалар орасига ташланган уруғдан чиққан ширин-шарбат тарвузлардан маза қилиб ердик. Чунки у даврларда экин-тикинга, кимёвий ўғит ташлаш расм эмас эди. Шунинг учун бемалол, кўркмай-нетмай барча полиз ҳосилотини, меваларини ейиш мумкин эди. Терилган пахталар ғарамлаб қўйилди-ю, пуллаш имкони бўлмади. Халқда пул йўқ, ҳукуматга сотишга фурсат қолмади. Пахталар қолаверди.

ДАРЁ

Амударёнинг қаеридан ўтиш, кечаси борми-йўқми, қайси кечаси, қайси вақтда ҳаракат қилиш ҳам қарорлаштириб қўйилди. Мўлжалдаги вақт ҳам етиб келди. Кечаси соат учдан бошлаб ҳозирлана бошланди. Отлар жабдуғланди, эгарга биттадан хуржун ташланди. Мени қашқа отга миндиришди. Орқамга катта бувим мингашди. Бувим саман отга минди. Орқасига синглим Ханифахонни боғлаб қўйишди. Кичик тоғам Ғофиржон тўриққа минди. Кўк отга Саиджон тоғам минди. Холмат ака, Эргаш халфа, Шокиржон тоғамлар отлар сувга тушганидан кейин думига осилиб олишадиган бўлди. Шу тахлитда ҳозирландик. Дуога қўл кўтарилди.

– Эй азиз юртимиз, биз сени ташлаб кетаётганимиз йўқ. Ўз юртида оч қолиб, сенга ҳужум қилиб кириб келган босмачи руслар зулмидан қочиб кетишга мажбур

бўлдик. Берган нозу неъматингга рози бўл, она юртим. Қайтиб сени кўра оламизми, йўкми, билолмаймиз. Доимо кўнглимизда яшайсан. Сени унутмаймиз, авлод-аждодимиз ҳам унутмайди. Энди, улуғ тангрим, бизга марҳамат қилгин, бизга оқ йўл бергин, омин, - дедик.

Саиджон тоғам олдинда кетма-кет юра бошладик. Дарё бўйига бордик. Тоғам буйруқ берди. Ғофиржон тоғамга, ортидан менга. Кейин бувимга. Шундай қилиб дарёнинг тўлқинлари билан олишиб кетдик. Ўрмонда яна йигирма тўрт отлиқ бир нечта эшакликлар ҳам бизга қўшилди. Улар ҳам биздек қайтган, қочиб кетаётган кишилар экан. Улар ҳам отларини дарёга суришди. Отлар эгаригача сув чикди. Ҳатто эгардан юқори сув чикди. Отнинг калласи сувдан ташқарида эди, холос. Отнинг оёғи ердан узилди. Бирданига менинг отим дарёнинг ўртасида тўхтаб қолди. Дарё бўйида қолиб, бизни кузатиб турган катта тоғам:

– Ҳой Шокиржон, Эргашвой ака, бошқа отга осилинглар. От юролмай қолди! - деб бақирди.

Улар отимнинг думини қўйиб бошқа отнинг думини ушлашди. Яна тоғам:

– Эргашвой ака, сиз нариги отни думини ушланг! - деди.

Менга бўлса, бақириб:

– Жўравой, отингни кейинги отдан кейин сур, - деди.

Мен отимни кейинги отнинг ёнига суриб, дарёнинг тез тўлқинидан қутулган бўлдим.

– Отинг чарчаб қолса, отни тўлқин зарбасидан қутқазиш учун тўлқинда турган отнинг ён томонига ўт. Тўлқин сусайган томонга ўт, - деган эди тоғам.

Мен ҳам шундай қилиб тўлқин зарбасидан қутулдим. Отимнинг думини одамлар ушлагани учун ҳам, отнинг кучи етмай дарёнинг ўртасида тўхтагансимон бўлиб қолди. Сал қолса, отим йиқилиб ҳаммамиз оқиб кетар эдик. Сув эса, отнинг сиртидан ошиб, эгарга, отнинг ҳаммаёғи сув ичида ёлғизгина калласи сувдан ташқарида. От сузиб кетяпти. Шундай қилиб, Қиёғчиё хатаридан қутулиб Хуросонга чиқиб олдик. Бошқалар ҳам чиқиб, ўтиб олишибди. Тоғам йўк. Қарасам, дарёнинг ўртасида сузиб ке-

ляпти. Итимиз Кўксой бечора эса, дарёнинг лабида. Азамат сувдан кўркиб гоҳ у ёкка, гоҳ бу ёкка югуриб юрибди. Бирдан у ўзини сувга отди. Сузишни билар экан пастрокка оққансимон бўлиб, ҳайтовур, сузиб олди. Орада бир ватандош хотинини эшакка миндириб, ўзи эшакни ҳайдаб сузаётганида эшак тўлқинга бардош беролмай йиқилиб, бечора хотин ҳам, эшак ҳам оқиб кетди. Ҳалиги уч отликдан бирининг оти ҳам тўққиз яшар кекса от экан. Тўлқин зарбасидан йиқилиб одами билан оқиб кетибди. Раҳматли хотиннинг эрини юпатишди, ўзидан бошқа чора йўқлигини айтиб юпатишди. Шу ерда бир киши ҳикоя қилди:

– Ноқулай замонда, дарёнинг йўл бермайдиган еридан ўтайин деб ўн мингларча улусимиз оқиб кетганлар. Айниқса губсарда ўтиш ҳам кўркинч эмиш. Губсарлари тўнкарилиб кетгач, оқиб кетганлар сон-саногини йўқдур. Йўқ бўлиб кетганлар озмунча эмасмиш. Уйғуристон томонга қочганлар ҳам кўп талофат кўрганмиш. Қор кўчкиси, яна бошқа қийинчиликлар қомига тортилмиш.

Дарёдан эсон-омон ўтиб олганларимиз бир-бирларини табриклашди. Тўқай ичида илгари томон юрилди. Ҳар ким ўзича ҳар томон тарқалиб кетди. Ярим соат мўлроқ юрилди. Иккита афгон аскарига йўлиқдик. Тожиқлар экан, ёмон муомала қилмадим. Бизни ҳайдаб янги қалъага олиб боришди. Катта сарой каби жой. Ўртасида саҳн, икки томонда оғиллар, йигирмадан ортиқроқ отлар, бир томонида бир нечта хона. Шулардан иккитасини бизга кўрсатишди. Шу ерга тушиб ором олдик. Бундан илгари идоранинг олдида бизларни тўхтатиб, бир одам бир нарсалар сўраган бўлувди. У одам бизни ушбу саройга юборган экан. Асли дархонлик ўзбеклардан бўлиб, анча марҳаматли йигит эди. Бизлардан ҳол-аҳвол сўраб қолди.

– Қаёққа кетмоқчисизлар? Нима ниятда келдиларингиз, - деди?

– Зулмдан қочиб, паноҳ истаб келдик, - деди катта бувим.

– Сизларни бошлиқ аскар қарамоғида Хонободга юборади. Бу ҳаракат расмий бўлиб, Хонободда бироз қийналасизлар. Ҳукумат кафил сўрайди. Ишларингиз

маҳкамага тушади. Аскар кўшмай ўзларингизни кўйиб юборсалар яхши бўлар эди. Бу суръатда қаёққа борсаларингиз бораверасизлар. Оворагарчилик оз бўлади, - деди йигит.

– Шундай қилишнинг чораси борми? – дегандик, у йигит: – Мен бошлиқ билан гаплашиб кўрайин-чи, – деди.

– Гаплашиб кўндирдим. Бирор нарса берасизлар, агар имкониятингиз бўлса, ушлаб келганларга биттадан олтин, бошлиққа уч олтин берасизлар, - деди.

– Хўп дедик. Ўрнидан туриб кетди.

– Сизлардан бир кишини қабул қилади. Бериладиган олтинларингизни олиб юринг, - деди.

Олтинлар берилди. Тоғам хурсанд келди.

– Ижозат бўлди, кетаверамиз Хонободга, – деди.

ХОНОБОД

Хонобод йўлини сўраб йўлга тушдик. Йўл-йўлакай боргунча бор нарсалардан эплаб-сеплаб, хуржундан чиқариб еб кетилди. Йўлда дарёи гум келди. Дарё жуда чуқур экан. Отлар ўтолмайди. Кемада ўтасизлар деди. Отлар билан кемага чиқдик. Кўк от қайсарлик қилди. Кемага чиқаришнинг иложи бўлмади. Итни эса,, кемани ҳаром қилади деб кемага олишмади. Қанча ёлвормайлик кор қилмади. Тоғам кўк отда дарёнинг у юзида қолди. Биз азим дарёнинг бу юзида. Қараб турибмиз, тоғам отини қамчилаб дарёга туширди. От жонивор биз томон сузиб кела бошлади. Отнинг калласи кўринади холос. Итимиз эса,, дарё лабида у ёкка югурди, бу ёкка югурди. Биз томон талпинди. Ниҳоят, дарёга ўзини отди. Ҳайтовур, сузиб ўтиб олди. Мирзо Бедил айтганларидек:

Зичини пешонаи, ин но Худоён,
Новзи дарё бе.

(Яъни, худосиз кемачининг манглай тиришидан кўра, Гўзалроқдир дарё мавжлари.)

Ҳаммамиз ўтиб олдик. Йўлга тушдик. Йўлда яна бир дарёга дуч келдик. Оти Кўкча дарё экан. Оқиши нишоб, заминида тош бор. Отнинг туёғи сийпанади. Унча чуқур

эмас, отнинг қорнидан келади-ю, куч билан оқади. Эҳтиёт бўлиш керак, от йиқилиб тушса, сув окизиб кетади. Сузиш мумкин эмас. Ҳайтовур бу шўх дарёдан ҳам ўтиб олди. Кичик-кичик шаҳарчалар, қишлоқлардан ўтиб Хонобод шаҳрига етиб келди. Шаҳарнинг ўртасидаги кўчадан бориб, сари икки томон дўкон, расталарга кириб бораверди. Бозор куни экан. Кўчада одам тўла. Сув бўйидаги дўконлардан бирининг эгаси дўконидан ирғиб тушиб, югуриб биз томон келди. -- Хабардор бўлиб юринглар. Анави ўнг қўлдаги кўчага қайрилишлар, ҳозир мен келаман, - деди.

Ўнгга бурилиб турувди, ҳалиги одам етиб келди.

— Андижонликман, сизларга кўзим тушиб қолди. Қаерга боряпсизлар? Борар жойингизни билингиз. Юринглар, таниш жой бор, - деб ўзи олдинда юрди.

Катта, бўш ҳовли бор экан, эгаси билан гаплашиб олиб берди. Бизларни жойлаштириб, нон-пон олиб келиб берди. Ўзим эртага келаман деб чиқиб кетди. Эртаси куни келиб: -Тўрададалар ҳам келишган. Қишлоққа имон бўлиб олдилар. Жума кунлари бозор бўлади. Бозор ерида бир жойи бор. Кийим-кечак сотади. Мен уларга хабар бериб қўяман, - деди. Улар билан Фарҳодда бошлаган борди-келди алоқамизни мустаҳкамлаб олди. Мени қишлоқларига олиб борди. Ҳар ҳафта бозорга келганда кўришиб турди. Ушбу шаҳарга яқин жойда улуг ўзбек улусининг улуг шоирларидан бири асли андижонлик Сурма Намангоний Бобораҳим Машрабнинг абадий оромгоҳи бор экан. Фурсатдан фойдаланиб катта бувим тоғам билан боришиб зиёрат қилиб келдилар.

БЕГОР

Ўша даврда ҳар ҳовлидан бир хизматчи олинар экан. У зўр қурилишида ишлатилар эди. От-улови бор одамдан уловлини ҳам олиб, бориб юр дер экан. Ҳафтада уч кун ишлатар эди. Иш ҳаққи бериш йўқ, овқат бериш йўқ. Шу ишчиликнинг ҳақи бегор эмиш. Шокиржон тоғам ҳафтада уч кун оти билан, отининг еми билан, ўзига нонни белига

тугиб кетади-да, шомда келади. Хафтада уч кун булса-да, тоғамда ҳам, отда ҳам жон қолмайди Жуда сўлжайиб, озиб кетишди.

САВДО-СОТИҚ

Эргаш халфа бизга келиб-кетиб юрди. Маслаҳатлашиб нонвойхона ошхона очишадиган бўлинди. Капиталини катта бувим таъминлади. Ошхона очилди. Юрмади, зарар қилди. Энди Холмат ака, Эргаш халфа, тоғам бўлиб, Толқондан чорва олиб келиб сотамиз, дейишди. Қарор бердик. Сармояни яна катта бувим танга-танга солиб тахминлаб берди. Йўлда кароқчига дуч келиб қолдик, бор-йўғимизни олиб ўзимизни қўйиб юборди, дейишди. Шунинг билан иккинчи капитал ҳам йўқ бўлди. Энди бизда ҳеч нарса қолмади. Отларни бирин-кетин сотиб, рўзғорга, ховли ижарасига бердик. Бизда ёлғиз кўк от қолди холос. Ҳатто егани овқатимиз ҳам йўқ. Тўрадада, отинбуви хола-лар келиб, Эргаш халфани қойишди. Не қойиди, бир натижа йўқ. Итимиз Кўктой оч, унга едирадиган бир нарса йўқ. Бечора эрта билан овқат излаб у ёққа-бу ёққа изғиб юриб қорнини тўйғазиб келадиган бўлиб олди.

ОҚЧА САФАРИ

Тўрадада Оқча шаҳрига кетишимизни маслаҳат бердилар. Биз ҳам майда-чуйда ишларимизни йиғиштириб кетларингиздан борамиз дедилар. Ўтигусда кетишга пул йўқ. Гуруч ташийдиган карвонга осилиб кетмоқчи бўлинди. Оқчага жўнайдиган карвоннинг вақт-соатини обдон билиб карвонбоши билан гаплашиб қўйилди. Сафар вақти ҳам етиб келди. Сафар ҳаракати бошланди. Итимиз Кўктой йўқ. Югур-югур бошланди. Кўктой йўқ. Кўп кечикса карвон кечиқиб қоладур. Биз йўлда билмаймиз. Карвонга пул тўланган. Ниҳоят, мажбур бўлиб карвонга қўшилдик. Карвон ҳаракат қилди. Азиз Кўктой учун кўзимиз нигорон, кўнғлимиз вайрон. «Кўктой, Кўктой» деганча беихтиёр орқамизга қарай-қарай олдинга кетдик. Шунини эслатиб ўтиш керакки, мустамлакачи афғонлар

Талқон шахрининг отини Тааллукон деб ўзгартирмишлар. Шаҳарни афғонлаштириш учун қилинган қилиқ бўлса, керак. Ҳолбуки, шаҳарнинг аҳолиси ўзбек. Тожик, афғон миллатига мансуб бирор киши йўқ. Мен Кўкотга миниб олган эдим. Рўпарадан Ўтибўз келиб қолди. От хуркиди. Ҳамон отилиб келиб тоғам отнинг жиловига осилди. Жилловини маҳкам ушлади, от йўлдан чикиб, поёнсиз дала томон чопди. Тоғам — жиловда. Тоғамнинг оёғи ерга тегмай, от олиб қочди. Анчадан кейин отни тўхтатишга эришди. Етаклаб йўлга чикиб олдик. Карвонбоши кофилани тўхтатиб, бизни кутиб турган экан.

ҚУНДУЗ

Қундуз шаҳрига кириб келдик. Карвонбоши туяларни чўқтирди. — Овқатларингизни еб, сув-пув тўкиб олинглар,- деди. Қовун олиб келинди. Асқалоний қовуни экан. Юртимизнинг қовунига ўхшайди. Карвонбоши саводли, ўша ерлик ўзбек экан. У киши дедик:

— Танилган хадисчи олим Асқалоний ҳазратлари шу ерлик эдилар. Ораларингизда қуръон ўқий оладиганларингиз борми?

Катта бувим «Алҳамдулиллоҳ»ни ўкиб, ул ўзбек олимнинг руҳига бағишлади. Ул ҳазрат руҳи чоғ бўлсин, деди. Афғонлар бу шаҳарнинг асли Қундуз бўлган номини ҳам ўзгартириб, Андиз қилиб олибдурлар. Ҳолбуки, Бобурномада бу шаҳар Қундуз деб эсга олинадур. Гулбиддин Ҳикматёр ҳам ўзини қундузликман дегани эман, аслида ҳунарлик келгинди софийлардандир. Афғонлар софий қабиласидан кўчиб келиб, шаҳарни Қундуз эмас, Кандизга айлантирмоқчи бўлганлар. Лекин эл Қундуз деб талаффуз қиладур.

ТОШҚЎРҒОН

Йўлда бу шаҳар келди. Бу шаҳарни ҳам афғон муштамлақачилари Саманогон қалъа деб номлашибдур. Бу шаҳарнинг ҳам аҳолиси ўзбеклар. Шаҳарларининг отини Тошқўрғон деб талаффуз қиладирлар. Карвон шаҳарнинг

ичидан ўтди. Кўча бўйида эл писта, бодом сотиб ўтирибди. Биз ҳам бироз писта-бодом олдик. Шаҳар бу меваларга кон экан. Карвон кундузи йўл юриб, кечаси дам олади. Туяларни ҳалқасимон чўктириб, ҳайвондан қўрғон қилиб қўйиб, ўртасида бизга ер берар эди. Йўлда қароқчилар бор экан. Ҳайтовур, эсон-омонлик билан Мозори Шарифга етиб бордик.

МОЗОРИ ШАРИФ

Аҳолисининг кўпроғи ўзбек. Бадахшон тожиклари, тожикзабон дарийлар, хазоралар, атроф қишлоқларида туркманлар яшайдур. Бугунги Хуросоннинг пойтахтидур. Навоийлар даврида Хуросоннинг маркази Ҳирот эди. 1936 йилда Зоҳиршоҳ Шимолий Туркистон саёҳатига чиқади. Жиловидагилардан бошқа афғон сенотининг раиси Ҳофиз Абдулғаффол ҳам бор эди. Ул киши ўшал муносабат билан китоб ҳарид этибдур. Эсимда шундай мазмун бор: Кунларнинг бирида Ҳусайн Бойқаро донишманд вазири улуғ Навоийни хузурига чақиртириб, «Таксир Балх шаҳрининг яқинида Мозори Шариф исмли қишлоқ бор эмиш. Ўзингиз ул томон бориб қишлоқ кайфиятини бизга маълум қилгайсиз», дейди. Навоий, Мозори Шарифга бориб қирк кун истикомат қиладилар. Ул ҳазрат тушларида Ислом Пайғамбарининг куёви Алини кўрадилар. Али Навоийга дейдиларки: «Бирор осор қурмоқчи бўлсангиз қуринг марҳамат, биз шу ердамиз» дейди. Улуғ Навоий воқеани подшоҳ Ҳусайн Бойқаро ҳазратларига баён қилдилар. «Андоғ бўлса, бир иморат қилиб, осор қилиб қўйингиз. Ҳаражат қанча бўлса, Байтуллоҳдан олиними учун узур берурмиз» деди. Шу амрномадан кейин Навоий Мозори шариф қишлоғига келиб улкан иморат ила қўшимчаларини барпо этибдурлар. Воқеанинг сўфиёна таҳлилидан қатъи назар, шундай ўйлайдурменки, Навоий Хуросон юртида Ҳирот қаторида яна бир шуҳрат аро марказ қуриб, маданиятлар алмашадиган, матолар, ҳунарлар алмашадиган натижада юртнинг раванкига, бойишига сабаб бўладиган, бора-бора улғайиши учун афсонавий

шаҳар холига айлантириш учун сўфиёна мулоҳазаларни ҳам сақлаган ҳолда, ўзларининг муборак назоратларида узоқ келгусини ўйлаб қошона ила қўшимчаларини қурдирган бўлсалар керак. Тарихига кўра, ўзбекларнинг бобо аждодларидан қолган миллий мероси бўлган ушбу шаҳри азимга таъзим бажо келтириб, одоб билан оёқ кўйиб ўтиб кетиш лозим.

БАЛХ

Юришимизни давом эттириб шаҳарлар онаси (Уммилбилод) деб ном чиқарган Балх шаҳрига келдик. Маълумки, бу шаҳар кўпни кўрган ҳар тоши бир дoston бўлгудек нушонийларни, Афросиёб-симонларни кўрган, Македониялик Искандар қамалида эзилган, Хутайбанинг талон-тарожига бардош берган, Чингизхоннинг даврида ўт қўйилган, ниҳоят, Амир Темурзодаларга меҳмондор бўлган, бугун эса, афғон истилосини бошидан кечириб турган мустамлакачиликка қарши ҳайкиришни етти қават осмонга етказиб, инсониятни ларзага келтириб турган бир шаҳар. Яна ўтмишда афросийлар даврида ўзбекона довюрраклик кўрсатиб, бутун жаҳонга машҳур бўлган паҳлавон Аҳмад Замчи, ўзбек шоираси Робияхонимни, мавлоно Жалолиддин, Балхий, Румийларни етиштирган, Навоийнинг жияни, ўзбек мусиқа тарихида ўчмас из қолдирган Дарвешалининг идорасида бўлган, ҳуллас қадимий тарихига қараб тўйиб бўлмайдиган шаҳар. Ниҳоят, қуйидаги сўзларнинг соҳиби, оташин шоир Бобораҳим Машрабнинг қони тўкилган милосий шаҳардир. Иброҳимдан қолган эски дўконнинг нақли ёки шаҳид қонини тўқмокни Каломуллодан ўргандим, дегани учун, ҳақ сўзни дангал айта олгани учун муллолар таквоси билан қатағон ҳокими Маҳмудбек томонидан етмиш бир ёшида дорга осилган, ажойиб илоҳий ошиқнинг қони тўкилган шаҳардир. Эй оёғим, қадамнингни одоб билан қўй, деб битилган азим шаҳардан ўтиб бордик. Ҳа, Иброҳим аъзам ҳазратлари ҳам шу шаҳардандирлар.

ОҚЧА

Номидан аён бўлиб турибдур: Оқча туркийлар шаҳри. Шаҳар ичида ўзбеклар, атроф-кишлоқларда туркманлар яшайди. Карвонбоши Рўзикул карвонбошининг саройига бориб туялар жиловини тўхтатдик. Қўним топдик. Карвонбошимиз Тантикул ака бозорга чиқиб кетиб аслида қўқонлик Абдурайимхўжа Эшон аттор билан бирга қайтиб келди. Эшон ака чорсига иссиқ нон, кунжутли ҳолва тугиб олибдур. Умримда илк маротаба кунжутли ҳолва кўришим. Эшон ака, Тантикул ака келганларида дўқонимда ерлик ўзбеклардан Ғуломқодирхон исмли дўстим ўтирган эдим, Тантикул ака сизлардан гап очиб қолди.

— Ғуломқодирхон, икки кўзли бўш турган ташқи ҳовлим бор. Боғ бор. Бир парча ерим бор. Боғни обод қилиб, ерга пахта экишни билишармикин? - деди. - Мен сизлардан сўрамай-нетмай, ўзбек бўлади-ю, боғдорчиликни, пахта экишни билмайдими, дедим. У киши ундай бўлса, меҳмонларни ўзингиз кўрган эшигимга, Қум ариққа олиб чиқинг, деди. Ўзи Қумарикқа кетди, сизларни уйда кутиб ўтирибдур, - деди.

Эшон ака билан бирга чиқиб бордик. Боғни кўрдик, йигирма туп чоғли мевали дарахтлар, ҳовли саҳнида ҳовуз, кичик ариқ бор. Керак бўлганда, катта ариқдан ошиб келинар эмиш. Кўча дарвозаси алоҳида. Бемалол ўлтираверинглар, деди. Тоғамлар боғ ишларида, пахтазор қилиш учун мўлжалланган ерда машғул бўлиб қолишди.

МАКТАБ

Катта бувим қизлар учун мактаб очди. Мен ҳам шу ерда алифбодан арабча ҳарфларни ўргана бошладим. Ғуломқодирхоннинг кизи Раҳимахон билан ҳамдарс бўлиб қолдим.

Шўр майдонда улоқ бўладиган бўлди. Тоғам оти билан иштирок этди. Улоқдан кейин Абдуқодир бойараб отимизни яхши кўриб қолиб, ҳаридор бўлди. Айни пайтда Ғуломқодирхоннинг укаси Ҳазратқулхон ҳам отга та-

лабгор бўлиб қолди. Араббойдан камрок нарх берса ҳам, Гуломқодирхоннинг хотири учун от Ҳазраткулхонга сотиб юборилди. Отни бир неча кунда бир кўриб келар эдик. Отнинг пули ҳам тугади, мактабдан ҳам бирор даромад йўқ. Чунки камбағал оилаларнинг болалари.

Кейинча эшитишимизга кўра, итимиз Кўктой Хонободда бизникига келиб-кетиб юрган чехраларни кўча-кўйда учратиб қолса, югуриб, оёқларига ташланиб, кўзидан мўлт-мўлт ёш оқар экан. Бу ҳолни кўриб бир ватандошимиз Кўктой итни уйга олиб кетган экан. Итнинг кейинги тақдири маълум бўлмади.

ЙИҒЛОҚИ ХОТИН

Иқтисодий жиҳатдан аҳволимиз кундан-кунга танг бўла борди. Шу кунларда қирк ёшларида бир камбағал хоним бизникига келиб-кетадигон бўлиб қолди. Овқат замонага келса биз билан бирга овқат ейди, ўртада бўлаётган гап-сўзларни эшитиб ўтиради. Айрим замонларда ўз ҳолигами бизларга имкониятсизликларни кўриб ё ўзи учун, гоҳи биз учун ачиниб йиғлаб-йиғлаб туриб хушидан кетиб қолади. Катта бувим бу хотинга катта илтифот кўрсатиб, ҳол-аҳволини сўраб, кўнглини кўтариб турар эди. Айрим замонларда худди эркак кишидек ўчоқда ёқиш учун қуриган шох-шаббаларни орқалаб келиб қолар эди. Ўзининг Бешариқ деган ерида икки кўзли уйи бор экан. Сув чиқмай вайрона бўлиб қолибди. Ҳовлисининг боғида ўн-ўн беш туп дарахти бор экан. Ана шу дарахтларнинг қуриган шох-шаббаларини йиғиб бир уя қуриб қўйибди.

ДЎППИ ТИКИШ

Бир куни у хоним катта бувимга «Опа, машина тикишни биласизми?» деб сўраб қолди. Катта бувим «биламен» деди.

— Бу ерда арақчим исмида дўппи тикиб сотадиган хоним бор эди. Касал бўлиб дўппи тиколмай қолди. Яхшиликни севадиган хоним. Ижозат берсангиз, бир куни олиб келайин, - деди.

Катта бувим яхши бўлади деди. Бир куни у хотинни олиб келди. Бечора калтироқ касали бўлиб қолган экан. У хоним дедик, мен мошинамни омонат бериб турайин. Икки метр чит, икки метр сурп, икки метр сатин, сиранч керак бўлади, деди. Мошинасини Шокиржон тоғам бирга бориб олиб келди. Энди сурп, чипта, сиранч таъмирланди-ю, авраси учун сатн астра бўлгулик материал йўқ. Бувимнинг иккита кўйлаги бор экан. Бири ювиб, дазмоллаб қўйилди, астари ҳам топилди. Тоғам бозордан битта дўппи сотиб олиб келди. Катта бувим ҳадемай дўппининг қандай тикилганини ўрганиб олди-да, ўшандай қилиб тўқкизта дўппи тикди. Сайиджон тоғам дўппиларни бозорга олиб бориб сотибдур. Ўрнига бир метр сатин, астар бўлгулик оқ без, битта кифт-да коп, бир метр сурп, сиранч, қолган пулга бир кило гуруч, бир кило гўшт, сабзи-пиёз олди. Шундай қилиб дўппи тикишдан рўзғор юришиб кетди.

ШЕРАРИҚ

Окчада дов-дарахт оз. Пахта тансиқ. У даврда хемир йўқдай сийрак кўринади. Шунинг учун биноларнинг кўпи гумбаз. Биз ҳам Шерарикда уч-тўртта гумбаздан иборат ҳовли ёнидан сув ўтадиган каттагина ери бор жойни ижарага олиб кўчиб кетдик. У маҳаллада ҳам катта бувим мактабда отинбуви бўлиб олдилар. Катта-кичик юздан ортиқ маҳаллий ўзбек қизларини ўқитади. Юқорида айтилганидек, шаҳарда ўзбекдан бошқа миллат йўқ. Атрофдаги туркманлар эса,, пахта бозорига бир бор бозор-ўчар ишлари учун от-уловда келиб кетадилар. Бозори катта, бир қанча туйнук ичида расталар, дунёда бор нарсаси шу ерда ҳам бор. Айри-айри расталарда ҳолвафурушлар, маҳсидўзлар, кийим-кечак, оёқ кийим, темир бўлган очик расталарда темирчилар, товуқ-тухум бозорлари, гўшт, озиқ-овқат, ҳамма нарсаси бор. Айниқса, жума кунлари гавжум бўлади. Самоварларида ашулачилар, машшоқлар, ажиб манзара. Асли қўқонлик Ҳожи Қаландар (Маҳаммад Эмин):

– Эшитмадим деманглар, эшитганлар орзуда, эшитмаганлар армонда. Эй одамлар, армонда қолманглар» - деб

баланд овоз билан елкасидаги дастаси бор занжирининг дастасидан шогирди Акбарнинг елкасига шарақлатиб уради. «Бер садака, шайаминло, садака – ради бало» деб занжирни елкасига уради. Одамлар хайрон бўлиб йиғила бошлайди. Ушлаб турган занжирини шакир-шукур ўйнатиб қўйса, бирпасда юзларча одам йиғилиб қолар эди. Қаландар бир қўлида элни кулдирар, бир пайтда йиғлатарди. Қаландарона сўзамолликда дунёда ўхшаши йўқ бўлса, керак, десам ишонаверинг ёки ўз хунарининг дохийси десаммикан? Одамлар йиғилиб, сеҳрланган сари Қаландар ҳам қайнаб кетарди. Ана ўша пайтларда саватида иссиқ нон кўтарган нонфурушлар ҳам бирин-кетин кела бошлар, Қаландар:

– Орангизда мардухудо борми? Нон тўла саватлардан бирини олиб берсин. Мен камоқхонага олиб бориб, у ерда оч ётган кишиларга, иссиқ нон кутаётган тангрининг қулларига бераман, - дерди. - Эй нонфуруш, шартим шуки, нонингни ўзинг кўтариб камоқхонага элиб берурсанг. Яна ким бор мардлар майдонида? Танти қуллар ўзини кўрсатсин! - деб ҳайқирганда сеҳрланган йигитлар бирин-кетин келиб Қаландарнинг ўртадаги чорсисига нон пулини ташлар эди. Ахийрида нонфурушлар нон тўла саватини бошига қўйиб, Қаландар билан бирга камоқхонага жўнашарди.

УХЛАБ ҚОЛДИМ

Бир куни тоғам растадаги арақчин (дўппининг бир тури)дан бир даста олиб берди-да, ҳар битта дўппини мана шунча пулдан сотавер деди. Мен эса,, ҳали бирор дўппини сотмай туриб ухлаб қолибман. Қўлимдаги дўппиларни эса,, ўғри олиб кетибди. Тоғам дўппилар кани деб дўппослаб урди, тепиб-тепиб ташлади. Манзарани кўриб турган, йўқолган дўппилар эгасининг раҳми келиб, «Бўлди-бўлди, мен дўппиларимнинг пулидан кечдим. Қўйиб юборинг», деб ўртага тушиб, мени тоғамнинг калтагидандан қутқарди.

ҚОВУН ПИШДИ

Ерга қовун экилиб, турли-туман қовун етиштирилди. Тожик элида етиштирилган қовунлардан шакли ҳам, мазаси ҳам сира қолишмайди. Бу ерга ҳам кимёвий ўғит ҳали келмаган экан. Ҳар куни нонуштадан кейин полизга чиқиб ўн-ўн бешта қовун узиб келамиз. Ширинак ўйнаймиз. Қовунхўрлик қиламиз. Патинжонлар тотли, айниқса сабзилар нокдан қолишмайди. Тоғам бир куни мени полиз чекасидаги тўнкага ўтказиб, қовунлардан сўраганга соттин деди. Нонуштамни емай чиқмаган эдим. Асргача ўлтирдим. Битта тангага қовун сотдим. Одамларда пул йўқки, қовун олса.

ҚОВУН САЙЛИ

Шахардан ўрта осиелик юртдошлар полизга чиқишар, улар билан баҳам кўрар эдик. Шўрвасиям бўлар эди.

МАКТАБ

Алифбони ката бувимда ўкиб, ҳарф ўргангандим. Энди ҳафтияк ўқидим. Чоркитобга тушдим. Чоркитобни мантиқан муаллифи Фаридиддин Аттор ёзганлар.

Ваз Бухорос мавруду насабаш,

Ваз Хуросон улуми мактабахаш

(Яъни,таваллуди, насл-насаби Бухродан,)

Илм-ирфони, мактаби Хуросондан) –

мисраларига кўра, ул ҳазрат ҳам ўзбек эмишлар. Айниқса, қуйидаги мазмунли мисраларини эслаймен:

Туякушга юк кўтар десангиз кушман дер эмиш,
«Уч, бўлмаса», десангиз, туяман дермиш.

Мана бу жумла Чоркитобнинг иккинчи китобидан:

Бидон ас адакаллоҳу иддарон:

(Ўқигинки, уқгинки, ҳар икки дунёда масъул бўласан.)

Бу жумла ўқиган сари маъно беради. Ўқиган сари кишини ўйлатиб қўяди. Бу асарни ҳам битирдим. Энди куръон ёд қилиш учун мени шогирд қилиб асли тузоқлик Муҳиддин қорига беришди. Азон соат бешда тураман. Масжидга бориб жамоат билан намоз ўқийман. Намоздан кейин ҳалиги қори дарс беради. Эрта билан ўрнимдан туrolмай қолсам, тоғам тур, деб хивич билан оёғимни савалайди. Қорининг олдида куръон ўқиб туриб ухлаб қоламан. Бу гал қори калтаклайди, шапалоғи билан юзимга уради, безор қилади. Бир куни қори сўқинди. Ўқишдан уйга йиглаб келдим. Қори нима деб сўқди эсимдан чиқиб қолди. Ранг-рўйимни кўриб йиглашимга қараб-қараб катта бувим «нима бўлди, болам?» деди. «Қори урди, сўқди, онанг палон», деди дедим. Катта бувим «бўпти-бўпти, ёмон қори экан. Эртадан мактабга борма», деди. Бу воқеадан кейин мени бозор йўлидаги Мирзоқоринбой саройида очилган мактабга беришди. Ўз юртдошимиз Имом Назар домла менга ҳофиз девонидан дарс бера бошлади. Сатрларнинг маънисини билмайман. Матнини ўқиёламан холос. Мирзо Қосимнинг ўғли Исоқжон, Маҳамадамин ўғлининг вакили Маҳмаджонларга Бедилдан дарс берарди. Улар ҳам мени сингари матнхон эдилар. Мактабнинг халака деган расми бор экан. Ким мактабдан қолса, икки оёғини боғлаб, арғамчининг бир томонида битта бола, иккинчи томонида битта бола, икки томонга тортиб, учинчи бола эса, хос тайёрланган хивич билан оёқни савалай бошлар экан. Бу мактабдан болақайлар қочмай нима қилсин. Тилагим шулки, ҳеч кимга бундай қоражоҳиллар мактаби насиб бўлмасин.

ШУҚР АКА

Ён қўшнимиз, чамаси, эллик беш ёшлардаги бир хонимнинг катта ўғли Шукр ака, кичик ўғли Раззоқ билан ўлтирарди. Шукр аканинг растада кавушдўзлик дўқони бор эди. Раззоқ эса,, уйларида ташқаридаги ишхонасида кавуш тикиб, дўқон бисотини таъминлар эди. Буларнинг бир оти, бир ити бўлар эди. Отини обдон боқиб, улоқда

ўзи чопар, хузуртабиат, ўзини тутиб олган оғирбош одам эди. Отни совутадиған жойларда аввал ўзи отига миниб олиб, отнинг жilовига боғланган арғамчининг бир учини менга бериб, асосий жilов ўзида илгари юр дер эди. Отнинг асосий жilови ўз қўлида бўлиб, секин-аста маҳала кўчасида юргизиб, Шўрбозор майдонигача бориб келардик. Бир куни Шукр ака биттаси билан меҳмондорчиликка кетганида ўғри келиб, аввал итига нон билан дори бериб ухлатиб қўйиб, сўнгра оғилдаги отни ечиб олиб кетибдур. Шукр ака уйига келганида қараса от йўқ. Ит эса, ухлаб қолибди. Хонада ухлаб қолган онаси ҳам билмай қолибди. Шукр ака тоғамни чакириб, бизнинг отни, тоғамнинг маҳсисини, ковушини, пўстинини омонат сўради. Отни топиб олиб келолсам қайтаман, бўлмаса, уйга келмайман деб хайрлашиб кетди. Қаҳрамон одам экан, номаълум ердаги ўғрибошига бориб, эсон-омон бир отни миниб, яна бир отни етаклаб келди.

КАВУШДЎЗ

Шукр акаларга қарашли кичик ҳовлида асли фарғоналик Ҳожи Асқар деган кавушдўз хотини, қизи билан ўлтирар эди. Улар ҳар пайшанба окшоми ош пишириб, мени чакиришарди. Тўрт киши ошни ер эдик, мева еб чой ичадик. Кейин Ҳожи Асқар «Қани энди, Холиджон, Ёсинни ўкиб беринг» дер эди. Бир ҳафта Ёсинни ўқисам, янаги ҳафта Ёсин эсимдан чиқиб қолар эди. Жуда ҳижолат бўлар эдим. Ошини еб олганман. Шу уста менга бир оёқ кийимни тикиб берди. Ҳаётимда илк маротаба оёғимга туфли кийган бўлдим. Унга қадар Шерарикдан Мирҳосилбой саройида очилган мактабга яланг-оёқ билан бориб келар эдим.

АВЛИЁ ТОҒА

Бир куни катта тоғам қопга қовун тўлдириб бозорга олиб бориб сотиб келмоқчи бўлди. Қопнинг бир томони-ни Шокиржон тоғам билан мен, бир томонини Сайиджон тоғам кўтариб отга юкламоқчи бўлдик. Қоп биз томон оғиб, кўтаролмай қолдик. Шокиржон тоғамнинг кўзи

кўк-сарик рангли эди. Шунинг учун катта тоғам аччиги чикканда кўк кўз деб уришиб турарди, копни мажбур ерга қўйдик. Шокиржон тоғам менга «копнинг жиловини ушланг», деди. Катта тоғамга «сиз бу ёқда туринг» дедида, ковун тўла копни даст кўтариб отнинг белига қўйиб қўйди. «Мана, кетаверинг». Шунақа қилиқларга қараб, жинларга оид кучини кўриб, авлиё тоға дер эдик.

ҲОЛВАФУРУШ

Оқчада Ўрта Осиёдан келиб беллашиб қолган бир неча улуг сиймолар бор эди. Ҳожимуҳаммад китобфуруш, Абдурайим хўжа, Имом Назар домла, Отахон ҳаммомчи каби тижоратпешалар қаторида оддий иш қилиб, кечимини таъминлаб юрган оққўнгил яхши одамлар ҳам анчагина эди. Аммо янги замон фикрини ташиган, уйғок инсон йўқ. Саводхонлар эса, домла, муллалардан иборат эди. Аммо мен кичик бўлганим учун мулла нима-ю, муллоизм нима билмас эдим. Болаларча кўришим билан у адашганларни оққорани таниган, урушнинг пешқадамлари деб билардим.

Саиджон тоғам Йўлдошхўжа кандолатчига шогирд тушиб ҳолва, пашмак, пичак пиширишни ўрганиб олди. Растандан бир дўкон ҳам ижарага туширилди. Катта-катта қолипларда кунжутли ҳолва пиширилди. Бу ҳолвалар ўз-ўзидан намланиб кетаверди. Намланган ҳолвани биров олмас эди. Нима бўлдийкан деб устасидан сўрасак, гавҳар лимон кўпроқ тушибдур, дейишди. Пашмак эса, гавҳар лимон оз ташлангани учун уқаланиб кетяпти. Уқаланиб кетаётган пашмакни биров олмас экан. Пашмакларни уйга олиб бориб қўйдик. Ҳаридор ёктирмагани учун уйга тўлдириб қўйдик, катта бувимнинг юз йигирмата шогирдлари бор. Ана ўшалар танаффус вақтида ўзи учун олиб келган нон билан еб тугатишди.

ҚАЙМОҚ

Иккита сигир бор экан. Буларнинг сутини қайнатиб, қаймоғини олиб косачаларга солиб, сотиб келгин деб мени бозорга юборишарди. Бозордаги самоварчи, нон-

вой, сартарош. ямоқчи, мадрасадаги домлалар олишарди. Қаймоғимнинг ҳаммаси сотилиб кетарди. Қамоқнинг хо-лестирини бўлур, саломатликнинг душмани эканлигини на биз, на қаймоқчилар билар эдик. Айниқса кексайиб юрган қори-ю, курролар, мулло-ю, забардастлар, ҳеч бири билмас эди. Энди-энди ўйлаб ўзимга ўзим эсиз умр, шу нодонларга шогирд бўлиб қолибман-а, дейман.

ТОВУҚ

Қобулга кетадиган бўлиб қолдик. Товуқларни ик-кита-иккитадан бозорга олиб бориб сотдим. Айниқса, менга ошно бўлиб қолган бир-иккита хўроздан ажралган-ним учун ачиндим. Мен кичқирсам, хўрозлар кичқирар, хўрозлар кичқирса, мен кичқирар, дўстларим эди. Супур-гилар ҳам етилиб, кип-қизил бўлиб етишди. Супур-ги боғладик, уларни бозорга олиб бориб сотар эдим. Бир куни бир-иккита одам гаплашиб ўтирган экан. Супурги келди, оладиган борми?— деб олдиларидан ўтиб қолсам, бири шеригига дедик:

— Манави болакайлар оқчага кечагина келишувди, анови куни товуқ сотиб юришувди, энди супурги сотиб юришибди. Ҳадемай, Маккага жўнаб қолишади. Фар-ғоналиклар одам эмас, бало бўлишаркан, қойил-эй, — дебди.

ЯНА САФАР

Худди ўша одам айтганидек бир юк машинасини кира қилиб, ижара олиб Қобилга жўнаб қолдик. Йўлда Балх, Мозори шарифдан кейин Холм деган шаҳарга келдик. Бу шаҳарни афғон истилочилари афғон шахрига айлангириш учун отини Хўлим қўйибди. Аслида бу шаҳарнинг номи Ойбек. Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган Хуршиддин Ой-бек ҳазратлари шу ерлик. Жуғрофияси ўзбек, минг йиллик тарихи эса-да.

Яна бир шаҳарнинг яқинидан ўтдик. Исми Бағлон эмиш. Бу шаҳар ҳам аслида Бағлон бўлиб, аҳолиси ўзбекдир. Афғонлар лағмонга назира бўлсин деб Бағлон

деб қўйибдир. Лекин бу ясама номлар расмиятда бўлиб, қўлланишда аҳолиси бутун дунё учун эски номи билан танийдур.

ҚОБУЛЗАМИН

Ҳиндикуш тоғларининг ёнбағридан юриб, ажойиб манзараларни кўриб Чохоркор исмли шаҳарга чиқиб олди. Бу шаҳарнинг атрофи тоқзор, узумга кон. Шунинг учун Қобул заминиди узум, майиз мўл бўлур. Қобул тоғлар билан ўралган. Қори мўл бўлса-да, ҳавоси ёқимтойдир. Яхшиси, шаҳарни Бобир Мирзо қандай танитибдурлар, эслайлик. Шаҳарнинг кўрки Бобуршоҳ обод қилган боғи Бобир гузаргоҳида дарёнинг лабида савлат тўкиб, ўтмиш тарихимизни эслатиб, абадий ёдгорлигини кўз-кўз қилиб турибди. Улкан дарвозадан боғи эрамга кирилади. Ҳар тарафи манзарали, мевали дарахтлар. Ҳар 10 метрда бир метр пиллапоё юқорилаб дид билан терилган, 20 сантиметрлик қоялардан кўтарила борасиз. Чор тарафда улкан чинорлар, дарахтлар, айниқса марказдаги ҳайбатли чинорлар улкан тарихимизни эслатиб, кишини чуқур-чуқур ўйлатиб қўяди. Олдимизда кўшк, рўпарасида каттакон мармарий ҳовуз. Боғнинг қуйисида кўча, кўчанинг лабида дарё. Кишини ҳайратлантирадиган кўриниш. Кўшкдан тушиб илғари юрасиз. Бобур Мирзонинг набираси Акбаршоҳ томонидан қурилган оқ мармар тошдан ясалган масжид. Масжиднинг пасту баланди гумбаз мармардан бошқа нарса ишлатилмайди. Тошни ўйиб битилган тарихий жумлалар араб ҳарфининг насталий услубида бўлиб юзига олтин суви югуртирилибди. Яна сал юқорида алоҳида дид билан қурилган айвонда улуг Бобир Мирзонинг оромгоҳига кўз тушгач, кўнгул ҳол тили билан оёққа айтадур:

— Эй оёғим, оҳиста юр, ҳақиқий адабгоҳга энди келмоқдамиз. 1945 йилда зиёратга бир нечта ёру биродарлар билан чиққан эдик. Ораларида дардоғоталик Эгамберди қори ҳам бор эди. Айвонда ўзим ихлос билан кўзим нам бўлиб туриб, Панда Жавоҳирлал Неру айтганидек, Дилбар подшонинг маънили ҳузурида қуръон тиловат қилдим. Ме-

нинг диққатангиз ҳолимни кўриб, ҳамроҳларимнинг ҳам кўзлари намланди. Кейин майсазорга ўлтирдик. Атрофда манзара дарахтлари, юқори томон қарасангиз баҳор кадар гўзал кўриниш, инсон эсу-хушини йўқотиб қўяди. Боғ ҳам Мирзонинг марҳатлари ҳам тоғ этагида. Тоғ ёнбағридаги дарвозадан кириб оҳиста-оҳиста юқорига чиқилгани учун тоғ бағри эканлиги сезилмай қолади. Майсазорда у ёқдан-бу ёқдан гаплашилди, ўлтириб суҳбат курдик. Бобурномани орамизда кимлар ўқиган, ҳазратим девонини мутолаа қилишга кимлар Мушарраф бўлгани суриштирилди, билиндики, ҳеч ким. Эгамберди қори:

Жамолинг васфини, эй ой, неча элдин эшитгаймен,
Не кун бўлғай висолингга мени дил хаста етгаймен:
Муяссар бўлмаса бошимни қўймоғлиқ оёғингга,
Бошимни олиб, эй Бобур, аёғ етгунча кетгаймен —

деб ашулани бошлаб юборди. Ҳазални тўлиқ равишда баланд овоз билан тараннум қилди. Кейинча:

Қаро зулфинг фироқида,
Паришон рўзгорим бор,
Юзингнинг иштиёқида
Не сабру қарорим бор.
Лабинг бағримни қон қилди,
Кўзимдин қон равон қилди,
Нега ҳолим ёмон қилди,
Мен андин бир сўрорим бор.

Хулоса: бундай жаннатни тарих этишда, бундай жаннатни таништиришда қаламим ожизлик қилмоқда. Бобур Мирзо завқ соҳиби эканлар, Қобулда бундай боғлардан бир нечтасини барпо қилмишлар. Бу боғдан бир неча километр узоқда ўшал йўл устида яна бир Чилситун номи боғ ичида гулзор орасида кошона бор. Яна бир катта-кон мева дарахтлари сероб Гулбоғ исмли ёдгорлик бор. Боғнинг ўртасидан дарё ўтадур. Сув таги силлиқ, майда тошлик суви тиниқ, маза қилиб чўмилса бўлади. Аслида

хам мўлжал шу бўлса, керак. Асли марғилонлик Файзуллажон Ҳожи чўпонфурушнинг астари йўқ, авраси олача чопонларини тикар эдилар. Кунда олтига чопон тикар эди. Мен ҳар куни чопонларни эгасига олиб бориб, ўн икки афғоний олиб келар эдим. Дўкондор яна алачалар бериб юбораверарди. Биз Қобулда турган муддатимизча шу иш давом этди.

МУТОЛАА

Қобулда иккита газета чиқар эди. Бири «Ислоҳ», бошқаси «Аниз». «Ислоҳ»ни уйга келадиган, обуна қилиб қўйдик. Форсий тилидаги саводимни шу газеталар орқали чиқариб олдим. Зеҳним яхши эди. Мени диний мактабга эмас, замонавий мактабга беришганида эди, аниқ фанлар орқали, ҳунар орқали ҳаётимни қулай қура оладиган одам бўлар эдим. Азиз умрим зое кетди. Ора бўлиб қолдим.

Харобод ичра келдим ошуфта хол,
Май ичарга илкимда синган сопол.

Бунинг учун ўтган умримга афсус қилиб юрармен. Шундай арзимас кул бўлсам-да, элу-улусимда ҳаринжа-кадаринда деганларидек, ёрдамлашганимдан бахтиёрмен. Генерал Тождин Қобулдаги касалхоналарнинг бош ха-тиби эди. Шу киши билан танишиб, туркча ҳарфлар тилини, ўқиш-ёзишни ўрганиб олдим. Шу муносабатдан фойдаланиб кўп ватандошларга тиббий ёрдам бера олдим. Бир куни Қобулдаги юртдошларнинг оксоқоли Нумон Ҳожи Йўлдош домлага турк дўхтурини олиб келгин деди. Дўхтир кўриб нима қиламен деди. Домла дўхтирни номахрам деди, шекилли, унамади. Нўъмон ҳожи баланд, жиддий овоз билан:

– Домла, дўхтир маҳрам бўлади. Қўйинг, нима қилса-қилсин, - деди. Домла: «Гар зарурат, бувад равобашар» деб туриб, секин-секин ўгирилди.

Мен ҳамма вақт халқни севиб ҳурмат қилиб, уларга ёрдамчи бўлишга ҳаракат қилдим. Шу ўринда қилган иш-

ларимдан бир-иккисини ўқувчига учун ёзиб қолдирурмен. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Афғонистонда миллатчи киёфасига орқа дарвозадан кириб қолган кимсалар яхши кўрмаган кишиларини динсиз, коммунист, рус жосуси деган чиркин онглаб билан ерлик улусга танитиб қўйиш одатига кириб олдилар. Амният одамлари ҳам иш қилган киши бўлиб, тухмат асосида таъқибга учраган бечоралардан душват олиб, қамаб қўйиб, ҳатто сургун қилиб қун кечирмай қўйишди. Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган Аҳмаджон ўғли Олимжон, юқорида айтганимдек, тухматга учраб, сиқилиб Қундуздан Қобулга кўчиб келиб, энди тинчиган эдики, Қундуз хорижий мудирлигидан Қобул амният мақомларига келган расмий мактубда Комилжон қилган ишларини таъқиб қилиш учун керак бўлиб қолди. Уни дарҳол тутиб, Қундузга юборишингизни сўраймиз. Комилжон менга дардини тушунтириб бу тухматдан қутулиш чораларини сўради. Мен Қобулдаги барча касалхоналарнинг бош ҳаками тиб доктори генерал Тожддин Из билан иноқ эдим. У кишидан туркиялик кўз доктори Ҳамза Гўргон номига тавсия хати олдим. Хатни доктор Ҳамза Гўргонга олиб бордим. У киши афғон амният мақомига «Комилжон кўзидан тадовий бўлмақда, касал уч ой дўхтир назоратида турмоғи лозим», деган мазмунда хат ёзиб, хатни бош ҳаким дўхтир Тожддин Изга тасдиқлатиб муҳрлаб берди. Шу хатни асос қилиб олган Қобул амнияти нушват қабулида Комилжонни таъқиб қилмай қўйди. Ана шу фактни ишлатилмаганида Комилжон худди гуноҳкорларча ушланиб, Қундузга юборилар, ким билади бошидан нималар кечарди. Ўша йиллари олмонлар билан ичкилиги баҳона бўлиб афғон амниятининг кўзига кимки ёмон кўринса, ўшани ушлаб, сиёсий камокқа ташлаб қўйиш одат тусига кириб қолган эди. Айниқса, коммунист, рус жосуси деб иқроор қилинса хонавайрон бўлиб, энг кичик улфат бўлиб қолган бир пайтда ўрис жосуси дейилган тухмат асосида қамалиб, оиласи билан Хонободдан Қобулга юборилган куёви Абдулҳаким билан қизидан хабар олгани андижонлик Ҳожи Йўлдош ота Қобулга келиб қолди. Қизини қайси қамокхонада экан-

лигини билмайди. Ватандошлардан маслаҳат сўраб кимга учраса, «Сиёсий ишга аралашиб бўлмайди» жавобини олади. Ана шу тажанг кайфиятда Ҳожи ота меҳмонхонамизда бир неча кун қолдилар. Бўлган воқеани менга сўзлаб бердилар. Ўша кунлари Қобул қамоқхоналарида тўкилиб турган бўзларни келишилган битим бўйича фақатгина мен сотиб олиш ҳуқуқига эга эдим. Шу муносабат билан қамоқхоналар бош мудир Абдулҳолиқхон билан иш ижоди таниш эдим. Ҳожи Йўлдош ота билан Афғонистоннинг марказий қамоқхонаси Дехмазанга бордик. Мудир ишида йўқ, уйда экан. Манзил олиб уйига бордик. Вазиятни тушунтирдим, мудир ёрдами билан Ҳожи Йўлдош отанинг қизини Чамандаги хотинлар қамоқхонасидан топдик. Сўнгра қафолот йўли билан қизи, куёви қамоқхонадан чиқишди. Бу зулмларга чиқолмаган Абдулҳаким сургун бўлиб, турган еридан бир боласини хотинига ташлаб, рус ерларига қочиб кетиб қолди. Бечора Абдулҳаким аканинг чеккан зулми етмагандек руслар ҳам бир қанча муддат Тошкент қамоқхонасига қамашибдур. Ҳозир у киши ҳаёт, ҳеч қандай жосус эмас. Иғво оқибатида достон бўладиган машаққатларга дучор бўлиб, қурилган ширин ҳаёти вайрон бўлган. Бир кун тоғам Шўрбозорда Ҳурбойваччанинг саройчасида касал бир киши ўралиб ётибдур. У кишини Ҳурбойбойвачча таништирди. «Одам юбориб, сизни олдириб кетамен деб келдим. Сиз бориб у касални олиб келинг», деди. У ерга бориб қарасам одам иситмалаб ётибди, суяб-нетиб извошга зўрға миндириб уйга олиб келдим. Меҳмонхонанинг ички қисмидаги уйга жой қилиб бердим. Асли Андижонлик Муборак ҳожи доманинг ўғли Ғурри (Абдулхай Махдум) андижонда халқ таълимининг мудир шоир Ғарибий эканлар. Дўхтирга муолажа қилдирдик, тузалиб қолди. Миллий туйғули гап-сўз қилмайди, эшитгиси ҳам келмайди. Хурофий гапларга қўпроқ берилиб, хурофага ишонган одамга ўхшаб кўрингиси келади. Тошкент радиосини ҳамон ўчиртириб қўяди, эшитмайди. Қўлини силтаб, «Даф бўлсин ўшалар» дейди. Қолбуки, аслида, у киши ойдин одам экан-у, нодон кўриниб юрар эди. Менга Чўлпоннинг:

Эй гўзал Фаргона, қонли кўйлагингдан айланай,
Зархали тушган қаро ваҳший сочингга боғланай,
Ваҳший бир ўрмон каби бағрингни бос, мушкул қамиш,
Кенг, чўзиқ саҳроларинг нега тўсолмас ёв йўлинг?
Йўк недур ўтқир қилич кесмоққа ёвларнинг қўлин?
Биз бутун ожиз заиф бағри эзилган сен учун,
Бул қадар қонлар тўкилди дўзахийдур сен учун.
Йиғлама, юртим, агарчи кунингда йўк баҳор,
Келгуси кунларда бахтинг юлдузи ўйнаб қолар.

Шу шеърни яна бир қанча шеърларни ёзиб бериб турдим. Кейин бозорда кулчафуруш Мирахмад Тошкандийга хизматчи бўлиб кетди. Сал кундан кейин чўлок Абдурасул хожи билан биргаликда Лабидарёи хиёбонида бир дўкон ижаралаб-банжора бўлиб олишди. Ул илму адаб дарёси шоир билан алоқада бўлиб турдим.

Афғонистонга Амударё, Сирдарё қирғоқларидан сиғиниб ўтган юртдошларимиз бир-бирлари билан иноқ яшар эдилар. Одобрлари ҳам жойида эди. Ўша даврда ўтган ўн икки йилимни яхши эслаймен. Шунча замон ичида бир-бирлари билан ёки биров билан уришиб расмий идорага борганларини кўрмадим. Айниқса, ўғирлик қилиб, бошқа безбетлик қилиб қамалган киши бўлмади. Бунга сабаб ораларида улуғ инсонлар бор эди. Бир нечасини эслаймен. Андижонлик Абдуҳалил оксоқол, тадбирли, узоқни кўра оладиган одам бўлгани учун улус у мухтарамни Абдуҳалил оксоқол, Калилахондай одамлар, албатта, адашмайди дейишарди. Қўқонлик Мирза ҳаким улуснинг ҳар дардига даво топгувчи фидокор одам эди. Мен бир куни Иқбол ширкатидан 240 минг долларлик кирктосияни бир йиллик ваъда билан олдим. Келишувга ширкатнинг раиси Саидиқбол, мен қўл қўйдик. Иш муҳосибага чиқарилди. Бўлимдаги узумга кўра харидор эътиборга эга бўлса-да, яна битта кафил керак экан. Кафил тайин қиламиз деб чиқдим. Кўчада кимга айтишни билмай каллам ғовлаб кетаётсам, рўпарамда Мирза Ҳаким чиқиб қолди.

— Эй қори, қаердасиз? Сизни истаб кета турувдим. Иқбол ширкатига боровдим, улардан катта миқдорда

мол олганлигингизни айтиб қолишди. Мен кафил бўлсам бўладими? – десам

– Албата бўлади, аслида қорининг эътибори кифоя қилар эди. Биз идоранинг удумига кўра кафил сўрадик, - дейишди. Келишувга қўл қўйдим.

– Ғарам бўлимига иш чиқарилди, энди олган нарсаларингизни ташиб олинг, - деди.

Соҳибназар домла асли олтиариқлик. Бухорода олий таҳсилини битирган, кучли олим эди. Айниқса, мантикни чуқур билғони ул ҳазрат биз алҳамдулilloҳни билгандек, мантиқ илмида у кишидан олдинда борадиган кимсани кўрмадим. Ҳиндистонда олий таҳсилни битириб келган замонасининг беш кадамлари ҳам у кишига шогирд эди. Кўринишда савдо-сотик билан овора бўлсалар-да, кучли шахматбоз эдилар. Мен ҳам шахмат ўйнаймен. Кўришим битта ўйиндан нари ни илғамайди. Соҳибназар домла, тоғам Ғофиржон, қори Ҳожи Мирзалар беш-олти ўйин нарини кўра олар эдилар. Одатда шахматбозлар жуда ўйинга берилиб ўйнайди. Соҳибназар домла ўйинни кўриб, кузатиб турганларни яна ҳам орага олиб ўлтиришга ташкил бериб ўйнар эди. Кечагидек эслаймен, «қори ўйинни кўряпсизми? Дурух якдошуду, ғазаби худошу», десалар томошабинларда яна тетиклик пайдо бўлиб, кўпроқ диққат билан ўйинга аралашиб кетар эди. Юқорида ўртача шохмотчиларни беш-олти ўйин оқибатни кўра олишарди, дедик. Кунларнинг бирида Бобурмирзонинг чевараси Шохжаҳон шахмат ўйнаётганида рақиби кучлилиқ қилиб Шохжаҳонни қаттиқ ўйлатиб қўяди. Оти хатарда, сақлаб қолиш имкониятини топа олмайди. Отни беришга рози бўлишдан бошқа чора қолмайди. Ўшанда парда орқасида ўйинни кузатиб турган Мумтозбегим овоз беради. «Шоҳо дурух бдеҳу бде, Асли дилоромо маде, пиру пиёда пешкун, аскишт мот» деди. Демак, Мумтозбегим ўн икки ўйиндан кейинги натижани кўра олган. Қобулда тоғам Ғофиржон бир тарафда окжаҳон, бир тарафда рақиби кўринишини тахтада териб, гоҳ у ўйинчидан ўйнаб, гоҳ бу ўйинчидан ўйнаб, аниқ кўрсатиб берган эди. Қобулда қирқтага яқин атроф вилоятларда ҳам бўлиб бутун Афғонистонда эл-

лик-олтмиш орасида миллионер бор эди. Сарой эгаси Сожида Абдулазиз, Сарой заддодининг эгаси Ҳожи Нодир, бозор шоҳидаги Сарой халифа Шераҳмадники, Сарой Банжора, Ҳожиёкуб банжораники бўлиб, буюк жойдод соҳиби бой уч-тўрт кишидан иборат эди. Ўша миллионерлардан бири ҳожи Нураҳмаджоннинг зиёфати бўлди. Шу муносабат билан ҳожи Ғулом Нақшбанд ўғиллари билан даъват қилибдур. Чунки улар кўшниси эди. Мен ҳожи Ғулом Нақшбанднинг гумаштаси эдим. Шу муносабат билан мени ҳам даъват этди. Борсак, малика Шуаро сўфий Абдулҳак Бето, амиру Олимхон даврида Бухоронинг Қобулдаги элчихонасида котиб бўлиб ишлаган Жунайд эшон ашулачи Девона (Ғулом Ҳусайнхон Шайдо) ўлтирган эдилар. Устод Бетоднинг ўғли, набираси ҳам шоир экан. Жунайд эшон “шоиру шоирчаю шоирчага Мушарраф бўлиб турибмиз” деб суҳбатга енгиллик келтирди. Ҳамма кулди. Жунайд Эшондан бу кичик зарофатдан бошқа қаламга олғувлик бир нарсa кўринмади. Девона Бедил ғазалларига ўзи басталаган ашулаларни тараннум қила бошлади. Шу жумла эсимда қолибдур:

Эй банда бандаки кўн баланд аст осмон.

Ҳошиб шоир Бухоро амири даврида Қобулдаги элчи эди. Ўша даврда Афғонистонда шу одамдан катта адиб, шоир йўқ эди. Шоир Ғулом Ҳазратхон малик уш-шуаро Абдулқори, устоз Бетоблар қаторида аруз вазнида ўхшаш қофияда, тайин қилинган радифда, ўхшаш мазмунда ёки жавоб моҳиятида бемалол ғазал айтиб мушоирада иштирок этарди. Эслатиб ўтайин шеърхонлик бошқа, мушоира бошқа. Бошқа нарсаларнинг, айрим замонларда, фарқига бормаймиз. Афсуски, Хошим шоирдек улуғ шоир, ёзувчининг ҳеч қанақа ўзбекча асарини кўрмадим. Қобулда иккинчи жаҳон урушида қорамой тансиқ бўлгани учун улуғ инсонлар извошда юрар эдилар. Шунинг учун санокли кишилар извошда юрар эди. Жумладан, бири Аҳмадшо, сиёсий идоранинг раиси, бири Мубашинхон тўра, бири Мираҳмаджон савдогар, яна бири Хошим шоир эди. Улуғ

шоир Ғулом Ҳазратхон отлик юрар эди. Қобулда ватан-дошлар орасида машхурлардан машхур Сайид Маҳмудхон тўра мутасаввуф эдилар, Саид Мушафидхон тўра саройда расмий вазифада бўлиб сиёсий одам эди. Буларнинг ҳам ўзбекча бирор асари бўлганлигини билолмадим.

ИСТИҚЛОЛ ГАШТИ

Истиқлол (озодлик) байрамларида томошалар спорт кўрсатувлари бўлар эди. Бир йили чаман ҳузурига спорт кўргани бордим. Қобулдан Мурод полвон, Сулаймон полвон иштирок этди. Покистондан Гомо полвон, Кишовурдан Сарҳад рустами, Нажоистондан Кунгон, Кунконни одам эмас, дев дейсиз. Уни Пешовар Рустами коптокдек ўйнаб, эркин кўрашда у ердан— бу ерга, бу ердан — у ерга иткитар эди. Ҳар бир отиб ташлаганда ҳаяжонланиб кетар эдим. Сулаймон Ҳирот пири Қутуб соҳибнинг ҳузурига бориб дуо олгач, ўйнаб келиб Панжоб арслони деган лақаби бор Сардорхонга ташланди. Сардорхон Афғонистоннинг биринчи номдор полвонини бир-икки ҳаракатдаёқ ёш болакайга ўхшатиб ерга ётқизиб қўйди. Афғонистон Рустами— Мурод полвон, Покистон Рустами — Гомо полвонга қарши тарзда тушди. Гомо муқобилда ҳеч қандай мажбурият кўрсата олмади. Гомо ҳаракатида, ҳар бир ўйинида бир кулимсираб болалар ўйинчоғини ўйнашига ўхшаб ўйнашди. Гомонинг кучига, мардлигига, серхунарлигига томошабинлар қойил қолди. Кўраш спортидан бошқа Афғонистонда отан миллий ҳам тараккий қилган. Бу спорт тури Афғонларга хос бўлиб, сочларини селкиллашиб ирғишлашдан иборат. Айтарлик бу спорт эмас. Чўпбозий (таёқбозлик) жуда қизиқарли бўлган. Бу ўйинни Қобул дарийлари ўйнайди. Ўйлашимча, Бобур Мирзо давридан қолган ўйин бўлса, керак. Чунки бу ўйиннинг асоси Афғонистонда йўқ. Ўзбекистонда бор. Шунинг учун ушбу меросимизга эга чиқиб, бу спорт турини ўз она юртига олиб келайлик, дейишган.

ҚИЗИҚЧИ

Асли Хонобод шахридан чиққан Холмурод масҳарабоз ўрта осийлик Собиржонга қурилган дорнинг тагида масҳарабозлик қилиб одам йиғиб берар эди. Бу ҳунар бозори Қобулда касод бўлиб қолиб, Собиржон Ҳиндистонга кетиб қолди. Холмурод эса, ишсиз қолди. Биз билан оилача рафти омади бор эди. Айниқса, оиласи тез-тез каттабувимни кўргани келарди. Катта бувим унга меҳрибончилик кўрсатиб, меҳмон қилиб, кийимликлар бериб, мана бунингиз кўйлак тикиб олинг, манавинга қизларингизга кўйлак олиб беринг деб, қўлига пул бериб, илтифот кўрсатиб кузатганлигини кўрганмен. Гаши (байрам) яқинлашиб қолган кунлар эди. Холмурод қизиқчи гашинда чаман ҳузурида:

— Бошқаларга ўхшаш мен ҳам ресторан қурмоқчимен. Пул йўқ. Кимдан сўрашни билмаймен, — деди.

«Юрармикин» десам, «юради» деди. Бўриядан қуриладиган ресторан очмоқчи. Қанча пул керак бўлади, десам, беш юз афғони деди. Мен берайин дедим-да, беш юз афғони бердим. Бўриёдан ресторан бўладиган жой қурди. Стол-стуллари ижарага олди, ҳамшаҳарларни ресторанга даъват этди. Юртдошларимизнинг кўпчилиги майда буржуа. Фурсатдан фойдаланиб қолай, қандай бўлса-да, ҳаммани даъват қилди. Овқат кабоб Холмуроддан, зиёфат менинг номимдан бўлади деган шиор билан ерлик ёру дўстлари билан майда буржуалар бойлар — ҳамма юртдош Холмурод даъватига шошилди. Бир кишилик, икки кишилик, айримлари уч кишилик кабобни нўшижон қилдилар. Кабоб ейилгач, еган кабобининг пулини Горсун кассир олдида уларга берди. Юртдошлар ён-веридан ҳижолат бўлиб, қизариб-бўзариб, еган кабобининг пулини тўладилар.

Яна бир қизиқчимиз Абдумалик Мақдум покнафс йигит эдим. Тўйларда, ўтиришларда пул олмасдан қизиқчилик қилиб, одамларни қулдириб юрарди. Бир куни Абдужалил аканинг олдидан ўтиб кетатуриб салом бердим.

—Қори, бу ёкка чикинг, бир пиёла чой ичинг, — деди.

Чикдим, дастурхон ёзилган, ўртада кази, патир нон. Қани-кани, марҳамат деб турувди, кўчадан Абдумалик мақдум чиқиб қолди. Жалил ака «Мақдум, чиқинг бу ёкка» деди. Устига Абдурауф махсумнинг она тарафдан буvasи Абдурахмон махсум чиқиб қолди. Ҳол-ахвол сўрашиб ўтирдик. Абдурасул Махсум «Мақдум, растадаги мешини танирмидингиз», деди. Мақдум ҳайрон бўлди. «Ў, углавойдаги дўппифуруш Меш-чи?» деди. Мақдум яна ҳайрон бўлди. «Эшон бува, қаерликсиз ўзи?» — деди. Мақдум «қўқонликмен» деса эшон почча «Э, одам эмас экансиз-ку» деди. Мақдум «Эшон почча, одам бўлсам, сиз билан гаплашиб ўтирармидим» деди.

ОЛМОН ЖОСУСЛАРИ

1941 йилларда Афғонистоннинг бош вазири Ҳошимхон билан биргаликда Саид Мубашшир Тирозий олмонлар билан иш бирлиги қилади. Гўё Мубашширхон Ўрта Осиёдан паноҳ истаб Афғонистонга ўтган рус душмани муҳожирларидан, айниқса ўзбеклардан иборат халқ улуси тузмокчи бўладилар. Бунинг учун курулни ёки курул баҳосини олмонлар таъминлайди. Бошқа ҳаражатни ҳам олмонлар таъминлайдиган бўлади. Ўзбек халқ улуси эса, Ҳайратон портидан Термизга ўтиб, русларга қарши янги жабҳа очмокчи бўладилар. Европа томонидан олмонлар Кавказ томон юриш қилса, ўзбек халқи улуси Ўрта Осиёни ишғол қилиб, сўнгра Олтой тоғлари ё Кавказларда олмон улуси билан бирлашса... ҳарбий режа шундан иборат эди. Олмон ғалаба қилганидан кейин Ўрта Осиёда Мубашширхон подшо бўлиб қолади. Афғонистонга эса, Тожикистон берилади. Вазифа тасдиқ қилина бошлайди, ҳаракатнинг раиси Мубашширнинг ўзи, ўғли Саиднасурло ўринбосари. Катта ғазначи Ҳабибулло тўра, кичик ғазнадор Акром қори, уюштирувчи Мўминжон шимол алоқадори Муҳиддин қори, Шимолдан вакил Абдулаҳад қори, Бадахшонда Авлиё тўра, Муҳиддинхон тўралар. Диққат қилинса, ҳарбий хизмат ҳеч кимга берилмайди. Мирза Абдурахмон пистафуруш эса, ўрта ғазначи бўлади.

Ҳозирча нечта ҳозирлаш турли миқдорда пул тақсим қилиш бошланади. Сардор Ҳошимжон билан Саидмубашшир ўртасидан бошқа кимса бу сирни билмайди. Исмлари қисқартириб ёзилганларни эса,, Мубашшир билади холос. Шундан сўнг олдиндан олинган пуллар миллионлаб Ҳошимжон олса, ғазначилар ҳам катта-катта маблағ олиб турадилар. Шунинг сингари, бошқа вазифадорлар ҳам ўзларига яраша пул ола бошлайдилар. Масалан, Абдулла қори, Ҳабибулло тўра, Муҳиддин қори катта ўлжа олганлар. Шерматбей кўрбоши 10 минг айримларга 9 мингдан икки минггача берилибди. Абдулқодир буддозга 10 минг берилибдур. Худди иш қилаётгандек кўринган сохта азаматлар ҳаракатни қизитиб юборадилар. Кўчадан ўтиб кетаётсам, Абдурасул чўлоқ “Мана шу жомодонни Абдурахмон саройидаги Мўминжонга элтиб беринг” — деди. Бутун Туркистонга оид листалар, пуллар кейинча маълум бўлдики, шу жомадонда экан.

АБДУРАШИД БОЙ

Асли самарқандлик Абдурашид бой чамаси 50 ёшларда, ўрта бўйли, оқ танли, улуғвор кийинган, тавозели одам эди. Абдурашид бойнинг Қобулда 23 та ҳовлиси бор эди. Мозори Шарифдаги ҳовлилари эса,, нечта эканлиги маълум бўлмади. Биров ҳовлисини сотмоқчи бўлса, дарров бой ҳаридор бўлиб баҳосини сўраб келишади. Бой уй эгасига пулни кейинроқ берсам бўладими деди. Уйнинг эгаси «Пулга эҳтиёжим бўлгани учун ҳовлини сотмоқчи бўлдим» деди. Бой «Қанча нақд пулга эҳтиёжингиз бор?» — деди. «Майли, майли, пулнинг зарур қисмини бериб турайин. Қолганини бир йилдан кейин берсам бўладими?» — деди. Мисол учун ҳовли 100 минг сўм бўлса, 10 мингини нақд, қолганини бир йилдан кейин беришга келишув бўлади. Абдурашид бойнинг Афғон миллий банкида маълум даражада эътибори бор. Дарҳол муомала юритилиб, Қобул ишлари битгач, бой уй эгасига 10 минг афғонилик чек ёзиб беради. Маблағнинг қолган қисмига ҳужжат беради. Шу ишлар натижасида, бой ҳеч қанақа

накд пул керак қилмай, ҳовлига эга бўлади. Бой ўта уста одам эди. Уй-жой савдогарлигини халқдан яшириб юрарди. Бу ишини яшириб юриш учун бошқа молларни ҳам олиб, уй-жой савдогарлигини никоб қилиб юришида катта ўйин бор эди. Бой нима рўпара келса уйми, ҳовлими, боғми, нима бўлса, олар эди. Факат насия бўлса, бўлди. Бошқа нарсаларни ҳам олаверарди. Гиламми, мўйнами, мева-чевами, олаверарди. Насия бўлса, бўлди. Айрим замонларда молнинг нархини арзонроқ қилиб, хўжақўрсин нарх қилиб олаверарди. Айрим замонларда молнинг ёки ҳовлининг ҳақиқий нархидан бир фоиз, икки фоиз, ҳатто беш фоизгача ортиқ маблағ тўлаб ҳовли эгасига инсофли, диёнатли бўлиб кўринмокчи бўлади. Ҳовли эгаси бойнинг устача ҳаракатининг моҳиятидан беҳабар. Бир неча процент юқори баҳога қизиқиб бой устача кўрсатилган ҳалоллигини, тўғрилигини дангаллигини кўриб қойил қоларди. Берган нархига кўндим дерди. Уч-тўрт сатрни мутолаа қилаётган ўқувчи ҳам Абдурашид бойнинг ҳаракатларида нима маъно борлигини, қандай моҳият яширинганлигини, натижа қаерга боришини билмай ҳайрон бўлиши мумкин. Энди орадан бир йил ўтади, ҳовлининг баҳоси юз минг эмас, юз эллик минг бўлиб кўтарилиб кетади. Бой ҳалиги ҳовлини юз эллик мингга пуллаб, қолган тўқсон мингга чек ёзиб беради. Ҳовлининг эгаси бой, танги, гапида турадиган одам экан. Шунинг учун ҳам, тангри унга бахт берибди, ҳовлилари ортиб кетди, қандини урсин деб кетаверади. Аслида эса,, Абдурашид бой инфляцияни яхши билар, уни ҳисобга олар экан. Мана шу тижорат уни бой қилган. У даврда кўпчилик баҳо ортиш (инфляция) жараёнини билмас эди. Қобулда, гурбат диёрида истиқомат қилаётган юртдошларнинг деярли ҳаммаси инфляцияни сўзини эшитмаган. На моҳиятидан хабари бор, на нарх-навонинг ортиши қайси натижаларга боради, булардан ҳам хабари йўқ. 100 сўмлик нарсани сотиб, 110 сўмга яхши фойда қилдим дейди. 500 сўмлик нарсани сотса, 50 сўм фойда қилдим деб қувонади. Шунга кўра, маишат бўлаверади. Натижа тўла дўкон молдан озайиб, мол сийраклашади. Дўкондаги нарсаларнинг яна янгиси

келиб, яна 110 дан сотаверади. Шундай килиб, бир-икки йил ичида дўконнинг ашёси ярмига тушиб, сийраклаша боради. Содда савдогар бу окибатнинг фаркига бормайди. Воқеани онгли равишда тушуна олмайди. Бора-бора қарзини ҳам вақтида тўлай олмай қолганини билмай қолади. Ана холос, ифлос эшик қоқиб турибди. Савдогарлик хавас билан юрмайди, у санъатни ўзига кўра хослиги бор. Савдогарчилик майдонига кирган одамнинг биринчи иши инфляцияю фалсафасини яхши ўрганиши керак. Маҳаллий шароитни, дунё сиёсатини кузата бориши керак. Бунинг учун тиб адабиётидан, тижорат адабиётидан баҳраманд бўлиш, албатта, керак.

САВОДХОНЛИК

Умуман, ислом оламида саводсиз одам кўп бўлади. Айниқса, арабларда. Туркияда эса,, лотин ҳарфига ўтилгани учун саводсизлик кам. Шунинг учун Бобур Мирзо алифбони ўзгартирган эдилар. Афғонистонда ўзбеклар, тожикларда саводхон юзда етмишларда бўлса, Афғонларда саводхон зўрға юзда беш топилса керак. Чойнакка қуруқ чойни ташлаб, қайноқ сув олгани самоварга бордим. Ифтор вақти якин экан. Бирпас туриб қолдим. Чой талаб қилганлар кўп экан. Самоворчининг оти Кўчқорбой эди. Ўзи ўзбек. «Эй Кўчқор, чой олиб кел. Чой бий», деб у ёқдан овоз келади, бу ёқдан овоз келади. Одам қизишиб хафа бўлиб келади. Ўзбеклар «Кўчқорбой ака чой олиб келинг», дейди. Бошқалар бўлса, «Чой олиб кел!» дейди. Бечора аҳволдан асабийлашиб, тажанглашиб бу ҳам одам етиштиролмаёпти демайди, яна овоз келади. Кўчқорбой эса,, жавоб ўрнига лаънат бўлсин ҳаммангга деб кўяди. Чойни йиғиштиролмайди. Самоворда саккиз чоғлик чойхўр ўтирибди. Ҳаммаси ҳам жаҳон улуси хабарини эшитиш иштиёкида. Чунки самоварда радио бор, бошқа ерларда йўқ. Бир-биридан сўраяпти, Олмон нима қилди-ю, ўрис нима қилди, деб марокланишади. Саккиз кишининг орасида биттаси саводхон, бошқаларига қараганда маҳмадона эди. Бирдан радиодан хабарлар бош-

лаб қолди. Ўлтирганларнинг ҳар бири жимжит бўлинглар дейишиб қолди. Атроф сокинлашди. Ҳамманинг қулоғи радиода. Биттаси жуда диққат билан эшитяпти, етти киши диқат билан у одамнинг оғзига қарашиб туришибди. Биттаси «Оға, нима деяпти?» деб сўради. У жавоб бериб дедики: «Сабр қилинглар, лугат айтяпти. Лугатнинг маъноси тушунтирилмаса, бирдан уни айтиш қийин» дедим. Маълум бўлдики, у ҳам саводсиздир, чаласавод экан, билмас экан. Абдурашид бойнинг тижорий ҳаракатларини Афғон юқори табақалари ёқтирмас экан. Бир куни Ҳошимжон бойни ҳузурига талаб қилиб бир нарсаларни баҳона қилиб, каттик-қуруқ гапирарди. Яна бир куни полис қўмондони чақириб, бўлмаган баҳона билан бойни ҳақорат қиларди. Бойга таможния ишларида қийинчилик чиқариларди. Бу воқелардан таъсирланган бой ҳукуматни хитоб қилиб: «Мен ўзимни ўлдирамен, бисотимни ҳисоб қилиб сотиб, қарзимни беринглар. Қолганини авлодимга беринглар» деб ёзиб қўйиб, ўзини томдан ташлаб юборади. Бой ҳушидан кетган, касалхонага олиб борилади. Бой ўзига келмай, у дунёга риҳлат қилди. Ётган жойи жаннатда бўлсин.

Сайид Мубаширхон собиқ Бухоро амири Олимхон билан куда бўлишди. Мубашир тўра ўғли Насруллога амирнинг кизини олди. Тўйга катта-кичик айтилганлар боришди. Тўранинг юртдошлар билан алоқаси сийрак бўлса-да, тўйга борилди. Бундан илгари Тўра на юртдошларининг тўйига, на зиёфатига борган одам эди. Юртдошларнинг ишига аралашмас, бирор бир юртдошидан ҳол-аҳвол сўраган одам эмасди. Ҳаттоки бир пиёла чойини раво кўрмаган ўта мутакаббир шахс эди. Тўра Ҳошим шоир извошда кетаётганини кўриб қолар эдик холос. Тўйнинг эртаси окшом бизникига Нўъмонхожи Убайдулло ҳожи келишди. Саиджон тоғам билан гаплашишди, мен чой-пой ташиб турдим. Гапларининг мазмунича, тўйга 100 минг афғони сарф бўлибди. Бу исроф-ку. Туркистонни озод қиламан деган одам, наҳотки, Туркистон номига олинган маблағни ўз манфаати-ю, ўз дабдабаси учун сарфласа. Шу инсофданми, деб ғижиниб гаплашарди учовлари.

Мулоҳазаю дилхушу, фикру хилма хил иборалар билан шу ибораларни турли услубда баён қилишарди. Убайдулло қори менга имо қилиб ёшлар катталарнинг суҳбатида ўлтириб гапларини эшитмайди, ташқари чиқиб кетинг деди. Мен эса, воқеа устидаги гап-сўзларни аллақачон англаб олган эдим. Улар олмонлардан чиқиб турган пулнинг жиловини бошқа ёкка бурмоқчи бўлмоқда эдилар. 1940 йилларда аниқ эсимда йўқ, кечаси соат 12 да бирдан уйимизга афғон улуслари келиб ҳаммаёқни текшириб, тоғамни олиб чиқиб кетдилар. Эрта билан хабар топдики, кечаси бир пайтда Мубаширхон, Насруллохон, Ҳабибулло тўра, Шерматбей, Нурматбейлар, Абдул Маҳдум қўлга олинибди. Шу ерда учта дастурхон тайёрлаб, дастурхонларга ёнғоқ, майиз, патир, шунга ўхшаган нарсалар тўлдириб, бўлғуси қудамиз Шерматбейга, бирини менга, устоз мақомида бўлиб қолган Абдулкаюм Маҳсумга, бирини тоғамга олиб бориб беришимни буюрди. Полис идрасига олиб бориб бердим. Бирини Бекка, бирини тоғамга, бирини Абдураим Маҳдумга берди. Маҳдумни паришонхол кўрдим. Ёнидан дўконининг калитини чиқариб берди. Кўча томонда ўнг қўлдаги люкс совунлар бор, пастдан иккинчи совунни олиб, дарёга оқизиб юборинг деди. Дўконига келиб, очиб, совунни олдим. Лекин дарёга отмай, уйга келиб совунни очдим. Совун ичида хат бор эди. Мазмуни шундай:

«Олмончиларнинг орасида бўлганимдан хабарларингиз бор. Олмончилар қўлга олинадиганга ўхшайди. Энди мени Ҳиндистонга ёки Эронга ўтказиб юборинглар» — дейилган эди. Ў, лаънати-ей, рус жосуси экан-да, дедим. Яна ўйладим, русларнинг исми йўқ-ку, балки миллий озодлик кўрашчиларига атаб ёзилгандир. Йўқ-йўқ, миллий кучлар бу қадар такомиллашганича йўқ. Бу хат русларга атаб ёзилган. Агар бу хатдан афғон ҳукумати хабар топса, Маҳдумни Демазангдаги қийноқ ҳовузига ташлаб, ўлгунча сувда саклаб ўлдирар эдилар. Бундай исканжага учратилган Минаввар тўра сартарошнинг оқибатини пайкаган эдим. Бу даҳшатли воқеани менга Демазангда бўлган танишим ҳикоя қилиб берганди. Мен узун-узун,

чукур-чукур ўйландим. Абдулхай Ғурримахдум юртдошим, устозим бўлади-ку. Ёмон бўлса, жазосини мен эмас, тангрининг ўзи берсин, дедим-да, юкоридаги битикни кибрит билан ёкиб ташладим. Уч кундан кейин яна ҳалиги битик, майда-чуйда олиб мелиса идорасига бордим. Қўлимдаги нарсаларни Махдумга бердим. «Айтган нарсани дарёга отдингизми?» деди. «Ҳа, у нима эди Махдум ака?» — дедим. «Полвонларга ёзилган хат эди» — деди.

ХОС ҚАМОҚХОНА

Ўрганишимга кўра, Қобул вилоят идорасининг ёнидаги сарой каби бир ҳовлида Мубаширхон, Насруллохон бола-чақалари билан бемалол кўришиб турадиган каттакон ҳовлида, бошқалари бошқачарок ҳовлидаги сиёсийлар учун махсус ҳовлида озодликдан маҳрум ётар эдилар. Сайиджон тоғам сиёсий идорада ўн саккиз кун сўроқ қилинди. Тоғамнинг исми на олмончилар листасида, на олмон пулидан олганлар листасида бор экан. Улар билан муносабат бор-у, лекин фикру мулоҳазаларда иштирок этмабди. Аниқлангандан кейин Сайиджон озодликка чиқди. Шермат кўрбоши қамалиб кетган. 1940 йилларда бўлса, керак. Бегойи ризоси билан тўй бошланди. Бекнинг мухлислари тўйга қарши туришди. Тортишувлардан кейин тўй бошлаб юборилди. Мухолифлар тўйда бўлса-да, ҳодиса чиқариб тўй қилгани қўймаймиз дейишди. Тоғам ҳукумат идорасидан расмий равишда тўйга тетик бўлиб туриши учун ёрдам сўради. Саккизта сиёсий полис ёрдамга юборилди. Улар тўйни назорат остига олиб тинчликни саклаб туришди. Мўмин хожи, оқсоқол хожи эса, хоналарнинг ҳар бирига, дарвозаларга, йўлақларга ўзи ишонган юртдошларни, айниқса, чироқларни кўриш учун тайин қилди. Тўй тинчлик билан, яхши ўтди.

ГАП-ГАШТАК

Ўрта Осиёдан ўтган юртдошларнинг ёшлари, ўрта ёшлилари, йигитлари, ўспиринлардан иборат тўртта гап-гаштаги бор эди. Гаплардан бошқа яна бир хил айрилиш

кўзга ташланарди. Тошкентликлар, самаркандликлар, водийликлар бўлиб, айри-айри гаплари бор эди. Чунки ўша даврдаги юртдошларда улусдошлик (юртдош) такомиллашмаган эди. Катталар гапида Сайиджон тоғам бор эди. Йигитлар гапида Ғофиржон тоғам жўрабоши эди. Катталар ичида фақатгина Ҳошимжон тошкентлик бўлиб, бошқалар водийдан эди. Йигитлар гаштагида айричилик йўқ эди. Шунинг учун айрим замонларда мирза ким, хўжакалон, эшон каби улуғлар ҳам иштирок этарди. Макомчи ашулачилар, Ғулом Махдум, Тўра хўжа эшон, Абдумалик махсум, дуторчи Ҳамзахон, Мамадали қори, кизиқчи Ҳошимжон, аскиячи ватандошлар ҳам бор эди. Ичларида «Дилхирож», «Мирзадавлат» ўйинларида гўзал ўйнайдиганлар бўлиб, гапларда тўй томошаларни кизиқарли ўтказар эди. Айниқса «Ёввойи чоргоҳ»ни Низом махдум, Абдулмалик махдум айтса «Адашганмен» ашуласини Тўрахўжа эшон, Сегоҳни Хўжакалон яхши ижро қилар эдилар. Эшоннинг ўғли Зикриё Мансурий ҳам кейинча ашулачи бўлиб кетди. Гапда ўйин-кулгидан бошқа шахмат, қартабозлик ўйинлари бўлар эди. Қартада тўрт кишилик тузум айтиб, ўйнаш кўпроқ ривожда эди. Кеча ўн бирларда шеърхонлик бўлиб, мен Чўлпон шеърларидан ўкиб берардим. Гаштак орасида айниқса ҳафтада бир окшом йигитлар бизнинг хонамизда ётиб қолишар эди. Кечқурун қуюқ-суюқ таом ейилиб, эрта билан нонушта қилиб, ҳафтада бир кун Бобуршоҳ боғига чиқиб сайр қилар эдик. Айрим замонларда Гулбоққа, Байрам боғига ҳам борар эдик. Йилда бир гаштак аъзолари билан биргаликда Парвонга чиқиб салқинлаб келардик. Бу ерларни жаннатнинг бир бўлаги дейилса, муболаға бўлмайди.

КЕЧИМ ҚИЙИНЛАШДИ

Юқоридаги японларга сотилганлар билан кейинги олмончиларнинг хабарлари ҳар тарафга тарқалиб, ёйилган сари муболаға шаклига кириб, ҳар тарафни ваҳима босди. Одамлар бир-биридан чўчиб қолди. Қобулдаги дарийлар ватанимизни акамуллолар русларгагина эмас, япону

германга ҳам сотиб юбормоқчи бўлибдурлар, хайтовур хушёр ҳукуматимиз фожеанинг олдини олиб, даҳшатли план бошликлари-ю, иштирокчилари қўлга олинбдур, ерли халқ бу воқеалардан кейин ўрта осиеликлардан олди-сотди қилмай қўйишди. Бир нави иқтисодий байкот бошланди. Ўз ичимиздан ҳам бўлиндик. Олмончилар олмон-олмон маблағи билан бойиб ўзларини аристократ деб ҳисоблар, бир тарафга чекина бошладилар. Ўртаҳол ўрта осиеликлар эса,, ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан эзила бошладилар. Афғон миллатчиларига эса,, катта баҳона топилди. Улар бу воқеалардан кейин кўзга хунук кўринган кишиларни, айниқса, саводхонларимизни тараккийпарварларимизни турли-туман баҳоналар билан ушлай бошладилар. Бу кўркинч ҳаракатни юқорида айтганимдек, аслида руслар идора қилишар эди. Яъни ишнинг, фожианинг жилови русларда эди. Октябр инқилобидан кейин ўрта осиеликлар бошпана истаб Уйғуристонга, Эронга, Афғонистонга қоча бошлаган эдилар. Афғонистон уларни тўплаб у ёқдан ҳайдаб Чакнасув деган чўлу биёбонга сургун қилар эдилар. Ана ўша кунлар яна авж олди. Айтганимдек, афғон миллатчилари фурсатдан фойдаланиб муҳожир ўзбеклар қаторида у ердаги кушонийлар, бойқаролар давридан бери Хуросон заминида яшаб келаётган маҳаллий ўзбекларни ҳам қўлга ола бошладилар. Бу фоже ҳаракатлари билан улар Хуросонни ёлғиз сиёсий жиҳатдан эмас, этник жиҳатдан ҳам афғонлаштирмоқчи бўлдилар. Туркий халқларни шаҳарларда, қишлоқларда қамайтириб, ўрнига кўчманчи (ноқили) афғонларни эргаштирди. Бу воқеалардан ҳайрат этаманки, ислом олами ўзларини бегона тутиб, ҳеч қанақа яқинлик, ҳеч қанақа сиёсий, молиявий ижтимоий ёрдам қилмади. Рус зулмини кўриб турганларидек, кейинги фожиаларга ҳам бефарқ қараб туравердилар. Ислом ўлкаларидан ҳеч қандай илтифот кўрмадик. Эсимдан чикмасин, эслаб ўтайин. 1950 йилларда бирлашган миллатлар йиғилишида инглиз ҳукумати русларга хитоб қилиб: «Сизлар қачон мустамлакачиликни тарк қиласизлар?» деган эди. Мана шу муборақ овоз бир-икки жумла учун инглиз халқига, ҳукуматига ўз

миннатдорчилигимни билдириб ўтмоқчимен. Шу мубо-
рак сўздан бошқа бизнинг улусимизни, юртимизни ҳимоя
қилган овоз эшитмадим.

ХИТОЙ ҲАМ ОРАГА КИРДИ

Қобулдаги Хитой элчихонасида Кошира шахрининг Ша-
ахзунги тижорат палатасининг раиси Собир ҳожининг ўғли
Абдурахмон таржимон бўлиб ишлар эди. Афғонистоннинг
Қатаган, Бадахшон вилоятларидан сургун қилиниб Қобул
орқали Чакнасу томонга ҳайдалаётган ватандошларни Хи-
тойга илтижо қилдириш ташвиқотчилиги бошланиб қолди.
Нечаким илтижо қилганларни қамоқхонадан чиқариб, бир
қанча қийматли юртдошларимизни Хитойга юборишга
эришди. Турсунниёз, Мўйдинхонтўра, Авлиёхўжа эшон
каби улуг кишилар бор эди. Бирин-кетин кетган қофилани
хитойлар ҳурмат билан кутиб олиб, керакли маълумотни
олгандан сўнг ҳаммасини йўқотиб юборди. Хитойча ил-
тижо қилмаганлар эса, Элман вилоятининг Чақнасувига
сургун қилинди. Уларнинг ичида ҳам қийматли ватан-
дошлар бор эди. Жумладан. Қодир охун, Лутфулло кори,
Ҳожимирза, Тожимирзаларни эслаб ўтайлик. У бечоралар
ҳам Чақнасувнинг об-ҳавосига ўргана олмай, дарду алам
билан дунёдан кўз юмишди. Бугун улардан ҳаётда ҳеч ким
қолгани йўқ.

БЕК ҚАМОҚХОНАДАН ЧИҚДИ

Олмон масаласида қамалганларнинг қамоқхонада
ўлгани ўлиб, қолгани қамоқдан чиқишди. Шерматбек ўғли
Ҳожимулла Ҳайдарга синглим Ханифахонни Саиджон
тоғам орқали сўратди. Катта тоғам сўрашни қабул қилди.
Кичик тоғам эса,, биз – Ханифага тоғамиз, Жўравой акаси,
бу масалани Жўравойга ҳавола қилайлик, деди. Мендан
сўрашди: мен улар бек, биз қатордаги одаммиз. Ўртада
бир муносабат йўқ. Шунинг учун таклифни рад қилармен,
дедим. Жавобимни Шерматбек ўзига сингдиролмай, маса-
лани машмашага айлантириб, гап-сўз билан қўрқитмоқчи
бўлишди. Мен масалани қозийлардан суриштирдим.

Қозийлар диний ҳуқуқдан хабардор қуйидаги саволларни мендан сўрашди:

- Шерматбек синглингни расмий равишда сўратганми?
- Йўқ, - дедим.
- Орада бирор расм-русум бўлганми?
- Йўқ.
- Фотиҳа-нишон бўлганми?
- Йўқ.
- Никоҳ бўлганми?
- Йўқ.

Қозиларнинг мулоҳазаси шу бўлди:

– Синглингнинг боши очиқ. Кимга орзуласанг, бер, қутул.

Ҳанифахонни шунчаки овоза учун Убайдулла қорига никоҳ қилинди, деб гап тарқатдик. Хабарни бекларга Сайиджон тоғам олиб бориб берибдур. Бек хабарни олган куниёқ дўсти Нойибсолар (генерал)га мурожаат қилди. Зулмайхонни чақириб келинимни бошқа бировга бериб юборишибдур, ёрдам беринг дебди. Ҳукуматга мурожаат қилишди.

КАЛТАКЛАНИШ

Кечаси меҳмонхонада ёлғиз ётувдим. Катта тоғам, ўртанча тоғам, кичик тоғам йўқ. Аслида улар ўзларини бир томонга олибдур. Юқоридаги уйда катта бувим синглим Ханифахон билан ухлаб қолишган. Мен ҳам уйқуда эдим. Бирдан дарвоза тақиллаб қолди. Соатга қарасам, 12 кечаси. Ҳайрон бўлиб дарвозага бордик. Ким десам пўписа билан:

– Дарвозани оч! Ҳукумат идорасидан келдик- , деди.

Дарвозани очдим. Бирин-кетин ўн икки нафар, бири офицер полислар генерал Зулмайхон, Шерматбек кўрбоши, укаси Нурматбек, жиянлари Холматбек, ўғиллари Давронбек кириб келишди. (Давронбек бугун Нью Йоркда, ҳаёт.) Шерматбек менга қараб:

– Келиним қани? Дарров топ уни, - деди.

– Бекота, қанақа келин? Бекорчи гапни қилманг, – дедим.

Офицер полисларига буюрди. Мени полислар калтаклашарди, шапалоқ билан уришди, тепишди, иккита полис мени икки қўлимдан, икки оёғимдан ушлаб ерга уришди. Ўта кўп калтак едим. Офицерга қараб:

– Жаноб, сиз билан гаплашмоқчийдим, - дедим.

Бошқа хонага ўтдик.

– Нима дейсан? - деди.

– Мени калтакламанг, сизга пул бераман, - дедим.

– Қанча берасан? - деди.

Бор-йўғи тўрт минг афғони пулим бор эди. Ўша даврда минг доллар бўлар эди. Берармен дедим. Албатта бунчалик юқори савиядаги пулни калтак зарбидан вужудим оғригани учун бериб юборибмен. Ҳолбуки, эллик доллар бераман десам ҳам, жон-жон деб таклифни қабул қилишар экан. Офицер “бер” деди. Пулимни олиб чиқиб ҳалиги уйда ўтирган офицерга бердим. Офицер:

– Бек соҳиб, болани Қоракўлга олиб кетайлик. Ўзи келинингизни топиб беради. Қани топиб бермай ҳам кўрсинчи? - деди.

Ҳали айтганимдек юқори каватда катта бувим билан синглим ётишган эди. Ғала-ғовурдан улар уйғониб кўрқинчли ахволни кўргач, том орқали қўшни уйга қочишибди. Полис офицери буюрди, қўлимни боғлашди. Узун ипини ўзи ушлаб, қани юр, деди. Кечаси соат бирларда даҳшатли манзарани кўшнилари кўриб турган ҳолда, мени молдек ҳайдаб олиб бориб, Чўпфурушдаги коровулхонага топширди. Улар эса, жинойткорга қилинадиган қўполликлар билан тунги иккида ҳеч қандай бир нарсаси йўқ, на стол, на палос, на ўлтирадиган жой бўлган зах ерга, назоратхонага ташлаб қўйишди. Эртаси тўққизгача юриб чиқдим. Соат тўққиздан Шерматбек билан укаси Нурматбек Қоракўлга келиб, мени назоратхонадан олдириб, бошқа уйда учрашдик. Бу сафар у хонада уч киши эдик. Шерматбек гап бошлади:

– Қори, ўжарлик килманг. Хайрингиз шунда, - деди.

– Мен ҳали жавоб берганимча йўқ, - Нурматбек чўнтагидан шақир-шуқур қилиб очиладиган пичоғини қарскурс эттириб чикарди-да, пичоқни менга дўлайиб туриб, - Жавоб бер, бола, - деди.

Мен ўзимни йўқотмай туриб қолдим. Шерматбек «пичоғингни ёнингга сол» деб ўшқирди. Шу аснода Мирзаҳаким кириб келди. ---Ҳай-ҳай, жанжални тинч йўл билан ҳал қилайлик!- деди. Полис идорасидан, - масалани жамоатчилик асосида ҳал қилмоқчимиз, Жўравойга ижозат берсангиз, жанжални халқ ичида тугатар эдик, - деб ижозат беришларини илтимос қилиб мурожаат қилди.

Бекларни ҳам, мени ҳам олиб Мирзаҳаким уйига олиб кетди. У кишининг эшигига бирин-кетин Қобулдаги юртдошлар, улуғлар йиғилди. Ўттиз чоғлик одам йиғилди, катта дастурхон йиғилди. Дастурхонга нон, мева-чева қўйилди, чойлар сузила бошлади, кетидан ош тортилди. Товоқлар йиғиштириб олингандан кейин мевахўрлигу чойхўрлик фасли келгач, Мирзаҳаким:

— Азиз меҳмонлар, сизларни бу ерга даъват этиб заҳмат беришдан мақсад шуки, улуғимиз Шерматбек соҳиб билан Жўравойнинг ўртасида тортишув бор. Ушбу жанжални ёрдамларингиз билан бартараф этишдур, - деб мажлис аҳлига воқеани айтиб берди. Униси ундоқ, буниси бундоқ деб фикр юритдилар.

Усмон Оқсоқол дедик:

— Ҳар икки тараф ўзларига вакил тутсин. Икки вакил бир қарорга келсин, мажлис қарорни муҳокама қилиб, қарор маъқуллансин. Шерматбек Сайидмахмудхон тўрани вакил қилди. Мен Абдулҳамид оқсоқолни вакил қилдим. Вакиллар бошқа уйга ўтиб кетишди, улар ўзаро бир қарорга келгач кўпчилик ҳузурига чиқиб қарорларни эшиттирди. Қарор шу эди:

— Жўравой биринчи синглисини бекка келин қилиб бермаса, иккинчи синглисини берсин,- дейишди.

Шу аснода Мирзаҳакимнинг уйини йигирма-ўттиз чоғлик полис ўраб олди. Полислар ҳаммани гала ҳайдагандек ҳайдаб, полис марказига олиб борди. Полис каттақони «Синглинг нишон қилинганмиди?» деб ёзиб узатди. Мен қоғозга шундай ёздим. «Жаноби офицер, нишон тугул сўратган эмас». Қоғозни узатдим. Офицер иккинчи саволини шундай ёзиб менга узатди. «Жўравой, кичик синглингни катта синглингни ўрнига бермоқчи бўлдингми?».

«Жаноби офицер, харгиз бермасмен, у киз менга ўгай, онаси, отаси ҳаёт, уларсиз бир нима дейишга ҳақким йўқ». Полис қўлимдан қоғозни олиб ўқиди-да:

– Бек, - деди, - кеча кечаси бизни ухлатмадинг. Орада бир боғламти йўқ-ку. Бирор бир шаръий гап йўқ-ку. Хонада савлат тўкиб ўтирган ватандошларга қаранди. Бадридинхон тўрани мухота қилиб, – Ким бўласиз? – деди.

Сайид Бадридинхон тўра деди:

– Офицер.

– Садқаи сайидлик кетинг, ҳали сиз сайидмисиз? - деди.

Офицер араб ҳолига қараб (асли қўқонлик танилган оти Араб кори бўлган Маҳаммад Умар кори):

– Шохи Душамширада жоме масжиднинг имом хатиби бўламен, - деди.

– Садқаи имомлик кетинг, ҳали сизнинг имоматингизда намоз ўқиб юрибмизми? - деди офицер. - Бу бир болакай бўлса, ҳақ бола тарафда бўлса, казо-казолар йиғилиб зулм қилишдан уялмайсизларми?!

Ватандошлар секин-секин қоча бошлашди. Офицер:

– Масалани ўқув ишларига ҳавола қиламан. Уларнинг ўзи сизларни чакиради. Ҳозирча кетаверинглар, - деди.

АКБАРЖОН ОҒА

Акбаржон оға билан дорилфунун мактабида синфдош эдик. Покнафс бир йигит. Мулла соҳиб Шўрбозонийнинг жияни экан. Мужаддидийлар оиласи Афғонистонда машхур, обрўлари баланд. Чунки замонида Нодиршоҳ Бачча Сақога қарши кўрашганда Монгол қабиласидан генерал Зулмайхон, жодий қабиласидан генерал Сабуллахон иштирок этган бўлса, бу хонийлар ҳазрат мулло Шўрбозор раҳбарлигида Нодиршоҳни ҳимоя қилишган. Юқоридаги шу уч куч Бачча Сақони тахтдан олиб ташлаб, Нодиршоҳни тахтга чиқарган. Юқорида айтганимдек, шу уч-уч ҳурматга сазовор бўлиб қолган экан. Акбаржон оға воқеадан — бекнинг зўравонлигидан хабардор эдилар. Шаъраи маълумотни фахрийлардан, козийлардан сўраб шу муҳтарам шахс тўлдириб турар эдилар. Кечаси полис-

лар мени қамаб қўйганини тоғамдан билибдур. Акбаржон тоғасидан ёрдам сўрайди. Ҳазрат Соҳиб Қобул горнизон қўмондонига телефон қилади. «Ўзбеклар орасидаги жанжаллардан хабарим бор, масала шаърий бўлгани учун шаърий маҳкамага юборилишини сўраймен», дебдурлар. Илтимос эътиборга олинган. Полис маркази масалани ҳамон ўз қўлига олиб шаърий маҳкамага ҳавола қилади. Шаърий маҳкамадан чақирилдик. Снглим Ханифахон билан маҳкамага бордик. У ерда Нурмуҳаммадбек, Холматбек, Ғуломхайдар, Давронбек, уларга ёрдам бериш учун адлия министрлигининг Истиқбол бўлимининг бошлиғи Ҳамид Муҳаммадхон, ғўнд мешик Насруллохон, мулла Мурод туришибди. Биз ҳам бериқоқда турдик. Шу аснода дабдаба билан Шермат кўрбоши Зулмайхон генерал олдимиздан ўтиб волий идорасига чиқиб кетишди. Ярим соатдан сўнг ичкарига чақирилдик. Тўрда кози ҳазратлари, унинг ёнида Акбаржон синфдошим ўтиришибди. Қозий:

– Ҳамма шу ердами? - деди.

– Ҳузурингизда афандим, - деди секретари.

– Ғуломхайдар ким?

– Мен, тақсир.

Қози:

– Гувоҳларингиз билан ҳозирмисиз?

Ғуломқодир:

– Ҳа, тақсир.

– Мажлис очилди, - деди қози.

Ғулом Ҳайдар:

– Қози ҳазратлари, ёнингиздаги одам душманимнинг дўстидур, — деди.

Қози:

– Бу зот менинг меҳмоним ҳамда мажлисни мушоҳада қилгани келибдур. Эътирозинг ўринсиз, - деди.

Шу пайт Шермат кўрвоши қўлида қоғоз, маҳкамага генерал Зуннайхон билан кириб келди-да, қўлидаги қоғозни қозига узатди. Қози ҳазратлари қоғозни олди-да, баланд овоз билан турганларга ўқиб эшиттирди. Қоғоз Шерматбек тарафидан волийга ёзилган ариза бўлиб, унга Қобул волийси Исмоилхон шундай амр ёзибдур: «Шаръий ихти-

лоф бартараф бўлгунча қиз ҳукумат қарамоғида турсин. Қози ҳазратлари, мен пайғамбар ўлтирган маснади шарифда ўлтирубмен. Бу маснади шарифда ўлтирган Шер бегуноҳ кишини қамокқа ташлаёлмайди. Бу қиз ҳибсга олиниши керак бўлса, волий ҳазратлари келиб менинг ўрнимда ўлтириб туриб буйруқ берсинлар», деди. Шу қисқа, залворли сўздан кейин қози ҳазратлари яна асабийлашган ҳолда ҳаяжон билан деди:

— Бек, бу ер ислом мамлакати. Кофиристон ўлкаси эмас. Худо у кўзингни ҳам кўр қилиб қўйса бўларкан. Мени эшит. Гуноҳсиз шахсни қамокқа олиш шаъриятда мумкин эмас. Ўзингни хусусий қамокхонанг бўлса, олиб бор, қамаб қўй. Йўқол кўзимдан. Чиқ адолатдан. Кирлатма адолатни. Чиқ, даф бўл! - деб баланд овоз билан ҳитоб қилди. Шундан бир ҳафта ўтгач, Шермат кўрбоши юкори маҳкамага мурожаат этди. Юкори маҳкамага чақирилдик. Юкори маҳкамага ҳам бошланғич маҳкама қарорини тасдиқлади. Шу билан катта жанжалдан қутулган бўлдик.

СИЁСИЙ ШУБҲА

Юкориларда эсга олганимдек, Ю шаҳарда биттагина Қобил отели бор эди. Шунинг учун атрофдан Қобулга келган юртдошларнинг кўпчилиги бизга меҳмон бўлишар эди. Чунки бизнинг меҳмонхона катта ҳам хужрасиз. Устига чой-пой, емак, меҳмон сифати ташиганлари учун ҳурмат билан тақдим қилинар эди. Меҳмонхонамизда ҳар куни битта-иккита меҳмон кўтар эдик. Аммо жума кунлари гаштак тўхтаб қолган бўлса, бизникида навбатсиз яна йиғилинар эди. Айтганимдек, ўйин-кулги, дутор, машқи, рақс фасли, карта, тўрт киши ўйнайдиган кузук ўйини (шахмат) ҳамиша бор эди. Айрим замонларда мавлоно Муҳаммад Содик, Муҳиддин қори каби шахматбозлар бор эди. Мен эса, танаффус вақтида Чўлпон шеърларидан ўқиб эшиттирар эдим. Айниқса, Чўлпоннинг «Гўзал Фарғона» шеърини ҳар оқшом айтиб берар эдим. Ўлтириш ахлидан кимдир «Фалончиларникида ҳар ҳафта ўлтириш бўлади, сиёсий ғазаллар ўқилади. Миллий туйғуни кучай-

тирадиган мақом ашулалари айтилади. Хулоса мажлисининг мазмуни, моҳияти фольклор эмас, сиёсийдур», деб сиёсий полис идорасига маълумот берибди. Шундан кейин полис мени ушлаб Осимхон қўмондон Армия идорасига олиб борди. Осимхон:

– Сизлар Афғонистоннинг тошини ҳам қўймай сувини сиқиб жавҳарини олдингизлар. Яна атрофига қараб, менга ижозат беринглар, бу ўзбек боласи билан гаплашиб юрагимни бўшатайин, – деди.

У кишининг буйруғи билан Тавқив (назоратхона)га топширдилар. Катта Сарой каби ҳовли. Тўрт тарафида бир-бирига туташган хоналар, хоналар олди яна бир-бирига туташган айвон, ўртада сахн. Хоналарда битнинг саноғи йўқ. Шундай қарасангиз, беш-ўнта бит ўрмалаб юрибди. Мени бир хонага ташлашди. Хонада саккиз киши бор. Битга дюш ҳам бор эди. Маҳбуслар бир-биридан чўчиб, тўғрироғи, бир-биридан кўрқиб ўзаро гаплашишмасди. У хонада бир ҳафта ётдим. Сўнгра мени сиёсий шубҳаликлар қаторидан олиб, ахлокий гуноҳкорлар хонасига ташлашди. Бу хонада бит шундай кўп эдики, битни териб эмас, беш-олтита битни сикимлаб ташлаб туриларди. Бу ерда гуноҳи номаълум юртдошлар ҳамда Хуросоннинг ўз ўзбекларидан ҳам йигирмадан кўпроқ маҳбус бор эди. Лутфулло қори ҳақида Қуръондан фол кўриб, яқиндан қамоқдан чиқар экансиз десам бечора кўп севиниб кетди. Ростиям ул кишини Чақнасувга сургун қилдилар. Ул киши шунга ҳам шукр қилиб, қувонганича қамоқхонадан чиқиб кетди. Бир куни сахнда иккита тандир каби чуқур қавлаб, ўт ёқдилар. Ўтин чўғ бўлгач ҳар ким либосини ўтга қоқсин дедилар. Ҳамма бирин-кетин усти-бошини ўтга қоқди. Қамоқхонада асли қўқонлик бир киши бор эди. Асло гапирмасди. У киши усти-бошини ўтга қоқа туриб, ўзини ҳам ўтга ташлади. Ҳаш-паш дегунча жингалак бўлиб ўтин каби ёнди, чунки чўғ катта эди. Менга уйдан овқат келар эди. Кўпинча маҳбусларга кунда иккита курук нон бериларди. Дўстим Акбаржон Мужадиддийдан хабар йўқ. У киши Ҳиротга кетган эдилар. У дўстимга – Ҳиротга хабар юбортирдим. Ҳиротга хабар бориши

билан вокеадан хабардор бўлиб, Қобулга етиб келди. Бу орада мендан ҳеч ким бирор нарса сўрагани йўқ. Нима учун қамалгани маълум эмас. Ҳайтовур, Акбаржон оға Ҳиротдан келиб мендан хабар олди. Ҳамон тоғаси Ҳазрат Соҳиб Шўрбозорга мурожаат қилиб, аҳволни билдирди. Ҳазрат Соҳиб яна бир жиянини қўмондон Амнияга юбориб, аниқ гуноҳи бўлмаса, қўйиб юборинглар деб илтимос қилибдурлар. Шундай қилиб, жаҳаннам азобидан ўттиз саккиз кун деганда кутилиб чиқдим. Шу воқеадан кейин қонун бўлмаган мамлакатда истикомат қилмоқ ақл иши эмаслигига амин бўлдим. Энди мени кун сайин кўрқув боса бошлади. Яна қандайдир сиёсий шубҳа билан қамаб қўйсалар ҳолим нима кечади, деб роҳатим йўқолди. Кечалари кўзларимга уйқу келмай, безовта бўла бошладим. Кайфичоғлигим қолмади, кўрқув тобора кўпайиб кетаверди. Ниҳоят, ўрганган шахрим — Қобулни тарк этиб, ўзимни бир ёнга олиш тўғри ҳаракат бўлса керак, деб қарор қилдим.

ҚАНДАҲОР САФАРИ

Бир таксини гаплашиб Қандаҳор томон ҳаракат қилдим. Ғазнадан ўтувдикки, таксининг ғилдираги чиқиб, чўлга қараб қочиб кетди. Орқасидан шопир чирок тутиб ғилдиракни кидира кетди. Қоронғуда ўзим қолдим. Ниҳоят, ғилдиракни топиб келди, таксига ўрнатди. Йўлда давом этдик. Муқур шахрига яқин борганимизда кечаси соат тўртлар бўлса, керак. Ухлаб қолган эканмен. Такси ўнқир-чўнқирда юргандек серкиниб, дукур-дукур қилиб юряпти. Кўзимдан уйқу қочди. Ҳайрон бўлиб шопирга нима бўлди? — десам, жавоб бермади. Қарасам, у ҳам ухлаб қолибдур. Чамаси такси йўлдан чиқиб анча юргач, йўл таксидан икки метр юқорида қолибдур. Шопирни туртиб уйғотдим. Бу сафар шопир уйқусида уйқусираб йўлдан чиқиб кетганини пайқади. Лекин йўл қанча баланд эканлиги фарқига бормаи, кўрққанидан шошиб-пишиб таксини катта кўча томон бурди. Такси деворсимон бўлиб турган кўчага ўзини урди. Коптокдек гуп этиб тўнтарилди.

Таксининг бир тарафи осмонда, бир тарафи ерда. Гилдираклари эса, кўча томон бўлиб, ёнламасига ётиб қолди. Таксининг ён томони мажакланиб кетибди. Менга эса, ҳеч қанақа шикаст бўлмади. Шопир қишлоққа бориб одам олиб келиб таксини турғазаман деб қишлоққа кетди. Кеча қоронғусида яна чўлда ёлғиз қолдим. Қўрқувда зўрға турувдим, каттакон бир эчкизмар ирғиб олдимдан ўтиб кетди. Сесканиб кетдим. Ярим соат ўтгач, юк машинаси одамларни ташиган ҳолда келиб тўхтади. Аҳволни кўришди, улардан мени ҳам мошиналарига олишларини илтимос қилдим. Саҳар бўлиб қолувди. Ҳалиги камоннинг ўқи узилиб кетди. Шопир Янгиларзон ўқ олиб келаман деб шаҳарга тушиб кетди. Камюндагиларнинг ҳаммаси пашдум (афғон), улар учта-тўрттага бўлиниб, у ерга-бу ерга ўлтиришиб суҳбат қуриб олдилар. Мен уларнинг тилини пашдумчани бир оз билардим. Уларнинг бири бошқа бировига:

— Анови ўзбек боласида бир гап бор. Келатурганимизда йўлда бу боланинг машинаси тўнтарилиб ётган эди. Энди бу бола машинамизда, машинанинг ўқи узилиб кетди. Мана аср бўлиб қолди, эрталабдан бери чўлда ўтирибмиз, - деди.

Мени ташвиш қамраб олди. Шу онда ўз машинам синган тарафини тахталар билан боғлаб олган ҳолда орқадан етиб келиб:

— Қани, қори соҳиб, ўз машинангизга ўтинг, - деди.

Бир тарафи мажакланган таксига чиқиб олдим. Йўлда самовар-ошхона келди овқатланиб олдик. Қоронғу тушиб қолган эди. Гилдирак ёняпти, кўчадаги қум аралаш шағални отиб гилдирак ўтини ўчириш керак бўлди. Гилдиракни ўчириб олдик, яна бошқа жойларини тузата бошладим. Орқадан бошқа машина келиб унга ўтиб ярим кечада Кандаҳорга етиб олдим. Адреси қўлимда, мўлжалдаги таниш Қодиржон эшигига бориб олдим. Чамаси бирор ҳафта танишимнинг уйида ётдим. Бу ерда яна икки ватандош топилиб қолди. Мандузай исмли бир қандаҳорий раҳбарлигида кеча қоронғусида машинага тушиб жўнадик. Чамаси Испинбўрдак ҳасабасига яқин

колган ерда машинадан тушиб чўл томон юриб, тобора поёнсиз кумликка кириб бордик. Мандузай:

– Мен тез юриб кетамен, сизлар шу йўлдан кўркмай тўғри юраверинглар. Соатларча юрганингиздан кейин Покистон тупроғи бошланади. Темир йўлидан ўтасизлар. Маҳалла келади. Атикзай бакколиясида сизларни кутиб оламен, - деди.

Шундан сўнг Мандузай шипиллаб юриб кўзимиздан ғойиб бўлди. Юкори томон юравердик. Ер кумлик, оёғимизни ошиғи кумга ботиб, айрим ерларда болдиримизгача кумга ботиб кетардик. Кўлимизда ўқланган тўппонча, олдимиздан инсми-жинми чиқади, кимсан дейишимиз билан ўлим-пўлим бўлса, бўлсин, қарамай тикка босмокчи эдик. Мулла Осмон орқада қолиб-қолиб юрди.

– Биз билан баробар юрма, - деди Тентакбойвачча. - Жўравой, танияпсизми? Мулла Осмон қоровулга учрасам, кочиб кутуламан деган ниятда қолиб-қолиб юряпти. Ҳушёр бўлинг. Олдиндан Аскар чикса гап-сўз қилмай, ҳамон тепкини босасан, - деди.

Ҳайтовур кўзимизга ҳеч нарсa кўринмади. Саҳар вақти Баколияга етиб бордим. Мандузай Қандахорий кутиб ўтирган экан. Ҳамон нонушта қилдирди. Бирор соатда анча ўзимизга келиб дам олиб, тетикланиб қолдик. Тушган еримиз Чаман номли чегара шаҳар эди. Уч кун бакколнинг уйида турдик, баққол бизни Кўйта поездига чиқариб қўйди. Кўйта станциясидан ҳам сиёсий полис қўлига тушмай шаҳарга чиқиб олдик. Бир масжид имомидан «Кўйтада ўзбек борми?» деб сўрадим.

– Кўйтада билмадим, лекин Қалод хонлигининг пойтахти Мастумда бир неча оила ўзбеклардан бор деб эшитганмен, – деди.

Масдумга бориш йўл-йўриғини сўрадик.

– Анави кўчада, гаражда Мастунгга кетадиган бас бор, - деди. Масдумга тоғлардан ўтиб борилар экан. Тоғ устидаги текислик Масдум шаҳри экан. Мастунг ҳақида алоҳида мақолам бор. Бир ҳафтадан кейин Тентак бойвачча билан Мулла Осмон сим томон кетишди. Бу икки ҳамюрт сафардошнинг феъли атрофи икки хил. Мулла Ус-

мон ҳар бир ҳаракатида, сўзида араб маданиятини тарғиб этарди. Бойвачча эса, ҳар бир гапу сўзини миллий туйғу ичида гапирар эди. Қизиғи шундаки, иккови ҳам ўз сўзу ҳаракатини онгли равишда эмас, тасодифий сўзлашар эди. Уларнинг бири ўзбекона культур ташийди, кейингиси араб культурини ташийдиган одамлар. Бири миллий одам, иккинчиси бегона одам эди. Сафарлари қандок бўлди экан. Сўнгидан хабарсизмен.

МАСТУНГ ҲАЁТИ

Оз кунда корасувлик Юсуф Охун билан дўстлашиб қолдим. У кишини бозорда қадокчилик дўкони бор эди. Маҳалла ичида бир етим масжиднинг имомгарчилигини ҳам қилар экан. Масдумнинг об-ҳавоси гўзал, айниқса, ёзи салкин ўтаркан. Рамазон ойига ҳам икки ойча қолган эди. Рамазон ойини шу ерда ўтказай деб бир-икки ой туришга тўғри келди. Шаҳарнинг битта жоме масжиди бор экан. Шу масжидда Таробех намозида ҳатми куръон қилиб беришимни сўрашди. Ҳар окшом кировий намозида уч порадан ўқиб турдим. Бир кечаси эрта саҳарда туриб таҳорат қилгани масжид олдидаги кўчага ўтиб, энди сув идишини ерга кўйиб, қўлимни ювиб таҳорат олгани бошловдим. Кўча тор. Рўпарамда шамолда, ёмғирда емирилиб ғариб ҳароба холига келган, бўйи бир метрча келадиган девор бор экан. Бир жонивор лип этиб деворда кўринди. Ҳамон ирғиб олдимга тушди. Мен чўчиб кетдим. Ҳамон ўрнимдан беихтиёр туриб «Ҳа! Ҳа!», дедим. Сочи бор, оёқяланг, камзули бор, узун бўйли йигит. Кўрқувдан хир-хир қилдим. У эса, «Мусулмон, ҳеч мусулмон» (мусулмондур, мусулмондур) деб овоз чиқарди. Икковимиз ҳам шу сўзу овозларни такрорлаб рўпарама-рўпара туриб қолдик. Юсуф Охуннинг хотини эрига:

— Кўчага қаранг. Қори ака ташқари чикувди овози келяпти, - деди. Югуриб мулла Юсуф чиқиб қолди. Ҳалиги гавда Юсуф акани кўриб, югуриб келиб қўлини ўпиб юқорига ўтиб кетди. Юсуф охун: - Кўркманг, биздан тепароқда ўтиради. Ҳожат учун ҳовлига чиққан бўлса керак, - деди.

Сахарликни қилиб бироз қуръон ўқидик. Сўнгра так-
рор ётиб ухладим. Соат ўнлар бор эди. Юсуф охун келиб:

– Жўравой, сизни чўчитиб юборган йигит дўконга кел-
ди. Кўп ялинди, мен хижолат бўлдим, қори соҳиб мени ке-
чирсинлар, деди. Ҳеч кимга воқеани айтманг, деб илтимос
қилди, - деди.

Шом вақти дарвоза тақиллаб қолди. Ифтор вақтига
ярим соат қолганида қарасам, кечқурунги ўша даҳшатли,
қўрқинчли одам яхшигина кийинган, афти-башараси хо-
лида, қўлимдан ўпиб узр сўраб, қўлидаги катта тугунни
берди. Ичкари кириб қарасам, конверт ичида юз рупия (25
доллар) қўйилган, бошқа нарсалар эса, нон, ёнғоқ, майиз,
туршакдан иборат эди. Ўн бир кеча деганда таровех намо-
зидаги қуръон тугаб, ҳатми қуръон қилинди.

САККАР

Шундан кейин мен Мастунгдан тушиб, Синх сари йўл
олдим. Саккар деган шаҳар келганида поезддан тушдим.
Борар жойимни, не қиларимни билмаймен. Бир богда
ўлтирдим. Намозшом бўлай деб қолди. Отелга бораё де-
сам қўлимда расмийлигимни билдирувчи белги йўқ. Шом
намозини масжидда ўқидим. Хуфтон намози ўқилгач, би-
роз тиловат қилдим. Имом ҳамон келиб:

– Қаердан келдингиз? - деди.

– Кўйтадан, - дедим. - Ётадиган жойим йўқ.

Имом бир кишини чақириб:

– Ҳофиз соҳибга жой беринг, - деди.

У одам «хўб бўлади», деб меҳмонхонасидан жой бер-
ди. Эртаси шаҳарни томоша қилдим. Синх дарёсининг
лабида сайр қилдим. Унинг қирғоғини узоқдан кузатдим.
Дарё бўйидаги оширам ёзувлар, биноларнинг нима экан-
лигини билолмай ҳайрон бўлдим. Кечқурун меҳмонхона
эгасидан сўрасам, уларнинг ҳаммаси будёна экан. Эга-
лари Ҳиндистонга кетиб қолгач, ҳозир у будхонани му-
сулмон мухожирлар уй қилиб ўтиришибди деди. Эрта-
сига қарасам, одамлар моторли қайикқа тушиб келяп-
ти-кетяпти. Мен ҳам қайикқа тушиб Синх дарёсининг у

ёкасидаги руҳли шахрини айланиб келдим. Учинчи кун
меҳмондорим билан видолашиб Ҳайдаробод-Синдга
жўнаб кетдим.

ҲАЙДАРОБОД

Ҳайдаробод Синд аёлотининг Карочидан кейин-
ги иккинчи шаҳри. Атрофида ўрмонли қасабалар, сер-
ҳосил, айникса бугдой мўл етишарди. Бу аёлотнинг
Саккар, рухий хайпурхонлиги, Мирпур, Қотрибадим,
Доду, Жоркона деган шаҳарлари бор экан. Шу қаторда
Ҳиндистоннинг озодлигини талаб қилиб чиққан исёнчи-
лар, ҳурлар марказига ҳам Сонгар шаҳри оркали бордим.
Чор томони ўрмон билан копланган. Ҳайдарободда бир
халқ мусофирхонасини топиб олдим. Тўрист хужрати.
Муносиб мендек мусофирнинг киссасига уйғун. Халқона
емак жойи ҳам маълум бўлди. Бу шаҳарнинг сути жуда
лаззатли бўларкан. Растада узун бўйли биродарлар сут пи-
шириб сотар, сутфурушлар икки ака-ука, иккови ҳам бир
хилда узун бўйли, юришганда диққат қилдим, ҳар қандай
узун одам уларнинг белидан келади. Кенг, ясси қозонда
қайнаб-қайнаб қуюлиб турган сутни чўмичдан-чўмичга
бир метр юқоридан совутиш учун шопириб-шопириб,
сут совугунча шопириб-шопириб қўйишини томоша
қилишга арзийди. Шу ака-укалардан кунда бир маҳал сут
олиб ичиб турдим. Мачитга бориб намоз ўқийман. Намоз
ўқигани масжидга ҳар кун бир озода кийинган шахс ке-
лади. У киши билан ҳам танишиб олдим. Ёнимдаги пул-
дан олдириб қўймайин деган ваҳимам бор эди. Шу пулла-
римни намозхонга омонат қўйдим. Сўнгра айланиб юриб
бир паркни топиб олдим. Ҳар кун асрдан кейин бориб,
курсилардан бирига ўлтириб устоз полвонларнинг шо-
гирдларига кўраш сирларини ўргатишини завқ билан ку-
затадиган бўлиб олдим. Мендаги бу иштиёқ бежиз эмас,
Қобулда машхур ўзбек қаҳрамони Абу Муслим Хурсо-
ний достонини, полвон Аҳмад Занжи достонини қайта-
қайта ўқиб, полвонликка кўнгил бериб, тўғрилиқни, мард-
ликни юраклилиқни бисотимга яраша қилиб ўрганишни

хавас қилар эдим. Бир куни оппоқ, озода кийинган бир киши келиб ёнимга ўтирди. Ундан сўрадим:

– Кечирасиз, афанди, қаерликсиз?

– Ҳиндистондан келдим, поезд йўлида ишлаймен. Покистоннинг бизда қолган вагонлари бор эди, шуларни топшириб ўлкамга қайтармен, – деди у.

Мен шу одам орқали пулимни банкага қўймоқчи бўлиб:

– Центральбанкда танишингиз борми? – деб сўрадим.

– Албатта, мудир билан танишман, – деди.

– Эртага банк ёнида сизни кутайин. Эртага борман, индинга кетаман, – дедим.

Эртаси куни халиги одамдан омонат пулимни олиб банк ёнига борсам, дарвоза ёнида кутиб турган экан. Биргаликда ичкари кирдик. Ҳақиқатдан, банк мудир таниш экан. Ҳурмат билан кутиб олди. Мен янги исмимни Мухсинбек деб, пулимни банкага топшириб хотиржам бўлдим.

ЯНГИ ИСМ

Қобулда мактабга борганимда «болакай, исминг нима?», дейишди. Жўравой десам кулишди. «Хотин кишининг, бирга юрадиган кишининг исми-ку бу», деб масҳара қилишди. «Сенинг исминг Ёқубжон бўлсин» дейишди. Бироқ ҳар қайси синфда Ёқубжон исмли талаба бор экан. Ҳаммасидан кичиги мен эканман. Шунинг учун мени Чучаёқуб (Ёқуб болача) деб қўйишди. Мен Ёқуб деган исмни ёқтирмадим. Сабаби шуки, Қуръон ҳикоясига кўра, биринчидан, дюш исми, иккинчидан, умр бўйи ўғли Юсуф фироқида йиғлаб-йиғлаб кўр бўлиб қолган Юсуфни акалари қудуққа ташлаб юборади. Отасига Юсуфни бўри еб кетди дейишади. Чўлдан ўтиб кетаётган савдогарлар қудуқдан сув олмоқчи бўлсалар, сув ўрнига болакай Юсуф чиқади. Савдогарлар Мисрга борганларида Юсуфни . Миср маликаси Зулайҳо сотиб олади. Юсуф катта бўлгач, унга Зулайҳо ошиқ бўлиб қолади. Юсуф Миср ўлкасининг молия вазири мақомига кўтарилади. Юсуфнинг етти йил-

лик режаси асосида Миср ўлкаси курғокчиликдан эсон-омон чиқиб олишади. Хулоса шуки, Юсуф фироғида Ёкубнинг кўзи кўр бўлган бўлса, Юсуфнинг зукколигидан мисрликларнинг кўзи очилиб, қаҳатчиликдан зарар-зиён-сиз қутулиб чиқадилар. Бу масалани шоир қуйидагича ифодалабдир:

Ғани рузий, сиёҳий, пири Канъон ро томоша кун,
Келури дидааш рўшан кунат чашми Зулайҳо ро.

(Маъноси: Ғани, пири Канъоннинг қаро кунини томоша қил,

Ки анинг кўз нури Зулайҳонинг кўзи очилишига сабаб бўлди.)

КАРОЧИ САФАРИ

Портда ўша полвонларнинг машқларини томоша қилиб ўлтиравердим. Мен ўлтирадиган курсидан сал нарироқда, майса устида бир афғон болаларни ўйнатиб ўтирганини кўриб турардим. Бир куни афғон ёнимга салом бериб келиб:

– Мусофирга ўхшайсиз. Мен ҳам муҳожирман. Бомбейдан келдим. Қалай, эсонмисиз? Қаердансиз? - деди.

– Кўйтадан келдим, - дедим.

– Қайси халқдансиз?

– Патон (хинд афғони)мен, - дедим.

У ёқдан-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик.

– Карочига борганмисиз? – деб сўради.

– Йўқ, - дедим.

– Мен борганмен, жуда катта шаҳар. У ерда ҳар хил иш бор. Киши бир чойхона очса ҳам, гузораси ўтади, - деди.

Мен таъма қилдим. Шу афғоннинг бола-чақаси бор экан. Ишонса бўлади. Ўзи Карочи борадиган бўлиб қолса, бирга бориб Карочини кўриб келайин. Қаерга бораримни, қаерда тураримни, нима иш қиларимни билмаймен. Зора шу одам орқали бирор нарса ўргансам деб қўйдим. Эртаси афғон:

– Карочига бормайсизми, айланиб иш топамиз, – деди.

Бу гап менинг кўнглимдан ўтган эди, яхши бўлади дедим, афгон дедики:

– Ҳозир менда пул йўқ. Сиз ёрдам қилсангиз, бирга борар эдик, – деди.

– Яхши бўлар, билетингизни мен олайин, – дедим.

Эртаси куни кетмоқчи бўлдик. Эртаси куни дедики:

– Юз сўмча пул бериб турсангиз, уйга ҳаражат килиб туришлари учун ташлаб кетар эдим, – деди.

– Пул меҳмонхонанинг омонат сониди эди. Мен олиб келиб берайин дедим. Узоғини кўрган киши бўлиб шундай дедим. Меҳмонхонага бориб кичик чамадонимни олгач, чўнтагимдан юз сўм олиб бошқа чўнтагимга қўйиб келиб бердим. Эртаси станцияга чиқдик. Афғоннинг ёнида яна бир мўйловлик афғон турибди.

– Унга ҳам билет қўшиб олинг, қариндошим. Карочига кетмоқчи, – деб қолди.

Унга ҳам қўшиб олдим. Поезд ҳаракат қилди. Ер тагидан сафардошларимга қараб, ўйланиб, уларга таҳминий баҳо бергач, кўриб кетдим. Биринчи афғон кўзимга 420 (алдамчи) бўлиб кўринди. Иккинчиси 410 (киралик қотил) бўлиб кўринди. Қилган ишимдан кўп пушаймон бўлдим. Яхши ўйлаб қарасам, ўша инженер-ҳинду билан гаплашаётганимда доғули афғон гапларимни эшитибдур. Банкага пул қўйганимни билиб, хайтовур, қанча пул қўймоқчи бўлганимни на ҳинду сўради, на мен айтувдим. Мана ҳинду киму, мусулмон ким, яна бир бор маълум бўлиб қолди. Демак, бу икки афғон пулимни олиб, ўзимни ўлдириб юбормоқчи. Озор шоири Собир Тоҳирзода қуйидагича ифодалайди:

Жин гурурам, жон гурурам, кўркмерам,
Хорда мусулмон гўрурам, кўрхерам, кўрхерам.

КОТИЛЛАР ЎРОВИДА

Бўлар иш бўлибдур. Бўлганда ҳам хунук иш килибман. Энди бу сезгимни уларга билдирмай бир оз дадил бўл-

моқ керак, дедим ўзимга ўзим. Улардан қочиб қутулиб бўлмайди. Афғонга:

– Бирор чойхона очилса Карачида таниш-билишларим кўп, юришиб кетади дедингми? – дедим.

– Ҳа, ҳа, – деди у.

– Мен бу гапингни ўйлаб кўрдим, чойхонадан кўра бирор меҳмонхона ёки ресторан очилса қандай бўлади? – дедим.

– Жуда яхши иш бўлади, – деди афғон. – Бомбейдан келган дўстларим кўп, шуларнинг ўзи билан ресторан юриб кетаверади.

– Унақа бўлса, сафарга ҳозирликсиз чиқибмиз-ку. Мен пулимни Ҳайдарободдаги Ҳиндистон марказий банкига ташлаб келдим-ку, – дедим. Зимдан афғонни кузатдим. Бироз ўйланиб қолди.

– Биродар, биласан-ку, киши ёнида пул сақлаб юрмаслиги керак. Агар пул керак бўлиб қолса, Карачида ҳам марказий банкнинг бўлими бордир ёки Ҳайдарободга келиб пул олиб кетармиз. Қийин иш эмас, дунёда ҳар бир ишнинг қалови бор-ку, – дедим.

Афғоннинг юзига қон югурди. Ҳинду инженер билан банк хусусида гаплашганим афғоннинг кўзига кўринди, чекинди. Мен у гапларни эшитган экан-да, деган шубҳамни ҳаргиз сездирмадим. Сизмаган сари ҳинду кўзига кўриниб, гапларимга ишончи кўпайди. Ўлжанинг мўллигига ишонган сари, афғоннинг гаплари юмшаб, тобора маданийлаша борди. Мен ҳам усталигим қор келиб, бироз хотиржам бўла бошладим. Бошқа ибора билан айтилганда, ўзимни суғурталаб қўйдим. Ўйнаган ролимдан кўнглим тўлди. Унинг эса,, иштаҳаси қарнай бўлиб кетди. Карачига етиб бордик. Трамвайга тушиб, Киёмолийга бордик. Денгиз ёқасида қурилган эски уйлар. Афтидан, қочоқлар ўз имкониятлари даражасида кечимларини қуриб олибди. Кечаси шу ерда афғон ичида сахаргача кўзим юмилмади. Ҳайтовур, тонг отди. Ҳасан Кайфий айтганидек, ақлим саломат бўлса, эсон қолармен, деган умидим қучайди. Эртаси Киёморийдан трамвай билан Болтин маркетда, у ердан Қуйидонга борадиган трамвайга

тушиб Лансротга бордик. У ерда бир ёшгина афгоннинг дўконига бордим, у афгон велосипедларини ярим соат-бир соат кирага бериб яшайдиган одам экан. Бирор пиёла чой ичилгандан кейин мени уларга олиб борган потон ёнида олиб юрган афгон билан чикиб кетишди. Фурсатдан фойдаланиб дўкон соҳиби олтмиш ёшлардаги потон меҳмон:

– Булар билан қачондан бери танишсиз? - деди.

– Яқинда Ҳайдарободда танишдим, - дедим мен. - Бир ҳафта бўлди танишганимга. Ёнидаги мўйловни кеча Карачига ҳаракат эта туриб кўрдим, - дедим.

Дўкон соҳиби:

– Биринчи афгон яқинда Бомбайдан келди. 420 (одам алдайдиган кўзбўямачиларни 420 дейишаркан). Ёнидаги қотил кечими қотиллик билан ўтапти. Ҳозиргача бир нечта одамни гумдон қилган. Сиз кўрқинчли одамлар билан юрибсиз, - деди. - Мен буларни яхши биламан, улар ҳам, мен ҳам нўхманмиз (потоннинг бир қабиласи). Агар сиз хўп десангиз, мен уларни қувиб юбораман. Сиз бу ерда қолаверинг.

Бу гап менга айни муддао бўлиб тушди. Яхши бўлади, отахон, дедим. Шу тобда 32 ёшларда бир йигит пайдо бўлди. Чол таништирди. Ўғлим Юнус, бундан кичик яна бир ўғлим бор. Исми Ёқуб деди-да, катта ўғлига қараб, «Юнус, Ёқуб қаерда?» деди. Ўғли «уйда» деди. «Чақир» деди. Ҳамон чамаси 26 ёшларда узун бўйли бир йигитни чақириб келди. Дўкон соҳиби:

– Меҳмон, кечирасиз, биров ўлтириб туринг, - деди-да, иккала ўғлини ташқарига имлаб, улар билан гаплашиб-гаплашиб, қайтиб дўконга кирди. - Меҳмон, хотиржам бўлинг, улар қайтиб келмайди. Яна кўрқиб юрманг, ҳеч гап қолмади. Уларни энди сиз кўрмайсиз, - деди.

Ҳақиқатдан, айтганидек, мен уларни ҳеч бир ерда кўрмадим. 1947 Ҳинд-Покистон инглиз мустамлакачилигидан озод бўлганида Ҳиндистондан Покистонга, Покистондан Ҳиндистонга кўчиб ўтиш кўпайиб кетди. У ҳаракат натижасида Покистон шаҳарларида бошпана учун на уй, на иш, на касалхона, на мактаб, ҳамма нарса етиш-

май колганди. Лохуд, Карачи каби катта шаҳарлар, айникса, халокат олдиға тушиб колган. Аслида Карачи 300 минг аҳолиға мўлжалланган порт шаҳри. Ҳиндистондан ёлғиз шу шаҳарнинг ўзига бир ярим миллиондан ортиқ келгинди йиғилибдур. Шаҳарнинг кўча бўйларидаги пиёдалар учун мўлжалланган ерлар ҳам чиптадан, тахтадан тўсилиб, капанамо уй қилиб олинган. Сўзнинг очик ибодаси шуки, юз минглаб оила кўчада ётиб, кўчада дунёға келадиган бўлиб қолибди. Кўчанинг марказ-марказ ерларида умумий ҳожатхоналар ҳам етишмай колган. Ҳожатга борган сарсонлар соатлаб эмас, икки соат, айрим замонларда уч соат навбат кутишади. Асли марғилонлик Йўлдошвой исмли ватандошимиз эски шаҳардан янги шаҳар Садр деган жойға бориб, қайта турганида ичи кистаб қолади. Йўлда ҳожатларда катта навбат бор. Шунда ўзининг қилмишини шундай ҳикоя қилган эди: «Қарасам, кисталиб қолдим. Ўзимга ўзим хитоб қилиб, эй Йўлдош, бу шаҳарда биров сени танитайди. Сен-да бировни танитайсан. Ундай бўлса, кўчада кета туриб ичингни бўшатиб кетавер, дедим. Ичимни бўшатиб кетавердим. Ичим иштонимдан ошиғимгача тушиб, кавушимни очиб, кўчага оқизиб-оқизиб кетавердим», деди. Юқоридаги дўкон сҳхиби афғон Ҳиндистондан сал эртароқ қочиб қолгани учун кўча бўйида орқасида иморат йўқ шу кўчага қарашли ерни ишғол қилиб қапа тикиб олибдур. Йўлда цементдан ғишт қуйиб, бўёқ қилиб ернинг бир парчасига дўкон қуриб олибди. Яна икки дўконлик жойи бор. Тўс-тўполон замонда ҳукуматга қарашли кўчаларда дўкон қуриб, уй олганлар сон мингта. Биров бировни тергамайди. Бир-икки кун ўтгач афғон бобо дедики:

– Мавлоно Соҳиб, мана шу ерлар менга қарашли. Менам учта дўкон курсам бўлади, ғишт қуриш, девор олиш болаларнинг қўлидан келади. Бизга цемент керак, кум керак. Бизга цент пули-ю, кумига пул бериб турсангиз, дўкон чиқиб олардик. Дўконнинг бирини сизга берардим. Инсофи билан дўконга кира пичиб қўярдик. Берган пулингиз кира пули билан тугаб кетарди. Шу тариқа, сизга арзон кирада макон, соянгизда биз эса, уч дўкон соҳиби бўлиб қолар эдик, - деди ўкинч билан.

Менинг борар жойим йўқ эди. Ўша даврдаги аҳволимни қуйида бироз тушунарли қилиб тасвирлайман. Биринчиси, Покистонда истикомат қила билади деган расмий белги йўқ. Иккинчиси, бирор замонавий мактабда ўқиган эмасман. Учинчидан, бироз замонавий хунарим йўқ. Ягона бойлигим – гапириб турган ҳайвонмен. Тўртинчидан, ушбу қийинчиликда энг кадрсиз нарса одам эканлигини сезмоқдан бошқа сезгим ҳам йўқ. Бешинчи, бегона юрtda бирор қариндошим, бирор бир танишим йўқ. Олтинчи, атом асрида саводим қуръон ўқишдан иборат. Бошқа на ўрдуча, на инглизчани биламан. Хулоса қилиб айтайин, тўшагим ер, кўрпам осмон бўлгани учун мажбурият остида афғон бобонинг таклифини қабул қилдим. Ҳайтовур анави қотиллардан қутилдим-ку, деб истаган пулни бердим. Бир ҳафтага қолмай дўкон қурилди. Бирини менга берди. Битта қўғадан тўқилган калавот олдим. Кундуз куни ҳаво иссиқ бўлгани учун кундузи дўкон ичида, кечалари ташқарида ётадиган бўлиб олдим. Қобулда доллар тополмай, бироз ишлаган олтиним бор эди. Афғон бобога омонат бериб қўйдим.

ХИЁНАТ

Бир неча кундан кейин намозхон афғон бобо шундай таклиф қилди. Дўконимда иккита велосипед бор. Яна тўртта велосипед олайлик. Сиз ўртоқ бўлинг. Даромаднинг ярмини сизга бериб турамиз, деди. Хўп бўлади деб тўртта янги велосипед учун афғонга пул бердим. Бир муддат оз-моз пул бериб юрди. Сўнгра ўртоқлик бизни идора қилмаяпти, бизга велосипедларни сотсангиз, биз велосипедларнинг баҳосини бўлиб-бўлиб бериб юборардик, деди. Шу тариқа бир неча рупия бериб юриб, қарздорликдан қутулиб кетардик деди. Кечаси йўл канорида ётаман, ковушимни ўғри олиб кетмасин деб чорпоянинг оёғига бостириб қўярдим. Бир куни кечаси шундай қилиб калавотда ўлтирувдим, патоннинг кичик ўғли Ёқуб келиб:

– Мавлоно соҳиб, кавушингизни нимага бостириб қўйдингиз, - деди.

– Ўғри олиб кетмасин, деб бостириб қўйдим, - десам, - эй Мавлоно, қизиқ экансиз-ку, бу алоқа менга қарашли. Бу маҳаллага ўғри келмайди. Кавушингизни чиқариб, бемалол ётаверинг, - деди.

Кавушни чиқариб қўйдим. Ҳақиқатдан ўғирланмади. Кейинча билдимки, унинг ўзи ҳам ўғрибоши экан. Улар орқадаги кўчада ўтирар эдим. Бир куни хотини билан уришди. Хотин хафа бўлиб яқиндаги она-отасининг уйига кетиб, келмай туриб олди. Бир куни чол ўғлини уришди. «Беғайрат, хотининг ота-онасиникида ўтириб олди, сен беғайрат, энди индамай юрибсан», деб. Эртаси Ёқуб қайнотасиникига бориб хотинига юр уйга, дебди. У унамабди. Ёқуб кўлидан ушлаб тортқилабди, Хотин қаршилиқ кўрсатибди. Хотиннинг иниси опасига ёрдамга келибди. Ёқуб икковини ҳам сўйиб юборибди. Тўполон бўлиб қолди. Қарасам, шу воқеа. Полис Ёқубни беркинган жойидан олиб кетди. Кейин билсам, Ёқуб 110 қотил экан. Потондаги омонатимни сўрасам, Ёқуб сотиб юборибди. Энди у нарсаларни бозордан олиб берайин деди. Нимасига олиб беради пули йўқ-ку. Ҳай, майли, кечирдим, дедим.

ҚОВУНФУРУШ

Дўконда қовунфурушлик қилдим. Қовунлар ўз вақтида сотилмай бузила бошлади. Бу ишни тарк қилдим. Энди дўконни ошхонага айлантириб, ошпаз ёлладим. Ўзи овқат пиширади, ўзи нон пиширади. Бир куни янги кўйлак, янги иштон кийган, янги салла ўраган йигит келиб ошпаз билан аҳволлашиб кириб кетди. Ошпазнинг таниши экан. Мен ошпазга:

– Полвон, ошнанг қаерда ишлаётган бўлса, бугун ишдан бўшатилибдур, ёнида бор йўғи юз рупия пули бор, - дедим.

– Йўғ-е, - деди-да, полвон орқасидлан югуриб етиб бориб, ундан сўраса ҳақиқатдан ўша куни ишидан бўшаган ёнида эса, айтганидек, юз рупия пули бор экан. Ошпаз хайрон бўлиб мени авлиё тасаввур қилиб юрди. Мен эса, бу ҳақиқатни каромад йўли билан эмас, фаросат билан

англаб колган эдим. Киши ранж тортган сари фаросати камол топар экан. Ахийри, бу ишдан ҳам натижа чиқмади. Ошхонани йиғиштириб қўйдим. Афғон чол:

– Синг аёлатидан сарёғ олиб келиб сотинглар, у ерда танишим бор, манзилини берайин, - деди.

Ўғли Юнус билан поездда Сонгал шахрига бориб у ердан бепоён ўрмонлар орасида жойлашган турклар юрти Пири Пагорух кишлоғига бордик. У ерда қалин ўрмон ичида капоннамо уй қилиб олган бир патоннинг уйига тушдик. У патонга мени бошлаб борган Юнус патонга мавлоно Соҳиб деб таништирди. Мезбон тузук одам экан. Унинг ёнида икки кун қолдик. Мезбон диний ҳуқуқни эшитган, уққан одам экан. Менга бир-иккита савол бериб қолди. Бу тўғриларда улуғ ватандошимиз Бурҳониддин Марғилонийнинг «Ҳидояи Шариф» асари асосида жавоблар бердим. Мезбон маъқул деб яна бир савол берди. Мавлоно Соҳиб:

– Қозонга ит тегиб кетса, қандай ҳалол қилинади? - деди.

Бу масала эсимга келмади. Зўрға:

– Тақирон қилинади, - дедим.

Мезбон:

– Қандай қилиб тақирон қилинади? - деди.

Мен яна «тақирон қилинади» дедим. Бу саволда синфда қолганимни мезбон кўриб қулди. У ҳеч ўзини тўхтата олмай қулди. Мен ҳижолат бўлдим. У аҳвол эсимга тушган сари ҳижолат бўлавераман. У ерда сарёғ бўлмас экан, шунинг учун энди Ҳайдаробод Сингх орқали поезд билан Бадин деган шаҳарга бориб олти танакада сарёғ олиб, Карачига қайтиб келдик. Планимиз тўғри чиқмади. Ўша ўртада сарёғ сотиб ўтирадиган дўкондорга «Сарёғим бор, оласанми?» дедим. «Олайн, кўриб боқайин», деб мен билан сарёғ кўргани келди. Бир оз пойлаб қўйиб баҳо берди-да:

– Ҳозир нақд пулим йўқ, ҳўб десанг бўлиб-бўлиб тўрт ҳафтада берайин, - деди.

Мен хурсанд бўлиб хўп дедим. Дўкондор ҳамон рекшо (одам ҳайдайдиган велосипед араварлар) чакириб сарёғларни ташиб кетди. 79 кило ҳақиқий сарёғ эди. Бир

хафтадан кейин борсам дўкон бор, одам йўк. Бир неча бор бордим, дўкон бўш, дўкондор йўк. Кирачига яқин Тата шаҳриданман деб манзил берган экан. Суриштириб берган манзилини истаб у шаҳарга бориб манзилини топа олмадим. У ҳам чаток одам экан, сарёғни еб кетибдур. Мусулмон дегани алдам-қалдамчи бўлади-да, деб кетавердим. Юқорида айтганимдек, бу шаҳри азимда сарсон бўлиб қолдим. Билган тилларим ўзбекча, форсча, туркча, ишимга ярамайди. Ўзимни Юсуфсанг афғонмен деб чалапула афғонча билан гузора қилиб юрдим. Бандаррўт, Болтинмаркетдаги майманлар жомей масжидида таровехда бир кечалик хатм бор экан. Олтита кори беш порада ўқимоғи керак экан. Таклиф қилиб қолишди, иштирок этдим, лекин аҳмоқлигимга қаранг. Энди бойлар пул бериб қолади, деб ўз навбатим поёнида секингина орқа дарвозадан чиқиб кетдим.

САМИДЖОН ҚОРИ

Бандаруддаги номи эсимда йўк яна бир жоме масжидда таровехда ўн кечалик хатму қуръонни таъкид қилиб қолишди. Ҳар кеча уч порада ўқийман. Намоздан кейин хушбичим бир одам олдимга келиб:

— Ҳофиз Соҳиб, сиз билан танишсам бўладими? - деб қолди.

— Марҳамат, - деб ярим юмалоқ урдучада жавоб бердим.

— Қори соҳиб, қаерликсиз? - деди.

— Пушовурликмен, - дедим.

— Исмингиз Мухсин, қаерда ўқигансиз? Домлангиз қайси миллатдан? — деди.

— Мен пушовурда ўқидим, домлам ҳам Хатом эди, мен ҳам Хатоммен.

— Қабул қилсангиз, бирор куни сизни зиёфатга чақирайин, мен ҳам хофизу қуръонмен. Асли бухорий (ўзбек) мен. Сизни қуръон ўқишингиз бизга ўхшар экан, қаторларда бунақанги кучли тажвид билан қуръон ўқиган хофизни учратмовдим, жуда-жуда хайратдамен, офарин,

сиз менга она улусим, она юртим қориларини эслатдингиз. Кўзларим намланди, - деди.

– Хатми қуръоннинг сўнггида сиз билан учрашамиз, - деб зиёфатидан қочиб кетдим. Беш йилдан кейин у одамни яна учратдим. Мен билан гаплашди, урдуча гаплашди.

– Қори афанди, урдуча ўрганиб олибсиз, мени танидингизми? - деди. – Ҳу, ўша масжидда кўришган одаммен.

– Ҳа,ҳа, танидим, мен сизни беш йилдан бери бирор жойда учратиб қолармиканмен деб кўзим жавдирайди.

– Ҳали ҳам патонмисиз? - деди кулиб.

– Мен патонмен.

– Йўқ, қори афанди, сиздек кўринишда-ю, тузилишда, сиздек ажойиб қори она юртим Фарғонадан чиқади холос деб ҳунг-хўнг йиғлаб юборди. Мен асли қўқонликмен. Исмим Сами қори, минимаркетда газлама дўконим бор, - деди.

Шунда бу одамга:

– Таксир, мени кечирасиз, асли андижонликман, исмим Жўравой, Қобулдан келганмен. Кўлимда Грин карта бўлмагани учун беш йил бўлди эл-улусдан қочиб юрамен, - дедим.

У киши кўз ёшларини артиб:

– Чакки иш бўлибди-ку, ўлкада кўпчилик ғайриқонуний яшайди. Мана мен ҳам Ҳиндистондан қочиб келганман, кечагина ўзимни расмийлаштириб олдим. Майли, бу ёғи бир гап бўлар. Ватандошлар билан танишиб, бемалол юраверинг, дўконим билан танишинг, - деди. - Ўзбек бўлиб чиқишингиз мени юракдан севинтирди. Ҳаётимда бугунгидек севинмагандим. Раҳмат сизга.

Гап шу ерга етганда арабчадаги қуйидаги шеър ёдимда тушди.

Ал Ватани ниятул ватнияту,

Хиял ватанияту мақбулатун.

(Ватанпарастлик - бу будпарастликдур.

Лекин гўзал мақбул будпарастлик.)

ҚОРИ АСРИЙ

Бир куни айланиб-айланиб юриб Жублисинамонинг олдидан чиқиб қолдим. Томоша қилиб ўтиб кетаётсам, кўча бўйида баладияга оид ерда тахтадан ясалган бир қанча капаннамо уйлар қаторида бир уй рўпарасида чарх турибди. Бирида бир одам пичоқ ясаётти. Ҳиндистонда кўп юртдошларимиз пичоқ чархлаб жон сақлашади деб эшитгандим. У гап эсимга тушди-да, марокланиб бир-икки лаҳза тўхтаб қолдим. Ичкаридан ўрта бўйли, оқ соқолли, эллик ёшлар чамаси бир одам чиқиб, чархнинг у ер бу ерини артиб қолди. Ўзбекка ўхшатдим. Салом бериб:

– Кечирасиз, тақсир, қаерликсиз? - дедим.

У саломимни қабул қилиб, ҳазилнамо қўлиб:

– Аломату фориғамни кўриб турибсиз-ку, бухорийманда, - деди.

– Мамнун бўлдим, тақсир, ҳинд бухорийсими, ўрта осие бухорийсими? - дедим.

У киши ҳайрон бўлиб:

– Ҳинд бухорийси, Ўрта Осие бухорийси деган гап ҳам борми? – деди-ю, уйдан курсий чиқариб, - марҳамат, ўлтиринг, - деди.

- Ҳа, тақсир, ҳинд бухорийси бир неча юз йил илгари Ўрта Осиедан Ҳиндистонга келиб, тилини эсдан чиқариб, маҳаллийлашиб кетган ўзбеклар. Ўрта Осие бухорийси эса, ўз она тилисини сақлаб юрган бухорийлар, – десам, ҳайрон бўлиб бутун вужуди билан ҳайратда қолганини сездириб:

– Ўзингиз кимсиз? Қайси бухорйдансиз? - деди.

– Тақсир, тилини сақлаб юрган бухориймен, - дедим.

Бу сафар ўзбекчалаб:

– Тушимми, ўнгимми? Урдучангиздан бу одам ерлик эмасга ўхшайди-ку, деб турувдим, - деди-да, - ўрнингиздан тулинг, юртдошимни ич-ичимдан қайнаб чиқаётган муҳаббат билан кучоқлаб кўришайин, - деди.

Ўрнимдан турдим, мени кучоқлаб туриб, дардли-дардли йиғлади. Кейин ўрнидан туриб кулиб-кулиб йиғлади. Севиниб-севиниб йиғлади, ҳеч ўзини босолмади. Қўшни

пичоқчи ишини тўхтатиб: - Ҳой ука, нима бўлди, тинчликми? - деб сўради.

У Эргаш сартарош экан. У йигитни Қобулда бир-икки бор кўрган экан. Танидим, у мени танимади.

– Исмингиз нима? - деди .

– Жўравой, - дедим. Танимади.

– Мен ҳам Қобулдан келганман, бир неча йил Ҳиндистонда юриб, бу ўлкага муҳожир бўлиб келганман, - деди. - Отангизнинг исми нима?

– Тоғам бор, Саиджон, - дедим.

– Шерматқўрбошига куёв бўлган Саиджонми? - деди. - Ҳа, сизни Қобулда кўрганмен, - деди.

Тоғам Саиджон тоғамнинг бека куёв бўлишига қаршилиқ кўрсатган йигитлардан бири эди. Энди мен уни обдон танидим.

– Яхши-яхши, хуш келибсиз, - деб қўйди чархчи. - Исминим Абдулғофир, танилган исминим Асрий қори, - деди.

Мен ул ҳазрат билан кўришиб, хол-аҳволлашиб турдим. Ҳар галгидек бир куни кўргани борсам, қори ака касал бўлиб қолибдур, иситмаси бор. Дўхтирга олиб бораин десам унамади. Бўлмаса, дўхтир олиб келинг, десам кўнмади.

– Қорижон, сизни эслаб, кошкийди бир одам бўлса-ю, юборсам, корини олиб келса. Унака одам йўқ-ку, деб маъюсланмоқда эдим. Ҳизр экансиз, ўзингиз келиб қолдингиз. Орзуим бироз қуръон ўқиб соғайиб кетишимни Тангридан сўрасангиз, - деди.

Мен Бақара сурасидан Оятал курсийни ўқидим-да, дуога қўл кўтариб, «Ло юкалиллохуллоху нафсан, илло узаҳо ояти» (Ҳеч кимга унинг кучидан ташқари таклиф бермаймен) дейилган ояти шарифни урғу бериб ўқидим.

– Эй улуғ Тангри, бу одамда бу таклифни кўтарадиган куч йўқ-ку. Ўзинг шифо бергин, - дедим-да, кўзим намлиниб кетди. Ҳамон ташқари чиқиб, бир кило ҳинд ноки, 200 гр. ҳинд хурмоси олиб келиб бердим. - Нокдан енг, ҳароратни олади. Ҳинд хурмосидан яхшилаб ювиб шиминг. Ёки уютиб қўйиб, мижиглаб докадан ўтказиб, наҳорда ичинг. Амал қилади, иссиқликни олади, ичингиз-

ни юмшатади, дедим. Бирор нарса бозордан олдирсангиз деб юз рупия берсам олмади. - Бўлмаса мана, ёстигингиз тагига кўямен, қабул қилмасангиз хафа бўламен, гоҳ хўжадан, гоҳ муриддан деган гап бор-ку. Мени ҳам бирор нарсага эҳтиёжим бўлса, сиздан сўрарман, - дедим. - Ёгсиз, қайнатма шўрва қилинг. Эчки гўшtidан ёки ёгсиз кўй гўшти бўлса, ҳам бўлаверади. Яна мен хабар олиб тураман деб кетдим.

Эртаси борсам тупа-тузук бўлиб қолибдур. Яна бир кун и борганимда қоралаб қўйган шеърларини кўрсатди. Қарасам, мазмунли, маънили, қофия гўзал жаранглайди. Бармоқ вазнида ёзибдур. Мусиқаси бўлгани учун худди аруз вазнида ёзилганга ўхшайди. Бир-икки ғазалини кўчириб олдим. 1954 йилларда бўлса, керак, асрий қори ижозга ўтиб кетдилар. Кейинча эшитдим, Тошда касалхонага тушиб қолибдилар. Ўша кунлари Валиқажомхон Олмониядан Ҳажга борган эди. Арабистондаги ватандошлар Ғафур қори исмли бир минавар ватандошимиз касал. Имкони бўлса, касалхонага бориб зиёрат қилиб қуяйлик деган маслаҳатлари билан касалхонага бориб зиёрат қилишса, Вали Қажомхонни кўргач, касаллигига қарамай, Валиқажомнинг оёғига ўзини отади. Ул ҳазрат ҳам бошқа ватандошларига ўхшаб, Валиқажомни истиклолчи мужоҳид деб алданганлардан экан. Мен Валиқажом касалдан хабар олгани учун эмас, Аслий жанобларининг мусофират юртида озодликка нақадар ташна эканлигини кўрсатганлиги учун ҳам қизиқдим. 1982 йилларда бўлса, керак, Тошкентда дўхтир Илёс Фозиловнинг «Ғурбатда ғариб» исмли китобига кириш сўзи ёзиб беришимни илтимос қилди. Ўша кириш сўзимда шу Аслий жанобларининг шеъридан ҳам ўрнат келтириб мақолача ёзиб, шоир руҳини шод этдим. Аслийнинг шу шеърини сиз ўқувчиларга ҳам илиниб, ўша мақолани қуйида кўчириб қўюрман.

МАҲАМАТХОН – 420

Асли марғилонлик Исомиддин Мингбоши ўғли Маҳаматхон Сайхонни Қобулда 1946 йилда бир кеча келиб бизнинг меҳмонхонада ётиб қолганини ўқувчи эсласа

керак. Ўшанда Шермат кўрбошининг ўчини олмоқ учун даъватсиз меҳмон бўлиб келиб, ўз башарасини кўрсатган эди. Шундан кейин у андижонлик Абдулазиз ҳожи билан Ҳиндистонга кетиб қолган эди. У ҳам Бомбейдан муҳожир бўлиб келиб Синд аёлотининг Новобшо шаҳрида, асли ўшлик Соли қорининг ёнида, унинг ҳимоясида кечиниб юрар экан. Эшитишимга кўра, орада бир майда-чуйда олгани Карачига келар экан. Одатдаги келишларидан бирида ҳалиги Эргашбойга ҳам учрайди. Эргашбой унинг эски ҳамтовоғи, адресимни берибдур. Дўконда ўлтирсам, усти-боши юпун Маҳаматхон келиб салом берди. Юртдошлик меҳри билан кутиб олдим. Нима иш қиласиз десам, Кўригарданнинг атрофида бир дўкон олдим. Мева-сабзавот ишини қилмоқчиман. Бир-икки кун бўлди, дўкон олганимга. Бир нарсага танг қолдим. Бор пулим дўкон олиш, унинг майда-чуйда ишлари билан туғади. Шунинг учун беш юз рупияга эҳтиёжим бор. Мумкин бўлса, қарз бериб турсангиз. Тезда узиб юборардим деди. Хўп бўлади деб унга нақд беш юз рупия бердим, устига менинг ҳам қовунфурушлик қиламан деб олган тош-тарози каби ускуналарим бор, берайин, сиз бозордан олиб юрмай, бу майда-чуйда нарсаларни, тош-тарозуни унга бериб юбордим. Уч кун ўтди, Маҳаматхондан дарак йўқ, ўзича келмади, мен бориб хабар олайин деб, Кўригардонга бориб, парк атрофидаги дўконларни қараб, уни тополмай қайтиб келдим. Эртаси Эргашга бориб «Маҳаматхон қайтиб келамак деди. Дараги йўқ», десам, у «Сингга тушиб кетди», деди. «Қачон?». «Сешанба куни», деди. Айни сешанба куни менга учраган эди. Мендан чикиб тўғри Наваҳшога кетди. Шу воқеадан кейин кўзимга кўринмади, лекин кўзга кўринмай иғво қилиб юрди. Бечора-бечора дейман-да. Бечора бўлмаса алдов йўли билан бировнинг пулини олиб қочиб кетадими? Бу иш бечоранинг иши-ку. Бир куни дўконда ўтирсам йўғон бир йигит келиб салом берди.

– Исмин Жумабой, мени сизга Сийойдий (паспорт) идораси юборди. Ўлтирма изнингиз йўқ экан. Сизни инспектор билар экан. 200 рупия сиздан бериб юборса, кўз

юммайин юраверади, бўлмаса, ишини расмийлаштира-
мен, у холда, ушлаб Афғонистонга юборамиз, - деди.

Инспектор шундай дебди, у деб-бу деб юриб, зўра
150 рупияга кўндириб олдим. Ўзимга ҳам 10 сўм беринг
деди. Бердим. Кейинча билсам манзилимни Жума лақайга
Маҳаматхон берган экан. Барибир Жумалақай Сийой-
дийга рапорт берибди. Расмий идорага чақирилдим. У
идора маълумотлар тайёрлаб адлияга юборди. Исмим,
қаерданлигим, тахсилим тавсиф этилди. Ҳоким сўради:

– Нимага кочоқ юрибсиз?

– Ватансизмен, сизлардан паноҳ истаб, сиғиниб кел-
дим, - дедим.

– Нима учун сиғиндингиз? Сиғинишда нима мажбури-
ят бор эди? - деди.

– Иккинчи жаҳон урушида Германиядан Англияга
қочиб сиғинганларнинг нияти нима бўлса, менинг ниятим
ҳам ўша эди, - дедим.

– Нима учун расмий равишда илтижо қилмадингиз?

– Илтижо вақтимни қонун-қоида ўргангунимча ўтиб
кетибди. Энди полис идорасига ўзим бориб, гуноҳқормен,
мени тутинглар, деёлмадим. Ўзлари замонида мени уш-
лаб адлия маҳкамасига топширсалар бўларди, - десам,
ходим қаҳ-қаҳа уриб кулди-да, ўйланиб қолди. Сўнгра
рўпарасидаги юмшоқ курсини ишора қилиб бармоғи би-
лан «менинг адлий фаолиятимни кузатинг», деди. «Кур-
сига ўтиринг» деди. Соатга қарасам, ўн бешу қирқ беш
бўлибди. Соат 12 да ҳоким:

– Яқинроқ келинг, мен полис идорасига ҳукм чиқардим.
Сизни регистрежан қилиб қўйишади. Кейин бемалол
юраверасиз, сизга ижозат, - деди.

Кейин қарасам, ўн беш минут қамоқ жазоси берилиб,
уни ҳам ўн беш дақиқа ичида обрў билан тугатибман.

ОЧИҚҚА ЧИҚДИМ

Шу воқеадан кейин иғвогар ватандошлардан кўрк-
майдиган бўлдим. Уни-буни танидим. Эскидан таниш-
лари бўлса, саломлашиб-аҳволлашиб юрадиган бўлдим.

Бир куни Ўсмон Маъмур яна бир неча юртдош билан, 1950 бўлса, керак, халқаро иқтисодий кўргазмага бордик. Ҳамроҳларимдан бири сўраб қолди:

– Жўрақори, Ўзбекистон байроғи қаерда?

Мен ўрис байроғини кўрсатиб:

– Ҳозирча шу, бироқ бизни ҳам тамсил этиб турибди. Яқинда ўз байроғимиз бизни ўзи тамсил этадиган бўлади, - дедим.

Бошқа бири:

– Рус байроғининг маъноси нима? - деди.

– Маъноси ёмон эмас, деҳқончилик билан санъатни тарғиб этаяпти. Амалда эса, қулдорлик байроғи, - дедим.

Яна бири:

– Коммунизм қандай назария? - дейишди.

– Коммунизм русларнинг улуғ миллатчилиқ, айниқса, мустамлакачилик назариясига бошқаларнинг тупроғини босиб олиб ўлдирганини ўлдириб, чопганини чопиб туриш каби бузуқликларни ёпиб туриш учун юргизилган, қўлланилган никоб, - дедим. Яна шуни ҳам айтувдим. Ленин ёзувчиликда ҳам ўғри назарияларнинг ўғриси, Маркснинг назариясига Ленинизм калимасини қўшиб русларнинг кенгрок орзуларини юргизиш учун қўшиб-чатиб ўз ўғрилигини яшириб юрган одам у, безбет одамнинг номи Ленин. Ленин рус миллатчилигида маркснинг капиталидан қандай ножоиз фойдаланган бўлса, худди шундай араб мустамлакачилигидан ҳам кўп фойдаланди. Араб истилочилик ҳаракатларидан илҳомланиб, у диний шаклини бузиб туриб, моҳиятини руслаштирди. Мисол учун, Қутайбанинг Туркистонга бостириб келиши худди коммунизмга ўхшайди. Араблар дунёни маънавий йўл билан алдаб ўз хоҳишларига маънавийни қандай никоб қилган бўлса, рус империализми ҳам синфсиз жамият қурамиз деб дунёни алдаб келдилар. Умидим шуки, араб ҳам, рус ҳам бош бўлиб, дунёнинг энг алдамчи миллатларидан бўлиб қолмасин. Албатта шундай бўладур, - дедим.

Хулоса шуки, арабларнинг ислом жиҳоди деган гапи қандай сохта бўлса, русларнинг синфсиз жамият қурамиз деган коммунизми ҳам сохтадир. Қачонки араблар, руслар

одам алдашни тарк қилиб ўтмишда миллатларга берган зарарларни тўласагина, дунё халқлари кўзида, айниқса, мазлум халқларни рози қила билса, ўз виждонларини ҳам роҳат эта биладилар. У замон улар кўринишда иккиюзлилик чиркинлигидан озод бўладилар. Бунинг учун бирлашмиш миллатлар мустамлакачи ҳукуматни бирлашган миллатлар жамиятидан чиқариб юбориши керак, дедим. Чунки дунёдан алдамчилик, мустамлакачилик йўқолмаса дунёга тинчлик келмайди. Кунларнинг бирида шу суҳбатдан бир неча кун ўтган эди. Чамамда туркистонликлар ёрдамлашма жамиятининг йиғилиши бўлган. У мажлисда Жўра қори коммунист деб қарор чиқарилган. Бир ватандош келиб:

– Сизни жамиятнинг идора аъзолари чакиришмоқда, - деди.

Бордим. Бир неча нон қопи йиғилиб ўтирибди. Бу кунларда Америкада истиқомат қилаётган Мўминжон Марғилоний жамият биносининг нозими эди. Ўрнидан туриб:

– Жўра қори, мусулмончилик билан коммунизмни ўхшаш назариялар дебсиз? - деди.

– Мусулмончилик билан араблар бошқа-бошқа нарсалар эди. Хато эшитибсизлар, - дедим мен. - У сўзлар араб мустамлакачилиги хусусида эди.

– Ушбу сўзни бизга ҳам очикроқ айтиб беринг, - деди.

– Мен мусулмон билан коммунист бир назария дедим. Коммунизм деб юритилга истилочилик назарияси моддий жиҳатлари билан яхшилаб қаралса, ислом футухоти деб юритилган Қутайбанинг истилочилик ҳаракати моҳияти эътибори бирла бир нарса, - деган эдим, идорадан ҳовли томонга ўтайлик, дейишди. Ичкари томон ўтдик. Кўча томондаги катта дарвозани ёпиб қўйишди. Бир-бирига имо-ишора қилишди. Полицей бадбахт «кофир, ислом билан коммунизмни бир, дедингми?», деб туриб ҳар тарафдан мушт отила бошлади. Юзларим, лабларим ёрилиб кетди. Оёқларим йиқилганимда шилиниб қон чика бошлади. Қўлларим ҳам шилинди, ҳар тарафим қон ичида, усти-бошим – ҳаммаёғим кип-қизил қон бўлди. Анча калтакландим. Таёқни кўтарадиган ҳолим қолмади.

Қўлимга тайёрлаб қўйилган Мўминжон имзосидаги фатовони тутишди. Қани, чик, йўқол, дейишди. Қўлимдаги коғозни ўқисам: «Жўра кори, коммунизмни бизнинг орамизда эмас, бошқа жойларда тарғиб қилаверинг» деб ёзилибди. Имзо: Мўминжон Марғилоний».

Соат бешлар бор эди. Тўғри Асирий жанобларига бордим. Юз-қўлимни ювдим, нон-пон, чой ичдим. Уст-бошимни қуритдим. Эргашвой қамчисини олиб, велосипедда «мен уларга уришни ўргатай», деб кетди. Бирпасдан кейин қайтиб келди.

– Уришганлар ўртада йўқ. У ерда ўтирганлар биз урмадик, дейишди. Қайтиб келдим, эртага яна бораман, – деди.

Бу фожеанинг орқасида Маҳаматхон Сайхон билан Саудия Арабистонидаги Зухуриддин Эркиннинг қўли борлиги маълум. Чунки Зухириддин Эркин Усмон Маъмурга ёзган хатида шундай қабих ниятлар зимдан кўрсатилган эди. Кечқурун уст-бошимни ўзгартириб, интелегент идорасининг рисоладори Хон Баҳодир Абдулазизхоннинг уйига бордим. У киши:

– Полис идорасига рапорт ёздиринг, у ёғини менга қўйиб беринг. Улардан маънавий-моддий таъминот истаймиз, – деди.

Мен: «Ҳалқим жоҳил бўлса, мен ҳам жоҳил бўлмайин» деб кўнмадим. Хон Баҳодир (инглиз мукофоти) Абдулазизхон замонида инглизларнинг Қашғардаги консули мендан илтимос қилган эди. Ҳафтада бир кун бизга келингиз, суҳбат курамиз, «Социалист» газетасининг секретари Маҳдум Сафдар йиғилар эдик. Хон Баҳодир 55 ёшларида дунё кўрган, маданияти юқори, хали ҳам хушсурат одам эди. Маҳдум Сафтар ҳам социал кўринишли, юқори савиядаги журналист. Ўта жасорат соҳиби эди. Уларнинг гап-сўзларидан бир-икки намуна келтирмоқчиман. Хон Баҳодир Қобулга тўрист бўлиб бормоқчи бўлиб, Афғонистоннинг Пешовурдаги консулига мурожаат қилиб, виза сўрабди. Уч кундан сўнг хабар олинг, дейилибди. Уч кундан сўнг паспортини олиб қараса, шундай ёзилибди: «Ҳар жомаки мепўши, бепўш. Ман андози қадатро медонам (Ҳар қандай кийим кийсанг

киявер, бўйингнинг ўлчовини биламиз). Хон Баҳодирнинг дўстларидан бири қайси бир қишлоқда келин туширибдур. Хон Баҳодир қимматбаҳо бир кашмири (кашмирликлар қўлида тўкилган шол), гуллари жуда қимматбаҳо шол ҳадя қилиб борибдур. Эрта туриб, далаларга қараб турувдим, узоқдан орқасида нарса кўтарган бир жонли келаверди. Яқинроқ келгач қарасам, дўстимнинг келини ғўзапоя орқалаб келяпти. Яқин келиб салом бериб ўтди. Қарасам, кечкурун мен совға қилиб берган шолга ғўзапоя боғлаб орқалаб олибди. Кўнглим шув этиб кетди.

МАХДУМ САФДАР

Махдум сафдарни бир куни «Социалист» газетасининг мудири Муборак Соға Ҳиндистон элчихонасидаги зиёфатга бирга олиб борибдур. Муборак Соға 1920 ларда Би бўлган одам. Ҳинд сафири билан зотий дўстлиги бор экан. Махдум Сафтарни элчига «Иброс» газетасининг секретари деб таништиради. Элчи: «Айтинг, Махдум соҳиб, Дироз атчата, диروز атчахе» дейди. Махдум: «Дероз парбе, инроз парбе, лаънат ху, бод фирдосидие» (Кечагаям, бугунгаям лаънат бўлсин, тақсир, эртадан гапиринг) дейди Махдум. Мен ҳам ўз ҳикоячамни қўшиб қўяйин. Бир куни Кушовулга бормоқчи бўлиб кўрсатилган рақамдаги жойни топиб ўтирдим. Интеркласс эди. Башанг бир киши чиқиб чамадонини юкорига қўйиб тушиб кетди. Кетидан бошқа бир йигит келиб, ҳалиги чамадонни тушириб, ўз чамадонини қўйди. Шў захоти илгариги чамадоннинг эгаси келиб «чамадонни ким туширди?» деди. Аввалги одам нима учун чамадонни туширдинг деганидан кейин туширган йигит мен деди. Аввалги одам «нима учун чамаданни туширасан?» деди норозилик оҳангида. Кейинги йигит у одамга бир шапалоқ билан жавоб берди. Шапалоқ еган одам полис чақирди. Тўполон бўлди. Полис тажовузкор йигитга бир нарса демади. Поезд ҳаракат қилди. Ёш йигит тушиб кетди. Ўрнига қирқ ёшларда бир одам чиқди. Хонада уч киши эдик. Иккинчи чамадоннинг эгаси бир нарсани пайкамагандек кўринди-да:

– Биродарлар, бир-биримиз билан танишиб-гаплашиб кетайлик, - деди. - Исмим – Миё Жаъфаршо, Нушовурда ўтирамен, журналистман.

– Исмим ҳофиз, касбу корим ҳам ҳофизлик. Асли Бухороданмен, - деди мен билан сўрашгани.

– Исмим – Карам Илоҳий, адвокатман, Карачида ўтирамен, Циялко шахрига бир сиёсий маҳбусни ҳимоя қилиш учун кетаяпман, - деди биринчи чемаданнинг эгаси.

Мана, танишиб ҳам олдик, дейишди-да, суҳбат бошланиб кетди. Адвокат Гарсунни чақирди.

– Уч кишилиқ биринчи синф чой олиб кел, - деди. (Чой, шакар, сут, кулча, шунақа нарсалар).

Гарсун буюрилган нарсаларни олиб келиб курсига қўя туриб, патнис қўлидан сидирилиб, тушиб кетди. Сут, чой тўкилди, идишлар синди. Гарсун бечоранинг ранг-кути ўчиб туриб қолди. Адвокат ҳамон:

– Ўғлим, ҳечқиси йўқ. Бунақа ишлар бўлиб туради. Ҳижолат бўлма, йиғиштириб ол. Бизга янги люксерок чой, яхшироқ кулчалардан мўлроқ қилиб олиб кел, - деди. Идишлар баҳосини, кейинги олиб келадиган нарсаларининг ҳаммасини бир қилиб, ҳисоб-китобини ёзиб кел, - деди. - Солий кинекуст азбаҳо распайдоош (бу шонсизлик сеники эмас, меники деди) Еган шапалоғига киноя қилди. (Йил яхши келадиган бўлса, баҳоридан билинади-ку). Бўлди кулги, бўлди кулги, ҳеч биримиз ўзимизни тўхтата олмадик. Чунки ўртада шапалоқ мавзуси кечиккан бўлса-да, Жапаршо бир нарса сезмаган кўринди.

ТОВУҚФУРУШЛИК

Татон бобо: Сингҳда товук кўп бўлади. Карачига товук Сингҳдан келади. Сизлар Юнус билан бориб курук келдиларингиз деб, - ғингшиб қўяр эди. Ёнимдаги уйда ёш бир жувон ўтирар эди. Унинг эри икки кун Карачида турса, беш кун Сингҳда турар эди. У хотин салом бериб ҳолаҳвол сўрашиб турар эди. Эри ҳам келса олдига чиқиб саломлашиб, бироз гаплашиб кетар эдим. Мен унга:

– Сингх аёлотиға товук олиб келгани борувдик. Товук тополмай қайтиб келдик, – дедим.

– Мен билан юр, товук олиб берайин, - деди.

Ҳалиги билан биргалашиб Сингхга жўнадик. Унинг уйи Хайрфур хонлигида экан. У ерда афгон хотини ҳам бор экан. Хотини афгон тилида «Хуш келдингиз» деб сўрашиб-нетиб қўйди. У ерда шаҳар, бозор деган бирор кўриниш йўк. Ҳамма ер - ўрмон.

– Бу ерда ҳозир товук бўлмас экан, иккита-учтадан олиб йиғилар экан. Истасангиз турунг, ёхуд пул беринг. Йиғиб олиб берармен, - деди.

Олишга ҳам, пул беришга ҳам, қайтишга ҳам кўрқдим. Куруқ қайтишга ҳам кўрқдим. Ҳар тараф қалин ўрмон. Одам зотини кўрмайсиз. Қишлоқ эмас, таваккал қилиб, унга пул бердим. Мени поездга чиқариб қўйди. Қўлимга икки килоча келадиган сут, сузмасини (Кўпгина сутни катта қозонга қуйиб олиб, бир қанча соат қайнагандан кейин, сутдан озгина сузма чиқаркан.) қўлимга тутқазди. Кирачига келгунимча ҳалиги сут пишлогини ёнимдагиларга едириб келдим. Ҳолбуки, бузилмайдиган, баҳоли емиш экан. Бир ҳафта ўтди, одамдан дарак йўк. Кейин одамнинг ўзи келди. Товук-повук, ҳеч нарса йўк.

– Товук нима бўлди Сет соҳиб (хўжайин)? – деб сўрадим.

– Товук ҳали йиғилганича йўк, янаги сафар, - деди.

Эртаси Сингхга қараб жўнаб қолдим. Ҳа, бу лаънати ҳам пулни еб кетадиганга ўхшайди, деб ўйлаб қолдим. Мендан ҳол-аҳвол сўраб юрадиган сатанг хотинига воқеани айтдим.

– Қори афанди, хабарим бўлмади, менга айтмади, сиз нега мен билан маслаҳатлашмадингиз? У эрим, лекин ёлгончиликда биринчи-ку, менга айтганингизда, ҳаргиз унга ишонманг, пулингизни еб кетади дер эдим. Энди келсин, товук олиб келмагунча мендан қутулмайди. Жонини суғуриб олармен, албатта, товук олиб келади, қори афанди. Менга айтди дейман, - деди. Кейин қарасам, бу одам ўта ёлгончи экан. Қўшним сатанг ундан зўр чиқиб, 150 та товук келтириб хотинга топширди.

Хотин:

– Қори афанди, мана товуклар, ўзлари ташиб беради, - деди.

Қўшнилар мени жуда ҳурмат қилишар эди, 6 та катта яшик қафасда 150 товукни камюнга орттириб, Садр бозоридаги товук сотиладиган бўлимга ташиб беришди. Қарасам, бу ерда товук битталаб ҳам сотиляпти, улгуржи ҳам сотиляпти. Улгуржи сотиб қутула қолай дедим. Қарасам, товуклар кимошди йўли билан сотиляпти. Қараб турсам, йўғон бир кўса одам кимошди қиляпти. Тўполонда айтгани-айтган, дегани-деган бўлмоқда. Ўша кўса ишбошининг менга кўзи тушиб қолди. Ўрнидан туриб мен сари кела бошлади. Ҳайбатли одам, менга салом бериб:

– Қори афанди, бозоримизга хуш келдингиз. Нечук бу тарафларга йўлингиз тушиб қолди? - деди. - Мени танимадингизми?

– Йўк, - дедим.

– Мен сизни танийман. Бозорга нима учун келдингиз? Товук оласизми? - деди.

– Йўк, товукларим бор эди, сотгани келдим, - дедим.

– Қани товукларингиз? – деб сўради.

Товукларимни кўрсатдим.

– Бу ерда товук битталаб ҳам сотилади, улгуржи ҳам сотилади, - деди Кўса. - Битталаб сотилса бироз баҳоли, улгуржи сотилса арзонроқ кетади.

Кейин маълум бўлдики, мен қайси масжидда таробехда хатм қуръон қилган бўлсам, Кўса қори ўша ерда ҳозир бўлар экан. Шунинг учун мени таниб қолган экан.

– Ҳар икки суратда ёрдамчи бўлармен, - деди қори афанди.

– Кўтарасига сотиб кетақолайин, - дедим мен.

– Хўп бўлади, - деди у.

Товук ҳаридорларини чакириб, кимошди йўли билан сотиб берди. Кўса дедик:

– Қоидаси, товук олганлар пулини кечроқ беради. Сизнинг пулингизни ўзим бериб юборақолайин, - деб ўзи пулимни берди. - Қори афанди кўришиб турайлик, хўв анави бурилишдан кейин елпиғич бозори бор. Кўса қори деб сўрасангиз, ҳамма мени танийди, мен ҳам сизга ўхшаб

қориман. Ҳаммаслақ бўлганим учун ҳам, сизни танийман, албатта, келинг, - деб тайинлади.

Кейинчалик у кишини топдим. Бўриёбозорида Мавлоно Тоҳир деган қоратанлик, ажойиб, поднафс бўриёфуруш олим бор эканлар. У киши урдуча-ю, тожикча билар эканлар.

БАЛИҚ КЎРГАЗМАСИ

Мен урдуча газета ўкиб, урдуча гаплашадиган бўлиб олдим. Грин карта ҳам бор. Патонман, яъни урдуча билмайман деб юришга эҳтиёж қолмади. Ҳар куни «Жанг» газетасини олиб ўкийман. Газетанинг баҳоси икки танга. Эрта билан газетафурушнинг ўзи олиб келиб беради. Соат 12 да олиб кетади. Икки тангалик газетага бир танга ижара баҳоси тўлаймен. Бора-бора сиёсий адабиётдан баҳраланадиган бўлиб олдим. Фикрларимда такомиллашма рўй берди. Мулоҳазаларим сўлга майл қилиб қолди (тараккийпарвар). Шундан кейин «Жанг» рўзномасини тахт қилиб сўлга майлли «Имрўз» газетасини оладиган бўлдим. «Имрўз» газетасида олди-қочди гаплар бўлмасди. У мамлакатларда одатда газеталар сахар олтиларда тарқатилади, велосипедда газетафуруш «Янги хабарлар, кут балиқ қўлга олинди!», деб ўтиб қолди. «Имрўз»ни олдим, «Жанг»дан ҳам битта бер, дедим. Ўқисам балиқларнинг деви қўлга тушибди, «Узунлиги тўрт метр, оғирлиги бир тонна. Оғзининг катталиги икки метр», деб ёзибди. Нонуштамни қилиб трамвайда денгиз бўйига жўнадим. Мен сингари бекорчилар ҳам боришган экан. Йиғилишиб, ажойиб балиқни кўриш учун портга борибдилар. Балиқ бобо Жазира исмли (Оролда экан) Аролда 20 – 30 кишини таший оладиган мудир қайиқлар бор экан. Қайиққа чикиб, Бобожазирага одамлар билан кетдим. Балиқни денгиз суви кенгайган замонида қирғоққа чиқариб қўйибдилар. Биз эса,, сувнинг тортилган замонида бордик. Балиқ газетада ёзилганидек оғзи икки метр эмас, бир метру эллик сантиметр бўлса, керак. Бўйи ҳам икки ярим метр бўлса керак. Одамлар кўриб кетяпти.

Балиқни беш-олти балиқчи ушлаб олиб келибдур. Мен балиқчи бошига бориб «балиқни сотасизми?» дедим. «Сотамен» деди. Бахосини келишдик.

– Шартим шуки, балиқни денгизнинг у қирғоғига ўтказиб берасизлар, - дедим.

– Хўп бўлади, ҳозир денгиз суви тортилган. Кенгайган замонида олиб бориб берамиз, - дейишди улар.

Пулини тўладим. Балиқ меники бўлди. Дарров икки-та хизматчи олиб, темир-терсак сотиб турган магазиндан йигирматача кетмон сопи, бир қанча чипта сотиб олиб, балиқнинг атрофини ўрадик. Икки тарафи чифтадан деворнамо коридор қилиб, балиққа олиб борадиган йўлак ясадим. Ўзим йўлак бошида, халиги хизматчилар туриб, «балиқ кўриш тўрт тангадан», деб одамлардан пул олиб ўтказавердим. Асргача шундай давом этди. Анча пул йиғилди. Аср вақтида балиқчи:

– Боши биз балиғни сизга асргача ижара қилувдик, - деди.

Мен ҳам келишув шартини эслатдим, қизишиб қолдик. Шу вақтда ўн бешта қиз-жувонлар ичларида эллик ёшлардаги бир эркак киши балиқни кўриб чиқишувди. У одам, қизлар, аёллар гоҳ менга, гоҳ балиқчиларга қараб масаланинг моҳиятини пайқаб қолишди. Мени олдиларига чақиришди. Эркак киши гап бошлади. Қизлар эшитиб турибди. У одам менга:

– Афанди, бу жанжалнинг сўнгги яхши чикмайди. Вақт асрдан оғиб қолди. Шу қайикдан бошқа қайиқ келмаса керак. Бирпасдан кейин қоронғу тушиб қолади. Балиқчилар қизигандан кейин сизни денгизга итариб юборишади. Бу воқеани ҳеч ким билмай қолаверади. Яхшиси, сиз тушган пулга кўникиб, ана балиқ сизларники бўлақолсин денг. Худди қариндошдай орамизга кириб олинг. Биз билан шаҳарга етиб олинг. Биз ҳаммамиз шу қарорга келиб, сизни имо қилдик. Яна шуни илова қилдикки, улар шундан кейин ҳам қаршилик кўрсатса, биз ҳаммамиз сизни ҳимоя қиламиз. Албатта, баробар олиб кетамиз, хотиржам бўлинг, - деди.

Қарасам, булар одатдаги мусулмон эмас. Бухра тоифасига мансуб кишилар. Менга унинг маслаҳати маъқул

тушди. Ҳамон қайиққа тушиб, улар билан оролга тушиб, шаҳарга саломат келиб ўйлаб қарасам, яна бир ўлимдан кутулиб қолибман. Минг раҳмат ўша бухраларга.

ҲОЖИ ДАВЛАТ

Машҳур мулла Окмурод туркманнинг гумаштаси Ҳожи Давлат келиб арзиҳол қилиб қолди. Мен у кишини унча танимас эдим. Воқеа шундай бўлибди. Давлатбойнинг Карачи таможнийсида таронзит гиламлари бор экан. Англияда ўлтирадиган Сора Аминованинг укаси Ханалил Аминовга гиламларни сотиб таможнийдаги молларни Ханалилнинг номига ўтказиб, имзо қўйиб берибдур. Пулига келганда Аминов «бугун чарчадик, эртага келинг чек ёзиб қўяман», дебди. Эртаси Ханалил уйида йўқ. Офисида ҳам йўқ. Кечқурун уйига келиб:

– Мен аввал банкадаги пулни аниқлайин. Сўнгра сизга чек ёзаман, - деди.

Афтидан молларни Ланданга юборади. Энди Ҳожи Давлат ёнига Саъдулла қори, Қосимжон Чигатай, Абдулла Чигатай, доктор Зобитжонларни ҳимояга олиб, Ханалилга учрайди. Бу сафар Ханалил:

– Сенлар мени қайси санъат асосида безовта қилиб юрибсанлар? Полисга мурожаат қилиб, ҳаммангдан шикоят қиламан, - деган экан, ватандошлар тарқаб кетибдур. Қосимжон ака Жўра қорига боринг, дебди.

Ҳожи Давлатбой оёқда туролмайди. Эгилиб-букилиб, калтираб турибди, курсида ҳам ўтиролмай қолди, калтирамоқда. Шу аҳволда (Ҳозирда Америкадаги Усмон Маъмур ҳам ёнимда эди) у ҳам илтимос қилди.

– Қори афанди, бориб кўринг-чи, зора бирор натижа чиқиб қолса, - деди.

Воқеа Болтин маркетда рўй берган экан. Ҳожи Давлат калтир-қалтир қилиб:

– Аналил Покистондан чиқиб кетмаса бўларди, шуни олдини олиш мумкин эмасмикин? - деди.

Болтин маркет полис марказига бордик. Ҳеч кимни танимайман. Қуруқ жасорат бор холос. Полис мудирининг

идорасини сўрадим, ижозат олиб ичкарига салом бериб кирдим. Юзимга шундоқ қаради-да:

— Қори афандимисиз? - деди.

— Ҳа, тақсир, - дедим.

— Саломатмисиз, бу ерга қайси шамол учирди? Не хизмат бор эди? Мени танимадингиз, шекилли? — деб сўради.

Бултур Жоме масжидидаги бир кечалик таровеҳ намозида хатми куръон қилинганида у полис офицери ҳам ўша ерда экан. Ўшанда мени таниб қолган экан. Воқеани тафсилоти билан тушунтирдим. Полис марказининг мудири Иқболшоҳ ҳамон:

— Ҳаво майдонига, денгиз портига, поезд йўли курук йўл, бутун чегарачиларга Оғил Серкулех тарқатиб, асли мусавид Ханалил Аминовнинг чегарадан чиқиб кетмаслиги учун таълимот берди. Унинг офисига икки нафар полис юборди. Ханалилни ушлаб келиш учун. Вақт хуфтон бўлиб қолувди. Полислар тополмадик деб қайтиб келишди. Иқболшоҳ ўзингиз ушлаб келасиз, ёрдамнингизга икки нафар полис қўшиб бераман, - деди.

Вақт анча кеч бўлиб қолувди. Дюшнинг иккинчи каватдаги уйига Ҳожи Давлатбой чикмади. Юрак олдириб қўйганди. Полислар билан ўзим чиқиб уйини тақиллатдим.

— Ким у? - деди тожикчалаб.

— Мен Давлатбойнинг укаси.

— Қўясанларми, йўқми! Ҳозир полис чакираман, - деди. Мен ҳам тожик тилида:

— Полис шу ерда, уйимда, бу ёққа чиқ, - дедим. - Кейин қаёққа мурожаат қилсанг килаверасан.

Полис ҳам эшигини бир тепиб урду тилида:

— Боҳор ожов, галдиторов (тезда ташқари чиқ, бўл тез), - деди. Эшигини очиб ташқари чиқиши билан қўлига занжир солиб, юр деди. У бекорчи гап пулини берувдим деди. Центрга бордик, уни қамаб қўйди. Мудир:

— Қори Афанди, кетаверинглар, эртагача у билан машгул бўлиб иқрор қилдириб қўяман, эрта билан келин-глар, - деди. - Қани иқрор бўлмай кўрсин-чи.

Эрта билан борсак, икром бўлибди. Давлатбойга чек берди. Давлатбой чекни банкага олиб бориб, пулини ўз ҳисобига ўтказди. Газеталарга карасам, «Имроз», «Жанг», «Анжом», «Давлатбой номидаги бир туркманни алдаб 30 минг долларлик гиламни олиб кетаётганида қўлга олинди», деб катта лавҳа билан ёзилибди.

ҲОЖИ АСҚАР

Асли андижонлик ҳожи Аскар ака етмиш ёшларда бор. Ҳожи бува, ҳожи ота десангиз жавоб бермайди. Ҳожи ака десангиз «лаббай аккаси», деб ҳазилкашлик қиладиган, анча ўзини олдириб қўйган бир одам. Жамиятда ўтирсам, олдимга келиб:

– Қори афанди, сизга арзим бор, - деди.

– Марҳамат, ҳожи ака, - дедим.

– Ҳожи Абдулҳакимбой Самарқандийда пулим бор, бермаяпти. Чархчимен, касал бўлиб қолиб, ишга чиқолмай колдим. Пулга эҳтиёжим бор, - деди.

– Жамият каттаконларига айтмадингизми? – дедим.

– Улар миллатчиликдан гапирганда хўп-хўп дейишади, амалда ҳеч вақо йўқ. Уларнинг ҳар бирига арз қилиб кўрдим. Натижа бермади. Сиз ҳаммага яхшилиқ қилар экансиз, менга ҳам яхшилигингизни аяманг, ука, муҳтожмен, - деди.

– Санъат борми? – сўрадим.

– Йўқ, - деди.

– Гувоҳларингиз борми?

– Бор.

– Кимлар?

– Саъдулла қори, Абдурахмон қори, Азамхошимийлар билишади, - деди.

– Хўп бўлади, ҳожи ака, улар билан гаплашиб кўрайин, - дедим. Эртаси Саъдулла қорини учратдим. Масалани сўрасам:

– Пули бор, гувоҳлик бермайман, бой соҳиб хафа бўладилар, сиз ҳам бу ишга аралашмангиз, - деди.

Абдурахмон қоридан сўрадим.

– Пули бор, Бойсоҳиб бермай юрибди, - деди.

Абдулҳакимбой Самарқандийнинг номига хат ёзиб Ёсмон Гўкдан бойнинг уйига юбордим. Хатнинг мазмунни қуйидагича: «Бой соҳиб, хожи Асқар сизда пулим бор, деб арз қилди. Пули бўлса, беринг. Йўқ бўлса, бир жойга ўлтириб, пули йўқлигини исбот қилинг. Бу икки таърифага қўнмай юраверсангиз, сиз улуг инсонга ярашмайди. У суратда Хожи Асқар расмий равишда адлияга арз қилади. Мен у кишини мудофаа қиламен», дедим. Гувоҳлар ҳам бор экан. Улар иқрор бўлди. Ёсмон Гўк хатни бойга бериб келди. Эртаси Абдуллоҳ Чиғатой Пешовурга кетаётган экан. Уни кузатайин деб станцияга чиқсам, станцияда Қосимжон ака, Мирзажон бой, Абдулҳакимбой, унинг ўғли Абдурахмон туришибди. Абдурахмон адасига қараб: «Мактуб равон кардаки, анаинкасан, анаинкасан», деб қўйди.

Поезд ҳаракат қилди. Абдуллажон жўнаб кетди. Абдулҳакимбой киблага қараб туриб икки қўлини қўкка кўтариб:

– Агар хожи Асқар дарсариман фу дошта бошад, хона ҳам вайрон шават (Агар хожи Асқарнинг менда пули бўлса, уйим вайрон бўлсин), - деди.

Хайрон бўлиб қолдим. Мирзажонбой қўлимдан ушлаб нарирокка етаклаб олиб бориб:

– Қори Афанди, бой соҳиб ҳеч кимнинг пулини емайди. Бу ишни қўзғатганларни ўзингиз босиб қўйинг, - деди.

Мирзажон бойнинг дипломатик танбеҳидан ҳижолат бўлиб кетдим. Тўғри Қосимжон аканикига борганимни ўзим билмай қолдим. Қосимжон ака:

– Эй Жўра қори, яхши келдингиз, эртага қорини қаердан топсам экан деб турувдим. Хожи Асқарнинг бойда пули борлиги тўғри.

– Ҳали станцияда нимага индамадингиз? – дедим мен.

– Бой ҳафа бўлар эдилар. Шунинг учун индамадим, - деди.

– Ундай бўлса, Мирзажонбойга бориб масалани тушунтириб қўйинг, - дедим.

Эртаси бойнинг кичик ўғли Ҳомид келиб:

– Қори ака, сизни дадам пешинда бизга келсин. Емакни биргаликда еймиз дедилар, - деб кетди.

Бойга бордим.

– Қори Афанди, захмат бердим, - деди бой. - Кечаги гапингиз тўғри экан, Қосимжон ака келиб менга айтди. Шунинг учун узр сўраймен, кеча сизни ҳафа қилдим. Мани кечиринг. Даъватимни қабул қилиб келганингиз учун раҳмат, - деди.

Мен бойга:

– Ундай бўлса, даврага сиз ҳам қўшилинг. Тинч, дину диёнат шундай буюради, - дедим.

– Хўп бўлади, қори афанди, бой билан гаплашиб сизга хабар юбораман, - деди.

Мирзажон бой хабар қилди. Абдурахмон қорининг масжидига йиғилдик. Абдурахмон қори, Мўминжон (бугун Америкада) Абдулҳакимбой, Мирзажонбой, Қосимжон ака, Ҳожи Аскар, ўзим бор эдик. Мен мулла Аскардан сўрадим:

– Мулла Аскар ака, бой ҳазратларида қандай пулингиз бор эди? Мулла Аскар:

– Бу кишида ойига олтмиш рупиядан бир йилу икки ой ишладим. Ана шу ҳакимни берганлари йўқ. Бой Аскарбойнинг менда ишлагани тўғри, лекин букчига берилган кунлик овқат баҳоси икки рупия бўлар эди. Шуни ҳисоблаб, ҳар куни ҳаққини тўлади деб қўяр эди, - деди.

Мулла Аскар ака:

– Тузук овқат бермас эдингиз, колган овқатни берар эдингиз, - деди.

– Овқат ичида эди, тақсир, - деб қўйди Абдурахмон қори.

– Бой жаноблари, Мулла Аскар акага берилган овқат пули берилаётган икки рупия бўляпти деганмисиз? – дедим мен.

– Йўқ, - деди у.

– Ундай бўлса, берган овқатингиз харом бўлиб қолади. Мулла Аскарнинг ҳаққини тўлашингиз керак, - дедим.

Пасту баланд тортишувдан кейин етти юз рупияга қарор қилинди. Етти юз рупия пулни Абдулҳакимбой та-

рафидан ҳамон Мирзажон бой чўнтагидан чиқариб тўлаб қўйди. Жамиятга келганимизда Асқар ака Мўминжон аканинг ҳузурида менга юз рупияча узатиб туриб олди. Йўқ-йўқ десам, бечора ҳеч унамайди. Ахийри:

– Мулла Асқар ака, хайрим учун дуо қилиб қўйинг. Бошқа бирон кун келаман, яхши бир ош қилиб берарсиз, - десам бу гапга зўрға қўнди.

ТАРЖИМОНИ АФКОР

Ватандошлар орасида мулла Асқар масаласидек жанжаллар бўлиб турар эди. Уларнинг қўлида на паспорт бор, на қандайдир бир санъати, бирон нарсалари йўқ. Афғонистондан косиб келишган, турар жойи йўқ. Ачинарли муаммолар, кундалик воқеа тусига кириб қолган эди. Туркистонликлар ёрдамлашма жамияти бор-у, улар қуруқ гаплар билан овора. Аниқ ҳаётий мушкулотлари учун ҳеч бўлмаса қўлларида келганича ҳам кизикишлари йўқ, бунақа халқчил ҳаракатларга улар ўрганмаган. Айниқса, сиёсий масалаларда паспорт ишларига аралашмас, қўрқоқ эдилар. Жамият каттаконлари Азимбошининг секретари Мўминжонлар бирор марта расмий идорага бориб ватандош ҳукукини ҳимоя қилган кишилар эмас. Айниқса, полис идорасидан, сиёсий идорадан қўрқишар эди. Ёлғизгина сиёсий идора чақимчилик билан овора. Ҳеч қандай ижтимоий фаолиятлари йўқ, расмий мажлисларида тартиб йўқ, мактанчоқлик, беҳуда гаплар, ғашим келар эди. «Таржимони афёр» номида журнал чиқариб туришди. Журналнинг мундарижаси диний бўлиб, айниқса тили бузук ўзбекчада, журналнинг саҳифасида тўғридан-тўғри кўчирилган оятлар араб тилида. Бу араб оятларини ватандошларнинг ҳеч бири билмасди. Ўттиз фоизи ҳадислардан иборат бўлса, ўттиз фоиз қуръон оятлари, ҳуда-беҳуда ўзбек тилига қўшилган арабча сўзликлар, кенгрок қаралганда, кўриниши араб ҳарфида ўзбекча. Асар мазмуни эса, миллий руҳда эмас. Араб маданиятини муллаизм услубида талқин қилинади. Айтганимдек, журналдаги ғафлат мени асабийлаштирар-

ди. Айниқса тилини танқид қилардим. Улар ўзининг кароматини ўзи баён қилиб юрган мутакаббулларга ёкмас эдим. Оркамдан Хўжа қори коммунист, бедин каби лақаб билан ёмонлашар эдилар. Бора-бора тухмат қилиб, жамиятда калтаклашди ҳам. Юқоридаги кўринишни кўриб улуснинг манфаатини ҳимоя қиладиган, элимизга ёрдам қиладиган азиз юртимизнинг миллий руҳини сақлаб турадиган, ўзгалар туйғусидан сақланиб қоладиган миллий орзуларимизни айниқса, она тилимизни сақлаб қоладиган бир жамият йўқлиги кун сайин чуқурроқ сезилиб турар эди. Шу камчиликларни эътиборга олиб, дўстларим билан биргалашиб бир жамият курмоқчи бўлдик. Абдулла Чигатой, Усмон Маъмур, Абдулғофир қори, Сирожқори, Каримжон, Эргашвойлар билан маслаҳатлашиб фикр мулоҳазалардан сўнг қарор тасдиқланди. Ниҳоят, янги жамият қуриладиган бўлинди. Жамият учун тузук ёзишни менга топширдилар. Тузукнома лойиҳасига сўзбоши ёздим. Сўзбоши икки бўлимдан иборат эди. Биринчи бўлимни шароитни эътиборга олиб у ерларда кўпроқ сўз дин таъсирида бўлгани учун ўша услубда ёздим. Лекин мақоланинг руҳи миллий эди. Иккинчи бўлимида кўчмандлар, ватан тупроғида юрган юртдошларнинг кўринишига қараб аҳволни тасвирладим. Ўртоқларим лойиҳани, унга ёзилган сўзбошини бир овоздан маъқуллашди. Бу гал йиғилиш Эргашвойнинг уйида бўлди. Сайловга ўтилди. Усмон Маъмур Президент, мен бош котиб, Каримжон муҳосиб, Сирожқори мупаттиш, Эргашвой пропаганда котиби, Абуғафур қори адлий қузатувчи қилиб сайланди. Жамиятнинг номи «Туркийлар бирлиги» бўлди. Китобчани 500 нусхада чоп этиб, тарқатдик. Камчилик кўрсатувчиларнинг чилдирмасига ўйнаган каллаварамлар китобчани у ерда, бу ерда ўтга ташлаб, қуйдириб юбордилар. Жумладан, Пушовурдаги вакилимиз Абдулла Чигатойда Аҳмаджон Маъмур адреси орқали 100 минг китоб топилибдур. Ўша кунларда Пушовурда истиқомат қилиб турган Маҳмуд Ойқорли (Баҳром Иброҳимов) кўлида бир жилд, Солий қори кўлида бир йил Абдулла Чигатойнинг ўзида бир жилд

зўрға қолибдир. Раволпинди Лоҳур шаҳарларида ҳам китобчани ёқиб, катта иш қилган азаматлар бўлибдир. Пушовир сиёсий идораси Абдулла Чигатойнинг ифодасини олибди. Абдулла Чигатой китобча чоп этилишидан бурун ўқилиб, маъқулланди. Маъқуллаганлардан бири ўзим. Нетайким, жамиятнинг Пушовурдаги вакили ҳам менман деди. Уларга китобчани урдуча таржима қилиб берибдур. Абдуллажоннинг ҳикоясига кўра китобчада чаток бирор сўзнинг йўқлиги, Абдуллажон дадил туриб «Жўра қорига мафкўрадошман» дейиши сиёсий идорани қойил қолдиргани учун улар наздида Абдуллажоннинг эътибори юксалиб кетибдур. Абдуллажон шундай ҳикоя қилган эди:

— Ватандошларнинг бирор мушқўли бўлса, сиёсий идорага паспорт виза ишлари бўлимига борганимда қулайлик яратишадиган бўлиб қолишди. Қарачида ҳам сиёсий полис китобчани таржима қилиб беришимни илтимос қилди.

МАҲМУД ОЙҚОРИ

Ўша даврда Бухоро халқ жумҳуриятининг эски жумҳур раиси Ўсмон хўжа 1951 йилда Америка томонидан ёлланиб, Истанбулда Қарачига келди. У кишига Истанбулдаги Ҳолмуҳаммад бойваччани доктор Абдуллохҳо Тўхтай ошпаз тайин қилиб юборган эди. Ўсмон хўжа ўғли Қарачидаги Америка элчихонасидан тегишли пулни олиб Пушовурга кетган эди. Пешовурда у киши Абдуллохўжа исмида Помирга бориб келиб турарди. (Бу масалани менга Ойқори айтувди). Ўша даврда Пешовурда истиқомат қилиб турган Маҳмуд Ойқори (Баҳром Иброҳимов) ҳам Покистоннинг интелегент идорасига ёлланиб, Помирга бориб Раҳмонкул Қирғиз билан гаплашиб келар эди. Усмон хўжа ўғли ҳам Раҳмонкул қирғиз билан учрашарди. Маҳмуд Ойқори билан Усмон ўртасида рақобат кизиби кетарди (ҳолбуки, Усмон хўжа Американинг одами бўлса, Маҳмуд Ойқори Покистон интелегенциясининг одами эди. Қарачида Абдулла Чигатойни кўргани меҳмонхонага боровдим. Абдулла Чигатой Ойқорига таржимон бўлиб келдим деди. Ўрталаридаги фарқ Усмон хўжа тўғридан-

тўғри Америкада одами бўлиб, Маҳмуд Ойқори (Баҳром Иброҳим эса, аслида рус жосуси полковник) Покистон жосуси ҳам бўлиб олган экан. Ҳар иккиси ҳам ғарб жосуси. Мана шу тортишувда Ҳолмуҳаммад бойваччанинг Усмон хўжага ошпаз бўлиб туриб асосий майли Ойқори томонида эканлигидан Усмонхўжа шубҳаланиб, Холматбойваччани ишидан бўшатади. Негадир паспорт идораси ҳам бойваччани Покистонни тарк қилиши учун нота беради. Пушовурдаги ватандошлар, айниқса, Аҳмаджон Маҳмуднинг ҳаракатлари натижа бермайди. Бойваччага Қосимжон Чигатой маслаҳат бериб, Карачида Жўракорига мурожаат қилинг дейди. Ана шу муносабат билан Маҳмуд Ойқори менга хат ёзибдур. Хатнинг мазмуни кўйидагича:

«Бойвачча, ёш миллатчиларимиздан кўп ҳаракат қилдим. Виза иши тўғриланмади. Сиздан илтимос, ҳаракат қилиб Карачида олиб қолинг», дебдур.

Ўша даврда мен Маҳмуд Ойқорини Туркистон истиқлоли учун кўрашаётган мужоҳидларимиздан бири деб билар эдим. Рус жосуслигидан хабарим йўқ эди. (Шунингдек, Ҳолмуҳаммад бойваччанинг ҳам Маҳмуд Ойқорининг эски малайи бўлиб, муфти Садриддиннинг қотили эканлигидан хабарим йўқ эди. Ойқори Тошкентга борганидан кейин ҳам, миллатпарвар сифатида турди. Тошкентдан брошюра ҳам чиқарди. «Ойдин» газетасининг мудири бўлиб турганида ҳам шу сифатини ташиб юрди. Аскарый журналист Борис Пармузин каламига мансуб махсус топшириқ видеофильми чиққанидан, «Илон изидан» романи нашр бўлганидан кейингина асл Маҳмуд Ойқори эмас, асл оти Баҳром Иброҳим бўлганини, чекистлигини Тошкентга борганидан кейингина ўргандим. Ҳолматбойваччани ҳимоя қилиб, беҳудаларнинг иғвоси билан Покистондан чиқиб кет, деб нота берилган бўлиши керак, деб уни Карачида олиб қолдим.

АБДУЛЛА ЧИҒАТОЙ

Карачи адлиясида Абдулла Чигатойни тухмат билан қочоқчи деб қоралаш учун полис тухматлари, муколиф-

лари берган даъволар бор эди. Бир куни Абдулла Чигатой:

– Олдинги ифодаларим тўлик эсимда йўқ. Палон куни адлияга чакирибдур. Эски ифодамдан бошқача гапириб юборишим мумкин. Шунинг учун полис макомларининг кўлидаги баёнимни бир кўздан кечирим олишим керак, полис дўсияни сирли дўст деб мутолаа қилишимга йўл қўймапти, - деди.

Маҳкама тарихидан илгари муомалани юритиб турган полис инспектори Бардос муллодан Дўсияни олиб бердим. Абдулла Чигатой:

– Ифодаларим тўлик эсимга тушди, энди кўркув йўқ, - деди.

ҚОСИМЖОН ЧИҒАТОЙ

Бир куни Қосимжон Чигатой қўшниси билан уришиб қолиб, унинг лабини бир мушт уриб ёриб ташлабди. Лаби мўрт экан, ҳар томон қон кета бошлади. Абдулла Чигатой келиб:

– Жўра қори, воқеа шундай иш. Адам Қоракўлда, - деди.

Ҳамон полис марказига бориб, мудир Иқболшога ҳақиқатни тушунтирдим. Марказнинг мудир:

– Бухорийлар биров билан бекорга уришмайди, ўзинг уришгансан. Яхшироғи, даф бўл кўзимдан, - деб калтак егани Қоракўлдан қувиб чиқарди. (Ўзбеклар ёлғон гапирмас эдилар, ўғирлик қилмас эдилар, чекмас, ичмас эдилар. Шунинг учун обрўлари баланд эди).

ҲОЖИ ЖАЛИЛ УЙҒУР

Карачида бир куни Сиддиқ Ҳожи уйғурнинг ўғли Соли Ҳожи Жалил Ҳожи билан лимаркетда бир кўчадан юриб кетишарканда рўпарадан бир киши чиқиб, Жалил Ҳожининг кўзига қалампир сепиб юборибди. Жалил Ҳожи у одамнинг модал зотидан ушлаб қолибдур. Жалил Ҳожи кўзи ачишиб дод деса ўғри одам модарзотининг оғришидан фарёд қила бошлайди. Халойик хайрон, полис икковини Қоракўлга олиб боради. Жалил Ҳожининг

ёнидаги катмони йўқ. Ўғри одам бўйнига олмайди. У дедики:

— Рўпарадан келаётувдим, бир киши қалампир сепиб қочди. Жалил оға эса, ҳеч кимни кўролмай қолган ҳолда мени ушлаб олди.

Жалил ҳожи ўз юртдоши Соли ҳожидан гумони йўқ. Соли ҳожи Самиджон ҳожи уйғурлар Жалил Ҳожига ачиниб, меҳрибон бўлиб юришибди. Жалил ҳожи йиғлаб воқеани баён қилиб ёрдам сўради. Соли ҳожи Қобулдан тортиб эски танишган бўлсада Соли ҳожининг полис назоратхонасига ташлатиб қўйдим. Самиджон менга аялиниб:

— Катмонни топамиз, шу шарт биланки, Соли ҳожи ҳам озод қилинса, - деди.

Шундай шаклда Ҳожи Жалилнинг катмони топилиб, берилди, Жалил ҳожи эса, даъвосидан кечди. Ўртада исбот ҳам йўқ деб туриб Соли ҳожи паноҳидан чиқди.

КАРАЧИНИНГ САДРИ

(Янги шаҳри)

Карачининг Садридаги Майман масжидда фаррош (хизматчи экан) кудукдан юқорига сув чиқариб турадиган исмли асли Қоратегинли ватандошимиз экан. Ўта каттик касал бўлиб қолибдур. Мен танимас эдим. Ўша ерга яқин жойда Эргаш Юрт ўғли ўлтирар эди. Ёнимдаги масжидда хизмат қиладиган юртдош касал бор. Майманлар майда-чуйда, дори дармон бериб туришибди. Тузукрок қарашмайди. Докторга кўрсатишмайди. Икки кунда бир миссионер келиб оҳиста-оҳиста ташвиқ қилиб христиан қилмоқчи бўляпти деди. Эргашвой қори диндор, шундай десам ҳамияти кўзгаган бўлур деган ниятда воқеага миссионерни атайин қўшиб қўйган бўлиши ҳам мумкин. Ҳолбуки, мен «лакум лакум, диникум валеа дин» дейилган оятга амал қилиб, муллоизм мафкўрасидан қочиб юрар эдим. Мени касал одамнинг ватандош бўлиши яқинлаштирар эди. Унинг мусулмон ёки христиан бўлиши қизиқтирмасди.

Майну шидану шод будан ойини манн аст,
Фориғ будан зикуфру дини манн аст.

Юртдошим Эргашвой билан бирга ётган жойида зиёрат этдик. Эртаси соат саккизда бориб, таксида «Донмедикал» коллежининг мудири профессор Махаалҳақнинг хузурига бошлаб олиб бордим. У ердаги каттакон касалхона коллежга қарашли эди. Доктор Махаалҳақ танишимнинг таниши эди. У танишимдан доктор номига тавсия мактуби олиб бордим. Доктор ҳамон ўзи касални муолажа қилиб кўрди. Бир-иккита мутахассисларни ҳам чакириб текширтди. Ҳамон анализ олдирди. Ётоққа ётилди. Ҳолбуки касалхонада жой йўқ. Юқориларда айтганимдек, 300 минг кишига мўлжаллаб қурилган шаҳарнинг аҳолиси Ҳиндистондан келаётган кўчманчилар билан уч миллион бўлиб кетган эди. Юртдошимни менга таниш медбратлар эъзозлаб қараб туришди. Медбрат касал одамдан сўрабди:

– Ҳофиз, Жўра соҳибни каердан танийсиз?

– Танимайман, - дебди содда ватандошим.

Қимматбаҳо дорилар, витаминлар бериб турилди. Азиз юртдошим йигирма бир кун деганда соғайиб чиқди, уйига элтиб қўйдим. Бир доллар ҳам ҳаражат қилгани йўқ.

ТУШ КЎРДИМ

Тонг чоғи туш кўриб уйғондим. Ҳайдаробод Сингхдаги тоғам калавотда ётибдур.

- Мавлоно (мени у киши шундай хитоб қилар эди) хаста бўлиб қолдим. Хабар ҳам олмайсиз, - деди.

Ҳамон ўрнимдан туриб таҳорат олдим-у, поезд станциясига қараб жўнадим. Билет олдим, нонушта қилдим, поезд ҳам тайёр турган экан, ҳаракат қилди. Тоғамни меҳмонхонадан топдим. Меҳмонхонадан қарздор, эртага кетмоқчи, пули йўқ. Ҳамон ҳисоб-китобини тўғрилаб, Кўйтага жўнатиб қўйдим. Бирор ҳафтадан кейин ўзим ҳам Кўйтага бордим. Арбоб Абдулқодир ўтирган уйдан бошқа яна битта эгаси йўқ, эгаси Ҳиндистонга қочиб кетган, олдида иккита дўкони бор ҳовлини ғайриқонуний бўлса ҳам, эгаллаб олган эдим. Идора билиб қолибдур.

— Қори афанди, қўлингиздан келса матрук уй-жой идорасидан олиб олинг, - деди.

Идора бошлиғи ҳам таниш чиқиб қолди. У жамият исломнинг аъзоси экан. Мен Жамият исломнинг кўп китобларини ўқиган эдим. Улар мени ҳам ўзларидек ислом жамиятига хайрихоҳ билиб, йўл-йўриklarини тўғрилаб беришди. Эски инкантек асосида бўлгани учун, ҳовлини икки дўкони билан ойда ўн рупияга (беш доллар) ижара қилиб, худди ўзимникидек хотиржам ўтирадиган қилиб берди. Ўн рупияни ҳар ой ўз вақтида тўлаб турсам, қонунга кўра, қирк фоиз қирадан туширилар экан. Қирк фоиз туширса, олти рупия қолади. Ойида олти рупия тўлаб ўтирдим. Ҳовлига катта бувимлар кўчиб келишди. Дўконнинг бирини “Самарканд стул” номида озиқ-овқат сотадиган баққолия қилиб олдим. Дўконнинг яна бирини эса,, Ҳолмирза қорига бердим. У киши пакора пишириб сотар эди. Дўконнинг тўғрисида меҳмонларга қўнар жой қилиб қўйдик.

КАРАЧИДА

Орада Пушовурга бориб келдим. Маҳмуд Ойқорига ҳукумат бир матрука саройини эълон қилиб берибдур. Саройбонлик қилаётган экан. У Валиқажумхон Мустафо Чўқайни ўлдирди. Энди қимки буни ўлдираркин деган эди. Мен бу гап рус жосуси оғзидан чиқаётган- лигининг фарқига бормовдим. Бир Туркистон мужоҳидининг яна бир Туркистон қўпоровчиси ҳақидаги шахсий кўриниши бўлса керак, деб қўйдим. Чунки мен у даврда Туркистонни озод қиламан деб юрганларнинг ташкилотчилиқ тажрибаси бўлган-бўлмаганлигини фикр-мулоҳаза қилиб, ҳеч бир замон бир натижага бормаган эдим. Уларнинг ҳаммаси нодон мужоҳидлар экан. Ораларида рус жосуслари ҳам борлигидан хабарсиз эдим. У шаҳарда эл оғзига тушган қори Абдусалом намоз рўзаси масжиди билан бўлиб, ҳеч қанақа замонавий тушунчаси йўқ, нон қопининг бириси экан. Яна бир азамат Якуббек Сўфибек Ҳожининг ўғли. У киши Қошғарда саксон бир маротаба турмуш қурганмен

деб ўзи хакида хикоя қилди. Нафрат қилдим. Музроб корининг ўғли Солижон билан танишдим. У киши ахли мутолаа, сиёсий адабиётдан баҳраси бор, ўзи ҳам шеър айтар экан. Қаламий нусха девонини кўрувдим. Куйидаги бир мисра ёдимда қолибдур: «Дардисоди олам било эътибори дошдим».

Соли кори ўша пайтда капитал соҳиби сифатида танилган тужжор эди.

ҲОЖИЛАР ҚОФИЛАСИ

1951 йил бўлса керак, Афғонистондан 800 дан зиёд кўпроқ Ҳожи номзоди келиб Ҳожихонага тушди. Уларни кўргани бордим. Ҳожи номзодлари Хуросондан ўзбеклар, туркманлар, Қобул аҳолисидан дарилар, Ҳирот, Бадахшон вилоятидан тожиклар, паштунлардан иборат эди. Ўрта Осиёдан Хуросонга сиғиниб ўтган ўзбекларга туркманларга яхшиликлар қилган андхойлик мухтарам Сўфижон оға бор эканлар. У кишини илгари таниш шарафига нойил бўлмаган бўлсам-да, улусим номидан ташаккур айтганга ўхшаб бир оз хизматларини қилганимдан бахтиёрман. Яна улар орасида менга Қобулдан таниш Сўфижон бойвачча, Абдурашид махсуд бор эди. Сўфижон бойвачча узун бўйли, барваста қоматли, савлатли одам эди. Мусофирлик у кишини эзмаган бўлса, керак, ғоз юарди. Айрим кўполсўз одамлар «хода ютган бойвачча» ҳам дейишарди. Абдурашид махсум кўқонлик, у кишини эл «мақтончок махсум» дейишарди. Бир катта суҳбатда ўлтириб, мақтанчок махдум шундай деди:

— Ажойиб радиодан Қобулга иккитагина келиб қолган экан. Эшитдиму ҳамон бориб бирини сотиб олдим. Яна бирини подшоҳи олий хазратлари олиб кетибдурлар, - деди.

Андижонлик Нўмон Ҳожи:

— Махдум, радио бутун жаҳондаги хабарларни олаверади дедингиз. Унақа бўлса, зўр экан-ку. Бир ҳафта илгари ўтиб кетган хабарларни ҳам олаверадими? - деди.

Мақтанчок Махдум ўйламай-нетмай туриб:

– Албатта, олади-да, - деворса бўладими. Бўлди кулги, бўлди кулги. Мактанчоқ Махдум савдогар бой киши эди. Махдум билан бойвачча сафардош бўлиб, Ҳаж ниятида Қобулдан Пешовурга келганлар. Ҳикояни Махдумдан эшитайлик.

– Қори, Пешовурда босмати гуруч арзон экан. Бир қоп олайлик дедим, Бойвачча кўнмади. Мана, Карачида эса,, қиммат экан. Тунов кун пиёлани ювиб туриб синдириб қўйди. Чой қанд қайнатаман деб термосга кўп хаво берибди, термоснинг кети чиқиб кетди, - деди. - Энди бойваччага айтинг, гуруч ишини кечирдим, пиёлани ҳам кечирайин. Аммо термоснинг янгисини келтириб қўйсин, - деди.

Мен термосни елимчига олиб бориб тузаттириб келдим. Эртасига борсам, Махдум қори деди:

– Кеча ўзингиз олиб берган калавотимга бойвачча тап этиб ўлтирди. Калавот йиртилиб кетди. Энди калавотни алмаштириб қўйсин, - деди.

Йиртиқ калавотни яматиб бердим. Мен уларни шаҳарга олиб бориб, оладиган майда-чуйда керак нарсаларини эҳромлик каби нарсаларини олиш қаторида, брезент қатланадиган енгил калавот ҳам олиб берувдим. Бойвачча барваста одам бўлиб, бирданига тап этиб ўтирса порт этиб ёрилиб кетибди. Ямоқчига олиб бориб яматиб келиб, калавотнинг соғини Махдумга бердим. Эртаси чамадон олмоқчи бўлиб эски шаҳарга бордик. Олтита чамадонни бойвачча, саккизта чамадонни Махдум олди.

– Чамадонлар билан кетиши учун эшак аравада бир кишилик жой қўйиб чамадонларни юкланг, - деди Махдум.

Мен хаёл қилдим, чамадонларни, қори, «сиз ҳожатхонага олиб боринг. Биз бошқа восита билан борамиз, дейди шекилли деб ўйладим. Махдум:

– Қани, бойваччахон, аравага чиқинг, - деди.

Бойвачча ҳам, мен ҳам ҳайрон бўлиб қолдик. Бойвачча ака «қори» деди-ю, нима демоқчи эди, у ёғини айтишга Махдум рухсат бермади. «Қори олиб борсин» демоқчимиди ёки «қори билан мен бирга бораёй» демоқчи

бўлдим, у ёғини билолмадим. Махдум кўлимдан маҳкам тутиб, «кори» деди-ю, оломон ичига тортиб кетди. Ўн мингларча одам. Гавжум бозор. Одам бир-бирини кўлини ушлаб олмаса, йўқолиб қолиш ҳеч гап эмас. Оломоннинг ичига ихтиёрсиз шўнғиб кетдим. Соат бирлар бўлиб қолувди. Бир ресторанга кириб овқатландик. Махдумнинг уч адад катта-кичик олтин соати бор экан. Бирин-бирин соатфурушга кўрсатиб, баҳосини аниқламоқчи бўлди. Менга мактаниб:

– Голландиядан иккита сут берадиган сигирни ҳаво йўли билан олдириб келдим. Уйимизда сут-қаймоқ, катик сероб бўлиб қолди, - деди.

Сўнгра икковимиз автобус билан Ҳожихонага бордик. Бойвачча ака хали бормабдур, соат тўрт бўлиб қолди. Кўп паришон бўлдим. Ўта безовталандим. Кўнглимга ҳар хил ваҳима тушди. Махдум пинагини бузмай:

– Ҳа, келиб қолар, хавотир бўлманг. Битта чой қилиб ичиб турайлик-чи, келиб қолар. Қаёққа йўқолади, - деди.

Бир пиёла чой ичувдикки, бойвачча келиб қолди. Ҳамон бойвачча акани дастурхонга ўтқазиб, ўзим чамадонларни аравадан тушириб ташиб олдим.

– Бойваччахон, энди секин ҳикоя қилинг-чи, нима бўлди? - деди Махдум.

Сўфижон бойвачча аччиги йўқ, ўзини тутиб олган бамаъни одам экан. Культурининг баландлигига қойил қолдим. Бойвачча шундай ҳикоя қила бошлади:

– Эшак арава сўлқиллаганда белим тоқат қилолмай оғриди. Извошни тўхтатиб унга чиқиб олдим. Бу сафар эшак арава илгари ўтиб кетди. Чамадонлар нима бўлди? Энди беҳавотир бўлдим. Қарасам от тортиб кетаётган файтунга қараганда, одам ҳайдаб кетаётган велосипед аравалар чаккон экан. Қарасам, эшак аравага одам ҳайдаётган велосипед етиша олади. Ишвошдан тушиб велосипед (рекшо) аравага тушиб олдим. Бу гал одам ҳайдайдиган енгил арава эшак аравадан ўзиб кетди. Ҳайдовчининг елкасидан туртиб, орқадаги чамадон юкли аравани кўрсатиб кўлимда секин туртиб фаҳмлатган бўлдим. Шундай қилиб, киши билмаган ҳолда ийланиб, имо-ишора билан восита-

дан воситага ўтиб юрдим. Мана, ҳожихона деб эшак арава тўхтади. Бу ер қаер? Ҳожихона эмас. Эшак араванинг эгаси ҳайрон. Гапимга тушунмайди. Бир одам келиб қолди. Озмоз тожиқча билар экан. Аравакашга айтди. Бу одам Ҳожи экан, бу жойнинг оти Ҳожихона, туғри, илгари Ҳожихона бўлган. Одамни янги Ҳожихонага олиб бор деди. Сўнгра чамадон ташийдиган арава билан одам ташиётган (ришо) арава тенг юрсин деди. Бу гал шаҳардан чиқиб кетдик. Поёни йўқ катта иморат. Ҳаммаёқ кўзимга дашт кўринди. Ҳа, бу эшакчи ўзимни ўлдириб, чамадонларимни олиб кетмокчи бўлди, деб бирданига аравакашнинг ёқасидан тутиб «Отанг тенги одам бўлсам, мусофир Ҳожи бўлсам, Худодан кўркмайсанми?», деб йиғлаб қолдим. Икков аравакаш ҳайрон бўлиб такқа тўхтаб қолишди. Ичимда шукр, раҳми келди. Пушаймон бўлди, шекилли деб сал шаштимдан тушдим. Бир нарс-бир нарсалар деди, тушунмадим. Шу ҳолати зорда эдимки, бир полис велосипедда келиб, «нима қилиб турибсизлар бу ерда?» дегандек бўлди. Гапини билмадим. Полиснинг елкасига кўлимни қўйиб юзларидан ўпиб «Ҳожихона, Ҳожихона» дедим. Бир-икки калима тожиқча билар экан. Чет эллик хайтовур воқеани пайқади. Эшакчига тушунтирди. Бу ер қамокхона, биринчи Ҳожихона ҳам, иккинчи Ҳожихона ҳам эски Ҳожихоналар экан. Бу турган жойимиз ҳам бир йил бурун Ҳожихона бўлган экан. Бу йилги Янги Ҳожихона бу ер экан. Тушинг, етиб келдик, деди. Мана мусулмончилигу мана сафардошлик, мана юртдошлик, дедим ичимда. Узай пайғамбарнинг эшагидек шу маҳдум ҳам Ҳажга бориб келади-да, — дедим ичимда.

РАҲМАТ ҲОЖИ

Саъдулла корининг уйига Раҳмат ҳожи исмли бир киши келибдур. Кўргани бордим. Абдумалик исмида уч яшар ўғли бор эди. Қарасам, соат сайин боласини хуржунга қўйиб, хуржунни ўраб қўйяпти. Ярим соатдан сўнг болани хуржундан чиқариб, яна бир соат ўтгач, такрор болани хуржунга қўйиб, унинг ип халқасини ўриб қўйяпти. Ҳожи Раҳматдан «Бу не хол?», деб сўрадим. Ҳожи Раҳмат:

— Боланинг паспорти йўқ, виза билети ҳам йўқ. Исмоиддин билан 500 рупияга келишиб, таможнийдан, текширувдан болани хуржунда ўтказиб, кемага олиб чиқариб бермоқчи бўлди, - деди. Бола уч ёшларда эди. Шунақа иш ҳам бўларканми? — десам, Исомиддиннинг таможнийда танишлари бормиш, деди. Ўша даврда мен Ҳаж комитетидан ўзимга ўхшаш юртдошлардан ўн иккита йигитни ризокор қилиб тайёрловдим. Булар Ҳожиларга паспорт, виза, билет, таможний ишларида таржимонлик қиларди. Ёрдам олишмайди. Ҳеч қанақа Ҳажга ҳам боришмайди. Шундай ризокор тайёрлашганди. Бу иш ёлғиз юртдошларимиз учун қилинган эди. Шундай бўлса-да, паштунларга ҳам инсоний ёрдам қилинди. Ҳаж комитетининг раисига расмий ариза билан мурожаат қилиб, расмий ижозат олиб, ҳар қайси ризокорнинг биллагига Ҳаж комитети томонидан берилган расмий белгиларни боғлаб қўйдим. 800 та Ҳаж номзоди, ўзбек, тожик, туркман каби қондошларимиздан бошқа паштунлар ҳам бор. Ҳар кимга ўз тилида таржимонлик қила олади ризокорлар. Виза ишларида муаммолар чиқиб туради. Ҳаммасида ҳам анча-анча юклар, айримлари эса, тижорий молини зоти Аше ўрнида ўтказяпти. Хулоса осон эмас. Тўс-тўполон, биров-бировни танимайди. Ўз кўринишига хос кичик қиёмат деяверинг. Менга қарашли ўзбек йигитлари югуриб-елиб баланд овоз билан йўл-йўриқларни тушунтириб боришяпти. Шу онда Раҳмат Ҳожи ҳалиги уч яшар сариқ боласи билан келиб:

— Исомиддиндан дарак йўқ, болани сизга ташлаб кетамен. Мумкин бўлса, катта бувингизга олиб бориб берарсиз, илтимос, - деди. Болани менга топшириб, ўзи кемага чиқиб кетди. Денгиз бўйида кемага яқин жойда болани кўтариб турувдим. Кеманинг юқори қаватидан туриб мулла Мурод хайрлашиб қолди.

— Пастга, туалетга тушинг, - дедим.

Кеманинг туалетигаги думалоқ деразасидан унга болани узатиб юбордим. Бир вақт кеманинг юқори қаватидан туриб Раҳмат Ҳожи «Бола қани?» деди. «Мулла Муродга бердим, топиб олинг», дедим. Шу аснода Абдулқодир ойнаксознинг ўғли Ғулом келиб:

– Мени паспортим бор, укамники йўқ. Бувим Жўра қорига бор, маслаҳат берсин, дедилар, – деди.

– Мен полисни гапга солиб тураман, сиз ирғиб кемага ўтиб кета оласизми? Паспорт, билетни укангизга беринг. Уни контролдан ўтказиб юборамен, – дедим.

Мен полис билан гаплашиб турдим, Ғуломжон ирғиб кемадан ўтиб кетди. Бир вақтда Абдулфаттоҳ ойнаксоз келди.

– Ишимиз чатоқ, юкларимизни Исомиддин кемага чиқариб берамен деб пул олиб кетувди. Дараги йўқ, юкларимиз майдонда турибди. Ўзимни эса,, паспортим бор, сўнгги визаси йўқ, кемага билетим ҳам йўқ, пулим ҳам йўқ, пул – юклар ичида, – деди. Менга пул чиқариб берадиган фурсат йўқ.

– Юкларингиз қани? – дедим.

– Ана, – деб юкларини кўрсатди. Бир юк камюнида келадиган ашёлар. Сим калавотлар, чемоданлар, тижорат учун олинган бўш тунука бакслар, ризокорларни чақирди.

– Қани, битта-биттадан кўтаринглар!

Битта сим калавотни Абдулпаттоҳ ойнаксознинг бошига қўйиб қўйдим. Бир-иккита ризокор олдинда. Ғулом боланинг қўлидан ушлаб гафлатдан, тўполондан билангимдаги белгидан фойдаланиб, боланинг паспортини ҳам контрол қилдирмай, ғоз юриб болани етаклаган бўйича, полисларнинг коридоридан ўтиб кетдим. Олдиндаги Патхулло ойнаксоз ҳам чаққон экан. Бошидаги калавот билан олдиндан юриб кемага ўтди. Полислар уни ҳам ризокор деб туришди. Бир полис кўрди, шекилли, ҳайтовур кемага чиқиб олди. Бошидаги калавотни бир жойга қўйди-ю, оломон ичига кириб кетди. Мен ҳам боланинг энасини излаб, топиб бердим. Ўзим ҳам, ризокорлар ҳам ўта содда эканмиз, ўшанда кемага чиқиб олган, нима деб қайтиб майдонга тушдик, биз ҳам Саудияга кетаверсак бўларкан. Сезиб қолган мелиса менга келиб бироз шикоят қилди.

Саудияда кечим яхши эди-ку, Покистондаги қийин аҳволдан қутулиб қолар эдик-ку. Иш бермаган калламнинг хомлиги шу сатрларни ёзиб туриб ҳам афсус қилиб

«Эй хомкалла» деб тўхталмоқдамен. Кемадан қайтиб майдонга тушдим. Саъдулла қори Тошкандий билан гаплашиб турсам, бир уйғур йигит йиғлаб келди.

– Опам, поччам кетишяпти, менда ҳеч бир нарса бўлмагани учун қоляпмен, бу ерда борадиган жойим йўқ, пулим йўқ, Покистонда ўтирадиган расмиятим йўқ, - деб йиғлаб юборди. Қўлида бир тугун.

– Тугунни менга беринг. Анови полисни гапга солиб тураман. Кемага ирғиб ўтиб, тугунни чиқариб юбораман, - дедим.

Полисни гапга солиб турувдим бола ирғиб ўтиб кетди. Бу полис ҳам:

– Сиз мени гапга солиб болани ўтказиб юбордингиз, - деди.

– Бечора йигит давлатингни кўланкасида ҳаж қилиб келади-да, нима бўпти, мана чой пулинг, - деб чўнтагимдан юз рупия чиқариб бердим, тинчиб қолди.

Ҳалиги туйнукдан ўтказиб юборилган болакай Абду-малик бугун Мадинада ҳаёт. Абдулфаттоҳ ойнаксозлар ҳам ҳаёт юришибди.

БАҚҚОЛИЯ

Кўйтадаги «Самарканд стул» номли дўконимда савдосотик билан машғул бўлишдан ташқари, қозоқ биродарларимга туркча дарс беришни ҳам ўзимга одат қилиб олдим. Кўйтада Ўрта Осиёнинг Баркол деган жойидан Хитой босқинчиларидан қочиб келган қозоқлар бор эди. Улар биринчи бўлиб Кашмирга ўтишади, Ҳиндистонга ёйилишади. Икклимининг иссиғига бардош беролмай, минглаб –ўн минглаб қозоқ қирилиб кетади. Улардан бир қисми денгиз орқали Покистонга ўтишади. Покистон буларнинг ночор аҳволини кўриб, сафарларида, ўтирма изнларида, савдосотикларида эркинлик – имтиёз беради. Мақсад ўзларини тутиб олсинлар, об-ҳавога, конун- қоидага ўргансинлар. Кенг майдонда ўзига хон, ўзига бек бўлиб юришга ўрганган кўп инсонлар. Улардан йигирма уйликчаси Қозтага ҳам келиб қолди. Чунки Кўйта ҳавоси салқин. Бу ерда

улар қалпок тикиб сотар эди. Улар Туркияга хижрат қилиш ниятида юрдилар. Лотинча саводлари йўқ.

– Лотинча ўрганинглари, лотин ҳарфи ёрдамида туркча ўрганиб олинглари. Дардларингга ярайди, - деб ташвиқ қила бошладим.

Улар:

– Йўқ, биз – яйлов одами, лотинчаю туркча тилни билишимиз қийин, - деди.

– Йўқ, ўрганиш осон, мен ўргатиб, ўқиш-ёзишни ўн беш кунда ўргатамен, - дедим.

Ахир кўнишди. Уларни уч-тўрт гуруҳга бўлиб, уч-тўрт хонага бориб, туркча дарс бера бошладим. Улардан бу ишим учун ҳеч қандай ҳақ олмадим. Ҳадя ҳам қабул қилмадим. Ҳар қандай об-ҳавода ҳам уларнинг уйига бориб дарс берар эдим. Айримларининг саводи ўн беш кунда, айримларининг саводи бир кунда чиқди. Оз-моз туркча гаплашади, айниқса, ўқишни яхши ўрганишиб олди. Мендан кўп мамнун бўлдилар. Иноқлашиб кетдик. Манзилим орқали хат-китобот қилардилар, байрам кунлари ҳайит муборак қилиб уйларига борардим. Гўштни кўп ер эканлар, айниқса, қурбон ҳайитда қурбонлик қилишади, уч-тўрттаси лаган-лаган гўштни пок-покиза еб қўйишади. Ниҳоят, улар Туркияга кўчманчи бўлиб кетишди. Уларнинг ичида Қаюмулло Ҳожи, Мулло Абдулло, Мусо Қалом Халилбек, Тоҳирбек, Маматбек, Султонбой, Тўхтабой ва бошқалар бор эди.

МУҲИТ

Мени қора олиб у ёқдан-бу ёққа Кўйтага келиб-ке-тиб турган ватандошлар бўлди. Ҳайбатилло Муҳит ҳам меҳмоним бўлди. Кайфи йўқ экан. Қасалхонага ётқиздим, соғайиб чиқиб, Қарачига қайтиб кетди. Шунингдек, бир замон мен Қарачида эдим. Шайх Солининг ўғли Маҳдий Ёрматнинг тавсия хати билан келди. Хатнинг мазмуни: «Визаси Таронзит, Пушовурда виза шаклини ўзгартириш мумкин бўлмади. Бир муддат Покистонда туриш мажбурияти бор. Лутфан ёрдам қилинг», дейилиб-дур. Маҳдийхон:

– Таронзит гиламларим бор. Ҳали келгани йўқ. Йўлда, Саудияга юбормоқчи эдим. Энди эса, гиламни Туркияга юбормоқчиман. Ишларим Карачи портида, ўзимнинг визамни тамдид эттириш учун Пушовурда уриниб кўрдим, бўлмади, - деди.

– Ўзим касалмен, - дедим.

Визадан икки кун қолибди. Ҳамон жино касалхонасига ётқиздим, бош ҳақимдан касаллиги ҳақида белги олиб, паспорт идорасига бердим, визасини чўздирдим. Касалхонага бориб хабар олиб турдим. Айрим кечалари ўзим ҳам касалхонада бирга бўлиб сиқилиб қолмаслиги учун қўлимдан келган ҳаракатни қилдим: молларини Туркияга таронзит қилиб юбордим.

АҲМАДХОН

Кўйтада бир кун Халилбек қозок юртдошим Аҳмадхон исмли кишини етаклаб келди. Бозорда телпак сотиб юрувдим, қўлидаги тугунини елкасида кўтарган, паришонҳол, олдидан ўтиб қолди. Мен томон талпиниб қўйди. «Каерликсиз?» десам, «Ўзбекман» деди.

– Эй сартимиз экансиз-ку, юрингиз, Жўра қори деган сартларнинг яхшиси бор. Унга олиб бораёин сизни, дедим. Келтирдим, – деди. Халилбейга раҳмат айтдим. Меҳмондан кимлигини сўрадим.

– Номим Аҳмадхон, укам ҳам бор. Унинг оти Қаюмхон, у ҳозир Карачида, - деди. - Асли Фарғона водийсидан бўламиз. Қўкон мухтория ҳукуматида таълим-тарбия но-зири бўлиб турган Носирхон тўранинг ўғлимиз. Дадамни руслар отиб ташлаганидан кейин биз Афғонистонга кўчиб ўтдик. Боғлан деган шаҳардан Чакнасуга сургун қилиндик. У ердан қочиб ака-ука Қандахорга келдик. Кейин Покистонга ўтдик. Бир неча вақт Карачида қолдик. Асомиддин товламачининг қармоғига тушдик. Туркистон жамиятига бориб сигиндик. Сизлар ўтирма изни олиб беринглар деб илтимос қилдик. Улар ўлтирма изни олиш кийин, яхшиси Сингх томонларга кетиб, кишлоқларда полисинг кўзига кўринмасдан гузарон қилиб юринглар. Бошқа чора йўқ,

деди. Абдулғофир қори исмли уйғур Кўйтага кетинглар, у ерда Жўра қори бор, у маслаҳат берар, афсуски, адресини билмайман деди. Укам Қаям Корачида қолди. Мени Уйғур қори поездга чиқариб Кўйтага жўнатиб қўйди. Сизни қаердан топишни, қаерга боришни, кимдан сўрашни билмай сарсон юрувдим, мана шу биродаримиз Халилбек учраб қолдилар. Соғ бўлсин, бу ерга бошлаб келди, - деди.

– Хуш келибсиз, мана жой, шу ерда ётиб тулинг, - дедим мен. - Сизга паспорт, виза олиб берайин. Регистрация қилдириб қўяйин. Қонуний бўлиб оласиз, - десам кўнмади.

У бечорани Карачидаги бағритош ватандошлар «Полис билса Афғонистонга қайтариб юборади», деб қўрқитиб юборишибди. Мен «Кафил бўламан, сиздан харажат бўлмайди», деб ҳарчанд уқтирсам ҳам кўнмади. Бир неча кун меҳмон бўлди. Сўнгра бирор машғулот топиб берайин деб самоворчига ёрдамчи қилиб қўйдим. Уч маҳал овқатини беради. Кунига икки рупия хизмат хаки тўлайди. Аҳмадхон ака ҳар куни соат тўққизларда келиб аҳволлашиб кетади. Бир куни вақтида келмади. Мусофирчилик қийинчиликлари сабаб бўлса, керак анча паришонхол, ватанидан айрилган, қавму қариндошидан, кадрдонларидан айрилган, ўта аламли одам. Қолган жонини эса,, Асомиддин товламачи суғуриб олган. Юртдошимдан хавотир бўлдим. Шу кунларда Туркиянинг Измир шаҳрида Ҳаёт Маҳмуджон ҳам ғарибона қулбамда турар эди. Хабар олиб келиш учун велосипедда шаҳарга юбордим. Бир оздан сўнг Маҳмуджон келди. Самоворчи тажанг:

– Қори афанди бизга берган одами жосус экан, кечаси полислар келиб ушлаб кетди, - дебди.

Дарров полис марказига бордим.

– Ҳа, сиёсий полис таълимоти билан Аҳмад исмдаги чет элликни ушлаб келиб, қамаб қўйдик, эртага соат ўн бирда адлияга олиб борамиз, - деди улар.

Эртаси соат ўнда Жунайдулло қори билан адлияга бордик, у ерда аризачи танишим Мунирбекка учрадик. Биринчи бўлиб Аҳмадхон иши қайси ҳокимдалигини ўргандим, сиёсий ҳокимда экан. Кафолатга берилиши-

ни сўраб, аризачига ариза ёздирдим. Аризачи Мунирбек «кийин, канақа бўларкин» деб қўйди. Қўлимда ариза, соат ўн бирни кутдим. Бир вақтда ҳоким идорасидан ичкарига коп-қора машина келиб тўхтади. Аҳмадхон ака қўли занжирда боғланган, занжирнинг бир учи полисинг қўлида, яна бир қўлида китоб кўтарган, бошқа бир полис олдинда, иккита полис орқада, кўркинч аҳволда адлия идораси томон кела бошлади. Ҳамон Аҳмадхон аканинг яқинига бориб салом бердим. У киши:

– Қори, шу аҳволга тушиб қолдим, - деди.

– Кўркманг, сиз учун келиб турибман, - дедим мен.

Адлий ўтириш очилди. Қўлимдаги аризани ҳокимга бердим.

– Йигирма минг рупия кафолат беринг, - деб инглизча гапирди ҳоким.

Ҳокимнинг ёнида ўтирган секретари ҳокимга қараб:

– Таксир, мен Ҳофиз Сойибни танийман, у киши 20 минг кафолот беролмайди, - деди.

– Бўлмаса, икки минг рупиялик кафолот беринг деди, - деди ҳоким. Буйрукни аризамга ёзиб, қўлимга узатди. Ташаккур қилиб ташқарига чиқиб, аризани Мунирбекка олиб бордим. Жунайдулла қори ҳам унинг ёнида ўлтирган экан. Аризани кўриб Ҳофиз Соҳид:

– Айтмовдимми қийин деб, икки минг рупия нақд пул ёки мулк кўрсатишингиз керак, - деди.

Менда эса,, на икки минг пул бор, на мулким бор. Ҳайрон бўлиб қолдим. Жунайдохон маҳаллага бориб, унга-бунга учраб, кафил бўладиган одам топайлик, - деди.

Мен – ариза қўлимда, сиёсий идора бошлиғининг эшигига бориб, қоровулга:

– Миё соҳибга айтинг, ҳофиз Жўра сиз билан кўришмоқчи денг, - дедим.

Қоровул «келсин деяпти» деди. Ичкари киришим билан бошлиқ шартта ўрнидан туриб қўл бериб кўришди.

– Хайр бўлсин, Ҳофиз Сойиб, менга қандай хизматингиз бор? - деди. Мен қўлимдаги аризани тутдим. Миё соҳиб «қариндошингизми?» деди. «Йўқ» десам, «қадрдонингизми?» деди.

– Йўк, юртдошим, - дедим.

– Қайси ҳоким? - деди.

– Шу қатордаги ҳоким, - дедим.

Ҳамон ўрнидан турди, костюмини кийдида «Юрингчи, Ҳофиз Соҳиб», деди. Бирин-кетин адлияга кирдик. Миё соҳиб тўғри ҳоким томон юрди. Маҳкама соҳиби Жумакул соҳиб ҳамон ўрнидан туриб:

– Хуш келдингиз, Миё соҳиб. Бизга қандай хизмат бор? - деди. Сиёсий идоранинг раиси менга ишора қилиб:

– Ҳофиз Соҳиб – кадрдоним, сизда ишлари бор экан, - деди.

Адлий ҳоким:

– Миё Соҳиб, ҳа, ҳа, Ҳофиз Соҳибни бош котиб жаноблари ҳам танир эканлар. Ишнинг натижасини кутиб, намозга ҳам бормай (жума намоз) ўлтирибмен, - деди.

Сиёсий бошлиқ:

– Мен кафил бўлсам бўладими? - деди.

Ҳоким:

– Бўлади, сиз Ҳофиз Соҳибга, Ҳофиз Соҳиб гуноҳкорга кафил бўлади, - деди.

Сиёсий бошлиқ аризага бир нарсалар ёзди-да, ҳокимга узатди. Ҳоким аризага ёзилган матни баланд овоз билан ўқиди:

– Мен политикал идоранинг мудир. Палончи Ҳофиз Жўра соҳибга чегарасиз вакил бўлурмен. Қўл қўйилган.

– Гуноҳкор озод қилинсин! – деди ҳоким.

Занжир шакир-шукур қилиб ечилди. Мен ҳоким афандига ташаккур қилиб маҳкамадан чиқдим. Сўнгра сиёсий идоранинг бошлиғига ҳам ташаккур қилиб, Аҳмадхон акани олиб, ҳаммамиз уйга кетдик. Сўнгра Аҳмадхон ака келаси маҳкамалари учун ўз томонидан мени вакил қабул қилинишини талаб қилиб, адлияга ариза топширди. Ариза тасдиқланди. Бир ойдан кейин Аҳмадхон аканинг суддаги иши бошланди. Ҳукумат вакили адлияда иддаономасини ўқиди:

– Чет эллик Осирхон ўғли Аҳмадхонни олти ойдан бери ҳукумат идораларидан ўзини яшириб юргани учун ташқи ишлар қонунининг 17-моддасига кўра қўлга

олиб, хузурингизга келтирдик. Жазосини ўтаганидан кейин Покистондан чиқариб юборилишини жанобингиздан сўраймиз, - дебдур.

— Мухтарам ҳоким, гуноҳкор Аҳмадхон нима гуноҳ қилибди? Очиқ баён қилинишини сўраймен, - дедим.

Ҳукумат адвокати:

— Ҳофиз Соҳиб, сиз ҳукумат ишларига мудохала қилмоқдасиз, - деди.

— Мухтарам раис жаноблари, олти ой ичида Аҳмадхон нима билан шуғулланибди, бу сирни ёлғиз менадангина эмас, юксак адолатдан ҳам яшириляпти. Бу суратда қандай қазоват қилиш мумкин, - дедим мен.

Адлия раиси «Аҳмадхоннинг олти ой ичида қаерда, қанчалик тургани, нима қилиб юргани ҳақида бир ой муддат ичида тўлиқ маълумот берилишини сўраймен», деб Булучистон полис марказига мактуб юборди. Мактубга жавоб келди.

— Визасиз қочоқ юрганидан бошқа ҳеч қандай гуноҳи йўқ. Мен маҳкамага аслида муваккилим Покистонга сиғиниб келган касаллик, нодонлик каби паришонлик остида расмий мақомларга мурожаат қилолмай, юксак мақомингиздан марҳамат қилишингизни сўраймен, - дедим.

Аҳмадхон ака афу қилиниб, унга Покистонда истиқомат қилиш изни берилди.

КАСАЛХОНА

Аҳмадхон касал бўлиб қолди. Аслида касали бор экан. Кўйтада қор ёғмайди, салкин. Шунинг учун Покистоннинг тўрт томонидан одамлар салқинлагани келади. Ёз кунлари туристлардан ташқари касаллар қаратгани келади. Шунинг учун ҳам касалхонада жой йўқ. Аҳмадхон акани олиб касалхонага бордим. Муолажа учун қаторда турдим, бирор соат бўлувди. Ичкаридан дўхтир чиқиб қолди. Докторнинг кўзи менга тушиб, таниш экан:

— Йўл бўлсин, қори афанди, - деди.

— Касалим бор, - дедим.

– Қани?

– Ҳув, анави ерда турибди.

– Чакиринг, юринглар, - деб муолажа хонасига бошлади. – Ўтириб туринглар, ҳозир келаман, - деди. Текшириб кўргач, корнига сув йиғилибди, жигари касал бўлса, керак, мен жой топиб, касалингизни ётқизиб, палата номерини сизга юборайин. (Жума куни эди.)

– Сиз намозингизга бораверинг. Касалдан хотирингиз жам бўлсин, ҳар бир эҳтиёжини таъминлаб, ўзим хабар олиб тураман, - деди.

Сўнгра касалхона одами келиб, палата номерини буюриб кетди, хабарини олиб турдим. Бир куни касалхонадан кочиб келди.

– Қўрқиб кетяпман, - деди.

Ёнимдаги дўкондан жой қилиб бердим, ётиб турди. Ўша куни Мадинадаги Абдулфаттоҳ корининг укаси Насрулло ҳам Қандахордан кочиб келган, унга ҳам жой қилиб берган эдим. Дўконим пансионат бўлиб қолди. Насрулло ҳам соғ эмас, туберкулёз экан. Бир куни кўчанинг у бетида, дўконнинг рўпарасида офтоб тушиб турган ерга жой қилиб беринг, деди. Бир кун илгари Карачидаги укасидан почта орқали саккиз рупия ҳавола келган эди. Бундан бошқа пули йўқ. Менга:

– Қори, анор олиб беринг, - деди.

Бир дон аанор олиб бердим. Мен пешинлик емак учун уйга кетатурувдим.

– Аҳмадхон ака, ўзим емагимни еб, ҳар галгидек сизга ҳам овқат олиб келаман, - дедим.

Қарасам, аанорни тез-тез еяпти. Уйда катта бувим:

– Касал қандай? - деб сўради.

– Аанор олиб бердим. Тез-тез еяпти, - дедим.

– Вой бечора-ей, умри оз қолибди-ку. Касал одамнинг тез-тез ейиши хайр аломати эмас-ку, - деди катта бувим. - Дунёдаги насибасининг тунаганини кўрсатади. Қолган озгина насибамни ҳам тезроқ олиб кетайин, деган маънони билдиради. Тўғри бу туйғу онгли равишда эмас, ҳаракатининг бундай маъно тус олганидан ўзи беҳабар бўлади – касалнинг.

Гап шу ерга етувдики дарвоза тақиллади. Қарасам, Холмирзо кори:

– Аҳмадхон вафот этди, маййитни ўз уйимга кўтариб олиб бориб қўйдим, - деди.

Ҳамон бораман дедим. Катта бувим Мадинадаги синглиси Мўтабархондан замзамга бостириб юборилган кафанлик докани берди. Кафанлик, ғассол, гўрков ҳаражатларини менинг ҳисобимдан қилинди.

Дўконга келсам чет элликлар билан алоқа идорасининг мудири мени кутиб турибди.

– Қори афанди, меҳмонингиз вафот этибди. Ижозат бўлса, ҳаражатини биз қилайлик, - деди.

– Раҳмат, бошқа бир хоним ҳаражатини ўз ҳисобига олди, – дедим. Гўрков қабри аргамчисимон латта билан ўраб қўйди. Бу ҳаракатда нима борлигини англамадим. Ёнимда ўтирган Насруллодан сўрасам, у кулиб:

– Итлар қавлаб еб қўямасин деб латта билан ўраб қўйди, – деди. Бирор ҳафтадан кейин у бечора ҳам вафот этди.

МУЛЛА АШУР

Шу исмли юртдош келиб, мени чегарадан Афғонистонда кузатиб қўйсангиз, деб илтимос қилди. Поезд билан Чаманга кетдик. Унинг паспортини текширмовдим. Чаман станциясида паспорт идорасига мансуб полис текшириб:

– Визангиз муддати ўтган, назоратга олинмайди, - деди.

Идоралар беркилган. Полис мудири ким десам, Аҳмадшо дейишди. У одамни Қўйтадан танирдим. Уйга бориб у билан учрашдим. Духулфуруч (келди-кетди) қилиб берди. Расмий ишлари қонуний равишда Покистонни тарқ қилиш учун виза ишларини тўғрилаб берди. Афғонистоннинг Чамандаги тижорат вакили Хожа Абдулазиз шоҳ Мажорийнинг ўғли Ҳошимжон экан. Мен уни Қобулдан танир эдим. Меҳмон қилиб Дўстона алоқа кўрсатди. Ишларни таҳлил қилиш жараёнида ёнимда бўлди. Мулла Ашир домлани Қандаҳорга ўтказиб юбориб, Қўйтага қайтиб келдим.

БУҒРО

Менга Истанбулдан Муҳаммадамин Бугро чиқариб турган «Туркистон» сеси, Олмониядан вали Қаюмхон чиқариб турган «Миллий Туркистон» мажмуаси. Мюрихда нашр этилаётган «Қорс Канотбой» мажмуаси ҳам келиб турар эди. Қорс канот ҳақида Валиқаюмхондан маълумот олмоқчи бўлдим. Қорс канотбой бизга «Бу кори бузгунчи одам», деган мазмунда хат келди. 1951 йилда Америкадан Америка бирлашган давлатлари ташқи ишлари министрлигидан хат келди. Манзилимни Гондегод деб ёзилибдур. Холбуки манзил Консервут. Шундай бўлса-да, Азамат почтачи олиб келиб берди. Хат Америка қўшма штатлари ташқи ишлар министрлиги томонидан ёзилиб, мистер Оғиш қўл қўйибдур. Хатнинг мазмуни: «Жўра кори, аввало ўзингиз, ёни верингизда ёрдамга муҳтож, сизга қараинли одамлар бўлса, исми билан манзилини бизга билдиринг. Биз ҳар кунги ёрдамни почта орқали қилурмиз», дейилмоқда. Америкадек катта давлат ёрдам қилмоқчи, бунинг тагида бир сиёсий хато бўлмасин, деган ваҳимага тушиб, ҳеч кимга билдирмай, Вали Қаюмхондан маслаҳат олайин, деб унга хат ёздим. Хат юбордим. «Сизга келган хат Толстой фонди жамияти томонидан юборилган. Мен “яхши бўлдим, бир балога мубтало бўлар эканман” дедим, чунки Қобулда японларнинг, олмонларнинг масаласидан хабардор эдим. Вали Қаюмни ҳам Туркистон истиқлоли учун кўрашаётган бир мужоҳид деб баҳо бериб қўювдим. Унинг рус ва олмон жосуси эканлигидан хабарим йўқ эди. Унинг талқинига ишониб, Америкадан келган хатга жавоб беролмаганим учун 56 йилдан бери хижолатмен. Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Америка халкидан, Америка ҳукуматидан узр сўраб, юрагимдан чиққан заҳматларимни арз қилиб ўтмоқчиман. Бу қилган хатоим учун ўша даврда Кўйтада, Мастунгда муҳтож аҳволда ўтирган азиз ватандошларимнинг руҳларидан ҳам узр сўраб, таъзим қилурмен. Бугун дунёда ҳаёт бўлган авлодлардан ҳам узр сўрайман.

УМАР ХҲЖА

Умархўжа хотини Салтанатхон, ўғиллари Орифхўжа билан Тожикистоннинг Фарход шаҳрида қўшни эдик. Улар 1951 да Қандаҳордан Чаманга ўтиб, поезд билан Қўйтага келишади. Станция чегара полиси «Қаерга борасан?» дейди.

— Борадиган жойим йўқ, Жўра қори исмли йигит бор, деб эшитганман, лекин манзилини билмайман, - деди.

Полис мудирини извош чақириб:

— Буларни Консиротдаги Самарқандстройга, Жўра қорига олиб бор, — деб файтун хакини ҳам ўзи тўлаб юборибдур.

Оқшом дўкон берк эди. Тасодиф келиб қолдим.

— Икки соат бўлди, ўлтирибмиз, - деди.

Ҳамон уларни уйга олиб бордим, эртаси полис марказига бордик. Паспортимни ҳам улар олиб қолган экан. Идорадагилар:

— Исмнингиз нима? — деб сўрашди.

— Умар хўжа.

— Хотинингизнинг исми-чи?

Умархўжа индамай туриб қолди.

— Хотинингизнинг исми нима, деб сўраяпман? — яна қайтарди полис. - Хонимингизнинг исмини билмайсизми? Қори афанди юртдошингиз бировнинг кизини қочириб келганга ўхшайди-ку, - деб қулишди. - Қизик-ку, бунда бир гап бор дейишди.

Хотини уйда қолган. Мен Умар хўжага:

— Хотинингизнинг исми Салтанат эмасми? — дедим.

— Тўғри, Қандаҳорда бизга паспортни хўжандлик Абдулҳаким полвоннинг ўғли Иззатойжон олиб берган. Паспорт идорасидан Салтанат десам ҳамма қулиб, Салтанат деган ҳам исм бўладими, дейишди.

Умархўжага саводсиз бўлгани учун хотинининг исмини Салтанат деёлмай, Санталат дерди. Шунинг учун улар Санъат, Санталат деган исм ҳам бўларканми деб бошқа исм қўйишувди. Ўша қуриб кетгур янги ном эсимга келмаяпти, деди. Воқеани полис офицерига тушунтирдим. Полис одамшаванда эди. Айтиб берди.

– Янгиси Иқбол, - деди. - Ёнингизда кеча кичик бола йўк эди-ку. Икки ёшлик болангиз борми? - деди.

Умархўжа “йўк” деди. Ёнингиздаги катта йигит кимингиз бўлади деди.

– Ўғлим, - деди Умархўжа.

– Исми нима?

– Орифхўжа.

– Паспорти қани? – сўради полис.

– Паспорти йўк, - деди Умархўжа.

– Орифхўжа, ўғлингизнинг ёши нечада? – деди полис.

– Ўн тўққизда.

Мудир:

–Паспортдаги болачангизнинг исми нима? - деди.

Умархўжа:

– Орифхўжа, - деди.

– Орифхўжа исмида иккита болангиз борми? Қайсиниси қочок? – сўради полис. - Биттасини қамокка оламиз. Ўн тўққиз яшар Орифними, икки ёшли болақайними?

Ҳамма кулиб юборди. Умархўжа билан ўғи Орифхўжа анча чўчиб, ранг-туси бирмунча ўзгариб кетди. Мудирга бу оила билан кадрдон бўлганимни тушунтирдим. Мудир воқеанинг ҳаммасини опон-жопонликдан чиқариб, мантиқийлаштириб, ҳамма ишларини қонунийлаштириб берди. Шу ерда Покистон халқининг раҳмдил кўнглига тасаннолар айтиб ўтишни бурчим деб билурмен. Бирчака ҳаражат бўлгани йўк. Шокиржон тоғам қўчада, у ер-бу ерда уч-тўрт киши, бирон воқеа бўлгандек, бириб-бирига билагон кўриниб, аллақандай нарсаларни тушунтиргандай туришибди. Эшикка келсам катта бувим паришонҳол.

– Ҳа, нима бўлди, тинчликми? – деб сўрадим.

– Кўчада тўпалон бўлиб кетди, - деб гап бошлади катта бувим. – Қарасам, Шокиржонни полислар ушлаб, олиб кетяпти. Сиёсий полиснинг мудирлари Азимшони танирдим. Уйига бордим. Азимшо воқеани шундай баён қилди.

– Тоғангиз Шокиржон ишидан чиқиб уйига кетаётган экан, рўпарасида келаётган Афғонистон консулининг қўлидан конверт олибди, консулни таъқиб қилиб келаётган

полислар бу гал Шокиржонни таъкиб қилиб, орқасидан кетибди. Уйига яқин қолганида, уйга кириб кетса, хужжатни йўқотиб юборади деган шубҳа билан Шокиржонни қўлга олишиб, қўлингиздаги хатни беринг, деса бермабди. Кўчада анча тортишма бўлганга ўхшайди, - дебди.

Ўша даврда Зокиршони йиқитиб жумҳурият курамиз деб юрган инқилобчилар тарихчи олим Абдулхай Ҳабиб бошлиқ Покистонга сиғинган эди. Олдида ўтирган иккита сиёсий полис ишора қилиб, мени ушлаб келганлар шулар, деди. Хатни менга узатди. Ўқисам, Пушовурдаги тоғамдан почта орқали келган хат.

– Мудир афанди, бунда бир гап йўқ-ку, - дедим.

Полис мудир:

– Мен ҳам шу фикрдаман. Шокиржон ичкарида, у киши билан гаплашдим. Консуллигини билмай, шу хатни ўқиб беринг деб узатибдур. Хат узатилишини полис кўрмай қолган. Консул хатни ўқимасдан билмайман, деб қайтараётганида полиснинг кўзи тушиб қолади. Воқеа шундан иборатга ўхшайди, - деди. Мудир сиёсий полисларга яна илтифот кўрсатиб:

– Қори афанди ҳукуматга маълум одам. Шокиржонни саводи йўқ. Консулини билмай, мирза одам киёс қилиб, хатни ўқиб беринг, дегандир. Акангизни олиб кетинг. Хатни эртага идорадан олиб кетасиз, - деди.

ТУРКИЯ

1945 йилда Қобулдалигимда турк дўхтирлари билан танишган эдим. Айниқса, генерал Тожиддин яхши одам эди. Доктор меҳмондорчиликларга хотини Сиддиқа хоним билан кетарди. Уйида ўн саккиз яшар Юлдуз исмли қизи қолар эди. Уйини ташқаридан қулфлаб, калитини менга бериб, генерал ора-сирада вақт бўлганида уйга кириб, ҳам Юлдуздан хабар ол, ҳам туркча дарс ол дерди. Мен анга шу фурсатдан фойдаланиб, туркча гапириш, ўқиш, ёзишни ўрганиб олувдим. Улар мени тез-тез меҳмон қилиб туришарди, пул керак бўлиб қолса, беш минг - ўн минг доллар қарз ҳам бериб турарди. Ҳиндистондаги инглиз банкасига

чек ҳам бериб ёзиб берар эди. Ўз вақтида пулини Лейлис банкига яшириб қўярдим. Ана шундай яқин дўстона муносабатлар сабаб бўлиб, Туркия туғрисида анча-мунча маълумотим бўлиб қолди. 1948 йиллар бўлса, керак, подшо (генерал) мени Туркияга баробар олиб кетайин деди. Афсуски, кетмадим. 1954 йилларда Истанбулдаги ўртоғим Абдулла Чигатойдан хат олдим. Хат бир неча саҳифадан иборат эди. Хатнинг гузал сатрлари Истанбулнинг гўзаллигини тасвирлаб, «Туркияга келсангиз яхши бўларди», деб ўзига хос самимий услубда талкин қилибдур. Ҳурматли Чигатойнинг мактуби туртки бўлиб Туркияга кетмоқчи бўлиб қолдим. Туркия элчихонасида биринчи котиб Абдулаҳад Биртин мендан тавсия хат сўради.

1954 йилда шу ният билан консулга учраган эдим. 1950 йилда мен қурган туркийлар бирлиги жамиятида секретар бўлиб сайланган Каримжон Жўра қори танилмиш халқпарвар, эл аро фойда орттирган дўстимиз. Мен ихлос билан у кишини сизга яхши инсон деб тавсия қиламен.

Ёзиб номерини босиб берди. Консул зоти:

— Ашёларингни алоҳида-алоҳида ёзиб кел. Қанақа кўчман бўлиб бормоқчисан? - деди. - Искон кўчмани бўлса, кия чегарасидан бошлаб кутиб олинади. Ер сув берилади. Уй-жой берилади. Қиладиғон ишинг учун ёрдам қиламен. Дехкончилик ери ёлғиз кишига 50 дорм, ҳар дорими 1000 метр квадрат. Чорваси учун яна алоҳида 50 дорм берилади. Қимматти ўн икки минг турк лирасига-ча бўлган тижорий ашёдан таможний олинмайди. Зотий ашёларинг ҳам таможний божидан кечилади. Беш йилгача налог олинмайди, - деди.

САРБАСТ

Сарбаст кўчманга эса, ер-сув берилмайди. “Ўзини ростлаб олгунича” деган харажотни ҳукумат бермайди. Фақат зотий ашёси билан тижорий ашёсидан таможний ҳақи олинмайди. Қилган тижорий ишларидан беш йилгача налог йўқ, деди. Мен Туркиянинг географиясини, экологик аҳволини, дўст-душманини, қўшниларини, айниқ-

са, рус босмачи ҳукуматини мушоҳада кила туриб, Туркия жумҳуриятига ортиқча юк бўлмайин, деб эркин кўчман бўлармен дедим.

МУҲАММАДЖОНДАН ХАТ

Карачида асли наманганлик йигирма беш ёшлардаги Муҳаммаджон исмли боксёр йигит бор эди. Чаласавод бўлгани учун гапни чўзиб-чўзиб, майдалаб юборар эди. Шундай бўлса ҳам, сўзларини, айниқса, сиёсатдан гапиришларини тоқат билан эшитардим. Бир куни у йигитдан почта орқали хат олдим. Хат мазмуни шундай эди. “Жўра қори, буюрганингиздек, рус элчихонасининг рўпарасида кўрпа-тўшагимни ҳам олиб келиб, қароргоҳ куриб олдим. Элчихона мансублари «Мақсадинг не?» деб сўрашди. Мақсадим, бизнинг она юрт Ўзбекистондан чикиб кетинглар, дедим. То Ўзбекистондан кўрпа-тўшагингизни олиб кетмагунларингизча мен ҳам элчихонанинг рўпарасида ётавераман, дедим. Полислар ҳам келиб, сўроқ қилиб турибди. Маълумотингиз учун ушбу хатни сизга ёздим”.

Мен хатни олиб ҳайрон бўлиб қолдим. Муҳаммаджонга юқоридаги шаклда буйруқ берган эмасмен. Ана шу онда сиёсий идорадан полис келиб:

— Жўра соҳиб, сиз Муҳаммаджон исмли ватандошингизга рус элчихонаси рўпарасида қароргоҳ куриб ол, деган экансиз. У одамингиз қароргоҳ куриб олибдур. Руслар Покистон ташқи ишлар вазирлигига воқеани билдириб, мактуб юборибдур. Биз шу масалани суриштиргани келдик - деди.

— Мен Муҳаммаджонга ҳеч қачон бундай таълимот берганим йўқ. Бу ҳаракат у кишининг ўзига оид, - дедим.

Полислар саволга берилган жавобларимга қўл қўйдириб, акт туздириб кетди. Ўша даврларда суҳбатларда йиртиқ-сиртиқ уст-бош қийиб олиб, халқнинг таважжужини тортиб туриб, рус босқинчиларининг элчихонаси олдида «Мамлакатимдан кет, деб фарёд қилайлик», деган гапларни билардим. Аммо бу гапларим умумий

бўлиб, хос бир кишига айтиб вазифалантирган эмасмен. Мухаммаджонни сиёсий полис идорасидан бориб суриштирдим. У ердан олиб, вақтинчалик назоратга олиб қўйдик. Масала суриштирилмоқда, деди. Афсуски, Мухаммаджон камалиб кетибдур. Уни, сафар ҳозирлигим бўлгани учун, қайтиб кўролмадим.

САФАР

Турк элчихонасидан убурий паспорт, зотий-тижорий нарсаларим учун тайёрланган ҳужжатларни олдим. Шу кунлари Абдураим Охунбой Истанбулдан Карачига келганди. Уйғур эканлар, гап орасида:

– Қори, мен сизни бир кишига ўхшатыпман. Қаерлик-сиз? - деди.

– Андижоннинг Дардоғ ота қишлоғиданман, – дедим.

– Ҳа, мен сизни андижонлик Абдурахмон бойваччага ўхшатыпман, - деди.

– Ўхшатганингиз тўғри, бой ота, мен у кишининг жияни бўлармен, - дедим.

Абдурахмон бойвучча шундай ҳикоя қилади:

– Андижонга борганимда гўзал бир иморатга кўзим тушди, кимнинг эшиги десам, Абдурахмонбойваччаники, дейишди. Шу иморатнинг кўринишини чизиб олиб худди унга ўхшатиб, Қашқарда бино қурдим. - Яна қўшимча қилиб, дедики, Ўрта Осиёда танилган учта бой бор. Бири Миркомил, иккинчиси Аҳмадбей, учинчиси Ҳамробой. Худди шу сингари Олти шаҳарда ҳам дунёга танилган учта бой бўлган. Бири Мусобой, Абдурайим Охунбой, Муҳиддинжонбой. Абдураим Охунбой Карачида йиғилиб, Туркияга кетмоқчи оилалар бор эди. Менинг туркча яхши билганим учун уларнинг Туркия сафароти ишларида ёрдам қилувдим. Жумладан, Мозори шарифдаги Жўравой қассоб, Самарқандликнинг ўғли Ғулом Сафий ҳам бор эди. Туркия элчихонасига мурожаат қилган экан.

– Сен турк эмассан, афғонга ўхшайсан-ку, биз туркларни қабул қиламиз, - деб элчихонадан чиқариб юборган экан.

– Покистонда истикомат килиб тураман, - деса, Покистон ҳам виза бермабди, уни етаклаб Туркия элчихонасига чиқдик. Бош хатиб Абдулаҳад Бирдин:

– Бу бола анов куни келувди. Кендисила қўнишдим. Турк ди (Ўзи билан гаплашдим, турк эмас) деди.

– Йўқ, афандим, турк, - дедим мен.

Секретар Бақаолим деди:

– Отинг не?

– Неб ичим ат, - деди.

– Маҳаллий шароитга караб қўйилган от-да, афандим, - дедим. Секретар:

– Кож корабор? (Қанча пулинг бор?) - деди.

– Пулингизни сўраяпти, - дедим.

– Ўн олти минг рупиям бор, - деди.

Секретар:

– Насл турк қўнишмасини онглиямиямур, - деди. (Қандай килиб гапиришни тушунмайман дедим)

Мен:

– Афандим, Ўрта Осиё туркчаси ўн олти бин ораси бормиш, - дедим.

– Буни бил кафилло, - деди.

– Афандим, мусохида буюрсангиз мен кафил ўлайин, - дедим мен. Секретар Буна:

– Паспорт берсам, турк таможнийсидан гиламларини белги бермасдан чиқиб, тўғри Саудияга кетса нима қиламан? - деди.

– Мен кафилман, - дедим.

– Сени ниманг бор? - деди.

– Бе афандим, бировнинг виждони бўлмаса бошқасининг ҳам виждоним йўқ бўлиши лозимми, - дедим мен.

– Сен яхши таниётган бўлсанг, майли, ишингни юри-тавер, - деди. Хулоса: унинг ҳам тижорий ашёси билан ҳужжатлариниям тайёрлаб берилиши учун маҳаллий секретар Нўъмон Тўрани чақириб, буйрук берди. Ташқари чиқиб Ғулом Сахий мени кучоқлаб, йиғлаб туриб раҳмат деди. Бугун Ғулом Сахий – Сахий Мухтор исмида Одинада истикомат қилмоқда.

ОХУНБОЙ

Абдурайим Охунбой:

– Жўра қори ўн бир кишининг бемалол сафар ҳажи йўқ. Билетларини ўзлари олишади. Озиқ-овқатларини сиз билан мен таъминлайлик, нима дейсиз? – деди.

– Маъқулбой ака, – дедим мен.

У киши раҳмат деди. Карачидан кема билан Басрага бир ҳафталик йўл. Абдурайим Охунбойни бир ҳафталик озиқ, ҳўл мева, қуруқ мева билан мўл таъминладик. Йигитлардан икkitасини олиб, шу нарсаларни олинглар, дедим. Етарли гўштни қовурдоқ қилиб олдик. Сухари қилиб қуйган нонлардан олдик. Сафар ҳаракати бошланди, денгиз бўйига портга чиқдик. Ҳар ким ўз иши билан овора. Таможнийдан, доктор консулидан ўтиб, кемага энди чикувдим, полислар кемага чиқиб, мени топиб, юкинг қайси? – деди. Юр пастга, деб юкимни ҳаммолга кўтартириб пастга – таможнийга олиб тушди. Ҳайрон бўлдим, чамадонларимни очиб қайтадан текширдим. Ҳайтовур, чамадонимда устки кийим-бошларим, бир неча китобдан бошқа бирор нарса йўқ эди. Ўзр сўрашиб, яна ўзлари кемага чиқариб қўйди. Нима гап экан, деб яна ҳайрон бўлдим. Бошқалар ҳам кемага чиқишди. Қарасам, ҳамманинг шашти паст. Айниқса, Абдурайим Охунбойнинг ранги кути ўчган. Сафардошларимнинг биридан Ғолибо Равшанбойдан нима гаплигини сўрадим.

– Э, бой жанобларининг мўйналари бор экан. Ҳар қайсимизга Туркияга олиб бориб берасизлар, муносиб ҳақ тўлайман, девдилар. Товламачилар таможнийдан контрол қилдирмай кемага олиб чиқиб берамиз деган эканлар. Уларнинг ўзи йўқ, таможний идорасига бу қолфилада қочоқ мўйна бор, деб хабар бериб қўйганлар. Биринчи бўлиб сиз контролдан ўтиб кетдингиз, бизлардан мўйна чиқди. Мўйналарнинг ҳаммасини олиб қолишди. Шунинг учун сизда ҳам мўйна бўлса керак, деб сизни кемадан қайтариб тушириб келишди. Сизда бир нарса йўқ экан, яна кемага чиқиб кетдингиз. Биз эса, икки соат таможнийда текшир-текшир билан қолиб кетдик, – деди.

Ҳолбуки, Охунбой кемада люкс хоналар, люкс овқатлар бор. Мен улусдошларим билан бирга сафар қилайин деб овқатсиз, арзон билет олмоқдамен деган эдим-да. Илтифотнинг орқасида бундай гаплар бор экан. Кема бир мингдан ортиқроқ йўловчини олиб, Ҳинд денгизига очилди. У ёк-бу ёқдан гапириб, ҳар ким бисотини майдонга ташлаб, маданиятини, дунё кўришини, эл улусига бўлган меҳру муҳаббатини сўзлади. Бу сўзлар билан миллий туйғуларини кўрсатиб ўтмоқда эдилар.

Мард осухан на гуфта бошар,
Айбу хунараш не гуфта боши.
(Маъноси: Йигит гапирмагунча то,
Кўринмайди айбу фазилати.)

Бой жанобларининг эса, кайфлари бузук, ўйчан бўлиб қолдилар. Дастурхонимиз гўзал, емаклари, турли-туман мевалари билан файзли. Шундай қилиб, тормозга келдик. Ўнг тараф Эрон, чап тарафда Уммон ҳукумати. Яъни бир томони форслар, бир томони араблар. Кема чап томонда уммон портида тўхтади. Қирғоққа қарасам, калта иштон кийган катта-кичик араб ўспиринлари, улар гаввослар экан. Кемадан туриб денгизга танга отсангиз, халиги болакай бечоралар ўзини денгизга отадилар. Сувга тушган халиги танга тиниқ, мовий денгиз сувида аниқ кўриниб, ўнг-сўлга солланиб денгизнинг қаърига борар экан, болакай ҳам тангаларни қувиб сузиб кетаверар экан. Танганинг орқасидан отилган танганинг кетидан етиб бориб, кўзининг қопқоғига қисиб олиб сувдан чиқаришади. Мен ҳам қанча танга ташлаб ажойиб манзарани қайта-қайта кўрдим. Ҳолбуки, бу ўлкадан петрў чиқади, бензин чиқади, экономикаси яхши. Бойлик эса, подшонинг ихтиёрида. Болакай бечоралар эса, танга қувиб бепоён денгизнинг қаърига тушишмоқда. Кўриниш ачинарли. Мусулмон маданиятидан мен кўрмаган яна бир саҳифасини кўрмоқдамен. Кема портдан мол олиб келиб бир зум қолди. Турист сифатида пастга тушиб, шаҳарга чиқиб, айланиб келиш мумкин экан. Биз тушмадик. Нафрат қилдик. Оқшом кема ҳаракат қилди. Биздан нарида

ўтирган ватандошлардан бири касал экан, вафот қилиб қолди. Кемачилар жасадни узун тахтага боғлаб, денгизга қўйиб юбордилар. Денгизга қарасам, ватандошим жасадни кемага эргашиб келмоқда, бирпасдан кейин қарасам, яна кетимиздан келмоқда, даҳшатга тушдим, худди раҳматли «Мени ташлаб қаёққа кетяпсизлар? Мени тубсиз денгизга ташлаб кетманглар», деган овозини эшитгандек бўлдим.

Элу оламга ўхшаб биз ҳам ўз юртимизда ором ўлтирган бўлсак, шу манзарани кўрмаган бўлардик. Азиз ватандошим мусофирчиликда касал бўлиб денгизнинг қаърига ташланмаган бўларди. Улусдошим бегона юртларда тилларни билмаган ҳолда ному нишонсиз денгиз қаърида қолмаган бўларди.

БАҲРАЙН

Кема йўлда давом этди. Биз кетиб бораётган денгизни номи Форс қўлтиғи, араблар эса, араб қўлтиғи дейишади. Инглизлар ўз тилида Порс кўприғи дейишади. Тўғриси, инглизларнинг термини тўғри бўлса, керак. Кема денгиз ўртасига бориб тўхтади. Баҳрайнда катта кемалар тўхтайдиган порт йўқ, шунинг учун Баҳрайн йўловчилари Саудия Арабистони йўловчиларига моторли қайтиқларга тушиб кетишди. Ҳар бир моторли қайиқ олтмиш-етмиш йўловчини юки билан олиб, Баҳрайнга йўл олди. Кема бу ерда ҳам бир кун қолди. Бу ерда ҳам бензин чиқади. Кесувсиз бойликнинг ихтиёри Халифа исмили подшоода. Халифанинг исми бўлса-да, ҳамма нарсаси шахсий мулкидай, тўғрироғи, подшоҳлик дейилса маъқул. Халиғи кишига диққат қилдим: чала савод, кўриниши рўдапо, ўртачоҳ одамларидек кўрдим.

ДУБАЙ

Кема Дубайга бориб денгиз ўртасида тўхтади. Чунки бу ерда ҳам катта кемалар тўхтайдиган порт йўқ. Инглизлар қаердан бензин топилса, ўша ер халқининг ичида ким маҳмадонароқ кўринса, ўшани лаб-лунжини сал тузатиб:

«Мана шу ернинг каттаси сен бўласан, мартабанг шайх, идоранинг номи Шайхли. Бензин бойлиги сенинг хусусий бойлигинг бўлади, қариндош уруғингга балки улуш берарсан, бошқа улусдошларингнинг ҳаммаси хизматчи сифатида, кучу қобилиятига кўра, ойлик иш ҳаки бера-сан. Бензин бойлигини мен чиқариб дунёга сотавераман. Юздан етмиш меники, юздан ўттиз сенга», — деб битик тузишади.

Ана шу шайхликлардан олтитаси бир бўлиб бирлашган амирликлар деб шаклланди. Бензин бойлиги мўл бўлгани учун таможний налоги йўқ. У ерда бошқа налоглар ҳам йўқ. Шунинг учун у ерда ҳар нарса бор. Арзон, ҳар жойдан мол келади, таможнийдан озод. У ерлик савдогарлар ўзлари хуш кўрган бир нарсанинг савдогари бўлиб олган. Ана шу азаматлар ўзига қарашли импорт молларидан олиб, қайиқлар билан келиб кемадаги йўловчиларга сотиб олмоқ учун кемадан чиқишди. Кема катта сайлгоҳга айланиб кетди. Ҳар ким ёқтирган нарсасини бошқа ўлкаларга қараганда арзон нархда олиша бошлади. Шундай манзарани Қувайтга борганимизда ҳам кўрдик. Эронга қарашли шаҳар Хуррамдан кемага на сотувчи чиқди, на оловчи. Бу ерда ҳам катта кемалар ёндаша оладиган порт йўқ экан. Шундай қилиб, ҳар бир мулкда бир кундан қолиб, ниҳоят, Басра (Ироқ)га етиб келдик. Басра қўлтиғига Туркиядан чиқиб Сурия, Ироқ тупроқларини суғориб, Дажла билан Фрот дарёлари қуйилар экан. Форс кўрфазига шўр сув хинд денгизидан келиб Формуз бўғози орқали Хормуз қўлтигини ташкил этади. Юқорида икки азамат дарёларнинг суви эса, ширин. Икки буюк дарёнинг суви шўр сувга қуюлиб турганда анча ергача денгизни ёриб бориб бу ажиб табиат кўринишини намоиш этаркан. Бу манзарани Қуръонда (Барзахул лойағғиём) деб тасдиқлайди. Абдураззоқ Самарқандий шу сув манзарасидан илҳомланиб «Матлаъ ус-Саъдайн мажмаул-Баҳрайн» деб ўз асарига исм қўйган. Шу ҳаёлда эдимки, ёнимизда келаётган бошқа бир катта кемага ўт кетди. Кема катта бир шаҳарга ўт кетгандек кўркинч шуъла чиқариб ёнмоқда. Ўч ўчирувчилар келганича йўқ. Охунбойга қарасам, ран-

гида қон қолмабди. Кема ёняпти. Ўтнинг бошқа кемаларга ўтиш хавфи бор. Ўт ўчирувчи йўқ. Охунбой дедики:

– Истанбулда шундай воқеа бўй берса, ўт ўчирадиган ҳамон етиб келади.

Сафардошларим билан ҳаммамиз кўрқинч онларни яшадик.

ДАЪВАТСИЗ МЕҲМОН

Хормуз бўғозидан замонавий кийинган бир одам бизга кўшилиб, ўзини ўзи танитиб, бизга ўзини сафардош қилдириб олган эди. Туркча-арабча тилларни билар экан. Анчагина маҳмадона, сергап одам эди. Абдурайим Охунбой:

– Жўра қори, бу одамдан эҳтиёт бўлинглар, хафа қилманглар. Бир тухмат қилишдан тоймайди, мен бундай одамларни у ер-бу ерда учратганмен, - деган эди.

Хайтовур, эсонлик билан кемадан куруққа тушиб олдик. Басра таможнийсида соғлиқ текширилди. Паспорт контролда ашёларимизнинг текширилишида бизга ҳалиги одам ёрдам қилиб турди. Чунки у даврларда ҳеч биримиз инглизчани ҳам, араб тилини ҳам билмас эдик. Айниқса, Басрадан Бағдодга поезд билетини олиш қийин экан. Вагонлардаги ерларга қараганда билет олувчи йўловчи кўп. Охунбой:

– Жўра қори, оға-инилардан учинчи даражага пул йиғинг. Ўрта классга билет олинг, яна кемадаги харажат сингари уч қисми мендан, қолган бир қисмини сиз тўланг. Билетхонага уч-тўрттамыз бориб, сизни кузатган бўлиб турайлик. Билетларни анави лаънати олсин. Унинг билетини ҳам олинг, - деди.

Билетларни олдик. Йўловчи кўплигидан вагонга чиқиш мумкин эмас. Ҳалиги шаллақи:

– Эй одамлар, кани бир тарафга сурилинглар, касаллик юктирувчи хавф бор, - деди, ҳамма ханг-манг, туристлар, кондуктор ҳам ўйланиб, нима бўлаётганини ҳамон пайкамай қолишди. Бемалол вагонга ўтириб, жойлашиб олдик. Қолган ерларга бошқалар бирин-кетин итариб-туртиниб юриб, жанжаллашиб юриб чиқишди. Ўз-ўзини

бизга ҳожибоши қилиб олган ҳалиги одам вагоннинг ичида ҳам оломонни биздан узоқ туринглар деб, бизни рохатлантиб қўйди. Охунбой:

– Жўра қори, одамнинг ёмонлигини, серхунарлигини кўрдингизми? - деди.

Мен бойга қойил қолдим.

1954 йил. Сунбула ойи, ҳаво иссиқ. Охунбой ҳалиги одамга қобилиятингизга қойил қолдим.

– Ҳозирча мана бу эллик долларни офарин деб, бериб турайн, - деди.

Басрада Покистон муршидхонасига бойнинг таржимони бўлиб бордим. Бой:

– Мен таможнийда овора бўлиб қолиб, ўз одамларимга мўйналарни баён қилинлар дейишни унутибмен, - деди. - Сафардошларим ҳам тил билмагани учун соддалик қилиб, баён қилмабдур. Аслида, бу мўйналарни Афғонистондан олиб келмоқда эдилар. Таронзит қилишда соддалик қилибдурлар, мўйналарни Истанбулга юборилишини Покистон ҳукуматидан сўраймен, - деди.

Улар бу сўзларни ёзиб олиб, расмийлаштириб олишди.

БАҒДОД

Ироқ пойтахти Бағдод бўлган замонда бу жойлар туркий халқларники эди. Ҳалифа Алидан кейин ислом назариясига кўра, ислом никобига ўзини яшириб олган араб миллатчилиги, айниқса Аббосийлар даврида туркий халқлар араблаштирилди. Айтайлик, Фузулий асарларини ўзи учун ёзганми? Йўқ, у даврда Ироқ ўлкасида ўзбеклар, туркманлар, озарийлар кўпчиликни ташкил қилган бўлиши керак. Араб озчилик бўлган. Бугун эса, у ерларда на озарийлар бор, на ўзбек, бир неча туркман қолган холос. Бағдоднинг маркази Бобур Муаззамда бир меҳмонхонага тушдик. Охунбой:

– Ҳаво иссиқ, мен тезда Истанбулга ҳаракат қилмоқчимен, ҳозир бошқа ателга бориб ҳаво йўли билетини олиб кетаман. Сизлар билан ҳозирча ҳарлашайин, саломатлик бўлса, Истанбулда кўришамиз, - деди. - Палон ти-

жоратхонада Соли афанди деган ҳамшаҳри бор, танишиб кўйинглар. Анови ёмон одамдан эҳтиёт бўлинглар.

Ўша заҳотиёқ Соли афандини топиб келдим, ателга келсак, жанжал-тўполон, ҳалиги араб сафардошимизнинг пули йўқолибди. Шунинг учун ателга полис олиб келибди. Соли афанди:

– Бу одамларнинг ичида ўғриси йўқ, содда одамлар. Кўчман бўлиб Туркияга кетишмоқда, - деди.

Полислар ҳар биримизни диққат билан кузатди. Уларнинг орасида киссавур йўқ. Сен тухмат қилмоқдасан деб пўписа қилиб, чиқариб юборди. Соли афанди:

– Бу одамдан полислар ҳам шубҳа қилмоқда, сизларга зарар беролмайди, аммо тинч ҳам қўймайди. Шунинг учун хўп десаларинг Бағдоддан кетақолинглар, - деди.

Биргалашиб Бағдоддан Туркиянинг Одина шаҳрига борадиган поездга билет олиб, сафардошларимни кузатиб қўймоқчи бўлдик. Соли афанди тўртта янги сув идиши олиб келди. Поезднинг ҳар бекатида сув бор, идишларга тўлдириб олинглар. Ҳаво иссиқ, сувсиз қолманглар, деди. Сафардошларини кузатгандан кейин мен Туркияга, Сурия орқали ўтмоқчи бўлиб, билет олдим. Яхши жойлар икки кунгача йўқ. Чунки ҳалиги тухматчидан кўрқиб, охирроғи бўлса ҳам, билетни олдим. Абдурайим Охунбой билет айтган экан. Соли афанди билан хайрлашиб, Шомда жўнадик. Йўл ўнқир-чўнқир экан. Шомга боргунча жуда қийналдим. Автобуснинг ҳар силкинишида бир жойим узилиб кетгандек бўлди, Суриянинг пойтахти Дамашқда бир неча кун Сандагоҳдаги бир меҳмонхонада қолдим. Орада иш ижоби Берудга бориб келдим. Қобулда социал ишлар, инсон ҳақлари, солиқ ишлари, матбуот эркинлиги орқада эди. Айниқса, полислик кўрингудек бўлса, бизга келмаяптимикин деб шубҳаланиб, инсоннинг вужуди кўрқувдан титраб кетар эди. Негаким, сиёсий идоранинг одами бирон кишини ёмонлаб қўйса ҳамон қамоққа олиниб, қутулиб чиқиши амримаҳол эди. Покистонда ҳам социал ишлар соғлиқ ишлари орқада-ю, Қобулга таққосланганда илгарида ҳисобланади. Айниқса, сиёсий ҳуқуқ ўйинчок бўлса-да, йўқ дейиш мумкин эмас. Ҳеч

бўлмаганда, тўғри юрган одам тухматга учрамайди. Ирок эса, социал ишлардан, солиқ ишларидан дунё меъёрида эмас, ҳеч бўлмаганда Покистондан илгари Сурийларнинг турмушларини диққат билан кузатдим. Маданият бу ерда ҳам дунё савиясида эмас, Ирокдан илгарида, албатта. Одамлари эркак бўлсин, хотин бўлсин, мен кўрган ўлкаларга қараганда чиройли, озода, кўримли кўринади. Шунингдек, Гумнон ўлкаси Суриядан ҳар жиҳатдан илгари эканлигини кузатдим. Шомдан автобус билан Халафага келиб, у ердан Одинага поезд билан кетдим.

ТУРКИЯ

Поезд Халаб шаҳридан ҳаракат қилди. Кўнглимда ичимдан келаётган қувончлар, озод ўлкага улусдошимнинг ўлкасига мушароф бўлмоқдамен. Қувончим шу қадар кучлики, на ўтиргим келади, на ётгим. Айниқса, ҳилвираган ола байроқ мени мафтун этмоқда. Байроқнинг туркий халқларнинг миллий рангида қизил бўлиши оталаримиздан мерос ой-юлдузига қараб тўёлмайман. Чегаралардан ўтиб Туркиянинг илик бағрига кириб боришимда беихтиёр севинч ёшлари кўзимдан шашқатор бўлиб, тупроғини ўпиш орзусида тўкила бошлади. Кўнглим эса, олдин мен ўпамен дейди.

Шундай кучокка сиғмас қувончимни жонимдан азизроқ она юртим гўзал Ўзбекистон эсимга тушиб, таъбир жоиз бўлса, шафиқун бурилиб кайфимни, мастлигимни парчалаб ташлагандек бўлди. Ёдимга ўз ватаним, рус босмачиларига қарши қахрамонона кўрашиб қурбон бўлганлар, шоир Чўлпондек фидокорлар эсимга тушиб қолди. Ўзимни юпатмоқ учун: «Йиғлама, юртим, агар-чи бул кунингда йўқ баҳор, келгуси кунларда бахтинг юлдузи порлаб қолар» деб қўйдим. Одинада бир неча ҳафта қолиб, расмий ишларимни тугатдим. Сўнгра Истанбулга жўнадим. У ерда Аҳмад Чигатой, Абдулла Чигатой каби ўртоқларим билан кўришиб, суҳбатлашиш насиб бўлди. Абдулла Чигатойларникига Карачида тез-тез бориб турар эдим. Кунларнинг бири Абдуллажон билан гурунглашиб

ўлтирган эдик, унинг амакиси, доктор Зоҳиджон кириб қолди. Бу суҳбатда Хайрулло, Ҳабибуллолар ҳам бор эди. Абдуллажон:

– Жўра кори, Зоҳиджон акам ҳақларида бир фол кўринг-чи, – деб қўлимга мулла Жалолиддин Балқийнинг маснавийларини тутди. Маснавийни очдим. Чиккан мисра ёдимда йўқ. Мафхуми шундай эди: «Боғбон ғафлат қилди, аёғга тикон кирди. Тиконни аёғидан чиқариш асносидан фойдаланган ўғри пишиб турган меваларни тарож қилди.

– Зоҳиджон ака, бугун муҳим бир нарсани бировга олидириб қўйибсиз, – дедим.

Доктор Зоҳиджон ўйланиб қолди. Абдуллажон:

– Тўғри, кори Соҳиб дўконларидаги шериги ўйин қилиб мояналарини қўлларида олиб қўйибдур, – деди.

Демокчименки, шунақа зарофотли, эсда қоладиган ўтиришларимиз бўларди. Абдулла Чигатой бу кунларда Вашингтондаги воқеани эслаб қўяди.

ҲОФИЗДАН

Яна бир ҳикояча эсимга тушиб қолди. Кунларнинг бирида ўз холимча ўзим Ҳофиз Шерозий девонидан фол қараб қолдим. Чиккан фолдан рози бўлмай, яна яна фол боқдим. Ўшанда шундай мисра чикди: «Кўтах кунем киссаки омад дарол бо».

Ҳофизни бекорга Нисо мурғак демайдилар. Мисол учун қаранг, қуйидаги ҳикоя афсона бўлса-да, ҳақиқатни ифодалайди. «Шайх Порсо ҳазратлари Ҳофизни кўриш учун маҳалласига боради. Бир кишидан сўрайди. У одам хув анна, ўлтирибди, дейди. Шайх Порсо қарасалар, Ҳофиз қиморбозлар билан ўтирибди. Шайх аччиғи келиб, уларга қарамай тўғри ўтиб кетаверади. Ҳофиздан шундай овоз келади:

Порсо моро мукаммилгуфт билло рост гуфт,

Мо матои ҳар ду олам ро баяк дав боҳтим.

(Порсо бизни қиморбоз деди ва тўғри деди:

Икки дунё матосин биз бир гардкамга ютқаздик.)

Истанбулнинг чамбарли тошида кайфхона жабдасида бир отелни сотиб олдим. Тўрт қаватли, ўн тўрт хонали бино. Номини ўзгартириб «Туркистон» деб ном қўйдим. Отел юриб кетди, ватандошларга марказ бўлиб қолди. Ватандошлар бир-биридан шу ерга келиб хабар олади. Гурунг қилишади, Туркияга бошқа шаҳарлардан келишса, шу отелга тушишади. Покистон, Саудия Арабистони каби узоқ ўлкалардан келган турист ватандошлар ҳам шу отелни ўзига марказ қилиб олишди.

ОЛТИН

Мадинадан Ҳожи Аҳрор Тошкандий билан қўқонлик Маҳаммад ибн қори келишди. Ҳожи Аҳрор менга ўн олти омонат қўйди. Мен олтинларни ғафлат билан сейфга қўймай, чўнтагимга солиб қўйибмен. Эртаси уни саёҳат қилдириш учун кема билан буюк подага олиб кетдим. Аҳрор Ҳожи қизиқчи, ҳазилкаш одам экан. Кеманинг ҳар тарафини айланиб юрди. Келиб қарадики, ёнимда иккита гўзал ўтирибди. Қори, жойинг жуда гўзал-ку, деди, мен келинг-келинг дедим. Қизларнинг ёнига ўлтириб бир баҳона яратиб, қизлар билан гаплаша бошладим. Уларнинг гап-сўзларини эшитиб кетяпмен. Ҳожи қандай гап бўлса, орасида олтин сўзини ишлатди. Эсимга унинг кечқурун қўйган олтини тушди. Эсладим, ҳа, чўнтагимда, деб қўлимни чўнтакка юргиздириб кўрсам, чўнтакда олтин йўқ. Ҳа, чўнтагимдан палон номердаги турк болага майда танга чиқариб берувдим. У тангалар 25 хурушлик сарик танга ҳисобида кетибдур. Энди воқеани Ҳожига сездирмай, эртага Қополи чорсидан ўнта инглиз олтини олиб сейфга ташлаб қўяман-да, деб саёҳатимга халал бермай қўя қолдим. Тушмагур Ҳожи оролга борганда ҳам ҳазил-хузул қилиб, у баҳона-бу баҳона билан қулишиб юрди. Айрим хонимларни севган киши бўлиб, уларга сақич-пақич каби майда-чуйда узатиб, яхши саёҳат қилиб қулдириб юрди. Кечқурун келиб, ҳалиги турк йигитчани чакириб сўрасам, бола Жўра ака, мен ҳаётимда сорини (олтин) кўрган эмасмен. Мен у сиз берган тангаларни ошхонага

ташладим. Бор бўлса, бордир. Мен олтинни кўрмаганмен, деди. Мен ҳа, йигит тўғри айтяпти, энди ошхоначи харгиз тан олмайди, суриштиришнинг фойдаси йўқ. Олтин олиб беришдан бошқа чорам йўқ деб ўйландим. Кечаси ўтди, эртаси йиғиштирувчи кизлар келиб иш бошлади. Бир киз келиб, (роҳиба) Жўра ака, кеча хонангизни йиғиштирувдим, шимингиздан ўн адад сори ерга тушиб, сочилиб кетди. Сори(олтин)ларни секретарга бермай уйга олиб кетувдим, манна, сориларни олинг деди. Бу ҳикоячани келтиришдан шуни эсга олмоқчименки, дунёда шунақа турк қизидек, Рокибадек пок, тақводор кизлар кўп. Ҳамма ҳам кишлоқдошим Дилнозадек ўғри бўлавермайди.

ЯНА ЎҒРИ

Истанбулда анча-мунча таниш-билиш орттирдим. Улардан бир нечасини феъл-атвори билан эслаб ўтишни лозим топдим. Ёкут Ўзалтой (миллионер) гетик подшодаги уйининг биринчи каватидаги бир хонасини менга ижарага берди. Юқори каватда Умаржон Олтой ўтирар эди. Бир куни Ёкуб Ўзалтой:

– Қори, дастурхонларингиздан намуна беринг. Аҳмад Чигатой билан бир жойга олиб бориб кўрсатмоқчимиз. Биз гаплашиб ўтирайлик, калит беринг, Аҳмад Чигатой намуналарини олиб келади. Ҳаридорга кўрсатамиз, - деди.

Мен ҳам ҳужра калитини бердим. Ўзалтой юринг қори дедида, бир-иккита магазин витринасидаги Истанбулда чоп этилган «Қуръон»ларни кўрсатди. Сўнгра ресторанга бориб, овқатландик. Ўзалтой билан хайрлашдим, рўпарамдан бир дўстим чиқиб қолди.

– Эй қори, сизни истаб келатурувдим, уйингизга борсам сиз йўқсиз. Аҳмаджон молларингизни ташияпти. Қори йўқ-ку, нима бўлди, деб сизга келатурувдим, - деди.

Яқинда эдим ҳамон уйга бордим. Қарасам, Аҳмаджон дастурхонларни териб турибди. Умаржон Олтой тепага ташиб турибди. Аҳмад Чигатойнинг елкасидан ушлаб, деворга бир-икки урдим. Воқеадан таъсирланиб йиғлаб юбордим.

– Эй ноинсоф, отанг кори Собир, катта отанг Эшон-жон ҳожи менга кадрдон эдилар. Уялмайсанми? - дедим Умаржонга. - Дастурхонларни туширинг, - дедим.

Умаржон дастурхонларнинг ҳаммасини туширдими, йўкми, бир нарса дейишим мумкин эмас. Хонани кулфлаб чиқаётсам Ўзалтой келиб қолди.

– Эй кори, хафа бўлманг, намуна олинг десам, Аҳмад-жон англамабди, - деди. - Юринг дарров тўғрилаймиз, сизга ҳозир санаб, ёзиб берайин, пулини дўкондан олинг, - деди.

Мен Калиладаги эшак бўлиб, яна уларга ишондим. Ўзартой санаб ёзиб берди. Ана холос, шунчалик гап экан деди. Рўпарамда Абдурайим Охунбой чикиб қолди. Дастурхонларни сотиб бону (вексил) олдим.

– Кимга сотдингиз? – деди Абдурайим Охунбой.

– Ёқуб Ўзалтойга, - дедим.

– Қани бону? - деди.

Вексилда пул бериш муддатини муқассатан деб ёзиб-дур. Бой муқассатан нима дегани деди. Мен билмадим дедим. Ҳамон ўша ерда – бойга оид жойда телефон бор эди. Бой билан банкка кирдик. Банк мудир бўлиб-бўлиб бераман деганди. Неча бўлимда маълум эмас. Ўн бўлиб тўлайдими, юз бўлиб тўлайдими, аниқ эмас деди-да, орқасидан балки минг бўлиб берар деб кулиб юборди. Изимга қайтдим. Ҳожи Ёқуб Ўзалтой ўз уйидан чикиб келяпти. Ҳамон ёқасидан ушлаб кўчанинг ўртасида бўғиб олдим.

– Ёқамни қўйиб юборинг, гапни эшитинг, - деди. - Ҳаридор билан гаплашиб қўйдим, пулини ўзингиз олинг, - деди.

Мен яна Калиладаги эшак бўлиб бориб, дастурхонларни сотдик. Ҳаридор пулни бераман деб вексил ёзиб берди. Бу ердаги нарх-навода Ўзалтой қандай рол ўйнади, бугунгача менга қоронғу.

ҲОЖИ ХОДИЙ

Асли бухоролик Ходий эшон билан танишиб, дўстлашиб қолдим. У кишиникига тез-тез бориб турар

эдим. Бир куни борсам, Иброҳим Ойдагулдан шикоят қилиб қолди.

– Қори афанди, унга кўп яхшиликлар қилганмен, бир неча гал дўкон очиб бердим. Энди у киши яхшиликларимни ёмонлик билан қайтармоқда. Ойдагул отелингизга келиб мени ёмонлаб эмиш, - дедилар.

– Йўк, Ҳожи бобо, у киши келиб туради, лекин сизни ёмонламайди, - дедим.

– Йўк, қори Афанди, мендан бекитяпсиз. Ёмонлар эмиш. Билиб турармен, - дедилар. (Ҳақиқатда, Иброҳим Ойдагул Ҳожи Ходий эшон ўзини манғитмен деб юқори оларди). Шу аснода Иброҳим Ойдагул саройга кириб, иккинчи каватдаги Ҳожи эшон тарафга йўналди. Мен “Ҳожи бобо, Ойдагул келяпти” деб кўйдим. Иброҳим Ойдагул келиши билан ўлтирган жойимни бўшатиб бердим. Ҳол-аҳвол сўради. Нима бўлганини билмай қолдим. Ойдагул тўсатдан курсидан йиқилиб тушди. Мен «оға, нима бўлди?» деб қўлтигидан олиб, қайтадан курсига ўтқазиб кўйдим-да, Иброҳим Ҳожи бобомиз бежиз эмаслар, эришмиш одамлар. Сизни сирлари босди дедим. Ҳа, Ҳожи бобо ҳам, Ойдагул ҳам бу гап қаерга боришини сезишди. Кулиб юборишди, роса кулишдик. Яна бир куни Ҳожи бобо ҳузурига борсам жуда кайфлари чоғ ўтирибдилар. Ҳа, Ҳожи бобо, бугун кайфли кўрмоқдамен. У Саъдийнинг «Гулистон»ини кўрсатиб “Шу китобда сизга кўрсатадиган шеър учратдим. Шунга хурсандмен” дедилар. Эшитайлик-чи, десам, китобни очдилар-да, хатчўп қўйилган саҳифани очиб: «Гиле хушбў дарҳаммом расид аздасти маъшуд бадарастам», деб ўқидилар. Мен дарров давомини ёддан:

Баду гуфтамки, ништи ё абири,
Хи азбўйи диловизи тумастам,
Би гуфто гил будаму неки муддати богул нисаштам,
Сухбати ҳам нишин дарман асар кард,
Варна ҳамон хокамки хастам, –

(Унга дедим: Атирмисан, абирмисан (асал қуйқаси)
Хуш бўйингдан кўнглим масту мустағрик?)

Деди: мен бир лой эдим, ўлдирдим,
У билан ҳамсухбат бўлдим бир муддат,
Қолар эдим, акс ҳолда лойлигимча —ўша-ўша.)
десам хурсанд бўлиб кулиб, самимият билан «Гурунг
қуришнинг яхшилиги шу-да!» — дедилар.

ҚОЗОҚЛАР

Уйғур тупроғида Баркул деган жой бор. Ҳозир у
жойларни хитойлар босиб олган. Ана шу ердан қозок
қўчманлар келиб, ҳукумат тайин қилган Тудладаги меҳ-
монхонага тушишди. Улар ҳукумат қарамоғидаги Ис-
кон қўчманлари эди. Уларга уч маҳал овқат тортиларди.
Бир куни қозоқлар меҳмонхона мудирин билан уришиб
қолишибди. Искон идорасидан расмий маъмур келиб,
мени Тузлага олиб кетди. Қозоқлар мудирга: «Чўп бера-
верасанми, эт жўқми бу мамлакатда?» дейишибди. Мудир
қозоқларнинг чўп бераверасанми сўзидан хайрон бўлибди.
Мудир уларнинг чўпини тушунмабди. Мен мудирга:

— Булар сабзини, яшилликни чўп дейишади, “биз-
га кўкат овқат бераверасанми” демоқчи, - десам хайрон
бўлиб қолди.

Туркларда ахлатни чўп дейишади. Қозоқлар чўп бера-
верасанми деса, мудир ахлат бераверасанми деб тушуниб-
ди. Мен мудирнинг гашлигини ёзиш учун:

— Мана қаранг, мудирбек, қозок шоири чўпни қайси
маънода ишлатибдур дедим. Қуйидаги қозокча шеърни
ўқиб, туркчага ўгириб бердим. Мана ўша шеър:

Кўрасангой анов жотқан
Йипакдек жасил чўпдан бетинг жопқан,
(Аскартов болдан тотли сувлари бор,
Ана шул онам эди мени топган.)

Шу воқеадан кейин Ҳожи бобо билан мен биттадан,
иккита қўй олиб бориб, қозок биродарларга бердик.

ҲОЖИ ХОДИ

Ҳожи бобо зариф инсон эдилар. Биринчи жаҳон уру-
шида турк ўрдуси Мадинадан чикканида у ердаги ўзбек-

ларга турк ўрдуси Мадинадан чиқиб она Дўлуга кетмокда. Шунинг учун сизлар Ўрду қарамоғида Туркияга кетиб олинглар, деб маслаҳат беради. Бизнинг Ҳоди бобомиз ҳам ўзбек ватандошлари билан биргалашиб, Она Дўлига жўнайдилар. Йўлда негадир Ҳожи бобо қабиладан айрилиб Қуддус деган шаҳарда қоладилар. Бир бойнинг боғида боғбон бўлиб ишлай бошлайдилар. Бир куни саҳар вақтида боғ эгаси қуёшга тобланаётганини кўриб: «Эй кофир экан-ку, бераётган овқати ҳаром-ку», деб ҳақини ҳам олмасдан Истанбулга келиб муқим бўлиб қолганди.

1955 йил эди. Ҳар галгидек суҳбатларидан маърифат олиш ниятида ҳузурларига борган эдим.

«Хинек чой келтир», дедилар-да, кулдилар. Шу вақтда юқоридаги ҳикоячани қилиб берган эдилар.

— Қори афанди, юқоридаги ҳикояга қаранг. Гўзал овқату ойликни ташлаб қочиб келувдим. Мана энди ўзим хинекни чакириб, овқатини ҳам, чойини ҳам қўлга олмокдамен, - дедилар.

Ҳожи Бобо Истанбулда сайёр юриб, ароқ сотганлар. Ўзбек тахиясида ўтирган, касал бўлиб қолган юртдошлардан хабар олганлар. Паспортини йўқотиб қўйганларга рус элчихонасидан янги паспорт олиб берганлар. Пули йўқ бўлса, йўл ҳақки бериб ватанга жўнатиб қўйганлар. Доктор Мажид ҳасталаниб, иш йўқ, пули йўқ, келиб Ҳожи бобога ҳолати зорини айтади. Ҳожи бобо:

— Бу ерда насибанинг борица ётиб турунг. Мана тўшак, - тўшак тагини кўрсатиб, - пул, нима кўнглингиз истаса ана баққол, қанча баҳоси бўлса, бемалол олинг. Қайнатма шўрва қилсангиз яна соз, - дейдилар.

Ҳожи бобо билан мен танишган замонда у киши миллионер бир одам эди. Ўзбек талабаларига ёрдам берганлар. Таълим идораларга кафил бўлганлар.

ҲОФИЗ МАҲМУД

Хофиз Маҳмуд аҳли мутолаа киши эди. Туркистонни озод қилмокчи бўлиб юрган миллатчилар орасида эди. Уларда план йўқ, телеграм йўқ, курук Туркистонни озод

киламиз деб кариллаб юрган куруклар тўдасида эди. У билан Ота турк булворида гулгаш килиб юрувдик.

– Жўра қори, қуръон осмонийми, заминийми? – деб сўраб қолди. Заминий десам, қоши чимирилиб ранги ўчиб, ўзини тўхтата олди-ю, тезда мен билан хайрлашиб кетди. Мен шу воқеани Ҳожи бобога айтдим. Ҳожи бобо:

– Қори афанди, тўғри айтгансиз. Тупроғимни олган жойдан сизнинг ҳам тупроғингизни олганлар, – деб қулдилар.

тўй

Абдусалом Андижонийнинг тўйида салонда икки юзтача одам бор эди. Аёллар, кизлар, йигитлар. Менинг масамда хонободлик дорбоз Жаҳонгир, измирлик раққос Али, Сарижаҳоним – турк ашулачиси ўтирган эдик. Улар менинг рўпарамда ўтиришарди. Бир замон Жаҳонгир йўқ бўлиб қолди. Ёнимизга келиб ўтириши билан кетидан Ҳожи Соҳибжон шайтон (унга шайтон лақабини мен кўювдим, ҳақиқатда лақаби шайтон бўлиб қолди. Соҳиб шайтон дейилмаса, ҳеч ким танимайдиган бўлиб қолди. (Ҳеч ким уни Соҳиб Ўзалтой демасди) укаси юзбоши Юсуф Ўзалтой келиб Жаҳонгирга:

– Ҳа, бой бўлиб қолдингми? – деб мушт ҳавола қилди.

Жаҳонгир курсидан йиқилиб тушди. Ўрнимдан туриб, юзбошининг юзига мушт қўйиб юбордим. Унинг ёрдамига Соҳиб шайтон билан ўғли Қодиржон келди. Тезлик билан ўрнидан қушдек туриб ёрдамимга Абдулатиф полвоннинг ўғли Зафаржон келди. Зафаржон мушт отишни яхши биларкан. Бирпасда Юсуф, Ўзалтой, Соҳиб Шайтон, Қодиржон Ўзалтойларни шошилтириб қўйди. Эртаси Ҳожи бобо қуйидагиларни айтдилар: Уйқум келмай ётувдим. Хоним қизлар секин-секин юришиб келди.

– Бемалол юраверинглар, уйғокмен, – дедим.

Улар қўлишиб гапни биридан бири олиб қолишди. «Ҳа, нима бўлди?» десам:

– Эй бобо, айтганингиз дўстингиз Жўра қори мард йигит экан. Тўйда уруш, мушшлаш чиқиб кетди. Кўп шайтон-

лар бир ғариб кишини уриб қолишди. Сеники даст ўрнидан туриб шайтонларга хужум қилиб, мушт ота бошлади. Энди нима бўлади деб ҳайрон бўлиб, адамнинг дўсти-ку ҳимоя қилиб, майдонга тушамизми деб ўрнимдан турувдим. Шу пайт Зафаржон чопиб ўрнидан туриб майдонга тушди. Булар икки киши бўлди, шайтонлар уч киши. Ўтирган меҳмонлар, кўрқоклар томошада. Кўрқоклар:

– Сеники ёмон эмас, аммо Зафаржон муштлаш техникасини билар экан. Уларни гангитиб қўйди. Мен қизимга, оиламга дедимки, Покистондан, Саудия Арабистонидан Туркияга бир яримта одам келишди. Уларнинг ҳаммаси яримта-ю, Жўра қорининг ўзи битта одам демабмидим сизларга, - деди.

1955 йилларда менга сув чечаги чиқиб уйда ётиб қолдим. Раҳматли Ҳожи бобо Истанбулнинг пасту баланд кўчаларига ёшларининг катталигига қарамай, кўргани келувдилар.

ЖАМИЯТ

Ҳожи бобо илгари Истанбулдаги туркистонликлар култур жамиятига қатнашиб қўлларидан келган моддий-маънавий ёрдамни аямас эканлар. Кейинчалик Туркистон жамиятида ишбоши бўлиб турганларнинг кўрқлигидан жамият ишига аралашмай қўйган эди. 1955 йил бўлса керак, Туркистон жамиятида сайлов эди. Мажлис Охунбойнинг уйида, тўртинчи қаватда бўлмоқда. Ҳожи бобо:

– Мажлисга боринг, мен ҳам борамен, - деди.

Бордим, Ҳожи бобо тўртинчи қават бўлишига қарамай келдилар. Мен номзодимни кўрсатдим. Бир овоз олибман. Ўйлашимча, бу бир овозни ҳам Ҳожи бобо берган бўлсалар керак. Шунда Ҳожи бобо:

– Қори афанди, ҳали туркистонликларнинг бошидан фалокат аримабдур, хафа бўлманг, фалокат булути кетиб ҳам қолар, - дедилар.

Ҳожи қори эшон ҳақида кейинча Тошкентга борганимда “Ойдин” газетасида бир мақола эълон қилувдим. Яхшиси, ушбу мақолани ҳам қуйида кўчириб қўймоқчиман.

ОРОМ КУРСИ

Ҳожи ором курсида ўтирар эди. У курсий кичик бўлгани учун ноқулай ўлтирар эдилар. Мен ёнгок тахтасидан ишланган курси, аини пайтда оёқларини узатиб ўтирадиган ором курси, чўзилиб бирпас мизғиб оладиган ётоқ вазифасини ўтайдиган, шаклдан-шаклга ўзгартириб олса бўладиган, енгил, пишиқ курси сотиб олиб берувдим. Кўп мамнун бўлдилар. У киши ҳам менга, қори Афандига манзур бўладиган ҳадя берайин деб профессор Аҳмаджон Убайдан фитрат домланинг «Ҳинд истиқлолчилари» асарини ҳадя қилувдилар.

ТАВАККАЛ БОБУР

Мулла Таваккал Бобур билан танишиб, замон билан дўстлашиб қолдим. У киши Олмониядаги радиода ҳам ишлади. У киши Бўғоз (Босфорс) ичида Вангойда Кўшқда ўлтирар эди. Кўшкнинг гаражи ҳам бор эди. Гаражнинг усти салон эди. У ёқ-бу ёққа ўтган кемаларнинг одамларигача кўриб ўтирар эдилар. Айниқса, салонда бемалол ўтирган жойингизда қармоқ билан балиқ тутиб олиш мумкин эди. Таваккал Бобур зиёфатга айтиб қолди. Мен Аҳмад Чигатой, Абдулла Чигатой бўлиббордик. У ерда Холбой, дўхтир Соли, Эркинқўл, форс тилидаги доктурасини Техронда битириб келган адабиётчи Иброҳим Мутлу, Аҳмадхўжа шопир, уй соҳиби Таваккал Бобур гурунгда эканлар. Биз боргач меҳмонлар кўпайишиб, суҳбат яна қизиқ кетди. Доктор Соли Эркинқўл ҳар галгидек мактанчоқ, аравани куруқ олиб қочиб, ҳаммани оғзига қаратиб ўтирибди. Дастурхонга иссиқ-иссиқ балиқ икраси келиб турибди. Ўртада оқ-қизил вино бор. Винодан бир-икки қадах олинди. Сўз сиёсатдан адабиётга кўчди. Сўз айланиб-айланиб Мирза Абдулқодир Бедилга тўхтади. Мен:

– Мирзо ҳазратлари ҳиндистонлик бўлмаган ҳолда, бу қадар яхши форсча билишига қойилмен. Ёлғиз қувониш эмас, ҳамиша мамнун бўлиб юраман, - десам Саъдулла-Мутлу:

– У киши хиндистонлик эдилар, - деди. Абдулла Чигатой:

– Қори Афанди айтганидек, ўзбек бўлиши мумкин, чунки исмида мирзо қўшимчаси бор. Ҳиндистондаги мирзолар ўзларини мўғулданмиз деб юришади-ку, - деди.

Мен сўз олиб:

– Бедилнинг ҳаёти ҳақида бирор нарса ўқиганим йўқ. Девонида ўзбекмен деган ишора бор, - дедим. - Мен ўзимча ул ҳазратни ўзбек деб биламен десам, мана, девондаги биринчи байтга қаранглар:

Баавжи кибриё кас пахлуй,и, ажзаст роҳ анжо,
Сари мўйий ҳамшави бишкан кулоҳ онжо.

(Қанча баланд мартабага етма, камтарин бўл, шудир тўғри йўл,

Қанча тавозе била охиратда дўппини сўнг чамбарак қил.)

Мутлу кори Паҳлавий:

–Тасаввур қилинг, бу байтда ўзбекнинг ишораси йўқ. Улуғ мутасаввиф эканлиги маълум бўлиб турибди, - деди.

Мен Иброҳим Обид айтганларидек, у киши мутасаввуфдирлар деб биринчи шарҳни диний нуқтаи назардан бошлаб, фужро сурасидаги бир оятга асосландим дедим. Иккинчи шарҳни ижтимоий нуқтаи назардан бошлаб, «Дарики фаст бувад, метавонҳамида гузашт» мисрасига ўхшатиб туриб, ўзбек тилида ҳам Сўфи Оллоёр шу мавзунни қуйидагича ифодалаганлар дедим: “Даданг ердир, сен ҳам ердек қилик қил. Ёмонлик айлаганга яхшилик қил”, деганлар. Демокчименки, Бедил талқинига амал қилган киши икки жаҳонда сарпироз бўлгай. Энди келайлик у кишининг ўзбеклигига. Мисрани миллий нуқтаи назардан шарт қилдим. Дунёда дўппиларнинг, қулобларнинг, қалпоқларнинг тури кўп. Буларнинг ҳеч бири синмайди, синиб тузалиш қобилияти йўқ. Айниқса, у дўппиларда (қулоҳ) киши кайфи чоғлигида синдириб кайфини ифодалаш зиёфати йўқ. Расм ҳам эмас, ўнг-сўлга майл қилдириб кийилади. Пешона томон ёхуд орқа томон майл қилдириб

кийилади. Бошқа турли мумкин эмас. Бошқа ибора билан айтилганда, у кулоҳларда кийшиқ кийиб завқини ифодалай олади. Кулоҳини синдириб туриб кайфи чоғликни ифодалаш мумкин эмас.

Дунёдаги ҳар қандай кулоҳни синдириб туриб хурсандчиликни билдирган бирор кўриниш йўқ. Бедил бироз тавозелик бўлсанг, эгилувчан бўлсанг оқибатда манунликдан кулоҳингни синдирасан (бишкан кулоҳ демокда) дейишим билан ичкари уйдан мулла Таваккал Бобур эғнида яқтак, оёғида этик, елкасида пиёзий чакман эшилиб ташланган. Бошида жияги қайрилган ўзбек дўпписи, чикиб майдонни айланиб:

– Жўра қори шундай тасвирлаяпти. Мен Жўра қорининг сафидамен, - деди.

– Шундай кўринишни Бедил ўз улусдошларининг орасида мушоҳада қилмаган бўлса, қаердан билган, кулол кўринишини олиб, шеърда тасвирлаган, - дедим.

Абдулла Чигатой беҳосдан чапак чалиб, аҳволни олқишлаб юборди. Дўхтир Соли ҳамон кибр отида туриб:

– Сўнг замонларда Туркияга Саудий Арабистондан, Покистондан кўчманлар келди, булар орасида у ерларнинг културидан таъсирланиб, ҳилма-хил културга кириб кетган ватандошларимиз ҳам келди. Айниқса, сиёсий-диний назариядаги оқимлар бор. Эҳтиёт бўлмоғимиз керак, - деди.

Саъдулла Мутлу:

– Тоғабий (ака), изингиздамиз, уларга қарши кўрашишингизда амр этармиз, - деди.

Аҳмадхўжа ўрнидан туриб:

– Жўра қори, сиз буюқларимизга, миллатчиларимизга ҳужум қилмоқдасиз. Буларнинг орқасида биз бор, ҳукумат бор, - деди. Мулла Таваккал Бобир:

– Тўхтанглар, сўз навбати менда, – деб гап бошлади. – Ўлтиришимизда яхши сўзлар бўлди. Гўзал гурунлар бўлиб ўтди, энди ижозат берсаларинг филмни ўзгартирамиз. Жўра қорининг отелида Сарижаҳоним исмли машҳур мақомчи ашулачи бор. Қори кассетасини олиб келибди. Эшитайлик, - деди-да, кассета қўйиб юборди.

МУБОРАК СОҒАР

Ҳиндистонда 1920 йилларда инглиз тили ва адабиёти-ни билган машҳур социалист Муборак Соғар Жиддадан Беруд орқали Истанбулга келмоқда экан. Мен йўқ эдим. Идора уларга жой берибдур. Меҳмоннинг паспортига қарасам, оти Муборак Соғар, оз соқоли бор. Паспортни Бежингдан олибдур. Эсладим, Карачида Муборак Соғар деган социалист бор эди. Мен уни бир-икки бор митингда узокдан кўрган эдим. Соқоли йўқ эди. «Социалист» газетасининг соҳиби, мудир эди. Мен у киши ҳақида юқоридаги маълумотни газетанинг секретари, танишим Махдум Сафдардан эшитган эдим. Ажабо, ўша муборак Соғарми ёки бу бошқа Муборак Соғармикин? – деб хайратланиб ўтирсам Муборак Соғар офисга кириб келди. Яхши кутиб олдим.

– Жаноб, мен яна бир Муборак Соғарни Карачида узокдан кўрган эдим. Сиз қайси Муборак Соғарсиз? – деб сўрадим. У дедики:

– Дунёда бита Муборак Соғар бор, ана шу Муборак Соғар менман. Мен у кишининг «Социалист» газетасини ўкиб турганимни Махдум Сафта билан танишувимни айтдим. Меҳмон мамнун бўлди. Чет элга қилаётган саёҳати ҳақида гапириб берди. Тошкентга боргани, муфтий Эшон бобо Ҳонуф билан учрашгани, у билан расмларга тушгани, Хитой, Саудия Арабистонига боргани, келатуриб Маҳмаджон ошпаз билан танишиб қолганини ҳикоя қилиб, Ўзбекистон саёҳатидан кўринишлар, муфтий Эшон Бобохонов билан учрашган расмларини кўрсатиб ўлтирувди. Маҳмаджон ошпаз кириб келди. Бир-икки ватандошлар ҳам суратларни кўришаётувди. Маҳмаджон ошпазнинг ранги-кути ўчиб менга:

– Бу одамнинг бунақалигини билмовдим. Шунчаки йўлда танишиб қолувдим. Ёмон одам экан-ку, меҳмонхонадан чиқариб юборинг, – деди. Ўзи эса, кўрқиб кетганидан, ўша кунийёқ отелдан айрилди. Бу воқеага уч кун бўлувди. Меҳмонхонага доктор Соҳиб билан Ғолиб подшо кутубхонасининг мудир адабиётчи Саъдулла му-трулар кириб келди. Доктор Соҳиб:

– Отелга Покистондан келган социалист бор эмиш. Уни ҳамон отелдан чиқариб юборинг, - деди.

– Биз отелчилар ким келса шоҳу гадолигига қарамай, жой берамиз. Паспортининг юзидан хуриятини ёзиб келган кунёқ эртасига соат тўққизда сиёсий шўъбага бериб қўямиз. У ёғи уларга ҳавола. Меҳмонлигию музожлиги бизга оид бўлиб қолаверади. Шунинг учун у киши бизга меҳмон, отелдан чиқариб юборишнинг ҳожати йўқ, - дедим.

– Оқибат яхши бўлмайди, сиз бу мамлакатга янги келдингиз. Ҳукумат сиёсатидан ҳали хабарингиз йўқ, - деб тажанг бўлиб чиқиб кетди. Шу воқеадан кейин улар отелга «Туркистон» исмини қўйиш яхши эмас. Бу исмни кўриб зарарли сиёсатчилар, айниқса чет элликлар келадиган бўлиб қолади. Фожеанинг олдини олиш керак деб, шовшув қилиб юришди. Аҳамият бермадим. Муборак Соғани Туркиянинг озодлик байрами кўринишига олиб чиқдим. Қарасам, одам жуда кўп. Бир полиснинг олдига бориб:

– Бу ернинг тартибини сақлаб турган киши ким? – дедим.

Кўрсатди биттасини, каттаконга бориб:

– Шунақа журналист меҳмоним бор. Бир жой тайин қилишингиз мумкин эмасми? - дедим.

У “бир дақиқа” деди. Кетди-да, у ёқда ким биландир маслаҳатлашиб қайтиб келди. Биз билан юринглар деди. Ердан тепага қараб олтинчи коридорда иккита жойни бизга кўрсатди. “Шу ерда ўтиринглар деди. Бирпас ўтирувдик, у одам келиб бизга бу ёққа юринглар” деб ишора қилиб қолди. Ичимда дедимки, «пушаймон бўлганга ўхшайди улар, яхши иш бўлмади» деб хавотирландим. Пастга тушиб келдим. Билсам, у ердаги иккита, жуда қулай жойга ўрнатилган курсилар Туркиянинг гарнизон қўмондонига ва Истанбул ворисига атаб қўйилган экан. Улар эса, креслода ўтирмай, бир метр нарироқда тик оёқда туриб кўрик саломини қабул қилиб туришаркан. То Озодлик байрами маросими тугагунча уларга тегишли бўлган бўш ўриндикда биз ўтирдик. Маза қилиб байрамни томоша қилдик. Меҳмон ҳам мамнун қолди. Афсуски, шундай

ажойиб социалист бўлсада диндор намоз ўқийдиган социалист эди. Муборак Соғар саёхатларидан қайтиб ўз юрти Покистонга борганида Покистон ҳукумати унинг социалистлигини кўролмабди. Ахийри, генерал Аюбхон ҳукми билан дорга осиб юборишди. Кўп яхши, олий маданиятли инсон эди. Ҳеч эсимдан чикмай, афсус қилиб юрамен.

ТАБЛИҲЧИЛАР

Покистондан диний жамият аъзолари келиб қолди. Истанбулга келишганда полислар “Тил билмас экансизлар, Туркистон отелига боринглар, сизнинг тилингизни ўша ерда билишади” - деб менга юборишибди. Қабул қилиб олдим. Улар дейишдики:

— Биз Туркияга келиб, диний мавзуларда жоме масжидларда комфарон бермоқчи эдик. Бизга Одинада, Анқарада ҳам ижозат берилмади, - деб афсус билдиришди. Ислом мамлакати бўлса-ю, ислом назариясида маъруза қилолмасак қандай бўлди?

— Сабр қилинглар, волий ҳазратлари Италияга кетганлар. Келсинлар, мен у киши билан учрашиб, сизларга ижозат олиб бераман, - дедим. Ўша даврда профессор Фахриддин Карим Кўкай Истанбул вориси эди. Меҳмонларни олиб вилоят юқори мақомига чиқдим. Ташрифот мудирини Камолбекка учрадим.

— Меҳмонларим бор, Волийбек билан учрашмоқчимиз, - дедим.

— Рухсатномангиз борми? - деди.

— Рухсатнома олиш учун вақт керак бўлади, уларда вақт йўқ эди, - дедим мен.

Югуриб ичкарига кириб кетди. Чиқиб дедикки:

— Волий ҳазратлари бир ўтиришни идора қилаётган эканлар, ўн минутда чиқиб кўришайин, агар кўпроқ вақт керак бўлса, унда алоҳида вақт тайин қиламиз. Ҳозир сизни қабул қилади, - деди. Бироздан сўнг волий қабул қилдилар.

— Хуш келибсизлар, — деди Волийбек. — Мамнун бўлдим, хизматларингиз нима эди? — деди.

– Булар диний мавзуда маъруза қилишмоқчи экан. Одина, Анқара шаҳарларида ижозати берилмабди. Нетайин, Истанбулда ҳам муфтийга учрашган экан, бу ерда ҳам ижозат берилмабди. Сизнинг хузурингизга тушунтирмоқ учун олиб келдим, - дедим мен.

– Нима мавзуда маъруза қилишаркан? - сўради Волий. Мен:

– Қуръондан Кунтум, Хайра, Умматин, Ухрижад, Тамруруна, Билмаъруфи, Ватанхона, Анинмулкар шу доирада гапиришаркан, десам, Волий хазратлари арабча билар эканлар. Ҳамон фаҳмладилар-да:

– Бундай мавзуларни биз Анқарадан сўраб, кейин жавоб берамиз. Меҳмонлар қаерга тушишган? - деди.

– Менинг Отелимга, «Туркистон» отелига, - дедим.

– Мен сизга ўзим хабар йўллайман, - деди Волий. Сўнг барчамизга биттадан Истанбул суратлари туширилган албомни ҳадя қилди. Ўша даврда бизни қабул қилган волийнинг исми академик, профессор Фахриддин Бўкой эди. Шу куни кечқурун соат бешларда хабар келди. «Эртага муфтийликка боришсин. Катта жоме масжидларда, қайси соатда маъруза қилишлари учун рухсатнома берилади», деган мазмунда мактуб келди. Булар маърузаларини беришди. Шу маърузаларда булар билан танишиб, дўстлашиб қолган Муҳабилло исмли бир турк ватандошини булар Покистонга меҳмон қилиб олиб кетишмоқчи бўлишди. У даврда қонуний бир сабаби бўлмаса ҳеч ким ҳорижга чиқа олмасди. Мен дафтардор ҳонимга кўнғирок қилиб аҳволни тушунтирдим.

– Афанди, меҳмонларни менинг хузуримга юборинг, - деди у хоним. У хоним меҳмонларни яхши қабул қилиб, полис мақомларига турк ватандоши Ҳожи Муҳабиллога паспорт беришлари учун таълимот берибдур. Паспорт тайёр бўлиб келгунича меҳмонларга пешинлик емак зиёфатини бериб, паспорт тайёр бўлиб келганидан кейин паспортни қўлларига топширибди. Мамнун бўлиб келишди. Кейинчалик мен Покистонга борганимда улар академик олим Юсуф афанди билан мени таништириб, кўпчиликнинг ичида воқеани баён қилдилар.

ЗАККИ ВАЛИДИЙ

Академик профессор Аҳмад Закирий Валидий Тўғон билан танишиб, дўстлашиб қолдим. У киши 120 тадан ортиқроқ асар соҳиби, 14 тил билган халқаро комендант олим эди. Заккий домлани Вали Қажумхон чаласавод мафқўрадошлари атайлаб рус одами Толстойчи деб қоралаб халқдан ажратиб қўйишган эди. Закки Валидийнинг бутун умри ўрта осиеликлар орасида бўлишига қарамай, Ўрта Осиё ҳақида ёзган тарихий асарларига қарамай, афрўз қилиб қўйишган эди. Шунинг учун ул ҳазрат мен билан иноклашиб ора-сирада отелимга келар эди. Мени университетга чакирарди. Чет элга чиқаётганимда, қайтиб келганида илмий сафари ҳақида гапириб берарди. У киши Хорворт университетига бир йил муддат ичида маъруза бергани кетганида унинг хоними Жамилахоним «Қиш совук, кўмиримиз тугаб қолди», деб телефон қилди. Мен бир юк машинасида кўмир тушириб бердим. Заккибек Америкадан қайтиб келганида хоними унга:

– Жўра қорининг яхшилигини ҳаёт бўйи унутмайман, бу укамга ташаккур қилиб юришни ўзимга вазифа қилиб олганман, – деди. Мен ҳам уларни ҳурмат қилиб, ора-сира уйларига ҳам бориб қўяр эдим. Шундай ўтиришларнинг бирида Закки Валидий сўраб қолдилар.

– Жўра қори, Одинадагилардан не хабар?

Мен қуйидаги ҳикояни бошладим:

– Анқарадан академик Пўлат Юсуф Сайидали (асли тошкентнинг Октепасидан), профессор Сайидали Анқара Одинага келиб бир отелга тушиб, мен билан кнпришдилар. Юртдошлар билан учрашиб, ахволлашиб келайин деб келдим, деди. Отелда бўлганингиз учун юртдошларнинг сизга улашмоғи кийинку. Яхшиси маҳалладан жой тайин қилайлик, деб отелдан маҳаллага Эрка қорининг уйига олиб келдик. Оқшомги емақдан сўнг Сайидали домла гурунг қилиб берардилар. Сухбат ҳар оқшом икки-уч соат давом этарди. Сайидали домла сухбатларида кўпроқ атомдан, электрондан юқори поғонадаги аниқ фанлардан гапирардилар. Ватандошлар орасида маҳмадонаси мен

эдим. Тушунадигани ҳам мен эдим. Сайидали домланинг атом ҳақидаги гапларига тушунолмадим. Илмим озлик қилди. Ораси-сирада озгина-озгина тушунгандек бўлдим. Сайидали домла дедик, инсон умри замон билан узая-узая мингга минг ёшга боради. Келажакдаги инсонлар ёши минггача кўтарилиб боради, дедилар. Мен Таксир у қандай укув бўлади, десам, ўлимнинг сабаби борми, дедилар. Ҳа, десам, инсон ақлу заковати ўсган сари, ана ўша сабабларни ўртадан кўтариб ташлайди. Натижада, умр мингга боради дедилар. Бир ҳафта қолдилар-да, Анқарага кузатиб қўйдик.

Яна бир ҳафта ўтгач, Саудия Арабистонидан миллионерлар, асли марғилонлик Мухсинжон, наманганлик Абдулҳодий қори келиб қолишди. Абдулла Қуёшнинг зиёфатида Абдулла Қуёш инсоннинг умри минг ёшгача борар экан, деди. Саудиядан келган меҳмонлар тавба-тавба, деб бундай гапларни қилмаслик керак. Имонга путур етади дейишди. Ўтирганлар гапга қўшилиб ғала-ғовур фикр тортишуви бўлиб кетди. Шу онда қорасувлик Муллажон Шайтон шошманглар-шошманглар, деди. Бу тортишув анови кунги профессор ҳақида боряптими? — деди. Мен ихлос билан шомдан хуфтонгача тўрт кун чиқиб гапларини диққат билан эшитдим. Аммо ҳеч нарсани тушунмадим. “Эй, профессор, маст экансан, тўк экансан” деб суҳбатини ташлаб чиқиб кетдим деди. Ҳамма кулиб юборди, деб ҳикоямни тугатдим.

Нажмия хоним (Закибекнинг хотини) ҳам француз тилидан дарс берадиган катта бир мактабда ўқитувчи эди.

— Жўра қори, Сайидали профессор эмас, ўша Муллажон Шайтон деган ватандош профессор экан, — деб қулдилар.

МАРСИН

Марсиндан келган Юсуф қори:

— Ўн тўрт йил илгари Заки Валидий тўғоннинг Амир Темур ҳақидаги бир мақоласини газетада ўқиб қойил қолганман. Шундан бери олимни яқиндан бир кўрсам де-

ган орзуим бор. Бир кўриш мумкинми? - деб қолди.

Яна Одинадан келган Сиддиқ полвон ҳам:

– Илтимос, мумкин бўлиб қолса, мени ҳам бирга олиб бординглар, - деди.

Закки Валидийнинг Кучукёлидаги уй телефонига қўнғироқ қилиб:

– Бир-иккита ватандош Онадўлугдан келган, сизни зиёрат қилмоқчи. Иккови ҳам марғилонлик ўртаҳол одамлар, - дедим.

– Эртага соат ўнбирларда адабиёт – тарих факультети-га олиб кел, кутаман, - деди.

Эртаси хузурига бордим, бир киши ёнида ўтирган эди.

– Булар қуролдошим, зиёратга келишибди, - дедим унга.

Меҳмонни бизга танитди. Будапешт университети-нинг профессори экан. Шу онда профессор Жалолиддин Тунгон кириб келди. Оёқда болакайдай туриб адабиёт, тарихий бир нарсани сўраб чиқиб кетди (профессор Жалолиддин бир неча кун отелда қолган эди) Закки Валидий сўз олиб, Марғилон тарихидан, Марғилонга неча маротаба боргани, кимникида қолганини, ҳеч Марғилон мавзудан чиқмаган ҳолда ҳикоя қилди. Мажористонлик профессор:

– Ҳидоя Шарифнинг соҳиби Имом Ҳидоятулло хазратларининг шаҳарларини бир кўрсам деган орзуим бор эди. Шукр, Марғилонни кўрмасам-да, марғилонлик жанобларни кўришга мушарраф бўлдим, - деди.

РЎЗИМАТ

Япония малайи бўлганлар, Бухоро халқ жумҳурияти-нинг раиси Усмонхўжа Султон Бахтиёрий, Мўминжон Марғилонийлар қилаётган ишлари фош бўлгач, қочиб Ҳиндистонга ўтиб, у ердан Усмонхўжа Истанбулга, Султон Бахтиёрий Саудия Арабистонига ўтиб кетадилар. Мўминжон Муллажоннинг ўғли Аҳмаджон эса, Бумбайда қолади. Қобул ҳукумати шу масалада иштироклар-и бўлгани учун Маҳмуд Ойқорли (Баҳром Иброҳимов

кўконлик Муса қори Рўзиматни қўлга оладилар. Рўзимат тўккиз йил Демазанг камокхонасида ётади. Рўзимат Шермат кўрбошининг уйига бориб келиб юриб, дўстлашиб қолган эди. Туркиялик Хафизахонимникида ошпаз бўлиб ишлардим, ошиқ бир киши эди. Бир туш пайти бекнинг томида қор кўраб туриб, Муқимий ғазали билан «Кўча боғи» куйида айтаётган «Кўз дегани шахло бўлурми бунча ҳам» мисраси ёдимда қолибдур. Рўзимат Истанбулда тилла сотиб умригузаронлик қилар эди. Рўзиматга ўхшаган мосуволар эсимдан чикмайди. Пила (тўр халта) иши топилгунча Одиназар келганида унга, Олимжон Мирпўстинга оз-моз пул ёрдами қилиб турганмен. Бу гал уни Закки домлага таништириб қўйдим. Ҳафтада бир бор домланинг боғчасига бориб боғ ишларида ёрдам бериб келардим. Домланинг “Доғу или турклари” исмли жамиятидаги хонага қараб, ўша ерда ётиб юрди. Гоҳ-гоҳ хабар олгани борар эдим. Доктор Иқболнинг Асрори ҳудий, Рубузи беҳудий исмли асарларини ўқиб билганимча тушуниб ўзига тасалли бериб юрар эди. Бир куни Рўзимат Асрори ҳудудийдан рўза калимасини менга ўқиб бериб:

– Мана, қори, қаранг, Иқбол мени ҳам асарида тилга олибдур, - деган эди. Кўп ачиндим. Бир қанча ватандошимиз мусофират қаттиқчилигига чидаёлмай, тўлиқжинни ёки яримжинни бўлиб юришарди. Ана шулардан бири бечора Рўзимат. У бечора академик профессор Закки Валидийни Заккий деб гапирар эди. Заккий ундай деди, Заккий бундай деди деса ҳайрон бўлардим. Рўзимат ёз кунлари «Гулхона» аркига соат бешдан бориб, жой олиб ўлтириб, мақомчи хонимларнинг мақом (турк санъати музейи) йўлидаги ашулаларини эшитиб, кафти қизариб кетгунча чапак чалиб ўлтирар эди. Артистлар халққа қараб жилва қилса, менга қияпти деб ўйлаб, яна жўшиб кетарди бечора. Рўзимат акани ҳар куни кўрган артистлар ҳам Рўзимат акага қараб аҳволни кўриб гоҳо-гоҳо унга илтифот кўрсатиб ҳам қўйишар экан. Онадўлидан - чет элдан Истанбулга келса, юқорида айтганимдек, ватандошлар менинг отелимга тушадиган бўлиб қолишувди. Онадўлидан келган ватандошим кўпинча иш истаб келишарди. Мен

хам аҳволимни ҳисобга олиб иш топгунча ёки қайтиб кетгунча ётоқ хужрасини олмас эдим. Шунинг учун, қачон қарасангиз, ун-ун бешта бечоралар вақтинчалик ижара пули тўламай туришарди. Саудия Арабистонидан келганлар ичида касали бўлса, ҳамон касалхонага ётқизиб, хабардор бўлиб турардим. Истанбул ичида ҳам камбағал ватандошларга ғамхўрлик кўсатиб турардим. Жумладан, ҳеч эсимдан чиқмайди, бир уйғур ватандош кўча дарвозада туриб олиб, ўзи мени танимайди, кимдир адрес берган бўлиши керак.

– Қори афанди, Қори афанди, - деб чақириб қолди.

Барваста қомат, эллик ёшларда бор.

– Қани, ичкари кирайлик, - дедим.

– Йўк, ревматизмим бор, йўлакдаги мрамар тошлардан ўтолмай шу ерда қолдим, сизга хизматим бор. Касалхонага ётмоқчиман, менда туради деб бир парча қоғоз ёзиб, муҳрлаб беринг. Шунақа, қоғозсиз касалхонага олмас экан, - деди.

– Хўп бўлади, – деб дарров бир белги ҳозирлаб бердим.

СУЛАЙМОН БОЙВАЧЧА

Нонвой Сулаймон бойвачча Мадинадан келиб қолди. Ўзганлик. Қашқар инқилобида иштирок этган, кўпни кўрган бамаъни одам. Ўзганча ашулани яхши айтаркан. Отелдаги ватандошлар билан маза қилиб эшитардик. Бир неча кундан сўнг жарроҳ Подшо хастахонасига ётқиздик. Бу ҳаракатимда Дилбаристон хонимнинг ёрдами бўлди. Дилбаристон хоним Эранкўйда ўлтирар эди. Тўлик исми Дилбаристон Устундол. Аристократтабиат, чиройли, бадавлат хоним афанди эди. Миллий мужозила даврида кўлига тўппонча олиб, бир маҳалланинг тинчини кўриклаб турган хоним.

ПОЛИС

Полис идораси мени яхши танир эди. Аҳлоқимга ишонарди. Кечаси кемада, поездда сарсон – уйдан Истанбулга

келиб адашиб колган аёлларни, кизларни полис идорасида саклаш мумкин эмас экан. Якди Амин (ишончли кўлга) омонат бериб турар эканлар. Полис идораси шундай кизларни менга топшириб кетар эди. Полис идорасида эътиборим бор эди. Ватандошларимнинг анча-мунча чигал ишлари бўлиб қолса орага тушардим. Кечаси соат иккида Жиддада ўтирадиган Амрилло Самаркандий (Шукруллонинг отаси, Саъдуллонинг укаси) телефон қилиб қолди.

– Бейўғлуда, палон кўчада, палон исмли болхонада мени ушлаб қолишди, ёрдамга келинг, - деди.

Ҳамон такси тутиб бордим. Амрилло ака маст, борхонадан қарздор. Қарзингни бериб кет деб борхона ушлаб турибдур. Қарзини бериб отелга олиб келдим. У киши деди:

– Токи мо хастим дунё саломат бошад,
Токи монейстим дунё кунад ҳар чи дона.

ҚОЗОҚ

Мамадбек қозоқ ҳозир Стокгольмда яшамоқда.

– Ака, бир турк қизини яхши кўриб қолдим. Ота-онасидан сўрасам, қозоққа қизимизни бермаймиз, дебдур, - деб қолди.

– Қиз нима дейди? - дедим мен.

– Мени яхши кўради, - деди.

– Қизни олиб, ҳеч кимга сир бермай, баробар келинлар. Адлияга, полис идорасига бориб, қизни сенга никоҳ қилиб кўямиз. Отелимда бир ҳафта қолинглар. У ёғини полис билан маслаҳат қилишиб кўрамиз, - дедим.

Шундай бўлиб тинчиб кетди.

МОҲТОБ КЕЧАСИ

Истанбулда ҳар қайси ташкилот ора-сирада кеча ташкил қиларди. Шунингдек, полис ташкилоти ҳам. Моҳтоб кечаси ойнинг (денгизда сайр қилиш, одатда, минг кишилик туристик кема билан кеч соат олтидан бошлаб бўғоз ичига олдин Онадўгу хисорига борарди. У ердан

бўғознинг чап томонига ўтиб, Рум эли хисоридан оҳиста, секин юриб, Дўлма боғча олдидан ўтиб, Хоботош ёнига келарди. Йўл-йўлакай орзу этганлар учун турк ошпазлигини кўз-кўз қилиб, турли-туман емаклар бор, хўл-курук мевалар мўл. Билетининг баҳоси ҳам эллик фут лираси (у замонда беш сўмлик олтин баҳосида). Менга икки адад билет юборишар эди. Мен бирорта насиб этган ватандошимни бирга олиб борар эдим. Бир гал отел махдум (қўқонлик Лутфулла махдум) гапларига кўра, уни Отел Махдум деб лакаб қўйишган эди. У кишининг Отел Махдум демаса ҳеч ким танимасди. Негаки, сўзи қўпол бир одам эди. Сўзида маъно йўқ.

Кема яна секин-секин ҳаракат қилиб, Мармар денгизи оролларига қараб йўл олар эди. Ашулачилар ўз маҳоратларини кўрсатса, гўзал раккосалар бир-биридан ўтадиган рақс билан кеманинг ичини тўйхонага айлантириб юборар эдилар. Ҳар машраб одамга хос кўчалар ҳам бўлар эди. Адабиётдан, шеъриятидан завқ оладиган ошиқлар учун сокин кўчалар мавжуд. Кема бир-бир оролларни сайр қилдиргач, яна секин-секин келган йўлидан қайтиб, кеча бўйи хуноб бўлган меҳмонларни сахар олтиларда Эминину портига келиб туширар эди.

КЕЧАЛАР

Туркистонийлар ҳашаматли кечалар ҳам тартиб қилар эди. Ҳар гал кеча тартибланганида жамият қизларидан Олия, Тўлиной билан билет сотмоқ учун отелга келсалар, иккитадан оз эмас, айрим замонларда тўртта билет олиб, учтасини Такиядаги имконияти йўқ ватандошларга берар эдим. Жумладан, узоқ Шарқ ресторанидаги зиёфатда ўзбек, уйғур, козок, туркман, қирғиз, барча ватандошларимни таклиф қилдим. 300 дан зиёд меҳмон бор эди. Миллионер Охунбой, Ходи эшонлар ёшларининг улуғлигига қарамай келдилар. Такиядаги ватандошларимнинг ҳаммаси келишди. Демок иштайманки, ҳар бир ватандошимнинг бошим устида, кўнглим тубида ери бор эди.

ОТАХОН АКА

Асли яссалик олий диний таҳсилини Бухорода олган, узун бўйли солиқли йигитлардек соғлом, эллик беш ёшлардаги серҳаракат одам эди. Такияда ўлтирар эди. Миср чоршисида тарихий арабча ёзувлари бор қабрларнинг ёнида серкатнов йўлдан ўзига бир арикни марказ қилиб олибдур. Курси қўйиб ўтиргани яна бир меҳмонига ҳам жой етарли. Қордан, ёмғирдан, офтобдан, совуқдан қўрийдиган жойда тароқ сотар эдим. Одамлар савлатли коматини, нуроний соқолини қўриб, ихлос билан тароғини олар эди. Тароқ баҳоси бир лира бўлса, икки яримлик лира бериб кетар эдилар. Тароқ баҳоси икки ярим лиралик бўлса, одам беш лира бериб кетаверар эди. Айникса, ёш жувонлар, қизлар у кишидан ихлос билан тароқ олишар эди. Ўзи кўчада ўтириб тароқ қилса ҳам, миллионер бўлиб кетганди. Ўша даврда бир инглиз отини юз лира баҳосида бўлса, йигирмата тароқ сотса бир олтин бўлган. Тароқлари тез-тез сотиларди. Ўзбек ватандошлар бу ердан ўтиб қолса илтифот кўрсатиб кичик котлетлар бериб, қабрларнинг тарихини, кимга оид эканини ўқиб бериб, гўё ўзича улуғ иш қилгандек кўринишига ҳайрон бўлардим. Ҳафсаласига қойил қорлардим. У киши отелим бор кўчадан сахар соат олтида ўтиб кетар, нонуштасини нонуштахонада қилиб, Янги жомеда пешин намозини ўқиб, Нурий Усмон жомесининг ёнидаги ошхоналарнинг бирида овқатини еб, Қаполичорсига кириб, бир неча ватандошлар билан аҳволлашиб, Ўружийлар саройига бориб, хожи Ходий эшон билан ҳол-аҳвол сўрашиб, Маҳмуд подшо йўлидан юриб, ўзининг дўконнамо жойига борар эди. Шом намозини Янги жомеда ўқиб, Нуру Усмонияда емагини еб, ўз уйига ўта туриб, кўчадан туриб ичкарига кирмай дарвозадан «Жўра қори, Жўра қори» деб чақирарди. Олдига чиқар эдим. Дарахтнинг тагига бориб, худди бировдан гап яширгандай, сирли сўзи бордай қиладиган гапи:

– Жўра қори, тинчимисиз? Бугун Одинадан палончи келди, палончи Оқшаҳарга кетди. Маккадан палончи келди, палончи Мадинага кетди». Ҳа, айтганча, Шайтон учта

эди, Мусажон шайтон, Муллажон шайтон, Ёқуб шайтон. Энди туртта бўлиб қолибди-ку. Султон Шайтон ҳам бор экан, хабарингиз борми? - деб сўрарди.

Ҳар куни шунақа кераксиз гаплар. Пировардида:

– Бўпти, кори, Туркистон Туркистон бўлади, мамлакат овоз бўлади. Таълим-тарбия мудири ўзинг бўласан, бир қўлингда қуръон, бир қўлингда қилич бўлади. Омин облоху Акбар, хайр энди, эртагача, - деб жўнаб қолади.

Эртаси окшом яна шунга ўхшаш сўзлар. Оминдан тортиб бошлаган жумла ҳар куни такрор қилинар эди. Демок истаيمانки, шундай иши, кучи ерида одам ҳам яримжинни эди.

АҲМАДЖОН

Туркистонликларнинг қирғезинчиси бор эди. Мен ишим бўлгани учун чиқолмовдим. Тошкентлик Аҳмад Чигатой билан асли ўшлик Саломий Андижон қирғезинчисида уришиб қолибдур. Аҳмаджон Чигатой яхши муштлашарди. Саломийнинг жағига бир мушт туширган экан, Саломийнинг жағи тушиб қолибди. Ҳамон тез ёрдам чақирилади-ю, жағи жойига қўйилади. Саломий билан Аҳмаджонни яраштириб бўлмайди. Аҳмаджонни қочириб юборишади. Шаҳарга келингандан кейин ҳам жанжал давом этади. Саломий бир-иккита шопир танишлари билан Аҳмаджоннинг пайига тушади. Аҳмаджон менга қочиб келди. Отелнинг учинчи қаватидан жой бериб, яшириб қўйдим. Шопирлар Саломий кўчада Аҳмаджонни қўлга туширмоқ учун гир айланиб юришибди. Аҳмаджон икки кун меникида қолди. Сўнгра Саломийни чақиртириб келиб яраштириб қўйдим. Боязитда Ёқубжон шайтон билан кетатурувдим, рўпарамиздан миллионер савдогар Каримбек Уйғур чиқиб қолди. Каримбек:

– Жанжал битмай қувди-қувди бўлиб юрибдику-ю, нима бўлади энди? - деди.

Ёқубжон шайтон:

– Жўра кори яраштириб қўйди, - деди.

Каримжон:

– Қандай мумкин бўлди? – деб сўрагани, Ёқубжон шайтон эгилиб оёғимни ушламоқчи бўлди.

Мен:

– Эй Обид, нима қилмоқчисиз? - дедим.

АБДУЛЛО РАЖАБ

Бойсунлик Абдулло Ражаб Бойсун Истанбулнинг Нури усмония жомесининг хонасида мудир эди. Ерликлардан уйланган хоними ўқитувчи эди. Мулла Бойсун турк тилида шарҳи Бухоро номида бир китоб ёзди. Оғир бошли, ўйчан одам кўринди, гурунглашиб одамнинг ички дунёсини ўргангим келмади. Ҳожи Эшон ватан озодлиги учун чет элга чикиб кўрашамен, деб тинч ҳаётини ташлаб келган фидойилардан бири деган эдилар.

НОФИЗБЕК

Бухоролик Нофизбек тарсусда ўлтирар эди. Ерлик турклардан хоними бор эди. Болалари турклашган, мулла Нофизбекнинг «Бухоро тарихи» исмли туркча асари бор. Маданиятли одам. Асли марғилонлик Юсуф қори билан мени зиёфатга уйига таклиф қилди. Дастурхон анча турли ёзилган, ўртада рақи (арак), ковокли дара (қизил вино) қўйилган. Рақи ичмаслигимни билар эди, шунинг учун дастурхонга қизил вино қўйибдур. Сухбати ширин. Гурунги гўзал одам эди. Яхши ўлтирувдик, шахрихонлик Қозокбой келиб қолди. Қозокбойнинг от-араваси бор. Ватан деса жонини бергувчи йигит. Нофизбек қадахга рақи қўйиб Қозокбойга узатди. Қозокбой:

– Узр, олмайман, онт ичиб қўйганмен. Мен стаканимга сув қуйиб қўяй, кейин сизлар билан қадахни уриштиравераман, - деди. Нофизбек нарироқда турган бошқа бир суроҳийнийга ишора қилиб:

– Ана, қуйиб олинг, - деди.

Қозокбой стаканини суроҳийнинг олдига олиб бориб, сув тўлдириб келди.

– Ана, айрон ичинг бўлмаса, – деди Нофизбек. Қозокбой бироз айрон ичди. Бирпасдан кейин қани-қани

килиниб, арак қуйилди. Қозокбой стаканини кўтариб сувдан бир стакан олди.

– Ий-й, - деди Нофизбек, - йигит сўзидан, арслон изидан қайтмайди деган гап бор.

– Олдим-олдим, энди қайтариб қуйиш тўғри эмас, айтганингиздек, - Қозокбой шундай деб стаканни симириб ичиб юборди. У сирожийда сув эмас, тўлдирилган рақа экан. Бирпас ўтар-ўтмас Қозокбой «Бека мени ётқизиб қўйинг» деди. Нофизбек Қозокбойни рўпарадаги диванга ётқизиб қўйди. Қозокбой:

– Эй Жўра қори, бир соатдан бери ичяпсан, маст бўлмайсан. Ичиш мана бунақа бўлади, - дедию уйкуга кетди.

ДОКТОР НАИМ

Асли бухоролик, Файзулло хўжа даврида талаба бўлиб Истанбулга келиб, Олмонияга бориб, иккинчи жаҳон урушидан қайтиб, Истанбулга келиб, давлат хизматига кирган, 1955 йилда Истанбул тижорат палатасига мудир бўлган. Бир куни сиркажига тушиб тўртинчи саройдаги у кишининг идорасига кирсам, ўзи йўқ. Майсанинг устида иккита корд бор. Бирида Бухоро халқ жумҳуриятининг собиқ раиси Усмонхўжа, яна бирига қарасам, Шарқий Туркистон ҳукуматининг собиқ бош секретари Нисо Юсуф Олиф-таки. Мен ҳам визиткамни чиқариб: «Осмондаги юлдуз бўлгунча, ерда бир тутам ўтин бўлиб, камбағалнинг қозонини қайнатмок яхшидур. Элу улус қўйида оёғи қуйган жўжадек югуриб юрган Жўра Бўтакўз», деб ёзиб қўйиб келдим. Доктор Наим асли миллатлар федерациясининг раиси эди. Юқори идорада тургани учун анча-мунча иш ҳам қўлидан келарди. Федерацияга юқоридан идора учун бино таъсис қилдирди. Касал ватандошларини касалхонага, кимсасиз, муруватга мухтожларнинг касалхонасига ётқизар эди. Кечаларга, зиёфатларга келар эди-ю, ўзининг бир пиёла чойини кўрган киши йўқ. Нега деб суриштирсам, «Хоними бир подшонинг қизи, туркистонликларни севмайди, дейишди». Бир куни рўпарамдан чиқиб қолди. Кулиб хурсанд:

- Эй Жўра қори, биз ҳам тарихга кириб қолдик, - деди.
- Қутлуғ бўлсин, ака, - дедим.
- Ўтган йили палон газетадан бир журналист қиз келган эди. Истанбул хотираларини ёзиб китоб қилиб чиқарибдур. У «Саёҳатнома»сида Истанбулда Бухоро ёш миллатчиларидан доктор Аҳмад Наим билан танишдим. Баробар емак едик, дебдур, - деди.

ЭРКИН ҚЎЛ

Доктор Солиҳ Эркин қўл (Мен Эркин қул деб талаффуз қилар эдим). Ўта мактанчоқ, ёлғон топилмасагина ростини гапирадиган, гапирганда ҳам, муболағаси билан гапирадиган одам эди. У киши учун аҳмоқни урма, сўкма, гапиртир, десам яна ҳам сифатини очган бўламан. Ватан ҳақида шапалоқдай асари йўқ, қуруқ одам эди.

САЪДУЛЛА ҚОРИ

Тошкентлик. Овози ёқимтой қори эди. Хатмга тушганини кўрганим йўқ, эшитмадим ҳам. У киши ҳақида Асрор домла ҳикоясини қила туриб тўхталиб ўтган эдик. 1957 йил Истанбулда Зафаржоннинг уйида зиёфатда эдик. Исроил билан Араб уруши суҳбатга мавзў бўлиб қолди. Жамол Абдулносирнинг шу сўзи эсланди. Ўшанда журналистлар Миср жумҳурияти раисидан сўрашди:

– Исроил билан уришасизми?

Жамолносирнинг жавоби шу бўлди:

– Биз ҳам Исроил билан уришамиз, орқасидаги қучлар билан ҳам уришамиз дегани эди.

Суҳбатда шу ҳикоячани қилувдим, Саъдулла қори Жамол Носирнинг шу сўзидан илҳомланиб:

– Худо жуҳудларни Исроилга тўплаб туриб, имхо қилмоқчи, - деди.

– Қори ака нимага асосланиб бундай деяпсиз? – дедим мен.

– Қуръонда шундай оят бор, - деди.

– Қайси оят? - дедим.

Бақара сурасидаги қуйидаги оятни ўқиди: “Биз улар-

ни хор қилдик, беватан қилдик, ғазабимизга учратдик”. Мен, кори ака, бу оят-ҳикоя мусулмонларни тўғри йўлга чақириш учун ишлатилган тарғибот, юқоридаги оятда хор бўлади ёки хор қиламиз деган гап йўқ. Қилдик деган хабар бор, - десам, Саъдулла қори аччиғланиб:

– Нима бўляпти ўзи? Қуръонга мужтаҳидлар берган, қабул қилиб келинган маъно будинийга бошқача таъбир қилинмоқда. Миллий ишларда ҳам шунақа фасодлар бошланиб, Вали Қаюмхонга қарши гапирилмоқда, - деди.

Ўлтиришда йигирмага яқин ватандош бор эди. Жумладан Ёқуб шайтон, Зафаржон, Юзбоши Неъмат Ўзулу, Шавкат Ўзулу, Зиёдхўжа, Фатхиддин Махдум, Шоиноят. (Бу одамни Америкадаги ахволини кўриб унга айрим юртдошлар иккинчи Садом деб лақаб топишган. Ирок жумҳуриятининг собиқ раиси қамокдаги кўриниши билан Шоиноятнинг Нью-Йоркдаги ҳаёти бир-бирига ўхшагани учун). Саъдулло корининг гапидаги гудумли ўқ менга юборилганди. Билиб туриб бироз сукут қилдим. Зиёдхўжа секин:

– Қори, жавобиша биде жавобини бер, - деб қўйди.

Умаржон шартга ўрнидан туриб:

– Бу гап Жўрақорига қаратилаётган бўлса, мана мен Жўра қори томонидан гапирай. Агар Жўра қори Вали Қаюмни танқид қилган бўлса, тўғри танқид қилди. Вали Қаюм ватан учун, эл учун нима хизмат қилди. Унинг бизларга маънавий-моддий бирор хизмати борми? Бироз мантикий план телеграми борми? Жўрақори айтганидек, халқни ғафлатга солиш, фурсатларни қочириш бу ҳаракатларнинг ҳаммасини диққат билан кузатдим. Ҳаммаси натижасиз гаплар. Энди у назаримизда миллатчи эмас, миллатфуруш. Хулоса шуки, Жўра қори айтганидек, Вали Қаюм Туркистонни сиёсий мато қилиб, у хоин юртимиз номини у ёққа-бу ёққа сотиб, сиёсий тижорат қилиб юрибди, - деди.

Юртбоши Неъмат Ўзулу гап бошламоқчи бўлувди Ҳожи Ёқубжон:

– Ўзалтой, сен кетингни тий, - деб қўйди. Саъдулло қори қарадики, бу мажлисда менга тарафдор кўп. Жим

бўлиб қолди. Қайтишдагина Саъдула қорини Шоиноят бироз ҳимоя қилган бўлди. Эртаси Зиёдхўжа Саъдулла қорига бориб:

– Эҳтиёт бўлинг, кўпчилик, айникса ёшлар Жўрақори томонда. Йиғилганларни кузатиб туриб мажлисдаги ҳавони ўрганиб туриб, гап қилинг, - дебдур.

МУЛЛА ТАВАККАЛ

Мадрасадан чиққан гапга тушунадиган, оқ-қорани таниган мажлисаро дилкашлиги бор эди. Бу киши ҳақида илгари ҳам гапириб ўтувдим. Ходихўжа эшоннинг Мулла Таваккал тўғрисида шундай ҳикояси бор. Мулла Таваккалга кўп яхшиликлар қилдим, дўкон очиб бердим, одам бўлмади. Бир куни уйига бордим.

– Эй Ҳожи бобо, хуш келдингиз, - деди. Мени ўтқазиб, даров, - Чой қўйиб юборайин, сиз мана бу китобни ўқиб ўтиринг, - деди.

Китоб қалами нусха холида ўзининг эсдаликлари экан. Варақладим, тасодиф Ҳожи Эшон деган саҳифа чиқди. Шундай ёзибди: «Ҳожи Эшон асли бухоролик, ўзини манғирдларданман, деб саройига мансублигини кўз-кўз қилиб юради. Бунинг билан ўзини аристократ оиласидан эканлигига фахрланиб, ғурурланиб юради, мен эса, уни аҳмок қилиб юриш йўлини топиб олдим, гапларини маъқуллаб алдаб юриб фойдаланармен», дебди.

ШОИР ПАТАК

Асли бухоролик, ўзбекларнинг кенагас қабиласидан Бурхониддин патак хуштаъб, заиф киши эди. Истанбул бозорида ойнакли кичик бир сандиқчанинг ичига луқум (холва) тўлдириб, бўйнига осиб олиб сайёр равишда луқум сотар эди. Шеърятда Патак тахаллуси олибдур, туйғули одам эди. Улус орасидаги айрим бепарво одамларнинг ошни қўли билан еб, қўлини маҳсисига сурқаб, чўкка тушиб ўтириб, чопонининг этагини ялтиратиб юрганини ҳажв қилар эди. Меҳмондорчиликка борилганда пиёлани енгига артиб, ўша пиёлага бошқа кишига чой

қуйиб беришларини, носвойни чекиб гиламнинг тагига тупуриб қўйишни, яна шунақанги кўринишларни қаттиқ танқид қиларди. Қаламинусха ҳолидаги асари кимда қолди экан, билолмадим. Шу мисрагина эсимда қолибдур. «Бурхониддин патак, ётишинг бир катак».

ДОКТОР ВОСИЙ

Профессор Чўлпон Мирза Тошнинг дадаси доктор Во-сея Истанбулдек оламга машҳур шаҳарда ўқитиб доктор бўлиб олган ҳолда, тариқат пирига баят қилиб, кейинчалик ўзи ҳам пир бўлиб баят оладиган бўлибдур. Истанбулдек маданият марказидан олган култури қаерга кетди? Ўғли Чўлпон ҳам лицейда ўқиб юрганида миллатчиликдан га-пириб ўзини ҳам миллатчидек кўрсатарди. Ватан ҳақида, улус ҳақида тушуниш у ёқда турсин ватан озод бўлди ҳам, зиёратига келмади. Демак, бу мунавварлар ўзини боқишга кодир бўлишнигина миллатчилик дейишаркан. Менинг наздимда бундай миллий туйғуси бўлмаганларнинг қора чақалик киймати йўқ. Ҳолбуки, бу одамнамо хайвонларга ҳар нима бўлса ҳам, азиз юртимизни, улусимизни унут-манглар, дейилар эди.

ЖЕЛОНПИНОР

1955 йили куз ойларида Истанбулда рўй берди бу воқеа. Туркистонликлар ёрдамлашма жамияти эски, янги келган барча туркистонликларга Желонпинордан ер бермоқчи бўлди. Ер олмоқчи бўлганлар Қофилага қўшилсинлар, деб ҳаммани Желонпинорга қизиқтирди. Пули йўқларга ёрдам компанияси очилди. Ҳар ким ўзи бориб топиб ола-ди. Ваколат қабул қилинмайди дейилди. Жейлон-пинор-га бориб кўрдикки, айтган ҳамма гаплари ёлғон экан. Ер оламиз, деган умид билан борган барча ватандошлар жуда каттиқ хафа бўлишди. Ҳатто бир киши хафа бўлганидан жинни бўлиб қолди. Ғарибларга деб йиғилган пулларнинг ҳузурини доктор Соле ва ҳамтовоклари кўриб ҳаммадан аввал Истанбулга қочиб қолишди. Қайтишга пули йўқлар азият чекишди. Айниқса, тул хотинлар Желонпинор стан-

циясида паришон бўлиб, нима қилишларини билмай қолишди. Ўзбек тақиясидан борган бир-икки хоним билан Мулло Бобоқурбон хонимларга Желонпинордан Истанбулга кириш билети олиб, уйларига жўнатиб қўйдим. Бундай алдам-қалдам ишлар халқнинг жамиятга бўлган ишончини йўқотди. Бирлик парчаланиб, шикоят кўпайди. Ўшанда доктор Соленинг таклифи билан Желонпинордаги туркистонликлар кооперативига Абдулхай Махдум мудир қилиб сайланди. Иш яхши юрмаганлиги учун ҳар йили кооператив аъзолари Абдулхай Махдумни ишдан олиб ташлаймиз, деб қарор қилса, тезда Истанбулдан доктор Соле Желонпинорга бориб, у деб, бу деб халқни кўндириб, яна Абдулхай Махдумни мудир тайин қилиб келарди. Бу тур иш бир неча йил давом этди. Ниҳоят, кооператив тарқаб, йўқ бўлиб кетди. Махдум эса, туркистонликларни яна бир иттифоқини бузишга эришди. Абдулхай махдум чет элдаги воқеаларни русларга билдириб турган жосус эди. Вали Қаюмхон Олақарғалар рисоласининг ўн биринчи саҳифасида мана шундай соткинларни миллий истиқлол йўлида хизмат қилиб келдилар, деб танитади. Вали Қаюм ярим асрдан буён жосусларни ҳимоя қилиб, ҳар жой, ҳар жойда уларни ўзига вакил сайлаб, уларга Туркистон истиқлолчиси, миллиятчиси никобларини кийдириб келди. Булар Махмудбек, Ақромжон, Абдулхай Махдум, доктор Саид Каримий ва бошқалар. Бу ўринда Тошкентда доктор Илём Фозиловнинг қуйидаги сўзлари ҳам мароқлидир. Солежон (доктор Соли Эркинқўл) Восийжон (Доктор Восий Мирзатош), Баҳром ака (Махмудбек) мудир бўлиб турган оқартув институтининг Тошкент бўлимида талаба эдилар. Улар билан таниш эдим. Бир кечада чет элга кетиб қолишди деб қилган ҳикоясида анча маъно бор.

ЎЗБЕК ТАКИЯСИ

Биринчи жаҳон урушидан кейин Анвар подшо Онадўлуда шикаст еб, янги бир бахт истаб Тожикистонга борганида шаҳид бўлади. Талъат подшо Олмонияда Армания томонидан шаҳид қилинади. Жамол подшони Шомда

араблар ўлдиради. Туркиянинг ҳар тарафи ишғолда. Қорс, Ардахонни руслар, Малатия, Мардин томонларни инглизлар. Одана, Марсин воҳаларини французлар, Истанбулни америкаликлар ишғол қилади. Халифа Ваҳдаддин хатига султон бўлиб Истанбулда қўғирчоқ ҳолига тушиб қолади. Мустафо Камол Онадўлуга ўтиб, у ерда қолган-қутган аскарларни тартибга олиш учун султон буйруғи бўйича денгиз йўли билан Самсунга жўнайди. Мустафо Камол вақтни ғанимат билиб, марказга — Султон Ваҳиддинга қарши исён қилиб, Туркиянинг том озодлиги учун миллий орду тузиб, миллий мижозасини бошлаб юборади. Сиёсатдонлар тажрибасозлари кўмондонлар, қалам соҳиблари, капитал соҳиблари Истанбулда қолади. Она Дўлуда шаклланган миллий орду учун юқоридаги текин кўрашлар керак эди ҳамда Ўрдунинг емаги, ичмаги учун капитал кераклиги сезилиб қолади. Ана шундай оғир аҳволда Мустафо Камолга ёрдам қилиш учун ҳар имкондан фойдаланиб текнукратлар Онадўлуга қоча бошлайдилар. Қурол-яроғ, ҳар турли моддий ёрдам жўнатила бошлайди. Мана шу табаррук ишларда Ускудордаги ўзбек тахияси марказий ўринда иштирок этади. Истанбулнинг Европа қисмида ўтган текнокнарларга ўзбек тахияси биринчи бекат вазифасини ўтайди. Мусофирларга бошпана, озиқ-овқат, қурол-яроғ билан таъминлаб, мужоҳидларни Онадўлуга жўнатишда уларнинг моддий эҳтиёжларини таъминлашда татиянинг катта роли бўлади. Бу воқеани машҳур ёзувчи Холида Адиба хоним ўз романида эсга олиб ўтади. Пўлатдан кўйлак исмли фильмда ҳам воқеанинг кўриниши бор. Холида хонимнинг ўзи ҳам ўзбек тахиясида меҳмон бўлиб нафасини ростлаб, сафар тайёргарлигини шу ерда кўриб Онадўлуга жўнайди. Бу воқеаларни Ходий эшон менга ҳикоя қилиб берувдилар.

1955 ЙИЛ

Ўзбеклар турмушидан олинган «Ўтган кунлар» романини Закки Валидийнинг Туркистон яқин тарихий асаридан ўқиб таъсирландим. «Ўтган кунлар» китобида сўзлар

халқона бўлиб, кўринишлар миллий эди. Миллий туйғу, миллий руҳда ёзилганлиги аён баён кўриниб турарди. Ўша даврда Афғонистондаги ўзбеклар афғонлаша борди. Ҳиндистондаги ўзбеклар ўзаро ордуча панжобийча гаплашадиган бўлиб кетмоқда эди. Ўшаларга ўхшаб Туркияда яшаётган ватандошлар ҳам ўзбеклигини унутиб, туркча гаплашадиган бўлиб қолишди. Қизиғи шундаки, уялмай-нетмай туркча гаплаша туриб миллатчиликдан даъво қилишади. Ўзларини миллатчи деб билишади-ю, миллатчи деб танилишни истайдилар-у, маданий жиҳатдан ўзлари йўқола бораётганларини сезмайдилар. Ўша кунлари домла Заккибекнинг Туркистон тарихини ўқиб, ватандошлар ҳеч бўлмаганда юртимиз озод бўлгунча ўз миллий тилимизни йўқотмай ўзбек тилимизни бегона туйғулардан сақлаб классик адабиётимиздан, мусиқамиздан, айниқса, мақом йўлларини фахмлаб турса яхши бўларди, деган туйғу менда кучая борди. Чунки домла Заккибейнинг асари ҳам туркча эди. Мен келажакда юртимизнинг озод бўлиш йўлидаги мужоҳидада ўз тусимиз билан мавжудиятимиз билан турсак табаррук ҳаракатларда иштирок этиш шарафига нойил бўлиб қолармиз деган умидда эдим. Юқоридаги орзуларимни рўёбга чиқариш учун шу орзуларимга Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини қайталаб чоп эттириб тарқатишни афзал кўрдим. Яна бир кечим ҳам шу бўлдики, Боязид кутубхонасида 1958 йилда Тошкентда кирилл ҳарфида чоп этилган «Ўтган кунлар»ни Гурре Маҳдумга ўқитиб қарасам, бу китоб Заккей Валидий берган 1926 йилдаги араб ҳарфида Самарқандда чоп қилинган роман орасида катта фарқ борлигини кўриб, ҳайратда қолган эдим. Энди «Ўтган кунлар» асарининг асл нусхасини қайталабдан чоп этиш зарур бўлиб қолди-ку, деб қарор қилдим. Қароримни Закки Валидийга айтдим. Закки Валидий:

– Жуда кўп пул керак. Ватандошлар ёрдам қилмайди. Китобни пулга сотиб олишмайди ҳам. Ҳатто китобни қўлга берсанг ўқишмайди, ўқишолмайди. Натижада, кўп хафа бўласан, катта пул сарф қилиб қолаверасан, маънос бўласан, сендек содиқ дўстнинг миллий фаолиятларида-

ги маъюслигини кўриб хафа бўламиз. Заккий домладан ўшандай мулоҳаза олган бўлсамда қароримдан туриб ҳаракат бошладим. У даврда Истанбулда араб тилида фаолият кўрсатадиган ҳеч канақа чопхона йўқ экан. Усмонли давридан бери ишлатилиб келинаётган араб тилидаги матбаалар йўқ қилинган. Энди чет элга чиқиш керак эди. Чет элга чиқиб китоб чоп қилиш учун катта миқдорда пул керак. Шунинг учун Отелимни сотиб, катта комиссиян тўлаб чет элга пул чиқаздим. Чунки у даврда Туркиядан расмий тарзда чет элга пул чиқариш мумкин эмасди.

ШОГИРДЛИГИМ

Истанбулга борганимдан кейин замонавий мактабда таҳсил ололмаганлигимдан кўп афсус қилдим. Қуръон ёдлаш қийин эмас экан. Қорилик санъат эмас экан. Кечимга сабаб бўлолмаслигини кеч англадим. Ҳали ҳам бўлса, ўқидим деб Чамбалитошдаги ўқитувчилар жамиятига бориб, орзуимни уларга айтдим. Домла тайин қилишди. Домла уй адресини берди. Эртага уйга кел деди. Эртаси дарс қуйидагича бўлди.

— Ёдакий бирдан юзгача сой. Юздан қайтиб биргача сой, - деди. Айтганидек ҳисобладим.

— Бугунги дарс тамом, шу соатда эртага кел. Бугунги дарс хужрати ўн лира, дарснинг хужратини ҳар куни нақд бериб турасан, - деди. (У даврда ўн лираси бир грамм олтин бўларди). Менга бу дарслар ёкмади. Негаки, Қобулда майда тижорат қилиб юрганимда бир нарсанинг дузинаси шунча бўлса, донаси шунча бўлади, деб ҳисобчидан олдинроқ ҳисоблайдиган бўлиб қолгандим. Ҳисоб-китобни чўт билан юргизишга ўрганган эдим. Туркча ўқиш-ёзишни, форсча ўқиш-ёзишни, арабча ўқишни, озгина инглизча билардим. Шунинг учун юқоридаги дарс мени қониқтирмади.

ИСТАНБУЛ

Болалик давримдаги Ўзбекистонда Тожикистон ҳар жиҳатдан илгарида турарди. Касалхоналар, тузуккина

овкатланиб ҳам турар эдик. Афғонистонга борсак ўша даврдаги Ўзбекистондан Афғонистонда ҳаёт маданият ҳар жиҳатдан устун экан. Покистонга ўтдик. Бу ердаги инсонларнинг турмуши айниқса сиёсий кўриниши Афғонистондаги ҳаёт, инсон ҳуқуқларининг камлигини эътиборга олинса ҳар боқимдан Покистон юз йил илгарида бўлса, керак деб тахмин қилдим. Шомга бордим, у ердаги маданият турмуш тарзини, кўчаларнинг озодалигини кўриб, иқтисодий аҳволни кузата туриб шу тахминга бордимки, Сурия улусининг турмуши Покистон халкидан юз йил олдинда тураркан. Туркияга бориб қарасам, у ердаги маданий кўриниш, одоб-ахлоқ, инсон ҳақларининг борлиги, касалхоналардаги тартиб, кўчалардаги озодаликни диққат билан кузатиб, баҳо бериб турдим. Сурия халқининг турмушидан Туркия юз йил илгарида тураркан. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, мен 1954 йилларда Европани кўрмаган бўлсам-да, Европа ҳаётини ҳар жиҳатдан кўргандек пайкадим. Туркия ҳали европадан юз йил орқада қолибдур. Араблардан эса, юз йил илгари, албатта. Кейинчалик Европа ўлкаларини ҳам кўрдим. Айниқса Америкада узун замон истиқомат қилдим. Америкадаги инсонга ҳурмат, инсонга кўрсатилаётган олий марҳамат дунёнинг ҳеч бир жойида йўқ. Сўзни қисқартириб айтадиган бўлсам, Америкадаги маданият, иқтисодий имконият инсонлар учун яратилаётган шароитларни диққат билан кузатилса, инсоф билан, адолат билан, уйғоқ виждон билан баҳо берилса, Туркия ҳаётидан бемалол юз йил илгарида туради десам янглишмаган бўламан. Гап Туркия ҳақида кетаётган эди. Туркиядаги диний олимлар, айтганимдек, араб диний олимларидан юз йил илгарида бўлса-да, афсус билан эслаб ўтиш керакки, ҳали куръоннинг чуқур маънисини, мақсадини тушунишолгани йўқ. Шунинг учун ҳам, турк маданият қарвонида бирорта ҳам диний олим пешво сифатида миллий раҳбарлар қаторида йўқ. Бир ўрнат, ёлғиз Истанбулда юз мингларча юртдоши тузук-қуруқ бошпанага эга эмас. Улар апортмонларнинг зах ерхоналарида умргузаронлик қилмоқда. Уйнинг солиқ суғуртаси йўқ. Иши йўқ, аниқ таъминоти, кирими йўқ. Шундай ачи-

нарли аҳвол бўлатуриб, Туркиядан ҳар йили Саудия Арабистонига юз мингдан ортик одамлар Ҳаж зиёратига борар экан. Демокчиманки, туркларда бундай чуқур мулоҳазали бир диний олимни кўрмадим. Қуръоннинг Бақара сурасида «Кучингиз етса, Ҳаж килинг», дейилган. Ҳажга боришда шахс эмас, миллат назарда тутилса, Ҳажга бориш савоб ўрнига гуноҳ бўлади. Турк олимлари бу сўзни эшитсалар диндан ташқари сўз десалар керак. Қуръоннинг чуқур мазмунини тушунмайдилар. Қуръонда камбағалнинг пулини олиб бойга бер, дейилган оят йўқ. Сиёсий лидерларнинг кўзи ҳам пулда. Юртга хизмат қиламан, юртдошлар учун қайғураман деб обрў орттириб, кейин обрў орқали иқтидорга келиб олсалар, сўнгра ўн топсалар биринигина пропаганда мақсадида эл-улус учун ташлаб қўядилар, холос. Демак сиёсийлари ҳам таъмининг қўлида қулдирлар. Ҳали улар ҳам ҳақиқий одам бўлиб, сиёсий хурофотдан қутулиб кетиша олганича йўқ.

Марду хур чун уштурон борий барад.

Борий барад хорий кўрат.

(Сиёсий хур фикрлилар юк кўтаради,

Юк кўтарадилар-у, емишлари тикондир.)

Иқбол

ШОМ

«Ўтган кунлар» романини чет элга чиқиб чоп эттириш мўлжалида Шомга қараб йўлга тушдим. Биринчи бекатим Халабда икки кун қолиб, шаҳарнинг ҳар тарафини айландим. Оёғимга «Сойғили бўл, балки шу ерлар Ўрта Осиёнинг улкан юртдоши, дунёда иккинчи устоз лақабини олган улуг билагон Форобийнинг қадамжоларидир» деб огоҳлантирдим. Султон Ҳайитбой қалъасини кўрдим. Ҳайитбой исми мени қизиқтирди. Ўрганиш учун вақтим йўқ эди. Шомда анавийлар давридан қолган масжидни усмонийлардан Ёдгор Салимия жомесини, тўрт томондан қурилган Ҳамидия бозори, Санжаргоҳ майдонини кездим.

ЎЗБЕК САРОЙИ

Шомда авлод-аждодимиздан мерос ўзбек саройи бор. Шу саройга тушдим. Ватандошлардан бухоролик кўмирфуруш Ҳожи барака, самарқандлик чойчи Ҳожи Барот, бухоролик самоварчи Ҳожи Абдулазиз, чархчилар - марғилонлик Ҳожи Аҳмаджон, Хўжа жиннилар, марғилонлик Ҳакимжон ака, самарқандлик Абдурахмон бўйдоқлар истиқомат қилардилар. Абдурахмон бўйдоқ Туркияга кетаман деб йўлга тушди, афсуски, араб ҳамроҳлари пулини йўлда олиб, ўзини ўлдириб юбордилар. Уша даврда Амавия жомесининг канорида андижонлик Ҳожи Исомиддин, Абдуматаллиб исмида ватандошларимиз одамшаванда кишилар эди. Санжохдорда ўйинчок сотадиган Абдулла Қозоқ, ўқитувчи Оловиддин Қозоқлар ҳам яхши одамлар эди. Бухоролик дорифуруш Нажмиддин, заргар Исо афанди Ўзбек саройининг шайхи, андижонлик Муҳаммаджон Синкорий (тунукасоз)ларни эслаб ўтиш керак. Шайх Муҳаммаджон 1974 йилда хотини билан Тошкентга ватан зиёрати учун келиб, бизнинг уйда ҳам бир неча кун меҳмон бўлди.

ИСМОИЛ ҚОРИ

Ўзбек саройига бир киши келиб ўзини танитди:

– Исмим Исмоил қори, асли ўшликмен. Бу ердаги қасбим телпакчилик. Араблар мени Исмоил қалпоқчи дейишади. Уйим Шатта деган маҳаллада. Автобус билан борилади. Сизни эшитиб кўришгани, танишгани келдим. Эртага менда меҳмон бўлинг, - деб илтимос қилди.

У кишининг уйи тоғ бағрида, шаҳар шундоққина оёқ остида, бир серманзара, сўлим бир жойда. Икки қаватли, бир томонида меҳмонхона, бир томони ошхона, ўртада сахн, бағри очик эшик экан. Қори ака ўқтин-ўқтин: «Эй Соле, ҳаррип бетак» деб қўяди. Сабабини сўрасам, шундай ҳикоя қилди:

– Солижон исмли ўзганлик йигитни авлод қилиб олудим. Вафо қилмади. Мендан хабар олмайди. Ўз аҳли-миздан уйлан десам кўнмади. Бир араб кизини яхши

кўриб, Бағдодга кетиб қолди. Шунинг учун уни «Уйинг вайрон бўлсин», деб қаргаб турамен. Қори, мени кечирасиз, бу бола дастидан кўп бойлигимни йўқотдим. Охири келиб кимсасиз бўлиб ётибман, - деди. Ҳар замон-ҳар замонда, - Оллоҳумма ҳовел, ҳоввел, ховлама, ё аҳсалин ҳол (Эй Тангри, ҳолимни яхшироқ ҳолга ўзгартириб қўйгин). Қори, сиздан илтимос, қанча кун Шомда қолсангиз, меникида бўлинг, бекасу бенавомен, - деб, кўзи намланди.

Ўн беш кун у кишини юртида турдим. Ҳар кун кайнатма шўрва қилиб бериб турдим. У замонлар бошқача овқат пиширишни билмасдим. Қорининг касали бор эди. Касалининг турини ҳам сўраб, англаш тиббий адабиётдан хабарим йўқ эди у вақтларда.

— Хонамни айланинг, кўринг, қайси тилдаги қанақа китобни мутолаа қилмоқчи бўлсангиз тортинманг, саводингиз бор экан деди, - деди қори Исмоил.

Катта бир уй — у кишининг кутубхонаси. Арабча, форсча, туркча, ҳар турли китоблар бор. Мен бу тилларни билсам-да, она тилим - ўзбекчада бирор китоб учрамикин, деб китобларни бирин-кетин кўриб чиқдим. Қори Исмоил кўзимга саводсиз бўлиб кўринди. Ҳолбуки, у учтўрт тилни тўлиқ билган аҳли мутолаа киши эди. Кутубхонасида она тилида бирор китоб бўлмагани учун кўзимга хунук кўринди. Кўнглим кўтарганича Хайём, Ҳофизни ўқиб кун кечириб турдим. Хайём:

Қуръонки маҳини калом хонанд онро,

Гаҳиго на бардавом хона онро.

Барги де пиёла ояти хаст муқим:

Ки андар, ҳама жо мудом хонанд ондо.

(Яъни: Одамлар Қуръонни каломлар боши дейишади,

Лекин ҳамиша эмас, гоҳ-гоҳ боқишади.

Пиёла гирдида бир оят бор:

Одамлар уни ҳар ерда, ҳамиша ўқишади.)

Қолган замонларда қорининг ўзи ҳикоячалар, латифалар айтиб берар эди. Фахму фаросатли одам, айтган латифалари оғзаки адабиёт бўлса-да, ичидаги улкан фалсафани ҳазил йўли билан баён қилинади. Бошқа ибора билан

айтсам, ёзма адабиётнинг жавҳарини енгил-елпи кулгули килиб, деҳқонча тушунтиради. Ижозат сўраган чоғимда пул ҳадя узатди. Олмадим. Қанча кистасалар ҳам олмадим. Пули бўлгани билан у ҳам мен каби ватансиз бир ғариб эди. Ҳамда пулга эҳтиёжим йўқ, умримга барака тилаб қўйгайсиз дедим. Саксон ёшида бўлишига қарамай, ёшлардек танти, гурунги бамаъни одам эди.

БАҒДОД

Ироқ кироли Файсал ўлдирилиб, ўрнига Абдулкарим Қосим чиққан. Сана 1958 йил. Бағдоднинг Бобур Муаззам исмли жойида Ўзбек саройи бор. Ўша ерга тушдим. У кунларда Қодиржон Асака у ерда эди. Саройнинг орқаси Президент саройи. Аскарлар кечаси билан ухламайди. Уруш ҳоли бор, нотинчлик. Ўзбек саройининг томида ҳам куролли аскарлар дапур-дупур килиб юргани-юрган. Уйқу йўқ. Имом Аъзам, Имом Муҳаммад, Имом Юсуфий каби классик ҳуқуқшуносларнинг ётган жойларига бориб, сойғиларимни уларнинг руҳига билдириб қайтдим. Карбалода Фузулий ҳазратларининг мақбараларига бориб, сойғиларимни арз килиб руҳларини шод килиб келдим. Энди Басрага йўл олдим. Йўлда автобус йўлдан чиқиб кетиб, ўнгга сафланиб қолди. Шопир кўп уринди, ғилдиракни кумдан чикаролмади. Ўшанда шопир шундай деди:

– Куллаш рамил эй чун йитлав.

Бу гапни фахмлаган бўлсам-да, тўлиқ билолмадим. Ҳайрон бўлдим. Кейин ўйласам, «кул» арабча, «арш» форсча, «рамил» арабча, «эй» ордуча, «чун» форсий, «йитлақ» арабча, жумлада ишлаган оҳанг фаластинча эди. Сафарбар бир одам билан биргалашиб қийналиб юриб катта йўл бўйига чикдик. Такси тўхтатиб Басрага кетдик. У ерга борсам Абдулкарим Қосим ўлдирилиб, ишбошига Абдусалом Ориф чиқибди. Ҳаво йўли ҳам берк. Денгиз йўли ҳам берк. Кема йўқ, бир ойча Басрада туриб қолдим. Кечалари бу ерда ҳам уруш, отишма бўлади. Отелда мен кечалари отишмада калавотдан тушиб, ерга ётиб оламен.

Отелнинг деразаси, деворлари илма-тешик бўлиб кетди. Дўконлар, ошхоналар берк. Эркак зоти қочиб кетган. Ҳамир қилган, нон ёлаётган, сотаётганлар ҳаммаси жувонлар, кизлар эди. Нон олиш учун қаторда туриш керак. Ҳар куни бориб қаторда тураман. Ҳайтовур, кизлардан бирининг менга кўзи тушиб қолди. Ҳамон ўрнидан туриб олдимда келиб, афанди сизга нечта нон керак, пулини беринг деди. Нонни ўзи олиб келиб турди. Ярим қиёмат. Мен эса, қиёматни кўрдим-у, қийинчилик сезмадим. Бас-рада Навоий романини ўқиб тугатдим.

ҲАЙБАТУЛЛО МУҲИТ

Карачи шахрига бордим. Ёру дўстларим, кадрдонларим билан кўришдим. Айниқса, Ҳайбатулло Муҳит менга яқин эдилар. Бир куни сўраб қолдилар:

– Қори, Истанбулдаги қайси партиядансиз?

– Эшон ака, ҳеч қанақа партияга аъзо бўлмадим, - дедим.

– Қайси партияни севасиз?

– Миллат партиясини, унда ҳам Усмон Бўлукбошини севамен, – дедим. Шундай десам, Эшон ака:

– У қанақа партия, – дедилар?

– Кичик партия, ҳеч қачон ишбошига ҳам чиқолмайди, - дедим.

– Қориси тушмагур-ей, қаерда бўлманг, озчилик тарафида бўласиз-а, - дедилар Эшон ака.

Яна бир куни бадахшонлик комиссиянчи келиб қолди. Тожик тилида гаплашиб, иноқ кўлишиб ўтирувдик. Мулла Бадахшоний менга берадиган қарзи бор эди. Ҳисобидан бироз шошиб қолди. Мен ҳам фурсатни кочирмай:

– Худоё, гуноҳамро бибахши,

Варна боз мигардам бадахший, - десам мулла Бадахшоний кулди-кулди. Ҳеч ўзини туюлмади. Шунда Эшон ака:

– Қори, ажиб таъсирли сўзларингиз бор, - деган эдилар.

ЖАМИЯТ

Бошқа бир куни жамиятда ўтирсам, бир киши эмак-лаб чиққандай туртиниб-суртиниб айвонга чиқиб келди. Қарасам, мен Булучистоннинг Масдум шахрида кўрган Баҳодиржон. Ҳол-аҳвол сўрадим.

– Жўравой ака, кўздан ожиз бўлиб қолдим, – деди.

Таъсирландим. Қўлига беш-ўн сўм бериб, Булучистонга йўловчи қилиб қўйдим. Эртаси Раволпендидаги фабрикатур ватандошимиз Аҳмаджон келиб, емакка таклиф қилиб қолди. Баҳодиржон ҳақида ҳикоя қилиб бердим.

– У кишини Раволпендига жўнатиб, менга телеграмма юборинг. Ўзим кутиб олиб, Америка касалхонасига ётқизиб, қанча фурсат бўлишидан қочмай қаратаман, – деди.

Хат орқали Баҳодиржонга хушхабарни айтсам, кўзининг гавҳари қолмади. Дўхтирлар тузалмайди дебди. Мен Аҳмаджонни воқеадан хабардор қилдим. У киши нима қилайин деб маслаҳат сўради.

– Ҳар ой 400 рупия тайин қилиб, пулини манзилига почта орқали юбориб туринг, – дедим унга.

– Хўп бўлади, – деди.

Ўшандай расмийлашиб туриши учун мухосибачисига буйруқ бериб, расмийлаштириб қўйдим. Мунтазам равишда пул юбориб турдим.

ЯЛАНҒОЧ

Яна бир куни идора олдида Ҳайбатулло Эшон ака билан ўлтирувдик. Қип-яланғоч бир одам анжуманнинг рўпарасидан бир-икки бор уёқ-бу ёкка ўтиб қолди.

– Бу не ҳол деб Эшон акадан сўрадим.

– У киши асли бухоролик Ҳожи Насриддин, болачақали ямоқчилик қилади. Ватансизлик, йўқчилик шу ҳолга тушириб қўйди, – дедилар.

– Алоқаландингизми? – дедим.

– Алоқаландим. Уйга озиқ-овқат олиб бориб бердим. Не қилай, бизнинг ҳам имкониятимиз чекланган. Кўп одамлар она юртини соғиниб, қариндош-уруғини кўмсаб,

экономик сиқилишидан тўлиб-тошиб буткул жинни ёки ярим жинни бўлиб қоляпти. Биз бўлса, ўрисга, коммунизмга лаънат деб қўйишдан бошқа иш қўлимиздан келмаяпти, — деди.

ҚОБИЛЖОН

Кунлардан бир куни асли марғилонлик Қобилжон деган йигит келиб ўзини танитди.

— Қобулдан келдим, паспортим йўқ, бошпана йўқ, иш йўқ, пул йўқ, — деди.

Унга жой берилди. Емагига қарашиб турилди.

— Макканинг Шорипайсалидаги гиламфуруш Қодиржон ака амаким бўладилар, — деди.

— Туркияга кўчман бўлиб келдим дегин, деб маслаҳат бердим. Биринчи галда маҳаллий паспорт идорасига олиб бориб, олти ой муддат билан Караче шахрида вақтинчалик тура билиши учун ижозат олиб бердим. Туркиянинг Покистондаги консулхонасидан кафил бўлиб Туркияга кета олиши, чегаралардан ўтиб олиши учун йўл хати олиб, Эрон консулхонасидан виза, Покистондан чиқиш ижозатини олиб бердим. Энди пул ҳаражати учун Раволпинжидаги фабрикатур ватандошимиз Аҳмаджон номига тавсия хати ёзиб бердим. Равалпинжига бориб Аҳмаджондан ёрдам пули олиб келиб:

— Кўйта — Эрон йўли поезди билан Туркияга кетиб олинг, — дедим.

— Хўп бўлади, — деди.

Хурсанд бўлиб Равонпинжига кетди. У шаҳардан почта оркали хат юборди. Ажойиб хат. Сўзларида мантик йўқ. Ҳайрон бўлиб жавоб ёзмадим. Аҳмаджон пул берди деди. Ўн беш кун ўтгач Равонпинжидан менга Аҳмаджон хат юборди: «Юборган одамингиз яхши одам эмас экан. Бировни менга тавсия қилганингизда диққат қилиб, арзигулик бўлса, сўнгра юборинг», дебдур. Хатни ўқиб хафа бўлдим. Бу воқеадан мен хижолат бўлиб, Аҳмаджондан нима бўлганини сўрамадим. Қобулдан ҳеч қандай хабар бўлмай, йўқолиб кетди. Тахминим Қобул деган малъ-

ун экан. Қамалиб кетди ёки Афғонистонга қайтиб утиб кетди. Бундан бошқа воқеа бўлганда эди, Аҳмаджондан ёрдам пули олгандан сўнг Карачига қайтиб келган бўлур эди.

ЭРОН

Ҳайбатилло Муҳит дедиларки:

— Машҳад шаҳридаги юртдошлар орасида матбаа ишларидан бохабар кишиларимиз бўлса керак. «Ўтган кунлар» романини кайталабдан араб ҳарфида чоп эттиришингизда у ерда аҳил одам топилса, яхши бўлар эди, - дедилар.

Менга ҳам шу маслаҳат маъқул кўриниб, Машҳадга жўнадим. Лекин ўша даврда ўзбек ҳарфини терадиган киши тополмадим. Фурсатдан фойдаланиб аввал Гавҳаршодбегим қурдирган мадрасага бориб, у улуғ ўзбек хонининг маънавий хузурида ҳурмат кўрсатди. Сўнгга улуғ Навоийдан бирор асар топишга уриниб кўрдим. У ҳазратга қарашли бирор нарсга тополмадим. У раҳматлидан қолган асарлар бўлса-да, форслар йўқ қилиб юборган бўлса керак. Тарихий манбаларга қараганда, Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро, Абулқосим Бобур даврида 200 йилдан ошиқроқ шу шаҳарда талаба бўлиб турган эканлар. Демак, бу шаҳарнинг тупроғи ул ҳазратнинг қадамжолари ҳисобланади. Эй оёғим, ҳар қадамингни ҳурмат билан қўй.

Ул муборак рухнинг хотири-ҳурмати учун уч кун шу шаҳарда қолдим.

НИШОПУР

Машҳадда истиқомат қилаётган юртдошлардан бир неча оила билан танишиб, ҳол-аҳволлашдим. Ҳаммасидан она ватанларидан жудолик ҳасратини эшитиб, бу қайғуларга сабаб бўлганларни ҳамма биргаликда лаънатладик. Улар орасида ҳам матбаа ишларига аҳил бирор кишини учратмадим. Ўрта Осиёнинг улуғ фарзанди, туркман элининг фаҳри — Нодиршоҳ Афшонинг ҳайкалини бориб кўрдим. Ферза тошининг қони Нишопурда бўлса-да, иш-

лаб чиқарадиган жойи Машҳадда экан. Феруза фуруш магазинлари саройлардаги ишхоналари, улгуржи савдогарларини томоша қилдим. Бир нечта феруза узук тоши олдим. Поёни йўқ гилам бозорини айланиб, икки-уч метр келадиган заминий ферузаранг кошоний гилам олдим. Гиламнинг гўзаллигига киши тўёлмайди.

ТУС

Абулқосим Фирдавсийнинг қадамжойию машхадини зиёрат қилгани Тус шаҳрига автобус билан жўнадим. Йўлда шопир ёрдамчиси баланд овоз билан:

– Дуруд бар Муҳаммад, бар ор Муҳаммад. Лаънат ва душмано Али, деб ҳайқирди.

Қўрқиб кетдим. Йўловчиларнинг барчаси шиа мазхабига мансуб, битта мен сунъий. Ҳа, дедим, сунъийлигимни пайқаб мени лаънатлаяпти. Энди нима қиламен, деб қайғуландим. Йўл-йўлакай халиги ибора билан шопир ёрдамчиси хайқирса автобусдаги йўловчилар ҳам кўшилиб, нақорат қилиб туришди. Биз сунъийлар Алига душман эмас-ку. Бежо ҳақорат, деб гашим келди. Айниқса, мен на Алисига қизиқаман, на Валисига. Ҳайтовур, борган сари кўркув кетиб, ўзимни босиб олдим. Қарасам, бу фарёд менга қарши эмас, ўзларининг одатлари экан. Тинчландим. Фирдавсий шоҳномасини аслида ўзбек шоири Дакикий Худойнома исмида ёзилган асарни ўз асари асосида олиб, асарга «Шоҳнома» исми қўйиб, дostonни тўлдирганини эслаб туриб зиёрат қилдим. Бу гўзал ёдгорликни тикланишида бош рол ўйнаган ўзбекларга ҳам таниш Шарқшунос Сайид Нафисий асарлари эканлигидан воқиф бўлдим. У асарлар ҳақида мен озми-кўпми маълумотга эга эдим. Дostonнинг бош қаҳрамони Рустам ўрта осийлик каламкашлар томонидан турли кўринишларда яратилган қаҳрамондир. Аслида бу қаҳрамон осмонда бўлган. Рустамни илоҳийликдан ривожлантириб ерга тушириб, инсон даражасига кўтарган ўзбекона каломлардан ҳам хабарим бор эди. Улуғ Фирдавсий калами билан дostonдаги қаҳрамонлар яна ривожлантирилибди,

демоқчимен. Жаҳон адабиётининг устод қаламкаши Фирдавсий шоҳномаси ҳақида шундай дебдур:

Бинохое обод гардад харо,
Зиборону астобиши офтоб.
Пой афкандам азназ кўхи баланд,
Ки азбоду борон наёозбакан.
(Обод бинолар ёмгирдан, қуёшдан,
Ҳароб-вайрона аҳволга тушар.
Баланд бир тоғ бино этдим назмдан,
Уни буза олмас шамол ва ёмғир.)

НИШОПУР

Ношопурга бориб Тўрисён отелига тушдим. Мусофирхонанинг эгаси армани экан. Одамшаванда йигит. Отаси ҳам бамаъни одам.

– Бу ерда ўрта осийлик борми? - деб сўрадим улардан.

– Ҳа, бор, - деди-да, самарқандлик бир оғайнисини чақириб келди. У билан суҳбат қурдик. Емакда бирга бўлдик. Афсуски, у йигитнинг исми Шокиён, ўзбекча билмайди. У ерда икки юзга яқин самарқандлик хонадон бор экан. Эрон аҳли бўлиб кетибди. Уларнинг ҳеч бири ўзбекчани билмайди. Ҳайрон бўлдим, Туркияда, араб ўлкаларида, Ҳиндистонда тожик юртдошларимиз намоён бўлиб туради. Ўлтириши, маданияти, сўзи-суҳбати, шоду хуррамлиги, қайғу-аламлари баёнида барчаси ўз тожикча шеvasида гаплашиб, ўрта осийлик ҳавосини бериб туради. Ҳатто Қобулдаги самарқандлик, бухороликларнинг ҳеч бири дарий бўлиб қолган эмас. Дарий шеvasидаги форсийни яхши билишса ҳам, ўзаро тожик шеvasида гаплашади улар. Оқой Шолчиён билан гаплашган сари ҳайронлигим ёзилиб, кўнглим роҳат қилади. Нишопурдаги самарқандийлар аслида Ўрта Осийга Эрондан хонлар даврида кечув учун бориб қолган кўчманлар экан. Октябр инқилобидан кейин ўз юртларига қайтиб келишибдур. Ўлтиришимиз поёнида Шолчиёнлар кетишганидан кейин ўзимдан ўзим сўрадим: «Қори, Нишопурга қаён масхадини зиёрат қилгани келдинг? Айт-чи, Умар Хайём ҳақида

нима биласан? Нима эслайсан? Мен Истанбулда мусофирхона ишлатиб турганимда Окой Фотими исмли мутолаа соҳиби бир эронлик киши меҳмон бўлиб турувди. У Эронга қайтгач менга почта оркали Хайём рубоийетини юборувди. Окой Фотими доктор Мусаддиқ даврида унинг кабинасида Эроннинг ташки ишлар вазири бўлиб турди. Афсуски уни Ришодо даврида тескари инқилобчилар ўлдириб юбордилар. Мен бундан илгари Хайёмдан рубоийларидан озмунча билсам-да, тўлиқ эмас эди. Рубоийларни ўқидим. Ўқиганим сари укдим. Хайёмнинг сиёсатнома эгаси Низомулмулк, терроризмнинг муршиди Хасан Саббо (ўлим қалъасини куриб Ўрта осийлик кўзга кўринган кишиларни ўлдирган зот) Хайём ҳазратлари улуғ ўзбек донишманди дунё оқсоқолларининг оқсоқоли Абу Али ибн Синонинг шогирдлари эканлигини, улуғ математика олими бўлиб кетганини Эмот котиб Исфихонийнинг Фаридакасл номли китобида Хайёмни хуросонлик шоирлардан бири эди дейиши Жалолиддин Маликшоҳ билан унинг донишманд вазири Низомулмулкнинг ҳидоятига кўра, тарихий Жалолийни Шамсий тавқимни тузганлигини, Ўрта Осиё дастурхонида ўлтирганлигини олий дарсини ўзбек домласи Ибн Синодан олганлигини шу асаридан ўрганиб, ич-ичимдан қувондим, қизиққан сари қизиқдим. Ўзбеклигимдан фахрландим. Ул буюк инсонга ҳамватан эканлигимдан, ўзбеклигимдан ўзимни Умар Хайёмга яқин кўра бошладим.

Шу тарихдан кейин ривоятнинг ярмисидан кўпроғини ёд қилиб олдим. Қолганлари ҳам қайта-қайта ўқиганим учун эсимга тушиб турадиган бўлиб қолди. Шу китобдан илгари ўзимни ўйласам на жаннат калити менга буюрилди-ю, на дунёда бирор пичокка соп бўла олдим. Икки жаҳон овораси. На ўзимга фойдам бор, на эл улусимга, бутун орзу-ҳавасларимнинг яхшилигига қарамай, бирор манфаат етказа олмадим.

Ҳаробот ичра кирдим ошуфта хол,
Май ичарга илкимда синган сопол.

ОЁҚ СИНДИ

Меҳмонхона эгасидан Хайёмнинг абадий уйкуда ётган жойини бориб зиёрат килмокчи бўлдим.

– Нима билан боришим ўнғай? - деб сўраганимда:

– Такси тезда олиб бориб қўяди. Яхшиси, фойтунда боринг. Бораверишда йўлнинг икки ёни дехқончилик, кўрадиган серманзара жойлардан баҳрланиб келасиз, - дейишди.

Фойтун чақириб беришди. Бир шиша «Хайём» номли майни олиб сумкамга қўйдим. Ниятим – маънавий дўстим, устозим Хайёмнинг маънавияти билан қўлимдаги майдан култур-култур олишиб рози-ризоллашиб келмокчимен. Фойтун чиройли, от ҳам боқимли, кишининг ҳавасини келтиради. Кишининг ҳавасини кўзғатадиган даражада гўзал. Тожикистонда от кўриб, от миниб бир кўришдаёқ отнинг нечоғли от эканини бироз пайқаб оладиган ҳолим бор эди. Йўлга тушдик. Фойтунчи Али оға ҳам кўзимга чиройли, одамшаванда кўринди. Хайёмнинг «Шараф» дафтарига ёзиб қўйиш учун рубойи тўқимокдаман. Тўқилган ривоятнинг асл калималари эсимда йўқ. Мазмуни эса,:

– Эй улуғ Хайём, фикру хур, виждони хур,

Хур инсонларнинг раҳбари сенсан.

Чунки кўнглингга келган фикрни эркин сўзладинг – тушунчасида хур виждонида хур кишиларнинг олқиши сенга ярашадур, - дейишим билан от нимадандир ҳуркиб, олиб қочиб кетди. От жоловининг идораси Али оғанинг кўлидан чиқиб кетди. Мен эса, беҳосдан уйғотилган шахс-дек саросимага тушиб, гоҳ кўрқиб, гоҳ таваккал қилиб, фойтуннинг ёндорини маҳкам ушлашдан бошқа чорам йўқ. Фойтун тўнтарилиб тушди. Йўл канори ариқнинг лабини қоплади. От кичик ариқнинг ўртасига чалқанчасига тушиб, фойтунга осилиб қолди. Ариқнинг ичида ётиб олай деса, гавдаси сиғмайди. Турай деса, туролмайди. Фойтунга боғлиқ. Мен эса, ариқнинг қирғоғига тушдим. Ўнг оёғим ариқнинг четки қиррасига тушди. Оёғим фойтун бурчагининг тагида қолди. Фойтунчи Али очик тепада жоловда бўлгани учун отилиб ариқдан нарига ту-

шибдур. От типирчилайди, зарбаси файтунга, файтун ғилдирагининг зарбаси оёғимга тушиб эзяпти. Аҳвол оғир. Али оғанинг менга раҳми келиб югуриб келди. Қўлидан бирор иш келмайди. От эсига тушиб, у томон югуради. Оту файтуннинг хўжайини бошқа бўлса керак. Али оға хизматчи бўлса, керак. Ётган отга ҳеч қанақа ёрдам беролмайди. Мен эсига тушиб, ачиниб, қайтиб яна мен томонга йўл олади. Яна отга қараб кетади. Бу ҳаракат бир неча бор такрорланди.

ТАЛАБАЛАР

Васий исмли ўқиғувчи Жуғрофия факультетининг талабаларини мушоҳада қилдириш учун Қирғезинчисига олиб чиққан экан. Узоқдан бизни кўриб қолади. Дув этиб талабалар келиб қолди. Биринчи бўлиб ғилдиракни кўтариб мени ғилдирагим тагидан суғуриб олишди. Сўнгра отни файтундан ажратиб турғизиш олишди. Кейин файтунни кўтариб ўнглаштириб қўйишди. Васий домла мени файтунга ётқизиш:

— Қишлоқда синикчи бор, шунга олиб бораман, - деди.

— Мен синикчиларнинг ўтмишини ҳурмат қиламан. Мени рентгени бор касалхонага олиб боринг, - дедим.

Ҳамшира қизлар марҳамат билан кутиб олишди. Шаҳар касалхонасига бордик. Доктор хонимдан аввал менга юракни сокинлаштирадиган дори ичиришди. Тинчлантирди. Жарроҳ доктор келиб диққат билан кўрди.

— Бу оёқ синган, анча зарб олган. Бу касалхонада тузалмайди. Техронга ёки Машҳадга бориши керак. У шаҳарларда катта касалхоналар бор. Тиббий ускуна етарли, - деди.

МАШҲАД

Улуғ Навоийнинг қадамжолари бўлгани учун Машҳадга боришга қарор қилдим.

— Менга бир «Жип» киралаб беринглар, - дедим.

Ўқитувчи машина топиб келиш учун ташқари шошилди. Шошилишда сумкамни кўтариб кетяпти.

– Сумкамни олиб колинглар, пулим, паспортим унинг ичиди, - дедим ҳамшира қизларга.

Ҳамшира қиз югуриб домлани тўхтатди. Сумкамни олдимга қўйишди. Ҳа, айтиб ўтайин, Васий домла тўполонда сумка йўқолиб қолмасин, деб бировга ишонмай, қўлида маҳкам ушлаб турувди. Шошилиб, ўша эҳтиёткорликни қўлдан бермай кетатурган эди. Ҳаргиз ёмон нияти йўқ эди. Шундай бўлса-да, сумка ўз ёнимда турсин дедим. Агар ҳаёт бўлса, саломат бўлсин, ўтган бўлса, руҳи шод бўлсин. У кишига миннатдорчилик учун бир нарсга берган-бермаганим эсимда йўқ. 220 долларга «Жип» киралаб келишди. Мени машинага ўтқазишди. Отелга бориб чамадонимни олдик. Шопирга:

– Сафардан олдин оёғимга бир беш сисийлик морпин нинаси қилдирайлик, - дедим.

Дорихонага бордик. Рецепт керак дейишди. Қайтиб касалхонага бордик. Доктор уйига кетиб қолибди. Манзилини олиб уйига бордик. Рецепт ёзиб берди. Қайтиб келиб, укол қилдирдик. Энди шопирнинг уйига бордик. Емак таклиф қилди. Иштахам йўқ эди. Кичик идишда ширин катик ичирди. Шопирнинг хоними марҳаматли, меҳрибон, ўта чакқон хоним экан. Ўзи югуриб-югуриб, секин-секин оппоқ пар ёстиклар олиб келиб:

– Бошингизни сал кўтаринг, оға, - деб ёстик қўйиб берди.

Икки оёғимнинг остига иккита пар ёстик қўйди. Иккита идишда овқат ҳозирлаб, жойлаштириб берди.

– Йўл узок, муносиб бир ерда ерсизлар, - деди. Менга қараб дедик, - Оға, қиймалик дўлма қилувдим. Оз-моз товук гўшти ҳам бор. Озгина холва, сангаки нон қўйдим. Ҳеч тортинмай тановул қилинг. Ҳар бир нарсга озода, диққат билан пиширилган, - деди. Шопирга тайинлади. - Машинани аста ҳайданг, оғага заҳмат бўлмасин, сизларга оқ йўл, - деб қолди.

Шопирнинг хонимидаги одамшавандаликка қойил қолдим. Дунёда шундай меҳрибон одамлар ҳам бўларканда, айниқса шопир хоними-я, деб хайрон бўлиб қолдим. Шопир «Оға, бемалол ётиб ухлаб кетсангиз ҳам

бўлаверади. Секин-секин ҳайдаймен, хотиржам бўлинг» деди. Йўл лабидаги ресторан олдига бориб тўхтади.

– Оға, емак еб олайлик? - деди-да, олдимга дастурхон ёзиб уйдан олган емакни ўртага бир бодринг, бир дона идишда қатиқ тартиб билан ўртага қўйди. Қошиқ, вилка – ҳаммаси бор. Ҳар бир нарса ўрнида. Ҳатто қўл артиш учун иситиб, намлаб қўйилган қоғозгача бор. Мана шундай саришталикни ўйлаб-ўйлаб хайрон бўлавердим. Бундай инсоний муҳаббатни уларда кўрдим. Шопирнинг исми Валий экан. Валий оға сўради:

– Хайёмнинг нимасига қизиқдингиз?

– Хайёмнинг файласуфлигиданми, бу хусусдаги асарларини ҳали ўқишга мушарраф бўлганим йўқ, лекин ривоятдан баҳраманд бўлганман. Фаридиддин ҳазратлари улусдошим бўладилар, - дедим.

Валий оға яна сўради:

– Эроннинг яна қайси шоирларини биласиз? Саъдийнинг “Ғулистон”, “Бўстон”ини ўқидим, Ҳофиз девонини ҳар замон иштиёқ билан ўқийман. Валий оға :

Алоё айёю хас соқий, адр қасон вано вилҳо,

К-эй, ишқ осон набуд аввал вале афтод мушқулҳо.

(Эй соқий, тўлдир қадаҳни, яшай орзулар аро,

Ишқ менга осон кўринди аввал, энди тушди бошга муқуллар.)

У кишининг жавобига улуғ Навоийнинг Ҳофиз матлаи-га берган жавобини айтиб бердим.

Румузи ишқ қонат мушқилан ҳаввилҳо,

Ки он ёқут махлулот намояд ҳалилҳо.

(Мушқулоти бор эди ишқ рамзларининг азалдан,

Уни ҳал этиш била ҳал этиш мушқул бу мушқулотни.)

Яна оға шопирга дедимки:

айтайин.

Бамай сажжода рангин кўн, гарад пири муғом гўяд,

Ки солиқ беҳабар набувад зироҳу расми манзилҳо.

(Май билан жойнамозни рангин эт деса гар пири

муғон, Дегил: “Шу йўлга кирдим, хабардорман бу май-
доннинг конун-қоидасидан”.)

Вали оға деди:

Агарон турки Шерозий бадаст орад дили моро,
Баҳоли индуваш баҳшам Самарқанду Бухоро.
(Агар кўнглимни шод этса ўшал шерозлик турк жонони,
Қаро холига баҳш этгум Самарқанду Бухорони.)

Мен дарров Навоийдан жавоб бердим:

Гар он турки хитойи нуш созар жоме сахборо,
Нахуст ора сўйимо турк този қатле яғморо.
(Агар хитойлик турк майни сипқориб олса,
Туркона юриш бирла отига бостирадди.)

Вали оға шундай жавоб берди:

Бадам гуфтию хурсандам, афо калло нику гуфтий,
гуфтий,
Жавобе талх мизибад лаби лаъли шакар хоро.
(Ёмон сўз айтдингиз, мен хурсанд бўлдим, Оллох рози
бўлсин,
Аччиқ жавоб лозимдир шакар лабларга, яхши айтдин-
гиз.)

Менинг жавобим шу бўлди:

Бидех сокей маи боқий кидар жаннат нахохе ёфт,
Кинори обе рукно боду гулгаште мусаллоро.
(Қуй, эй соқий, қолган майни, жаннатда ҳам тополмай-
сан —
Рукнобод лабидаю Мусаллода бундай гаштларни.)

Ярим соатча дам олиб яна йўлимизда давом этдик.
Ресторандаги суҳбатимиз шу эди. Демак, инсонларни
қилаётган ишига кўра баҳолаб бўлмайди, аравакаш ё па-
лон-пистон деб ўтиб кетавериш мумкин эмас. Нетайким,
шоир дебдур:

Хокисороне жаҳонро баҳақорат мани гар,
Ту чи донеке дар ин гард саворе бошад.
(Ҳаёти дунёда хокисорларга ҳақорат кўзи бирла бокма,

Сен кайдан биласан, бир отлик чиқар бу чанг-тўзон орасидан.)

АМАЛИЁТ

Тун қоронғусида Машҳадга кириб бордик. Бемористон дивист тахтихобийга топшириб, Вале оға хайрлашиб чиқиб кетди. Ярим кечада доктор Мухин Ашъёрни уйдан чақириб келишди. Оёғимни рентгенда текшириб кўргач, амалиётга олди. Орадан уч кун ўтди. Оёкдаги оғриқ камаймади. Оғриқ кесадиган дори-дармон бериб туришди. Докторлар орасида “Жаҳонгар (тўрист) форсий тили, адабиётини яхши билар экан”, деб шов-шув тарқалиб кетди. Эрта билан соат тўққизда профессор Нажиб исмли узун бўйли доктор секретари ҳамширахоним билан кириб келди. Бошини қуйи қилиб тавозе билан:

– Салом, устоз, аҳволингиз қандай? – деб сўради. Бирор нарса кам бўлса, тортинмай айтаверинг, ғ дейди. Витамин В ёздириб қўйди. Керагича унутмай пенициллин қилиб туришди. Соат ўнларда доцент доктор Ҳамид Яғмоий секретари хоним билан кириб таъзим билан:

– Устоз, аҳволингиз қандай? – деб самимият билан қайфиятимни билмоқчи бўлади.

Соат ўн бирларда амалиёт қилган доктор мойил Ағшор шогирдларию секретарлари хоним билан кириб келиб ҳол-аҳвол сўрайди. Соат 11 яримда озарий доктор Эҳробий ҳамкорларию секретари хоним билан кириб келиб, жуда меҳрибон бир яқинимдек ҳол-аҳвол сўрайди. Булардан кейин саршин ҳамшира қиз Мисрахимиён витамин В уколини қилиб чиқиб кетади. Соат бирда емак келади. Қўй гўшти, испанок, сув-мева, сангати нон, озода иккита патнисда қўйиб кетадилар.

ИККИНЧИ АМАЛИЁТ

Учинчи куни доктор Яғмоийга оёғимда оғриқ бор, камаймаяпти, дедим. “Доктор рентген қилиб кўрайлик-чи”, деб рентгенда кўрди.

– Битта суяк тескари қўйилибдур, оғриқ қолади, оёғингиз тузалиб кетади-ю, қалтирайдиган бўлиб қо-

лади. Хўп, десангиз бошқатдан амалиёт қилайлик, қалтирамайдиган бўлиб тузалади, — деди. Мувофиқат билдирдим, эртаси хоним ва кимён амалиётга ҳозирлади, укол қилди, амалиётхонага олиб борди. Масага ёткизиб, голибо яна бир укол қилди. Кўзим хиралашиб қолди. Доктор Яғмоийнинг овози, “Атир беринг” деди, бош тарафимдан овоз келди. Овозини танидим. Доктори Эжобий:

Бархис буюти Биёзи баҳри дилимо,
Ҳар кун бажамоли хейштан мушқули имо.
(Қалқ, тур, эй санам, кел кўнглим учун
Гўзаллигинг кўрсат, осон эт мушқулларимни.)

Мен ҳамон:

Як куза шароб тобаҳам нуш куним,
Зон пешки кузахо кунанд азгилимо, —

Бу бир кўза шаробни кўрайлик баҳам, ичиб кетишади бошқалар чунки бизларнинг кўзадан ҳам.)

— дедиму ҳушдан кетдим. Осмонда учиб юргандекман, бировлар оёғимни тикир-тикир қилиб кавлашгандек бўляпти, ҳушимга келиб қарасам, ўз уйимда ётибман. Доктор Муродиён Хоним Раҳимиён кеча-кундуз ҳурматимда ҳозир, ҳамширахоним Мансура “Оға, ўтиб кетган бўлсин” деб туришди.

ХОНИМ РАҲИМИЁН

Соришин, сарвқомат, нозик чандон гўзал, дилбар сабо нонуштадан кейин кириб келади. Кўриниши билан хонада баҳор келади. Кўнглим тинчийди. Чиқиб кетишида орқасидан қараб қоламен, ҳақиқатда гўзал бир пари. Мирилдаймен, бу қайси гулистоннинг гулию, қайси бўстоннинг пари-пайкари экан, деб яхшироқ таниб, унга кўра муносабатда бўлиш мени қизиқтириб қолди. Галдаги келишида:

- Хоним Раҳимиён, қайси жамоага мансубсиз? - дедим.
- Бохойй, бохоййман, - деди.
- Раҳмат, мен ҳам худди шундай ўйловдим.
- Сиз-чи? - деди.

– Афсус, бохойй эмасман-у, кечирасиз, бахоиятга бегона ҳам эмасман, - дедим. - Бахоййлик матбуотидан анчамунча хабарим бор, - дедим.

– Қайси асарларни ўқигансиз? - деди. Маҳмадали Бобуллонинг Алвобуллосини, Мирзо Ҳусайн Бохоуллонинг “Ал-ақда”сини, Қудратулайн Тоҳиратонунинг девонини диққат билан ўқидим. Ҳазиратил Қудсга ҳам борганмен, - десам хайрон бўлиб қолди.

– Яна қанақа китобларингизни ўқидингиз?

– Назариянинг тарихчиси Бобуллонинг “Оқибат”и, Ҳусайн Бохоуллонинг “Истанбулга кетиш”и, Аграда қарор топиши, бугун Шавқий афандининг оқимга раҳбар эканлигидан хабардормен, - дедим.

Хоним Раҳимиён:

– Оқой Журий, сизга офарин. Сиз мени қувонтирдингиз, - деди. (Эронийлар Жўра деёлмас экан)

БОШ ҲАКИМ

Бош ҳаким хонамга келиб ҳол-аҳвол сўраб илтифот кўрсатиб кетди. Дарвозабон Ҳусайн оғага таълимот берибдур. Турист Журийни сўраб келган бўлса, қулайлик кўрсатинг, - деб таълимот берибдур. Хуросон газетасидан бир саҳобий келиб, воқеани ёзиб олиб кетди. Эртасига “Туркиялик жаҳонгартнинг оёғи синиб, касалхонада ётибдур”, деган хабар расмим билан газетада эълон қилинди. Эрта билан докторлар ўша тавозе ҳурмат билан аҳвол сўраши олти ярим ойда ўзгармади. Ҳар иккинчи кун хонамдаги гулдоннинг гули ўзгартирилиб, ҳар хил гулдан гулдаста қўйиб кетишади. Бу гулдаста касалхона томонидан қўйиладими ёки бирор кишининг томонидан қўйиладими, билполмадим. Бу сирлилигича қолади. Касалхонага эрта кузда ётувдим, кеч куз келди. Қиш келди. Кечга мунтазам равишда ёниб уй ҳавоси илиқ туради. Қор ёғиш манзарасини, касал кўрагани келганларни кўриб ўйланишга фурсат қолмайди. Шундай бўлса-да, эсим у ёқ-бу ёққа чалғиб туради.

ЗИЁРАТЧИЛАР

Газетадаги хабар Машҳар шаҳрида шов-шув яратибдур. “Хабарсиз қолдим деманглар, форс тили адабиётидан баҳраманд жаҳонгард бемористон дивисте тахтихобийда оёғи синиб ётибдур”. Каттаю кичик ҳукумат арбоблари, турли-туман касб эгалари зиёратимга кела бошлади. Азаматлар қуруқ келмайди, кимнинг қўлида ярим кило бақлава, кимисининг қўлида бир-икки қути мева консерваси бўлади. Айримлари пул бермоқчи ҳам бўлади. Пулни ҳаргиз қабул қилмадим. Хуросон волийси (ҳокими) оғай Жапари, шаҳридор (валадия) раиси Шаҳрибон (амният мудири) шаҳар халқидан машиначи, дўкандор, полис, нонвой, қассоб, ҳар хил касбу ҳунарга мансуб мухтарамлар келганлар. Кетатуриб ҳаммаси ҳам яхши тилақларини билдириб, “Тезда соғайиб қолинг, оға” дейишади-ю, айримлари хос тариқада қиблага қараб қўлини осмонга кўтариб:

– Эй Худо, эй имом Мирзо ҳазратлари, шаҳримизда касал бўлиб ётган мусофир меҳмонимизга тезроқ шифо беринглар, - деб дуо қилишади.

ДОКТОР ИЛЁ

Асли Фарғонада яшаган, Оқ ўрислардан, иктидорга кизил ўрислар келганидан кейин Машҳадга келиб қолган. Заҳарланиб келган касалларга қарар экан. Кечаси навбатчи бўлиб ишлайди. Ҳар учинчи кун бир келиб хабар олади. Доктор Илё:

– Ҳар кеча шу ердамен, бирор ишингиз тушиб қолса ҳеч тотинмай чақиртиринг, - дейди доктор Илё. Қўлини осмонга кўтариб, - Худоё, ватандошимга тезроқ шифо бергин, - деб дуо қилади.

ҲОЖИ АКБАР

Асли саварқандлик, гўзал юртимиз Ўзбекистонда кизил ўрислар одамларни қулоқ қилиб ўртача саводхонни миллатчи деб қоралаган, чаласавод домлаларгача, жумладан кориларгача руҳонийлар деб қамаб, очлиқдан,

касалликдан сунъий қаҳатчилик яратиб, халқни ўлдира бошлаган мамлакат қиёмат бўлиб қолган даврда Эронга қочиб келиб қанот отган экан. Машҳадда Соҳибул Мазҳад эканлар (никоҳхона). Эронда биздаги нотариуслар сингари никоҳхоналар бўлади. У киши жаҳонгашта, оққорани таниган мутолаа соҳиби бир одам. Маданиятли, одамшаванда, суҳбати ширин, мажлисоро бир шахсияти бор. Ҳафтада бир келиб, хабар олиб туради. У кишининг қариндош-уруғлари ҳам келишиб, илтифот кўрсатиб туришди. Шу кунларда чиқиндидан кон келадиган бўлиб қолди. Докторга айтсам, “Кўрайлик, балки амалиёт керакдир”, деди. Ҳожи Акбар ака келиб қолди. Воқеани у кишига ҳам айтдим.

– Овқатингиз қандай? - деди.

– Овқатлар жуда юқори даражада яхши, - десам:

– Гўшти қанча? - деди.

– Анча-анча гўшти бор, - дедим.

– Ҳар кун шунақами? — деди-ю, ҳа, жавобимни олгач, - Гўшт ортиқлик қилибдур, - деди. - Яхши, мен кўк чой олиб келамен. Чойнакда қайноқ сув келтириб, ўзингиз бир чимдимдан солиб дамлаб ичинг. Амалиётга-ю, доридармонга ҳожат қолмайди, - деди. Айтганидек қилдим, ҳеч чора қолмади.

ХАЗОРАЛАР

Мен билан бирга Куйтадан келган хазора миллатига мансуб йигитлар бор эди. Саломат бўлишсин, тез-тез хабар олиб туришди.

РУХСАТ ОЛИШ

Анча тузалиб қолдим. Менга ўхшаш — оёғими, қўлими синиб келган касаллар оёғи ёки қўли гипсланиб, аҳволи тузалганидан кейинок, ўн уч кун деганда касалхонадан чиқиб кетар экан. Буткул тузалгунча уйида ётиб, орада докторга муолажа қилдириб турарканлар. Мен ҳам ўшаларга ўхшаб касалхонадан чиқиб кетиш учун доктордан ижозат сўрадим, чунки касалхонада жой танқис, ер

талабга кўра озлик қилмоқда. Доктор менга ижозат бермади, соғайинг, ўзимиз айтамиз, деди.

ШОЙИСТА

Мендан ҳол-аҳвол сўрамоқчи бўлиб келаётганларнинг олти ярим ой касалхонада ётганим муддат ичида кети узилмади. Юқорида айтганимдек, қўллари бўш келмади. Кечкурун қарасам, беш-олти қути хандонписталик боқлава, майиз, ёнғок, ўн-ўн беш қути мева консерваси, бир-икки кило новвот йиғилиб қолади. Бир қути мева консервасини олиб қолиб, қолганини ишловчиларга бераман. Худонинг берган куни шу аҳвол. Эрон халқи инсонпарвар, марҳаматли, сахий кишилар бўларкан. Айниқса, Зилдадил ишқивоз мусикадан, рақсдан баҳраси бор. Катта-кичик барчаси шеърят, адабиётдан баҳоли қудрат анча-мунча хабари бўлар экан. Деразам олдидан ўтган зиёратчиларни томоша қилиб, турли-туман инсонларни кўриб бир фильм кўргандай бўламан. Ҳар куни соат бешларда сарвқомат саришин бир қиз деразам олдидан ўтиб, бирор соат ўтгач, қайтиб касалхонадан чиқиб кетади. Шу қиз диққатимни тортди. Келипида-кетишида унга тузукроқ қарайдиган бўлиб қолдим, бўй-баста келишган, фигура мактовдаги гўзалликда. Жингалак ҳалқасимон соришин сочи бор. Истанбулдаги танишларим айниқса сўл табиатли Рамазон мени кўнгилдан севиб Хўжам, (устозим) дер эди. У Истанбулда чиқадиған ҳафталик “Ҳаёт” журналини почта орқали мунтазам равишда юбориб турди. Кечкурун ҳамшира қизлар навбатчилиқдаги доктор:

– Окай Журийдан бир хабар олайн деб келдим, - деб журналларни қизиқиб варақлашарди.

Доктор Муродиён серзавқ, беғубор йигит. Фурсат топдими “Окай, Журий-чи, Журий”, деб келарди, қўлиб кириб келарди-ю, бора-бора мен билан бемалол бетакаллуф гаплашадиган бўлиб қолди. Галдаги келиб ўлтирганида халиги ерда юрган ойни унга таъриф қилиб бердим. Ҳикояга енгиллик киритилиш мақсадида устоз Ҳофизнинг ушбу байтини ўқидим.

Онки нест дилаш зинда баишк,
Бару бафатмиман намоз кунид.

(Киши кўнгли тирик бўлмаса гар ишқ била, гар бўлса шундай,

Менинг фатвоим била намозини ўқиб юбораверинг.)

Доктор кулди. Ҳеч ўзини тўхтата олмади.

– Окай Журий, касалхонамизга ётганингизни бу ёғида сизда заррача ғам тўлмайди. Кўнглингизда ғаш кўрмадик. Бу ҳол мени тинчлатиб юрар эди. Бугунги қувноқ кайфиятингиз эса, ич-ичимдан қувонтирди. Ҳақиқатда тўғри айтдингиз, ишқи йўқни кесак деганлар ринтлар. Ринтлигингиз мени ҳар кеча тортиб ҳузурингизга олиб келади. Гапу сўзларингиз мени хумор қилади. Сўз берамен, сизга эртага у гўзал ким-у, қаерга, нима учун келади, билиб оламен. Сизга келиб ҳам накл қиламен, ҳам нуқл берамен, - деди.

Доктор Муродиён эртаси кечкурун келиб, ваъда қилган ҳаётбахш нақлинию тотли нуқлини берди.

– Эртага соат бешда сиз тасвирлаган баҳорнинг моҳпайкари сиз билан кўришиб, танишмоқ учун ваъда берди? - деди.

Эртаси тонг соат бешда кўнглимни мафтун этган пари хонамга Муродиён билан бирга кириб келди.

– Кечирасиз, хоним? - деб узр айтиб, ётоқда ўлтирган ҳолимда қўл узатиб кўришдим. Утиришга ишора қилиб, - марҳамат, хоним, ўтиринг, - дедим.

Айни алоқани докторга кўрсатиб, ҳавога енгиллик келтирдим. Меҳмон киз мусикадай овоз билан:

– Окай Журий, сиз билан танишайин деб келдим, - деди.

– Хуш келдингиз, Шойистахоним, мамнун бўлдим, раҳмат, - дедим. Стол устига майда-чуйда – боримни кўйдим. – Қани марҳамат қилинглар. Окай дўхтир, бошлаб беринг, - дея зилни босдим. Ҳамшира Мансурахоним келди.

– Кўк чой дамланг, - дедим.

Мохазардан ошиб, чой ичиб, у ёқ-бу ёқдан сўз юриб кетди. Доктор навбатчи бўлагани учун орада чиқиб ка-

саллардан хабар олиб келиб турди. Маълум бўлдики, Шойистахоним консерваторияда тўртинчи курс талабаси экан. Шунинг учун табиати ила мусикадан, адабиётдан, айниқса макомлардан баҳраманд, ёлғиз кўриниши эмас, маънавий олами ҳам баҳору гулу гулистон эди. Кийинишида, ўлтиришида на ўта ўнг, на ўта сўл гапу сўзларида чошни бор. Қойил колдим.

МЕҲМОН

— Окай Журий, сўзларингиздан пайқадим. Ринду ахли фиروق экансиз. Мен ҳам ахли фиروقман, - деди.

— Шойиста хоним, фиروق ахлидан кимга яқинроқ ту-расиз, - десам:

— Ҳофизга яқинроқман, - деди.

— Хоним маълумингиз?

— Ҳофизнинг:

Дило, чандам биризи хун зидида шармдорохер,

Туниз, эй дида, корикун муроди дил баророхер,

(Эй дил, қон тўқарсан қанча кўзимдан ,уял,

Сен ҳам, эй кўзим, бир иш қилки, муродимга етказ.) —
деган жойлари ҳам бор-ку, - дедим.

Кулди.

— Яхши эслатдингиз. Мен ҳам ора-сирада Хайёмга му-рожаат қиламен, - деди:

Ҳар чанд рангу руйи зийбост маро,

Чун лола руху чу сарву болосимаро,

Маълум нашуд дартараф хонаи хок,

Наққоши азал бахричи ороост маро,

(Чиройликдир рангу бўйим нечоғлик деманг,

Чун лола янглиғ юзиму сарвдек бўйу бастим бор.

Маълум бўлмадики бу тупроқ ўйинхонасида

Азал наққоши мени яратди экан нечун.) —

деди.

Кулдим, у кулди. Жавобидан завқландим ва дедим:

Гар май хуре ту бохират мандон хўр,

Ту ё босанами лоларухи хандон хўр,

Бисёр махур, вирда макун бисёр махўр,

Андак хўр гаҳи гаҳ хўр, пинҳон хўр.
(Май ичсанг, окилу доно била ич,
Ёки бир гул юзли зебо била ич.
Оз-оз ич, гоҳ-гоҳ ич ҳам яширин ич,
Эзма, лакма бўлма, ҳаё била ич.)

Шойиста хоним:

– Окай Журий, соғ бўлинг, фикру мулоҳазаларимиз бир-бирига ўхшар экан. Бағоят мамнун бўлдим, - деди.

Хоним Шойиста ҳафта ораси, чоршанба кечки пайт ҳолимни сўрагани касалхонага келишни ўзига вазифа қилиб олди. Галдаги ташрифида дастурхоним хўлу курук мевалар билан ясатилган эди. Ул парининг қўлимсираб туриб айтган сўзлари жуда гўзал, ҳаётбахш маънодор бўларди. Мен ҳам мазмунли гапларни баҳоли қудрат фаҳмлаб, камтарин жавобимни бериб, суҳбатда сўзнинг алмаштириб туришини таъминлаб турдим.

“Пири муғон қандайлар?” деб ҳазиллашиб, бехосдан парийни олқишлаб юборганимни ўзим билмай қолдим. Хоним Шойиста:

– Пири муғон ўзингиз. Мен бўлса, хузурингизга келиб турибмен, - деди.

Шу тобда бир рубой эсимга келиб қолди.

– Рубой эс-хонамдан чикиб кетмасдан ҳамон фарз этсам нима дейсиз, - дедим. Эшитамиз деди.

Чун ухда намешавад каси фардоро,
Холи хушдор эндили фурсавдо.
Майнуш ба махтоб имо ки мох,
Мо бисёр битобаду наёбад моро.
(Эрта нима бўлар, билмайди ҳеч ким,
Ўтаётган вақтни ғанимат билинг.
Май ичинглар кўпроқ ой шуъласида,
Чунки ой кўп яшар, тополмас бизни.)

Паридан шундай сас келди:

Акнун гули саодатат пурбораст,
Дасти ту зижоме май чиро бекораст.

Май нуш замона душмане ғаддораст,
Дарёфтан рузи чунин душвораст.
(Сермахсулдир энди саодат гулинг,
Кўлинг нега бушдир май шишасидан?
Май ич, замона душману ғаддор,
Бундайин фурсатни кийиндир топмок.)

– Воҳ-воҳ, офарине, марҳамат, - «Хайём» номли майдан куйилган кўзани узатдим.

Як кўза шароб тобаҳам нушкунен, -
(Бир кўза шаробни кўрайлик баҳам,)

десам:

Зонпешки кўзахо кунанд азгили мо, -
(Ичиб кетар бошқалар бизнинг кўзамизни ҳам.) –

дедию олқишлаб юборди. Қоронгу тушиб қолди, осмондаги ой ердаги дугонасининг ёрдамига шуъласини юбориб, йўлни ёритиб турди. Пари рухсат сўраб чикиб кетди. Бундан кейин ҳар гал Шойистахоним ҳол-аҳвол сўрагани келганида ҳазилнамо:

– Пири муғоннинг кайфиятлари қандок? - деб илтифот кўрсатса, мен ҳам:

– Соғлик соғ бўлса, пиру мугон бор-да. Яна ўтган галгидек бадий румуз билан пайғомлашиб олар эдик, – дердим.

КАСАЛХОНА

Анча соғайиб қолдим. Оёқдан гипслар аллақачон олинди. Синган оёкнинг кафтига темир қўйиб, болдиримгача яна гипс боғлаб қўйилди. Секин-секин икки кишининг ёрдамида юргизиб, турадиган бўлинди. Кейин-кейин қўлтиктаёк билан бир кишининг ёрдамида юргизадиган бўлишди. Томирларга нормал қон келиши, куч олиши учун массаж қилишиб турди. Кечқурунлари эмбуланс билан Машҳад бозорини айлантириб келишадиган бўлинди. Ниҳоят, жавоб берадиган кун тайин қилинди. Ётган хонам катта салонга ўхшайди, докторлар, ҳамширахонимлар йиғилишди, ўртага масса кўришиб, тешкулчаларни дас-

турхонга мўл тукиб кўйишди. Йиғилганларга кўк чой узатиб турилди. Профессор Нажиб ўзаро ҳол-ахволлар сўрашишлардан кейин гап-сўз орасида ўрнидан туриб, сўз бошлаб:

– Окой Журий, боёнлар, бойлар соғ бўлинглар. Бу ерга устоз Журийнинг соғайиб, касалхонамиздан чиқиб кетаётгани учун хайрлашайлик деб йиғилдик. Аҳвол шуни кўрсатдики, биздан Окай Журий мамнун. Биз ҳам Окай Журийдек жаҳон кўрган кишидан мамнун бўлдик. Окай Журий, бизлар сизни кўзимизнинг қорачиғидек азиз билдик. Кўлимиздан келган фидокорликни аямадик. Афсус қиламен, бугун дунёда бор бизнинг мамлакатда йўқ суҳулатни ишга қўёлмадик. Мен полисда кўрган касаллар учун йўлга қўйилган имкониятлар бизда йўқ. Ана ўшандай суҳуратни сизга беролмадик. Яна такрор айтамен, бор имкониятдан тўлиқ фойдаландик. Бунинг учун қалбимиз роҳат, оёғингиз юздан-юз соғайди. Полисда ҳам, Истанбулда ҳам биз олган натижа олинар эди. Энди сиз ёлғизгина Умар Хайём зиёратига эмас, тоғларга чиқиб кеза оласиз. Сизга хамиша хушнудлик билан ёр бўлсин, - деди.

Қарсақлар чалинди. Мен ўрнимдан туриб:

– Азиз меҳрибонларим, олти ой муддат ичида менга кўрсатилган одамгарчиликларингиздан беҳад миннатдормен, бу олти ой ҳаётимнинг оригинал саҳифаси бўлиб қолади. Сизларни унутмаймен, ҳар бирингизга минг раҳмат. Соғ бўлинглар, бор бўлинглар, - дедим бош эгиб туриб.

Яна қарсақлар янгради.

ТУРКМАНСАРОЙ

Техронда эскидан танишим мударрис афандининг Туркмансаройига тушдим. Мен илгари ҳам бир неча бор Техронга келувдим. Бугун Эрон идорасидаги гумбаз комусида бир миллионга яқин туркман яшайди. Буларнинг деҳқончилиги пахта, гиламни эса, хотин-қизлари тўқийди. Миллий саводхонлик оз. Анча-мунча саводхонлик ҳам форсий экан. Хотин-қизлар ўртача ўттиз ёшгача

гилам тўқиб, сўнгра сил бўлиб у дунёга кетаверишаркан. Мен мударрис афандига:

– Араб ҳарфида бўлсада, тили туркманча асар яратиб бериш имкони йўқми? Ҳозирча асарнинг мазмуни диний бўлса, ҳам бўлаверади. Сўнгра миллий тилдаги китобга навбат келади, - деган эдим. Мударрис афандига сўзим маъқул бўлувди. У киши туркман тилида «Фарзайн» ёзибдур.

– Туркман муллоларига кўрсатиб маъқуллашгач, матбаага берамен, - деди.

АЛИ ТАБРИЗИЙ

Амири кабирнинг хиёбонида китобфуруш Али Табризий билан танишиб, дўстлашиб олувдим. Бу гал сарой ичидаги китобчи Али Табризийни тополмадим. Суриш-тирсам, дўкони ёниб кетибди. Палон жойда ёймачи-китобфурушлик қилмоқда дейишди. У манзилни топиб бордим. Али афанди қўлтиқтаёқ билан юрганимни кўриб:

– Сиз ҳам чўлоқ бўлиб қолибсиз-ку, – деб ҳазиллашди. – Ёлғиз мен қазо кечирмагайман, сиз ҳам қазо кечирдингизми? - деди.

Дўстим Али Навоийнинг “Муҳокамат-ул луғатайн” асарини чоп эттиргани учун Алини сўл ит номи билан айблашиб, дўконини ёпиб юборибдур. Ана шу воқеа натижасида, каттагина китобфуруш Табризий жаноблари кўча бўйларида ёймачи сайёр китобфуруш бўлиб қолибдур.

ТЕҲРОН ШЕВАСИ

Теҳронда бир растадан илгарилиб кетаётсам, бир йигит “Ове лимонаде Ганди баяги”, деяпти. Тушунмай хайрон бўлиб қолдим. Ўша даврда Қобул форсчасини билар эдим. Теҳрон шевасидан беҳабар эканман. У шундай демоқчи экан. “Обе лимонаде канди баяккирун”. Демоқчименки, Теҳрон шеваси мусиқали бўлади. Мисол учун, Ҳиндистонда меҳру кабинасида олий таълим вазири сўнгра Ҳиндистон жумҳур раиси бўлиб турган араб-форсча тилларни яхши билган буюк олим Мавлоно Абулқалом

озод Техронга бир комфаронсга ўз вақтида келолмайди. Мавлоно одамларга карата шундай дейди:

-Ме хосдам барвакт биёрам дастир шудам.

Ҳамма бир-бирига қараб хайрон бўлиб қолади. “Дастгил шу дам полисга ушланиб қолдим”. Демак, у киши иш билан бўлиб қолдим демоқчи. Абулқалом озод орзудошдам дар Техрон сероз киём кунам. Тилагим шу эдики, уч кун Техронда исён қилайин. Яна ҳамма хайрон бўлиб, бир-бирига қарашиб қолади. Ҳолбуки, Мавлоно Техронда уч кун турмоқчи эдим, демоқчи эдилар. “Қиём” классик форсчада “турмоқ”, янги форсчада эса, “тўнтариш” маъноларида ишлатилади. Яна бир мисол, доктор Мусаддик “Марди боимон дўсташ дорад аҳли Эрон бодилу жон” – форсчанинг Хуросон шевасида китобда қандай ёзилган бўлса, ўшандай дарийчага ўхшаш содда талаффуз қилинади. Техрон шевасида эса, айна китоба куйидагича талаффуз қилинади: “Марди боимун дўсташ дурад алиирун бодирун жу”.

ШОИЛҲОМ АКА

Ўша даврда Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида Шоилҳом Тошкандий исмли савдогар истиқомат қилар эди. У киши Бейрутга келади. У ерда Саъдулла қорининг меҳмони бўлади. Шоилҳом “Эронни саёҳат қилгим келади” дейди. Мезбон қори эса, “Боринг” дейди. Шоилҳом:

– У ерда бирор кишини танимасам, бу қандай саёҳат бўлади? - дейди. Қори Саъдулло:

– У ерда бу кунларда Жўра қори бор. Жойларга олиб бориб айлантиради. Саёҳатингиз яхши ўтади, - дейди.

Шоилҳом:

– Жўра қорини қайдан топаман? - деди.

– Туркман саройига бориб, Жўрақорини сўранг, танишади.

Бир куни Техронда кийим бозордан чикиб кета турувдим. Олдинда бир ўзбек, ўзбеклигини дўпписидан танидим. Паришонлиги, ўйчанлиги қадам ташлашидан, шимининг ичидан пижамаси бир энлик осилиб туришидан

билиниб турибди. Эй ўзбек-ку, кўришиб, танишиб кўяйин деб илдам юриб олдинга ўтиб қарасам, Шоилҳом ака. Мени кўрди-ю, кўзлари чарақлаб кетди.

– Э, қори, қаердасиз, Саъдулла қори Турмансаройдан топасиз, деган эди. Саройнинг эгаси Жўрақорини танийман-у, қаерда ўлтиришин билмайман. Ўзи гоҳ-гоҳ келиб туради, деди.

– Юринг-е, ўзингиз турган жойга мени олиб кетинг. Келганимга икки кун бўлди, сиқилиб қолдим. Мен форсча биламан деб юрсам, Эрон форсисини билмас эканмен. “Жуло-жуло” дейди, ҳеч тушунмайман. Эртага Қоҳирага кетаман деб самолётга билет ҳам олиб қўювдим. Энди билетнинг тарифини ўзгартирамиз, - деди.

Мен ҳам эртасига Покистонга кетмокчи бўлиб билетларимни тўғрилаб қўювдим. У кишига билдирмай агентликка телефон қилиб билет тарихини кейинга олириб қўйдим. Шоилҳом аканинг агентасига бирга бориб, сафарни ўн беш кун кейинга сурдириб қўйдик. Туркман саройига бориб чамадонларини олиб, ўзим турган отелдан икки кишилик алоҳида ошхонаси бор жой айирдик. Шоилҳом ака қовунни соғиниб қолган. Роса қовунхўрлик қилдик. Эронда “амири” қовун жуда яхши бўлади. Шоилҳом ака яхши ошпаз экан. Жарқоб исмли овқатга уста экан. Эронда гўшт лаззатли бўлади. Нони сангаки, нони барбарилари дунёда йўқ. Хандон пистаси йирик-йирик, чиройли бўлса-да, мазаси унча эмас. Писта Хуросоннинг Тошқўрғон шаҳрида яхши бўлади. Туркиянинг пистаси ҳам Тошқўрғон пистасидек мазадор эмас. Соат олтиларда турган жойимизга яқин Техроннинг марказий хиёбони — лолазорга ўтамиз. Дўконлардаги нарсаларни кўргани келган одамларни кўрамиз. Одамлар эса, матоларни кўргани келади. Оҳиста-оҳиста одамнинг тикинлигидан юрилади.

– Қори, қаранг-қаранг, - деди Шоилҳом. – Хув, анави узун бўйли йигитни кузатинг. Томоша кўрасиз. Ўша йигитга қараб, орқасидан секин-секин кетавердик. Йигит юқоридан қуйи томон келаётган бир жувоннинг сумкасини тортиб, ёнидаги шеригига бериб қўйди. Жувон у ёқ-бу ёққа қаради. Сумкасини ким олганини ҳеч билолмади. Ўғри

йигит илгарилади. Қилиғини биров пайкамадимикин, деб у ёқ-бу ёкка қарадим. Бизга кўзи тушди. Шоилҳом ака қулимсираб қўйди. У йигит қилиғини кўриб қолганимизни фаҳмлаб бизга қараб қўл ишораси билан салом бериб, гўё кечирим сўрагандек бўлди. Шоилҳом ака ҳазилкаш одам эди. У киши ҳам қўл ишораси билан салом қилиб тарафкашлик билдирди. Мен:

– Шоака, полисга хабар берайлик, - дедим.

– Бизнинг вазифамиз эмас, - дедилар.

Шу кўйи бу йигит хиёбону Истамбулгача бир неча жувоннинг сумкасини ўғирлаб кетар экан. Эрта нонуштани қилиб олиб, кетиладиган жойларни – музей, бозорларни айланиб келар эдик. “Эрон бостон” номли музейда терилган нарсалар ҳақида раҳбар қизиқарли маълумот берди. Айниқса, Эроннинг қабила раислари саркардаларининг Нодиршоҳга берган байятномалари қизиқарли эди. Улуғ ватандошимиз Нодиршоҳ афшор туркман халқи фахрланадиган сиймоларидан биридур. Шоилҳом билан гумбазга бордик. Қобуз аёлоти қачондир сиёсий жиҳатдан туркман элидан айрилиб, Эрон жуғрофиясига кўшилиб қолган. Жуғрофияси, тили, тарихи, маданияти бутун кўриниши туркман бўлатуриб, сиёсий жиҳатдан Эрон мустамлакаси ҳисобланади. Туркманлар у ерда ёлғизгина сиёсий жиҳатдан қул эмас. Ҳар жиҳатдан қул эканлар. Пахтазорларда заминдорларга қул, меҳнат ҳақи тўлиқ берилмайдди. Диний боқимдан чаласавод муллаларга қул. Замонавий маданиятга ўтолмаяпти. Энг катта санъатлари гилам тўқиш, гиламлар экспорти эса, форсларнинг қўлида. Туркман хотин-қизлари жаҳонда машҳур гилам тўқишаркан, ҳузурини форслар кўришаркан. Бечора қизлар бор кучи билан беш йил гилам тўқийди. Юқорида айтганимдек, сўнгра сил, ногирон бўлиб қолади. Шоилҳомни Қоҳирага йўлчи қилдим.

ДЕНГИЗ САФАРИ

Эронда китоб чоп қилиш мумкин бўлмагани учун, энди ниятимни руёбга чиқариш учун Карачига бормокчи бўлиб, фараз қилиб, қўлтиқтаёқда бўлганим учун денгиз

сафарини осон кўрдим. Эроннинг Хуррам шахридан Карачига кема борлигини биламан. Бир ҳафталик йўл. Паспорт идорасига бориб, Эрондан чиқиб кетиш ижозатини сўрадим. Касаллик билан овора бўлиб полис идорасига учраб, ўзимни ёздириб қўймаган эканман. Полис идораси “Чиқиш изни беришимиздан олдин сизни маҳкамага юборамиз. Паспорт қонунига хилоф етти ой Эронда гайриконуний равишда туриб қолибсиз демасинми?” Эрон бўйича полис мудирининг адресини олиб, у идорага бордим. Иккинчи каватда экан. Лифти йўқ. Аста-аста юкорига чиқдим. Одамлар каторида туриб ичкари кирдим. Жуда дабдабали идора. Бунақа дабдабани кўрмаган одам ваҳимасидан йиқилиб тушади. Мудирга таъзим билан “Салом, оға” деб паспортимни узатдим. Шундай қаради-да, нарироқда ўлтирган ўринбосарига қараб:

– Оғой Дониш, бу жанобнинг ишига қаранг, - деди-да, менга паспортни қайтариб бериб, - Оғага боринг, - деди.

Ўринбосари озарий экан, шунинг учун ҳам, унга ишни ҳавола қилибдур. У киши паспортни кўлимдан олиб “Марҳамат, ўтиринг” деб курсига ишора қилди. Аҳволни тушунтириб, тилагимни билдирдим. Сўзимни афу қилишларини сўрадим. Мудир:

– Тўғри айтдингиз, паришон бўлганингиз учун эсдан чиққан. Хайём зиёратига кетатуриб оёғингиз синганини Хуросон газетасида ўкиб, расмингизни кўриб, афсус қилган эдим. Сизга сарханг жаноблари (полис мингбошиси) расмиятчилик ижоби муомала қилибдур. Хавотир бўлманг, афанди, - деди-да, телефонни олиб? – Оғаи Сарханг Фарходий, Жўра Бўтакўз исмли турк туристига ҳамон чиқиш изни беринг, - деб буйруқ берди. – Оға, совуқ ичгани вақтингиз борми? - деди.

– Раҳмат, миннатдормен, оға, - дедим.

Паспортимни узатиб:

– Сарханг жаноблари сизни кутиб турибди, - деди.

Ўзуридан таъзим билан чиқиб, паспорт идорасига борсам, бир полис навбатга қарамай, мени ичкари олиб кетди. Сарханг “паспортингизни беринг”, деди-да, беш дақиқа ичида паспортимга чиқиш изини босиб берди.

ҲУРРАМ ШАҲАР

Поездда ҳиндистонлик сиёсий илмлар доктори Мета қўшилди. У билан гоҳо шахмат ўйнашиб, гоҳо кизгин гурунглашиб кетдик. Гоҳо адабиёт гулистонига ҳам ўтдик. Рабиндранат Тагорнинг Мирзакалон Исмоилий томонидан ўзбекчага ўғирилган «Фалокат» романини ўқиган эдим. Шу китоб орқали Рабиндранат Тагорнинг мухлиси бўлиб қолувдим. Туркиянинг эски бош бақони бўлган Ажавидчалик Тагорнинг қабрига бориб синаманган бўлсамда ўзимга яраша улуг ҳинд ёзувчисига таъзимим бор эди. Гап айланиб доктор Иқболга келиб тўхтади. Форс тилидаги мусофирномасини эса, тумордек доимо ёнимда ташиб юрганимни, шунинг учун “Мусофирнома»даги бир қанча шеър менга ёд бўлиб кетганини улуг ҳинд ўлкасининг адабий сиймоларидан Ҳамза, Хисрав Дехлавийнинг, Асадулло Ғолибнинг фахр билан ўзбеклигини ифодалаган шеърини ўқиб берсам хайрон бўлиб қолди. Чунки у доктор Хисравнинг ёки Ғолибнинг ўзбеклигини билмас экан. Бу шоирларнинг ўзбеклигидан докторнинг хабари йўқ экан. Ғолиб ҳазратлари шундай дейди:

Ойбеки аз жамоаи асрор,
Лоҷарам зарнасаф фарахтман”, —
(Ойбекмиз, туркларнинг жамоасидан —
Наслу насабимиздан беҳад фараҳмандмиз.)

дейди улуг ҳинд шоири Мирзо Ғолиб. У самарқандлик Мирзо Қўқонбекнинг ўғлидир. Улуг Бобирнинг мўғул эмас, ўзбеклиги, авлодининг донишмандлиги ҳам эслаб ўтилди. Суҳбатдошимдан Бадриддин Шоший, Мирзо Бедилларни сўрадим. Булар ҳақида маълумоти йўқ экан. Хуллас, раҳматли улуг Гондий домла Жавоҳирлаъл Неру асарларидан бир шингил-бир шингил ўқиб кўрдик. Айниқса, Нерунинг Бобур невараси Акбаршоҳ ҳақидаги мулоҳазаларини эсладик. Демокчименки, суҳбатдошим аҳли одам бўлгач, биз худди капалакдек гулдан-гулга қўниб, хуррам шаҳарга келиб қолганимизни билмай

қолдик. Форс қўлтиғи туристик шаҳар. Кема келишига хали уч кун бор экан. Бу денгизлар, бу шаҳарлар, мусулмонларники бўлгани билан, катта кемалар христианларники экан. Хуррам шаҳарда эса, кема ёндошадиган искала ҳам йўқ. Гап деса қоп-қоп, Амалий майдонда эса, Туркиядан бошқа на араб, на ажамни кўрамиз. Денгизнинг бир томони араб қўлтиғи, бир томони форс қўлтиғи. Туркиядан чиқиб келадиган курортдагилар дарёлари басрага келиб, шу қўлтиққа қуйилади. Улкан дарё анча соатларча денгизни ёриб, икки тарафга суриб Шўр сувга қўшилмай оқишини кўрдиради. Куръонда “Мажмуал баҳрайн ялтакиён барзахуллоябғиён” дейилган жой шу бўлса керак деб ўйлаймен. Абдураззоқ Самаркандий ўз китобига “Матлаи Саъдайн ва Мажмаи баҳрайн” деб ном қўйишига илҳом ҳам шу жой бўлса керак.

ОТЕЛ

Отелларда ўрин йўқ. Ахийри бир отел мудир:

– Афанди, ҳамма меҳмонхоналарда ўрин бор. Сизларга йўқ дейиляпти. Сабаби шуки, ёнингизда ҳинду бор, - деди.

– Ҳинду бўлса, нима бўлади? – дедим.

– Булар ўз она тилини ҳурмат қилмайди. Қўйинг бошқалар билан, ўзаро ҳам инглизча гапиришади, биз эса, ўз она тилимизни яхши кўрамиз. Ўз тилида гаплашмай, бегона тилда гаплашадиганларни кўриб гашимиз келади. Сиз ўзбек экансиз, форсча гаплашяпсиз. Бу ҳолатдан мамнун бўлдим. Келинг, сиз учун ҳамроҳингиз ҳиндуга ҳам жой бераман, - деди.

Ҳинду докторга бир хона, менга бир хона берди. Басрадан кема келиб денгиз ўртасида тўхтади. Қайиққа тушиб, кемага қараб йўл олдим. Қайиқнинг бир жойи тешик экан. Қайиқчининг шогирди челақ билан бир идишда қайиқдаги сувдан олиб, денгизга бўшашиб турди. Анча кўрдим. Ҳайтовур, эсонлик билан кемага чиқиб олдим. Кема Кувайт-Дубайда тўхтади. Айниқса, Дубайда пул кўп, бойлик кўп. Пул кучию Европа ҳунари чўлни Париж-

дан гўзалрок қилиб юборган. Биринчи жаҳон урушида бу шайхликлар уммон Султонлигидан Маропу подшолигига қадар туркларнинг мустамлакаси эди. Бу жойларда қора олтин чиққанидан кейин туркларда бу бойликларни идора қиладиган иқтисодий куч, етарли техника йўқ эди. Турклар маданиятда араблардан уч юз йил олдинда бўлсалар ҳам, европаликларга қараганда кейинда қолиб келяпти. Аслида биринчи жаҳон уруши туркларнинг қўли остидаги араб бойлигини тортиб олиш учун сунъий равишда чиқарилган эди. Ўшанда араб олами туркларга қарши жабҳа олиб, инглизлар билан иш бирлиги қилдилар. Урушдан кейин ғолиб давлат инглизлар араб жуғрофиясини бир неча бўлакка парчалаб, жуғрофияси бир, этнокодиди бир, тили бир, тарихи бир миллатни бир неча мамлакатга-ю, бир неча миллатга, ғолибо, йигирма икки миллатга бўлиб юбордилар. Араб тупроқларининг қаерида қора олтин қони бўлса, уни ўша ердаги халқ оқсоқолининг ихтиёрига бериб, оқсоқолга подшолик, кичикроғига амирлик, шайхлик мақомларини бериб, мана шу сизга қарашли ердан қора олтин чиқарилади. Юздан етмиш беш қора олтин ишлаб чиқарган кучларга оид бўлади. Юздан йигирма беш сизнинг шахсий ҳаққингиз бўлади. Ўзингиз бойликни челақлаб олаверасиз, халқингизга ҳам муносабатингиз билан томизиб тураверасиз. Аллоҳнинг ер юзидаги сояси бўлганингиз учун жуғрофиядаги бутун хўжайинлик сизники бўлиб, наслдан-наслга кетаверади, деб битим тузилган эди.

КАРАЧИ

Покистоннинг порт шаҳри аслида Кирачи бўлса керак. Кейин Карачи бўлиб қолгандур. Энди ўз вазифамга қайтайлик. Араб халқида ўзбекча кириш Туркияда, араб юртларида, Покистон Ҳиндистонда ҳам мумкин бўлмай шу ниятда Эронга борган эдим. У ерда ҳам имкониятни тополмай Карачига қайтиб келдим. Анжуман номидаги матбаага шогирд бўлиб кирдим. Матбаадан ўзимга хос бир жой ажратиб беришди. Меҳнатим учун менга учраб ужрат тўлашгани йўқ. Хулоса: харф теришни, бузишни,

харфларни юеишни, машинага қўйишни бирин-кетин ўргандим. Энди яна бир қийинчилик чиқди. Ўзбек тилининг оҳангига керак бўладиган айрим харфлар Карачида йўқ экан. Ғарбий Германиядан у харфларнинг қолипини келтириб, Фондрида кўпайтирдим. Ана энди атокли ёзувчи Абдулла Қодирий Жумбулнинг машҳур романини тера бошладим. Аввалига кунда бир бет, сўнгра икки бет те-риб, иккинчи, учинчи кун машинага берамиз дедим. Корректурa ўқиш учун ёрдамчи топа олмадим. Саводхон ўзбеклар ҳам нўғай имлосини билмас эди. Айниқса, романни ўқиш учун ўрта маълумотли бўлиш керак. Нўғай имлосини ўқийоладиган бир неча ватандош топдим. Уларда мендаги ишқ йўқ эди. “Китобга қараб тулинг, мен корректурани ўқийин” десам, корректурани ўқиб, хатоларини ишорат қила олмади. “Хўп, мен корректурани ўқийман, сиз китобга қараб тулинг” десам, ухлаб қолишади. Чунки уларда миллий дарс, миллий туйғу йўқ. Ислom номидаги араб ишқи бор. У бечоралар ўзини аввало мусулмон, сўнгра ўзбекмен, дейди. Мусулмончилик номида уларнинг миясига араб хурофоти ўрнаштириб қўйилган. Диний домлалар бизларга араб хурофотини талқин қила-қила заҳарлаб, каллахом қилиб қўйган. Ёки ўзбекона туйғуни ювиб ташлаганлар. Энди ўзим бир калима китобдан бир калима корректурадан ўқиб тузатамен. Корректурa хатосини шундай қилиб киритар эдим. Сатрларнинг, калималарнинг, саҳифанинг чиройли чиқишига-ку диққат қилдим. Бир калимани, бир сатрни неча бор қисқартириб, неча бор узайтириб чиқар эдим. Шундай қилиб, китоб терилишидан китоб ҳолини олгунча кўз нурымни ўзим ташлаб, кўз нурымни ўзим тўкиб бир йил деганда китобни чоп эттирдим. Ўзбекистонга матбаа келганини бу ёқда бугунда ҳам Бўтакўз нашр этган “Ўтган кунлар” романидек, чиройли, хатоси йўқ китоб чоп қилингани йўқ. Афсуски, бугунгача мен нашр этган “Ўтган кунлар” романини диққат билан, техник томонларини, қилинган машаққатларини текшириб, баҳо берган кимса чиқмади. Сунъий чармдан мукова қилдирдим. Китобнинг муковасида, зарҳалда “Ўтган кунлар” тамғаси бор. Муковани очишингиз билан йи-

гирма бешинчи йилда Самарқандда чоп этилган, узоқдан Марғилонга отлиқ келаётган Отабекни ой ичида кутиб ўлтирган Кумушга кўз тушади. Мен ўша нусхани кайтадан кўпайтирдим. 1958 йилида “Ўтган кунлар”нинг шох жумлаларини, миллий жавҳарларини олиб ташлаб, руслар томонидан нашр эттирилган нусхадан хабарим бўлган ҳолда, матбаа хатоларини ҳам тузатиб, чоп эттирдим.

ТУЗАТИШ

Покистоннинг айрим шаҳарларида истиқомат қилаётган ватандошлардан бир нечасини эслаб ўтмоқчимен. Аъзам Хошимий, асли наманганлик бўлса, керак. Ўрта бўйли, саводхон, Абулаъло Мавдудининг муридларидан. Ўзи чиқараётган «Таржимони афғор» журналининг ҳар бир нусхасида исломий жамиятнинг бир мақоласини урду тилидан ўзбек тилига кўчириб эълон қилар эди. Ўзбекчадаги саводини кўриб гашим келарди. Шунинг учун мен уни чаласавод журналист дер эдим. Саводи шу даражада эдики, мени коммунистликда айблаб, фатво чиқарди. Мўминжон асли марғилонлик, ўрта бўйли, маҳмадона, саводсиз одам, Қобулда японлардан пул олиб, бой бўлган Султон Бахтиёрӣ, Бухоро халқ жумҳуриятининг раиси Усмонхўжаларга ошпазлик қиларди. Ана ўша ҳаром пуллардан юз минг доллар билан Нью-Йоркка келиб миллионер бўлди. Вали Қаюмхоннинг Карачидаги вакили эди. Маҳмад Сайхон шу одамга котиб эди. Аъзам Хошимийнинг мени коммунист деб чиқарган фатвосига биринчи масъул бўлиб қўл қўйган. Шу кунларда Флоридада истиқомат қилмоқда. Хайбатулло эшон, асли андижонлик, Тожиҳўжа эшон ипакчининг ўғлидир. Узун бўйли, барваста одам. Андижонда гимназияни битирган. Шунинг учун олий маълумотли бўлиб кўринади. Ҳалол, покиза, виждонли одам. Мен Карачида чоп эттирган “Ўтган кунлар” романига кириш сўзи ёзиб берди. Китобнинг ўртанча бўлимида чоп этилди. Мен у кишини кўп ҳурмат қилиб, ўз оғам ўрнида кўрар эдим. Ётган жойи жаннатда бўлсин. Ҳожӣ Насриддин, асли бухоролик бола-чақаси бор. Ямоқчилик қиларди. Бамаъни одам, гурбат

диёрида юриш у мухтарам юртдошимизни эзиб қўйган. Ватансизлик, қариндош уруғидан хабар ололмай юриш у кишининг аклини олиб қўйди. Эғнида на қўйлаги бор, на иш-тони бор. Қип-яланғоч бўлиб қўча-қўйда юрарди. У киши:

— Она юртимни тортиб олишди. Мен беватан бўлиб қолдим. Эй халойиқ, бировнинг юртини босиб олиш қайси қонунда бор? — деб кўринган одамга арз қилиб, юрагидаги дардини, аламини арз қилиб айтиб йиғларди. Муҳаммаджон асли наманганлик, ҳавас қилиб боксёр бўлиб олган. Пичоқ чархлаб кечинар эди. Мен бир куни мустамлакачиларга қарши дунё халқларининг таважжубини тортишимиз керак, тил билан, қалам билан дод-фарёд қилмоқдамиз. Энди мажнун бўлиб қўча-қўйда ўзимизни ташкил қилиб юриб кўрайликки, зора халойиқ таважжу қилиб қолса дер эдим.

ҲОЖИ АСҚАР

1951 йил. Карачи. Асли андижонлик, Деҳлидаги муфтий Кифоятулло ҳазратларининг мадрасасида узун йиллар ўқиб, муфассирлик даражасига кўтарилибдур. Диний илм иштиёқида на замонавий илм бор, на бирор ҳунар орттира олган. Икки қирқ ёшидаги диний аллома оғир чархни елкага олиб, маҳалла орасида пичоқ чархлаб кечимини таъминларди. Охири касал бўлиб, ишига чиқолмай қолибдур. Туркистон муҳожирлари жамиятига қарашли тақияда ултирар эди. Бир куни жамиятга борсам, ёнимга келиб:

— Қори афанди, Абдулҳакимбойда пулим бор. Бермаяпти, касалман, муҳтожман, Туркиядагилар сизга айтишимни тавсия қилишди, - деди.

Абдулҳакимбой — самарқандлик машҳур Абдурашидбойнинг укаси. Ҳайдаробод Сингхта тўқимачилик заводи бор.

— Ҳожи ака, бойда қанақа пулингиз бор эди? - дедим.

— Заводида қоровул бўлиб ишладим, ойлигимни бермаяпти.

— Жамият каттаконларига айтдингизми?

— Айтдим. Уларда гап деса қоп-қоп, амалда ҳеч қанақа

вақо йўқ. Шунинг учун ҳам, жамиятдаги ватандошлар сизни тавсия қилишди, - деди.

– Санатингиз борми? – дедим.

– Йўқ, ҳамма билади, гувоҳларим бор, - деди.

– Гувоҳларингиз ким?

– Саъдулло қори, Абдурахмон қори, Аъзам Хошимий, уларга бир неча бор мурожаат қилдим. Аҳамият беришмади. Мен биринчи бўлиб Саъдулла коридан сўрадим:

– Ҳа, Ҳожи Аскарнинг бойда пули бор. Хабарим бор-у, гувоҳ бўлмаймен, бой хафа бўладилар, сиз ҳам бу ишга аралашманг, - деди.

Аъзам Хошимийдан сўрадим.

– Ҳа, пули бор, бу ишга аралашмаймен. Сиз ҳам аралашманг, - деди.

Мўминжон Марғилонийдан сўрадим:

– Хабарим бор, сиз ҳам овора бўлманг, - деди. Бу ҳазрат беш вақт намозни мачитга бориб ўқиб юради, Рўза тутади, закот беради, ҳаж қилган. Бу кунларда ҳаёт, Флоридада истиқомат қилмоқда. Қори Абдурахмондан сўрадим.

– Бу киши Куриёрдан масжидининг чиқишида соат-созлик қилмоқда. Ҳа, ҳақки бор, бой жаноблари бермай юрибдилар. Абдулҳакимбой номига тожик тилида куйидаги мазмунда хат ёзиб, Усмон Гукнинг қўлидан юбордим. Хатнинг мазмуни: «Бой ҳазратлари, Мавлавий Аскар исмида бир ватандошнинг сизда пули бор эмиш. Сиз эса, пулини бермай юрган эмишсиз. Юртдошлар ўртасидаги обрўйингизни эътиборга олиб, бу масалага кўпроқ кизикдим. Марҳамат қилиб, у одамнинг пулини бериб, рози қилиб қўйишингизни сўраймен. Ёки эл орасида пули йўқлигини сизга тухмат қилаётганини ўртага қўйинг. Бу жанжал мана шу икки суръатда ҳал бўлмаса, Аскар ака адлий маҳкамага мурожаат қилса, қонун олдида у кишини ҳимоя қилурмен».

Хизматларим билан Жўра қори.

Икки кундан кейин дўстим Абдулла Чигатой Пешовурга кетмоқчи бўлиб қолди. Уни кузатиш учун поезд станциясига чиқсам, у ерда Абдуллажоннинг отаси Қосимжон ака, Мирзажон бой, Абдулҳакимбой, унинг

ўгли Абдурахмон турибди. Абдурахмон отасига қараб:

– Мактуб раввин кардаги, шахс анаинкасан, - деди.

Бой қиблага қараб икки қўлини ҳовуч қилиб осмонга кўтариб:

– Агар Ҳожи Асқар дарсариман пул доштабошад, хонавайрон шавад, - деди.

Мирзажон бой қўлимдан тутиб, нарироққа олиб бориб:

– Бой ҳазратлари бировнинг пулини емайдилар. Сизга бу гапни айтганларнинг думини босиб қўйинг, - деди.

Мен бу дипломатик танбеҳдан қаттиқ уялдим. Кўча ўртасида бошим ғовлаб, оёқ-қўлим титраб туриб қолдим. Уша онда Қосимжон аканинг уйига борганимни ўзим билмай қолдим. Қосимжон ака:

– Эй қори, келинг-келинг, мен эртага сизга учрамоқчийдим. Яхши ўзингиз келиб қолдингиз. Севиндим, марҳамат ичкарига, - деди.

– Қорихон, сиз ҳимоя қилаётган Ҳожи Асқар отанинг гаплари рост. У кишини бой соҳибда ҳақлари бор, - деди.

– Нега хали станцияда индамадингиз? – дедим.

– Бой хижолат бўлиб, хафа бўлиб қолмасин, деган мулоҳазага бориб аралаша олмадим, - деди.

– Қосимжон ака, ундай бўлса, эртадан кечи йўк. Мирзажон бойга бориб, воқеани билдириб қўйинг. Марҳамат қилиб, - десам «хўп», - деди.

Эртасигаёқ Мирзажон бойнинг кенжа ўгли, ҳозир ҳаётда Америкада Ҳомид келиб:

– Жўра қори ака, адам айтиб юбордилар. Эртага пешинда емакда бизда бўлинг экан, - деди.

Мирзажонбой – қўқонлик қори Соҳиб:

– Хуш келдингиз, мамнун бўлдим. Қосимжон ака келиб, кечаги воқеани тушунтирди. Ҳожи Асқарнинг бойда пули борлиги тўғри экан. Мен сиздан узр сўраймен, - деди.

– У ҳолда, пулнинг ундирилиши учун даврага киришингиз зарур бўлиб қолди, - дедик.

Мирзажонбой:

– Хўп бўлади, мен бой билан гаплашиб, сизни хабардор қилурмен, - деди.

Кўриғордан масжидининг ёнида Абдурахмон қори соатсознинг уйида уй эгаси қори Абдурахмон Мирзажон бой, Абдулҳакимбой, Мўминжон Авлоний, Мавлоно Аскар, ўзим йиғилдик. Мен Ҳожи Аскар отадан сўрадим.

— Ҳожи ака, йиғилганларга воқеани айтиб беринг. Бой соҳибда қанақа пулингиз бор. Ҳожи Аскар бой соҳибнинг фабрикасида қоровул бўлиб ойига олтмиш рупиядан бир йилу тўрт ой ишладим. Мана, ўша пулимни берганлари йўқ. Бой ҳазратлари Ҳожи аканинг менда ҳеч қанақа ҳаққи йўқ. Мен бу кишига яхшилик қилайин деб Хажга бормоқчи бўлсалар ёрдамлашайин деб тургандим. Ҳожи акага энди ҳеч қанақа ёрдам қилмайман, - деди.

Мен бой соҳибга савол қилдим. Ҳожи аканинг фабрикада қоровул бўлиб тургани ҳаммага маълум экан. Қоровуллик ҳаққини бера туриб қўл қўйдириб олган қоғозингиз борми? Йўқ, мен ҳар куни овқат берар эдим. Ҳар кунги овқатни икки рупия ҳисоблар эдим. Дафтаримга муомалани ёзиб қўйганмен. Мана дафтар, - дедим. - Менга берган овқатингиз икки рупия бўляпти, - деб айтармидингиз? - дедим.

— Йўқ, - деди.

Ўлтирганлардан бири:

— Таксир, овқат ойликнинг ичида эди-ку, - деб қўйдим.

Ҳожи Аскар:

— Озиқ-овқат бермас эдингиз, қолган овқатни берар эдингиз, - деди. - Бой соҳиб, бераётган овқатим икки рупия деганингизда балки Ҳожи ака бошқа овқат еб, сиздан пулнинг ўзини олар эди. Энди берган овқатингиз худойи бўлсин, пулини беринг, - дедим мен. Ҳожи Аскар тўлиқ талаб қилиб, бой бир-икки юздан нари чиқмай, ахийри, ўртадагилар етти юз рупияга ҳар икки томонни кўндиришди.

Абдулҳакимбой томонидан Мирзажонбой чўнтагидан еттита юзталик чиқариб Ҳожи Аскарга узатди. Ҳожи Аскар жамият биносига қайтганимизда Ҳожи Мўминжоннинг ҳузурида аввало икки юз рупия, сўнгра юз рупия менга пул узатиб туриб ояди. Мен:

– Ҳожи ака, дуо қилиб кўйинг, - дедим.

Ҳожи ака:

– Дуо ҳам қиламан, шу пулни ҳам олинг, - деб туриб олди.

– Ҳожи ака, бўлмаса, дуо ёнига бир палов ҳам қўшиб кўяйлик, пулни чўнтакка кўйинг, - дедим мен.

БАҲОДИРЖОН

Баҳодиржон асли кўконлик, Холмирза қорининг жияни. Кўзи қизариб оғриб юрар эди. 1961 йил бўлса керак, Карачида бир киши тимирскиланиб мен ўлтирган иккинчи қаватга чикиб келди. Ҳол-аҳволини сўрадим. Кўздан ожиз бўлиб қолдим, деди.

Аҳмаджон, асли андижонлик, мулла Ботирбой ўғли. Панжоб шаҳрида Равонпинжида Роҳатбуламинс исмида фабрикалари бор. Уларда 850 киши ишлайди. У менга “муҳтож ватандош бўлса, тавсия қилинг” деган эди. Лаварпинжига қўнғирок қилувдим, шундай жавоб олдим.

– Аҳмаджон, у кишини Равонпинжига юбориб менга хабар беринг. Ўзим кутиб олармен. Пулонинг Америка касалхонасига ўлтириб ўзим хабар олармен, - деди.

Бироқ Баҳодиржон билан тузукроқ гаплашиб қарасам, докторлар бу кўз тузалмайди, гавҳари тугабдур деб қарор қилишган экан. Яна Равонпинжига телефон қилиб, аҳволни билдирдим. Бу сафар Аҳмаджон:

– Нима қилайлик, - деди.

– Ҳар ой пул ёрдами қилиб туринг, - дедим.

– Қанча пул юборай? - деди.

– Ҳар ой юз долларни маҳаллий пул рупияга айлантириб, почта орқали ҳавола қилиб юбориб туринг, - дедим.

Баҳодиржоннинг ҳаёти бўйича унга Лавонпинжидан Аҳмаджон юз доллар юбориб турди.

ҲОЖИ РАСУЛЖОН

Ҳожи Расулжон, андижонлик, Қобулда тўқимачилик фабрикаси бор. Укаси Фаттоҳхон Пешовурда сайёр тижжор эди. Ўша йилларда Қобулдан Маккаи Мадина ниятида сарсон ватандошлар келиб турар эди. Қобулда Ҳожи

Расулжон уларни чет эл пуллари билан таъминлаб, Пешовурга кузатиб, укаси Фаттохжонга хабар берарди. Уларни Фаттохжон Пешовурда кутиб олиб, поезд билан Карачига жўнатиб бўлгач, менга хабар бериб кўярди. Мен бу Хаж номзодларини шаҳар станциясидан кутиб олиб, бошпана, майда-чуйда харидлар, паспорт, виза, кемага билет каби ишларини тўғрилаб Жиддага юбориб кўяр эдим. Нима учун бундай қилар эдик? Ўша даврларда бу ишлар қанча қийин, тил билиши керак, тажриба бўлиши керак. Қўлидан шу ишлар келадиган одамгина ўрис калтагини еган овора-сарсон одамларга ёрдам қила оладиган фидокор одам бўлиши керак эди. У даврда мен шундай хайрли ишларга ўзимни атаган эдим. У даврда Покистонда киссавурлар, товламачилар, ўғрилар, каллакесарлар кўп эди. Ўзбекларнинг ҳам орасида ўшандай хунарлар бўйича танилган лаънатилар бор эди. Чунончи Абдурахмон киссавур, Асомиддин товламачи, Махмадсайхон товламачи, Юсуфпичоқ қотил кабилардир. Ватандошларимиз ана ўша бераҳм, кўриниши одам-у, ҳулқу атвор доғулиларнинг қармоғига тушиб қолмасин, деб ҳаракат қилар эдик. Шу ўринда мисол келтирай, Хажга қандай кузатиб кўяр эдим, баён этиб ўтайин. Паттохжон ака йигирма икки жон оиласи билан Пушовурга ўтган асли марғилонлик Мухсинжонларни поезд билан Карачига йўлчи қилиб менга хабар бериб кўйди. Мен уларни шаҳар станциясидан кутиб олиб, Саудия Арабистонига ўтказмоқчи бўлдим. Жиддага кетадиган кеманинг охиригиси. Кемага билет олиш ниҳоятда қийин. Қўли узунлар ола билади холос. Устига кема эртага ҳаракат қилади, қийинчилик билан кема билетини оладиган бўлдим, Кема ширкатининг раиси Христиан жуда афанди одам. У билан танишлигим бор эди. Аножилни нақадар диққат билан ўқиганлигимга қойил қолган шахс эди. Матё маркис валитундан қизиқилган оятларни ўқиб, мисоллар келтира билар эдим. Чунки 1950 йил Бойбилни бир неча бор ўқишимга тўғри келганди. Агар у кишининг ёрдами бўлмаса, билет олиш мумкин эмасди. Билет танқислигидан, бошқа билет сотадиган бўлим мусофирнинг қонуний ҳужжатларини текшириб, сўнгра

билет берарди. Мухсинжон акадан эса, иккита камчилик бор эди. Покистондан четга чиқиш учун чиқиш изни йўк. Изн олай деса чегарадан “кириш паспорти”да қайд қилинмаган. Шунинг учун қонунга кўра, аввало, кириш қайдини қилдириши керак, сўнгра чиқиш. Кириш қайдини кирдириш учун Пушовурга бориб тўғрилаб келиш керак. Ёки муомала адлия маҳкамада кўрилиб, бироз жазо тўлаб кутулиб олгандан кейингина чиқиш изни берилади. Ушбу муомалаларни паспорт идорасида юргизилиб окка чиқиб олингандан сўнг билет олиш мумкин бўлади. Аввало, ҳалиги христиан афандининг ёрдамида билетларни олдим. Шу шарт биланки, полис идорасидан кириш-чиқиш изини ололмаса, билетларни компанияга қайтиб бериб, пулини қайтиб оладиган бўлдим. Мухсинжон акаларни пайшанба кечкурун кутиб олувдим. Кун жума эди, билетларни олгунимча соат ўн икки бўлиб қолди. Ҳамон такси олиб, полис марказига бордим. Сиёсий полис идорасига қарашли қайдия бўлимининг бош котиби сўфийваш одам эди. Идорани беркитиб, жума намозига кетаётган экан, полис идорасининг дарвозасида учратдим.

- Хофиз афанди, эртага келинг, идорани беркитдим, намозга кетаяпман, - деди.

- Кема бугун соат тўртда Жиддага ҳаракат қилади. Бир йилгача кема йўк-ку. Бола-чақалик бир йил Покистонда қолиш учун сиздан виза олиш керак. Бу сафар Саудий берган ҳаж визаси ҳам бекор бўлиб қолади-ку. Бир йилдан кейин бунча одамга виза олиш ёлғиз душвор эмас, мумкин эмас, Сўфи соҳиб, марҳамат қилинг, - дедим.

Паспорт идорасининг бош котиби мени жуда ҳурмат қилар эди. Бошқа ватандошларнинг иши тушиб қолиб борганимда ҳамон ўрнидан туриб жой кўрсатиб “Хофиз Соҳиб, хизмат?”— дерди. Покистон халқининг шу тарафини кадр қилса бўлади. Қорини айникса мураккаб қорини кўкларга кўтаргудек ҳурмат қилади. Мухсинжон ака оиласи йигирма бир жон. Ўн икки ёшдан катталарининг ҳаммасига алоҳида-алоҳида каттакон қайдия корт тўлдирилади. Кортнинг савол-жавоб хоналари, тасодифга қаранг, ҳар бирида йигирма битта хонаси бор. Яъни ҳар

бир коғозда йигирма бир хона тўлдирилади. Ҳаммасини тўлдириб, чегарадан визасиз ўтганини афу эттирилиб, катта сиёсий полис мудир Юнусалихонга қўл қўйдириб чиқдим. Юнусалихон чет элликларга қарайдиган Сиойдий идорасининг мудир. Яқин дўстим эди. Афғонистондан қочиб келаётган ватандошларнинг нимаики ишлари бўлса, қийинчиликлари бўлса, Юнусалихонга бориб ҳамон ёрдам олиб турардим. Ана ўша асосида мусофирлар Ҳофиз афандига қарашли экан, деб жуда одамгарчилик қиларди. Ўлган бўлса, жойи жаннатда бўлсин, ҳаётда бўлса, умри узун бўлсин. Одамзоднинг гули эди. Полис офицери Сўфи Соҳиб режестор коғозларининг ҳаммасини тўлдиргунча соат уч бўлиб қолди. Ҳамон юқларини туя аравага орттириб, портга жўнадик. Соат тўртда таможнийга кирдик, у ердаги худо хайрини бергурлар ҳам ҳох полис, ҳох текширувчи текширмасданок, оқ бурда чизиб-чизиб, осонгина текширувдан ўтказиб юборди. Ҳолбуки, бир камюн юк эди. Ана одабийлик. Мусофир юртдошларимнинг бекаму кўст хизматларини қилиб кемага чиқариб қўйдим. Кема соат беш яримда ҳаракат қилиб, минг кишига яқин йўловчини юк билан олиб Жиддага жўнади. Мен бундай улкан фидокорлигим учун Мухсинжон акадан бироз чака талаб қилмадим. Мухсинжон ака ҳам одамгарчиликни билган одам. Ҳар гал Саудияга борсам, аввалида бир зиёфат қилиб конверт ичида тўрт минг риёр (минг доллар) бериб қўярди. Барча оила аъзолари билан бахтли ҳаётлари бор. Худо яхши одамга берар экан.

МАҒРУРЛИК

Мўминжон ака асли ўшлик, Хуросоннинг Қундуз шаҳрида истиқомат қилиб ахийри бола-чақаси билан ўғли-келини, набираси, хоними бўлиб беш жон ҳаж ниётида Қобулга келадилар. Қобулда бир ватандош уларни Пешовурга йўллаб қўяди. У одам халқаро Пешовур ватандошларнинг Қобулдаги одами экан. Пешовурда маълум гуруҳнинг вакили Мўминжон акага Карачининг янги шаҳригача билет олиб, кузатиб қўяди. Бу ердаги найранг

шуки, шаҳарнинг марказий станциясига борса, Жўра қорига дуч келиб қолмасин деган қилиқдир. Қарачидаги машҳур товламачи Асомиддинга телеграмм орқали хабар бериб қўяди. Мўминжон акага ватандошингиз Асомиддин ака кутиб олади, дейди.

Бир кун и уйда ўлтиривдим, уч киши кириб келди. Бири курсдошимиз Абдулғафур домла. Араб тили адабиётини Дехлида, муфтий Кифоятулло ҳазратларининг дарс халқасида ўқиб, олий таҳсил кўрганлар. Покнафс, йигит-табиат киши эдилар. Шу сифатларини, одоб-ахлоқини эътиборга олиб кўп ҳурмат қилардим. Даст ўрнимдан туриб, аллома ҳазратларининг меҳмонларини кутиб олдим. Уларга кулбамга ташрифларидан мануният идрок қилиб, қўлимдан келганича тавозелик дастурхон ёздим. Энди уйғур домла ҳикоя бошладилар.

— Янги шаҳарда айланиб юрсам, мусофирлиги сезилиб турган ўрта осийликларга ўхшаб кийинган, кўзларидан ёши оқиб соқолига тушиб кетаётган бир киши рўпарамдан чиқиб қолдилар. Мусофирмисиз, қаерликсиз? — десам, ўшликмен, тоғдан келдим деб ҳикоя қила бошлади. Хулоса шуки, Асомиддиннинг тузоғига тушибдурлар. Асомиддин Жиддага билет олиб бериб атайлаб маълум тарихдан бир кун кечиктириб портга олиб борса, кейин кетиб қолибдур. Буларни қайтариб олиб келиб отелга қўйиб кема билетларининг пулини қайтариб олиб келаман деб бугун икки кун бўлди йўқ дедилар. Мен:

— Исомиддин машҳур товламачи, тил билмас экансиз, айниқса, ундан ҳамма кўрқади. Ёлғиз ундақалардан кўркмайдиган Жўра қори бор бу шаҳарда, — дедим мен.

— Трамвайда қирк беш дақиқалик йўл, хўп десангиз, сизни қори афандига олиб борайлик? — деб келди.

Асомиддин асли сузоқлик, хушқомат, озода, усти-боши дазмолланган, кўрган одам ўзбек демайди. Покистоннинг мўминларидан бирига ўхшатади. Қасбу қори товламачилик. Унга алданган Мўминжон ҳам узун бўйли, ўртача кийинган саводхон. Имом Ғаззолийнинг «Кимёи саодат» асарини беш-ўн ўқибди. Шунинг учун китобнинг кўп жойлари ёдида қолибдур. Буларни аввало отел-

дан олиб Аъзам Хошимийнинг ташқи ҳовлисига кироат жойлаштирдим. Сўнгра паспорт идорасига бориб, Карачида истиқомат қилиб туриши учун ижозатнома олиб бердим. Асомиддин Мўминжонни ўқтин-ўқтин кўрқитиб туриши учун Ҳиндистоннинг ўн минг қочоғини олиб борибдур. Ҳа, бу орада кема ширкатиға бориб суриштириб кўрсам, мусофирлар қочирган кема Жиддага охириги кема экан. Энди ўн бир ойдан кейин кема бор, дейишди. Мўминжоннинг кема билетларини Асомиддин компанияга қайтариб, пулини ўша куниёқ олиб келибдур. Асомиддин Мўминжонга бозордан майда-чуйда нарсалар, тижорий мақсадда Саудия Арабистонга олиб кетиш учун ҳинду елпиғичи ҳамда бу орада ўзининг уйига ҳам тикув машинаси олдириб олган. Хулоса, у деб-бу деб ҳар куни бир нарсага туширган.

Мўминжон ака жуда тажанг:

– Бадбахт қўлимга тушса ўлдирамен, - деди ўта куйиб кетганлигидан.

Мен унга рўпара келсам

– Урманг, маломат бўлиб қоласиз. Ҳа, мен бор жойда уринг, кўнглингизни совутиб олинг, - дер эдим мен унга рўпара келиб қолсам. - Ҳожи Мўминжон Асом ўлгурда майда-чуйда нарсаларим бор, кема билети бор. Уларни олгани кўрсатган қилиғининг ҳисобини сўрагани уйга борайлик, дедим. Товламачи Асомиддиннинг уйи Юсуф корун маҳалласига бориб, дарвозасини тақиллатдим.

Дарвозани очиб:

– Қорижон, келинг, мен ўзим сизга бормоқчи бўлиб турувдим. Қани, ичкарига марҳамат, - деди.

– Йўқ, ишим бор, ўзингиз чиқинг, гаплашайлик, - дедим.

– Кўчага чиқиши биланоқ бир томондан Мўминжон, бир томондан ўғли Абдусалом ушлади. Ҳақорат қилишиб, икки тарафдан мушт тушира бошлашди. Тушган муштарнинг зарбиданми, биллолмай қолдим, ҳайтовур, не бўлса-да, Асомиддин ерга йиқилиб тушди. Ота-бола омон бўлмай Асомиддинни икки ёғидан судраб кетишаверди. Илон ўз уйида тўғри юрганидек, Асомиддин

ҳам маҳаллада яхши одам бўлиб танилган бўлса керак. Макроний хотинлар “Раисимизни нимага калтаклаяпсанлар?” деб ҳуруж қилиб чиқишиб қолди. Макронийлар ҳам лўлиларга ўхшаб уришқоқ, жанжалсевар халқ. Улар мени кўргач, балки расмий одам тасаввур қилишиб, ташланишдан ўзларини тийиб туришди, кейин кўзим ҳавода келаётган муштга тушиб қолди. Бир макроний йигит Абдусаломга мушт дўлайяпти. Отилиб у ерга етиб боришим биланок, макроний йигит қочиб қолди. Қайтиб Ҳожи Мўминжоннинг олдига келсам макроний хотинлар Асомиддинни Ҳожи Мўминжоннинг чангалидан озод қилиб юборибдур. Мўминжон полисга борайлик деди. Ўша маҳалланинг полис идорасига бордик. Кетимиздан Асомиддин ҳам келиб, полис комиссарига Мўминжон билан ўғлига ишора қилиб:

— Булар афғон, қорадорифуруш, манави туркиялик Ёбонжи, учовлари бир бўлиб мени уришди. Мана қаранг, - деб иштон-кўйлагини кўрсатди. Йиртилиб кетибди, қўллари, оёқлари, айниқса орқаси анча шилиниб кетибди. Кўйлак-иштон кип-қизил кон. Комиссар:

— Сен ташқари чиқиб тур. Булар олдин келди. Воқеани олдин булардан сўраймен, - деди.

Қорақўлда бўлиб ўтган товламачининг ҳикоясини бошидан тушунтирдим. Ҳаммасини ёзиб олди-да, “Кетаверинглар, ўзим чақирамен” деди. Уч кун кутдик. Ҳовузга тушган тошчалик жим-жит. Афтидан, полис комиссари Асомиддиннинг таниши экан ёки беш-ўн сўм бериб тинчитиб қўйди. Юртдошларимиздан Асомиддин товламачига алданмагани оз бўлса, керак. Бечораларнинг ҳар бири ўзининг ориқ-семизлигидан кўра алданиб, кейин ўзини тутиб олишади.

Бир куни хушёргина бир ватандошимиз билан Асомиддиннинг Мўминжон воқеасидан илгари гаплашиб турганини кўриб қолдим.

— Турсунбой ака, гаплашиб турган одамингиз машҳур товламачи Асомиддин. Эҳтиёт бўлинг, десам, ўзини худди қалъага олгандек чопонининг бир четини тортиб туриб кузурчасига бурканиб олгандек “Эй ука, мен Марғилоннинг

темирчилик гузаридан келганман. Хотиржам бўлаверинг. Алданадиганлардан эмасман”, - деди.

Бир неча кун ўтгач, бор-йўғини олдириб, йиглаб келгани хамон кўзим ўнгидан кетмайди. Бошқа бир Хаж мавсумида катта кетаман билет олиш, виза ишлари қийин бўлгани учун Асомиддиннинг маслаҳати билан икки-та катта моторли қайикқа тушиб, 86 та ватандош Фомуз бўғозидан ўтиб, Саудия Арабистонининг Хубар портига жўнайдилар. Бу одамларнинг ҳеч биридан ҳеч қаердан дарак чиқмади. Шунда бир қайикчи ҳикоя қилувди. Бунақа воқеалар бўлиб туради. Сувга дори қўшиб беради. Шу заҳотиёқ кўнгли айниб, мазаси қочиб қолади. Ёнидаги сафардошига васиятини қилиб, нақдимасини топширади. Кўзи юмилгандан кейин тақдир ҳажи қабул бўлди деб денгизга итқитиб юборишади. Бирин-бирин ҳар икки кемадаги йўловчилар касал бўлаверади. Ўлгач, денгизга ташланаверади. Қайикчилар пўписа қилиб:

– Шаҳарда қандай овқат евдинглар? Эҳтиёт бўлинглар. Энди ёнингиздаги овқатни бизга кўрсатиб енглар, шаҳарга қайтиб борганимда порт идорасига ҳисоб беришим керак, - дейди.

Ана шундай катта-кичик вокелардан кейин журналист Аъзам Хошимий раҳбарлигида Асомиддиндан дод дейишиб, ҳукуматга расмий равишда ариза беришган эди. Ҳеч қанақа натижа чиқмади. Чунки субутсиз шикоят бўлди. Энди ўйлаб қарасам, воқеанинг асли янги шаҳарда бўлиб ўтган. Янги шаҳар полис марказига бордик. Комиссар воқеани батафсил ёзиши учун икки соат кетди. Ахийрида ҳаракат қилишингиз учун ҳеч қанақа субут йўқ деди. Жуда маъюс бўлиб қайтиб келдик. Жуда-жуда ўйланиб, нима қилишимни билолмай қолдим.

Бир қанча вақт илгари газетада қуйидаги эълонни кўрувдим. 410, 420 (киссавурлар, товламачилар, қотиллар) ҳақида хабар қилмоқчи бўлган одам шу телефон рақами кўнғироқ қилинглари дейилган эди. Ўша эсимга тушиб қолди. Ҳамон ариза ёзиб юборувдим, икки кун ўтиши биланоқ комиссар Нишон Худод Колунийга келиб Мўминжондан воқеани билмоқчи бўлади. Аъзам

Хошимийни тилмочликка чақиришади. Аъзам Хошимий ариза ёзиб берган кишига борайлик деб комиссар билан менга келишди. Аъзам Хошимий асли наманганлик, араб ҳарфида саводхон, касбу қори журналист, ўзбек тилида олий таржимон номли журналнинг соҳиби ҳамда ношири эди. Сиёсий кўриши Абул Аъло Мавзудийнинг муридларидан. Полис инспектори Низом соҳиб билан аламзада Мўминжоннинг уйига бордик. Мен таржимонлик қилдим. Аъзам Хожи ҳеч аралашмай турди. Комиссар Нишон соҳиб, мен Мўминжон майда-чуйда сотиб олган янги шаҳарга бордик. У ердаги савдогар Мавлоно Тохирдан елпиғич, яна бошқа нарсалар харид қилган эди. Ватандошимиз Мавлавий соҳиб асли тожик, қоратегинлик, оқсарикдан келган, ўта покнафс одам. Деҳлида аллома Ки-фоятулло ҳазратларининг дарсхонасида йилларча шогирд бўлиб олий диний таҳсил юритилган арабча, урдуча, она тили, тожикчадан бошқа тил билмайди. Мен ул зот билан тожикча гаплашар эдим. Дўконининг олдидаги майдонга буриё ёзиб Кўса қори билан ўлтиришган эди. Кўса қори билан Мавлоно Тохир соҳиб урду тилида гаплашар эдилар. Улар ҳамон ўрниларидан туриб ҳурмат билан бизни кутиб олди. Кўрсатилган эҳтиромни кўриб комиссар Нишон соҳиб шошиб қолди. Қори Кўса асли Бумбайлик, Мураттаб қори. Айни пайтда улгуржи парранда бозорининг комисионерчиси. Карачидек шаҳри азимда катта савдогар. Шаҳарда катта-кичик диний олимларни, қориларни масжид муллоларининг танимагани йўқ эди. Мен 1950 йилларда Сингхдан товук олиб келганимда товукларимни сотиб берган киши. Карачининг қайси катта масжидида Таробе замонларида хатми қуръон қилсам, Кўса қори ҳам ҳозир бўлиб турар, диний ихлоси баланд яхши одам эдилар. У икки буюк инсон билан таниш эдим. Нишон соҳибни шошириб қўйган, кўрсатилган ҳурматнинг асоси шу эди. Мавлоно Тохир соҳиб ҳамон дастурхон ёзиб мева-чева қўйиб чой қўйди. Тохир соҳиб:

— Ҳа, бу одам Асомиддин билан бирга келиб, мендан майда-чуйда олувди, - деб гувоҳлик берди.

У ердан туриб хожи Мўминжон тушган мусофирхона-

га бордик. Отел котиби қайдия китобини чиқариб палон соатда келди, палон соатда чикиб кетди. Айни кун яна қайтиб келиб, яна палон соатда отелдан айрилди, деди.

Нишон соҳиб:

– Қори афанди, энди сиз дам олинг, биз Асомиддин билан тузукроқ танишиб, олган нарсаларни суриштириб сизга хабар берурмен, - деди.

Тўрт кундан кейин Нишон соҳиб келиб, қора машинанинг орка эшигини очиб:

– Мана, қори афанди, Асомиддин билан ошно бўлиб қолдик, - деб товламачи Асомиддинни кўрсатди.

Кўлидаги занжирга кўзим тушди. Асомиддин “қори афанди, бироз пул берсангиз” деди. 50 рупия бериб кўйдим. Нишон соҳиб:

– Уйларини тинтув қилиб кўрдик. Сиз айтган айрим нарсаларни кўлга олдик, яна айрим нарсаларни суриштирмақдамиз. Яна сиз билан хабарлашиб турамен, - деб кетишди.

ИЛТИМОСЛАР

Даъвогар ҳожи Мўминжонга бировлар Асомиддинни кечиринг, дейишса ҳаргиз кечирманг, деб уқтириб кўйдим. Асомиддин безорининг турли-туман идораларда, таможнийда, портда, адлияда, полис ташкилотининг хилма-хил бўғинларида ҳам танишлари кўп эди. Кун сайин бирор жойдан бир киши келиб Асомиддиннинг гуноҳидан ўтинглар деган илтимос билан кела бошлади. Ўйлашимча, хотини ҳар жой ҳар жойдаги таниш-билишларга бориб, арз қилиб, уларни бирин-кетин юбориб турди. Аслида Асомиддин ёлғиз товламачи, алдовчигина эмас, қонунсиз ишларнинг барчасида иштироки бор эди. Шунинг учун хилма хил танишлари кўп. Айниқса, полис ташкилоти. Илтимос қилиб келганларни алданган Мўминжон билан учратар эдим. Мўминжон келган одам ким бўлишидан қатъи назар, қатъий равишда йўқ, мени хонавайрон қилди, кечирим мумкин эмас, деб тираниб туриб олди.

МАҲКАМА

Ниҳоят, Асомиддин товламачининг иши судга ҳавола қилинди. Мўминжон “Тил билмаймен. Тилмоч берилсин” деган расмий ариза билан адолатга мурожаат қилди. Мен таржимон тайин қилидим. Асомиддинни бир сидий дўсти қафолат олишга муваффақ бўлибди. Биз томонда мен билан даъвогар Мўминжон, қарши томонда Асомиддин окловчи адвокат олибдур, ҳукуматнинг расмий кораловчи вакили ҳам бор. Мўминжоннинг тасдиқли менга берган ваколатномаси ҳам бор. Ўртада маҳкама раиси. Маҳкама салониди тўла одам. Лаънатининг ёру дўстлари келибдир. Ана шундай дабдаба билан адлий суд очик деб эълон қилинди. Қарасам, биринчи сафда Асомиддиннинг хотини болалари билан ўтирибди. Қўрқиб кетдим, чунки Мўминжоннинг хотини, ўғли, келини саводсиз. Булар гувоҳликка олинганда гапларидан адашиб кетса, Мўминжоннинг ўзи ҳам чаласавод. Даъвони қозониш учун, албатта, чаласаводу саводсизларнинг адашиб кетган сўзларини тўғрилаб, таржима қилиб туришга мажбурман. Асомиддин узоқда-ю, хотини ўртада. Даъвогарнинг гапларини, таржималарини бемалол эшитади ҳамда ўзбекча, урдуча ҳам билади. Суд одатдаги расмий сўзларидан кейин даъвогардан сўради:

– Маҳкаманинг шаклидан розимисиз?

Мен Мўминжонга тушунтириб қўювдим:

– Вакилимга сўз берилсин, - деди.

– Муҳтарам, адолатпаноҳ, рўпарангизда муттаҳамнинг хотини, авлоди ўтирибди. Бу суратда адолатнинг бирор туйғуга берилмай одил иш юритиши мумкинми? – дедим мен.

Маҳкама раиси ҳамон полисга таълимот берди. Бу оилани маҳкамадан чиқаринг деди. Маҳкамада ҳар ой бир бор ўтириш ўтказилиб турди. Ниҳоят, Асомиддин уч йилу олти ойга қамалди. Ҳамон полис Асомиддиннинг қўлларига занжир тақди. Маҳкама салонидан чиқиб кета турувдим, билмай қолибмен, Асомиддин менга ҳужум қилди. Яхшики, полис занжирни тортиб олди. Мўминжон

бу ҳолатни кўриб кўркиб кетди. Ранг-кути ўчиб калтираб қолди.

– Ҳа, нима бўлди? – деб сўрадим.

– Қуркиб кетдим, назаримда, Асомиддин кўзингизни ўйиб олди, - деди.

Ҳамон Туркистон жамиятига олиб бордим. Юзига сув сепиб, ётқизиб қўйишди. Бир оздан кейин ўзини ўнглаб олди. Ҳаж мавсуми ҳам яқинлашиб қолди, уларнинг бутун расмий ишларини қилиб, кема билан Жиддага юбориб қўйдим.

МАТБАА

Керакли ўз ишларимга, юқорида айтганимдек, романи шаҳарнинг қаерида, қайси босмахонасида чоп эттириш ишларини ўргана бошладим. Маълум бўлдики, урду ёки араб ҳарфлари орасида ўзбекчадаги айрим ҳарфлар йўқ. Юқориларда айтилганидек, ўзбекча ҳарф терадиган ҳам йўқ. Биринчи бўлиб ўзим харажоти ўз ёнимдан бўлиши келишуви билан анжуман-пресс матбаасига шогирд бўлиб кирдим. Бир неча вақтдан кейин ҳарф теришни, хатоларини тузатишни, терилган ҳарфларни бузишни, ҳарфларни ювишни, машинага қўйиш учун саҳифа тайёрлашни, машинани юргизиш, чоп этишни ўрганиб олдим. Чунки бундан илгари 1958 йилда ўзбек ҳарфини терадиган кимса топилмагани учун мажбур бўлиб романи дастлаб тош босмада чоп эттирган эдим. Бу китоб ҳам чет элдаги ватандошларга тарқатилган эди. Маккаи Мадинагача ўзим олиб бориб тарқатган эдим. Романим ўша тош босма нусхасида Карачидаги ўзбеклар жамиятининг бош қотиби Ҳайбатулло Муҳитнинг шу муносабат билан ёзган мақоласи Кумушнинг ой ичида ўтирган уч-тўрт рангли расмлари чоп этилган эди. Кейинчалик тош босмахонасида чоп этилган бу нусхани ўзимга маъқул бўлмай, бу гал китобни мих босмахонада чоп этишга бел боғлаган эдим. Чунки у даврда офсет йўқ эди. Шундай қилиб, босмахонада ҳарф тера бошладим. Кунда бир саҳифадан бошлаб икки саҳифагача терадиган бўлдим. Энди қийинчилик

бўлдики, оригинал бетни ўқисам копияга қараб турадиган одам йўқ. Копияга қарасам оригиналга қарайдиган одам йўқ. Бундай одам бўлиши учун ўрта маълумотли араб ҳарфидан хабардор кимса йўқ. Борлари ҳам йўқ деёлмайди ё нусхага қараб туриб ухлаб қолаверади. Чунки улар диний адабиётдан баҳраси бору миллий адабиётдан баҳраси йўқ. Ватандошларнинг кўпчилиги понисломист ёки пантуркист арабча-лотинча ҳарфларда битилган китобларни ўқишади-ю, ҳақиқий миллий туйғулари ўлган деса бўлаверади. Мақтаниб юришган инқилоб йиллари ҳам юқоридаги понисломизм, пантуркизмдан нари бормайди. Хурматли Ҳайбатилло эшон ҳам ухлаб қолавердилар. Ноилож, ўзим бир сатр копияга қараб, оригинал билан таққослаб, копия хатоларини тузатиб ҳамда 1926 йили Самарқандда чиқарилган оригиналдаги матбаа хатоларини ҳам тузатиб олиб, Қарачи нусхасидаги тузатилган шаклини янги Қарачи нусха охирига илова қилиб қўйдим. Мисол учун, матбаа хатоларидан ташқари, хато ёзилган сўзлар ҳам тузатилди. Мана бир мисол: Кумушойим Марғилондан Тошкентга келиб Ўзбеккойим уйига тушганида бир хонада «кирпўш» орқасига яшириниб Отабекни кутади. Кирпош хато, урти бўлиши керак. «Урти» қилиб олдим. Бу кичкина нарсани эслаб ўтишимдан мақсад: китобни нечоғли меҳр билан, ишқ билан терганимни бу меҳнатларда кўз нуриمنى ўзимгина тўққанимни айтмоқчимен. Романнинг Самарқанд нусхасида араб ҳарфидаги калималар сатр охирида тугамаса, калиманинг қолган ярим қисми лотинча усулдагидек, иккинчи сатрга кўчирилар экан. Бундай қилиш лотин ҳарфидан нечук араб калимасининг ярми юқори сатрда, ярим сатри қуйида қилиб терилиши мумкин эмас. Сатр ҳунук чиқади, аммо териш осон бўлади. Тез-тез терилади. Бундай қилишга кўнглим ёр бўлмади. Чунки она тилим, ўзбекчага севгим йўл қўймади. Мен сатрларни бузиб, ҳарфдан ҳарфнинг орасига муносиб фосола бериб, сатрларни қисқартирар ёки чўзар эдим. Араб ҳарфида чиқарилган китоб тарихида бунчалик чиройли, хатоси кам китоб чиқарилмаган деса бўлади. Афсус билан айтайки, китобга кўрсатилган

ихлосни на чет элдаги ватандошлар, на Ўзбекистондаги ватандошлар фаркига борди. Романга бўлган севгимни, ишкимни пайқамадилар. Хулоса, 1961 йилда китоб чоп бўлиб, сунъий бўлса ҳам, чарм жилдлик этиб тайёрланди. Матбаа ходимлари:

– Жўра ака, бу китобга бу қадар меҳнат қилиб, ниҳоятда эътибор билан чиқаришдан маълум бўладики, китобнинг ҳар бир жилдини палон пулга сотади, шекилли, - дейишиб, ўта мароқланишгандан сўраб қолишди. - Қори соҳиб, китоб қанчадан сотилади?

– Пулсиз, бекорга таркатамен, - десам, ханг-манг бўлиб қолишди. Сабабини ўрганмоқчи бўлишди. Диний китобми, Худо учунми? - дейишди.

– Йўқ, элу улус учун, - десам, яна оғизлари очилиб, ҳайрон бўлишиб қолди. Уларга ўтмишимни, улусимни, улуғ юртимни, рус истилосини, зулмларини, бойларини, соҳибларини, ишбилармонларимизни бекордан-бекорга кулоқ деб, молу мулкини мусодара этиб, ҳеч уялмай-нетмай ўз ҳисобларига олдилар, ўзларини қамаб қўйдилар. Миллионлаб одамлар қамоқхоналарда ўлдирилдилар. Қўлига қурол олиб, ўз юртини ҳимоя қилган азаматларни босмачилар деб милтиқларига қарши автоматлар билан ҳужум бошлаб, отиб-отиб ташлайвердилар. Уйдаги рўзгорини ҳам олиб чиқиб, ким ошди қилиб сотиб, ўзларини сургун қилиб, об-ҳавоси бошқача ерларда пахта экдирдилар. Пахта етиштирганларга ўлиб қолмаслиги учунгина бўлка нонини бериб, мана, бу берган нонга қанча ҳаражот бўлган бўлса, пахтанинг баҳосини ўшанча баҳолаб туриб, коммунизм учун таннархига олинди қилиб қонунийлаштириб, етиштирилган оқ олтинни ўз ҳисобларига чет элга халқаро баҳода чет пулига, олтин қаршилиги бор эътиборли пулларга сотар эдилар. Диний одамларни каттаю кичигига қарамай халқни оздирувчи рухоний, хоин деб қамоққа олинди. Кейинчалик ҳаммаси отиб ташланди. Маҳалла-қўйдаги тетик гуруҳларни муштумзўрлар деб қамоққа олинди. Кейинча улар ҳам отиб ташланди. Миллий зиёлиларни аксинкилобчилар тухмати билан қўлга оlinиб, сўнгра хўжакўрсинга савод-

сиз халк хузурида муҳокама кила туриб камокка ташлаб, отиб ташлайвердилар. Ҳаммасининг оила аъзоларини пахта майдонларида қишни-қиш демай, саратон иссиғини иссиқ демай, ваҳшийларча ишлатдилар. Сопини ўзидан чиқариб, ҳар соҳада ерлик сотқинлардан ишбоши қилиб қўйдилар. Юқорида айтилган турли-туман кўринишдаги улуғ миллатчилик 1864 йилдаги рус истилосидан кейинги ранги ўзгартирилган коммунизм инқилобигача қолаверди. Моҳият эътибори-ла бу даҳшатли зулм эди. Шакли бошқачарок қулдорлик эди. Юқоридаги аҳвол сабаб бугун Ўрта Осиёда, айниқса Ўзбекистонда соғ одам оз. Сиёсатни фаҳмлаган кишилар юракдан касал бўлсалар, пахтазорда ишлаганлар ревматизмдан касал. Кимни сўрасангиз сил, оёқ оғрик, ўлка жигар, буйрагим шамоллаган дейди. Хулоса: суҳбатдошларим сўзларимдан жуда таъсирланишди.

– Раҳмат сизга? – дейишди. Шарафимга катта зиёфат ташкиллаштиришди, бўйнимга гулдан гарданликлар тақишди. Мухташам кўринишим шовқатлар қилиб, менга эсдалик деб беришди. Маълумки “Ўтган кунлар” романининг ўрта бўлими 1958 йилда Карачида чоп бўлиб чикувди. Бу галл – 1961 йилда романнинг учинчи бўлими яна Карачида урду тили вақтининг анжуман прессида чоп килинди. Китобни ҳинду Покистондаги танишларимга почта орқали юбордим. Поездда Карачидан 24 соат йўл, Раволпинга эса, ўзим бориб Тука Ҳожи, Нўъмонжон, Аҳмаджонларга тарқатдим. Сингхдаги айрим шаҳарларга Навошодаги Соли қори, Абдусаломларга ҳам ўзим бориб бериб келдим. Китоб Исмоил Гаспиралининг имлосида терилгани учун ўқишда қийналганларга ўқилишини ҳам ўргатиб, китобга ҳеч қанака баҳо ёки ўрнига унинг қаршилигида ҳадя олмасдан, ҳар қандай таъмадан йирок турган ҳолда, бировдан ёрдам олмаган ҳолда тарқатар эдим. Палон қишлоқда ўрмон ичида кечинаётган ватандош бўлса, у ерга бориб келиши икки кунни оладиган сафар бўлса ҳам, бориб китоб улашиб келдим. Олмония, Туркия, Миср, Иордания, Саудия Арабистони каби мамлакатларга почта орқали юбордим.

РАДИО

1961 йил. Август ойида азиз она юртим — гўзал Ўзбекистоннинг пойтахти — гуллар макони Тошкентдан она ватаннинг мустабидлар зулмидан ҳар тарафга тарқаб кетган, сарсон-саргардон юрган авлодини истаб чакираётган овозини эшитиб қолдим. Радиодан аввал сайқал мусикаси таралди. Ҳаяжон билан тингладим. Кетидан она юртимнинг бизга қилаётган хитоби... муборак овознинг эҳтироми учун ўрнимдан туриб кетдим. Гоҳ ўлтирамен, гоҳо туриб юрамен. Куним тополмай қолдим. Кўзимдан севинч ёшлари чиқиб галтон-галтон юриб, тўкилиб, улуғ Навоий айтганларидек, юзимни сийпалаб, алам гўборини юва бошладим.

Побусини истаб магар, эй шодлиғ ашким,
Бу зор ила, дилбар, кўришур чоғда югурдинг.

Эртаси ҳар бир ватандошимга бориб, воқеани муждаладим. Юришларим бошқа, қадамларим илдам бўлиб, юзимда шодонлик аломатлари намоён бўлиб қолибди. Шунинг учун аҳли таъб юртдошлар:

— Ҳа-ҳа, қори, нима гап? Жуда хурсанд кўринасиз? — деб сўрашди. Уларга Ориф Казвинийнинг қуйидаги шеъри билан жавоб бера бошладим, чунки ватандошларнинг кўпи тожикча билади:

Душ нидои багушам, зимай фуруш омад,
Бинуш бодаге як миллати бахушомад.
(Кеча бир нидо келди майфурушдан:
“Ич майники, бир миллат уйғониб қолди”.)

Улар ҳам жон кўнгилларидан кизиқиб, хушхабарнинг тафсилотини айтинг дейишди. Кечкурунги воқеани айтиб берсам, улар ҳам менинг ҳолимга тушар эди. Айримлари: “Эй тангрим, бизга ҳам инсонга ўхшаб қувониб-қувониб ватан соҳиби бўлиб яшаш учқуни кўриниб қолибди-ку» дейишарди. Карачидаги туркистонликлар ёрдамлашиш жамиятининг масъул котиби Ҳайбатулло Муҳитга

кеча кечкурунги радио вокеасини ҳикоя қилиб бердим. Ҳайбатулло Муҳитни Эшон ака дер эдик. Чет элда юрган ватандошлар ичида саёҳатлари сабаб жуда билагон аҳли фаҳм одам эди. Покнафс, тақводор, намоз-ниёзи жойида, замонавий маълумоти бўлиб, ватандошлар орасида ойдин киши деб ҳисобланарди. У киши ҳам севинди. Тошкентга хат ёзмоқчи бўлдим. Бу фикрим Эшон акага маъқул тушди. Бироқ Карачидаги Туркия элчихонасининг котиби Нўмонтўра коммунистларга қандай хат ёзасизлар? Уларни ёқтирсаларингиз, нима учун муҳожир бўлиб юрибсизлар? - деб хафа бўлди. Эшон ака эса:

– Қорихон, сиёсий полисдан маслаҳат олиб кўринг. Тағин бирор хато ишлаган бўлинмасин, - деди. - Сийодийнинг мудирин Юнус Алихон билан таниш эдим. У кишининг маслаҳатини олмоқ учун идорасига бориб, Тошкент радиосининг эшиттиришларини айтиб, хат ёзмоқчи бўлганлигимни баён қилдим. У киши:

– Ҳофиз соҳиб, бизнинг советлар билан муносабатимиз юзаки, зимнида муҳолиф жабҳадамиз. Шунинг учун сизга тушунча беролмайман. Яхшиси, Туркия элчихонасидан Покистон интурист директоридан сўраб, фикр алмашиб кўринг, - деди.

Сиёсий полиснинг жавобини келиб эшон акага айтдим. У киши тўғри айтибди, дедилар. Ўзим уйлаб, ватан меники бўлса, она Ватаним бўлса, Туркиядан ёки Покистондан сўраб ўлтириш айб-ку, хат ёзиш керак, деб қарор қилдим. Тошкент радиосига хат ёзиб уларни тадбиқ қилдим. Ўзбекистон Ватан жамиятининг раиси академик Қори Ниёзийга, жамиятнинг масъул котиби Зиё Аминга хат ёзиб, улардан ўзбекча китоблар истадим. Роман босилиб чиқанидан кейин домла Абдурауф Фитратнинг “Ҳинд ихтилолчилари” номли саҳна асарини чоп қилмоқчи бўлиб, саҳифаларини териб, бир тарафдан чоп қила бошладим. Ўшанда Туркия элчихонасининг котиби Нўмон тўра:

– Шу китобни берсангиз, ўқиб, келтириб бераман, - деди.

Кўнглим ғаш бўлди. Берсам не бўлади, нима бўлмайди? Китобни чоп қилмоқдамен. Агар унга китобни берма-

сам, элчихонада мени ёмонлаб кўяди-ку, деб иккиланиб қолдим. Чунки мен Туркия ватандоши эдим. Ниҳоят, китобни у лаънатига бердим. Эртаси Нўъмон Тўранинг даси Ақромжон ака:

– Қори афанди, Нўъмонхон китобингизни йўқотиб қўйибдур, афу қилишингизни сўрамоқда, - деди.

Кўп хафа бўлиб, кўзимдан ёш келди. Бундай китоблар Тошкентда кўплигидан хабарим йўқ эди. Китобни ким топиб келса муносиб ҳадя берурмен деб радиодан, газеталарда эълон қилдим. Натижа чиқмади. Китобнинг ярмини чоп қилиб бўлган эдим. Ҳаммаси бекор бўлди, ортиб қолган қоғозларни ярим баҳосида сотдим. Элу улуспарварликдан ҳеч қанақа баҳраси бўлмаган ҳолда, олақарғадек вағиллаб юрган инсоннамо ҳайвонлар чет элларда жуда кўп.

КИТОБ КЕЛДИ

Тошкентдан почта орқали бир қанча китоб келиб қолди. Афсуски, ўқиёлмадим. Эшон акам, бошқалар ҳам ўқиёлмадилар. Тошкентга яна мактуб юбориб кирилл алифбосини сўрадим. Икки ой деганда яна почта орқали алифбо келди. Шарафиддин Окилов таъкидлаган алифбо эди. Жуда мамнун бўлдим. Мана энди ҳақиқатда баҳоромад, нигоромад, қароромад бўлди. Уч-тўрт кундаёқ ҳарфларни таниб олдим. Секин-секин, таталаб-таталаб мутолаа қила бошладим. Ўн беш кун деганда бемалол тўхталмай ўқиёладиган бўлдим. Қори Ниёзийнинг “Ҳаёт мактаби”, Миркарим Осимнинг “Эски дунё”си, Ойбекнинг “Навоий” романи, Тўхтасин Жалоловнинг Ўзбек шоиралари каби табаррук асарларни кўзимга суртиб-суртиб мутолаа қилдим. Яна бошқа китоблар ҳам келди. Ҳаммасини ўқиб чиқдим. Ана шундан ўзимга ўзим қуёш чиқиб қолибди-ку, эй юлдуз, ўзингни панага олгин энди дедим-да, бир қанча китобларни ким чоп эттираман, деб мўлжаллаб қўювдим, ҳозирча бу ишларни тўхтатиб, пишган ошни сузиб ҳам ўзим баҳраланайин ҳам элу улусимда синайин деб китоб чоп қилиш тўғрисидаги барча режам-

ни тўхтатдим-да, жон офарин хушхабарни бошқаларга ҳам етказиш учун яна узоқ сафарларга отландим.

ҲИНДИСТОН

Дастлаб Дехлига бордим. Бу ерда азиз юртдошларим бормикин, деб у ер-бу ердан сўроқлай бошладим. У даврда Дехли дорилфунунида ўзбек талабаси йўқ экан. Мусофирхонадан суриштирдим. Шоҳжаҳон қурдирган подшоҳи масжидга бориб, унинг имом хатиби билан танишдим. Коратегинлик Гўзалим ўрта осиелик юртдошим бўлгани учун севинганимдан кўзларим чараклаб кетди. Ул ҳазрат ўзбекча билмас эди. Тожикча гаплашдик. Изоҳати шундай бўлди:

— Ҳиндистонда Ўрта Осиёнинг қардош миллатидан бу ўлканинг шаҳарларидагина эмас, ҳар бир қишлоғида ўнлаб, юзлаб ватандошимиз истикомат қилар эдилар. Жамиятлари бор эди. Садои Муҳожиддин исмли журнал ҳам чиқарардилар. Афсуски, уларнинг барчаси мусулмон бўлгани учун ҳинду мусулмон ички юришида қирилиб кетди. Аҳли аёллари, бойваччалари ҳам қириб ташланди. Хали ҳам яккам-дукам қолганлари бор. Адреслари ўзгарган. Бир-биримиз билан бўлиб турган алоқалар узилиб, ҳар ким ҳар жойда бекасу бенаво бўлиб қолган. Кўринишимиз одам-у, ўзимиз мосуво бўлиб юрибмиз, - деди. Яна дарду аламга тўла сўзини давом эттириб, - Ҳув анови кўчада анча юрганингиздан кейин бир пичоқчи ўзбек бор. У кўчада бўлгани учун тонга (арава) юрмайди. Ичи тўла дарду ҳасрат билан хайр-хўшлашиб, ҳузуридан айрилдим.

ТЕШАБОЙ

Эртаси кун ўша узун, тор кўчага кириб, илгари замон юра бошладим. Кўча одамга тўла. Кўчанинг икки бетида дўконлар, анвойи нарсалар бор. Темир-терсакдан тортиб, кичик-кичик ошхоналар ҳам бор. Икки қирғоқдаги дўконларнинг тагида ариқча. Бу ариқчада сув эмас, сийдик оқарди. Чунки минглаб, ўн минглаб қимирлаб юрган-

ларга дўкондорларга хожатхона йўқ. Ҳаммаси, айникса, дўкондор шундай дўкондан тушиб, шу ариққа сувини тўкиб чиқиб кетяпти. Шунинг учун кўча саассигидан юриб бўлмайди. Мен эса, чидаб бўлмайдиган ҳидга чидаб, жигарим қаердасан деб имом айтган пичоқчи ўзбекни кидириб кетавердим. Бир ўнгга қарайман, бир сўлга қарайман. Анча юргандан кейин сўл томондаги пичоқчи кўзимга тушиб қолди.

– Ҳорманг, уста ака? - дедим.

– Тушимми- ўнгимми? - деди.

– Йўқ, ўнгингиз, ўзбекмен, - десам, севиниб кетди.

Асли марғилонлик, исмлари Тешавой, отаси руслар томонидан қулоқ (маданий ҳақларида мағрур) деб эълон қилинганидан кейин Қашқарга қочибдурлар. Йўлда бечора она кўчик остида қолиб кетибдур. Тешавой отаси билан Қашқарда бир-икки йил туриб қолишибди. Отаси нонвойчилик қилибдур. Айрим юрт эгалари уйғурлар яхши юз кўрсатмабдилар.

– Кечаги гап икки қулогимда, жаранглайди, - дейди Тешавой. Уйғурлар бизни “қўтир анжонлик нима бўпти?” деб сал нарсага дўк-пўписа қилишар эди. У ердан Ҳиндистонга ўтдик, бу ерда ҳам тинчимиз тузук эмасди. Марғилонда бир парча еримиз, ўн икки туп мевали оғочимиз, кичиккина уйимиз, ширингина кечимимиз бор эди. Отам бу ернинг иссигига ўргана олмай, пичоқ чархлаб уйга қайтаётганида иссиқдан бўғилиб ўлиб қолдилар. Ёруғ дунё кўзимга қоронғу бўлиб қолди. Мен кўрмаган хўрлик қолмади. Ахийри, катта бўлиб олдим. Мактабга бориш, ҳунар ўрганиш – катта гап. Бу улар у ёқда турсин, орзуим бошимни суккудек бошпанаю ош ўлмагулик чурак бўлиб қолди, - деди-ю, кўзларига нам келди.

Менинг кўзларим ҳам намланди. Кўнглим эса, йиғлай кетди. Эртаси Тешавой ака билан Лолқалъани томоша қилдик. Бобурмирзо болалари курдирган бу сарой ўта гўзал. Айникса, мармар ариқлари мени ўйлатиб қўйди. Ичкаридаги мутемаҳал (жавҳар саройи) заммомлари, иситиш сирларини Тешавой ака айтиб берса, оғзим очилиб қолди. Кечкурун мен тушган меҳмонхонада овқатландик.

У кишини ортикча чарчатмайин деб, бир ишимни эртага битира олсам Бомбай кетурман деб, катта раҳматлар айтиб қўлига эллик доллар бериб хайрлашдим.

БУЛ БЕЛЁН

Шу исмли саройни Хумоюн Мирзога андижонлик бир ўртоғи қуриб берган экан. Булбелён дегани унутконликлар деб келинса бўлади.

Саройга кирган одам ўзини йўқотиб қўяр экан. Қаердан саройга кирганини, қайси томонга юриб чиқишини билмай қолади киши. Нетайки, мен ҳам саройга кириб, беш-ўн дақиқа сайр қилиб юрганимдан кейин ўзимни йўқотиб қўйдим. Кўркиб кетдим, карасам, атрофимда ҳеч ким йўқ. Мени яна қўркув босди. Шу саройнинг ичида қолиб кетаман шекилли деб тобора кўрккан сари тинчлигим йўқолиб оёқларим қалтираб, йиқилиб тушишимга сал қолди. Бирдан бир тўдафурушлар кўриниб қолди. Дарров уларга қўшилиб олдим. Маълум бўлдики, саройга турист идоранинг расмий гити туристлар қабиласи келиб айлантириб олиб кетар экан. Мен ўйламай-нетмай саройдан қандай чиқиб кетишимни ўйлаб олмасдан саройга кириб кетаверибман.

ОЙБЕК МИНОРАСИ

Ҳинд улусининг бутун жаҳонга кўз-кўз қилгудек хашаматли сенбуллари кўп. Деҳлидаги Лол қалъа, Коҳирадаги Тожмаҳал, Ҳинд дарвозаси, шулар қаторида Ойбек минораси. Ойбек минорасининг азаматини кўриб маҳлиё бўлмай киши тутолмайди. Айниқса, ўзбеклар кўрса, ўтмишини кўриб мағрурланиб, жонланиб қолиши турган гап. Ана, шундай аҳволга Мирзо Ғолиб ҳам тушган бўлсалар керакки, ҳаяжонланиб шундай дейдилар:

Ойбеким алжамоий атроқ,
Ложарам дарнасаб фараҳмандим.

Ҳиндистонинг ўтмишида шундай дурлар бор экан. Бугун бир мисол келтирайин. Пойтахт Деҳлида бир куни

асрдан кейин бозор айландим. Шомда дўконлар бирин-кетин беркитилади. Ёпилаётган дўконларни кутиб турган оворалар ҳамон елкасидаги ўраб олиб юрган бўриёсини ерга ёзади. Орасидан магар тўшагини офтобга қўйиб, кизитилса, ёғи кир ариқ бўлиб оққудек, магар ёстигини ташлаб олади. Бу ҳаракатни тезлик билан бажаради. Урду тилида шуларнинг биттасидан сўрадим.

– Нимага бунча ҳовлиқиб жой ташлаяпсан?

– Тўғри айтасиз, шошилмасам ҳам бўлаверади. Бу ер одат кучи билан меники бўлиб қолган. Шундай бўлса-да, бирорта муштумзур келиб олиб қўйса нима қиламан? деган кўркув мени ҳаяжонлантиради. Бу ҳолга тушган ёлғиз мен эмас, ана кўриб турибсиз, растанинг бошидан охиригача оворалар тўлиб ётибди. Ҳар ким учун, яъни 75 сантиметрни ўзаро одат қонуни белгилаб олинган.

– Кундуз куни нима иш қиласан? - дедим.

– Нима иш топсам қилавераман.

– Елкангдаги бўриёни нима қиласан?

– Иш топилгунча елкамда ташиб юравераман. Иш топиш бахтига қовушганимда юкимни панага қўйиб, ишга тушиб кетаман.

– Ҳар куни иш борми?

– Йўқ, иш тополмай юрган куним кўп бўлади.

– Нима еб, нима ичасан?

– Тўрт пулга нўхот олиб, устидан бир стакан сув олиб ичамен. Гузорам шу, жаноб, - деди.

Айтганидек, кўча бетидаги овораларнинг бошию кети кўринмас эди. Йўқсулликнинг жуда паст кўринишини кўриб, ёқа ушлаб, одамга ўхшаб юрганим учун Тангрига яна бир бор эмас, минг бор шукрлар қила-қила отелга қайтиб келдим. Эртарок нари бери чойимни ичиб, яна кўчага тоза ҳаво олай деб отландим. Ҳалиги дўконлар бирин-кетин очилляпти. Оворалар ҳам тез-тез ўринларидан туриб тарқала бошляпти. Шуниси борки, орада айримлари дангасалик қилиб, турмай ётибди. Кўча бўйлаб охишта кетаётувдим, шаҳар идорасининг машиналари беш-ўн хизматчиси билан келиб, ётган ҳалиги овораларнинг ҳар бирини оёғидан, қўлидан ушлаб, ердан узиб, даст кўтариб,

машинага ота бошлади. Мен ўйладим, кўча тозаловчи бунча золим бўлишмаса, тур-тур қилиб уйғотиб юборса бўлмасмикин, деб афсусландим. Тузукроқ қарасам, биринчи машинада келганлар докторлар экан. Улар кўча бўйида ётган овораларни мояна қилиб тўлиб қолганини тавсир этиб келяпти. Иккинчи аравадагилар ўликларни машинага ташлаб кўчани бўшатаётганлар экан. Кечқурун мен кўрган оворалардан тирик ётиб ўлиб қолганлари бўлар экан. Ана шундай кўрқинч кўринишни кўриб, ўз кўзимга гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай, турган жойимда қотиб, алламаҳалгача туриб қолганман.

ГОВМИШЛАР

Дехлида маҳалла кўчалари ўта ифлос. Ярим яланғоч, ёлғиз ўта (ҳиндча иштон) ўтасида юрган одамлар. Уйлариди қулайлик бўлмаса керак, кўчада ичимлик сувнинг тагига ўлтириб, чўмилиб оляпти. Яланғоёқ, нозик белинию оппоқ қорнини кўз-кўз қилгандек маҳаллий уст-бошида юрган хонимлар, гўзаллар, ифлос кўчада чанг-чунгда кип-яланғоч юрган болақайлар, кулранг, қора, оқ говмишлар, соллана-соллана, тимирскиланиб ердан бир нарсаларни териб, топиб еб, кечиниб юрибди. Мен говмишнинг кулрангини, оз бўлса-да, қорасини кўрувдим. Оқини биринчи кўриб турибмен. У ҳайбатли ҳайвонлар машиналарни-ю, визиллаб одам тапиб кетаётган рекшоларни ҳеч писанд қилмай, беғаму гап бепарво юриши қизиқтирди. Ўз она юртим озод бўлганда эди, мен ҳам шундай юрган бўлар эдим, деб беҳосдан ўзимни ушбу молдан ҳам пастроқ кўргандек бўлдим. Бирок ўз мотамимни кўриб йиғлаб юбордим. Яна ўзимни ўзим юпатиб, “йўқ, мени бу қадар қурбонликка туширган шўролар-ку, одамни ҳайвон бўлиш ҳавасига мубтало қилган ўшалар-ку, аслида улар ҳайвон. Қилмишларидан улар ўкинсин. Бир куни келиб, адолат чироғи дунёни ёритганда улар бир-бирини кўриб, биз шундай ваҳший халқмизми, деб сиқилиб-сиқилиб, ўз-ўзидан уялиб, маданий халқлардан қочиб, кўздан йироқ, пана-пана жойларни истаб қолсалар ажаб эмас. Пана жой тополмагач

сикилиб-сикилиб коринлари ёрилиб ўлсалар керак”, деган болаларча хаёл келди бошимга. Шу аснода хаёл уйқусидан уйғонган ҳамон, кўзим уйларидан бирин-кетин аёллар чикиб ҳалиги говмушларнинг бошини силаб, шохларидан охиста тортиб, уйларига олиб кириб кетяётганига тушди. Нима гап экан? — деб қизиқдим. Бирпасда жонворларни яна кўчага ҳайдаб юборишяпти. Аниқ билгим келди. Қарасам, ҳовлиларининг дарвозаси очиқ, беркитилмаяпти Мен ҳам воқеанинг бепарволигидан хайрон бўлиб, эшикларидан бориб қарасам, ҳайвонларнинг сутини соғиб олиб, ўзини кўчага ҳайдамоқчилар. Ҳовлиларига кўз югуртирдим. Ҳеч бирининг саҳни говмуш сиғадиган эмас, ўта тор ҳовлилар. Демак, говмишлар — эгасиз. Қорнини дайдиб юриб тўйдириб, қаерда чарчаб қолса ўша ерда ётиб, ўша ерда тапписини ташлаб, бева-бечораларга сутини бериб, ҳақиқатда меҳрибон онадек юраверар эканлар.

ҲАЙВОНОТ БОҒИ

Жаҳондаги ҳайвонот боғчаларидан энг каттаси Дехли зоопарки бўлса керак. Айланиб-айланиб кўраверасиз. Дам олиб-дам олиб, яна томоша қила бошлайсиз. Ҳаммасини кўриб-тугатиш қийин. Катта-кичик ҳар бир жонворга тутиб келинган ватани яратиб берилган. Уч-тўртта уйлар негадир бундай эмас. Уйларнинг биттасида тоғ киролини кўрдим. Уй ўртасида ўйчан савлат тўкиб турбди. Лавҳасига қарасам, кўнглимдаги тоғ киролини Ўрта Осиё тоғларидан олиб келибди. Тоғ кироли бургутни руслар Дехли ҳайвонот боғчасига ҳадя қилган эканлар. Кўриниш олдида туриб қолдим. “Эй осмонлар кироли, ватандош экансан-ку. Мен ҳам асир, сен ҳам асир. Фарқимиз шуки, сенинг холинг мендан баттар. Мен ватандан жудо бўлсам-да, ваҳшийлар қўлига тушмай, ўз ихтиёрим билан ўлкадан-ўлкага ўтиб юрибман. Сен-чи, она юртингдан жудо, қафаснамо уйдасен. Лаънатлар бўлсин ваҳшийларга. Уларнинг ҳам кўрадигани бордир. Тилагим шуки, дўстим, ушбу лаънат баённомаси ҳам бошқа лаънат баённомаларидек пешоналарига ёпишгусидир. Хафа

бўлаверма, ҳиндулар беозор, раҳмдил халқ. Сени Ўрта Осиёга, оби-аждодинг юртига, туғилиб-ўсган юртингга олиб бориб қўйиб юборадурлар. Қуш сабаб эсимга тушди. Ўтмишда ўрислар шоир Борис Пастернакни ҳам сургун қилмоқчи бўлувди. Пастернак: “Мени ўлдиришлар-у, она юртимдан жудо қилманглар”, деган эди.

РАСАДХОНА

Дехли расадхонасини ким қурдирганги маълум эмас. Ўн еттинчи асрларда бўлса керак деб тахмин қилишга мажбурият шуки, у ерда масъулиятини сезиб, тузуқ-қуруқ маълумот берадиган одамни учратмадим. Ўзимча, Самарқанддаги Улуғбек расадхонасига тенглаштириб кўрдим. Тенглаштириш ҳар жиҳатдан мумкин бўлмади. На қурилиш тарихида яқинлик бор, на кўринишида. Самарқанд расадхонасининг ҳайбати олдида Рожанинг расадхонаси болакай бўлиб қолади. Шунинг учун таққослашни ножоиз демоқдаман.

Буюк ватандошим Мирзо Бобурнинг Ҳиндистондаги ҳаётидан бир бўлаги Қоҳирада ўтганлиги маълум. Шунинг учун эндиги йўл Қоҳира томон.

ОГИРА

Дехлининг поезд бекатига бормоқчи бўлиб меҳмонхонадан кўчага чиқсам, бир саришин қиз такси кутиб турибди. У ерда иккита такси турибди.

– Станцияга борасанми? – дедим.

– Йўқ, муштарийим бор, – деди.

Бошқа такси келмади. Қиз у таксини чақиртирган экан, қиз таксига чиқа туриб, мени имо қилди. Таксига чиққанымдан пайқаб:

– Мен ҳам станцияга бораман, – деди.

Афтидан, у қиз мени отелда кузатган экан. У менга қараб:

– Марҳабо, – деди. – Сиз шу отелга тушган кунингиз мен ҳам баробар келувдим, танишолмадик, – деди.

- Афсус, - дедим.
- Қаёққа кетяпсиз? - деди.
- Оғрага.
- Қизик, мен ҳам Огирага.
- Қаерликсиз?
- Ўзбек, туристмен.
- Яхши тасодиф, мамнун бўлдим.
- Мен ҳам.
- Турист, исмим Мири, - деди.

Чақкон киз экан, Урду тилини биларкан. Қўлимдаги билетни олиб ҳамон Информишанга бориб, бизнес классдан иккимизга бир жойни тайин қилдириб, нархини ўзи тўлаб қўйди. Неча пул десам, кўяверинг, арзимас деди. Поезднинг икки кишилиқ хонасида бироз ўзимизни тутиб олдик. Сўнг суҳбатимиз бошланиб кетди. Огирага келиб қолганимизни билмай ҳам қолдик. Извошчилар баланд овоз билан :

– Мусулмонка тангахе, мусулмонка тангахе! (мусулмон извошчи, мусулмон извошчи) - деб чақиряпти.

Биз тушунмаган тилларда ҳам ана шу маънодаги овозлар янграяпти. Шунинг учун чеккарок борган эдик. Мисс Мири қўлидаги чамадонини ерга қўйди. Шу пайт маймун келиб, чамадонни тортиб қолди. Хайтовур, чамадоннинг камари Мирининг қўлида экан. Ҳой-ҳайлаб қолдик. Атрофдаги одамлар югуришиб келиб бизни маймунлар хужумидан қутқаришиб қолишди. Мирининг ранги кўрқувдан оқариб кетди. Мен ҳам бўлганимча бўлдим. Ҳиндистонга хос безакли годе (извош)га чиқдик. Годега қўшилган от ҳам жуда боқимли, типирчилаб турибди. Тонгачи жиловини тортиб чув этиши билан дам юриб кетди. От жонивор йўрға экан. Отнинг ўйнагандек қилиб йўрғалашига извош безакларидаги кўнғирокчаларнинг майин мусиқаси жўр бўлиб, завқли ҳаво яратди. Извошчи мусулмон эди. Ҳинду меҳмонхонасига олиб борди. Мижози бўлса, керакда. Иккинчи каватдаги озода хона, отел эгаси одамшаванда, уйдан ишлатилмаган кўрпалар, чойшаблар келтириб берди. Ресторанга тушдик. Ҳинду она емаклар, бир пиёладан сутли чой чақириб, ичиб, яна гапни қолган

еридан бошлаб, атрофни кузатиб, одамларга сер солиб, томоша қилиб ўтирдик. Иштаха уйғонди. Ҳинду ошхонаси бўлса ҳам, озодалигини кўриб, шу ерда овқатланмоқчи бўлдик. Мисс Мири журналист эмасми, марокланиб, мусулмонлар ҳинду кўлида пишган овқатни ейдими? – деб сўраб қолди. Ҳинду мусулмон ҳинду кўлидан емайди. Ҳиндулар ҳам мусулмон кўлидан овқат емайди. На ҳинду, на мусулмон, бир-бирининг овқатини ҳаром дейишди. Аслида ҳалол-ҳаром дейилган диний терминларнинг моҳияти зарар-зиён зарарсиз деган гап. Солиқли бўлади овқат, ҳалол, соғлиқсиз бўлса, ҳаром. Демак озода емак ҳалол, пала-партиш пиширилган емак ҳаром бўлса керак дедим. Хулоса, кўриб турибмиз, ресторан озода. Камина Жоржнинг фатвоси билан атайин эмас, зарурат чоғида еса бўлади (Мисс Мири мени Жорж деб хитоб қиларди.) дедим. Қаҳқаҳали кулиб юборди. Мен бундан олдин ҳам Қоҳирага келиб-кетган эдим. Тожмаҳалга чиқиш учун менга отелчи таниши бўлган рекшочини ёллаб берувди. (одам ҳайдайдиган аравача). Рекшочи ёкимтой ўспирин мени Тожмаҳалга олиб бориб келувди. Йўлда эса, бироз қийинчилик бўлувди. Шаҳардан чиккандан кейин йўл секин-секин юқорилаб бораркан. Қарасам, рекшочи зўриқди. Раҳмим келиб рекшодан тушиб, Тожмаҳалгача пиёда юрувдим, оёғимнинг оғриғи кўпаювди. Бу ҳикояни мисс Мирига айтдим. У енгил машинани муносиб кўрди. Машина тез-тез юради. Табиат кўринишини кўролмай қоламиз. Шунинг учун кечаги извошни чақиртирайлик, дедим. Мисс Мэрига маъқул тушди. Тожмаҳалга кираверишдаги боғ кишини мафтун қилади. Гўзаллиги, озодалигини кўриб зиёратчининг туйғуларида ўзгариш уйғотади.

РАҲБАРХОНИМ

Ҳашатматли бинонинг қурилиш тарихи, Ўрта Осиёдан усталар олиб келишини қанча ишчи ёлланиб, қанча муддатда бинонинг қад кўтаргани ҳақида кенг маълумот берди. Бинонинг ой шуъласида чўғ бўлиб порлаб туришини шам ёқиб кўрсатди. Сўнгра Жамно ёқасидаги Оғира қалъани

кездик. Ҳар томонга нозир гўзал аёвондаги устуннининг ичига ўрнатилган 400 йиллик ўтмиш сири бугунгача кашф бўлмаган дурбиндан ҳам Тожмаҳални томоша қилдик. Шаҳзода Уранзеб Шоҳжаҳонни шу қалъага қамаб қўйганида шох шу дурбиндан севгилисининг маркадини кўриб турар эмиш. Шундай қилиб, куёш оғиб, ой кўринадиган соат ҳам яқинлашиб қолди. Мисс Мири билан яна Тожмаҳалга қайтиб ойнанинг кўринишини кутиб ўтирдик. Бутун жаҳонга шуъла сочиб турган яхлит бир олмосга ўхшайди. Мисс Мири Бобуршоҳ давридан гап бошлаб:

– У даврда Ўрта Осиёдан маданият бу ёққа қараб оққан экан, мистер Жорж бу борада мулоҳазаларингизга мурожаат қилмоқчи эдим, - деди.

– Мисс Мири Ўрта Осиё маданияти ёлғиз Бобуршоҳ даврида эмас, Дехлида кўрганингиздек Ойбек минораси, Шаҳобиддин Ғурий даври, Илтамишхон, Туглуқлар замонаси, ёхуд Ҳамзанавис амир Хисрав, Мирза Ғолиб, Мирза Бедилларни демайсизми?!

Мисс Мири:

– Ҳа, Зебунисони ҳам қўшиб қўйинг, - деди.

– Устод Неру ўлмас асарида олмослардан жумлалар тузиб, Бобурни Ҳиндистонга мустамлакачи эмас, маданият арбоби бўлиб келувди деди, хабарингиз бор, - дедим яна мен.

Шу гўзал пайтдан фойдаланиб, устоз Рабиндранат Тагор, Али Биродарон, Сарсайд Аҳмад, улуғ Ганжи, Пандат Жавоҳирлаъл Неру, Иқбол, Мавлони Обилкалон, Озод, яна канчадан-канча хинд улуғларини эсладик. Руҳлари шод бўлсин.

ЎТМИШ КУНЛАРНИНГ БИРИДА

Ўтмиш кунларнинг бирида газетада ўқиган эдим. Англиялик бир хоним шу курсиларнинг бирида ўлтириб, Тожмаҳалнинг гўзаллигига маҳлиё бўлгач: “Агар ўлсанг шу боғчага кўмамиз деб гарантия берсалар, шу тобда ўлимимга рози бўлардим”, деган экан, десам Мисс Мири “У хоним кўнгил соҳиби экан”, деди. Эртаси кун таниш

бўлиб қолган сатанг извошчини чақиртириб, Ганга дарёсининг у ёқасидаги осорларни кўргали отландик. Йўлдаги манзара кўрадиган. Ялангоёк путаси билангина юрган деҳқонлар, ҳеч ким уларни халқ афандиси демайди. Бир хўкиз, икки хўкиз қўшилган аравалар, дабдабалик молларни олиб кетаётган кўнгирокли извошлар, туя қўшилган юк аробаю пир қўшилган юк аробалари – афсонавий кўриниш. Ҳикояли, жозибали, осорларнинг зиёратидан сўнг отелга қайтиб келдик. Оқшом яна суҳбат қизиди, мисс Мири сўзни диққат билан эшитди. Самимийлигини кўзи билан билдириб турди. Кулимсираб гапирди. Унинг назокатига берилганимдан гоҳ булбул бўлдим-у, гоҳ у булбул эди-ю, мен – гул. Бу оқшом мен гул бўлдим, у – булбул.

АҲМАДЖОН

1950 йилда бўлса керак, Карачидаги Ҳиндистон кўргазмасида “Махбуб ул-қулуб” номли табаррук асарни кўрган эдим. Ўшанда ўзимда йўқ ҳаяжонланиб, кетибмен. Ҳамроҳим асли андижонлик фабрикатур:

– Қорижон, нима бўлди, жуда тўлқинланиб кетдингиз? - деди.-Асарни сотсалар, олайлик.

– Аввало сотмас, сотганда ҳам унча-мунча пул бўлмаса керак, - дедим мен.

– Нима бўлар эди, минг доллардан юз минг долларгача сотсалар, олиб сизга ҳадя қиларман, - дедим мен.

Кўргазма мудири:

– Маънавий баҳосининг поёни йўқ. Мана, қаранг, бир миллиард доллар баҳо қўйилса-да, сотмаймиз, - деди.

Мис Мири вақтнинг озлигидан Огирадаги Бобурнома-ни зиёрат қилолмагани учун афсусланди. Бечора яна бир келармиз деган тасаллидан сўнг ул малаксиймо Франция-га учиб кетди. Мен ҳаво майдонида эс-хушимдан айрил-гудек бўлиб, зўрға отелга кела олдим.

ПУЛГАЛИ

Поезд билан Бомбейга қараб йўлга тушдим. Бомбейдаги ўзбек саройининг адреси Пулгали эсимда эди.

Кийналмай топиб бордим. Гурбатхонада ўн саккиз киши ётар эди. Ҳаммаси билан кўришиб олдим. Бир-иккитаси менга таниш чиқди. Ўзганлик Комилжон, наманганлик Аҳмаджонлар билан Қобулдан танишлигим бор эди. Айниқса, Аҳмаджон чамадон ясаб бизга олиб келар, биз сотиб берардик. Бу йигит Бомбейда пичоқ чархлаб, гузарон қилар экан. Комилжон эса, ямоқчи экан. Бошқа ватандошларнинг хунаrlари ҳам ўшандай. Ким билади бу ватандошларим ўз юртларида қариндош-уруғлари, уй-жойлари, ёру дўстлари, одамга ўхшаб кечимлари бўлгандир. Ичим ёнди. Кийинишлари юпун, кўринишлари ачинарли. Биттаси чархини тузатяпти. Биттаси бир нарсаларни ямаяпти. Кўзлари сўниқ, кўнгиллари синиқ, юзлари заъфарон, ҳожатхоналари, ҳаммомлари муштарақ, хуллас ҳамамаёқ камчиликсиз. Бу гўзал Ўзбекистоннинг азиз фарзандларини бирин-бирин кузатиб юрагим қон бўлди.

ШАМСИДДИН

Шамсиддин афанди гаплашадиган, бамаъни одам. Афсус билан айтайин, ватансизлик дардига дард кўшилибди. Мусофиратдаги жон йўлдоши хотинини ҳинду мусулмон фасодида кўзи ўнгида ҳинду оломонлар сўйиб кетибди. Маълумки, Ўрта Осиёни мустабидлар истило қилгач, минглаб, юз минглаб юртдошларимиз хонумонини, қонуқариндошини ташлаб, бегона ўлкалар – Уйғуристон, Хуросонга қочиб ўтиб, у ўлкалардан бошпана сўрагандирлар. Ҳиндистондаги ватандошлар ҳам ана ўша фожеаларнинг аламзадалари. Ҳиндистоннинг об-ҳавосига ўрганолмай хору зорликда ўлганлар сон мингта. Қолганларининг кўпи яна 1948 йилдаги ҳинду мусулмон икки урушида сўйилиб кетибди. Чунки бизникиларнинг кўпи индулар маҳалласида етим масжидларда имом, муаззин, фаррош, қоровул бўлиб умр кечиар эдилар. Бирови оила аъзолари билан қабул қилинган, бировининг хотин бола-чақаси ўлдирилган. Айниқса, такиялардагиларнинг ҳаммаси қирилиб кетди. Ўзбек саройида ақлидан, эс-хушидан айрилиб, лаънат баённомасини тарқатиб юрганлари ҳам кўп.

ҲОЖИ АБДУРАҲМОН

Бухоролик, кўпни кўрган, тонналаб тажриба орттириб, халқ донишманди савиясига кўтарилиб қолган улуғ инсон. Тижорат соҳиби, уй-жойи, ҳовли-боғи бор, миллионер одам. Ҳар куни ватандошларини автобус юбориб уйига олиб кетиб ифтор қилдиран эканлар. Саҳарда яна ҳожи Бобонинг автобуси келиб аламзадаларнинг ҳаммасини олдириб, саҳарлик қилдириб кетар эканлар. Рамазон ойи бўйича бу план ўзгармайди, дедилар. Айрим кунлари Ҳожи Шамсиддин ҳам қараб турмай, бир-икки яшиқда апелсин, бир-икки яшиқда мандарин олиб келганини кўрдим. Абдураҳмон бобонинг биттагина қизи бор. Тўпалон замонда қизи мактабда бўлган вақтида онаси суюниб кетибдур. Исми Халил Афлодий, ўзини ўзи Бадахшоний дер эди. Артистмен дерди. Ҳожи бобонинг қизига кўз тиккан эди. Гапининг қанчаси рост, қанчаси ёлғон билолмовдим. Ҳожи Абдураҳмоннинг кўп замони богда ўтар экан.

— Дехқонлари ҳинду, афсуски, ишловчилар мени кўролмади. - дедилар.

— Ҳожи ака, эҳтиёт бўлинг, ишчиларингизнинг ҳаммаси ҳинду экан. Ҳиндуларнинг ҳам тарихий раҳмдиллиги қолмабди. Мусулмон ҳинду урушида қўлларига қурол олиб, мутаасиб мусулмонлардек қотил бўлиб қолибдурлар. Сизга маслаҳатим шуки, боғни, дўконни, уй-жойларни сотиб, Арабистонга ўтиб кетинг. Қулайлик томони шуки, қизни турмушга чиқармагансиз, - десам:

— Кўркманг, азизим, ўзимдан бошқа яна ўз ватанимдан тўртта ҳамроҳим бор. Биз ҳам бўш келмаймиз. Ҳеч бўлмаса, бирга-бир жон оламиз, - деб қўювди.

Афсуски, ул мухтарам юртдошимни ҳинду дехқонлар юртдошлари билан бирга ўлдириб кетибдурлар. Қизининг оқибати нима бўлдикин? Чунки Халил Афғонийнинг Бадахшониймен дейиши мунаффақ кўриниб турувди. Ҳожи бобонинг Карочида ҳам уйлари бор эди. Нима бўлди, қизи нима бўлди, маълум эмас.

ЎЛИМДАН ҚОЛДИМ

Ҳожи Шамсиддин, Раҳмонкул Маҳдумлар мени кўриб қолишди. Кема билан Карачига жўнадим. Ярим кеча уйғониб қолдим. Кеча қоронғуси атрофга чўккан, денгиз тўлқинлари шалоп-шулуп кемага урилиб ваҳимани кучайтирмоқда. Шу онда бир йўловчи кўлида чамадон, мен томон келаверди. Мени кўрқув босди. Ҳайтовур, йўловчи олдимдан ўтиб кетди. Мен эса, ҳа, шукр, тинчлик экан, ўтиб кетди деб беихтиёр бошимни кўтариб орқасидан қарадим. Рўпарада кеманинг капитани кутиб турган экан. Чамадонни олиб кетди. Ҳамон ётиб олдим. Капитан мени кўрди. Йўловчи орқасига қайтиб келаверди. Билдимки, буюк бир қочоқчиликни истамаган ҳолда кўриб қолдим. Ваҳимали он эди. Йўловчи энди мени денгизга улоқтириб юборади деб кўрқиб, баданим титрай бошлади. Ҳайтовур, йўловчи олдимдан ўтиб кетди. Яна бир ўлимдан қолганим учун тангрига шукрлар қилдим.

САУДИЯДАН БИР ВОҚЕА

Воқеани эслаб ўтай. Яқинда Маккада қизлар мактабига ўт кетди. Талаба қизлар ўтдан қочиб, мактаб эшигига келганларида диний кўрикчилар “Ташқари чиқолмайсизлар, бошларингизда паранжи йўқ. Ташқаридагилар номаҳрам” деб ўтдан қочишларига моне бўлинди. Паранжилари эса, ўт қисмида қолган эди. Натижада, талаба қизлар мактаблари билан бирга ёниб-қул бўлдилар. Шунинг учун бу мамлакатни ажойиботларга тўла ўрмон мамлакати дермен.

РИЁЗ

Уйғур Қосимжон меҳмоннавоз одам экан. Илтифот билан кутиб олди. Ҳамон ўғли доктор Ҳусайнга телефон қилди.

— Эртароқ кел, меҳмон келиб қолди, - деди.

Доктор Ҳусайн ҳам отасидек одамгарчиликни билган чапдаст йигит эди. Қосимжон ака ўғлига шундай деди:

— Азиз меҳмонимиз андижонлик экан. Андижонга кўп маротаба борганман. Андижоннинг ариқларидан олтин оқар эди. У шаҳарни тузу намагини еганмен. Болам, нима ишлари бўлса, бажар, - деб буйруқ берди.

У ернинг қонунига кўра, Қоҳирадан ташқари юрган одам Саудияда қолмайман деб кафолот бериши керак экан. Ҳусайнхон эртасига паспорт идорасига бориб, менга кафил бўлиб, ишларимни тўғрилаб берди. Кечкурун Риёз поездига чиқариб қўйиб, хайрлашди.

— Риёздаги ватандошларга телефон қилдим, кутиб олишади, - деди. Гиёс поезд станциясида Мўминжон, Комилжон, андижонликлар Хуршидбек, Шавкатбек, тошкентликлар, кўқонлик Каримжон кутиб олишди. Каримжон билан Қобулдан танишлигим бор эди. Каримжон Маҳдум асли исми Холдор Маҳдум бизга Дардоғ отадан таниш қариндошлиги ҳам бор эди. Ушбу шаҳардаги азиз ватандошларим билан танишиб, ҳар қайси бирлариникида меҳмон бўлдим. Доктор Хуршидбек, доктор Мўминжон, доктор Комилжонлар аҳдли мутолаа кишилар экан. Уларнинг меҳмонхонасида қолдим. Шайх Абдулфаттоҳ қори исмли аҳо кийган, бошида эгар бир одам кириб келди. Шайх ҳазратлари Саудия шаҳзодаларининг устози эканлар. Менга қариндош, уйларига олиб кетиб, авлодига “Мана, қариндошингиз келиб қолдилар” деб илтифот кўрсатдилар. Бугун ул мухтарамнинг ўғли Маҳаммадамин Мадинада шайхул курро, Кубо масжидининг имоми хатиби Муҳаммадамин ўшанда 12 ёшларда эди. Шавкатбек, Уйғур биродаримиз Турдишупонларникида меҳмон бўлдим. Шоир Комилжон Тоифга йўллаб қўйди.

— У ердаги биродарларимизга хабар қилиб қўйдим. Кутиб олишади, - деди.

Автобусда поёни йўқ қумзорда кетатурувдик, бирдан шопир машинани тўхтатиб, яна бир неча йўловчилар бир жониворни қувиб қолишди. Қарасам, бир неча эчкиэмар тутиб келибдилар. Йўлдаги чойхоналарнинг бирида эчкиэмарларни қовуриб едилар. Шу ерда Абулқосим Фирдавсий тўғри айтган эканда: “Зишири штурхурдану сувсимор арабро расидас важойи қор”, деб эсладим. “Ки тожи киёни кунан орзу туфу барту, эй чархи гардон”.

Чўл меҳмонхонасида ётдик. Саҳар оёғимга биров тароғи билан уриб қолди. “Гум-гум” дегани “кум-кум”, “тур-тур” дегани экан. Уйғондим. Аввало, тушунмадим, бирор ўғрилиқ ҳодисаси борга ўхшайди дедим. Сўнгра қарасам, “гумм-гум” миср шевасида “намозга тур” демоқда экан.

ТОИФ

Абдул Ходи қори, Убайдулло ҳаким, Олимжон андижонийлар тушиб олишди. У ерда ҳаммомга бордим. Ичкарида бир киши чўмиляпти.

– Ўзбекмисиз? – дедим.

– Ҳа, - деди.

– Янги келдингизми? Қаердан? - дедим.

– Покистондан. Бу ерда кимни танийсиз? - деди.

– Абдурахим хўжа эшонни танийман, - дедим.

Мен чўмилиб бўлдим.

– Ташқарида кутиб турамен, сизни тўғри Абдурайим эшонга олиб бораман, - деди.

Бу киши билан Қобулда таниш эдим. Чехрасини унутиб, исми эсимда қолган. Тасодий мана шу одамнинг ўзи Абдурахим эшон бўлиб чиқди. Ташқарига чиқсам, дастурхон ёзилган. Абдул Ҳожи қори, Салоҳиддин қори – булар билан Сурияда танишувдим. Кутиб ўлтирибдилар. Юқоридаги эшон билан ҳам танишиб олдим. Тоифда Қобулда, Покистонда, Туркияда, Сурияда танишганларим, дўстлашганларим кўп экан. Бирин-кетин меҳмон қила бошлашди. Вақт етишмайди, бири нонуштага, бири пешин дастурхони, бири окшомга даъват қилишди. Бир-икки гал вақтларини адаштириб-адаштириб кўйдим. Шундан кейин марғилонлик Абдулазиз:

– Бу кишидан вақт олманглар. Хўб деб қўяверади. Мендан вақт олсаларингиз пишиқ бўлади, - деб ўзини ўзи менга секретар қилиб олди.

«Ўтган кунлар» романини Даммомда, Қубарда, Гиёсда тарқатиб келувдим. Энди Тоифда ҳам ахил кишиларга бердим. Китоб тарқатиш ишларимда Фулом Маҳаммад

Санжар катта ёрдам қилди. Чунки мен купчиликни танимасдим. Ғулом Санжар бир йил китобни қўйнига қўйиб, уйғун одамга бериб келиб, яна бир йил китоб олиб кетиб, бошқа бир аҳил одамга бериб келар эди. Бундай қилмаса бўлмас эди. Миллий руҳда ёзилган асарни у замон Саудияда ошкора тарқатиш мумкин эмасди.

МАККА

Убайдулло раҳбарлигида Маккага тушдик. Қобулдан танишим Абдулфаттоҳ Даззоз:

– Ҳеч мумкин эмас, корихон бизникида қолади, - деб уйига олиб кетди.

Убайдулло келиб диний маросимларни қилдириб, айрим замонларда Маккадаги юртдошлар билан таниш-тирди. Мусажон афанди ўзи келиб танишди. Минавар қорининг «Биринчи муаллим» рисоласини, Хидойи Шарифнинг «Китобин байт» бўлимини нашр қилибдур. Аҳлифаҳм, аҳли сиёсат одам. Саудия Арабистонида бунчалик билагон одам кўрмадим. Савдо сотиқ ишларида миллионер бўлиб кетибдур. Бу шаҳарда ҳам таниш-билиш кадрдоним кўп экан. Ҳар бирлари меҳмон қила бошлади. Мусажон афанди Абдулфаттоҳ ойнасознинг уйига кўргани келса йўқ эканмен. Визиткамга “Хуш келибсиз, баҳор омад, нигор омад, қарор омад” деб ёзиб қолдирибди. Учрашганимизда шундай деган эди.

– Қори афанди, Маккага келганимга йигирма йил бўлди. Бу табаррук жойга дунёнинг ҳар гўшасидан одамлар келди. Ораларида улуг инсонлар бор эди. Ҳаммаси ҳам уч-тўрт кун, кўп қолгани бир ҳафта меҳмон бўлиб, қайтиб кетар эдилар. Сизга олти ой бўлди. Меҳмондорчилик туггани йўқ. Тангри иззат бераман деса ана шундай бўлар экан қори. Тангрига шукр қилиб, ибодатни қуюқ қилинг. Назардан сақланишингиз учун ҳам дуони қанда қилманг, - деди.

СУЛТОН ДОМЛА

Хўжандлик диний илмлар алломаси бўлган бу ҳазратни 1950 йилда Карачида барпо бўлган ислом дунёси конфе-

ренциясида кўриб танишган эдим. Ўша давр Саудия Арабистонида Султон домладан каттароқ олим бўлмагани учун расмий равишда давлат томонидан вакил бўлиб келган бўлсалар керак, кейинча ўргандимки ул ҳазрат воҳобийликни қабул қилибдурлар. Туркистон ҳақида каттагина бир китобини ҳам ўқидим. Осиёликларда, айниқса ўзбекларда оз кўринса-да, онда-сонда мавзу бўладиган ахлокий тушкунликни тарғиб қилибдур. Ҳолбуки, у одатдар аббосийлар даврида араблар томонидан Ўрта Осиё ис-тило қилинганида ўша ярамас одатлар арабларнинг ўзлари билан бирга олиб келинган эди. Шунинг учун танкид қилинса, биринчи навбатда, арабларни танкид қилиш керак. У одатларнинг муршиди ўша Хутайба аскарлари билан бирга келган шоир Абу Навос пайровлари эдилар. Султон домла бир одами орқали ҳузурига чақирди. Гаплашайлик, танишайлик, мақсадда эмиш. Мен бир неча ҳаёл билан боргим келмади. Чунки Султон домла ўрта осийлик биродарларини ташлаб, тўрга ўтиб олишини муносиб кўрмадим. У кишига совуқ қараганим мафкўра эътибори билан эмас, ул ҳазрат жуғрофия шароитининг томирини эшитиб, унга кўра бир тадбир ўйлаб чиқиб ўз улуси билан юриб, ўз халқини ривожлантириши керак эди. Халқимизнинг бир дипломат раҳбарга эҳтиёжи бор эди.

ЖИДДА

Порт шаҳрида ҳам танишларим, ғолибона мухлис-лари кўп экан. Меҳмондорчилик бошланиб кетди. Кези келганда миллий туйғу ҳақида ҳам гап-сўз қилиб турилди. Хуросоннинг Андухуй шаҳрида истиқомат қилиб турган машҳур Низом домланинг ўзи Бакир Маҳдумнинг меҳмонхонасида бўлдим. Маҳдум Жиддада биринчи сафда турган ойдин ватандош экан. Сўнгра Оқ эшон, жалолбодлик Шамсиддин, бошқалар, айниқса, Музаффархон Умарий, Адҳамжонлардан кўп илтифот кўрдим.

МУСАЖОН

Мусажон афанди кейинчалик икки жилд «Туркистон фожеаси» номли асар ёзди. Биринчи жилди «Ботир Туркис-

тон”, иккинчи жилди “Дугу Туркистон”га бағишланади. Ўша асарида: “1916 йилда Андижонда ўқувчилар кўриги бўлди, - дейди Муса афанди. - Шунда Абдурахмон бойваччанинг лайлиа мактабидан иштирок этган талабалар биринчи бўлди. Чунки мактабнинг таркиби юқори эди. Боқими яхши. Кийимлари бир хилда, замонавий гўзал.

Жоиз бўлса, айтиб ўтайин, мактаб ташкил қилган асли Абдурайим бойвачча менинг амаким эдилар.

ВАҚФ

Вақф маданияти биз ўзбекларда эрта ривожланган. Айниқса, тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришига кўра, ўзбекларда вақт маданияти Ҳусайн Бойқаро, Навоийлар замонида жуда ривожланган. Мисол учун Саудия Арабистонининг Маккаю Мадина, Жида, Тоифда Работул Андижоний (Андижон саройи)лари бор. Ўзбекистоннинг ҳар қайси шаҳар номига мансуб Такия ўзбек саройлари Мадинада ўнлаб, Маккада эса, юзлаб топилади. Афсуски, бу вақтларнинг кўпини араблар ўзиники қилиб олиб, миллионлаб долларга сотиб юборишди. Ҳолбуки, ислом динида авлоди вақт ва жойларни сотиб бўлмаиди, ўзиники қилиб бўлмаиди. Бундай хиёнатларга ходимул қарамай, ҳукуматнинг томошабин бўлиб туриши, уни тасдиқлаши хайрон қолдиради кишини.

КУДДУС

Урдун пойтахти Аммон, Ирбит, Нобилусдаги ватандошларни кўриб, танишиб олдим. Қуддуси шарифда эса, бир ҳафтача ўзбеклар саройида қолдим. Бунақа такиялар зиёфа, хайфаларда ҳам бор дейишди. Саройнинг шайхи Шайх Якубнинг ўғли ҳуқуқшунос олим, айна пайтда маҳкамада қози Шайх Мусо эканлар. 1955 йилда Истанбулга борганида меҳмонхонада бир неча кун меҳмоним бўлган эдилар. Шарафимга Қуддусдаги юртдошларни ҳам даъват қилиб, бир зиёфат тузди. Ўзбек саройи шундоқкина Асхо масжидининг ёнида, тор кўчанинг ўнг девори ўзбек саройи бўлса,

чап томондаги девор Асхо масжидининг сахн деворидур. Бағдод, Шом, Миср, Истамбулда ҳам шундай саройлар бор. Истамбулда устидор, ўзбек саройини Ускидордаги, Султонтепадаги ўзбек саройини Ахмад Элтагун, таъмирга мухтож жойларини тузатиб қўйди. Султонахмад майдонидаги Махмад подшо юкушида Қодирга махалласига тушаверишда Жомийнинг рўпарасидаги ўзбек саройининг биз ўзбекларга табарруклиги шундаки, ушбу саройда Абдурауф Фитрат домла бир неча вақт истиқомат қилганлар. Бу хоро жумҳуриятининг раиси Усмон хўжанинг мақбараси Султонтепадаги саройда. Бу саройнинг сиёсий тарихи юкорида эслаб ўтилган эди.

ОДИНА

1964 йилда Туркиянинг Одинасидаги бир отелга жойлашдим. Ҳар якшанба куни жамият биносига йиғилиб, ҳар ким ўз фикрини баён қиладиган бўлди. Мажлисни Анвар Яшар идора қилар эди. Мен ҳар галида сўз олиб, тилимиз, улусимиз ҳақида гапирар эдим. Шунингдек, ҳар якшанба окшоми бир ватандошнинг уйида емакли суҳбат ташкил қилинди. Муסיқали ўлтириш бўлгани учун муסיқа соати, эркин гап-сўз соати ташкил қилинди. Кирилл ҳарфини ўргата бошладим. Ўзбек алифбосини ўрганиб олганларга ёнимдаги китобларни омонат ўқиб олиш шарти билан берадиган бўлдим. Биринчи бўлиб Собир Сайхон ўрганди, сўнгра Абдураим Салим, Фаттох Шайки, Ҳайдарали, Жаъфархон Ўзгандий. Ўзбекча алифбода савод чиқариб, ўқийдиган бўлишди. Аслида уларнинг ҳаммаси саводхон-у, саводлари арабча эди. Лотинча, форсча, турк мактабларида ўқиган, дипломлари ҳам бор. Университетда таҳсил кўрганлари ҳам бор эди. Коллежда ўқиётган талабалар иштирок этди. Мурод Маллаевнинг ўзбек тили адабиёти қўлма-қўл бўлиб ўқилиб турди. Ҳамза Ҳакимзоданинг “Заҳарли ҳаёт” пьесаси, Миркарим Осимнинг “Эски дунё”си, Садриддин Айнийнинг « Қори ишкамба”си, яна бошқалар. Энди бу мажлисларга, гапу гаштакларда иштирок этмаганлар, айниқса мужоҳидлар

жамиятига боғлиқ кишилар Абдулҳамид Кўчордик пан-туркистлар зехни араблашган панисломистлар, турк миллиятчилари, аслида миллатчилик нимадан иборат билмаган жоҳиллар қаттиқ қаршилик кўрсатишди.

ТОРТИШУВ

Вали Қажумнинг думларидан Мурод Чатғолнинг уйида мафкўравий китоб шуъла йиғилдик. Бир неча ватандошлар, жумладан жамиятнинг раиси Бадриддин Хўжанд, Аҳмад оксоч, Олим Субутой, диний факультетни битирганлардан Рафикжон муфтий, ўқитувчи Обид Ўқийён тақлиф қилинган эди. Эшиттирилаётган лаппаклар ҳам келтирилсин дейилганди. Биринчи бўлиб лаппа қўйилди. Бодомгулли дўппи ҳам ўртага қўйилди. Обид Ўқийён:

– Мана бу гул ўрокни ифодалайди, пахта баёни бор. Бу коммунизмнинг хурпайгандаги ҳолати, мана-мана, дўппи тикдим, ипаклари тиллодан. Москвада турсин деб. Булар бўлаётган гапу сўз коммуизмнинг, рус империализмининг ташвиқоти бўлмай нима ахир, - деди.

Навбат Жора корига берилди.

– Дўппидаги гул ўрок эмас, бодом. Бу доппи ўзбекнинг миллий тимсолларидан бири. Пахтани озбек халқи минг йиллардан буён экиб келмоқда. Ўрис босқинчиларидан олдин экилмоқда эди. Рус истилосидан кейин ҳам экилади албатта. Пахта ўзбек улусининг миллий бойлиги. Шу даражада бизга яқинки, табиий бойлигимиз деса ҳам бўлади. Пахтани руслар яратгани йўқ. Бу ерда ўзбек улусининг бахтсизлиги шундаки, пахта таннархига қирқдан бир баҳосида олиб кетилмоқда. Афсуски, рус истилочилик ҳаракатининг сиёсий пропагандасига одат этилмоқда. Москвада қолсин деб дўппи тикаётган бўлса, мустамлакалигимизни кўрсатмоқда. Ҳар ким ҳам бошида қилич ўйнаб турган бўлса, Москва тугул, араб чўлида ҳам шуни деяверади.

Ўшанда Оби Ўқийёни “фасод фаришгаси” деб юборибмен. Бу жумла унга лақаб бўлиб қолди.

МАТЛАББОЙ

Маданий ҳаракатлар давом этимокда. Ҳафтада бир бор жамият биносида бир бор Гали келган юртдошнинг уйида муҳолифлар билан тараккийпарварлар орасида мафкӯравий тортишув кун сайин қизиб бормокда эди. Оз бўлса-да, ватанга битта-иккита хат юборилиб, жавоб кела бошлади. Ҳаракатимиз мева бера бошлади. Ватанни эсланг, унутманг, ватан қамокхона, хабар олмок ҳар жиҳатдан қараганда ҳам фарз, ҳам фарз, китоблар ўрис ҳарфида бўлса-да, уни ўкиб керагини олайлик, нокераги китобда қолаверсин. Кириллни кирилл ҳарфида саводи чиққанларга улашар эдик. Айтганимдек, сийрак бўлса-да, бу ишлар, ҳайтовур, эгалланмокда эди. Матлаббой акага Ургутдан хат келибдур. Ана энди доғ бўлиб турган қозонга гўшт ташлагандек, нодонлар у ёк-бу ёққа югуришиб, Матлаббой тупа-тузук одам эди-ку, бу ҳам анави жосус қорининг тузоғига илиниб, коммунист бўлибди-ку, деб аюханнос солиб, уйғонинг халойиқ дея бошладилар. Матлаббой ака хунук воқеани баён қилди. Қамишзорга ўн чоғли ватандошларни зиёфатга чақиринг. Ҳаражати мендан, Матлаббой ака ҳам хатни олиб келсин, дедим. Ўтиришда Матлаббой акани азиз ватандан хат олгани учун табриклаб, йиғилганларга баланд овоз билан ўкиб бердим. Танқидий овозларга муносиб жавоб берилди.

ҚУТЛУҒ ВОҚЕА

Карачида 1961 йилда араб ҳарфида босилиб чиққан “Ўтган кунлар” романини ким яхши ўқийди деган танлов эълон қилдик. Абдураим Салим араб ҳарфида Карачи шаҳрида чоп этилган романни гўзал, равон ўкиб берди. Адлия берилди, айникса, Тоифда менга Мираҳмад Тошкандий жуда чиройли тажвидий дўппи берувди. Шу ажойиб дўппини ҳадя қилдим. Абдураимжон Салимни ҳамма бирдан ўрнидан туриб олқишлади.

ХОРАЗМДАН

Одинада ҳар иккови ҳам Олмониядан келган иккита бобожон бор эди. Бири хоразмлик, бири самарқандлик.

Хоразмлик бобожон – кўрқок одам. Самарқандлик бобожон юракли, афанди одам эди. Хоними руминиялик, кизи Гулнора, кичик кизи Дилдор ҳам отасига ўхшаш маданиятли эдилар. Шунинг учун эшиклари ҳар бир ватандошга очик эди. Миллий ҳаракат партиясига мансуб мужоҳидлар билан муносабати сийрак эди. Миллий ҳаракат партияси аъзоси Вали Қаюмнинг Одинадаги вакили Абдуҳамид Кўчорни орқаваротдан Эвон кўчар дер эди. Олмониядан келган ватандошларга бизни тушунтирганида, ўзимиздан деб кўярди. Ана шу сўз кифоя бўлиб, Олмониядан келганлар менга дўстона қарашди. Айниқса, ургутлик Абдулла электрчи ўзига кўп яқин тутарди. Қодирчилик Ҳаким қори, Ҳамид Кўчор ҳали коммунист таъсиридан қутулолмаган, деб улардан халқни чўчитар эди. Акром Омонга ўхшашлар эса, ҳеч бирларига майл қилмай, ҳеч ким билан алоқа қурмай, ўз йўлида имида-жимида кўзга кўринмай юрар эди. Бобожон Хоразмийга кишлоғидан хат келибдур. Кўрқок одам, айтмасам бўлмас, деб хатни Кўчорга кўрсатади. Ҳамид Кўчор туркчиларга кўрсатади. Улар «Дерге» журналида коммунист Русиядан келган муҳим хат қўлга тушди. Яқинда газетада эълон қилинади деб газетанинг ҳар бир нусхасида эълон қилина бошлади. Абдулҳамид Кўчор шунга ўхшаш ғаламислар газетани ёнларига олиб ҳар жой, ҳар жойда ҳақиқат очиладиган бўлди. Энди кимлар қамокка олинадиган деб шов-шув кўтариб ҳамшаҳарлар орасида кўрқув-ваҳима тарката бошладилар. Бу хунук сиёсий тухматдан айрим имони заифлар таъсиридаги кўрқоклар мен билан учрашишни таъқиқлашди. Юқорида эслаб ўтилган ҳақиқий ўзбек, ўктам юракли мафкурадошларим мендан ўрнак олиб, ҳеч аҳамият бермай, ғоз юрадиган бўлдилар. Тўғриси айтсам, у фидойилар бўлмаса, ишим кийин бўларди.

ҚАЛАНДАРЗОДА

Асли кўқонлик, чет элларда танилган Ҳожи Қаландарнинг ўғли Камолидиннинг уйида йиғилувдик. Йиғилганлар бир-бири билан сўрашиб олганидан кейин, навбат

мусикага келди. Одатда, чет элдаги юртдошлар бундай йиғилишларда бир-икки оят Қуръон ўкиб қўйишарди. Бизда эса, мусиқа эшитиларди. Эркин соатларда суҳбат бошланади. Ҳар ким ўз фикрини айтади. Айрим оғайнилар ўрганса арзигулик сўз қилса, айримлари вақт зое кеткизарди. Аҳмоқни урма, сўкма, гапиртир деганларидек, ҳар кимнинг гапи эшитиларди. Мажлисдан бири туриб, даб-дурустдан, Қори, фаришталарга қандай қарайсиз? – деди. Мен фаришта деб номланган кўзга кўринмас мавжудот бор дедим. дедим. Яна Қори, фаришталарнинг шакли қандай? ддеди. Фаришталарга имонимиз бор, шаклига эмас, чунки уларнинг шакли бизга номаълум. Қори, Жаброилга ҳам инонмайсизми? Мен Жаброил отлиғ фаришта бор. Бу фариштанинг ҳам илоҳий кучлилигига ишонамиз-у, суврати ҳақида тасаввуримиз йўқ. Қорихон, Қуръон осмонийми ё заминийми? Қуръон заминий, чунки кўзга илганмай пайғамбарга ваҳий келди. Кейинча ерда ўзга шакл олди. Шунинг учун заминийдир, дедим. Мана, кўўрдиларингизми, қорихоннинг на Қуръонга, на фаришталарга имони бор. Эртага Мавлавий Насрулло ҳазратларидан сўраймиз, деди. Бу хусусда у киши нима дер эканлар. Эртаси ул алломадан сўрадим. Ул ҳазрат бундай киши шариат олдида кофир дейилади дебдилар. Жўра кори – кофир деб баён қилинибдур. Ҳолбуки, ислом ҳуқуқида бировни биров кофир деёлмайди, муфтий бўлса ҳам. Фатво жоиз эмас, ҳуқуқда, ризои куфр дейилган. Ҳар ким ўзини кофирмен десагина, кофир бўлади. Акс ҳолда гуноҳкор бўлиши мумкин дедим. Кейин ўйласам, савол берувчи асос яратмоқ ниятида, олган вазифасига кўра савол берган бўлиши мумкин. Шундай чаласаводлар ҳузурида қўрқувли ҳаво яратилган бўлса-да, ҳар замон менга кўрғон бўлиб турган азаматлар пинагини бузмадилар.

СОБИРЖОН

Собиржон Сайхон асли марғилонлик ҳаваскор шоир, Ҳолмуҳаммаджон Дуторчининг ўғлидур. Собиржон Қобулда экан, ислом назарияси асосида уйғона бошлаган. 1950 йилда Туркияга кўчиб келишганида Қобулдаги тур-

мушга караганда, Туркиядаги илғор турмушни кўриб, турк-ислом тушунчасига берилади. Нетайким, ўғилларининг исмини ана шу асосда Шавкат, Жавдат қўяди. Бу кўриниш юқоридаги кўрсатишни кучлантиради. 1964 йилда Жўра қорининг фикрларидан таъсирланиб, мушоҳадаси кенгайгач, ўзбек турк — ислом назариясига кўтарилади. Бунинг билан уч сиёсий назарияни бирин-кетин олиб юрмоқда. Собиржондаги катта ўзгариш туркистонликлар жамият биносида Жўра қори қўлидаги каламий нусха Навоий чордевонидан уч газални ўқиганида қаттиқ таъсирланди. Шундан кейин очилишларда қори томонидан Обойнинг шеърлари уқилганида ҳам таъсирланиб кетган эди. Мана шу уч газал сабаб бўлиб, Собиржон ўзбекона руҳини аниқ уйғотиб, биринчи назария қилиб олди. Қорини қаттиқ туриб ҳимоя қила бошлади. Улуғ Навоийнинг уч газалини куйида нишонлаб қўйдик. Биринчи “Айлағил жондин жудо, қилгунча жонондин жудо”. Иккинчи “Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимга айт”. Учинчи “Туш тушидин тишлабон парканд-парканд айлангиз”. Жўра қори томонидан ишлаб чиқилиб, чет эллардаги юртдошлар орасида юритилган ўзбек миллий назариясининг ютуқларида Собир Сайхоннинг улуши катта бўлди. Чунки у чет элдаги ўзбеклар миллий руҳини уйғотишга уринишларига фидоқорлик билан, самимий муҳаббат билан қўшилди. Кези келганида, Жўра қорининг Собиржонга айтган куйидаги сўзларини эсламоқ лозим:

“Собиржон, ихлосингиз учун раҳмат. Мен ҳам сизга режамни айтайин. Сизни ўзбек миллий уйғониши йўлида биринчи қаторга олиб чиқмоқчимен. Сиз шу муборак ҳаракатларни қилиб, ўз даврингизнинг хондамири бўласиз деган эдим. Нетайким, адашганлар романини ёзиб, китоб соҳиби бўлиб олдингиз. Мана шу ҳақиқат асосида чет элдагина эмас, она юртимиз Ўзбекистонда ҳам танилиб, миллий каламкашлар қаторига қўшилиб олиш шарафига эришдингиз. Шуни ҳам айтиб ўтиш жоиз бўлса керак. Ҳозир ҳам ёзувчи Собир Сайхоннинг ўзбек-турк ислом назарияси ўзгаргани йўқ. Бундай назарияга садоқат билан юриш анча қийин бўлишига карамай, бу йўлда

ютуклар билан юрмоқдасиз. Юриш йўли ёлғиз, адабий эмас, ижтимоий-сиёсий жиҳатлардан ҳам ютукли. Порлоқ йўл бўлиб туришини кўрмоқдамен. Парвозингиз яна ҳам баланд бўлсин!”

ЎҚТОЙ

1964 йилда Жейхон шахри миллий ҳаракат партиясининг марказий кўргони ҳисобланар эди. Ҳозир ҳам шундай. Ўша замонларда Алп Арслон Туркешнинг ўзи ҳам ҳаёт эди. Қозоқларнинг ҳаммаси, ўзбекларнинг кўпчилиги шу партия таъсирида эдилар. Алп Арслон ёшлигида аркон ҳарфда ўқиб юрган чоғида ўқитувчи Ниҳот отсизнинг таъсирига берилиб, унинг воситаси билан, унинг устоди Закки Валидий билан ҳам таништириб қўйган эди. Закки Валидий ўн тўрт тилни билган, 120 та китоб ёзган улкан олим эди. Айни пайтда, Закки Валидий домла Истанбул исломшунос институти мудир эди. Мана шундай дабдабани кўрган юзбоши Алп Арслон Туркеш олимнинг таъсирига берилиб кетибди.

1940 йилларда Закки Валидий Ходи эшон пантуркистликда айбланиб, камалиб чиққанидан кейин туркчилик авж олиб кетди. Мана шундай хаяжонли даврларда Жўрабой қассобнинг ўғли Ғулом Сахий Жайхонда ўлтирар эди. Бу йигитга Карачи шахрида 1954 йилда катта ёрдам қилган эдим. Ғулом Сахий кейинча ўша даврни эсда тутиб, менга жуда ҳурматкор бўлди. Шунинг учундир, тап тортмай, ўн икки чоғли фикрдошларимни Жейхонга зиёфатга чақирди. Биринчи бўлиб пластинка қўйилди. Пластинкада Ҳакимжон Файзиев, Жўрахон Султон, Фахриддин Умаров, Асқар Убайдуллолардан ашулалар бор эди. Ашулаларнинг ғазаллари Навоий, Бобур, Машрабдан бўлгани учун, завкли ўтириш бўлди. Асосий фикримиз ўзбекона имон-эътиқоддан бўлиб турди. Рус асоратининг тугаш арафасида турганидан гапирилди. Асорат тугаб боришидаги аломатларга кори томонидан шундай таърифлар берилди: Олмониянинг иккинчи жаҳон урушида енгилиши оқибатида асл миллатлар учун озод бўлиш йўли очилди.

Миллий ҳаракат партиясидан Шокиржон:

– Аксинча, коммунизм дунёси кенгайди, русларнинг мустамлакаларидаги роли кучайди. Асир миллатларнинг озод бўлиши у ёқда турсин, кўп дунёга асорат халқаси яқинлашиб қолди, – деди.

– Шокиржон акам айтганларидек, уруш натижасида эркинлик неъматидан юз йиллар давомида баҳраманд бўлиб келаётган Шарқий Европа миллатлари асир тушиб, совет юниян отлик катта миллатлар қамокхонасида биз, ўрта осиеликлар билан учрашиб қолишди. Ўрта осиеликларнинг, айниқса, ўзбекларнинг ачинарли аҳволи уларнинг кўзини очди. Европаликлардаги уйғоқлик эса, ўзбекларни шароитга кўра, кўзининг яна ҳам очилишига, мушоҳадаларининг кенгайишига сабаб бўлди. Асоратдаги Шарқий Европа халқлари фарёдларини ғарбга, Америка халқларига юбора бошладилар. Мустабидлар эса, ғалабаларга берилиб яна ҳам қулдорлик иштаҳалари очилиб кетаверди. У ёқ-бу ёққа қўл узатиб Куба, Миср, Сурия, Ангола, Жанубий Яман, Ироқ каби қолоқ ўлкаларни ўз таъсирига асоратнинг турли-туман кўринишдаги илмоқлари билан илинтира бошладилар. Ғарб ўлкалари, айниқса, Америка енгилаетганга ўхшаб тураверди. Босқинчилар яқинидаги овни кўрди. Ўзоқдаги қармоқни кўролмай, унга тушдилар. Улар қолоқ миллатларга гўё ёрдам қила бошлади. Юз миллиардлаб пул харж қилди. Ўз халқи эса, оч қолди. Қарам халқлар тўймади. Натижада, истелочилиги касал бўлди. Чунки овлаган нарсалари ҳунарсиз, иқтисодий аҳволи ҳароб миллатлар эди. Ҳазм бўлишмади.

Кези келганда шуни ҳам эслаб ўтиш жоиз бўлса керак. Америка улусига, ҳукуматига жойи жаннатда бўлсин Роналд Рейганга ташаккур қилиб ўтиш бурчимдир. Натижада, босқинчилар шу хаёлга келишга мажбур бўлдики, қўлимдаги асир миллатлардан бир қисмига озодлик бериб, ўрнига ғарбдан пул, ҳунар олмоқчи бўлди. Мана шулар оқибатида асир халқлардан бир қисми озод бўлди. Бунга мустабидлар мажбур бўлди. Ўша даврда қаёққа қарамайлик, нимани таҳлил қилмайлик, ҳаммаси

боскинчилар зарарига тамом бўлмоқда эди. Мирзо Бедил айтадиларки:

Нафас ҳар дам зикасре омор,
Хиштий бар ме канад бедил,
Пайи таъмири ин вайрона,
Меъмор ин чунин бояд.
(Нафас ҳар дам умр касридан
Бир гишт тушириб чиқар.
Уни таъмир этган меъмор шундай
Меъморки, куламас бир йўла у каср.)

Тангри яратган иморат инсон умридан ҳар нафасда бир гишт йўқотади. Ахир, умрнинг фасли тугайди. Аммо инсон қурган каср битта-битта ҳешт йўқотгандан кейин, битта-битта гишт тушмай иморат бирданига қулаб тушади. Воқеа шу сингари, бу қурилган мустамлакачилик ҳам яқинда қулаб тушади. Шокиржон: Тўғри, Бедил шундай деганлар, «Рўзгор оинаро муҳтожи хокистар кунад», - деди.

Шокиржон Бедилнинг юқоридаги мисраси орқали киноя билан «Жўра қоридек маҳмадона, ўн-ўн беш ялангоёкни ўзига қўрғон қилиб олиб, мендек Бедилхон, сиёсатдон, катта савдогарни мот қилмоқчи», деди. Бу кинояни фаҳмладим-да:

- Шокиржон ака, ана шу ойнани артиб, ғуборини кет-казиб қўйса аслига келиб, тиниқ бўлиб қолади-ку. Тилагимиз шунда-да, - десам, ўтирганлар қарсак уриб юборишди. Мана шу ўлтиришда маълум бўлдики, Собиржон ҳар галги ўлтиришда нутқ олар экан. Бир нарсалар ёза бошлади. Оға-инилар Хондамир бўлиб кетинг-ей, деб қулишди. Собир Сайхоннинг уйида тўпланиб ҳар галгидек бири-биридан гўзал, одамни маънавий томондан тирилтирувчи мусикалар янграб турди. Шундай суҳбатни Кўчор билан ҳамтовоқлари «коммунистлар ўтириши» деб таърифлар эди. Бу нодонларга камтарлик билан қилинган сўз ҳеч қор қилмади. Афсус билан айтамен: «Жонам гудохт боруз горон, жуйист нолон даркуҳи сорон”.

КЛАССИКЛАР

Ҳар бир ўлтиришда тарихимиздан бир банд англатар эдик. Минг йил илгари ислом оламида расмий тил арабча бўлгани учун форобий Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Имом фарғоний замахшарийлар асарларини араб тилида ёзганлар. Бу фидокорликни араблар тақдир қилиш ўрнига, уларни ўзбек демай, ҳар қайси халқ ўзиники деб ҳисоблаганини эслаб, ўзбеклигимиз учун ич-ичимиздан қувонар Эдик. Абу Наср Форобий буюк асарлари орқали инсониятни кўлидан ушлаб, таништиришни ўрганиб, ич-ичимиздан севинаяр эдик. Ҳаммага маълум инсоният қуёши олимлар – Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Шекспир, Гёте, Бальзак, Данте, Толстой, Робиндранат Тагорлар қаторида қалам тебратган Алишер Навоийнинг табаррук ғазалларидан ўқиб, қувонар эдик.

БОКСЁР

Абдулҳамид Кўчор боксёр ўғлига бир-икки мушт тушириб адабини бериб қўй, кўп вағилламасин, кўпчиликни коммунист қилиб юборди. Ерлик халқдан уялиб қолдим. Партиядошларимнинг юзига қараёлмай қолдим дебдур. Анвар Олтой эса, бу сафар Қори Суриядан келса, қийма қилдириб юборамен деган эди. Бирор воқеа рўй бермади. Анварнинг отаси Шокиржон Олтой эса, ўтган гал Истанбулда корининг шогирдлари Собир Сайхон, Мирзо Умарларга кабоб ресторанда зиёфат берибдур. Бунга нима деса бўлади? Боксёр Фатто Кўчор дадасига Қори келсинчи, гумдон қилиш бир гап бўлар деб қуруқ дағдаға қилиб юрар экан. Кўчор ўғлига яна эслатиб энди ўзинг бу лаънатининг пайига тушмасанг бўлмай қолди деб боксёр йигитни қизитиб чиқариб юборади. Ўша кунлари Фаттоҳ кўча девон адабиётидан имтиҳонга ҳозирланмоқда эди. Қорига келиб, ундан билмаганларини сўраб билиб олмоқда эди. Бошқа ибора билан айтганда, Фаттоҳ Кўчор қорига мухтож бўлиб, дарсини ўрганиб олиш учун корининг ҳузурига бот-бот келар эди. Ҳамид Кўчор эса, сирдошларига Фаттор гижияпти, зўрға тутиб турибмен. Албатта, адабини

бериб кўяди дер экан. Қорини сувга тушган мушук бўлиб колишини кўрамиз деб юарди. Бир куни Фаттор Кўчор устоди қори билан маҳалладан Гулгашт қилиб ўтади. Кўчорнинг мафкўрадошлари ёкка ушлайдилар. Қори Фаттор кўчар боксёримизни ҳам ўзига ром қилиб олибди у баччағар-ей дейишади. Қори бир балонинг ўзгинаси, бунга бас келиш қийин. Пули бор, хўжайинлари таъминлаб турибди. Муллажон шайтон акани ҳам шайтон деб юрибмиз. Энг катта шайтон мана шу коммунист қори. Ишқилиб ўз бошини ўзи есин-да. Анови куни дўхтир Хайит Мирзо Фаттор дебдики, эҳтиёт бўлинглар, Жўра қорини кимдир ўлдириб кетади. Бу андишам шуки, кўп одам жавобгарликка тортилиб овора бўлишади-да, дебди.

ОК ШАҲАР

Насриддин Афандининг макбараси бўлган бу шаҳарда анчагина ўзбеклар яшар эди. Афандининг макбараси қизиқ. Боғнинг ўртасига қурилган, уч томонида дарвоза. Уч томони очик. Бир томонда дарвоза бор. Катта қулф эшикка боғланиб турибдур. Фатто Оқиннинг уйида тўпландик. Яна мавзу ватан озодлиги-ю, босмачиларнинг инсоннамо башараси ҳақида бормокда эди. Юзбоши Тожибой она ватан Ўзбекистонда ҳам миллатчилик борми? — деди. Жавобида қори шундай дейди: Биринчидан Ўрта Осиёда бугун миллатчилик йўқ. Сиёсий жиҳатдан миллиятчилик даври ўтиб кетди. Ҳозир улусчилик ҳаракати бор. Мана шу маъсумона туйғу сабру таҳаммул билан ватанпарварлик, улуспарварлик айтарли даражада мўл ҳосил бермокда. Юзбоши Тожибойнинг ранги ўзгариб, ҳовлига қараб кўйди. Тоживойнинг авзойи бузуқ эди. Қори Тоживой ака, халкимиз оғир сиёсий зулм остида турибди. Шунинг учун у ернинг томирига кўра шарбат бериш яхшироқ.

Уй ҳавоси оғир эди. Жанжал чиқиб кетиши муқаррар эди. Бундай замонда чапдастлик билан ҳавони узгартириб юборишга сабру сайхон тараф йўқ эди. Оғайнилар шу гўзал суҳбатда шу ерда хатчўп кўйиб, суҳбатнинг иккинчи қисмини мусиқа соатига кўйайлик-да, қаршилиқ бўлмаса, деди. Ўтирганлар майли-майли дейишди.

“Жамолинг васфини, э ой, неча элдин эшитгаймен,
Не кун булғай висолингга мени дил хаста етгаймен...

Фаттоҳ окин дорил муаллимийнни Қўқон шаҳрида битирган маком ашулачиси, аскиячи, аристократ табиатли одам эди. Шундай бўлса-да, она Ватанга келиш унга насиб бўлмади. Абдулҳаким қиморбознинг ўгли Ҳожи Йўлдош отанинг набираси Содик қизикчилигини бошлаб, ҳаммамизни роса кулдирди. Орамиздаги танилган одамларнинг сўзларини таҳлил қилди.

АЗРОИЛ

Ўша даврда сиёсий полис азроилдек кетимга тушиб олганди. Фарқ шуки, Покистонда ҳурмат билан таъкиб қилиб, бирор марта ҳам чемоданларимни текширмаган. Аксинча, қаёққа борсангиз, отелчига айтиб кетинг, орқангиздан таъкиб қилиб юраверсак, сиздан одамлар чўчиб қолишади дердилар. Туркияда-чи, чемоданим тинтув қилинар эди. Суриядан поезд билан Одинага келсам, полислар даҳшат билан қарши олиб, марказий Қорақўлга ўз машиналарида олиб кетиб кўрбоши қарашлар билан текширар эди. Бир галида Абдураим Шошвор билан Лондондан бирга ҳамсафар бўлиб, Одинага келганимизда шундай муомалага дуч келдик. Абдураим Шошвор хафа бўлди. Қори, сиз билан ҳамсафар бўлиш холис эмас экан деди. Покистондаги таъкиблардан бирида Пешовурдан машхур Сўфибек Ҳожининг ўгли Якуббек ҳамроҳим эди. Аҳволни кўриб:

– Қорихон, сиз билан сафарга чиқиш яхши экан. Одамнинг йўл-йўлакай расмий кўриқчиси бўларкан, – деган эди. Мана бугун ҳам Анқарага ўн минут қолганида поезд тўхтатилиб, полислар чиқиб келди. Тўғри менинг олдимга келиб исмимни сўрашди, кейин чемоданимни тинтув қилиб тушиб кетишди. Ёнимдагилардан уялдим, рўпарамдаги йигитга ҳамиша мени шунақа таъкиб қилишади, азият беришади, десам Жўрабек қардошим Олмонияга ўтиб кетинг, хотиржам бўласиз. Европа-

нинг ҳар тарафига борманг, инсоф, марҳамат бор. Христианлар одамшаванда бўлишади, мусулмонлардан ҳам яхши эътиқодлари бор-у, амал қилмайдилар, деди. Христианлар эътиқодларига амал қилади. Шу сўздан кейин Нодиршоҳнинг Куйтадаги сўзи эсимга тушувди.

Ислом дарзоди худ надорад айби,
Ҳар айбки хаст дар мусулмони мост.
(Исломнинг аслида ҳеч айби йўқ,
Ҳамма айбки, бор – мусулмонликда.)

ҚОСИМ МАХДУМ

Махдумга атаган ҳадямни олиб, чамадонни омонат идорасига топшириб тавсия олдим. Анқаранинг қизил ойи томон кетдим. Махдумнинг уйи ўша ерда эди. Қосим махдум араб тили адабиётини, диний илмларни мукамал эгаллаган одам эди. Диний илмлар олими бўлишига қарамай, хурофотга қарши ўлароқ одам эди. Мен билан унинг ўртасидаги фарқ шу эдики, у инсоний тушунчаларда, диний мулоҳазаларида ўртада турар эди. Мен эса, инсоний тушунчаларимда, мулоҳазаларимда миллий туйғуга биринчилиكنи бериб, ўртанинг сўлида турар эдим. У киши билан шахсий дўстликдан ташқари, тараккийпарварфурушларимизнинг муштараклиги бор эди. Ана шу фикр муштараклиги у кишининг ҳам миллий майлини кучайтирган эди. Мана шу асосда бир-биримизга мафкўрадошлигимиз анча яқин, ўхшаш десам ҳам бўлаверади. Шунинг учун ҳар гал Истанбулдан Анқара орқали Одинага борсам, ёки Одинадан Истанбулга ўтсам, Махдумни зиёрат қилиб ҳол-аҳволлашиб ўтар эдим. Унинг ҳам менга ихлоси катта эди. Катта олим, капитал соҳиби бўлишига қарамай, дўстона алоқа кундан-кунга ривожланди. Кирилл ҳарфини ўрганиб олди. Ўзбек адабиётини ихлос билан, меҳр билан мутолаа қиладиган бўлди. Кейинча Собир Сайхон билан ҳам ўрталарида мафкўравий яқинлик қуриб олишди. Мафкурадошлардан Хондамир лақабини олган Собир Сайхон шундай ҳикоя қилган эди.

– Махдум ака Анқарадаги бир мулоқотларида Собиржонга лутфан тез-тез хат ёзиб саломатликларидан, аҳволдан мени хабардор қилиб тулинг. Чет элларда етишган Ҳамза Ҳакимзодамизни кўринглар, Жўра қори ҳазратларидан хабардор бўлиб тулинглар. Очiqроқ қилиб айтсам, уни ҳар ҳоллу қорда кўриб турмоқ, қурбон бўлиб кетишига йўл қўймаслик керак, саломатлигини тангрининг ўзи сақласин деб дуо қилиш бизга ҳам фарз, ҳам қарзидир. Биз ҳам унга қўлдан келгунича қалқон бўлайлик дебдур. Қосим Махдумга замон орасида кўп китоблар бердим. Кейинча, 1926 йилда араб ҳарфида чиққан “Ўтган кунлар” романини ҳам берган эдим.

Қосим Махдум 1975 йилда азиз ватанимиз Ўзбекистонга мушарраф бўлди. Қариндошлари билан кўришди. Кўзи сезилар-сезилмас намланган эди. Тошкентда илож қилдирди.

ОТАНУР

Анқарада Абдулҳаким Отанур исмли инженер бор эди. Маданиятли, сўзи – суҳбати ширин. У билан танишиб, дўстлашиб қолган эдим. Айрим замонларда Анқарага борсам, у кишига ҳам учраб, бирор оқшом гурунглашиб уйида қолар эдим. Бу гал ҳам у ерда қолдим. Афсуски, кейинча мен Ўзбекистонга кетганимдан кейин у билан алоқамиз узилиб қолди. Энди у одам бугун ҳаётми-йўқми, билолмадим. Отанур сингари юзлаб, минглаб ватандошлар турли-туман ўлкаларда, Ҳиндистоннинг ажиб-ғариб қишлоқларида, шаҳарларида, араб чўлларида ўз тирикчиликлари билан овора бўлиб, бир-биридан алоқалар узилиб, бир-бирининг нима бўлганини билмай қолишди. Ёки чашитли сабаб билан ўлиб кетишди.

САЙИДАЛИ

Қизил ойда профессор Сайидали Анқарани учратдим. Қўймасдан уйига олиб кетди. Сўз айланиб ўзбеклар қул саналишига келиб тўхтади. Шунда олим фалакни изох қилиб, доира қуёш атрофидаги гуллар, юлдузларни там-

сил этади. Фалакларимиз коинотни тасвирлайди. Бу нимани кўрсатади? Ўтмишдаги ўзбеконалар ҳам саводли бўлиб, фалакиёт илмига қизиққанлигини кўрсатади.

БУЛУЖИСТОН

1951 йилларда Куйта шаҳрида эдим. Муҳаммадамин Бугро Истанбулда “Туркистон сеси” исмли журнал чиқариб турди. Почта орқали ўша журналнинг биринчи сони келди. Унда Сайидали домланинг юқоридаги гап — фалакиёт мавзусидаги мақоласи ҳам босилиб чиққан эди. Домла шу кўришларингизнинг яна ҳам кенгайтириб, англатилган мақолангизни ўз тарихида Булужистонда ўқувдим десам, кўзи порлаб, севиниб кетди.

ПРОФЕССОР ЁРҚИН

Профессор Иброҳим Ёрқин Ўзбекистон саёҳатидан сўнг Анкарага борганимда саёҳатимга қизиқиб, рамзий олиб учрашди. У киши Тошкентда танилган Орифжон ўғли. Ўшанда Анкара зироат фабрикасида профессор эди. У домла Қосим Махдум воситаси билан учрашувга келди. Домла Иброҳим Ўзбекистон саёҳатида кўрган воқеаларни, суҳбатларни сўради. Гап-сўзлардан кейин домланинг хулосаси шу бўлдики, ҳар жойда сураатларингиз олинган, сўзларингиз ёзиб олинган. Домланинг сўзида мунофиқат бор эди. Чет элдаги сирли воқеаларнинг зарарли бўлмаганини билиб-билмай айтиб юборгансиз. Ўша сўзу суҳбатларнинг ҳаммаси Туркия миллий истиқболи ташкилотига келган. Бунда қандай миллий қозонч бор? — деди.

— Таксир, чет элда мен ҳеч қандай сирли воқеанинг ичида бўлмадим. Шунингдек, Туркиянинг ҳам ҳеч қандай сирли воқеасини билмаймен. Советлар сўзларимни ёзиб олишган бўлса, яна яхши бўлибдур. Купрок одам эшитади. Мен култур йўли билан йўл топиб, азиз юртимнинг, гўзал улусимнинг ҳол-аҳволини сўраш шарафига эришдим. Бунда бир сиёсий хато йўқ. Аксинча, миллий фидоқорлик бор. Бу сафар олдидан ҳам, сафар давомидан ҳам

Тошкентда хатар йўқ эди. Мана, келганимдан кейин ҳам табрикнинг ўрнида кўркув сочилмоқда, — дедим.

Демакки, Иброҳим домла менинг тушунчамдан узоқ одам эди. Ўзбекона имон-эътиқодимдан хабарсиз эди. Пантуркистик мафкўра асос ида сўз юритмоқда эди. Унда заррача ўзбеклик туйғуси кўрмадим. Ўз улусига севгисини ҳам сезмадим. Ўзбекистон ҳақида гапирганда ҳам, менимча, марказда туриб кишлоқ ҳақида гапирмоқда эди. Жойи келганда, шундай деб ўтишим тўғри бўлса керак: Иқбол куёш бўлсалар, мен бир сиқим тупрокдурмен. Ёлғиз дардимни тушунтира олиш учун куйида Иқболдан мисол келтирай.

Ховоран аз шуълае ман рўшанаест,
Эй хунук мардики, дар асри манаест!
(Шарклар менинг шуъламдан равшандир,
Эй совуқ инсон, сиз менга асрдошсиз!)

ШАЙТОНЛАР

Мирза Умар Олтой асли кўконлик, Исоқ мирзонинг ўғли, Истанбулнинг Бакиркўй туманида, Мармара денгизининг ёқасида, серманзара жойда ўлтирарди. Уйи ўзиники эди. У даврда камдан-кам ватандошнинг уйи ўзиники бўларди. Хоними Муҳаббатхон Андижоннинг Қорасув туманидан, машҳур Муллажон шайтоннинг кизи эди. Чет элда ватандошларда ярамас бир одат бор. Ҳар кимга ўзларича бир лакаб қўйишади. Хушёр одамни шайтон дейишади. Илёс шайтон, Илҳом шайтон, Иноят шайтон ана шулардан. Шулар — инсофлилар. Тил билган одамни ўрис, фахму фаросат эгасини ўкиган одам. Ҳиндистонда танилган Абдураим ҳақиқатда кучли кисавур эди...

Умаржон ташвиқларим таъсирида фикрдош бўлиб қолган ўртоқларимдан бири. Ўзбек алифбосини ўрганди, бу ҳарфдаги китоблардан баҳраманд бўла бошлади. Уйини мусиқа қўйиш машиналари ускуналари билан ясатиб қўйган. Гоҳ-гоҳида у муҳтарамнинг даъватига кўра борар эдим. Дастурхон дид билан безалган. Айниқса, Ускумри балиғи қизил шароб билан олинганида мазасига маза

кўшилади. Мен аслида ичкиликка ўрганмадим. Ёлғиз муносабати келиб қолса, одамлар мени қори деб муллаларга кўшиб кўйишидан кўрқиб, бир қадах кизил шароб олиб кўяр эдим. Муллодан муллоизм мафкурасидан, азроилдан қочгандек қочиб юрамен. Муллалар қориликимни эътиборга олиб, яқинлашмоқчи бўлишади. Мен эса, қўлимдаги келганича бу тоифадан узоқ юрамен. Чунки фасоднинг кўпроғини диний олимлар ушлайди. Шароитга кўра, фатвони улар кўради. Ўз мулоҳазаларига кўра, ривоятни улар думалатиб юборади.

ЯНА УМАРЖОН

Бу гал Мирзонинг уйида кўпчилик эдик. Бундай зиёфатларнинг хондамири Собиржон, чет элларда танилган Саъдулла қори, Фозилжон Санжар, яна бошқа оға-инилар бўлиб, ўн беш чоғли меҳмонлар бор эди. 1964 йилда Араб –Исроил уруши бўлиб турувди. Убайдулла қори Худо бутун жаҳондан мусаввирларнинг ҳаммасини йиғиб ўлдириб юбормоқчи шекилли деди. Мен:

– Қори ака, бу гапларни қандай асосга кўра гапиряпсиз дедим. У киши:

– Худо ўз каломида башорат берган, – деб бир оятни ўқиди.

Эртаси кун гап Мирзонинг уйидаги ўлтиришда Убайдулло қори Жўра қорини шаккокликда айблаб, Одинадаги чиқарилган фатвога кўшилибдур шаклида ёйилди.

Онча тошким Фарҳод ушатти,
Фалак борини йиғиб бошимга отди.

САНЖАР

Фозил Санжарни Қобулдан танийман. Абдулла Чигатой, Фозилжон, Муҳаммад Амин ака Самарқандийнинг ўғли Муртазохонлар бир-бирига дўст эди. Санжарнинг уйида зиёфатда эдик. Йиғилганлар ўн икки чоғли ватандошлар, Қобулдан бир йигит ҳам бор эди. У дунёни айланиш истагида Истанбулга келганида пули тугаб қолибдур.

Баҳоли кудрат ёрдам килиб Қобулга жўнатиб қўйдик.
Гап айланиб шеърхонликка тақалди. Муҳиддинжон
марғилонлик Абдулла Ансорийдан бир ғазал ўқиди. Қори
Рудакийнинг ҳаётини, мусикашунослигини кўпинча уд
билан ўзининг гуфтасига ўзи басталаган Ирок куйини
чалганини, минг йил илгари гўзал шеърлар ёзиб, одаму-
шуаро (шоирлар бобоси) лақабини олганини айтиб, шоир
Рудакийнинг шу шеъридан мисралар ўқиб берди.

Бўйи жўйи мулиён оят ҳаме,
Ёд ёре меҳрибон ояд ҳаме.
Бухоро шод бош дирзе,
Мирзиту меҳмон ояд ҳаме.
Шох мохасту Бухоро осмон,
Мох суйи осмон ояд ҳаме.
(Мўлиённинг бўйи келадир бизга,
Соғинчи, ёди, ёри меҳрибон келадир бизга.
Бухоро, умрзоқ бўл, амир сендан бизга меҳмон
бўладир,

Осмон тарафлардан ой келади бизга.)

Бундан сўнг ўзбек мусикаси янгради. Мусикада
Фуркат ғазали:

Фигонким, гардиши даврон айирди ўз диёримдан,
Ғамим кўп, эй кўнгил, сен беҳабарсан оҳу зоримдан...
Муҳаббат дардида ўлсам, бутун умрим адо бўлгай,
Қамишлар ўрнига меҳригиё унгай мозоримдан:
Адашган ит каби, Фуркат, қаён борғум билолмасмен,
Қачон бўлгайки топгаймен хабар ёру диёримдан.

Шу ғазални ўқиб туриб қорининг кўзлари намланди.
Фозилжон қорихон онасини эслади. Биттаси дедик,

— Онасини эслагандир, балки севгилисини эсламоқда.
Абдулла Чигатой деди:

— Қорини севгилиси йўқ. Мирзо Умар дедик, нима,
қори одам эмасми? Кулишди. Абдулла Чигатой қоридан
илтимос қилди:

— Бобурдан бир ғазал ўқиб беринг.

Қаро зулфинг фирокида
Паришон рўзигорим бор,
Юзингнинг иштиёқида
Не сабру не қарорим бор.
Лабинг бағримни қон қилди,
Кўзимдин қон равон қилди,
Нега ҳолим ёмон қилди?
Мен андин бир сўрорим бор.

Собиржон дедики:

– Қорининг мажҳул севгилиси бор, у Бобурдан ўқиган шеърида эса, она юртини эслади. Кўзининг намланиши ҳам шуни кўрсатади. Одинадаги бир мажлисда машҳур бир дилбарини эслаган эди. Ўшанда қори: “Айлағил жондин жудо, қилгунча жонондин жудо”, деган эди.

КАТТА ЖАНЖАЛ

Асли Фарғона водийсидан Абдулҳаким полвоннинг ўғли Зафаржонлар, ҳеч гуноҳи бўлмаган ҳолда чопон-фурушлик қилиб, тижорат қилиб турганини кўролмаган Қундуз ҳокими, бошқаларга ўхшаб, бу оилани ҳам Қандахорга сургун қилган эди. Зафархон Қоҳирага келганида бизникида меҳмон бўлиб бир неча кун турар эди. Ана шу муносабат билан кадрдон эдик. У Зиёдхўжа шарафига зиёфат берди. Ўша зиёфатда Зиёдхўжа унинг ҳамроҳи Фахриддин Махдум, Ходи Ёқубжон, Мирза Умар, юзбоши Неъмат Ўзулу, укаси Шавкат Ўзулу, Шоиноят, Саъдулло қорилар бор эди. Емақдан кейин, Саъдулло қори гап бошлаб, шундай деди:

– Анчадан бери Вали Қаюмхонга қарши гап-сўз юриб қолди.

– Нима гап ўзи? Иккилик яратганларга қандай танбех бериляпти? Бу фасодни ким изоҳ қилади, – деди.

Зиёдхўжа мени нуқиб, “Жавобиша бите” (Жавобини бер) деди. Зиёдхўжа Қобулда ватандошларнинг оқсоқоли Ҳаждан қайтишда Истанбулга келган эди. Зиёдхўжа гапу сўзини билган тадбирли одам, дутор чаларди. Айниқса,

“Фигонким...” деб бошладиган, Фуркат ғазали билан айтиладиган ашулани яхши биларди. Тўрғай куйини ҳам ўринлаб, обдон чаларди. Юзбоши Неъмат Ўзулу менга қараб қўйиб, Кори ака, (Саъдулло қори) тўғри айтдингиз. Бу гапнинг олдини олмоқ учун муҳокама қилайлик, деди. Ҳожи Ёқубжон зийрак одам, ҳамон фахмлади. Гап Жўра қорининг устида кетяпти. Юзбошига хўмрайиб қараб ўтир, ўзингни тут, кетингни қис, деди. Юзбоши қарадики, аҳвол куркинч, жим бўлиб қолди. Юзбоши шуни ҳам ўйлаган бўлса керак. Тайин биродарининг уйида тўпалонга сабаб бўлиб қолмайин, деди. Мирза Умар ўрнидан ирғиб туриб:

– Лифофа билан гапиришга ҳожат йўқ. Гап соҳиби Жўра қори, манна, рўпарамизда ўтирибди. Вали Қаюмга қарши гапирган бўлса, тўғри гапиради. Биз ёшлар ҳаммамиз Жўра қорининг сирдошимиз. Жўра қори ёлғиз Вали Қаюмга қарши гапирмайди. Ватан ҳақида, ўзбек эли ҳақида, ватандаги улушимиз ҳақида янги-янги фикр- мулоҳазалари, шу хусусда ташвиқоти бор. Сўзу суҳбатларида Вали Қаюмнинг номи йўл-йўлакай ўтгандир, холос. Биз учун Вали Қаюмга қарши қўйиш мақсад эмас. Эл-улус севгисида, юрт севгисида Вали Қаюм билан орамизда ер билан осмонча фарқ бор. Жўра қорининг фикрини тушунмаганлар ёки тушунмоқ истамаганлар қорининг обрўсини туширмоқ учун, Вали Қаюм душман деб тамға уришмоқда. Тамға урган билан биров қораланиб қолмайди-ку. Бу ер – Туркия, қонун бор. Ҳа, шуни ҳам айтиб қўяйин, Вали Қаюмнинг муриди ҳам эмасмиз. Биз Жўра қорининг мафкурадошимиз. Бундай ҳолда Вали Қаюмга ўз-ўзидан қарши бўлиб қолишимиз табиий эмасми? Мана, сўз навбати Вали Қаюмчиларга, – деди.

Ҳеч кимда сўз қилиш мажоли қолмаган эди. Чунки Мирза Умар куйиниб, ғижиниб гапирди. Хатарни сезган Зафаржон ўрнидан туриб мусиқага навбат берайлик, деди. Ҳар йиғилишга олиб борадиган пластинкаларни олиб борган эдим. Эртаси Зиёдхўжанинг айтишига кўра, Саъдулла қорини танбех қилиб, эҳтиёт бўлинг, кўпчилик Жўра қори томонда, дебдур. Шундай деб хабардор қилиб қўйдим, деди.

УРДУН САФАРИ

Ўлканинг бош шахри Амон — шаҳарнинг қок ўрта-сида, Ҳусайн жомесининг рўпарасида Савқ ал-Бухорий (ўзбек бозори) бор. Растанинг ҳар икки ёқасидаги дўкондорлар — ўзбеклар. Сайёр майда-чуйда сотиб гузора килаётганлардан ўқувчига таниш, асли кўқонлик Атир махдум, тошкентлик Махмуд Машғул ишлатилган кострюл сотар эдилар. Танилган мужоҳидларимиздан Қудратуллохон тўра иккинчи қаватга чиқаверишдаги пиллапояни ўзига дўкон қилиб олибдур. Қудратуллохон тўра асли асакалик, 1933 йилда она юртидаги алғов-далғовлардан, очлик, боқимсизликдан ҳар қайси катта шаҳарлардаги қамоқхоналарда одамлар ўлаётган, ўз юртида яшаш номумкин бўлиб қолган бир даврда бошпана излаб қўшни юрт уйғуристоннинг Қашқар шаҳрига қочиб ўтади. Ўша даврда қўшни ўлкада озодлик бошланиб, Юсуфжон кўрбоши раҳбарлигида уйғурлар Хитой истилочилигига қарши қўлга қурол олиб курашмоқда эдилар. Юсуфжон кўрбоши Қудратуллохон тўрани ўзига ҳарбий маслаҳатчи қилиб олади. Юсуф кўрбоши йиқилгандан кейин Қудратуллохон тўра 300 қуролли йигити билан Помирга ўтиб, Афғонистонга илтижо қилади. Шундан кейин она юртини қўмсаб, қуролсиз жиҳод қилиб юраверади. Охири Покистонга қочиб ўтиб, сўнгра Урдумда қарор топади.

АТИР МАХДУМ

Тошкентлик Мавлавий Содиқнинг ўғли Махмуд Машғул, кўқонлик Атир Махдум, Жўрақори бир жойга боратурувдик. Кўзим кўчадаги бинога тушиб қолди. Бино бўш. Мана шу бинони отел қилса бўлади дедим ҳамроҳларимга. Бундан илгари ҳам уларга келинг, шерикчилик қилиб бир отел очайлик, десам отел қилиш осон бўлибдими? Унга катта маблағ керак бўлади, дейишиб, фикримни эътибора олишмовди. Бу сафар яна ўз тушунчаларини айтишди. Келинг, синаб кўрайлик, деб бинонинг эгасини топдик. Кирасини гаплашиб олдик. Уларда нақд

пул йўқ экан. Ҳамон саррофга бориб, чек буздириб келиб, бир йиллик хирож бадалини тўлаб, муомалани битириб, иморат калитини олдик. Эртасига яна мен чек буздириб, калавот, яна бошқа камчиликларни бутлаб, отелнинг номини “Хайём отели” бўлсин, деб ҳукуматнинг тегишли идорасига мурожаат қилиб расмий ижозатнома олинди. Отел юришиб кетди. Бу орада мен Тошкентдаги Дўстлик жамияти, Ўзбекистоннинг чет элдаги ватандошлари билан култур алоқасини қуриш жамияти билан хат-ҳисобот қилиб, Тошкентга бориш учун виза талаб қилиб кўювдим.

ЎЗБЕК ПАВИЛНИ

Ўқувчига маълум ўзимга-ўзим миллий вазифа қилиб олганим Ойдин газетасини тарқатиб юрдим. Қаерда, қайси мамлакатда совет кўргазмаси очилса, унда ўзбек павильони бўлса, учиб бориб кўргазмага қўйилган нарсаларни томоша қилиб, хизматда турган ўзбек юртдошимни топиб, ҳасратимни камайтириб юрдим. Бир йили Атир Махдум, Абдурауф Андижоний Туркияга кетатуриб, Шомда очилган халқаро кўргазмада советлар павильонида ўзбеклар бўлса, кўришайлик, деб бордик. Сиймоси ўзбекка ўхшаш кимсани топа олмадик. Қарасам, ҳаммаси ўрис. Биттасига қараб туриб, Извините, у нас ўзбекский человек есть? — десам, ҳамон “Здрасти, пойдём” — деди-да, бизни етаклаб бир жойга олиб борди. У ерда иккита ўзбек йигити билан учрашиб, танишиб олдик. Гурунглашдик. Туркияга борганимизда, Одинада зиёфатда Сурияда очилган совет павильонидаги ўзбеклар билан кўришдик. Жўра кори русча билар экан, уларни топиб олинг, деди. Илҳом Шайтон эртасига “Ў лаънати кори-ей, русча ҳам билар экан-да, деб ваҳима тўпини отиб қўйибди.

ҚЎРҚУВ

Урдунда ҳам отел очишдан олдин бошқа отелда турар эдим. Аслида пайимга тушган ёмонлардан эҳтиёт бўлиб, биронга айтмаган ҳолда, гоҳ у отелда, гоҳ бу отелда туриб, муқим бир отелда ётмай юрардим. Эронлик Ҳожи

Вали танишим бўлиб қолувди. Бири пастда, бири тоғ ёнбағрида иккита ҳовлида ўлтирар эди. Абдулмажид Андижонийнинг уйини ижарага олиб, у ёқ-бу ёқдан келган ёру дўстларига атаб хусусий меҳмонхона қилиб қўйган эди. Ҳожи Вали Оғой Кучук (кичик афанди) уй бўш, бир хонасига келиб тур, деди. Аслида Ҳожи Вали халқаро қорадорифурушлар ташкилотига аъзо экан. Маккага кетяпман, пастдаги ҳовлига тушиб тур. Мен Ҳаждан келгунча Ҳожи хоним ёлғиз, деди. Ҳожи Вали олтмиш ёшларда, унинг ўттиз ёшлардаги гўзал хоними, уч ёшлардаги Амир исмли ўғли бор. Бокчага борар эди. Пастдаги ҳовлида тўрт хона бор. Бирида хоними яшайди, бири эса, ётоқхона, бири эса, туристик ашё билан безатилган — Ҳожи Валининг ўзига хос, меҳмон келса, қабул қиладиган хона. Ҳовлининг саҳнида икки туп апелсин дарахти бор. Демокчименки, манзарали, чиройли уй. Битта хонаси бўш экан. Менга тайёрлаб берди.

— Овқатларингни Ҳожи хоним пишириб бериб туради. Телевизорни кўр, кассета, радиони бемалол Ҳожи хоним уйида эшит. Ўз хонангда ҳам шу нарсалар бор, — деди-да, Маккага кетди. Ҳожи хоним маданиятли, хуштавозе хотин. Мени кўп ҳурмат қилар эди. Уч маҳал емак замонида Оғай Кучук биё сўфрахозил (кел, кичик афанди дастурхон тайёр) деб чақирар эди. Тили, хулқи ширин, бойлиги, гўзал қомаги, чиройига қарамай, кибр деган нарса йўқ. Илтифотли, форсчани Техрон шевасида мусиқия бериб гапирарди. Ҳожи Вали бир ой кўпроқ Саудияда туриб келди. Ови ўнгидан келганга ухшайди, хурсанд.

— Оғай кучук, мен, Ҳожи хонимни, Амирни олиб Бейрутга бормокчиман. Яна бир ҳафта паст уйда тураман энди. Сўнгра истасанг баланд уйга чиқиб кетарсан. Пастни ёқтирсанг, пастда қолавер, ихтиёринг бор. Менинг хонам, хонимнинг хонаси қулф. Ўзимнинг хонам, катта дарвоза калитлари ўзимда, ошхона очиқ. Совутгичда ҳар нарса бор. Баққолга тайинлаб қўйдим. “Оғай кучук нима олса, пул олма ҳаргиз” деб, ҳисобимга ёзиб қўяди. Биласан, Ҳожи хоним ҳам шундай олади-ку, деди. Ҳа, бирорта меҳмонинг келиб қолса, ҳеч тортинма, нима иста-

санг бакқолда бор, олавер. Ётиб қоладиган меҳмон бўлса, қолаверсин, — деди.

Кечкурун хонимнинг уйида чирок йўқлигини кузатган ўғри секин девордан ошиб тушибди. Хоналарнинг чироғи ўчиқ, бир текширади. Навбат мен ётган хонага келади. Уйкуда эдим. Соат кечаси иккилар бор. Хонанинг икки қаноти тарақэтиб бирдан очилди. Ўғри бу ерда одам борлигини билмаган, шекилли. Ҳайрон бўлганнамо яна ўзимни тутиб, Ход муфто (калитни бер) деди. Моинги муфто (менда эмас калит) десам, шапалоқ билан юзимга қарсиллатиб қўйиб юборди. Ўрнимдан турдим, тузуккина муштлашиб кетдик. Ўғрининг билакларига қўлимнинг қирраси билан ура бошладим. Қўли бўшашиб қолди. Нима бўлди оёқ-поёғини чалиб юбордим, сийпаниб кетдими, билполмадим. Ўғри йиқилиб тушди. Ерда пичоқ турган экан, аввалроқ калавотнинг тагига тепиб юборувдим. Ҳамон отилиб яна билакларига зарба бердим. Қўллари шалпиллаб қолди. Ўша даврда Истанбулдан расмий равишда ҳасса олиб келиб сотар эдим. Қуддусдаги ҳассафурушлар мендан ҳасса олиб, кекса христианларга битта- биттадан сотишар эди. Минглаб ёғоч ҳассаларим Ҳожи Ақром аканинг гудомида омонат турар, намунаси мен ётган хонада эди. Бир нечта ҳассани Ҳожи Вали мендан олиб Эронга олиб бораман деб, мен ётган уйга қўйган эди. Ўғри-фалокат худди шу ҳассалар турган ерга йиқилди. Битта ҳассани олиб сонига урдим. Бўшашиб қолди. Тур ўнингдан, дедим.

Ҳайботулло Эшон менга сариқ ранг хонатлас чорси берувди. Шу чорсини азиз ватанимнинг қўл санъати деб табаррук билиб, ёнимда сақлардим. Калавотда турган экан, ҳамон олиб ўғрининг қўлини орқасига шу муборақ чорси билан боғлаб, юр энди деб, кўчага олиб чиқиб, шундай яқинда Маон банкир қоровулига полис чақир, ўғрини тутиб олдим, дедим. Ўғри бақириб ётибди. Бу — исроил жосуси деб. Полис келгунча ўғрини ушлаб турдим. Полис икковимизни Жип аравасига олиб қоракўлга (полис станциясига) топширди. Кеча вазифалик полис офицер уни қамаб қўйди. Мени уйингга кетавер, эртага соат ўнда кел, деди. Эртаси соат 9.00 да Савқул ал-Бухорийга (Ўзбек

бозори)га чикиб, ватандошларга тунги ходисани айтдим. Абдулвоҳид Андижоний бугун ҳаётда Савкул Бухорий-даги дўқондор Хомид Хожининг ўғли Муҳиддинга “Сиз Жўра кори билан бирга Қоракўлга боринг”, — деди.

Полис станциясидаги воқеани тафсилоти билан ёзиб олдилар. Мардил Савкул Бухорий (ўзбек растаси)даги ватандошларга хикоя қилдим. Ўғри Жўрақоридан анча узун бўйли, Жўрақори кечасида у билан муштлашиб қўлини орқасига боғлаб кўчага олиб чикиб полисга топширибдур. Ҳайратда қолдим. Абдулмажид Андижоний лаънати ўрис Жўрақорига боксёрликни ҳам ўргатган экан-да, — деб кулгу яратди. Ўғрининг деворда қолдирган изларини олишди.

Қўшнилари тўполонни эшитиб, Ҳожи Вали хотини билан уришиб турарди, яна уришаётгандир дейишибди ва юртдошларга рапорт берибди. Ҳамма офарин деб табриклашибди.

Эртаси бозорга борсам, Абдулмажид ака Андижонийнинг болалари югуриб келиб қўлимни ўпишди. Маҳаллага чиқсам, араб болақайлари Шуп пери шуп, хаза батал Бухорий (қара, қара, мана шу Бухоро полвони) дейишадиган бўлишди.

НЕЪМАТ ЧОЙНАК

Ўқувчига маълум чойнак Туркияга келгандан сўнг мени Урдунга чақирсангиз, деб илтимос қилди. Урдундан унга расмий чакирувнома юбордим. Ўша даврда ҳеч ким чақириқсиз, расмий равишда банкдан доллар олмаган бўлса, чет элга чиқолмас эди. Доллар эса, ҳар кимга берилмасди. Унга бир ойлик меҳмон визаси юбордим. Урдунга келди. Бундан кейин у яна бир илтимос қилди. “Менга Урдунда истикомат қилиш учун ултурма изни олиб берсангиз”. Абдурауф Андижоний дўстим эди, илтимос қилдим. Неъмат чойнакни дўқонимга шерик қилиб олдим, деб ҳеч қанақа таъма ҳаражот қилдирмай, ҳеч қанақа тамзинот сўрамасдан, тегишли адлий идорага бориб, расмий шарокатнома чиқариб бердим. У ҳужжат асосида Урдунда истикомат қила билиши ҳақида рухсатнома дафтари олин-

ди. Энди Урдундан ижозатсиз чикиб кетаверади. Визасиз Урдунга кира биладиган бўлиб қолди. Урдундаги туркия элчихонасига бориб, “Урдунда тижорати бор” деб ҳалиги хужжатлар асосида консулхона дафтарига қайд қилиб қўйди. Паспортига қайд қилиб қўйди. Энди Туркиядан ҳам ижозатсиз чет элга чиқадиган бўлиб олди. Демокчиманки, расмий мақомлардан ижозат олмай, Туркияга ҳам бориб чиқаверади, Урдунга ҳам бориб чикиб келаверадиган бўлиб қолди. Натижада, Афғонистон, Таиландгача, Америкаларга ҳам, савдогар бўлгани учун, келиб кетадиган бўлди. Шунинг учун Қобулда Зиёдхўжага Жўра қори сабаб бўлиб, бутун дунёни айланиб юрибмен дебди.

НЕЪМАТ ЧОЙНАК II

Кунларнинг бирида шу чойнак:

– Жўра қори, йигирма тўрт кило садаф тасбеҳимни ўғирлатиб қўйдим деб, кўзига нам келтириб мени ишонтирди. Чойнак отелда ётган хонамдан ўғирланди, тасбеҳларни Нуриддин намангоний доналаб сотиб турибди. Ҳукуматга арзга борамен, бирга бориб ёрдам килинг, – деди. Нуриддин намангоний:

– Қочок тасбеҳ олмайди, олганда ҳам бунинг исботи қийин. Садафга оид документ керагича бор уларда, сўнгра улар бу мамлакатда танилган, обрўси бор одамлар. Бу ҳаракат билан юртдошлар орасида фасод чиқади. Бошқа бир илож топаман, – деб, асли марғилонлик Иброҳим акага бориб воқеани айтдим. У киши афсус билан:

– Нима қиламиз, ўғри топилмайди-ку, – дедим. – Ватандошлардан ҳоли қудрат ёрдам тўплаб, 24 кило садафнинг пулини тўплаб, бутлаб берсак, қандай бўларкин дедим. Иброҳимжон ака:

– Яхши фикр қилибсиз, – деди-да, ҳамон ўзига тўқ юртдошлар номини ёзиб листа қилдим. Иброҳимжон ака ўзига 300 доллар. Нуриддин Абдулмажид Андижоний менга ҳам енгилроқ қилиб ёзиб чиқди. Иброҳимжон ака билан юртдошларнинг ёнига бориб, пулни йиғдик, ортиғи билан чойнакка бердик. Кейинча билсам, бу гап ёлғон экан. Неъматнинг Ҳисорда ҳам одат шу эди дейишди.

НЕЪМАТ ЧОЙНАК III

Кунларнинг бирида Урдундан Саук ал- Бухорий (Ўзбек бозори)га кираверишда Қудратилло Тўранинг дўконини яқинида турувдим. Чойнак келиб қолди. У мен билан сўрашиб туриб, дабдурустан “Сен – коммунистсан” – демасинми. Гапни Тўра хазратлари Абдуғани дўкондор, Мухитдин дўкондорлар эшитди. Улардан анча уялиб кетдим. Қудратилло тўра Неъматжон бу ёққа келинг, нима бўлди ўзи? – деб бости-бости қилиб қўйдим. Мен хайрон бўлиб, ақлим ишламай қолди. Кейин ўйласам, чойнак ўзбек савдогарлар растасига бориб туриб ўзининг муҳофазакорлигини уларга воситалик йўл билан эълон қилиб, уларнинг эътиборини тортмоқчи бўлиб, мени йўл-йўлакай қўлабдур. Чойнакнинг бу одатини яхши билган Миркосим ўзбек тушунтириб:

– Бировга яхшилик қилинганида суриштириб, одам яхшиликка арзийдими-йўқми, аввало билиб олиш керак. Қори, хафа бўлманг, сиз яхшими-йўқми, суриштирмайсиз. Бундай соддаликнинг оқибати шу бўлади, – деди.

БЕЗОВТАЛАР

Истанбулда Вали Қаюмхончилар доктор Соли Эркинқўл раҳбарлигида, Одинадаги Вали Қаюмчилар, Абдулхамид Кўчор раҳбарлигида, Саудия Арабистонидаги Вали Қаюмчилар, Зухриддин Обидий, Сумма Эркин, Сумма Туркистоний раҳбарлигида пайтаваларига қурт тушиб безовта бўлаверишди. Нима эмиш, Жўра қори отел соҳиби бўлиб, биқинимиз (Саудия Араб) га келиб қолибдур. Айниқса, уларнинг ярим ҳукумат шаклида қурган жамиятларининг ташқи ишлар вазири Зиёвуддин қори мудоффа вазири Музаффархон тўра, муфтий аъзамлар Отимхон Тўра, жамиятнинг бош қотиби Зухриддин Туркистоний жазабага келишаверди. Ахийри, шеригим Маҳмуд маҳдумнинг отаси Зухриддин Саудийдан сармоя тахминлаб, Маҳмуд Машғулни киш-киш қилишди.

– Отелни ўзингники қилиб ол. Тадбир шу, қорига айт, отелни ё ол ёки сот, чунки отел уч киши шерик бўлиб иш-

латишга кичиклик қилади. Бир киши ишлата олади, — деб кистайверди. — Қорида ортикча капитал йўқ, сенга эса, керакли капитални Иброҳимжон ака орқали сенинг номингга юбориб қўямиз, — деб ваъда берибдурлар.

ТЕЛЕФОН

Урдундаги совет элчихонасидан телефон бўлди. Мени консул “бир келиб кетасизми?” — демокда эди. Консул билан учрашдим. Консул виза талабингиз хусусида бир орқадош Қоҳирага келибдур. Сиз билан учрашмокчи, бороласизми, деди. Қоҳирадаги совет консулхонасига бориб, исмингизни айтиб Урдундан келдим, Тошкентдан келган оғайни билан учрашмокчимен, дедим. Ичкаридан узун буйли, чувак бир одам чикиб Жўра қори, хуш келдингиз. Отим Анвар, Тошкентдан сиз билан учрашгани келган мен, деди. Қани, ичкарига марҳамат, дея таклиф қилди. Танишиб олгандан кейин ҳаётингизни қисқа ҳикоя қилиб берсангиз, мумкинми? — деди. Ёнимда эсимни таниганимдан буён ёзилган хотираларим бор эди. Жуда яхши, араб харфида экан. Марҳамат қилиб, ўкиб туринг, мен янги алифбода кўчириб олайин, деди. Паспортимни консулга топшириб қўйдим. Консул Александр:

— Ҳафтада келиб хабар олинг, — деди.

БЕҲЗОД

Қоҳира халқ кутубхонасининг рўпарасида йиғилган туристлар китоб олмокда эди. Қарасам, аркнинг ўзбек Рафаэли — Камолиддин Беҳзоднинг миниатюралари. Мен ҳам бир жуфт олдим. Кутубхонани айланиб бир одам билан танишиб қолдим. У кутубхонанинг қалампир нусхалар бўлимида мудар, асли ўзбек, профессор Саид Насрулло экан. Бу одамни Қобулда кўрмаган бўлсам-да, билар эдим. Сайид Бубаширхон тўранинг ўғли, Бухоро амири Олимхоннинг куёви. Иккинчи жаҳон уруши чоғида Мубоширхон ўғли Насрулло Афғонистоннинг бош вазири Муҳаммадхошим билан биргаликда олмонлардан миллионларча мол олган ватан хоини бўлиб чиқди. Эртаси отелга телефон қилиб, отаси пешин вақтида бирликда емак еб гурунглашамиз деб даъ-

ват қилмоқда эмиш. Раҳмат сизга ўзим телефон қиламан, — дедим. У ота-бола ватанфурушлардан нафрат қилганим учун, даъватини қабул қилмадим. Телефонига жавоб ҳам қайтариб узр айтишни ҳам маъқул кўрмадим. Қохирада кўрадиган тарихий жойлардан эҳромларни, эски миср музейини, мўмиёланган фиръавнларни, Азҳар дорилфунунини, Муҳаммадали подшо жомини кўрдим. Буларнинг орасида кўнглимга яқин жой Сохатил ўзбекия (ўзбек майдони) бўлди. Бу ерда кўриладиган бирор тарихий обида йўқ. Шу исмли боғча бор холос, мен учун жозиба биттагина ўзбек калимаси эди. Ҳар куни соат ўндан ўн биргача соат тўртдан бешгача шу ерга келиб, азиз юртимнинг ўтмишини бугунги асоратдаги холини, эртасининг қандай бўлишини, Чўлпон айтганидек, бахт юлдузининг қачон порлашини орзу қилиб, кўзимга нам келгудек улуғ тангрига ёлвориб ўлтирадиган бўлиб қолдим.

ШАЙХ ЮНУС

Араб юртларининг қай ерига борманг, ўзбек саройлари бор. Эски замонларда бугунги отеллар йўқ эди. Савдогарлар учун карвонсаройлар қуриб, бобокалонларимиз йўловчилар учун вақфия саройлари қуриб, вақф маданиятини ривожлантирган эдилар. Мана шу вақф саройлардан бири Қохиранинг қок ўртасида Қалъатил ўзбекия (ўзбек қалъаси) қалъаси. Бу ўзбек саройида истиқомат қилиб турган асли наманганлик Шайх Юнус бош-қош эканлар. Ул ҳазратни бориб зиёрат қилдим. Фалон куни пешин емагида бирга бўларсиз, деб илтифот қилдилар. Ул ҳазратга кичик совғам бор эди, топширдим. Даъват куни борганимда емақдан сўнгра тасодифга ўхшади. Шамсиддин бобоҳон ҳам келиб қолди. Келажакдаги Ўзбекистон муфтиси билан ўшанда танишувдим.

ҲОЖИ АНБАР

Эртаси отелга телефон бўлди:

— Ҳожи Анбармен. Шайх Юнус ҳазратларидан телефонигизни олдим. Вақтингиз бўлса, сиз билан учрашмоқчи эдим.

— Хўп бўлади, соат тўртда отелга келинг, — дедим. Асли уйғур миллатидан Ҳожи Анбар билан танишиб суҳбатлашдик. Ватандошим ўз ҳолини шундай хикоя қилди. Паспортим хитойники, жамил Абдуносир даврида Таиланд билан дипломатик муносабатни кесиб, коммунист Хитой билан алоқа қурилди. Шундан сўнг менинг ўлтирма изним чўзилмайдиган бўлиб қолди. Полис Мисрдан чиқиб кет, дейди, чиқиб кетай десам, эски паспорт асосида иш кўрмаймиз, паспортингни янгилаб кел, дейди. Миср ҳукумати ҳам шу гапни айтади, элчихоналар ҳам шу гапни такрорлайди. Коммунист Хитойдан паспорт олиш ниятим йўқ. Бир куни коммунист Хитой Миср ҳукуматидан ватандошимни менга топшир, деса мусулмонлигимга қарамай, мени Хитойга топширади, Хитой мени олиб кетиб ўлдиради. Хулоса: полиснинг бир идораси чиқиб кет деб танг қилади, бошқа бўлими эса, Мисрдан чиқиб кетишимга ижозат бермайди. Бу ерга Саудия Арабистонидан ўзбек уйғур юртдошларимиз келишади. Уларнинг хизматида бўлиб, ҳар тарафни айлантирамен, сўнгра дардимни айтамен. Хўп бўлади, сизга ёрдам қиламиз деб кетишади-ю, ҳеч қанақа хабар бўлмай, кетишаверади деди. Кўзига нам келди.

— Ҳожи ака, хафа бўлманг, дунёда кеча бор, кундуз бор. Форсийча бир сўз бор:

Мард боядки харосон нашавад,
Мушкули нестки, осон нашавад.
(Мард керакким, қўрқмасин,
Мушкули йўқдирким, осон бўлмасин.)

Вақти-соати билан сизнинг ҳам мушқулингиз осон бўлади. Мен бошқаларга ухшаб ҳамон ҳал қилиб юборамен, демайман. Шунга ишонингки, кўлимдан келганича ҳаракат қиламан, дедим. Расмини, паспортини, суратини келтириб берди. 1961 йилда талаб қилинган виза она юртим гўзал Ўзбекистон учун руслардан келди. Рус консули Александр паспортимга визитка деб берди. Консул Александрга “Товариш консул, вы очень хороший, културный

человек” дедим. “Большой спасибо”—дедим. Консул “нечего” деб кўйди. Виза келишини соат соати билан беш йил кутдим. Ҳали-ку беш йил экан, умрим кифоя қилса, эллик йил бўлса ҳам, кутиш ишким бор эди. Шундай туйғуни Бобур ҳазратлари яхши ифодалаганлар:

Муяссар бўлмаса бошимни кўймоқлик оёғингга,
Бошимни олиб, эй Бобур, оёқ етгунча кетгаймен.

Яна Қоҳирадан Урдун бош шаҳри Амонга қайтиб келдим. Яна у ерда юртдошларимга хайр ишларим билан бўлдим. Жумладан, Бомбейдан Мавлоно Абдурахмон, Минавар хўжа, Қобулдан Қори Умар, Акбархужа, Мирза-ҳаким акалар келишди. Қўлидан келганича алоқаланиб, жума намозларида Қуддусга олиб бориб, хайр дуоларини олдим. Тайванд элчихонасига бориб АнбарҲожининг ҳолати зорини баён қилдим. Консул жаноблари сизнинг ватандошингиз, менинг эса, иркдошим, шунинг учун алоқаланмоқдамен, дедим. Консул:

— Қачондан бери Қоҳирада истикомат қилмоқда, нима иш қилади, саводи борми? Маълумот керак бўлади, — деди. Анбар Ҳожига мактуб юбориб, керакли маълумотни олиб консулга бердим. Бир ой деганда консул телефон қилиб:

— Таълимот келди, консулхонага келиб кетинг, — деди. Ҳамон қанча бўлса, паспорт ҳаражатини тўлаб, янги паспортни олиб, Анбар Ҳожига, Қоҳирага почта орқали регистор қилиб юбордим. Кейинча эшитишимга кўра, Анбар Ҳожи Урдунга чиқиб келибди, мени ватандошларимдан сўрабди. Тошкентга кетди, дейишибди. Сўнгра Саудия Арабистонининг Риёз шаҳрида истикомат қилаётган қизининг ёнига кетибди.

ОТЕЛ ИШИ

Ўқувчига маълум, Ўнг кучлар азроилдек ортимга тушган эди. Мен эса, ўртанинг сўлида эдим. Душманлар менга рўпара келганида айримлари соқовдек гапирмай, гоҳо тескари қараб, гоҳо сезилар-сезилмас хўмрайиб турсалар-да,

кўпчилик одамдек гаплашар эди. Оркаворотдан ўйламай-нетмай капиталистик дунёда даҳшат сочиб турган нафрат калимасини, коммунист жосус тўхматларини бемалол ишлатар эдилар. Улар учун қулайлик шу эдики, ўнг кучларнинг ҳамма тури улар тарафида эди. Муллалар, диний олимлар, буржуалар, савдогарлар, чаласаводлар, саводсизлар, борингки, жоҳилларнинг ҳаммаси. Айникса, шарқдагилар. Афсуски, чет элдаги ҳукуматлар аскарӣ истикборот, сиёсий полис, ахлоқӣ полис, барча тинчлик кучлари ҳам улар тарафида эди. Уларнинг назарида, панисломистлар, пантуркистлар мужоҳид эдилар. Улар ўзаро бир-бирига душман бўлса ҳам, хурофотни кўришда бир хил эдилар. Қора кучларнинг яна бир ишончи шу эдики, чет элдаги ҳукуматлар коммунист социалист дейилса, шайтонлаб қоларди. Айникса, шарқ ҳукумати. Ёнг кўп айтиладиган гап шу эдики, чет элдаги ватандошлар орасида фикрлаш, тараққийпарвар бўлиш гуноҳ эди. Уларча тараққийпарвар фикрнинг ҳаммаси коммунист эди. Ҳали коммунизмнинг рус истилочилигига бир ниқоб эканлигини ҳеч пайкамаган эдилар. Европада коммунизмнинг ўз мустамлакачилик назариясига, социализм тараққиётнинг бир тури эканлигига яшаш ҳақи берилган эди. Қолбуки, Америка социализмни ўз ичига олиб, капитализмни ривожлантирган эканлар социализмни ичига олиб ривожланган. Шунинг учун социализмнинг уларга қизиги йўқ. Ривожланаётган капитализмнинг ичида таркибида социализм бор. Бу кириш сўзимдан мақсад шуки, Урдунда очилган Фундиқул Хайём (Хайём меҳмонхонаси)нинг қўлимдан олиб қўйилиш тарихчасини айтмоқчиман. Хулоса шуки, Маҳмуд Машғул “Ҳиссангизни менга сотинг ёки ҳиссамни олинг” деб ўртага ултиматум ташлади. Ҳиссасини олишга кучим етмасди ҳамда мен учун пул топиб, беҳуда юргандан кўра, азиз юртимнинг севгиси билан юришни афзал билардим. Шунинг учун ортиқча чиранмай, сотаман деб қўйган сармоямни олдим. Маълумки Маҳмуд Машғул костюмларни елкасида кўтариб юриб, сайёр сотувчилик қиларди. Мен эса, чет элдаги ватандошлар орасида биринчи бўлиб Истанбулдек шаҳри

азимда отел очиб ишлатган тажриба соҳиби эдим. Махмуд Машғулга отелчилик фикрини берган, бино кўрсатган мен эдим. У отел даромадидан киссасига тушган капиталини аста-секин тўлдирган эди. Бу тарафларни Махмуд тушунмади. Шунинг учун бўлса керак, ўзи ҳам жувонмарг бўлди. Хулоса: кўйди-кўйди қилиб юрган жоҳиллар ғалаба қозонишди, меҳмонхонадан ажралдим. Юрт безорилари Вали Қаюмхоннинг Саудиядаги вакили Зухриддин Туркистонийлар муродига етди. Шу шум муваффақияти билан Зухриддин менга яна бир зарба берган бўлди.

ВАТАН ИШҚИДА

Бу орада Покистондан Энштам Зунайдуллохон кори, синглим Ханифахон, жиянларим беватан юришдан безор бўлиб, мусулмон бўлганликлари учун, ақиқадошлари арабларни ўзларига яқин тутиб, Мадинага ҳижрат қилиб кетиш ниятида Урдунга келиб қолдилар. Қўлларидаги виза эса, ҳаж учун. Ҳаж қилиш тарихи эса, арафадек яқин. На ҳаво йўлига, на қуруқлик йўлига билет бор. Чапдастлик қилиб, уларни Мадинага йўллаб қўйдим. Жигарларимни Ҳажга юбориб қўйиш муваффақияти кўлимдаги ватанга бориш визаси бир бўлиб мени шундай севинтирдик, оёғим ерда, ўзим ой оламида кезиб юргандек бўлиб қолдим. Бейрутга учоқ билан бордимми ёки ўзим учиб бордимми, билолмай қолдим десам, ишонаверинг. Бундан бошқа турда ҳаяжонимни ифода қилиш қийин. Отелга йўлландим. Кечқурун ҳаяжондан кўзимга уйқу келмади. Ажабо, бу сафар борса-қайтмасми ёки бориб қайтса бўладиган сафарми? Эсимга профессор Закки Валидий Тўғоннинг мулоҳазалари келди.

— Ўғлим, сендаги она юрт ишқи нечоғлик алангали эканлигини билмоқдамен. Кўнглимда мана шу ишқингдан ғаламислар фойдаланиб, бирор тузоққа илинтириб қолармикин, деган кўрқув бор. Советлар кўп одамларни ана шу маъсумона туйғуларида танишиб, алоқа қуришиб ватанга чақириб, йўқ қилиб юборганлар. Шунинг учун кўникмоқдан ўзга чора йўқ. Кема келишига ҳали тўрт кун

бор экан. Одессага билет олиб, хотиржам бўлгач, шаҳарни кеза бошладим.

САЙИД СУЛТОН

Кезиб юриб офисларни кузатиб турувдим. Ичкаридан бир йигит югуриб чикиб:

– Қори, сен қаердан чикиб қолдинг? Ўнгимми, тушимми, - деб илиқ илтифот билан кутиб олди. Қарасам, Қобулдаги кадрдон дўстлардан, асли андижонлик Хўжакалон ашулачининг ўғли Сайид Султон кўришиб, мен ҳам севиндим, Сайид султон:

– Ҳа, Маркополо, қаердан сурайман, саломатмисан? Хитойданми? Гапир, – деди.

– Сизни кўмсаб бир сего эштай деб келдим, – дедим.

– Вой сени-ей, мен учун келган бўлсанг, нима учун ичкари киравермай турувдинг?

– Сал ўзимни босиб олиб, сўнг кираман деб турувдим, – дедим. Ҳамон уйига телефон қилди. “Ўзбек Маркополоси келиб қолди. Ҳозирлик килинг, хоним” деди. Хонимни танирдим, қорасувлик Муллажон шайтоннинг кизи, Қобулда буларнинг тўйида ҳам бўлганмен. Сайид Султон Бейрутда импорт-экспорт ишлари билан машғул экан. Уйларига бордик. Мафиратхон:

– Вой, Маркополо десангиз ҳайрон бўлиб қолдим – Маркополо ўзбекларда ҳам бор эканми деб, Жўра қорик, – деди. Сайид Султон: – Ҳа, Маркополо Италиядагина бўлади девмидингиз? – деб кулишди. Сайид Султон:

– Хуш келдингиз, азиз дўстим, еган-ичган ўзимники, кўрганларингдан айтиб беринг-чи, – деди. Она ватанга, Тошкентга кетаётганимни айтувдим, азизим, гапнинг бу ёғи мени ўйлантириб қуйди-ку, ҳали ватанга турист бўлиб бориб келиш замони келмади-ку, бироз шошётган бўлма, бу сафарга ҳар тарафини энига-бўйига уйламай-нетмай чиқиш хатардан ҳоли эмас-ку, дўстим, деди. Сен тузук ўйлаб кўрдингми? Ҳали ҳам иложи бор, билетни топшир, сафардан қол, деди. Мен ҳам бўш келмадим.

– Эшон ака, биров касал бўлиб қолса, кўргани, ҳол сўрагани бориладими, йўқми? Биров қамалиб қолса,

аҳвол олгани бир нарсалар кўтариб қамоқхонага бориб хабар олинадими, йўқми?

— Ҳа, — деди.

— Баракалла. Халқимиз ҳам улкан темир парда исмли қамоқхонада, гуноҳсиз, миллатимдан хабар олмоқчимен. Ушбу ниятда қонуний равишда виза олдим, у ёғига юрак қилиб бормоқдамен.

Сайид Султон:

— Нима жин урди, Кори, сени, шаҳид бўлмоқчимисан?

— Йўқ, ишончим қомилки, ғози бўлмоқчимен.

— Ўзбеклардан ҳали у ёққа бирон киши турист бўлиб боргани йўқ-ку. Бўлса, бита-яримта кетган бўлса, йўқотиб юборишди. Бу зулматдан қайтиб чиққан бирор одамизот йўқ-ку, ахир, кечаси қол, — деди, унамадим. Соат ўн иккиларда отелимга олиб келиб қўйиб кетди.

“АРМЕНИЯ”

Нихоят, бугун Армения исмли кема билан Одессага жўнаймен. Дустим Сайид Султон хоними билан келиб, кузатиб қўйишди. Кема русларники бўлса-да, йўловчиларнинг кўпи арманилар. Кема озода, гўзал, ўзимга хос хонага билет олган эдим. Кема Бейрутдан ҳаракат қилиб, Суриянинг порт шаҳри Латакияга борди. У ердан ҳам арманилар чиқди. Кема қирғиз портига келди. Ҳамма саёҳатга тушиб кетди. Менга паспортим турк бўлгани учун пастга тушишга ижозат йўқ, дедилар. Кема Искандарияга қараб йўл ола бошлади. Ҳалиям қувончим, ҳаяжоним тўлиқ тўхтагани йўқ. На гўзал тангри на-сиб этса, она юртимнинг тупроғини ўпамен. Боболарим қадамжоларини зиёрат қиламан. Катта саодат эмасми? Андижон мени дунёга келтирган она кишлоғим Дардок отани зиёрат қиламан. Ҳаётда бундан ортиқ бахт бўлмаса керак, ўтмишимизни эслаш. Бобур Мирзонинг эсимга тушган ғазалларидан “Жамолинг васфини, э ой...” Мана, висолингга мушарраф бўлишим яқинлашмоқда.

Тангри марҳамат қилса, бошимни қўймоқлик оёғингга мумкинга ўхшаяпти. Қўрқув қувонч каби, бир-бирига

қарши туйғу мени чулғаб олган эди. Чунки ўтмишда ватанга қайтганларнинг ҳаммаси отиб ўлдирилган. Яқин чоғда ватанга қайтган одам йўқ, биринчи бўлиб мен бормокдамен. Балки бир баҳона билан ўлдирадилар. Тангрининг марҳамати билан тарихий сафарни эсон-омон битириб қайтамен. Шунинг учун демокдаменки, муяссар бўлса, она юрт дийдорига мушарраф бўлармен. Орзуимга етолмасам-да, оёқ етгунча кетгаймен.

Кемадан Искандарияда кўпчилик туристлар тушиб кетишди. Мен тушмадим. Илгари Мисрга келганимда Қоҳирадан поезд билан шу шаҳарга келиб, ҳайвонот боғини кўрувдим. Деҳлидаги ҳайвонот боғининг ширин канасига ҳам арзимаёди. Отел кизил денгиз лабида 35-қаватдан жойхона беришувди. Ерга қарасам, машиналар гугурт қутидек кўринди. Кўркиб кетувдим, зўрға туриб, Қоҳирага қайтиб келувдим. Шу воқеа эсимда эди. Кемадан пастга тушгим келмади. Кеманинг емаклар, хизматчилар гўзал, озода. Кема денгиздан Эгей денгизига қараб йўл олмоқда. Тўлқин шалоп-шулуп овози билан кемага урилганда худди кўнглимнинг ҳаяжонини ифодалагандек бўларди. Кема Пировусга бориб темир отди (лангар ташлади). Одинага бориб туристик саройни кўрдим. Туристлик нарсалар мрамардан қуйилган гўзаллик маликасини олдим. Бўғознинг сайрига мафтун бўлиб, Булғористон портига келганимни билмай қолдим. Туристлар билан бирга Булғористоннинг порт шаҳрини айланиб, кемага қайтиб келдим. Қора денгизда кемада юришнинг ўзгача кайфи бор. Ҳали ойни сайр этишини ифода қилишда қалам ожизлик қилади.

Мана, Одессага ҳам етиб келдик.

РАҲБАР ҚИЗ

Ҳали пастга тушишга ижозат берилгани йўқ. Йиғиштирилиб турувдим, эшик тик-тик этди.

– Мумкинми? – деган овоз келди.

– Мумкин, киринг, – дедим. Остонада гўзал киз турарди.

– Мистер Жўра, мен – Галя, меҳмондорингизмен. Интурист юборди, – деди.

– Хуш келдингиз, қани, марҳамат.

Кемадан индириб, таможний маросимларига ҳам ҳожат колдирмай, отелга олиб кетди.

– Мана шу хонани сизга тайёрлаб қўйдик, маъкулми? – деди. – Бироз истироҳат қилинг, соат иккида келаман, биргаликда овқатланамиз, – деди.

Бир кеча ётдим, эртаси ўша қиз келиб Семферополга кетадиган самолётга чиқариб, қўйди. Семферополда интуристдан одам келиб кутиб олади, қўнғироқ қилдим, тронзит залида ўтириб турасиз. Интурист ходими Тошкентга борадиган самолётга чиқариб қўяди. Хайрли йўл, – деб қўйди.

Семферополда кутиб олиндим. Тошкент самолётига чиқариб қўйишди. Кавказ тоғларида ҳаво бўшлиғи бормиди, самолёт жиблажибонга ўхшаб, гоҳо пасайиб, гоҳо баландлаб парвоз қилиб, соллана-соллана учар эди. Бу самолёт худди ғалтак аравадек туюлди. менга. Совет социализми капиталистик дунё билан бўй ўлчашмоқда. Холати ночор экан-ку. Бу ғалтак аравалар билан қаергача боради? Ўзини бир тортиб кўрмаган экан-да, дедим.

ТОШКЕНТ

1966 йилда нисон ойи баҳор айёмида сабо соат олтида баҳор нақадар гўзал, азиз Ўзбекистоннинг бош шаҳри – гўзал Тошкентга мушарраф бўлиб, табаррук тупроғини ҳам кўзим, ҳам қўнғлим билан ўпдим. Мени “Ватан” жамиятининг бош котиби Зиё Эмин, яна бирликда бир-иккита дўст кутиб олди. Тошкент меҳмонхонасида хусусий хоналардан бирига ўрнашдим. Эртаси Ўзбекистоннинг чет эллар билан дўстлик алоқа жамиятининг раиси Ҳужумахон билан учрашдик. Дастлаб Ҳужумахоннинг ўринбосари Абдулфаттоҳ ака шарафимга бир зиёфат берди. Исмими расмий равишда Фёдор қилиб олган эканлар. Зиёжон ака меҳмондорим эди. Зиёжон ака самарқандлик, журналист. Иккинчи жаҳон урушида катнашган, исмигина зиё эмас,

Ўзи ҳам зиёли, ажойиб одам эди. Хурофотга муккасидан берилган мусулмонлардан йирок. Расмий равишда коммунист бўлиб, ҳақиқатда эса, русмлар томонидан мияси ювилмаган, одамшаванда кўринишдаги зиёлилардан эди. Демокчименки, инсонсевар ҳақиқий инсонлардан эди. Шунинг учун у мусулмон ҳам эмас, коммунист ҳам эмас, бу кашма-кашлардан озод, зеҳни очик одам эди. Хайём айтганидек,

Майхўрдану шод будан оини манасти,
Фориғ будан з куфру дини дини манасти.
(Май ичмоғу хурсанд бўлмоқ одатимдур,
Фориғ бўлиш куфру диндан динимдур.)

Мен у кишини шундай кашф қилдим. Ўзи ҳеч қачон ўзини аниқ танитмади. Бу кайфият менга мос тушди. Чунки мен ҳам ўзимни хурофий, мусулмондан йирок, коммунист душмани ёки дўсти бўлиб кўринмади. Пулпараст ҳам эмас, христиан ҳам эмас, бекати йўқ моддийетчи ҳам эмасмен. Бу хусусни юкорида Хайём тили билан таърифладим.

Мен ҳам ҳеч кимга ўзимни ошкор қилмай юраман. Чунки ўзимни мусулмон дейишга уялиб қолдим. Зиё Амин билан мана шу тарафларим ўхшаш бўлгани учун яқинлашиб кетишим кулай бўлди. Шундай дейишларимни эшитган одам Жўра қори кофир экан дейди. Йўқ-йўқ, кофир (инкорчи) эмасман, улуғ тангрининг кулиман. Бутун коинотнинг, бутун мавжудотнинг, бутун инсониятнинг худосига ишонаман. Ҳар замон унга ёлвориб йиглаб, гуноҳларимни афу қилишини сўрайман.

КОРИ НИЁЗИЙ

Ўзбекистон “Ватан” жамиятининг раиси Қори Ниёзий Тошкентда ер ўқтин-ўқтин силкиниб тургани учун, расмий зиёфатини ёшлар боғининг кўли ўртасидаги ресторанда берди. Зиёфатда қори аканинг ўзи, Юнус Ражабий, генерал Талъат Орипов, «Ватан» жамиятининг бош қотиби Зиё

Эмин, камина бор эдик. Қори Ниёзийнинг “Ўзбекистон тарихи”, “Хаёт мактаби” асарлари, Юнус Ражабийни ҳам ашулалари, басталари орқали танир эдим. Талъат Ориповни, Зиё Эминни Измирда, совет павильонида таниганман. Зиё Эминни яна Сурияда учратувдим. Қори ака: “Хато қилиб Юнус акани академик бўлишларини таклиф қилувдим. Ҳамма бирдан қўл кўтарди. Юнус ака академик бўлиб қолдилар”, деди. Мен, “Қори ака, шунақа хатолардан қилиб тулинг, академикларимиз кўпаяверсин” дедим. Кулишди

ТЕЛЕВИЗИОНДА

Телевизион залида шарафимга Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамбли концерт уюштирди. У ерда Зиё Эмин бироз сўз қилишимни сўради.

—Сиз яқинларимга мушарраф бўлганим учун бахтиёрмен. Биласизларки, болакайлар турли-туман касалликларга қарши эмланади. Қандай касалликка қарши эмланишган бўлса, ўша касалликка чалинмайдилар. Шунинг сингари миллатлар ҳам шу фикр билан жаҳолатга қарши эмланади. Қанчалик эмланган бўлишса, ўшанчалик жаҳолат қоронғулигидан қутулиб, жаҳондаги маданий миллатлар қаторидан ўзига муносиб ўрин олади. Демок истайманки, миллатлар касалланиши маданийлик даражасига қараб бўлади. Айрим миллатларнинг култури жуда кучли. Касал бўлмайдилар. Шунга кўра, умрлари ҳам узун бўлади. Айримларининг култури заиф бўлади, умрлари қисқа бўлиб, исмлари толе авроқида қолади. Айрим миллатларнинг култури шунчалик кучлики, муқоддиротларини ер муқоддиротига боғлаб олишади. Демокчименки, уларнинг умри ер билан тенг бўлиб қолади. Ер қанча йил яшаса, улар ҳам шунча йил яшайдилар. Айрим миллатлар эса, умрларини ердан ҳам узунроққа олиб бориш ниятида юрибдилар. Ой оламга кўчиш орзуларини эслатмоқдаман. Энди келайлик, миллатларнинг умрини узайтирадиган култур нимадан иборат? Биринчи бўлиб, мавжудиятини сақлаш, миллий борлиги, она тили, қадрияти, мусикаси

билан сақланади. Шуни эсламоқчиманки, панжангиз ҳаракатидан чиккан торнинг ҳар бир оҳанги миллатимизга бир умр бағишламоқда. Сиз миллатни жаҳолатга қарши қисқа умрликка қарши эмлатмоқдасиз. Такрор бўлса-да, айтайин, миллатни фарқ маъносида ишлаётганим йўқ. Фарқларнинг умри бошқа, миллатларнинг умри бошқа. Сизлар ёлғиз фарқларни эмас, миллатнинг умрини узайтмоқдасиз. Шунинг учун сизни кўнглим билан кучоклаб табриклайман.

ТУРҒУНБОЙ

Ўзбекистон қирк йиллиги қолхозининг раиси Турғунбой ака зиёфат берди. Зиёфатда Юнус ака бошлиқ мақомчилар ансамбли бор Хўп яхши ўлтириш бўлди. Шоир Муҳаммад Эмин, Даврон яқинимда ўтирувди. Йўқ бўлиб қолди. Гул тергани кетган экан. Бир даста бўтакўз гули териб келиб, менга илинди. Даврон ака бўтакўзга берилган маънони олганимга эътибор бериб қизикдилар, шекилли. Мен ижтимоий кўринишга сиёсий тасаввур билан қараб, бўтакўз лақабини олувдим. Бўтадан муродим — бўталоқ, кўздан мақсад — унинг маъсум кўзи эди. Туянинг устидаги гул, бурнидаги арқон, арқоннинг учи сарбонда, сарбон мақсад-манзили сари етакламоқда. Бўталоқ эса, онанинг кетидан бу сафардан бирор нарса фахмламай кетмоқда. Мустабидлар Ўрта Осиёнинг ер ости бойликларини пловон машиналарда қавлаб чиқариб, қатор-қатор вагонларда ташиб кетмоқда. Ўрта Осиё халқлари бойликларини ташиб кетмоқдалар. Ўрта Осиё улуслари қўл қовуштириб турмоқдалар. Бундан бошқа чоралари ҳам йўқ. Мана шу тасаввур Бўтакўз лақабини олишимга сабаб бўлувди. Даврон ака ана шуни пайқадими, билолмадим. Юнус ака, мақомчилар нафасларини ростлаб оладиган ора вақтларда латифа айтиб ҳаммани қулдириб ўтирди. Мақомчи йигитлар ҳам аскияларга қўшилиб, барчани хохолатиб қулдириб ўрталиқни Жамшид базмига айлантирдилар. Мен аскияни билмасам-да, қўшилиб турдим.

КАРИМИЙ

Доктор Сайид Маъруф Каримий таҳсилини она шаҳри Тошкентда олган чоғида Иккинчи жаҳон урушида олмонларга асир тушади. Сўнгра Иккинчи жаҳон уруши тугагач, Ҳожи бўлмоқ ниятида Маккага боради. Маккага борганида Ўзбекистондан ўғли доктор Жавлон келади. Сўнгра биргалашиб Америкага, Америкадан Тошкентга қайтади. Сайид аканинг зиёфатида мendan бошқа Тошкент радиосининг “Ватандош” бўлими мудири бор эди холос. Сайид Каримий:

— Жўра кори, Тошкентга келганингиздан бери меҳмондорчиликларда юрибсиз. Учрашувларда Вали Қажомхон ҳақида бирор гап айтмадингиз. Ҳар бир учрашувда қулоғим сизда бўлди. Капиталист эмасман, социалист эмасман, дейсиз. Ўрнингиз қаерда? Сизни таниш қийин бўлади-ку. Шунинг учун на Истанбулда, на Маккада исмингизни эшитдим.

— Сайид ака, сиз она юртингизда уйли-жойли бўлиб, коммунист эдингиз. Олмонияга бориб, фашист бўлдингиз. Америкага боргач, капиталист бўлдингиз. Сўнгра Маккага бориб исломист бўлдингиз. Ниҳоят, мана энди Тошкентга қайтиб келиб, коммунистман деб турибсиз. Мен она юртимда уйланганим йўқ. Ёш бола эдим. Хусусий уй-жойим ҳам бўлмаган. Мана шу икки нарсa кишининг муҳаббатини боғлайди. Мен бунақа меҳру муҳаббатни кўрмаганман, етти ёшлигимда — болалигимда ватандан чикиб кетдим. Бегона юртларда сарсон-саргардон бўлиб юриб, кўча-кўйда ўрганган саводим билан қолдим. Сизга насиб бўлган замонавий мактабларнинг бирор синфини кўриш менга насиб бўлмади. Хулоса: ватансизлик турткиси билан туйғуларим уйғониб, тўсиқлар мўл бўлса-да, она тилимни, миллий борлигимни йўқотмай, она юртим меҳрини сақлаб, иродам туфайли ватан бағрига мушарраф бўлиб турибман. Шу сўзларим менда бирор маслак борлигини кўрсатмайдими? — дедим. Сайид аканинг пешонасидан маржон-маржон тер чиқа бошлади.

— Жўра кори ака, марҳамат қилиб мени кечиринг. Мен ав-

вал сиз билан яхшироқ танишиб. фикр-мулоҳазаларингизни, ҳаёт йўлингизни ўрганиб олганимдан сўнг баҳсталаб гапларни бошласам бўларди. Томдан тараша тушгандек, баҳсталаб гаплардан бошлаб кўйдим. Менга дарс бердингиз, марҳамат қилиб, узримни қабул қилинг, — деди.

ЭРТАСИ

— Ўлтириш қандай ўтди? — деди Зиёжон ака.

— Дунёнинг у ёғинию бу ёғини аланиб, гўзал ўлтирдик, — дедим. Уч кундан кейин яна Зиёжон ака, Жўрабек, менга ўлтиришнинг тафсилотини айтмаган экансиз. Жаҳонгир (ҳозирги тажрибамга кўра, ўшанда Жаҳонгирнинг ёнида магнитофон ҳам бўлган бўлса керак) менга ҳамма гапни айтиб берди. Сайид ака саволларни ўз тарафидан эмас, таълимотга кўра берган. Таълимот билан юрилса ана шундай хижолатпазлик келиб чиқади.

ХОЖИБАДАЛ

Муфти Зиёвуддин Бобохонов бир нечта меҳмондорчиликка олиб борди. Зиёфатлар жуда яхши ўтаркан. Шоқосим Шоакбарлар, Маъруфхўжа Баҳодиров, Сўфи-хон, Акмалхон, Бобохоновлар иштирокида мақом ашуллари, зиёфат тўкин-сочин бўларди. Қори аканинг кўлидан хожибадал санъатини олгани хожи бўлиш шарафига меҳмондорчилик тузибдурлар. Бир-икки жойда менга айрим одамлар меҳмон, тузокка тушиб колманг, деб кўйишди. Меҳмондорга карасам, ўтириш-туришларида бойлик аломати йўқ. Ўйладим, зўрға мен йиққан беш-ўн сўмини муфти ҳазратлари ортиқ кўриб, хожибадал қилди дебдурлар. Пулининг бир қисмини арабларга едириб, колган қисмини мана бу олғирлар тугатиб, қутлуғ бўлсин. Хожи ака, дейишлари мени кўнглимни ғаш қилди. Дунё бу найранглардан қачон кутилар экан, ақлим ожиз. Ўша кунлари муфтининг ўринбосари Исмоил махдум Намангонийнинг ҳам зиёфати бўлувди. Зиёфатда муфтий Зиёвуддин қори бор эди. Қимизхўрлик бўлди. Бошқа бир меҳмондорчиликда Зиёвуддин қори ака:

- Исмоил махдум кўринмайдилар? – деди.
- Оналарини кўргани Наманганга кетибдилар.
- Бир меҳмондорчиликдан кейиноқ оналарини кўргиси келиб қолибди-да, – дедилар муфти хазратлари.
- Ёппасига кулишдилар.

ЧИРЧИК

Бу учрашувларда оз бўлса-да, илмокли сўроқлар ҳам бўлиб турар эди. Бир куни радиодаги учрашувда журналист Маҳкам Рихсиев:

– Жўра қори, култур одамиман, сиёсатга кизиқишим йўқ, демокдасиз. Ҳақиқатан, ҳеч сиёсатга аралашмайсизми? – деди.

– Мақсад усталик бўлса, чой ичиш учун ҳам сиёсат керак, – дедим. Шаҳарнинг таълим-тарбия мудир:

– Меҳмон, Фурқатни танийсизми? – деди. Мен:

Тоғда очилиб лола, гул сабза, баҳор ўлса,
Бу нечун бедодким, олам анга тор ўлса,
Чикмай деса жойидин, узлатда фиғор ўлса,
Гар чикса баногоҳи, домига дучор ўлса... –

дейишим билан хонани сукут босди. Меҳмондорим Зиёжон ака сўз олиб, ҳавони енгиллаштирди. Беш-ўн кундан кейин Зиёжон ака “Шарқ юлдузи” журналининг янги сонини олдимга қўйиб, 61-саҳифасини кўрсатди.

– Ўқиб кўринг, – деди. Ўқисам, “Сайдинг кўябер...” шеъри бадиий таҳлил қилинибди. Зиёжон ака:

– Жўрабек, асл маъно сиз айтган маъно. Бу таҳлил буйруқ билан ўртага чиккан, дедилар.

АНДИЖОН

Ҳаво майдонида бизни катта амаким Абдурахмон бойваччанинг набираси Насриддин кутиб олди. Кариндошуруғ – амакимнинг рафиқаси, биродарлари – Фаррухжон, Мухторжон, набираси Ойимхон Ойимқишлоқдан келиб кутмокда эканлар. Дастурхонга ўтирдик. Зиёжон ака

меҳмондорчиликка кетди. Қариндошлар ҳеч гаплашмай сукунат қилар эди. Андижоннирг Кўшор боғининг самоворида чойхона ошига даъватгар эдик. Оқшомда театрга тушдик. Бу сафар меҳмондорим гузал ўзбек қизи эди. Афтидан, оғир-босиқ, андишали, назокатли қиз эди. Инглизча билар экан. Ўзбек қизининг фазилатлари кўриниб, сезилиб турди. У чет элдаги хотин-қизлар ҳақида саволлар қилиб турди. Университетга бордик. Домла ўзбек тилида дарс бермоқда. Дарсхонада сабоқ эшитиб бирпас ўтирдим. Дарс улуғ ўзбек ҳакими Ибн Сино ҳақида эди. Қувондим. Мен Маккада танишган Фозилкори, Муҳаммаджон қориларникида меҳмонда бўлдик. Марҳаматга бориб, Хўжамберди қори аканинг катта полвон қўйини сўйиб табриклаган зиёфатида бўлдик.

Ўш

Мухторжон дадам ҳақида қуйидагиларни ҳикоя қилди:

— Ҳусайн амаким қулоқ бўлгач, Дардоқ отани ташлаб, Ўшга келувди. Эшигимизнинг рўпарасида сиз, олти яшар синглингиз, амаким, бувингиз ўлтирар эдинглар. Кечаси аскарлар келиб, амакимни олиб кетишди. Шу бўйи хабар бўлмади, бир неча йиллардан кейин сургунданми, қамоқданми, Сибирданми келиб сизларни сўради. Сизлар қаёққа кетиб қолувдингиз, ҳеч ким билмасди. Ўшда бир колхозга Раис бўлиб юрувди. Бировлар бу одам капиталист эди-ку, нечун колхоз раиси бўлади, дебди. Яна қамалиб кетди. Биз қаёққа олиб кетилди, билолмадик. Бир неча йилдан кейин яна чиқиб келди. Бу гал Андижондан иккита расмий келиб, биз Дардоқ ота қишлоларингиздан келдик. Ҳамрой курдирган мадрасада бир ҳужранинг тагидан тўрт хум олтин чикди. Ҳукумат сўрамоқда, бу олтинларнинг меросхўри бўлса, хабар беринглар. Олтинлардан бир қисмини унга берамиз. Қолгани ҳукуматники бўлади дейишди. Дадангиз:

— Ҳа, энди олтин яширибсан, баҳонаси билан яна қамар экан-да, деган хаёл билан кўркиб кетиб, шу онда ўлиб қолдилар, — деди.

ПАРВОНА

Бу шаҳарда отелга тушдик. Сердарахт, гўзал кўчаларни иштиёк билан кездим. Музейга бордик. Бир жомадоннинг ичида Шермат кўрбошининг аскарый қиёфадаги ҳайкалини кўриб, ҳайратдан котиб қолдим. Мен Қобулда кўрган кўрбоши бу кўринишда эмас эди. Шермат кўрбоши беданавоз, қачон учратсангиз, кўлида бедана эди. Пешовурда 1950 йилда кўрганимда беш вақт намозини қанда қилмаган одам эди. Туркия, Одина шаҳрида аскарый қиёфада, елкаларида ўқ терилган қари арслонда кўрувдим. Қибриз учун бўлаётган музокаратда истиклол байрами муносабати билан ўтказилаётган кўриклардан ўтар эдилар.

ҒУЛОМЖОН

Маккадаги Мўминжон Андижонийнинг қайн бобоси Исроилжон аканинг ўғли Ғуломжон билан Марғилонга бордик. Даструхон атрофида ўлтирганларга қарата қилаётган ўлчовли сўзларидан фаҳмладимки, анча иш кўрган, тажриба соҳиби бўлган одам экан.

МАҲМУДЖОН

Зиё ака:

— Жўрабек, ҳукуматнинг масъул раҳбарларидан бири, Маҳмуджон исмли шахс билан учрашмоқчи. Ҳозир машина келади, — деди. Зиёжон ака мени Маҳмуджонга таништириб шу ердан деб, идорадан чиқиб кетди. Маҳмуджон:

— Меҳмон ватандан эдими, эсингизга тушди, — деди.

— Йўқ, она тилимни, ўзбеклигимни сақлаб юрдим. Имкон бўлиши биланоқ, янги ўзбек алифбосини ўрганиб, бу ердан юборилган китобларни мутолаа қила бошладим. Ойбек домланинг “Навойи”, “Қутлуг қон” романларини, Қори Ниёзийнинг “Ўзбекистон тарихи”ни, “Ҳаёт мактаби”ни, яна бир қанча асарларни ўқиб, улар оидинлигида ватанга йўл топиб келдим, — дедим.

Ташқарига чиқсам, Зиёжон ака кутиб турган экан. Сухбат услубидан Маҳмуджоннинг омирона қилигидан

хафа бўлди. Кейинчалик Зиёжон ака хабар бердики, Жўра кори сиз билан суҳбатда бўлган Маҳмуджон Таробех қазосида ўлибдур. Ичимда шубҳа уйғонди, ўлдими, ўлдирилдими? Негаки, кейинча фаҳмловдим: ўрталикда миллий кучлар ҳам бор экан.

ШОҲИМАРДОН

Андижондан келишда Насриддин билан уч киши эдик. Энди Каримжон номли йигит қофилага раҳбар сифатида кўшилиб, тўрт киши бўлдик. Шоҳимардонга йўл олдик. Машинанинг рули Каримжонда, Водил шаҳрининг масъул раҳбарларидан бири оламдан ўтган эди. Каримжон машинадан тушмасданоқ, полисга бир нарсалар деди. Ҳамон бизга йўл очилиб тўполондан роҳатда ўтиб кетдик. Ичимда: “Ҳа, болакай, сен ҳам сирли одамга ўхшаб қолдинг-ку!” — дедим. Водилдан ўтгандан кейин водийнинг икки ёқасида қад кўтарган тоғ, ўртада тошлоқ сой, тоғ ёнбағрида, майсазорда ўтлаб юрган кўй-кўзи, отлар, кулунлар, ажойиб манзара. Чўпонлар, қирғиз болакайлар билан сурпашиб ўтдик. Шоҳимардонга келиб, тўғри миллат шаҳиди, улуғ шоир, ёзувчи Ҳамза Ҳакимзоданинг тоғ ёнбағридаги қабри томон кўтарилдик. Ҳурмат бажо келтирдик. Пастга тушиб, ранго-ранг майда тошлар орасидан марвариддек яраклаб, думалаб-думалаб оқаётган сувнинг устида, сўрида дастурхонга ўтирдик. Ҳадемай палов келтирилди. Ошпаз ҳам дастурхонда баробар ўлтирди. Гурунгимиз марокли бўлди. Зиёжон ака Ҳамза ҳаётининг мен эшитмаган томонларини гапириб берди.

НАМАНГАН

Бу шаҳарда бизга Сурия саёҳатидан таниш, Навоий номидаги театр мудир Исоқжон Исмоилов, Макка саёҳатимдан таниш Салоҳиддин акалар кутиб олишди. Исоқжон аканинг уйидаги зиёфат сертакаллуф эди. Наманган саёҳатимда Салоҳиддин Сироҷиддинов раҳбар бўлди. Бу киши Маккада минода ўтириб Жалил Ҳожига 400 ёзиб кўйинг деганда бу одам бежиз эмасга ухшайди-

ку деб қўювдим. У киши Наманганда колинг, ортикча уйим бор. Сизга хадя қиламан, уни дафтардан ҳам ўтказиб бераман, деди. Бу гапга мен ишонмаганим учун тилимга бир сўз келмади. Ташаккур деб қўйсам нима бўларди? Ҳамон хижолатман.

ҚЎҚОН

Қўқон шаҳрида бизни Ватан жамиятининг вакили кутиб олди. Ўрдада хон саройи музейини кўрдик. Аҳрор Аъзам (Ақромжон) ака музей мудири экан. У киши билан таниш эдим. 1976 йилда яна Қўқонга борганимда ўзбек маликаси Нодирабегим, Амир Умархон, яна бошқа дунёдан ўтганлар учун фотиҳа қилгани қабристонга бордик. Муқимий домла, чархий домлалар истикомат қилган табаррук хужрани зиёрат қилдик. Ватан жамиятининг вакили катта зиёфат берди. Истанбулдаги доктор Восийнинг акаси Абдулқодир ака билан танишдим. Чет элдаги қариндошларини сўради. Яхшилар деб қўйдим. Ҳолбуки, доктор Восий тариқатчи бўлиб юрганини айтмадим. Ўғли Чўлпонмирзатош эса, қўз касалликлари профессори бўлган ҳолда ўзбеклиги намоён бўлмай, турк бўлиб кетганлигини ҳам очиқ айтолмадим. Чўлпон ёшлигида тузук эди. Отелимга келиб турар эди. Профессор бўлгач, ўзбеклигини йўқотиб қўйибдур. Истанбулдек шаҳри азимнинг жарроҳ пошшо номли касалхонасида ишламоқда. Унинг тариқатчи отасини ўзини ҳам она тилида — ўзбекчада гаплашмай, туркчада гаплашгани учун одам бўлмабдурсанлар, нонқопи бўлибсанлар, деб юрар эдим.

САМАРҚАНД

Самарқандда меҳмонхонага тушдик. Регистондаги Улуғбек, Шердор, Тиллакорий мадрасаларини, Амир Темури макбарасини Шоҳи зинда ёдгорликларини, Улуғбек музейини, расадхонани зиёрат қилдик. Бибиҳоним мадрасасида меҳмондорим гўзал рус кизи бинонинг қурилиш тарихига оид бир афсонани жуда мароқли қилиб тотли тожик тилида айтиб берди.

Азиз юртим билан хайрлашиб “Яна келарман, яхши кол, онажоним. Кўзим билан, кўнглим билан тупроғингни ўпиб айрилсам-да, яна тупроғингни ўпиш орзуси қалбимда яшайдур, деб Одессага учиб кетдим. Одессадан Суриянинг Латапия портига билет олдим. Мақсадим Истанбулга кетиш бўлса-да, кема Истанбулга келганида унга тушмадим. Айтиб бўлмайди, кўп ватандоши бўлатуриб нечук советлар диёрига бориб келяпсан деб, камаб қўйишса нима қиламан деб, куйига тушмадим.

ЛАТАПИЯ

Сурия портига келиб, Шомга жўнадим. Ўзбек саройида бир ой чамаси қолдим. Шомдаги совет култур отачаси Абдусодик Ирисов домла билан танишиб, гурунглашиб мусика эшитиб келар эдим. Ирисов билан аста-аста дўстлашиб олдик. У киши араб тили доктори, оташин бўлсалар ҳам, сира ўзини йўқотмабдир. Ҳали манманликлари йўқ. У кишига бир гал Истанбулга ўтганимда ўн беш жилдлик Ислом энциклопедияси, яна ўн беш жилдлик Турк энциклопедияларини келтириб бердим. Бу китоблар жуда салмоқли китоблар. Ҳар бир жилдини кўтариш кийин.

СУРИЯ

Шомга борганимда Ирисов домлани кўрмоқда эдим. Бир куни мулоқотларида мен у кишига Дефхудонинг Луғатномасини таъриф қилсам, у киши шу китоб ҳам қошки менда бўлсайди дедилар. У даврларда ўзбек деса, жонимни беришга тайёр эдим. Атайлаб Техронга бордим. Луғатномани китобфурушлардан тополмагач, китоб ношири Эрон миллий мажлисига бориб, чет элдан шу китоб учун келганимни билдириб ариза бердим. Фонд идорасига Луғатномадан битта куллийетининг сотилишга ижозат чиқди. Сўнгра баҳосини тўлаб икки чамадон китоб олиб келиб, Ирисов домлага бердим. Шуни ҳам айтиб ўтиш ортиқча бўлмаса керак, мен шундай хайрли ишларини доимо беминнат қилар эдим. Техронга бориб ке-

лиш ҳаражатимни ҳам олмадим. Бу ишларимни кузатган одам бирор тарафим қорига пул келади деб ҳам юришди. Ҳақиқатда бундай эмас, мен бой ҳам эмас эдим, фидокор эдим. Аслида, бу ишларни бойлар қилмайди. Қилолмайди ҳам. Фидокор эса, бой бўлмайди, бўлолмайди ҳам. Шуни эътироф этайин деб христиан бойларнинг хайр-эҳсон қилгани кўп бўлади. Мусулмон бойларнинг кўпи закот беради-ю, олувчини аввал хўп ишлатиб, овора қилиб олиб, сўнгра закотини беради. Шунда закот олувчининг меҳнат пули бойда қолаверади. Бу юришлар ҳақида, она юртдаги аҳвол ҳақида чет элдаги ватандошларимга фикр-мулоҳазаларимни айтиб улгурдим. Кирилл ҳарфини уларга ўргатдим. Кирилл алифбосидаги китоблардан бердим. Бу қимматли асарларни қандай қилиб топиш йўлларини ҳам кўрсатиб бердим. Қилган саёҳатимни уларга ҳам илиндим. Ватандаги қариндош-уруғлари билан бемалол хат-китобат қилиш мумкинлигини амалда кўрсатиб қўйдим. Она юртга бориш, у ердан қариндошларни чақиришни, дийдони киёматга қолдирмай, шу дунёда кўришиш мумкинлигини намоён қилиб қўйдим. Шунингдек, уйғурлар ҳам биз — ўзбеклардан илҳомланиб, она юртига бориб келадиган бўлишди. Қозок миллат- парвари Халифа Сулаймонга ҳам қозокчани, кирилл алифбосини Урдуда ўргатиб, қозокча китоб бердим. Янги фикрларим билан янги аҳволдан уларни хабардор қилдим. Айниқса, энг аввало, ўзим она юртимиз — гўзал Ўзбекистонга бориб келиб, социалист дунёдаги ватандошлар билан капиталист дунёсида истикомат қилаётган ватандошларимнинг бир-бири билан алоқа қилишида воситачи бўлдим.

ВАТАНГА ҚАЙТИШ

1969 йилда Туркияда ўнг-сўл тортишуви жиддийлашиб кетди. Бирини бири ўлдира бошладилар. Қизиги шундаки, биз ўрта осиеликлар ҳар бир ишда фикр қилиш услубларимизда туркларни ўзимизга илҳом қайноғи билиб олибмиз. Туркиялик миллатчилар эса, туркистонликлар коммунизмга қарши мужозила қилиб чиниққан. сиё-

сий тажрибалари ортиқ деб, ўрта осиёлик муҳожирлардан илҳомланиб ўзларининг молини яна ўзлари биз туркистонликлардан олар эдилар. Бундай ўхшаш сиёсий кўринишни Ҳиндистонда доктор Иқбол жуда яхши ифодалаган.

Вой, он дарёки мавжаш камтапид,

Гавҳари қудро не ғавосон харид.

(Вой, у дарё тўлкини ўзин кичик кўрсатди,

Ўзининг гавҳарини ғаввос қўлида кўриб, бўлди харидор.)

Эндиги навбат Ватанга бориб, у ернинг сиёсий томирига кўра шарбат бериш пайти келган эди. Очиқроғи, капиталист дунёнинг ҳавосини ҳам бўлса ҳам, қулдорлик социализмига етказиш қолувди. Бу бировнинг таълимотига кўра эмас, ўзбекона имон ва эътиқодим, миллий виждоним буйруғи эди. Мана шу тушунча мени она юртим –ғўзал Ўзбекистонга қайтиб кетишга ундади.

Эй ишқ, яна фуркат ўтин жонимга урдинг,

Жисмимни қул айлаб қулин кўкка совурдинг.

Алишер Навоий

МОСКВА

Талабимга кўра, Дамашқдаги совет элчихонасига виза келди. Консул эртага келинг, деди. Бориб, визали паспортимни олдим. Ҳамон консул элчи жаноблари:

– Фурсат берсангиз, элчи жаноблари сиз билан куришмоқчилар, – деди.

–Ҳозир вақтим бор, – дедим. Юқори чиқиб, ҳамон қайтиб тушиб: – Элчи сизни кутмоқда, – деди. Мени рус элчиси Нуриддинов кутиб олди.

– Ватанга кетмоқда экансиз, табриклайман. Вақт тайин десангиз, баробар емак еб гурунглашсак, – деди.

– Раҳмат, вақтим зикроқ, – дедим.

– Билет юборишдими?

– Йўқ, – дедим.

– Ўзбеклигимиз қолмади-қолмади-да, меҳмон сифатида чақиради-ю, билет юбормайдими? – деди элчи. – Биз билет билан таъминлайлик, – деди.

– Раҳмат. Таксир, Москвага билет олдим. Тугмани босди. Консул ҳамон пастдан чиқди. Меҳмоннинг юкларини дипломатик юк қилиб беринг, – деди. Консул хўп бўлади, эртага нечта бўлак юкингиз бўлса, билиб келинг, дипломатик юк қилиб берурмиз, деди. Элчи жаноблари кўча дарвозагача кузатиб қўйди. Отелга келиб ўйладим. Тижорат мақсадли бирор нарсам йўқ. Биринчи бор Тошкентга борганимда ҳам, хозир ҳам шундай фикрда эдим. Мен ватан ишқида кетяпман, мен гўзал фурсатдан моддий фойдаланиб, кўнглимни ғаш қилмай. Меҳмондорларни ҳам тижорат қилмовдим. Энди ҳам ўша мулоҳазам тўғри. Тижорий мақсадли нарсам йўқ. Шу мулоҳаза билан совғаларим ҳам чекланган-ку, менга дипломатик визанинг нима кераги бор?

Эртаси консулхонага бориб, раҳмат, юкларимни багаж билан юбордим. Элчи жанобларига раҳмат, деб қайтдим. Москвага борганимда икки рус киши учокка чиқди. Биттаси мистер Лигин, Шомда Зиё Эмин билан бирга борганида танишувдим. Арабчани билади. Мистер Лигин дедик, мен меҳмондорингиз ташки ишлардан келдим. Мухиддинов сизни кутиб олишимизни истаб, телеграмм юборибди.

Пастга тушдик, чемоданларим чиптасини бердим, ҳамон олдириб келди. Қани, марҳамат, деди. Чет пулларимни таможнийга баён қилайлик десам, бу муомалалардан сиз озодсиз, қани, марҳамат, дейишди.

Отелга бордим.

– Сиз билан программ қилайлик. Москвани айлантирайлик, – деди. Мен: Раҳмат, Тошкентга тезрок бормоқчиман, дедим.

– Хўп бўлади, – дейишди. Кечкурун Тошкентга кузатиб қўйишди. – Тошкент соати билан эрталаб олтида кутиб олишади, – дейишди.

ТОШКЕНТ

1969 йил соат 6 да Тошкентга яқинлашмоқдамиз деган эълон бўлди. Она юртим – азиз Ўзбекистоннинг самоларига келган эдик. Гўзал Тошкентнинг уйлари, дарахтлари кўрина бошлади. Севинчим чексиз эди. Самолёт пилапоясида Зиё Амин ўртоқлари билан кутиб олишди. Ўзимни тиббий текширувдан ўтказиш учун семашкога ётдим. Директор Ёқуб ака таълимотига кўра эътибор берилди. Бош ҳаким Бурхон Аъзамни эса, чет элда таниб қолувдим. У киши ҳакимда соғлиқ вазирлигига рапорт берган экан. Сўнгра Россия меҳмонхонасига етакладилар. Кейин марказ-2дан икки хоналик уй бердилар. Кейин катта муҳаррир савиясида Ватан жамиятига ишга олдилар. Чет элдаги ватандошлардан келган мактубларга жавоб ёзар эдим. Бундан бошқа “Ойдин” газетасининг корректурасини текшириб, техник хатоларини тузатардим. Абдусодиқ Ирисов мудир эди. Журналист Нодирхон ака, доктор Ҳабибулло Қодирӣ ва бошқа адабий ходимлар ҳам бор эди. Зиё Эмин ҳар бир ишга масъул бош қотиб эди. Сўнгра газетага Мели Жўраев, Тўлқин Рустамлар ҳам мудирлик қилишди.

ТЎЛҚИН РУСТАМ

Бир куни соат 17 да Нодирхон ака газетанинг техник томонларини кўришим учун бериб кетди. Беш яримда ҳамма идорадан чиқиб кетади. Мен ҳам чиқиб кетдим. Эртаси соат 9 да Нодирхон ака келиб:

– Ўқиб бўлдингизми, – деди.

– Йўқ, ҳозир келдим.

Ярим соат ўтар-ўтмас Мирвали келди.

– Ўқиб бўлдингизми, – деди.

– Йўқ, ўқияпман, – дедим.

Мирвали қайтиб келиб, Тўлқин ака чакиряпти, деди. Тўлқин аканинг хузурига кирдим.

– Қанчалик иш ўзи, ҳали ҳам бўлгани йўқми? – деди. – Юқоридагилар сизни ишлатишимни хошлашди.

Қайтиб чиқиб корректурани олиб, Тўлқиннинг олдига қўйиб:

— Мен сизнинг хизматчингиз эмасмен, — деб чикиб кетдим. Газетани ўзлари ўкиб, ўзлари чиқарди. Зиёжон ака:

— Хафа бўлманг, сиз ҳукумат ишчисисиз, — деди. Газета чиқди. Зиёжон ака:

— Газетани ўқинг, қандай чикибди? Хатолари бўлса, ишора-белги қўйинг, — деди. Газета мингдан кўп имло хатоси-ю, босма хатоси билан босилиб чикибди. Уни почталаш тўхтатилди. 5000 нусха газетани боғчада ёқиб юбордилар. Хоразмнинг эски волийси “Ойдин” газетасининг мудирини Тўлқин ишдан олинди.

МЕЛИ ЖҶРА

Газетага Янги мудир бўлиб келди. Яхши одам эди. Касал бўлиб ишдан кетди. Бу одам “Умрим дафтари» номли асарида менинг ҳақимда илиқ гаплар айтибдур.

МИАД ҲАКИМ

Газетанинг янги мудирини бўлиб келди. Бу одам билан ҳамкорлигим 1983 йилгача сурилди.

ТУРСУНХҶЖА

Дўстлик жамиятининг Раис ўринбосари бўлиб келди. Ҳовлиқма одам экан. У ҳам тепадан туриб гапириб гашимга тегди. У ҳам ўз боши билан даф бўлди.

ЖАМОЛИДДИН

Жамолиддин Ҳамдам “Ватан” жамиятига секретар бўлиб келди. — Жўрабек, чет элдаги ватандошларга оид бир каталог тузмоқчимиз. Ёрдмингиз керак. Каталогда шундай маълумот бўлиши лозим. Ўзбекистоннинг қайси шаҳрида, қайси маҳалласида, қачон туғилган? Чет элга нима учун, қайси соатда кетиб қолган, нима иш билан машғул, тахсил даражаси қандай? Нималарни яхши кўради, кашандалиги борми, яхши яшашни орзу қиладими, пулни яхши кўради, хотинларни яхши кўради? Сиёсий, диний ақидаси қандай? Мен Жамолиддин акага:

– Бу гаплар сиёсий идорага оид-ку. Биз маданият идорасида ишляпмиз-ку, – дедим. Ҳайрон бўлиб хузуридан чиқиб кетдим. Бир ҳафтадан сўнгра хузурига чақириб, ёзпасизми, деди. Мен:

– Жамол ака, соғлиғим яхши эмас, хабарингиз бор. Қон босимим баланд, – дедим.

– У ҳолда, ҳар куни бир кишини ёзинг, бу жуда зарур иш. Юқоридан талаб қилинмоқда деди. Мен:

– Кечирасиз, соғлиғим ярамайди, – дедим.

– У ҳолда, сизга секретар тайин қиламиз. Сиз айтиб тулинг, котиб ҳар куни бир кишини ёзиб олсин, – деди. Чиқиб кетдим. Бир ҳафтадан кейин Алихон Тўранинг на-бираси Абдулаҳад “Сизга котиб керак экан. Бошлиқ мени тайин қилди” деди. Индамадим. Яна бир ҳафтадан сўнг Аҳаджон Жўрабек, анови ишни бошламаймизми? Бошлиқ қани иш? – деб, мени танг аҳволга қўймоқда, деди. Жўрақори касал, қон босими бор, ўлиб қолса, маълумот ололмай қоламиз, демоқда. – Майли, ўзим у билан гаплашаман, – деб ўрнимдан турдим. Бошлиқ қабулхонасига кирдим. Бу гал у мени ҳам, чет элдаги ватандошларим-ни ҳам ҳақорат қилди. Мен ҳам беадабона гапига яраша жавоб қайтардим. Икковимиз муштлашиб кетдик. Ўзи йиқилдими, мушт зарбасидан йиқилдими, биллолмай қолдим. Ён хонадагилар келиб ажратиб қўйишди.

– Қараб тур, ҳали ўғлим келиб боксёрликни сенга ўргатиб қўяди, – деди.

– Сенга ҳам лаънат, ўғлингга ҳам лаънат! – деб хонам-дангина эмас, идорадан чиқиб кетдим.

Икки кундан кейин Зиёжон ака:

– Жамолиддинга юқоридан бундай таълимот берилма-ган экан. У раҳбарликдан кетадиган бўлди, – деди.

ОЙҚОРЛИ

Асли исми Баҳром Иброҳимов, чет элдаги исми Маҳмуд Ойқорли бир куни хотини Кимёхон билан гул кўтариб, уйимга табриклагани келишди. У киши илон изидан ном-ли китоб муаллифидир. Унинг “Махсус топшириқ” номли

видеофильми ҳам бор. У асарларида муфти Садриддин, Шермат қўрбоши, шунга ўхшаш зиёли ватандошларни қоралайди. Бир куни, аслида, у полковник экан, у:

– Уйланинг, рус кизларидан топаман. Шундай қилсангиз, рус тилини қулай ўрганиб оласиз. Мамлакатнинг расмий тили русча бўлгандан кейин, расмий тилни билмаслик катта камчилик, – деди.

Шундан кейин ўйланиб қолдим. Уйланмасам, томир отиб қолиш ниятида эмас экан-да, деб шубҳа қилишади. Бу одам айтганидек, рус кизига уйлансам, рус агентига уйланган бўламан. Бу икки ҳолдан қутилиш учун уйланмок керак экан, деган қарорга келдим.

УЙЛАНИШ

Бировдан биров сўраган экан:

– Манзилингиз қанақа?

Жавоби шундай бўлибди:

– Ҳўжа Азимбойнинг ноғорасига қўшни бўламен. Биринчи хонада Ҳўжа Азимбойнинг холазодаси Чингиз Иброҳим ўлтирса, чап томонимдаги учинчи хонада Мулла Тўйчи ҳофизнинг набираси ўқитувчи Ҳусайн Тўйчиев ўлтирарди. Ўнг томонимдаги қўшним ҳам қиз топди. Чап томонимдаги қўшним Ҳусайн Тўйчи ҳам қиз топди. Ҳусайн топган Мукамбар Иброҳимова кимёгар билан сўзлашдим. Имом никоҳига КГБ қаршилиқ кўрсатди.

– Нима учун?– десам, – томир отиш қийин бўлади.

– Камбағал демокчимизсизлар? – десам, “Ҳа” жавоби бўлди.

– Бу мамлакат кимники? Ишчиларникими?– десам, “Ҳа” дейишди. – У ҳолда мен ҳам камбағалмен. Отам бой эди. Мен эмасмен. Мен сиёсий бирор монелик борми? – дедим.

Ҳамма сукут қилди. Сукут – аломати ризо, деганларидек, кейинчалик Мукамбархон Пирмухамедова “Мукарам Бўтакўз” бўлиб ўзгарди.

ВАТАНДОШ

Чет эллардаги ватандошлар билан маданий алоқалар борган сари ривожланди. Қиёмат дийдорига қолган жигарлар бир-бирлари билан топиша бошладилар. Бу ҳаракатлар натижасида оз бўлса-да, энди чет элга битта-яримта турист чика бошлади. Бу инқилобий воқеаларнинг шов-шуви дунёнинг узоқ-узоқ мамлакатларига ёйилди. Хитой эса, чет элга кетиб қолган уйғур дўстларимизга Уйғуристонда ташлаб чиққан мол-мулкларига эга чиқиб, сотиб, пулини олиб, қайтиб чет элга чиқиб кетишларига-ча ижозат берди. Дунё ўзгарди. Ичкарида эса, маданий алоқаларнинг бир чекаси ўз миллий манфаатимизга ҳам мос тушиб қолди. Бу гўзал фурсатдан фойдаланиб ўзбек улусининг манфаат улушини қўпориб қолишда камина чапдастлик қилган эдим.

ХУСАЙН ТҶҲЧИ

Чет элдан олиб келган олтин нарсаларимни қўшним — ўқитувчи Хусайн Тўйчиевга сотмоқчи бўлиб бердим. Бирор-бир сиёсий тухматга қолишдан илгари сотиб юбормоқчи эдим. Чунки Москвада таможнийда баён қилдирмади. Ҳожати йўқ, деганди мистер Лигин. Мана энди олтинларимга таможний баённомаси йўқ. Шунинг учун олтинларимни қўшнига берган эдим. У киши тахминан уч кун уйига келмай, укаси Ғайратникида қолди. Уйга келгач, бошимга бир бало бўлди, энди аста-секин олтинларингиз пулини бериб юбораман, деди. Шу бўйи бермай кетди. Қиссадан ҳисса: бировга ишониб бўлмайди.

КЎРГАНЛАРИМ

Тошкентда борган сари коммунизмнинг ёлғон ваъдаларини социализмдан амалда асар йўқлигини, инсон ҳақлари оёқ ости бўлаётганини кўра бошладим. Далил келтириш керак бўлса, халқ кўркув ичида — тили бошқа, дили бошқа. Ҳеч ким ўзининг сўзига ишонмайди. Мунофиқона ҳаёт. Ерли халқ ўзи оғир аҳволда. Бир-биридан ўзиб улуг миллатчилиқни қувватлаб-қўллайдилар. Бу йўлда муста-

бидларга содиқ малай бўлиб қолиш учун айримлари исмларини ҳам ўзгартирганлар. Жамиятнинг раис ўринбосари Абдуфаттоҳ бўлган отини Фёдор қилиб олибди. Яна жамият раисларидан онаси Иқбол деб қўйган исмини Имина қилиб олган экан. Лекин ўзбеклигига фахрланган тегирмон тошини елкасида кўтариб, миллий мағлубиятини йўқотмай, қўлидан келганича ўз халқининг миллий умрини узайтириб юрган миллионлаб қаҳрамонлар ҳам йўқ эмас эди, албатта. Аслида ўшалар эди Ўзбекистонни Ўзбекистон қилиб турган. Улар ҳақидаги қувончимни бировки мисра билан ифодалаб бўлмайди.

СОҒЛИК

Халқ соғлиги масаласи қониқарли эмас, юқори табақлар учун биринчи, иккинчи, учинчи номли касалхоналар бор. Учинчи, тўртинчи табақа одамлар касалхоналарида камчиликлар кўп. Бу ерда ҳам ришват ривожда. Коммунизм ваъда қилган синфсиз жамиятнинг тескарисини ҳар қадамда кўринади.

ЭКОНОМИКА

Экономика томони ҳам яхши эмас. Ойликлар оз, одамлар зўрға кечинади. Айтиш керак бўлса, энг яхши томони уйи йўқлар уй билан таъминланар экан. Ер ости, ер усти бойликлар таннархида Москвага жўнатиларкан. Ер – давлатники, давлат – мустабидларники. Полвон машиналарда қазиб олинган ашёга қазиб чиқариш ҳаражатинигина хисоблаб, олиб кетаверарканлар. Таннархи шу бўлди, деб Москвадан юбориларкан. Улар бу қимматли хом ашёларни халқаро нархда сотади. Ер усти бойликлари ҳам шу услубда. Мисол учун, узум 18 тийин. Қоғоз пулга олиниб Москвага кетаверади. Пахта ҳам шундай. Таннархига олиб кетилаверади. Таннархига олиб кетилган хом ашёга спонсорли саноат молларидан жуда оз миқдорда юбориб қўйилади. У ҳам юқори табақага мансуб кишиларга берилади. Ўз-ўзидан савол туғилади: Қани социализм, қани синфсиз жамият? Сўзлар китобда бор, амалда йўқ.

МАТБУОТДА ТАНҚИДИЙ ФИКРЛАР

Чикмайди. Социализм мақталади ва мақталиши керак. Ҳар бир идоранинг бошлиғи ерли халқдан, уринбосарлар мустабидлардан. Буйрукни бошқа халқ беради, ерлик бошлиқ курук савлат. Идоралардаги ходимларнинг ҳам ярми сиёсий идора одами. Ҳар бири ўзини КГБнинг одами деб билади. Бошқасидан хабари йўқ. Коммунизм отли рус партиясига ҳам таълимот КГБдан келмоқда экан. Демок истайманки, ерли улусда озодлик йўқ, шунинг учун бўлса керак, ўн етти йилда Ўзбекистон коммунистик партиясининг биринчи котиби Шароф Рашидовнинг юзида кулгу у ёқда турсин, мийиғида кулимсирашни ҳам кўрмадим. Уйлайманки, у одам ўзбек халқига бўлаётган оғир зулмни пайкаб, кўриб турган.

КГБ

Ҳар ўн беш кунда КГБ идорасидан қўнғирок қилиб:

– Жўра ака, фалон жойда сиз билан учрашайлик. Маслаҳат қиладиган гаплар бор эди, – дейишади. Тошкент меҳмонхонасида, Шарқ меҳмонхонасида, Ленин майдонида, офицерлар клубида, Анхор каби турли-туман жойлар адресини бериб чақиришар эди. У ерларда соғдан-сўлдан гапириб, янги хабар олишга ҳаракат қилишар эдилар. Айниқса, мени бирор илмокқа тушириш ниятлари бўлса керак. Ёки мени контрол қилмоқда. Бу одамларнинг барчаси ўзбек. Юрт ўзбек юрти, таълимот эса, боскинчиларники эди. Бу кўрқинч аҳвол мени касал қилди. Учрашувдан кейин сиқилиб, уч кун-уч кун ўзимга келолмай юрар эдим. Энди сал дам олдим дегунча, яна бошқа чақирик. Бу ярамаслик мени чет элга қайтиб кетишимга туртки бўлди.

Паспорт мақомлардан ижозат сўрадим. Чунки Тошкентда ватандошлиғи йўқ, деб ўлтирма ижозати берган эдилар. Шунини олишга ўзим ҳам мажбур бўлувдим. Бу воқеадан бир йил ўтгандан кейин консул паспортим муддатини узайтириб берди. Ариза берганимга икки ой тўлганидан кейин “ижозат йўқ” жавоби берилди. “Энди қачон ариза берила-

ман” десам, “бир йил ўтказ” дейишди. 360 кун тўлишини ҳар куни ҳисоблаб турдим. 360-359-358 кун қолди қаби, ҳар куни бир кун қамайтириб ҳисоблардим. Бир кун менга минг кун эмас, минг йилдек узок туюла бошлади. Чунки ифода қилиш мумкин бўлмаган даражада сиқилиб қолдим. Шу зайлда ўн етти йил истикомат қилдим. Очиқроғини айтсам, маънавий қамоқда эдим. 50 километрдан ташқарига ижозатсиз чиқиш мумкин эмас эди. Шунинг учун ўз юртимни айланиш учун ижозат оламен деб бу етти йил ичида Тошкентдан ташқари чиққаним йўқ. Тангридан бошқа сирдошим йўқ эди. Зиёжон ака:

– Жўрабек, бироз сиқилган кураман сизни, – деди. – Истасангиз, Мозори шарифга қочоқ йўл билан юборайлик, – деди. Ўйлаб қарасам, Зиё акага руслар шундай таълимот берган. Бир томондан, мени вертолёт билан чекка бир жойга туширадилар-да, гўё озод қилган бўладилар. Иккинчи томондан, Афғондаги ўз жосусига таълимот бериб, мени ушлатиб қўядилар. Бир умр афғон қамоғида ётиб чириймен. Мен:

– Йўқ, эй Зиёжон ака, қайтиб Тошкентга келиш кийинлашиб қолмайдими? – дедим.

Бир муддатдан кейин яна бир катта расмий шахс:

– Жўравой, сиқилган кўринасиз. Айрим одамлар билан таништириб қўяйлик. Кимни, қанақа одамни десангиз, масалан шоир Эркин Воҳидов билан таништириб қўяйликми? – деди.

Бу галги ниятлари мени Эркин Воҳидов орқали илинтирмоқчи. Ёхуд мен орқали уни қамоққа олмоқчи бўлдилар.

– Қани, уйлаб кўрай, мен ўзим сизга айтаман, – дедим.

Яна бир куни расмий бир каттакон:

– Совет ватандоши бўлинг. Ҳамма иш тайёр, шундан кейингина сизга муносиб юкори мақомдан хизмат берамиз, – деди.

ҚОБУЛ

Афғонистонда инкилоб бўлди. Довудхон муҳолифлари советлар ёрдамида Дермазанг қамоқхонасидан танк-

ларга олиниб, аркни келиб ўрайдилар. Отишма чиқади. Анча одам халок бўлиб кетади. Маҳмадхон Жалоллар юқори таълимотга кўра, ҳаётда қолади.

АФҒОН САФАРИ

Шу воқеа руй бергандан кейин профессор Воҳид Зоҳидович мен билан учрашиб:

– Сиз Афғонистонга юборилсангиз, совет ҳокимиятига қандай фойда бўлиши мумкин? – деди. Мен:

– Жуда кўп фойдаси бор, мен Қобулга бориб, советларни на мақтайман, на ёмонлайман. Шунинг ўзи кифоя қилади. Қаранг-а, совет иттифокида демократия бўлмаса, ўн етти йилдан кейин Жўра қори чиқиб кела олармиди? Ана Қобул куча-кўйида ғоз юрибди-ку, дейишларининг ўзи кифоядур, – дедим.

– Жўрабек, мана шу фикрингизни тафсилоти билан ёзиб беринг, – деди у. Қўйидаги мактубни ёзиб бердим.

ТУШУНТИРИШ

Чет эл саёҳатига оилам билан бирга чиқиб, камида уч ой юриб келишга мени нималар мажбур этмоқда. Биринчидан, ўн беш йилдан бери сурункали равишда бир жойда туриб қолиш ўз-ўзидан табиий ҳолда айланиш, қариндошлар, қадрдонлар билан кўришиш орзусини келтириб чиқармоқда. Иккинчидан, Саудия Арабистонидаги сингилларим билан учрашмаганимга ўн беш йил бўлиб қолди. Улар билан учрашиб ҳол-аҳвол сўраб, оилавий ўзгаришларни баҳам кўриш инсоний бурчим бўлиб турибди. Чунки ҳар иккисининг ҳам оиласида ўлим каби хафагарчилик ва хурсандчилик келтирувчи воқеалар рўй берди. Уларда иштирок этиш ҳар жиҳатдан бир зарурат эмасми? Учинчидан, Туркиядаги қариндошларимда ҳам оилавий ўзгаришлар бор. Айниқса, тоғам оғир касал. Ҳаётлигида кўришиб қолиш муҳим, зарурат бўлиб турибди. Акс ҳолда, болалари билан муносабатларим совиб кетса керак. Тўртинчидан, хоним болаларни бирга олиб бориб, Саудиядаги, Туркиядаги, Германиядаги, Америка-

даги, Афғонистондаги кариндошларим, кадрдонларимга танитиб, улар ўртасида кариндошчилик ришталарини куриб келмоқчиман. Бешинчидан, ўлда-жўлда қолиб кетган пул омонатларим бор. Уларни имкони борича ундириб олиб келиб, турмуш шароитимни янада яхшилаб олмақчи эдим. Айниқса, бир неча юз жилд хилма-хил китобларимни яхшилик йўлида аҳил кишиларга тарқатиб юбориш ниятим бор. Олтинчидан, хоним ва болалар билан бирга чиқишимнинг яна бир муҳим сабаби борки, қайтишда у томондан олиб келинадиган баъзи бир майда-чуйда совғаларни чегарадан олиб ўтиш қулай бўлади. Ёлғиз ўзим худди бирор расмий вазифа билан боргандай кўринмоқчи эмасмен. Ёлғиз борсам, у томондаги ватандошлар орасида нега оиласини бирга олиб келмаган, деган ҳаёл туғилиб, миш-мишлар тарқалиш эҳтимоли йўқ эмас. Еттинчидан, анчадан бери касалман, зора саёҳатлар натижасида тузалиб кетсам деган кучли умидим бор. Саккизинчидан, айрим кекса кадрдонларим дунёдан ўтиб, ёшлар эса, каттайтишиб, ватандошлар орасида ҳам социал ўзгаришлар бор. Муқаддас бир мафқуранинг дохийси бўлганим учун ўзгара бораётган аҳволнинг ичида бўлолмасам-да, яқинида бўлиш лозим эди. Ҳолбуки кундан-кунга купрок бегоналашиб бормоқдаман. Бу кайфият давом этаверса, у томонларда юрита олган тараққийпарвар фикрларим сўна бошлайди. Майдон ёлғизгина кўрбошинамо аҳмоқларга қолади холос. Нетайким, шундай кўриниш ҳам йўқ эмас. Моддий фидокорлик маънавий заҳматлар натижасида айтарли даражада ундай разилларнинг нуфузи қирқилиб, кўчага чиқариб қўйилган эди. Ана ўша меҳнатларимнинг кўз олдимда зое бўлаётганидан афсусланаман. Шундай дадил айтиладиган муваффақиятларга эришиш учун юз мингларча маблағ сарфлаган эдим. Шунини айтиш ўринлики, моддий фидокорлигимни қоплаш учун ҳеч кимдан, ҳеч қанақа ташкилотдан ёрдам олган эмасмен. Ана шундай холисона ишларда ҳеч кимдан хидоят ҳам олган эмасмен. Ҳеч қанақа таъма ҳам йўқ эди. Тўққизинчидан, шунинг учун чет эллардаги тараққийпарвар ватандошларнинг лидери ҳукмрон эмас. Лекин яхшию ёмон орасида хурмати

бор, савиясига эриша олган эдим. Ўрнимни ҳеч ким тулдир олмади. Мафкурадошларим турган жойларидаги қонун ижтимоий шароит ижобий ижтимоий шароитдан ижобий фойдаланиб томирга кўра, тактика қўлланиб, ўзларини муҳофаза қилиб, кучая бориш у ёқда турсин, маданий жасоратдан маҳрумлик оқибатида, менга, фикрларимизга бўлган ихлосини кўркиш натижасида қамайтириб, жон саклашга урина бошладилар. Жону кўнгилдан севган уйларида узоклашиш мажбуриятини сезганлар бор. Гўшанишин бўлиб қолган, ярим динли бўлиб, аянчли аҳволга тушиб қолган ватандошлар бор. Сизга мафкурадош бўлганим учун катта қийинчиликларга қолдик деганлар қарши жабҳага ўтиб кун кўрганлар йўқ эмас. Моддий маънавий зарар кўрдим, деб қочиб кетаётган дўстларим бор. Шундай аҳволни кўриб туриб, инсоф юзасидан айтганда, бечора фикрдошларимга етиб бориб, далда бериб, уларни қийин кўринишдан қутказиб, эскисидай кайфу чоғлик, умид, тетиклик беришим лозим. Акс ҳолда мафкуравий муҳолифларимизга яшил чироқни ўзимиз ёкиб берган бўламиз. Юқоридаги ачинарли кўринишнинг сабаби бита, у ҳам бўлса, мен илгаригидек қачон, қайси томонга бориш ниятини қилган ҳамоним хилма-хил мамлакатларга бориб тез-тез ватандошлардан ҳол-аҳвол сўраб, уларга она юртлари совет Ўзбекистонидан хабарлар тарқатиб, унинг муборак ҳидини ташиган асарлар етказиб бериб, уларга янги руҳ бахш этиб, муборизага отлантира олмай қолдим. Негадир, Тошкент паспорт идораси саёҳатларимга қулайлик кўрсатаётгани йўқ. Бу ҳол фаолият майдонида сийрак кўринишимга сабаб бўлмоқда. Бундай кайфият ватандошларда шубҳа туғдирмоқда. “Жўра қоримизнинг бирор муҳим сиёсий ифлослиги бор экан-да, совет иттифокига бориб, роҳат ётиб олди” сингари миш-мишлар тарқатилмоқда. Яъни ишонганимиздек, фикрларида мустақил эмас экан-да, деб шарафу обрўйимга путур етказмоқдалар. Мен доимо фикрда мустақилман. Кимсанинг ойликхўри ҳам эмасмен. Совет иттифоки билан дўстлик дунёкарашларимизнинг бири-бирига ўхшашлигидан келиб чиқмоқда. Ҳамда азиз юрти-

мизнинг порлоқ истикболи ҳам шуни тақозо этади. Мен ҳали ҳам ўша мулоҳазаларда устувор турибмен. Анигини айтганда, мен ҳўжакўрсин социалисти – текнократ социалисти эмасман. Самимий, ҳақиқий, идеал туйғулар асосида социализмга ишонган бир сўфияман. Лекин, минг афсуски, муқаддас орзуларимга доғ тушмоқда. Тошкент паспорт идораси томонидан менга қарши раво кўриладиган бепарволик ёлғиз менгагина эмас, мен севиб туз-намакиги еб турган инсонпарвар совет иттифоқи жамиятига ҳам ўрнини тўлдириш қийин бўладиган ҳаётий зарар етказмоқда.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

Чет эл саёҳатимга моне бўладиган айрим мулоҳазалар борга ўхшайди. Мисол учун, чет элга борилса, у томондаги ҳукуматлар ушлаб сўроққа тортишмасмикин? – деганга ўхшаган. Ҳаргиз бундай бўлмайди. Чунки жавобгарликка тортиш учун қонуний баҳона керак. Ана шу баҳона уларда йўқ. Маълумки, полис мақомларининг мулоҳазалари қонун ўрнида эмас. Бир бўхтон ўрнида юради. Қонуний масъулияти бўлмаган кишини сўроққа тортиш мумкин эмас. Негаки, полис ҳаракатлари адолат назоратидан четга чиқолмайди. Адлиядан қарор чиқмай туриб, полис ўз мулоҳазаси билан асоссиз равишда ҳеч кимни эркинликларидан маҳрум этолмайди. Ҳамда шуни айтиш керакки, адолат томонидан маҳкумияти бўлмаган тақдирда, полис мақомлари қанча ёмон кўрса-кўрсин, ҳеч кимни, ҳаттоки, режим муҳолифи бўлса ҳам, чет элга чиқишга моне бўлолмайди. Айниқса, чет элда кечимини таъминлаган бўлса, мен эса, чет элда кечими таъминланганман. Бу хусус Урдундаги меҳмонхонам асосида Урдун ҳукумати томонидан берилган. Урдунда истиқомат қила билиш мутааттит визаси бор, йилда бир неча бор кириш-чиқиш ижозаси бор, деган Урдун ҳукуматининг расмий ҳужжатига кўра, Аммондаги туркия консулхонаси китобида Урдунда отелчилик тижоратларида иштирок этмақдасин, деб қайд этилган асосларга кўра, мен орзулаган вақтимда йил-

да бир неча бор Туркияга бориб, паспорт макомларидан рухсат сўрамасдан, уларга учрамасдан, тўғри чегарага бориб, кичкина анкетани тўлдириб чиқиб келар, яна шу тахлитда бораверар эдим. Йилда бир бор Саудия Арабистонига бориб ҳам зиёрат, ҳам тижорат қилиб келар эдим. Бошқа мамлакатларга ҳам Туркия паспорт макомларидан сўрамасдан бораверар, келаверар эдим. Ана ўша очик қонуний кайфият бугун Аммондан Тошкентга кўчган холос. Юқоридаги қонуний асосларга мувофиқ кўлимда бутун дунё учун мўътабардир, деб ёзилган, хорижда кечими таъминлаган деб тасдиқланган паспортим бор. Шунинг учун, ишончим комилки, ҳеч қанақа гуноҳим йўқ.

Кези келганда шуни эслатиб ўтайинки, чет эллардаги фаолиятим она юртим гўзал Ўзбекистон ҳақида бўлган холос. Бошқа мамлакатлар ҳақида фикрни ўлчаб юритганмен. Турк ватандошлари, араб мамлакатларида, Америкада, Европанинг мухталиф ерларида ишчи сифатида юришибди. Шуларнинг йилда бир икки марта Туркияга бориб келиши табиий хол. Улар сафарлари тўғрисида ҳеч кимдан сўраб ҳам ўтирмайдилар. Мен ҳам ана шулардан бири ҳисобланаман. Бу ўринда бир фавқуллодлик йўқ. Қонунда совет ииттифоқига бориб туриб қолинмасин, у ерда ишланмасин, деган модда ҳам йўқ. Юқоридаги очик қонуний кайфиятда мени суруққа тортишлари мумкин эмас. Сайру саёҳатимга моне ҳам бўлолмайдилар. Айниқса, хорижда кечими таъминланган кишига моне бўлиш учун фавқуллод қонуний сабаб асосида чиқарилган адолатнинг ҳукми керак бўлади. Демак мавжуд қонунлар асосида жавобгарлигим йўқ. Ҳамда мен уларга керак ҳам эмасмен. Соғлигим йўқ. Ёшим пенсия ёшига яқин. Хунарим йўқ. Тарбиям бўлса-да, таҳсилим йўқ. Ёзувчи эмасман, маддоҳ эмасман, айниқса, можаро-параскарон фаолиятларга таъма-ҳавасим йўқ. Ўз олдимга тижорат қилиб, кечиниб қолиш учун ҳаётда орттирган капиталим йўқ. Жисмоний меҳнат қобилияти йўқолган, раҳму-шафқатга нафақат муҳтож, балки дарвешмен. Мана шундай аҳволда Тошкентдаги иссиқ уйимга ўзим ёқтирган ишимга қайтиб келмай, қаёққа бораман. Менга

ортик у томонларда ўрин йўк. Фурсатдан фойдаланиб, ажойиб аклу идрок соҳиби, гўзал табиатнинг гўёси, инсон отлик азизу мукаррам махлуқни сева билиш културини ҳимоя қилиш, назокатини, завқини ўзида сезган давридан халқ олқишини олган инсофли инсон фазилатларига мос арбоби бастур кушоларга қалби салом ила хурматларимни билдираман.

Биёваред гар инжо забон дони бувад,
Ғариби шаҳри суханхойи гуфтани дорад.
(Келтиринг, бу шаҳрда тил билгувчи бўлса гар,
Шаҳар ғарибининг унга айтадурғон гаплари бордур.)

САЁҲАТ ИЗНИ

Қобулга оила аъзоларим билан бирга бормоқчи эдик. Мукамбархон билан кичик боламизга ижоза чиқмади. Ноилож катта қизим Севим, ўғлим Элдор, ўзимга изн чиқди. Чамаси, у замон Афғон эмнияти совет кўлида эди. Шунинг учун бўлса керак, афғон визаси олиш керак бўлмади. Ҳаво майдонида устод Мизакалон Исмоилий, катта ўғли Фаррухжон у замон ҳаёт эди. Бизникига Валихон ака, доктор Абдусодик Инс, Сирожиддин Нурмухамедов, доктор Илёс Фозиловлар келишиб, ҳаво йўли билан Қобулга бизни кузатиб қўйишди. Таможний молиясидан, чегара постидан ўтдик. Самолёт пиллапоясига борганда рус офицери:

– Ўзингиз кета оласиз, болалар совет ватандоши. Уларга қандай ижозат беришдийкин, мен бир суриштирайин, – деб тўхтатиб қўйди. Бирпасдан кейин келиб, Йўқ, янглиш иш бўлган, болаларга мумкин эмас, – деди. Демак, сиёсий мақомлар кейинча пушаймон бўлиб болаларнинг изини бекор қилишган. Болаларнинг уст-боши мен билан Қобулга кетди. Болаларни эса, Тожиддинга топширдим. Тожиддин болаларни уйга олиб борса, Мукамбархон майдондан келмаган экан. Синглиси уйда экан, унга топшириб кетибди. Мукамбархон уйга келса, Қобулга кузатиб қўйган болалари уйда ўлтирибдур. Мукамбархон хушидан кетиб қолади. Синглиси:

— Опа, ўзингизни тутинг. Ўз болаларингиз, буларга саёҳат мумкин эмас экан, деб айтиб кетишди, дейди.

САМОЛЁТ

Хафагарчиликдан йўлда қон босимим ортиб кетди. Қобул ҳаво майдонига секин-секин юриб, ҳаммадан кейин тушдим. Мени 25-30 чоғли дўстларим кутиб туришган экан. Улар ўйлабдур: бир ҳафта олдинги самолётдан Ҳожи Мирзонинг ўлиги тушувди. Қорининг ҳам ўлиги тушади, шекилли, деб. Ташвишланибдурлар. Шоғулом катта зиёфат таркиблабдур. Тоғам билан кўришмадим, десам:

— Кўришдингиз, ҳозир келадилар. Чамадонларингизни отелга олиб кетдилар, — дейишди.

Тоғам Кандаҳордан келиб, ҳаво майдонида мени кутиб турганлар орасида эканлар. Қон босимидан у кишини танибмабмен. Чамадонларимни у унутибдурмен. Чамадонларимни ҳам унутибдурмен.

КОБУЛДА

Меҳмондончиликлар бошланиб кетди. Абдурауф Мақсудийнинг отаси Қори Мақсуд, поччаси Одилжон, Ҳамидулла Чигатойлар, Пўлатхон, яна бошқалар меҳмондорчилик қилишди. Шоғулом эса, яна шаҳардан ташқаридаги боғида катта зиёфат берди. Совет элчихонасининг биринчи котиби Суннатулла Алимов уйида меҳмон қилди. Савр инқилобидан ҳамон бир ой кейин борган эдим. Бўлган воқеаларни арқдаги отишмаларни Маҳмадхон Жалолларнинг банюга саклаб қўйиб, саломат олиб қолганлигини, Маҳмадхон эса, Америка тарафига кийинчилик турганини айтди. Мен раҳмат, ватандошимизни саклаб қолибсизлар, дедим. Энди у Америка тарафга майлланса нима бўларди? Қўлидан нима келади? Бирон нарса зарар етказманглар, халоскор бўлиндими, халоскор бўлиб қолаверинглар. Бу советлар учун ҳам, бошқалар учун ҳам тарихда бир шараф бўлиб қолади, дедим.

ЖУЗЖОНИЙ

Янги ҳукуматдаги адлия министри Абдулҳаким Шайраий Жузжоний адлия вазири бўлибдур. “Юлдуз” газетасининг мудир Эмин Учқун орқали салом йўлла:

– Жўра қори бойларнинг уйига тушибдур. Ҳукумат номидан у кишига отелдан ер айирайлик, ҳукуматнинг расмий меҳмони бўлиб турсин, – деб таклиф қилибдурлар.

– Менинг бирор расмиятим йўқ. Мен Камолиддин хўжанинг бой бўлгани учун эмас, дўстим бўлгани учун уйларидамен, – дедим.

Бошқа бир куни Учқун вазирсоҳиб бир учрашайлик деб таклиф қилмоқдалар, деди. Адлия вазирлиги дорилонда экан, бориб кўришиб, аҳволлашдим. Вазир Жузжоний жаноблари Жўра қори “Амударё” шеъримни Тошкент матбуотида чиқишига моне бўлган эдингиз. Жуда яхши бўлган экан. Уйимни текширганларида ёлғиз сиз ишлаётган идорадан Қурбон исмли шахсдан битта хат бор эди. Қамалишимга ана шу саломнома кифоя қилди. Агар сиз орзу қилганимдек, шеъримни чиқарганингизда бугун ҳаётда йўқ бўлар эканман. Бунинг учун сизга ташаккур бурчим бор, – деди.

Ҳақиқатан, Жузжорний уша шеърини менга Зоиршо даврида юбуровди.

– Йук, бу шеър баҳона бўлиб, афғонлар Жузжонийга зарба беради деган эдим.

Зоиршо йиқилиб, Довудхон ишбошига келганида ўша шеърни Жузжоний яна менга юборди. Энди вақтли келгандур деб, бу гал ҳам нашр қилинишига моне бўлувдим. Ҳали Афғонистонга демократия келгани йўқ. Бир оиланинг икки аъзоси бир-бирига иқтидорни алмаштирдилар, холос, деган эди. Кейинчалик коммунистлар иқтидорга келганида бу шеърини Жузжоний биров кўшимча қилиб, рус элчихонасига ўқиб берибдур. Тошкент радиоси шу шеърни радиода ўқиб беринг дейишди. Мен кейин кўшилган калималарни олиб ташлаб ўқиб бердим. Сўнгра мени радиога чақириб:

– Жўра қори, шеърни матнга кўра ўқимабсиз дейишди.

— Мукаммал ўқиш афғон ҳавосига тўғри келмайди, — дедим.

ҲИРОТ

Тоғам Камолиддин бир кофила бўлиб, Кандахорга жўнадик. Ғазнида Абу Райҳон Беруний қабрини зиёрат қилиб, у ердан лашкаргоҳга бориб, 1930 дан 1950 гача афғон ҳукумати томонидан сургун қилинган, у ернинг об-ҳавосига ўргана олмай, ишсизликка чидолмай, хорликда ўлиб кетган ўн мингларча ўрта осийлик юртдошларимни эслаб, руҳини шод этдик. Сўнгра Ҳиротда улуғ ўзбек мутафаккири Алишер Навоий қабрларига бориб, Қуръон тиловати ва дуои фотиҳа қилдик. Ҳусайн Бойқаро қабри қаерда экани маълум эмас экан. Абдурахмон Жомийнинг маънавий хузурларига бориб, таъзим бажо келтирдик.

ҚОБУЛГА ҚАЙТИБ

Афғонистонда ҳаммаси бўлиб 56 кун қолдим. Давлатбой туркманга учрамадим. Кўчада кадрдоним Холхўжага дуч келдим. Ул жаноб пок инсон эди. 1950 йилдаги Қарачидаги туркистонликлар жамиятида бўлган арбадада у киши ҳам бўлган эканлар. Қачон учрашиб қолсак:

— Жўравой, мен сени урганлардан эмас, мендан хафа бўлиб юрмагин, — деб қўяр эдилар. Қундузга саёҳат максадида Шоғулом раҳбарлигида бормокчи эдик. Қундузда ўзбек ёшлари тутилиб қамалмоқда экан. Шунинг учун орзуимиз муносиб кўрилмади. Шу муносабат билан тўғри мазори шарифга ҳаракат қилдик. Ҳайратон портидан тоғам Ғафуржон қори, Одилжон, Камолиддин акалар кузатиб қолишди. Термизга кемада ўтдим. Жамият томонидан Бемуродов кутиб олди. Самолёт билан Тошкентга қайтиб келдим. Асл ниятим Қобулдан Истанбулга кетиш эди. Болалар Тошкентда қолгани учун қайтиб келишга мажбур бўлдим.

КИТОБ

Қобулда чет элдаги шоир ватандошларим шеърларидан намуналар ёзиб олувдим. Тарих ардоғида сақлаб

колиш ниятида уларни китоб ҳолига келтирдим.Китоб профессор Воҳид Зоҳидовнинг кириш сузи билан “Сенинг шаънингга, Ватаним” номи билан босмадан чикди – Жамият ноширлигида .

ИСТАНБУЛ

Москвада Туркия элчихонасига учраб, Мукамбархон ва болаларимга виза олишим, ўзим эса, паспортимни чўздиришим керак эди. Қоидага кўра, чет элдаги ватандош ўн йилдан ортиқ элчихона билан алоқаси бўлмаса, ватандошликдан чиқариб юборилар экан. Мен, вақтим кучлилик қилиб, бу жазога учрамабдурмен. Ватандошликдан чиқарилмабдурмен. Паспорт муддати чўзилди. Мукамбархонга ўн тўрт кунлик виза берилди. Расмий никоҳ жувздонини ҳам олиб қолишди. Шереметьево ҳаво майдонидаги таможнийчилар бир соатдан кўпроқ тинтув қилдилар. Уст-бошимиздан ташқари, арзигулик нарсалар йўқ эди. Шундай бўлса-да, турт ёшлик қизим Юлдузнинг қўлидаги сумкасини қарашиб, қўлланилган фотомаркаларини топиб, шу маркаларни ҳам биттама- битта текшириб, ўқиб кўрдилар. Тахмин қилдимки, Тошкентдан шундай каттик қаралишимиз учун таможнийга маълумот келган бўлса керак. Ҳайтовур, таможний ишлами тугаб, самолёт ҳаволанди. Мени кўркув босди. Ҳали-замон орқадан ҳарбий самолёт келиб самолётни Москвага тушириб, бизни олиб қолишади деб. Эсимга телефон орқали маълумот бера олади-ку, Москвага қайтмай, Киевда туширсам бўлади-ку, деган ўй мияга сира келмади. Самолёт турк ҳаво чегарасига келганда ҳам менда кўркув бор эди. Самолётдан тушиб, таможний идорасига келганимда ҳам, бир неча кишидан сўрадим.

- Ҳақиқатан ҳам, бу истанбулми? – дедим.

-Чамадонларда нима бор? – деди таможний ходими.

-Уст-бошимиз бор. КГБдан зўрға қутулиб келяпман, – дедим. Ҳеч қайси чамадонни очмай, оқ бўр суриб кўяқолди.

ЖОЙЛАШДИМ

Маслакдошим Жаъфархонникига келдим. Ертўлада яшар экан. Бу ердан Маҳмуд кори, ёзувчи Саъди Сайхон кўчириб қўйди.

Ушанда ўн беш йиллик азобда ишлаб, 550 доллар пул билан қайтган эдим.

ЗИНДОН

Туркиянинг МТидан “Истанбул она” дўлу ёқасига ўтиб, Европа ёқасининг фалон еридаги фалон ерига келсин дейишибди. У ерда бир одам олдимга келиб:

—Жўрабекмисан, — деди.— Мана бу паспорт сеникими? Мен инспектор Нусратмен.

— Ҳа, — дедим. Паспортим сиёсий полисда эди. Бу одам каттарок жойдан келганга ўхшайди. Кейинча маълум бўлдики, МТИ дан келган экан.

—Қани, юр. Бизда шундай, — деб кўзимга қора ойнак тақиб қўйди. Коп-коронғу, ҳеч нарса кўринмайди. Машина ярим соатча юриб пастга тушдик. Нусрат инспектор дедик, Истанбулда бир иш қилолмайсиз. Қўлга олинасиз, деди. Билдимки, булар мени рус жосуси сифатида қўлга олибдурлар. Чархнинг найрангига қаранг, мен рус империализмига ашаддий душман бўлсам-у, булар бўлса, мени рус адиби демоқдалар.

Машина тўхтади, тушинг, дейишди.

— Қўлимдан ушлаб юринг, оёқ остингизда пиллапоя бор, — деди кимдир. Ичкари кирдик, ўлтирдик. Икки кишидан бирининг оти Жамол, бирининг оти Камол эмиш. Каттаконининг исмини айтмадилар. Унинг қўлида тўппонча, у одам замон-замон тўппончани ўйнатиб қўймоқда.

Чўнтагимдаги нарсаларни чиқариб, барини бир халтага солиб, халтанинг оғзини муҳрлаб қўйишди. Ташқаридан бир аскар кирди.

—Олиб бор, — дейишди. Аскар бир уйга олиб борди. Уч-икки метр кенлигидаги хона, калавот, маса, сандалия бор. Бошқа бир аскар ташқаридан кийим кўтариб кириб:

— Мана буларни кийиб ол, ўзингникиларни мана бу

халтага сол, — деб, иккала аскар уйдан чиқиб кетишди. Бирпасдан кейин кириб халтасини олиб кетишаётиб: — Керак бўлсак, эшикни черт, аскар келиб олиб боради, — деди. Бирпасдан кейин дарвозани чертиб, бир одам келди. У фотограф экан. Расмимни туширди.

— Орқадosh, сенда бир ҳуқуқ бор. Ния олтмиш миллион одам ичиндан сени билмушлар, — деди. Соат бирларда емак қўйиб кетдилар. Хуфтондан кейин идорага олиб боришди. Ҳалиги каттакон:

— Эсингни таниганингдан бериги ҳаётингни гапириб бер, — деди. — Тўғри-тўғри гаплаш, ёлғон аралашмасин, ёлғон гапирсанг, билиб оламиз. Тошкентда нима қилиб юрганингни яхши биламиз. Бошқа чет ўлкаларда нима қилиб юрганингни ҳам жуда яхши биламиз. Ўзингнинг туркистонликларинг ҳам билдириб туришади. Мисол учун, мана мактуб. Бу мактуб Америкадаги ватандошларингдан Туркия президенти Канон Эвранга келибдур. Мана, ундан бир сатр ўқиб берамен:

“Жўра корининг капиталист дунёга қайтиб келиши туркистонликлар учун бахтсизлик бўлди. Русча биласанми, йўқ? Ёлғон гапирма, Мисрдаги рус консули Александрга нима дединг? Мана бу кассетада ёзилган.

— Ҳа, тўғри, беш-ўн калима-сўз чет тили бўлиб қолмайди. Тил билиш гуноҳ эмас, деб ҳаётимни гапира бошладим, ҳар оқшом ахвол шу эди. Мингбоши дўк билан:

— Устингга ит қўйиб юбормокчи бўлиб турибмен. Физики дурумнингни уйлаб турибмен, — деди.

Кридорда бир кишини роса калтаклашиб урдилар. Одам бечора дол-вой қилди. Ҳаётим хикоясини қилиб бўлдим. Ишонсаларингиз шу, мен замонавий миллатчиман, тушунинглар. Ишонмасаларингиз, Америкада бир тур сандалия бор экан. Ройналд Рейгон масъул лавозимга тайин қилишдан олдин номзодни ана шу курсида қабул қилар экан. Бу курсида ўлтириб сўзлашган одам ёлғон сўз айтолмас экан. Сизларда ҳам шу ростгўй стул бўлса, келтиринглар. Шу столда ўлтириб ҳаётимни бошдан айтиб берайин, (Агар бирор жойда арзигулик ўзгариш бўлса, қўлингиздаги тўппонча билан

пешонамга ўк ўзинг. Розимен) дедим. Улар ўша стол бизда бор. Сени унга ўтказмок сенга ҳурматсизлик бўлур. Мен ўз ватанинг —Ўзбекистонни она тилинг ўзбекчани севамен ҳамда иккинчи ватаним Туркияни ҳам севамен, демоқдасен. Ундай бўлса, нима учун совет Русиясига кетишингни бизга айтмай кетдинг, дейишди.

— Сиз сенту ноту фактларига аъзосиз. Мажлисда ўлтириб биздан бир фидокор ватандош борса, қайтмаслигига қарамай, совет ўзбекистонига кетди, десангиз, ўша ердан бу гап айланиб-айланиб руслар кулоғига борса, мен ултиматик равишда сизнинг одамингиз бўлиб қолиб, камалиб кетмасмидим? Ҳолбуки сизнинг одамингиз эмасмен. Яна бир гап. Сиз боравер, десангиз ҳам, менинг миллий ҳаракатимга иштирок этган бўлиб қоласиз. Йўқ, борма десангиз, борма қўйсам, қамокдаги онамдан хабар ололмай қолаверардим-ку. Она юртим она демакдир. Ёки сизнинг таълимотингизга кулок солмай кетаверсам, иккинчи она юртим Туркия гапига кулок осмаган бўлардим-ку, дедим. Шундай қуркинч жойда ўзбекона имону эътиқодимни пок сақлаб билдим. Сира кўркиб кетганим йўқ— пўписа бўлсаям.

МУКАРРАМХОН

Полис тайин қилган ердан қайтиб уйга келмаганим учун Мукаррамхон кўп хавотир бўлган. 75 ёшлардаги Ҳасан ака исмли қримлик кўшнимиз бор эди. Кўп яхши одам эди. Унга воқеани айтади. Қор гупиллаб ёғиб турган совуқ ҳавода Онадўлу кварталидан автобус билан Қодикўйга боришади. У ерда кемага тушиб, қарши ёқасига — Қоракўйга, у ердан метрога тушиб, кейин таксига чиқишади. У ердан такрор автобусда Мажидиякўйга, у ердан такси тутиб, Ғайраттепадаги сиёсий полис идорасига боришади. Қоровул полис тепадан ижозат сўраш керак, дейди.

Мукаррамхон Ҳасан отанинг қўлидан ушлаб тепага юради. Полис югуриб келиб монe бўлади. Мукаррамхон полисни итариб юбориб, йўлида давом этади. Туркияда

хонимларга катта марҳамат билан қаралади. Полис яна Мукаррамхонинг олдини тўсади. Мукаррамхон уни яна каттиқ итариб юборади, полис йиқилиб тушади. Мукаррамхон фурсатдан фойдаланиб, пиллапоядан юқорига қараб қочади. Қуролли полис қувлаб чиқади. Ҳамма ҳайрон. Полислар Мукамбархоннинг олдини тўсиб олишади. Қоровул полисга дейди:

– Вазифангга бор.

– Биз гаплашамиз.

– Қаёққа борасан?

Сиёсий полис мудир:

– Урхонбекка борамиз.

Полислар:

– Ҳа, бор, – дейишади.

Учинчи қаватга чиқиб, биринчи шубанинг мудир Урхонбекка учрайди. (Сиёсий полис мудир)

– Хўжайиним йўқ. Полислар ана шу шўъбаданмиз деб чақиритган эди. Қайтиб келмади, – дейишади.

Сиёсий бўлим мудир:

– Ташқарига чиқиб ўлтир, суриштирамен, – деди.

Мукаррамхон соат тўққизда уйдан чиқиб соат бирда Ғайраттепадаги биринчи шўъбага борган эди. Ташқари интизорхонада шу кўйи соат тўртгача ўлтиради. Полислар овқат ейсанми? – дейишади. Йўқ, дейди. Чой беришади. Соат учда Урхонбек чақиртириб:

– Хўжайининг ҳукуматнинг меҳмони, эрталарга келади. Сен уйингга кетавер. Хафа бўлма, бирон нарса йўқ, – дейди.

ЗИНДОН-2

– Кечкурунги терговда хониминг биринчи шўъбага келган экан. Ҳукуматнинг меҳмони, кетавер, келади, – дебдурлар.

Эртаси кечаси соат ўнларда машинада бошимга шол ёпиб қўйиб, машинани эски полис бир шопир ҳайдаб, уйга олиб келиб қўйишди. Йулда нафасим қайтиб, ўлишимга сал қолди.

ВАТАНДОШЛАР

Туркиядагина эмас, чет эллардаги ватандошларнинг кўпчилиги менга шубҳа билан қарашди. Иқтисодий ижтимоий байкот қилишди. Тўйларига, меҳмондорчиликларга айтмаслик кўча-кўйда кўриб қолса, тескари қараб кетишлар ёки кўрбоши қарашлар каби кўполликлар... Бу назокатсизликларга Туркияда профессор Аҳад Андижон, Саудия Арабистонида Зухриддин Эркин раҳбарлик қилди. Айрим ватандошлар назокатни қўлдан бермай, зиёфатларига, тўйларига даъват этиб турдилар. Ўша йиғилишларда Аҳад Андижоннинг таъсирида миллий туйғу ташимаган довдирлар моҳовдан қандай хазар қилинса, шундай хазар қилиб қочадиган бўлиб қолишди. Биз ўлтирган сандалиянинг икки ёни бўлиш қолар эди. Айрим кишилар билиб-билмай ёнимизга ўлтиргудек бўлса, профессор Аҳад Андижон чақириб оладиган бўлди.

АҲАД АНДИЖОН

Холбуки профессор Аҳад Андижоннинг отаси Йўлдош Ҳожига, опаси Шарофатхонга Қобулда яхшиликлар қилганман. Шарофатхонни Қобулдаги хотинлар сиёсий камуқхонасидан чиқариб олувдим. Акаси Абдурахимжон ҳар сафар Қобулга келса, бизнинг меҳмонхонамизга тушар, меҳмонимиз бўларди. У даврда Қобулда биттагина отел бор эди. Саройдаги хужралар ифлос, пуллик эди. Бизнинг уйга тушганлардан бирор чақа ҳарж олмай, икки маҳал озиқ-овқат бериб турар эдик. Қобулда ҳеч ким бундай бағрикенглик кўрсатмаган. Профессор Аҳад Андижон мен билан дипломатик юзасидан бўлса-да, бирор марта сўрашган одам эмас. Энди Аҳаджоннинг ўзига ҳам баҳо бериб ўтайин. У аслида сиёсат одами эмас, жарроҳ, доктор, қандай жарроҳлигига баҳо бериш менинг ишим эмас. Бу сатрлар орқали кўрганларимни айтиб ўтайин: Саудиядан келган Убайдулло Ҳакимни амалиёт қилди. У ўлди. Урдудан келган Хусайн қозоқни амалиёт қилди, у ўлди. Шокиржоннинг ўғлини амалиёт қилди, у ҳам ўлди. Абдулло Яшин ҳам ўлди. Шунинг сингари анча ва-

тандош унга сигиниб келди, ўлди. Масъуд Йилмос эса, унинг кулоғидан ушлаб, олиб бориб она ватан партиясига аъзо қилиб қўйди. Партиянинг раҳбари Масъуд Йилмос партиянинг марказий комитетига аъзо қилди. Сайловда она ватан ғолиб чиққандан кейин Масъуд Йилмос уни вазирлик мартабасига кўтарди. Ҳолбуки, Аҳад Андижонни Туркиянинг ҳеч бир жойида ҳеч кимса сиёсий жиҳатдан танимас эди. Бу ҳаракатларда Масъуд Йилмоснинг мақсади Аҳад Андижонни оёғи боғлиқ сайратма бедана қилиб Ўрта Осиёга ташламоқчи бўлди. Шу даврда яна сайлов бўлди. Партия халқдан овоз ололмади. Аҳад Андижоннинг пантуркистлиги йўқолаверди. Ниқоб фош бўлди. Икки масжид орасида бенамоз Аҳад Андижоннинг Туркияда ҳам, Ўзбекистонда ҳам эътибори қолмади. Сиёсий одамлиги ўлди. Қандай бўлмасин, жарроҳлигида қолди. Докторлигида қолди.

ЗУҲИРИДДИН

Зухириддин Обидий, сўнгра Эркин, сўнгра Туркистоний асли ўшлик, Саудия Арабистонидаги ватандошлар орасида менга қарши пропагандани қувиб юрибди. У, бу қаршилиқни 1950 йилда Карачидаги Усмон маъмурга юборган хати билан бошлаган эди. Вали Қаюмнинг Саудиядаги вакили деган мавқеидан фойдаланди. Мени Саудиядан ҳайдатиб юборди. Робита билан алоқаси бўлгани учун, бу ишни қулай билганди. Бу одамни яхшироқ ўрганиш учун унга Нурали Қобул томонидан ёзиб берилган китобнамо асар орқали билиб олиш мумкин.

ТАН БЕРИШ

Саудия Арабистонидан Олтинхонтўранинг қайнбиродари профессор Қаюмжон Истанбулга келиб, мени шаҳар марказидан узок кварталдан топди. У билан бир-икки учрашдим. Ахири-да у дедик, мен сиз билан коммунизмни тортишамен, деган ният билан келувдим. Сиз менга айтилган одам эмас экансиз. Балки менинг кўзим, фикрим очилишига сабаб бўлдингиз. Сиздан узр тилаб,

рахматларимни ҳис этарли даражада билдириш учун минг доллар нақдина яна бошқа ҳадя берди. Саудиядан Ёкубхўжа Комилжон Андижоний кўлидан 500 доллар юборди. Менга мана шу ҳадялар анча далда бўлди. Демок истайманки, айримлар қанотимни кўтарган бўлса, айримлари фикрсизликлари иллат бўлиб, сабаб бўлиб яхшиликдан маҳрум бўлиб қолишди.

ШУМ ОЛА ҚАРҒАЛАР

Бу орада миллий Туркистон Бирлик кўмитасининг президенти Вали Қаямхон менга қарши “Ғурбатда ғариб шум олақарғалар” номли икки жилдлик китоб ёзиб, Германияда нашр эттирди. Бу асарлар чет элдаги ватандошларга таркагач, душманларим китоб таъсирида кучайиб, далил соҳиби бўлган киши бўлиб, яна ҳам жазавага келиб қаршилиқ кўрсата бошладилар. Бу асарларни Шавкат Ойнуrol уйма-уй юриб, профессор Аҳад Андижон раҳбарлигида юртдошларига етказди. Ҳолбуки, Шавкат Ойнуrol биздан аҳвол сўраб, хабар олиб, майда-чуйда ишимиз бўлса, ёрдамлашиб турган фидокор йигит эди. Мавзу тушунарли бўлиши учун китобнинг айрим саҳифаларини қуйида келтириб ўтмоқчиман:

“ШУМ ОЛАҚАРҒАЛАР

Туркистон халқи ўзига ёт, ёмон фикр ва ниятда бўлган ярамас кишиларга “шум олақарғалар” деб ном беради. Туркистоннинг машҳур шоири Чўлпоннинг «Қарғалар» номли шеъри халқимиз ичида тирик ва уни яширинча ўқийди. Бунини Чўлпоннинг Олтин китобидан олдик. Ҳақиқатда эса, Чўлпоннинг «Олтин китоб» номли бир китоби йўқ. Лекин халқимиз унинг шеърларини қалбларида сақлаб, ёддан биладилар. Чунки Чўлпоннинг китобларини КГБ тўплаб олиб ёндирган. Лекин Чўлпоннинг миллий ғояси ҳали ҳам ўлган эмас. Тирикдир. Чунки бу “шум олақарғалар» кўлида халқимиз эзилмоқда. Ва бу шумларнинг қутириб вағиллашлари ва қағиллашлари элимизнинг жонига тегди. Ва тегмоқдадир.

Бу “шум олақарғалар”дан бири эса, Жўра кори Бўтакўздир. У ўз истаги билан Тошкентга бориб, 15 йил шум русларга хизмат қилди. Руслар билан бир жабҳада туриб, уларнинг КГБ расмий «Ойдин» газетасида фаол хизмат қилиб, бирдан энди оиласи билан Истамбулга келди. Ким ва не учун уни оиласи билан, яъни учта боласи ва хоними билан хорижга чиқарди. Нима учун ўзи мактаб кўкка кўтарган советлар дунёсини ташлаб чиқди. Барчага маълумки, КГБнинг ижозати билангина ишончли киши хорижга чиқа билади. Ва ҳақиқатда эса, шундай ҳолларда унинг оиласи гаров ўларок Туркистонда КГБнинг қарамоғида қолади. Фақат Жўра кори эса, оиласи билан юртдан чиқди.

АҲМОҚНОМА

Олақарғалар китоби тарқатилгандан кейин, юқорида айтганимдек, юртдошлар орасида миш-мишлар, шовшувлар кўпайиб кетди. Аҳмоқномани танқид қилганлар ҳам майдонга чиқа бошлади. Америкада истиқомат қилаётган миллий шоиримиз Эргаш Учқун ўз мактубида Вали Қаюмнинг асарини каттиқ танқид қилиб чиқди. Алоҳида 8 варақли танқиднома ёзиб, Вали Қаюмнинг ўзига ҳам юборибдур. Мукаррамхон “Олақарғалар”га жавоб ёзинг, деб маслаҳат берди. Мен Вали Қаюмнинг ёштини ҳурмат қилиб ҳамда ватандошлар орасида борган сари тарафкашлик кенгая борганини кўриб, жавоб ёзсам, яна фасод оловланади-ку, яхшиси сабр қилайин деб юравердим. Яна бошқа орқадошлар оқора-кунда бир жавоб ёзишимга ундади. Маслакдошларим жавоб ёзишга тарафдор эдилар. Мукаррамхон аччиғланди. Сиз дунёдан ўтгандан кейин довдирлар болаларимга коммунистнинг авлодисизлар, деб хижолат қилсалар, болаларим ер чизиб ўзини, сизни мудофаа қилолмай ўлтираверадими? Ҳолбуки, сизни таниганидан бери ўз қондангиз қолиб, элу улусимиз кайғуси билан яшар экансиз. Афсуски, болалар бу ҳақиқатларни ҳам тўлиқ билишмайди. Энди тилагим шуки, ё жавоб ёзасиз, ё айриламиз, деди.

РАДДИЯ

Мукаррамхоннинг илтимосидан кейин Олақарғалар китобига раддия ёзим. Раддиянинг номини “Ҳийлағар тулки”, Вали Қаямнинг китобини эса, “Аҳмоқнома” деб атадим. Китобнинг асли она тилимиз – ўзбекчада ёзилди. “Ҳийлағар тулки”ни Мукаррамхон таҳлил қилди. Туркчасини эса, қизим Севинч таржима қилди. Бунинг учун уларга ташаккур қилурман. Ўқувчи мароқини эътиборга олиб, “Ҳийлағар тулки”дан ҳам айрим саҳифаларни эътиборингизга ҳавола этсам, яхши бўлар деб ўйладим.

ҲИЙЛАГАР ТУЛКИ

Маълумки, китоблар ўзига хос сабаб билан ёзилиб, ўқувчига тақдим этилади.

Қўлингиздаги «Ҳийлағар тулки» ҳам ана шу қоидага кўра юзага келди. «Олақарғалар» исмли китоб чиқиб, тарқатилганидан хабарсиз эдим. Хайрини кўргур бир дўстим келтириб берди. Ўқиб қарасам, мазмунларида аниқлик йўқ. Хадапи шахсиятчилик бўлган бу рисола-нинг ҳар бир сатри фасод уяси бўлиб кўринди кўзимга. Шунинг учун фикр билдиришга аризулик бир нарсасиз, деб ташлаб қўйган эдим. Кейинги вақтларда Саудия Арабистонидан, Америка қўшма штатларидан, Туркиядан баъзи оғаниларим «Аҳмоқнома»га жавоб ёзиб қўйсангиз бўлар эди, деган мулоҳазаларини такрорлаб қолдилар. Уларнинг илтимосини эътиборсиз қолдириш эл ичида ҳайратга сабаб бўлар эди... Ана шу мулоҳаза чиқиб қолганидан кейин қисқача жавоб ёзишга мажбур бўлдим. Энди «Олақарғалар»га берилган раддия қанчалик зарбали бўлган-бўлмаганини китобхондан эшитаман.

Ҳурмат-эҳтиром ила – Жўра қори Бўтакўз

ҲИЙЛАГАР ТУЛКИ

Ҳақимиз одатда жуда айёр, қинғир-қийшиқ қилмишлардан уялмайдиған, оғзи қон бўла туриб, қўйдек юввош кўриниб, гуноҳсиз кишиларга тухмат тошини отиб, арзон

шуҳрат кидирган, халқ ичида ўзини олийжаноб кўрсатиб юрувчиларга хийлагар тулки дейдилар.

Ана шундайлардан бири кўп йиллардан буён Ғарбий Олмонияда яшаб келаётган Вали Қаюмхондир. У 1985 йил Нисон ойида менинг ҳақимда «Олақарғалар» номли рисола нашр этди.

Рисола бошдан-оёқ мунофикона руҳда ёзилган бўлиб, кўп қисми ҳақиқати йўқ уйдирмалардан иборатдир. Мен рисолани ўқигач, ҳам севиндим, ҳам ачиндим. Севинишим шу бўлдики, у хийлагарнинг ниқоб остига яширинган башарасини аниқ кўрдим. Ачинишим шундаки, у уйдирмалари билан халқнинг бошини айлантириб, бир-бирига бўлган самимий муносабатларига раҳна ташламоқчи бирликни, баробарликни парчалаб юбормоқчи бўлади.

Вали Қаюмхон рисоланинг кириш бўлимида Туркистон халқ шоири Чўлпондан ҳикоя келтириб, ўқувчининг зехнини чалғитмоқчи бўлади. Чўлпон тасвирлаган «Олақарғалар» ўзи бўлатуриб «Халойиқ, ўғрини ушланглар» деб аюханнос солмоқда.

Мен жуда кичик ёшда эканман, катта бувим ва тоғаларим раҳбарлигида маълум мажбурият остида ватандан чиқдик. Бир қанча чет мамлакатларда яшадик. Ёшим улғайган сари ватанни излаб, унинг зиёратига бориш миллатимнинг ҳол-аҳволидан хабардор бўлиш каби туйғулар уйғона бошлади.

Хужумий ишқдин жисмимда бўлди тоблар пайдо,
Талотум қилса дарё, бўлгуси гирдоблар пайдо.

(Сирожий)

ЗУҲИРИДДИН

Уша асар босилиб чиқканидан кейин кутилмаган зарбага учраган қарши тараф яна жазавага келиб бечоралигини сезгач, узини йўқотиб қуйди. Зухириддин Туркистоний беҳуда пропагандасини кучайтирди. Қуринишда туркистоний аслида Робитанинг югуртаки бу одам 1950 йилда Карачидаги Усмон маъмурга юборган хатидан бери менга катта

зарба берувди. Карачидаги туркистонликлар жамият хонасида каттик купчиликнинг тарафидлан калтакланган эдим. Унда ҳам шу Вали Каюмчиларнинг роли бор эди. Мени калтаклаган ун икки чоғлик кора жохиллар Муминжон маргилоний, исломий жэамиятнинг малайи Аъзам Хошимий, йўлдошвойлар бўлса, уларнинг у дахшатли хузурида Зухириддиннинг мактуби ҳам ктата рол уйнади. У мактубнинг хақиқий мазмунини Усмон Маъмур мендан яширди.

МУСАЖОН АФАНДИ

Мен Тошкентдан Истанбулга қайтганимдан кейин Мусажон афанди Собир Сайхонга хат юборади. Афсуски, Собир Сайхон ҳам бу мактубни менга кўрсатмади. Ўзи эса, уша хатнинг таъсирида қолди. Жаъфархонга айтган сўзида Жўра қори у эски Жўра қори эмас, Тошкентдан ўзгариб келган, дебди. Бу сўздан тахмин қилдимки, Мусажон афанди юборган хатида юқоридаги мақолада фикр юритган бўлиши керак. Шундан кейин Собир Сайхон ҳеч қандай сабабсиз бизга келманг деди. У жаноб ўзининг иқрорига кўра, Ҳийлагар тулки номли асарга раддия ёзишга киришади-ю, бирор натижага бормай, сиқилиб, ҳаракатини тўхтатиб қўяди. Ҳолбуки, Сайхон жаноблари Тошкентдан Истанбулга борганимда яхши кутиб олиб, ҳолимдан хабар олиб турди. Европа ёқасидан Қодикўй ёқасига бизни кўчириб қўйди. Бу ишдан миннатдорман.

СОБИР САЙХОН

Тез-тез сиз билан фикрдош бўлганим учун иктисодий зарбага учрадим, мана, ўғлим Наждатга паспорт беришмаяпти дер эди. Шунинг учун мен сўлнамо, ўзбекона фикрлар, яхши-ёмон тарафлари билан меники, бу масъулиятни ўз бўйнимга оламан, дер эдим. Чунончи, Туркия аскарӣй ташкилотининг зиндонида ётган кунларимда ҳам юқоридаги фикрларимни уларга айтиб, Наждат Сайхонга паспорт берилишини илтимос қилувдим. Зиндондан чиқиб, истигфоротдаги воқеани Сайхонга айтиб, у кишини табриклайин деб уйига борсам, Шавкат Ўзулу хоними

билан меҳмон экан. Бу меҳмондорчилик Наждат Сайхонга паспорт берилиши муносабати билан таъкидланган эди. Совуқ қаршиландим. Ҳаракатни ким қилди-ю, ким шарафланмокда эди.

МАҲМАДХОН

Асли марғилонлик Маҳмад Сайхон 1946 йил Қобулда кўрбоши Шерматбек томонидан қаттиқ енгилганидан кейин, Маҳмад Сайхон бу мағлубиятга чидай олмай, ўзича бизнинг уйга келди. Ҳурмат билан меҳмонхонага олдим. Камгап, ўйчан кўринди. Емақдан сўнгра ҳам аҳволи оғир эди. Кеч соат 12 бўлиб қолишига қарамай кетгиси йўқлигини сездим. Кеч бўлди, қолаверинг, дедим. Қарасам ухлаш нияти йўқ. Меҳмонхонада ёлғиз ўзим эдим. Шубҳаландим. Ўйлаб кўрсам, ёмон бир ниятда келганга ўхшади. Мен ҳам кўзимга уйқу келтирмадим. 1955 йил Истамбулда ҳам Зафаржонни ўлдираман деган эди. Маҳмадхон миллий мулоҳазаларимда мафқурадошим бўлиб қолармикин?— деб, эҳтиёжи бўлганида 8000 турк лираси берувдим. Яна Юсуфкоридаги 12 минг турк лираси пулимни ҳам ҳавола қилган эдим. Эллик йил илгариги бу пулларни бугунги баҳога ҳисобланса, жуда катта маблағни ташкил қилади. Ҳийлагар тулки исмли китобим чиққан йилларда Маҳмадхон Германияда, Вали Қаюмхоннинг хизматида эди. Абдуллажон ошпаз Германияга борганида Жўра корини ўлдираман дебдур.

Жонам гудохт боруз нигорон,

Жуйист нолон дар кўхи сорон.

(Жоним ёниб-куйиб кетди бу савдолардан,

Бир дарёки, йиғлаб-йиғлаб оқиб борар тоғлар аро.)

ДОКТОР СОЛИ

Асли қўқонлик Орифжон ўғли доктор Соли Ойнурод дарвозамизни тақиллатибди. Мен уйда йўқ эдим. Муқаррамхон:

— Марҳамат, қори акангиз бўлмаса, мен бор, — деб уйга олади. Доктор Соле:

– Вали Қаюмхон чет элдаги туркистонликларнинг раҳбари бўлса, қори акам уни каттик ҳақорат қилибдур, – дейди. Мукаррамхон:

– Ҳе йўқ, бе йўқ, дабдурустдан, беҳосдан бир шапалок урган экан, қори акангиз ҳам бир-ярим шапалок уриб қўйибди-да, – дейди.

АБДУЛЛАЖОН ОШПАЗ

У киши ҳам қўқонлик Олимжон каллапазнинг ўғлидур. Уйга келиб мени сўрабдур.

– Қорига хатар бор, профессор Аҳад Андижон каттик қарши бўлиб қолибдур, оқибати яхши бўлмайди, – дебди. Мукаррамхон:

– Ўзимиз ҳам Аҳаднинг бизга қарши сўзу ҳаракатларидан безовта бўлмоқдамиз. Тинчимиз йўқ. Энди рўпара келиб бирор баҳона чиқишига йўл қўйса, калла уриб қўймоқчимен, – дейди.

Бошиқа замонларда ҳам ўзини билмаган довдирлар шунақанги суроқларга муносиб жавобни Мукаррамхондан, мендан ҳам олиб туришди.

МУФТИ НУРИДДИН

Германиядаги мусулмонларнинг муфтиси эса, оёғи куйган жўжадек югуриб юрди:

– Жўра қорига уй ижара берманглар, хонавайрон бўласизлар, –деб. Қулоқ солганлар ҳам бўлди, ниҳоят, Тангрининг ўзи марҳамат қилиб, уй ҳам сотиб олганман. Хулоса: ниҳоят, енгилдилар. Ота- буваларимизда гап бор. Бировга чуқур қазисанг, ўзинг йиқиласан. Ўзлари қазиган надомат чуқурига ўзлари тушдилар. Мана, йиқилганликлари шу бўлса керак-да. Сиёсий фикрларининг чириклигини ўзлари ҳам пайқашди. На дунёнинг эркаги, на оқибатнинг хотини бўлишмади. Шунинг учун уларга икки масжид орасидаги бенамозлар деб қўйилган лақаб бўлиб қолди. Мафкурасизлик оқибатида ватанга йўл ололмадилар. У ёқ-бу ёққа ўзини уриб, гоҳ у бегона юрт мафкурасига берилиб, гоҳ бошқа юртнинг мода-

си ўтиб кетган, ташландик фикрларини янгидек кўтариб юриш каби ному нишонсиз юришга мажбур бўлдилар.

Ховарон аз шуълаи ман рушанаст,
Эй хунук мардики, дар асрий манаст.

Бу адашганларнинг айримлари араб миллий манфаатини ҳимоя қилмоқдалар. Ҳақиқий исломдан узоқ гумроҳ бўлиб қолдилар. Айримлари эса, туркчимен дедилар-у, Туркиянинг манфаати нимада эканини пайқамайдилар. Ўзбекнинг манфаати нимада? Уни ҳам пайқай олмадилар. Натижада, гапдан бошқа ҳосилоти йўқ, қуруқ пантуркист бўлиб қолдилар. Бирортаси ўзбек халқи учун бир иш қилдими? Ўз она тилида бир шапалоқдай асарлари борми? Азиз юрти, гўзал Ўзбекистон ҳузурида қайси юз билан туроладилар. Уларнинг юз тубан туришларига, сиёсий бечоралигига, маънавий камбағаллигига раҳмим келадиган бўлиб қолди. Демокчименки, аслида арабча сўзда панисломист бўлиб кўринган турк миллиятчиси деб гердайиб юрганлар ҳам миллиятчиликнинг ҳарфидан ҳам хабарлари йўқ, бефаросат эканликларини ўзлари ҳам фаҳмлаб маънавий жихатдан ўлди, дейилса бўлаверадиган аҳволга тушиб қолдилар. Шунинг учун энди уларнинг сиёсий жанозалари ўкилаверсин.

Ориф Казвиний шундай дейди:

Кори ҳарнест хирман куфдан,
Гови нарми мояду мардикухан.
(Хирмон кўтармоқ учун эшак эмас,
Керак ҳўкизу дунё кўрган инсон.)

ИШ

1983 йилда Мукаррамхон билан иш истадик. Топилмаганидан маъюс бўлавердик. Ўшанда Мукаррамхон ўтга чидамли ғишт чиқариш учун, Оташ туғла компаниясига танишимиз Буланбек воситасида ишга олинди. Лабораторияни ўз раҳбарлигида қурди. Ўзи ҳам мудир, ҳам ла-

борант бўлиб ишлай бошлади. Мен Баладия нонини со-
тадиган дўкон очдим. Болалар талаба бўлиб олдилар. Се-
вимни Лиса мактабига бермоқчи эдик. Афсуски, паспор-
тида бегона элнинг одами лицейда ўқиёлмайди, деган
муҳр босибдурлар. Истанбул таълим тарбия мудирлари ҳеч
иложи йўқ, қизни мактабга ололмаймиз, деб қатъий жа-
воб берди. Волийга мурожаат қилдим, ишни юқоридаги
мудирга ҳавола қилди. Мудир берган жавобини такрор-
лади. Эмният мудирлари таълим идорасига телефон қилди.
Натижа чиқмади. Ахийри, ҳукуматнинг юқори мақомлари
даврага кириб лицейга олинди. Ҳақиқатда, конунга кўра
мумкин эмас экан. Бунинг учун турк истиффоротига та-
шаккур этармен. Ўтга чидамли ғишт (огнеупор) саноати-
ни Ўзбекистонда ривожлантирайлик, деб шу билан биз-
нинг ҳам Ватанга кичик бир хизматимиз бўлсин, деган
яхши ният билан Тошкентга жўнадик. Юқори идораларга
учрадик. Давлат план кўмитасида орзумизни арз қилдик.
Саноат вазири ҳозир кўлимга бир қоғоз берилди, меҳмон
айтаётган хом ашё бизда йўқ, шунинг учун иншоот ғишти
чиқарса ҳам бўлади, деди. Мен: Иншоот ғишти ҳар бир
колхозда, ҳар бир совхозда бор. Биз айтётган саноат
ғишти йўқ. Ўзбекистонга Ёкутиядан, Украинадан келади.
Тоннаси палон доллардан чет эл пули тўланади. Биз айт-
ган ғишт ўзбек хом ашёсидан ўзбек миллий санъати бўлиб
чиқади. Биз ўзбекмиз, ўзбек пулига сотилади. Пул эса,
шу ерда қолади ҳамда Ўрта Осиё жумҳуриятлари Эрон,
Афғонистонга экспорт қилиб, валюта қозонилади, дедим.

– Бизда бу хом ашё йўқ эмиш-ку, – дедилар.

– Бор.

– Қаерда бор?

– Кўмир ҳавзаларида, Фарғонада, Термизда, Оҳан-
гаронда бор.

– Ундай бўлса, саноат вазири сизларга шароит ярат-
син, аввало Оҳангаронга бориб, хом ашёни топинглар, –
дейишди.

Оҳангаронга бордик. Лифт билан кўмир қониға ту-
шиб, биз истаган бойликни топдик. У Гулвата (куалин)
эди. У ердагилар бу нарса бизда чиқинди ҳисобида, юз

минг тонналар, қанчадан-қанча, бизга керак ерларни банд қилиб турибди. Бу керак бўлса, вагонларда бекорга ташиб берамиз. Заводга борадиган темир йўли қурилса бўлди, дейишди. Афсуски, ёзув-чизувларда кўп овора бўлдик. Биз ўрисча билмаймиз. Идорадагилар ўзбекча билишмайди. Ўзбек тилида ёзилди, барибир ўрис тилига кўчириш керак, дейишди. Ўрис тилига кўчирдилар. Бу сафар ўзбек тилидаги нусха йўқолибди. Саноат назорати, совхоз қурилиши, қишлоқ қурилиши вазирликлари – ҳаммаси иш бирлиги учун битим туздилар-у, сусткашлик қилдилар. Бу иш учун хом ашё Ўзбекистонда мўл бўлса, бизда тажриба, капитал бор. Ўзбекистондаги хунармандлик, инженерлик етарли бўлган миқдорда иш юрмади. Совхоз идорасида қурилиш тижоратидаги Неъматуллин ҳар ўн кунда бир йиғилганда яна бир оз сир олади-да, карточкаларни, планларни, шомул таркибини ўрганади, ёзиб-чи-зиб олади. Оқибатда англадикки, мақсадлари илмий сир (секрет)ларни олмоқ. У сирларни бирор фирмага сотмоқ экан. Бизни эса, овора қилмоқдалар. Бу орада икки йил овора бўлдик. Беш-ўн мартаба Истанбулга бориб-келиб, маъюс бўлиб қолавердик.

МАТБУОТ

Доктор Илёс “Шарқ юлдузи” журналида бир мақола эълон қилиб, мени уз улусимга танитмоқчи бўлди. Доктор Ҳабибулло Қодирий отам ҳақида бир мақоласи билан мени элга танитди. 1975 йилда бўлса керак, журналист Мели Жўраев “Умрим дафтари” китобида илиқ сўзлар билан эслаб қўйди. Аъзам Аҳрор “Ўзбекистон овози” газетасида эслаб, мамнун қилди. Ёзувчи Тоҳир Малик “Шайтанат” романида менга ҳам гўзал ўрин берибдур. Журналист Ислон Усмон “Мулоқот” журналида ҳикоя эълон қилди. Академик Аҳаджон “Ўзбекистон маданияти” газетасида бир мақоласи билан мамнун этди. Ёзувчи Собир Сайхон “Адашганлар” номли романида менинг ҳаётимни тасвирлабди. Эргаш Учқун гўзал мактубида анча салмоқли равишда эслади. Ёзувчи Шухрат домла

“Жаннат қидирганлар” романининг қаҳрамони сизсиз, дерди. Бу муҳтарамлар мени нечоғли танидилар. Нечоғли катта илтифот билан бу гапларни менга айтдилар, билмадим. Ҳар ҳолда, мени севинтирмоқчи бўлган бўлсалар, жойлари жаннатда бўлсин.

УЙҒОНИШ

1940 йилдан бошлаб охиста-секин мен диний асосда уйғониш ҳавасига кира бордим. Мана шу даврда Чўлпон шеърларини ўқиш шарафига муяссар бўлгандим. 1950 йилда Покистонда миллий туйғуларим онгли равишда ривожлана боришига мойил бўлдим. Ана шу туйғу сабаб бўлиб, расмий жамият курдим. “Турклар бирлиги” номли китоб ёздим. 1954 йилда Туркияга борганимдан кейин миллий туйғуларим яна ривожланди. Ўзбекистондан чет элнинг қайси шаҳрига бирор ўзбек келса, каерда, қайси мамлакатда бўлишига қарамай, бориб, уларни зиёрат қилгим келар эди. 1950 йилда бўлса керак, Ҳадича Сулаймоновани кўргани Карачидан Пешовурга борганимда ёнида Азимов исмли чилдирмачи ҳам бор эди. Афсуски, уларга яқинлаша олмадим. Негаки, у даврларда капиталист дунё полисидан ўта кўрқар эдик. 1955 йилда Туркиянинг Измир шаҳрида халқаро ярмарка очилди. Унда битта ўзбекни яқиндан кўра билдим.

Кейинчалик ҳар йил Фуорга, кўргазмага икки-уч киши Тошкентдан келадиган бўлди. Мен ҳам ҳар гал кўргазмага бориб, ватандошимни зиёрат қиладиган бўлдим. Журналист Зиё Амин, генерал Талъат Ориповлар билан ўша ерда танишганман. Шунингдек, Сурияга ҳар йили борар эдим. Пахта терадиган тракторни юргизиб кўрсатадиган йигит бўлар эди. Бир куни Шомда у мени хайрон қилди. Бу одам ҳам ўз улусимга, ўз юртимга бўлган ишқимни пайқамаган эди.

Ўша даврларда советлардан муфти Зиёвиддин Бобохонов ёки Исмоил Маҳдум раҳбарлигида йигирма бир киши Ҳаж ниятида Маккага келар эди. Мен Ҳажга бир неча маротаба бориб, фарзни адо қилган бўлсам-да, ҳаж

баҳонаси юртдошларимнинг зиёратига борар эдим. Бир гал Иорданиядан бордим. Ана шундай йилларнинг бирида Тоифда эдим. Минода ўзбек хожиларининг зиёратига Абдулла Исмоил билан бирга бордик. Зиёвуддин Бобоҳонов раҳбарлигида йигирма бир киши келибдур. Мен муфтига Тоифга ҳам чиқинглар, сизларни “Фундикуссалом” (салом меҳмонхонаси) да кутиб оламан, дедим.

Бир-икки кун ўтгач, отел хизматчиси югуриб келди. Бухорий хожилар кофиласи келди. Ҳамон пастга, кўчага тушиб уларни ҳурмат билан кутиб олдим. Улар чиқиб салонда ўлтиришган эдики, меҳмонхона соҳибларидан Абдулхожи қори келиб қолди. Мен ўшанда расмий равишда отел сандиғининг эмини, амалда эса, меҳмонхона мудир эдим. Меҳмонхонанинг уч соҳиби бор эди. Юздан эллик капитал наманганлик Абдулҳодий қориники, қолгани эса, Убайдулло Ҳаким андижонийларники эди. Абдулҳодий мени расмий идорадан хусусий идорага имлади.

– Жўра қори, бу қизил хожиларни нега отелга олдингиз? Бундан олдин Маккадан чиққан хабарда қизил хожилар билан кўришиш ман қилинибди дейилган фатво Тоиф шаҳрида тарқалган эди. Абдулҳодий қори шу хабарни ҳам эслатди. Менинг жавобим шу бўлди:

– Биринчидан, булар ўзларини мусулмонман деб, Ҳажга келдик, демокдалар. Уларга коммунист хожилар деб ном қуйиш қуръоннинг Хужрот сурасидаги оятга хилоф-ку, иккинчидан, уларга мамлакат эгаси виза берибдур. Тойифга чиқишларига ҳам ҳукумат ижозат берган, албатта. Учинчидан, ўзбек хожиларини меҳмонхонага олманглар, дейилган буйруқ расмий равишда бизга берилгани йўқ. Тўртинчидан, паспортларини ёзиб, Мабоҳес (сиёсий идора)га берамиз. Сиёсий ишлар сиёсий идоранинг кўлида эмасми? Абдулхожи қори ўйланиб туриб:

– Ҳай, ўзингиз биласиз, – деди. У икки жиҳатдан мени меҳмонхонасига мудир тайин қилган эди. Бири – дўсти эдим. Иккинчиси, чет элдаги ватандошлар орасида Истанбулда биринчи бўлиб отел очиб, юртдошлар орасида бу маслакни бошлаб берганман. Бу хусусда тажрибам борлигига ишонар эди. Чинданам шундай. Мана бир ҳикоят:

бир мисрлик ҳуқуқ профессори меҳмонхонага тушиб, хусусий уй олди. Беадаб културдан узок одам эди. Идорага чиқиб оёқларини қўли билан ўйнаб ўлтириб оладиган ода-ти бор экан. Хизматчи йигитларни гапга солиб, ўз хона-сига чақириб олиб, ишдан қўяр эди. Гох у хонани бер, гох бу хонани бер, деб каттаконлик қилар эди. Ҳамон баҳона қилиб, отелда турган, ижара тўлаган тўрт ойлик учун бер-ган пулга тўлов қоғози бермадим. Шу йўл билан конун олдида уни қарздор қилиб қўйдим. Ана энди отел ҳақини бер, чиқиб кет, дедим. Хафа бўлиб, ўзининг аёлини олиб, бошқа чамадонларини олмай чиқиб кетатурувди. Ҳамон хизматчиларни чақириб:

– Отел аёлини олиб кетмоқда. Мана, гувоҳ бўлинглар, – дедим. У аёлга, албатта, бизда фотура бор. Унда йўк. Йиғлаб қолди.

– Сени қори деб ихлос қилувдим, сени худога ҳавола қилдим, – деди. Аёлни ташлаб чиқиб кетди. Бир-икки кишини ўртага ташлаб, чамадонларини текшириб, зўрга қўлимдан қутилди. Сандикнинг хусусий дафтарига профессордан пул олганим ҳақида, маслаҳатга қўра, унга тўлов қоғози бермадим, – деб ёзиб қўйдим. Профессор отел эгаси Абдулҳодий қорига отел хужратини тўлиқ тўлаганман. Отел мудирини – қори эса, менга тўлов қоғози бермаган, деб арз қилибди. У:

– Бир доллар бўлса ҳам, тўлов қоғози бериш мажбу-рияти бор-ку, нимага тўлов қоғози бермадийкин? – деб-ди. Қори отел шерикларининг ўн беш кунлик мажлиси-даги бир воқеани ҳикоя қилди. Мен сейфдаги хусусий дафтарни пул қиримига ишланганини кўрсатдим. Отел соҳиблари қойил қолишди.

Юқоридаги сабабларга қўра, Абдулҳодий гапимни икки қилмас эди. Мен ҳам фурсатдан фойдаланиб, қорига дедимки, хизматчилардан иккитасини олинг. 21 адад аёлга, 21 кишилиқ чойшаб билан бошқа керакли нарсаларни, ҳаммаси қўлланмаган бўлсин, олиб беринг, дедим. Отел-да бу нарсалар бор эди. Мақсадим – азиз юртдошларимни қулланилган нарсаларда қутмаслик эди. Ватандошларим-ни Тоиф шаҳри билан таништирдим. Қори Абдулходи

хожилар билан кўришмади. Тўғри хусусий офисга ўтиб кетди.

—Ходий, хожилар билан кўришиб кўйинг, — дедим. Кўришди, янги нарсаларни юборди. Ўзбек хожилари билан мендан бошқа одам кўришмади. Кўрди. Муҳосибачи фотура ҳозирламоқчи бўлди. Ҳамон мусоҳибачига буйруқ бердим.

—Отелга тушган кишилар 25 доллар тўлайди. Бу хожи-ларнинг ётоқ пулларини юздан-юз орттириб, 50 доллардан ёз. Нонуштаю овқат пулларини ҳам юздан-юз баланд нархда ёзиб, фотурасини ҳисобимга ҳозирла, — дедим. Кейинчалик, Ўзбекистонда муфти бўлган Абдуғани Абдуллаев хайрон бўлиб қолди. Отелда шундай одат бор эди. Отел ужрати оддий халққа бошқа баҳо, амирлар тушиб қолса, нархлари тўрт баробар кўтариб фотура ёзиларди. Фотурани амирнинг вазири кўриб, қўл қўйса бўлди. Пул молиядан олиनावеради. Бутун шаҳзодаларнинг ахволияю ҳукуқи шу эди. Айтишларига кўра, Саудия ўлкасида минг-тача шаҳзода бор эмиш. Бирор бир иш қилсин-қилмасин ойликлари бор эди. Агар расмий хизматда бўлсалар, у ой-ликларини ҳам олаверадилар.

МИЛЛИЙ ҲАРАКАТЧИЛАР

1965 йилдан бошлаб Истанбулдаги, айниқса, Одинадаги ватандошлар ўзларини миллиятчи фахмлаб, сиёсий боқимдан Алп Аслон туркишчи бўлиб, расмий равишда миллий ҳаракат партиясига хайрихоҳ бўлиб қолдилар. У партия ўта ўнг партия эди. У партия вазиятдан тўлиқроқ фойдаланиб қолиш учун сайловда митингларда онда-сонда “Туркистон” калимасини қўллаб кўяр эди. Ўзбеклар, айниқса, қозоқ юртдошларимиз билан бўлган учрашувларда Туркистон озод бўлиши керак. Бунинг учун миллий ҳаракат партияси ҳаракатга келмоғи лозим, деб қўйса, содда ватандошлар коммунистларга, социалистларга қарши курашмоқ жиҳод эмиш деб ишониб, сўл ойдинларни ўлдиришларда иштирок этдилар. Ўз навбатида, сўлларни ўнглар ўлдиришди. Туркистон-

ликларни ҳам кўшиб ўлдирдилар. Қамокхонада ишладилар. Бу сўл тўполонларда миллий ҳаракат партиясининг органи “Ҳаргун” газетасининг бош муҳаррири Анвар Олтойнинг иштироки катта бўлди. Анвар Олтой ҳар гал бу сафар Жўра қори кўлимизга тушса линж қиламиз. Кофта (кийма) қилиб юборамиз дер эди. Афсуски, у даврларда турклар социалистни ҳам коммунист дейишарди. Чунки руслар ҳам социалистлик билан коммунизмни ҳам маъвий қилиб қўллар эдилар. Руслар ўзларини коммунист десалар-да, аслида, жаҳонда рус империализмини куриш учун учун коммунизм никобига бурканган эдилар. Шу боқимдан руслар, аслида, коммунист эмас эди. Улуғ империясини курмок йўлинда коммунизм калимасидан илмок ўрнида фойдаланардилар. Шундай мулоҳаза сабаб бўлиб, қаерда тараққийпарвар одам бўлса, у – социалист, рус малайи, қаерда муҳофазакор бўлса, у – Америка одами бўлиб кўринарди. Шароитнинг нозиклигини эътиборга олиб, мен ўзимни ўртанинг сўлиман деб танитар эдим. Шундай бўлса-да, сотқинлар мени социалист деб пропаганда қилар эдилар. Шундай хавфли қийинчилик бўлса-да, ўзбеклар орасида социализмни янатиб кўйишга муваффақ бўлдим. Ўнгнинг мени социалист дейишдан мақсади битта эди: улусни мендан қочириш. Қора кучларни жазавага келтириб, менга ташлаш эди. Шунинг учун Покистон, Арабистон, Туркия ҳукуматлари мени сўл деб билишди. Таъқиб қилишди, мени азроилдек кузатиб юришди. Буржуйлар, унинг идеологлари, муллалар, миллиятчилар менга тинчлик беришмади. Ҳар жиҳатдан ўта оғир аҳволда юрдим. Афғонистонда икки маротаба қамалдим. 1952 йилда Покистонда ярим соатча озодликдан маҳрум бўлдим. 1955 йилда Истанбулда сиёсий полис текшириб, роҳатсиз этди. Советлар эса, мени миллатчи шубҳасида таъқиб қилиб юришди. 1969 йилдан 1983 йилгача мени руслар таъқиб қилиб, ярим қамокда ҳибс эттиришди. Тошкентда ўн етти йил расмий қамокда бўлмасам-да, озодликдан маҳрум бўлиб яшадим. Юқориларда айтганимдек, бу муддат ичида 50 километрдан нарига, айниқса, чет элга чиқа олмадим. Бу муддат менинг учун жаҳаннам бўлди. Ёшлигим,

соғлигим барбод бўлди. Умрим шундай қийинчиликда ўтган бўлса-да, пушаймон эмасмен. Чунки чет эллардаги улусимиз ичида ўзбек миллий социализмини ярата олдим.

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ҲАКИДА

Бирлашган миллатлар ташкилоти ўзини ўзи реформ йўли билан янгилаши лозим. Чунки бу идора қурилишида кўзда тутилган олий мақсадларининг айримларига амал қилмай қўйди. Хайрли ишлар анчагина қилинди, қилинмокда-ю, инсониятнинг орзуси мукаммал кондирилмади. Камчиликлар нима учун рўй берди? Бирлашган миллатлар ташкилоти ҳар ҳоли қорда тинчлик учун кураш бўлган миссиясини (вазифа) эътиборда тутмай, кўп ҳолларда дипломатик усулда иш кўрдилар. Холбуки, бу дипломатик элчихоналарнинг усули. Элчихоналар тавсия қилади. Маслаҳат беради. Бирлашган миллатлар эса, буйруқ бериши керак. Мустамлакачи мамлакатлар демократияга қарши кучлар буйруқни эътиборга олмаса, Бирлашган миллатлар ташкилоти радикаллашмоғи лозим. Чунки жаҳонда оқсоқоллик вазифасида сўз, буйруқ униқидир. Бундай тетик ҳаракат қилолмаса, бирлашган миллатлар ташкилоти ўзини ўзи йўққа чиқарган бўлади. Шунинг учун юқорида бу муҳтарам, олий идорага реформ керак бўлиб қолди, дедик. Бу олий идора ўзини ўзи янгиламаса, жаҳонга ўт кетади. Инсоният ярасига малҳам қўядиган ёки малҳам қўяоладиган куч дунёда қолмайди. Бутун олам жаҳаннамга айланади. Биринчи бўлиб, Бирлашган миллатлар ташкилоти ўзини тузата олсагина, ундан кейин бошқа ишларга навбат келади. Умидим шуки, ташкилот ичида узоқни кўрадиган, олийжаноб кишилар бордир. Ҳаммаси ҳам бойлик орттириш касаллигига мубтало бўлмаган бўлсалар керак. Дунёдаги мамлакатларнинг технократларидан, ўйлашимча, юздан бешигина инсониятга хизмат руҳида яшайди. Қолган юздан тўқсон беш текнократ эса, идора қилиш руҳида, пул тўплаш билан банд. Гўё уларсиз одамлар бир-бирини еб қўяди. Гуё тинчликни улар сақлаб туришибди. Ҳақиқатда эса, дунёда

кўзголон бўлишига ўзлари жавобгар. Демократия келмаган бахти қаро ўлкалар бахтсизлигига диктаторлар, улар қўл остидаги кичик диктаторлар, иктидорининг умрини узайтириш учун ҳаракат қилаётган текнократлар сабаб бўлмоқда. Мана бир мисол, дунёдаги энг катта хайрия ташкилотли бош котиби Бангимуннинг ойлик-маоши беш минг доллардан ортиқ бўлса керак. Ҳолбуки, дунёда ойлик- маоши юз доллар бўлмаган одамларнинг сон-саноғи йўк.

ХУЛОСА

Эй азиз улусим, асирликдан қутулганимизга керагича шукур қилмаяпмиз. Чет элларда юртимизни кўролмаган кишилар бор. Тамалдан (асосдан) ҳар жиҳатдан юртни, улусни юқориларга кўтариб ривожланган давлатлар издан бормоқдамиз.

Албатта, шуни ҳам эслаб ўтайлик, азиз Президенти-мизни жону кўнгилдан севган, соғлик-саломатлигини орзулаганлар жаҳонда тўлиб-тошиб ётибди. Дуо қилайлик: Улуғ Тангри муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовга мустаҳкам соғлик, доимо эсонлик берсин. Тангрига беадад шукрлар бўлсин.

«ҒУРБАТДА ҒАРИБ...»

Сўнгсўз ўрнида

Ғурбатда ғариб шодумон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтун кафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикондек ошиён бўлмас эмиш.

Алишер Навоий

Маълумки, ҳар бир китобнинг ўз тарихи, юзага келиш сабаблари, ўртага қўйган мақсади бўлади. Қўлингиздаги китобнинг ҳам ўзига хос томонлари бор, албатта.

Бу китобдаги воқеий ҳикоялар мустабид давр арафасидаги ва юртимизда кейинги йилларда рўй берган бузилишларга уйғунлаша олмай, бегона юртларга бош олиб кетган ватандошларимиз ҳақида ҳикоя қилинади.

Инсон ўз ватани билан барҳаёт, ватанидан жудо бўлган киши — ёлғиз ватанидан эмас, балки барча роҳатидан, яшаш завқидан ҳам ажралиб қолади.

Инсон — ақлу идрок соҳиби, гўзал табиатнинг гултожи. У ҳамма нарсадан азизу муқаррам. У ватанидан айрилгач, раҳму шафқатга муҳтож бўлиб, қалбларни ларзага келтирувчи аҳволга тушар экан, бундай манзарани муҳожир бўлган киши тўлиқроқ пайқайди, ибратланади. Лубнон, Суриядаги қочоқлар лагерида ибтидоий эҳтиёжлардан маҳрум Фаластин муҳожирларини, Эрон, Покистонда дарбадар юрган афғон қочоқларини кўз олдимизга келтиришимиз биланок, киши ўз она диёридан айрилиб, кайфичоғлигини йўқотиб, хор-зор яшагунча — яшамаган маъқул, дегимиз келади.

Туркманистон, Эрон чегараларидан қоча туриб, қум барханларида йўл йўқотиб, ташналиқда бир қултум сувга зор бўлиб, ҳаётдан кўзларини юмган, қароқчиларга учраб,

тўс-тўполонда якинларидан айрилиб қолган. Амударёдан ўта туриб, окиб кетган, Зоҳиршоҳ даврида Афғонистон камокхоналарида сўроксиз, ҳукмсиз ётиб, вужудини чиритган, ниҳоят, араб чўлларида йўқолиб кетган ўн мингларча, юз мингларча ватандошларимизни, билмадим, тарих билармикан?

Ўзбеклар ҳам гўзал табиатли, нозик дидли бўлади, улар ҳам она юртини, бошқа миллатларга ўхшаб севади, ардоқлайди. Қариндош-уруғини соғинади, қадрдон дўстларини кўмсайди. 1950 йилда Карачида асли кўконлик Абдуғофур қори ака билан танишиб, дўстлашиб қолдим. Бошланғич маълумотини Қўқон мадрасаларининг бирида олган, кейин қайси “атворлари” учун вватанини тарк этиб, бегона юртларга кетиб қолган қори ака мутолаадан баҳраманд, аҳли фаҳм киши эди. Пичоқ чархлаб, тушган даромадига кун кечирарди. Асирий таҳаллуси билан шеър битар эди. Унинг хали оққа кўчирилмаган, машк ҳолида қолган қуйидаги назмига қулоқ тутинг:

Кошки бўлсам эди ширин, гўзал Фарғонада,
Йиглабон умрим ўтар бу кулбаи гилхонада.
Орзу бул эрдиким, ичсам ажалнинг шарбатин,
Дилда армон йўқ эди Хўқанд деган майхонада.
Ул ватан обу ҳавоси руҳима эрди ғизо,
Гул каби яшнаб юрардим кўшк ила айвонида.
Гунчалар очилмайин, урди баҳоримни хазон,
Булбулигўё эдим, гул-гунча ҳам бўстонида.
Қайси бир атворларим бўлди бу кулфат боиси,
Мен асир қолдим бу кун бу шахри бедарвозада.
Соҳиби йўқ ит каби кездиму дунё мулкини,
Топмадим бир дил олувчи бу сафар давронида.
Оҳким, сад оҳким, бойкушлар ўлди улфатим,
Манзили маъволарим бўлди бугун вайронада.
Ўтди умрим, во дариғ, етса казо бўлғум фано,
Оҳ Асирий, йўқ нишон сендин бу ҳасратхонада.

Шеърдаги фироқ алангаси-ю, ҳасрат овозига эътибор беринг-а.

Ёки яна бир мисол: АҚШда истиқомат қилаётган Эргаш Учқун деган киши ҳам куйидаги шеърда Ватан иштиёқини қуйлайди:

Кел, ватан, сен Каъба бўлгил, мен инонғонинг бўлай,
Айланиб тегрангда доим, аҳли имонинг бўлай.
Бер ижозат, сидқ ила ҳокруби остонинг бўлай,
Ҳар замон садқанг бўлиб, бир лаҳза қурбонинг бўлай.

Хулоса қилиб айтганда, муҳожирликнинг сиёсий-ижтимоий сабаблари ҳар хил бўлса-да, ватан изтиробини бир хил айрилиқ нидолари суяк-суякдан ўтиб туради.

Асар муаллифи муҳтарам Илёс Фозилов бир неча бор чет элларга қилган саёҳатларида ватанидан узоқ тушиб қолган инсонлар кайфиятини мушоҳада қилади, айниқса, бир-икки бор Макка-Мадина каби ўзбеклар истиқомат қилаётган шаҳарларда бўлиб, у жойлардаги ватандошлар билан кўришиб, уларнинг дардларини эшитади.

Она юртинг омон бўлса,
Ранги рўйинг сомон бўлмас, —

деган оталар сўзи нақадар тўғри эканлигини ҳаёт кўрсатиб турибди. Муаллиф мазкур китобда ибратли воқеаларни қаламга олиб, хайрли иш қилди.

Демоқчиманки, Илёс Фозилов она диёр — Ўзбекистоннинг маданият, иқтисодиёт соҳаларида ўз оёғида мустаҳкам турганлигини шундай хабарларга зор фарзандларга билдириш билан, ўз навбатида, уларнинг она ватан дийдорига муштоқлик хабарини она диёрга етказиб турди. Ушбу йўл хотираларининг қиммати ҳам шунда.

Ушбу китоб муаллифи улуғ Алишер Навоийнинг куйидаги сўзларига амал қилиб:

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлағай,
Онча борки, Каъба вайрон бўлса, обод айлағай,

қариндош-уруғ меҳридан узоқда бағри эзилган кишиларнинг кўнглини обод қилди.

МУНДАРИЖА

Дардоғ ота.....	3
Тошбуви	5
Зулмдан тўйибди	7
Рус истилоси:.....	8
Эгамберди офицер ўлдирилди	10
Кўчирма	11
Қирғизистон.....	13
Олиб кетишди.....	13
Ўш.....	14
Ёққовок она	15
Масжид	16
Завод.....	17
Баҳор	17
Мактаб.....	18
Қамокхона.....	18
Тошкент сафари.....	19
Собиржон тоғам	21
Милпон.....	22
Эшакда	24
Фарҳор.....	25
Боғча.....	26
Болакай.....	27
Боксёрлик.....	28
Мадина орзуси.....	28
Сувчилар	29
Бошқа йўл	30
Газандалар	32
Ҳайвонот	32
Зиёратгоҳ.....	34
Пахталар етилди	37

Дарё	37
Хонобод.....	40
Бегор.....	41
Савдо-сотик	42
Окча сафари.....	42
Қундуз.....	43
Тошқўрғон.....	43
Мозори шариф.....	44
Балх	45
Окча.....	46
Мактаб.....	46
Йиғлоқи хотин	47
Дўппи тикиш	47
Шерарик.....	48
Ухлаб қолдим.....	49
Қовун пишди	50
Қовун сайли	50
Мактаб.....	50
Шукр ака	51
Кавушдўз.....	52
Авлиё тоға	52
Ҳолвафуруш.....	53
Қаймоқ	53
Товук.....	54
Яна сафар	54
Қобулзамин	55
Мутолаа.....	57
Истиқлол гашти.....	63
Қизикчи	64
Олмон жосуслари.....	65
Абдурашид бой.....	66
Саводхонлик	68
Хос қамоқхона	71
Гап-гаштак	71
Кечим қийинлашди	72
Хитой ҳам орага кирди	74

Бек камоқхонадан чиқди	74
Калтакланиш	75
Акбаржон оға	78
Сиёсий шубҳа	80
Қандахор сафари	82
Мастунг ҳаёти	85
Саккар	86
Ҳайдаробод	87
Янги исм	88
Карочи сафари	89
Қотиллар ўровида	90
Ҳиёнат	94
Ковунфуруш	95
Самиджон қори	97
Қори асрий	99
Маҳаматхон 420	101
Очиққа чиқдим	103
Маҳдум Сафдар	107
Товуқфурушлик	108
Балик кўргазмаси	111
Ҳожи давлат	113
Ҳожи Аскар	115
Таржимони афкор	118
Маҳмуд Ойқори	120
Абдулла Чиғатой	121
Қосимжон Чиғатой	122
Ҳожи жалил уйғур	122
Карачининг садри	123
Туш кўрдим	124
Карачида	125
Ҳожилар кофиласи	126
Раҳмат ҳожи	129
Баққолия	132
Мухит	133
Аҳмадхон	134
Касалхона	138

Мулла Ашур.....	140
Бугро.....	141
Умар хўжа	142
Туркия	144
Сарбаст.....	145
Сафар.....	147
Охунбой	149
Баҳрайн	151
Дубай.....	151
Даъватсиз меҳмон	153
Бағдод.....	154
Туркия	156
Ҳофиздан	157
Олтин.....	158
Яна ўғри	159
Ҳожи Ҳодий.....	160
Қозоклар.....	162
Ҳожи Ҳоди	162
Ҳофиз Маҳмуд.....	163
Тўй	164
Жамият	165
Ором курси	166
Таваккал бобур	166
Муборак соғар	169
Таблиҳчилар	171
Закки валидий.....	173
Марсин	174
Рўзимат.....	175
Сулаймон бойвачча	177
Полис.....	177
Қозок	178
Моҳтоб кечаси	178
Кечалар.....	179
Отахон ака.....	180
Аҳмаджон.....	181
Абдулло Ражаб	182

Нофизбек.....	182
Доктор Наим.....	183
Эркин қўл.....	184
Саъдулла қори.....	184
Мулла Таваккал.....	186
Шоир Патак.....	186
Доктор Восий.....	187
Желонпинор.....	187
Ўзбек такияси.....	188
1955 Йил.....	189
Шогирдлгим.....	191
Истанбул.....	191
Шом.....	193
Ўзбек саройи.....	194
Исмоил қори.....	194
Бағдод.....	196
Ҳайбагулло Муҳит.....	197
Жамият.....	198
Яланғоч.....	198
Қобилжон.....	199
Эрон.....	200
Нишопур.....	200
Тус.....	201
Нишопур.....	202
Оёқ синди.....	204
Талабалар.....	205
Машҳад.....	205
Амалиёт.....	209
Иккинчи амалиёт.....	209
Хоним раҳимиён.....	210
Бош ҳаким.....	211
Зиёратчилар.....	212
Доктор илё.....	212
Ҳожи акбар.....	212
Хазоралар.....	213
Рухсат олиш.....	213

Шойиста.....	214
Меҳмон.....	216
Касалхона.....	218
Туркмансарой.....	219
Али Табризий.....	220
Техрон шеvasи.....	220
Шоилҳом ака.....	221
Денгиз сафари.....	223
Хуррам шаҳар.....	225
Отел.....	226
Карачи.....	227
Тузатиш.....	229
Ҳожи асқар.....	230
Баҳодиржон.....	234
Ҳожи Расулжон.....	234
Мағрурлик.....	237
Илтимослар.....	243
Маҳкама.....	244
Мағбаа.....	245
Радио.....	249
Китоб келди.....	251
Ҳиндистон.....	252
Тешабой.....	252
Бул белён.....	254
Ойбек минораси.....	254
Говмишлар.....	256
Ҳайвонот боғи.....	257
Расадхона.....	258
Огира.....	258
Раҳбархоним.....	260
Ўтмиш кунларнинг бирида.....	261
Аҳмаджон.....	262
Пулгали.....	262
Шамсиддин.....	263
Ҳожи Абдурахмон.....	264
Ўлимдан қолдим.....	265

Саудиядан бир вокеа	265
Риёз	265
Тоиф	267
Макка	268
Султон домла	268
Жидда	269
Мусажон	269
Одина	271
Тортишув	272
Матлаббой	273
Қутлуг вокеа	273
Хоразмдан	273
Қаландарзода	274
Собиржон	275
Ўқтой	277
Классиклар	280
Боксёр	280
Ок шаҳар	281
Азроил	282
Қосим маҳдум	283
Отанур	284
Сайидали	284
Булужистон	285
Профессор ёркин	285
Шайтонлар	286
Яна умаржон	287
Санжар	287
Катта жанжал	289
Урдун сафари	291
Атир маҳдум	291
Ўзбек павилони	292
Қўрқув	292
Неъмат чойнак	295
Неъмат чойнак ii	296
Неъмат чойнак iii	297
Безовталар	297

Телефон	298
Беҳзод	298
Шайх юнус	299
Ҳожи анбар	299
Отел иши	301
Ватан ишқида	303
Сайид султон	304
“Армения”	305
Раҳбар қиз	306
Тошкент	307
Қори Ниёзий	308
Телевизионда	309
Тургунбой	310
Каримий	311
Эртаси	312
Хожибадал	312
Чирчиқ	313
Андижон	313
Ўш	314
Парвона	315
Ғуломжон	315
Махмуджон	315
Шоҳимардон	316
Наманган	316
Қўкон	317
Самарқанд	317
Латапия	318
Сурия	318
Ватанга қайтиш	319
Москва	320
Тошкент	322
Тўлқин Рустам	322
Мели Жўра	323
Миад Ҳаким	323
Турсунхўжа	323
Жамолиддин	323

Ойкорли	324
Уйланиш.....	325
Ватандош	326
Хусайн Тўйчи	326
Кўрганларим.....	326
Соғлик	327
Экономика.....	327
Матбуотда танкидий фикрлар	328
КТБ	328
Қобул	329
Афғон сафари	330
Тушунтириш	330
Иккинчи бўлим.....	333
Саёҳат изни	335
Самолёт	336
Кобулда.....	336
Жузжоний.....	337
Ҳирот.....	338
Қобулга қайтиб	338
Китоб	338
Истанбул	339
Жойлашдим	340
Зиндон	340
Мукаррамхон	342
Зиндон-2.....	343
Ватандошлар.....	344
Аҳад андижон	344
Зухриддин	345
Тан бериш	345
Шум ола қарғалар	346
«Шум олақарғалар»	346
Аҳмоқнома	347
Раддия	348
Ҳийлагар тулки.....	348
Зухриддин	349
Мусаҷон афанди	350

Собир Сайхон	350
Маҳмадхон	351
Доктор Соли	351
Абдуллажон ошпаз	352
Муфти Нуриддин	352
Иш.....	353
Матбуот	355
Уйғониш.....	356
Миллий ҳаракатчилар.....	359
Бирлашган миллатлар ташкилоти ҳақида.....	361
Хулоса	362
«Ғурбатда ғариб...»	363

8000 с.г.

ЖЎРА ҚОРИ БЎТАКЎЗ

БЎТАКЎЗНОМА

БАДИА

Муҳаррир: Шукур Қурбон
Техник муҳаррир: Дилмурод Жалилов
Рассом: Шухрат Одилов

Нашриёт лицензияси: АИ № 159, 14.08.2009.
Босишга 19.11.2013. йилда рухсат этилди.
Қоғоз бичими 84x108 ¹/₃₂. Офсет босма. Офсет қоғози.
Ҳисоб-нашриёт т. 17,0. Шартли босма т. 23,5.
Буюртма № 213. Адади 200 нусхада.
Келишилган нарҳда.

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти,
Тошкент шаҳри, Истиклол кўчаси 33.

МЧЖ «SHIDASP» матбаа корхонасида чоп этилди.
Тошкент, Шайхонтоҳур тумани, Собир Раҳимов кўчаси 70 б.